ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАШИД ЗОҲИДОВ

«САБОТУЛ ОЖИЗИН» АСАРИНИНГ КОМПЛЕКС ТАДҚИҚИ: МАНБАЛАР, ШАРҲЛАР ВА ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ МАТН

Тошкент
«»
2014

УЎК: _____
КБК: _____
___

___ Зоҳидов, Рашид
«Саботул ожизин» асарининг комплекс тадқиқи: манбалар, шарҳлар ва илмий-танқидий матн / Р.Зоҳидов. – Тошкент: _____, 2014. – 696 б.

ISBN 978-9943-____-_-_ УЎК: _____
КБК: _____

XVII-XVIII аср ва ундан кейин ҳам ўзбек адабиётида ҳеч бир манба халқ орасида Сўфи Оллоёр асарлари даражасида оммалашмаган. Шунинг учун бўлса керак, бу асарлар, айниқса, «Саботул ожизин» китоби доимо олимлар эътиборини тортиб келган. Ушбу тадқиқот ҳам Сўфи Оллоёр ижодини ўрганиш йўлидаги тарихий силсиланинг узвий давомидир.

Монографияда Сўфи Оллоёр шахси ва унинг асарлари биографиясини илмий асосда тиклаш, «Саботул ожизин» шарҳларининг тарихий-тадрижий тараққиётини кўрсатиш, асарнинг тўла илмий кўрсаткичлар билан таъминланган илмий-танқидий матнини тайёрлаш, «Саботул ожизин»нинг илмий-адабий манба сифатида ўзбек мумтоз адабиётида тутган ўрнини белгилаш каби масалалар тадқиқ этилган. Монография адабиётшунос, тилшунос тадқиқотчилар ҳамда нодир қўлёзма меросимиз мухлисларига муносиб туҳфа бўлади, деган умиддамиз.

Масъул муҳаррир:

Нурбой Жабборов,
филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Шуҳрат Сирожиддинов
филология фанлари доктори, профессор,
Акром Деҳқонов
филология фанлари номзоди, доцент

ISBN 978-9943-____-_-_
© Рашид Зоҳидов, 2014
© «_____», 2014

КИРИШ

Қадимий қўлёзмалар маънавий меросимизнинг моддий асоси бўлиб, уларни ўрганишга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлиги миллатнинг тириклигини англатади. Аждодлари тарихидан ибратланмайдиган авлод эртага йўлини йўқотиши, ўзлигини унутиб, таназзулга юз тутиши мумкин.

Бугун ўзбек халқи мустақил тараққиёт йўлини танлаб, жаҳон ҳамжамиятига ўзининг бой тарихи, туганмас маънавий хазинаси билан қўшилаётган экан, бу жараёнда ҳар бир соҳа вакилидан ихтисослик малакасини тугал даражада эгаллаш талаб этилади. Негаки, ҳар бир фуқароси етук мутахассис бўлишга интилган жамиятдагина мустақиллик неъмати том маънода ҳис қилинади, бу неъматнинг қадри ошади. Натижада ҳар бир фуқарода бу имконни бой бериб қўймаслик, балки уни охиригача сақлаш туйғуси шаклланади. Модомики, шундай жамият учун курашаётган эканмиз, барча соҳа вакиллари каби филологлар олдида ҳам фан доирасидаги турли ихтисослик йўналишларида кенг фундаментал тадқиқотлар олиб бориш вазифаси туради.

Шундай ишлардан бири XVII – XVIII асрларда яшаб, ижод этган мутафаккир адиб Сўфи Оллоёр илмий-адабий меросини, хусусан, «Саботул ожизин» асарини филологиянинг муҳим тармоғи ҳисобланган адабий манбашунослик ва матншунослик йўналишида комплекс тадқиқ этиш масаласидир. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда маънавий меросни ўрганиш, миллий қадриятларни тиклаш ишларига эътибор кучайди. Натижада миллат руҳиятида ўз-ўзини англаш туйғуси янада жонланди, соғлом ва

мусаффо эътиқодли аждодлар қолдирган нурли меросга ворис бўлиш иштиёқи уйғонди. Албатта, бу хусусиятлар жамиятнинг янгиланиш ва юксалишга бўлган иқтидорини кўрсатувчи зарурий омилдир. Эндиликда айни имкониятларни ишга солиш, ният холислигини амалда синаш даври бошланди. Шу маънода, қадим адабий манбаларни қўлёзма нусхалар асосида нашр этиш, уларнинг мукаммал изоҳлар, илмий кўрсаткичлар билан таъминланган танқидий матнини тайёрлаш, адабий манбашунослик ва матншунослик йўналишида янги илмий-назарий тадқиқотлар олиб бориш ҳар қачонгидан ҳам долзарб масалалардан бўлиб турибди.

Мумтоз адабиётимизга доир «Девону луғатит турк», «Қутадғу билиг», «Ҳибатул ҳақойиқ» каби қадимги туркий манбалардан то XIX аср охиригача эски ўзбек ёзувида битилган асарларнинг ғоявий-бадиий асоси изчил ўрганилса, уларга давомли бир бутун адабий ҳодиса сифатида қараш зарурати сезилади. Сўфи Оллоёрнинг «Саботул ожизин» асари эса мана шу тизимнинг муҳим ҳалқасини ташкил қилади.

Олим, мумтоз сўз устаси Сўфи Оллоёрнинг «Саботул ожизин» («Ожизлар саботи») асари то XX аср бошларигача мактаб ва мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган, бошланғич таълим жараёнида соғлом эътиқодни шакллантириш дастури ўлароқ эътироф этилган. «Саботул ожизин» кўпчилик олимларнинг тадқиқот объекти бўлганига қарамасдан, бу ишларда муаллиф ва манбанинг қайсидир битта жиҳатига эътибор қаратилган. Натижада қўйилган муаммо ечими жузъий характерга эга бўлиб, матннинг бир парчаси доирасидагина намоён бўлган. Шунга кўра, илмий-маърифий адабиётимизнинг етакчи вакили Сўфи Оллоёрнинг ҳаётий-ижодий биографияси ҳақидаги маълумотларни соф илмий заминда танқидий ва бир бутун ҳолида қайта ўрганишни бугунги вазият тақозо қиляпти.

Мумтоз адабиётимиз билан боғлиқ ҳар бир адабий ҳодисанинг фундаментал тадқиқи ўзаро боғлиқ уч муам-

мо – **ижодкор концепцияси**, **манба йўналиши** ва **матн аниқлигини** комплекс ўрганишга қаратилмас экан, назарий ва амалий аҳамияти тор доирада чегараланиб қолади. Эътибор берилса, тадқиқотимиз мавзуси мазкур учта масалага жавоб излаш асосига қурилган.

«Саботул ожизин»нинг ўрганилиш тарихини шартли икки даврга: XIX–XX асрларда қилинган ишларни қамровчи *илк давр* ва Мустақилликдан даврида амалга оширилган ишларни ўз ичига олувчи *замонавий давр*га ажратиш мумкин. *Илк давр* тадқиқотлари «Саботул ожизин» матнининг айрим қисмларига изоҳ ва тўла шарҳлар шаклида намоён бўлган. Матннинг қўлёзма нусхалари кўчириб қўпайтирилиш жараёнида айрим сўзлар луғати, баъзан айрим байтлар ҳошияда изоҳлаб борилган. Айниқса бу ҳолат XIX аср тошбосма нусхаларида кўпроқ кузатилади. Шунингдек, бу даврда «Саботул ожизин»нинг илк тўла шарҳлари – «Рисолаи Азиза», «Иршодул оъизин», «Ҳидоятут толибин» китоб ҳолида нашр қилинган. З*амонавий давр* тадқиқотлари матнни қўлёзма ва тошбосма нусхалар асосида турли ҳажмдаги муқаддималар билан нашр қилиш, тўла шарҳлаш ва адабиётшунослик, тилшунослик, матншунослик йўналишида ўрганиш орқали амалга оширилган. Сўнгги йилларда бу борада кўламли ишлар қилинди. «Саботул ожизин» асари тошбосма ва қўлёзма нусхалар асосида эски ўзбек имлосидан табдил қилиниб, бир неча марта нашрдан чиқди.[1] «Саботул ожизин»нинг «Рисолайи Азиза» ва «Ҳидоятут толибин» номли шарҳлари, форс тилида битилган «Маслакул муттақин» китобининг таржимаси

[1] Сўфи Оллоёр. Саботул ожизин. //Нашрга тайёрловчи: Р.Зоҳид/ Т.: «Чўлпон», 1991. Сўфи Оллоёр. Сабот ул–ожизин. //Нашрга тайёрловчилар: Ҳожи Пўлатқори Муҳаммад Али, Маҳмуд Ҳасаний, Мирсолиҳ Қосим/ Т.: «Меҳнат», 1991. Сўфи Оллоёр. Саботул ожизин. // Нашрга тайёрловчи: Рашид Зоҳид/ Т.: «Санъат журнали» нашриёти, 2007.

китобхонлар эътиборига ҳавола этилди.[1] Адабиётшуносликда, тилшуносликда Сўфи Оллоёр ижоди билан боғлиқ бир неча тадқиқотлар, шунингдек, унинг ҳаёт йўли ва асарларига бағишланган монографиялар, рисолалар юзага келди, илмий анжуманлар ташкил қилинди.[2]

Мазкур ишлар қандай савияда бажарилган бўлмасин, Сўфи Оллоёр ижоди ҳақида муайян тасаввур пайдо қилди. Аммо адиб шахсини, унинг илмий-адабий меросини бутун моҳияти билан англаш учун илк тасаввурнинг ўзи етарли эмас. Сал кам йигирма йилдан бери «шоир», «адиб», «мутасаввиф», «олим» Сўфи Оллоёр билан танишув жараёни давом этмоқда. Таъбир жоиз бўлса, бу жараённи – *турли сатҳдаги тарихий маълумотлар баёни* деб аташ мумкин. Масалан, ижодкорнинг таржимаи ҳолига оид ишларда изчиллик, аниқлик, яхлитликдан кўра биринчи учраган,

---

[1] Сўфи Оллоёр. Саботул ожизин. Шарҳи билан манзума. //Нашрга тайёрловчилар: Афзалов Зокирхонҳожи Шокирхон ўғли, Камола Ғаффор қизи/ Т.: «Моваройннаҳр», 1997. Тожуддин Ёлчиқул. Рисолайи Азиза, //Тузувчи: Б.Ҳасан/ Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашр. 2000. Сўфи Оллоёр. Маслакул муттақин. //Таржимон: Қўзихўжа Ҳафизхўжа ўғли; нашрга тайёрловчилар: С.Сайфуллоҳ, А.Деҳқон/ Т.: «Моваройннаҳр», 2007. Ҳабибуллоҳ ибн Сайид Яҳёхон. Ҳидоят ут-толибин. //Нашрга тайёрловчи: О.Алимов/ Т.: «Тошкент ислом университети», 2009.

[2] М. Ханжар. Вахшивор ва Сўфи Оллоёр. Термиз. «Жайҳун», 1993; Шамсиддин Ҳожи Муҳйиддин ўғли. Сўфи Оллоёрнинг «Саботул-ожизин» китобига изоҳий луғат. Жалолобод, 1996; Сувонқулов И. Сўфи Оллоҳёр ва унинг адабий анъаналари: фил.фан.док.дисс.Т.:1997; Зоҳидов Р. «Саботул-ожизин» асари лексикаси: фил.фан. ном.дисс.Т.:2001; Аллаёрова Н. «Саботул-ожизин» асарининг маърифий йўналиши ва бадиияти: фил.фан.ном.дисс. СамДУ, 2002; Маханова Р. «Творчество Суфи Аллаяра и его традиции в татарской литературе»: дисс.кан.фил.наук. Казань–2008. Сирожиддинов Ш. Сўфи Оллоёр илоҳиёти.Т.: «Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси нашриёти, 2001; Баратова Н. Сўфи Оллоҳёрнинг бадиий-маънавий қарашлари. С.:2002; Сўфи Аллоҳёр. Халқаро илмий анжуман материаллари. «Ал-Ҳудо»-«Моваройннаҳр», Теҳрон – Тошкент, 2005; С. Сайфуллоҳ. Фатво ва тақво китоби. Т.:«Фан», 2005; Мирзаев Р. Сўфи Оллоёрга замон боқажак..Т.: «Фан».

текширилмаган, кўпинча тахминларга асосланган, ўзаро боғланмаган, тарқоқ хабарлар баёни кўзга ташланади. Унинг илмий-адабий меросига доир тадқиқотларда эса асосий эътибор ижтимоий-ахлоқий масалаларга қаратилган. Тўғри, ижодкор фаолиятини у яшаган давр билан боғлиқликда ўрганиш унинг асарларига берилмоқчи баҳонинг одилона бўлишини таъминлайди. Фақат бунинг бир шарти бор: ушбу жараён асар воқелигидан, ижодкорнинг бош концепциясидан узилиб қолмаслиги керак. Акс ҳолда, иккинчи даражадаги масалалар билан чалғиб, ташқаридаги, кўпинча асарга бевосита алоқаси бўлмаган воқеалар тафсилотига ўтиб кетилади.

Тадқиқотимиз объектини «Саботул ожизин» асарининг мамлакатимиз ва жаҳон қўлёзма фондларидан танланган манбалари ташкил этади. Монографияда «Саботул ожизин»нинг турли нашр вариатларидаги изоҳлар, алоҳида шарҳ китоблари ва мавзу доирасида қилинган тадқиқотларга ҳам мурожаат этилди, қадим шарҳ илми анъаналарининг «Саботул ожизин» талқинларида намоён бўлиш шакллари адабий-тарихий аспектда ёритилди. Илмий-танқидий матн базасида ўзаро боғланган асос, фаол, ёрдамчи нусхаларнинг ишончли матнни тиклаш силсилавий тизими яратилди. Шунингдек, ижодкорнинг асардаги бош концепциясини аниқлаш манбашунослик тадқиқининг ўзани эканини кўрсатиш, илмий-танқидий матн – *матн тарихи*нинг қомуси, кейинги тадқиқотлар учун потенциал база эканини асослаш, шу йўл билан адабий манбашунослик ва матншуносликнинг назарий ҳамда амалий асосларига доир муҳим хулосаларни илгари суриш ҳам ишнинг илмий янгилиги саналади.

I боб. СЎФИ ОЛЛОЁР ТАРЖИМАИ ҲОЛИ ВА ИЛМИЙ-АДАБИЙ МЕРОСИ

1.1. Сўфи Оллоёр таржимаи ҳоли манбалари

Сўфи Оллоёр билан танишув жараёни шу кунгача тўхтовсиз горизонтал сатҳда кенгайди. Адибнинг таржимаи ҳоли, «Саботул ожизин», «Маслакул муттақин» каби асарларининг табдили, тил хусусиятлари, бадиияти билан боғлиқ ишларда таҳлил йўналиши аксар ҳолда зоҳирий қатламда олиб борилди. Натижада айни жиҳатга алоқадор маълумотлар керагидан ортиқ йиғилди. Шунинг учун ҳеч муболағасиз айтиш мумкин, мазкур давр – Сўфи Оллоёр ва унинг асарлари билан боғлиқ тарихий маълумотларни тўплаш даври бўлди.

Энди йиғилган бу маълумотларни саралаш, имкон қадар тахминлардан қочиб, ишончли манбалар асосида ҳақиқатни тиклаш, тўпланган маълумотларни қайта ўрганиб, илмий хулосалар чиқариш пайти келди. Шу мақсадда Сўфи Оллоёрнинг таржимаи ҳоли ҳақида хабар берувчи манбаларни тарихий-хронологик тизимда ўзаро муқояса асосида ўрганишга уриниб кўрамиз.

Ижодкорнинг таржимаи ҳолини илк маротаба яхлит тарзда жамлаган манба «Рисолаи Азиза» асаридир. Шу кунгача адибнинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ ишларда, хоҳ у мақола, хоҳ тадқиқот, хоҳ бадиий асар бўлсин, барчасида «Рисолаи Азиза»даги маълумотлардан фойдаланилган.

«Рисолаи Азиза» Сўфи Оллоёрнинг «Саботул ожизин» асарига ёзилган шарҳ бўлиб, муаллифи XVIII-XIX асрларда яшаган татар олими Тожуддин Ёлчиқул ўғлидир. Шарҳ

муқаддимасида шориҳ[1] бевосита Сўфи Оллоёр ҳаёти билан боғлиқ маълумотлардан олдин унинг пири Шайх Ҳабибуллоҳ билан таништиради. Сўфи Оллоёрнинг таржимаи ҳолига алоқадор бўлгани учун баъзи ўринлардан парча келтирамиз: «Қиссаларда андоғ келмишки, тарихи ҳижратнинг мингда юзинчи (1100/1699)[2] йилида Бухоро халқи тоату ибодатга ялқов бўлиб бидъат ишларни севмак ҳавасида бўлдилар. Алқисса, булар тўққиз йил баду бидъат ишлар ортидан юриб усули динлари хароб бўлурға қарийб бўлмиш. Бухорода «Растон» деган бозорда бир ўғлон қовун-тарбуз сотуб юрар эмиш. Ул ўғлоннинг исми Ҳабибуллоҳ эрмиш. Алқисса, бир кун ул ўғлон бу тафаккурда экан: «Бу йилда фохираи Бухоро бундоғ залолат бирла тўлди, авлиёлар илми йиқилди, ё Раб, на бўлурки, бу бандангни азиз айлаб, бунларға амри маъруф айлар қадари илм берсанг...»[3]

Ҳикоя давомида Ҳабибуллоҳ тушида Баҳоуддин Нақшбандни кўргани, ҳазрат уни Самарқанддаги муридига йўллагани, исми Андаржон сўфи бўлган бу зотдан таълим олгани, кейин шу зот тавсияси билан Бухорога боргани, уламою раёсат аҳлини ўзининг кароматлари билан лол қолдириб, бидъат ишларга чек қўйгани, машҳурлиги элдан-элга ёйилгани баён қилинади.

Шайх Ҳабибуллоҳ билан боғлиқ хабарлардан сўнг «Нозим раҳматуллоҳи алайҳ ҳақида сўз» сарлавҳаси остида Сўфи Оллоёр таржимаи ҳоли келтирилади: «Самарқанд элинда «Минглан» отлиғ овул бор эди. Ул овулнинг жамоати аксар эзгулар эди. Ул овулда бир Темурёр деган кимса бор эрди. Ғоят солиҳу тақводор кимса эрди. Асли насли нўғай халқи эрмиш. Андин бир ўғил туғулмиш. Отини Оллоёр қўйдилар. Ўн икки ёшида Бухороға келтириб мадра-

[1] Шарҳ муаллифи.

[2] Монографияда мазкур шаклда келтирилган рақамлар ҳижрий ва милодий санани англатади.

[3] Тожуддин Ёлчиқул. Рисолаи Азиза. №158, тошбосма, 1858, Қозон, 3-бет.

сага солди, илмлик ўрганди, кўп фанлар ҳосил бўлди. Йигирма беш ёшида Бухоро подшоҳи бож маҳкамасига тўра қилди. Ғоят қон тўкувчи, хулқсиз бўлди. Доимо фисқу фужуру исёнда эрди. Халқларни жуда ранжитур эрди. Кунлардан бир кун Растон бозоринда Шайх Ҳабибуллоҳнинг бир мурид ва халифаси бозиргонлардан бир нарса олди, бож маҳкамасина маълум айламади, олиб борурда Оллоёр тўрага мулоқот ўлди. «На учун бож маҳкамасина тамғалатмайин олиб борурсан» деб тутди, қамчи билан қаттиқ урди, муриднинг боши ёрилди, қонлар оқди. Шайх Ҳабибуллоҳ мажлисина борди, Оллоёр тўра ҳолиндан шикоят айлади. Шайх Ҳабибуллоҳ: – Сабр айла, ман ани сизлартек айлайин, деб қўлини дуоға кўтариб, – бу тўрани булартек ғариб кўнгил айлагил, дунёву охират муродини бергил, – деб дуо қилди...»[1]

Сўнгра шайхнинг дуоси ижобат бўлиб, Сўфи Оллоёр ўз қилмишларидан тавба қилгани, пири ҳузурида ўн икки йил хизматда бўлиб, маънавий даражаларга эришгани ва шу вақт мобайнида ўзининг машҳур тўртта китобини тасниф этгани айтилади. Шунингдек, шарҳнинг «Мусаннифнинг ўғлига айтган насиҳати» бўлимида таржимаи ҳолга оид қуйидаги маълумотлар ҳам келтирилади: «Айтмишларки, Оллоёрнинг ўғли Муҳаммад Содиқ деган эди. Бухорода туғилиб, йигирма етти ёшга тўлганда ота юрти Самарқандга кетди. Оллоёр Бухорода қолди. Ўн йилдан сўнг Оллоёр Байтуллоҳни зиёрат қилиш учун азм айлаб, бизнинг Булғор юртига дуч келиб, бироз Қозон шаҳрида тўхтади. Ул замонда Булғорнинг бир комил сўфийси бор эди. Исми – Идрис Ҳофиз эди. Оллоёрнинг бул билан силсилалари бир экан. Оқибат Оллоёр Сўфий Булғор юртидан Арзирумга борган. У ерда ундан кўплаб кароматлар кўрингандан сўнг, Искандария шаҳрига келди. У ерда дорулфанодан дорулбақога кўчди. Ражаб ойининг 29-куни эди. Оллоёрнинг ул замонда ёши тўқсонда эди»[2].

[1] Шу манба, 6-7-бетлар.

[2] Шу манба, 286-бет.

«Ўзбек адабиёти тарихи» дарслиги[1]даги Сўфи Оллоёр ҳақидаги маълумотлар ҳам асосан «Рисолаи Азиза»дан олиниб, ижтимоий мафкура талабидан келиб чиқиб, маълум қолипга солинганини кузатишимиз мумкин: «Сўфи Оллоёр ҳозирги Самарқанд областининг Янгиқўрғон яқинидаги бир вақтлар Минглар деб аталган қишлоқда Оллоқули (Темирёр) хонадонида дунёга келган; шайхлар қишлоғидаги масжид мактабида ўқиган, сўнгра Бухорога бориб, Жўйбор шайхлари даргоҳида тарбияланган. У ерда уч марта уйланиб, бир неча вақт бож йиғувчилар маҳкамасида хизмат қилган, пировардида мурид овлаб, «шайхлик» мартабасига кўтарилган...»

Дарсликдаги маълумотларга «Рисолаи Азиза» асос бўлганига иккита яққол далил бор: биринчиси, Сўфи Оллоёрнинг отаси Оллоқули деб тўғри кўрсатилишига қарамасдан, қавс ичида Темирёр деб «Рисолаи Азиза»даги нотўғри маълумот тиркаб қўйилган. Иккинчиси, Сўфи Оллоёрнинг уч марта уйлангани ҳақидаги маълумотнинг асли ҳам дастлаб «Рисолаи Азиза»да келтирилган: «Аймишларки, Оллоёр тўранинг уч хотуни бор эрди, икки қизи ва бир ўғли бор эрди...»[2]

Саййид Ҳабибуллоҳ ибн Саййид Яҳёхон Фарғоний томонидан ҳижрий 1388/1968 йил Кобул шаҳрида ёзилган «Ҳидоятут толибин» китобида ҳам Садриддин Айнийнинг «Намунаи адабиёти тожик» асарида, шунингдек, «Маслакул муттақин»нинг аввалида келган байтларда, «Муродул орифин» муқаддимасида ва яна Сўфи Оллоёрга нисбат берилган мухаммасдаги маълумотларга суяниб, адибнинг қисқача таржимаи ҳоли келтирилади: «Муаллифни отлари Оллоёр ва оталарини номи Оллоқули ва бирадарларини исми Фарҳодбий атолиқ ва ўғулларини оти Содиқ Муҳаммад ва қавмлари ўзбек ва туғулган ерлари Каттақўрғондур. Хонадони аморат ва ҳукуматдин бўлуб, авоилда Абулфайзхон ҳукумати овонида Каттақўрғон ва Самарқандда амо-

[1] Шу манба, 286-бет

[2] Шу манба, 288-бет

рат ва ҳукумат этиб, сўнгра жазбайи илоҳий ғалаба қилиб, ҳукумат ва навкарликдин истеъфо этиб, шайх Наврўз мулаққаб ба Ҳабибуллоҳга мурид ўлуб ва тариқаи ъалиййаи Нақшбандияга кирганлари ва ул зотдин боло сахраи муршид ўлуб, то охир умргача муридларни иршоду ҳидоятига машғул ўлуб ва Қипчоқу Хитой қавмини Самарқандни истило этиб ва харобликлар қилганларида аларга насиҳат этсалар қулоқға олмай, «бизга кўп насиҳат қилма» деб зулму истибдодга машғул ўлганларидан озурда хотир ўлуб, диллари синиб, ҳижрат ва тарки ватан этиб, тобеъ Вахшивор музофоти ва Қабодиён қишлоқига кўчуб келиб, ул ерда таълим ва таснифга машғул ўлуб, 1132/1720 санада ўшал Вахшиворни Қабодиёнида вафот этиб ва у ерда мадфун ва қабрлари зиёратгоҳи хосу омлиги маълум ўлур. Ва ҳам Машраб Намангоний девонида Қабодиёнга бориб, нозим раҳимаҳуллоҳ билан кўрушгани зикридин ҳар иккилари муосир эканлари маълум ўлур».[1]

Саййид Ҳабибуллоҳ «Рисолаи Азиза» муқаддимасида келтирилган таржимаи ҳол билан боғлиқ маълумотларга шундай муносабат билдиради: «Аммо шориҳ (яъни – Ёлчиқул ўғли)ни «Самарқанд элида Минглон деган уй бор эди, анга Темурёр отли асли ва насли нўғай киши бор эди» деб қилган қиссаси беасоси маълум ўлур. Чунки Сўфи Оллоёр Каттақўрғондин ўлуб, оталарини оти – Оллоқулидур, на Темурёр. Аслан ўзбекдурлар, на нўғай. Ҳамда Ёлчиқул ўғлини Шайх Ҳабибуллоҳ хусусида айтганлари... Сўфи Оллоёрни ул кишига мурид ўлушлари муқаддимасида келтурган қиссаси ва Сўфи Оллоёрнинг Амина ва Ҳалима отли икки қизи бор дегани чун бир ривояти саҳиҳага муттакий эмас ва Ёлчиқул ўғли ҳам бир одами сиқа ва мўътамад эмаслиги сабабидин бу ҳикояларни афсонаи беасос деб саналса бўлур».[2]

---

[1] Саййид Ҳабибуллоҳ. «Ҳидоятут толибин». «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, Т.,2009, 20-21-бетлар.

[2] Шу манба. 21-бет.

Филология фанлари доктори Ш.Сирожиддинов ўзининг «Сўфи Оллоёр ҳаёти ва фаолиятига қайта назар»[1] мақоласида Сўфи Оллоёр таржимаи ҳоли акс этган манбаларга муайян муносабат билдирган. Олимнинг бу изланиши Сўфи Оллоёр таржимаи ҳолига анча аниқликлар киритгани билан қимматлидир. Мақолада «Рисолаи Азиза»даги маълумотларнинг мунозарали экани таъкидланиб, шарҳда айтилган ҳамма гапга ҳам ишонавермаслик керак деган хулосага келинган. Масалан, Сўфи Оллоёрнинг отаси – Темирёр, унинг асли ва насли нўғой экани, Шайх Ҳабибуллоҳ ҳақидаги гаплар, Сўфи Оллоёрнинг бож маҳкамасидаги-ю Растон бозоридаги ҳолатлари, Байтуллоҳ зиёратига азм айлаб, Қозонда бироз тўхташи, кейин Арзирумга (Туркияга) ўтиши, у ердан Искандарияга (Мисрга) келиши ва ўша ерда 90 ёшида оламдан ўтиши каби маълумотлар қўлёзма манбалардаги маълумотлар билан қиёсан ўрганилганда ҳеч бир асосга эга эмаслиги айтилади. «Бу маълумотларни Ёлчиқул ўғли қаердан олгани номаълум. Кўп ўринларда қўлёзма манбаларда берилган турли хабарларни бирлаштириб юборган дейиш мумкин. Улар Сўфи Оллоёрнинг ўзи ёзиб қолдирган ёки бизга аниқ маълум бўлган манбалар билан мувофиқ келмайди» – дейди Ш.Сирожиддинов.[2]

Ҳақиқатан ҳам «Рисолаи Азиза»даги Шайх Ҳабибуллоҳ ва Сўфи Оллоёр таржимаи ҳолига оид маълумотлар қайси манбадан олингани номаълум. Лекин бу ҳолни Ш.Сирожиддинов айтганидек, «қўлёзма манбаларда берилган турли хабарларни бирлаштириш» натижаси деган сўзлар билан ҳам изоҳлаб бўлмайди. Чунки бир неча йиллар мобайнида «Саботул ожизин»нинг илмий-танқидий матни бўйича иш олиб бораётган тадқиқотчи сифатида ишонч билан айтиш мумкинки, на ЎзРФА ШИ қўлёзма ва тошбосма асарлар фондидаги 150га яқин «Саботул ожизин» нусхала-

[1] Тўплам. Халқаро илмий анжуман материаллари, Теҳрон–Тошкент, 2005, 39-47-бетлар.

[2] Тўплам. Халқаро илмий анжуман материаллари, Теҳрон–Тошкент, 2005, 42-43-бетлар.

ри ичидан, на Россия Фанлар Академияси Шарқшунослик (Москва) ва Шарқ қўлёзмалари институти (Санкт-Петербург) фондларидаги 20 дан ортиқ энг қадимий нусхалари ичидан Ёлчиқул ўғли келтирган ривоятларга асос бўладиган маълумотни учратиш мумкин?!

Ш.Сирожиддинов «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигидаги маълумотларга танқидий руҳда ёндашиш зарурлигини уқтириб, адабиётшунос олим И.Сувонқуловнинг Сўфи Оллоёр иштихонлик деган фикрига қўшилмайди ва айтади: «Совет тузумидан илгари ёзилган айрим тазкираларда «Сўфи Оллоёр Миёнкол воҳасидандир» деган таъкидлар мавжуд. Тарихдан маълумки, Миёнкол воҳасига Самарқанд ва Бухоро оралиғидаги, аниқроғи, бугунги Самарқанд вилоятининг Карман, Нарпай, Каттақўрғон ва Иштихон туманларининг Зарафшон атрофида жойлашган ерлари кирган»[1]. Бу қарашини олим ЎзРФА ШИ қўлёзмалар фондидаги 2331–1 инвентар рақами остида сақланаётган «Тазкираи Абдулматлаб Фаҳмий»дан келтирилган маълумотлар билан қувватлайди: «Сўфи Оллоёр Самарқандий шайхи дилафрўз Сўфи Наврўзнинг таниқли халифаларидан. Ҳол ибтидосида сипоҳ бўлган. Отасини Оллоқули ва инисини Фарҳод оталиқ дейдилар. Улар ўзбекларнинг Самарқанд ва Бухора Миёнколидаги хитойи қабиласининг бошлиқларидан бўлганлар. Фарҳодбий Абулфайзхон даврида Самарқанд ҳоким ва амирлик мансабларига эришган... Сўфи Оллоёр шайх Наврўзга иродат ва инобат қилгандан сўнг унга зоҳир ва ботин илмлар эшиклари очилди. Хосу омга мақбул бўлди. Олимлар ва амирлар унинг суҳбатига ошиқдилар. Миёнколдан Ҳисорнинг Деҳинав томонига кетди. Мавлоно Зоҳид Вахшиворийнинг файзосорли мозоридан юқорироқдаги Вахшивор қишлоғига борди. У ерда хонақоҳ ва уй қурди. Унинг қутлуғ қадамидан ўша

[1] Тўплам. Халқаро илмий анжуман материаллари, Теҳрон–Тошкент, 2005, 41-бет.

минтақани илонлар тарк этдилар. Ўша ерда 1136/1724 йилда дунёдан ўтди».[1]

Гарчи Фаҳмий тазкирасида Сўфи Оллоёрнинг вафоти санаси 1136/1724 деб кўрсатилса ҳам, Ш.Сирожиддинов шоирнинг вафот санасини белгилашда бошқа манбаларда келтирилган таърихларга суянади. Масалан, «Саботул ожизин»нинг саккизта нусхаси асосида тайёрланган Теҳрон нашрида келтирилган сўзбошидаги таърих:

چراغ کلبهء اسرار توحید
ذی صافی مشرب صوفی الله یار
اگر جویند تأریخ وفاتش
زقافُ جیمُ غینُ لام بردار

Таржимаси: «Табиати пок, хулқи соф бўлгани учун ҳам Сўфи Оллоёр тавҳид сирлари яширинган кулбанинг чироғидир. Агар у зотнинг вафоти таърихини изласанг, «қоф», «жим», «ғайн», «лом» ҳарфларидан чиқар».

Абжад ҳисобида мазкур ҳарфлар (ق – 100; ج – 4; غ – 1000; ل – 30) йиғиндисидан – 1133 – ҳосил бўлади. Ҳижрий ҳисобдаги бу сана милодийда 1720-1721 йилга тўғри келади. Айни таърих Убайдуллоҳ ибн Исломқули нусхасида ҳам келтирилган. «Саботул ожизин»нинг XIX аср охирги чорагида Исроилжон Тошкандий томонидан кўчирилган нусхаси хотимасида эса қуйидаги таърих битилган:

ابو حنیفهء وقت استِ صوفی الله یار
خدای داد با او قالُ حال را بسیار
هر آن گه آماده تأریخ فوتپرسند
بگو تو قافُ جیمُ غینُ لام را بی شمار

(Таржимаси: «Сўфи Оллоёр замоннинг Абу Ҳанифасидир. Худой таоло уни қол ва ҳол илми билан кўп-кўп баҳра-

[1] «Тазкираи Абдулматлаб Фаҳмий» Ўз ФАШИ, Қўлёзмалар фонди, Р-2331-1, 9б-10б

манд этган. Ҳар қачон унинг вафоти таърихини сўрсалар, айт: сен «қоф», «жим», «ғайн», «лом»ни санагин!»

Бу таърихдан ҳам юқоридаги – 1133/1721 санаси келиб чиқади. Шунингдек, «Саботул ожизин»нинг ЎзРФА ШИ, №09/867 рақамли қўлёзма нусхаси охирида ҳам шу таърих келтирилган.

Мазкур таърихларга асосланган ҳолда Ш.Сирожиддинов Сўфи Оллоёрнинг вафот санасини 1720-1721 йил деган тўхтамга келиб айтади: «Агар Сўфи Оллоёрнинг ҳижрий йил ҳисоби билан 90 ёшда вафот этгани ҳисобга олинса, у кишининг туғилган йилини ҳижрий 1043 йил деб белгилаш мумкин. Бу сана милодийга айлантирилганда 1634 йил ҳосил бўлади».[1]

Демак, Сўфи Оллоёр таржимаи ҳолига оид қўлёзма манбаларда, «Маслакул муттақин» дебочасида, «Муродул орифин» муқаддимасида,Садриддин Айнийнинг «Намунаи адабиёти тожик» асарида, шунингдек, кейинги қилинган тадқиқотларда юзага чиққан янгиликлар «Рисолаи Азиза»нинг муқаддима қисмида келтирилган маълумотларни тўла шубҳа остига қўяди. Шундай экан, энди «Рисолаи Азиза»ни соқит қилиб, ундан бошқа манбалардаги маълумотларни жамласак, муайян таржимаи ҳол юзага келадими?

Манбашунос олим Абдусаттор Жуманазарнинг сўнгги йилларда вақтли матбуотда эълон қилган қатор туркум мақолалари[2] бу саволга дабдурустдан «ҳа» дейишга шошмаслик лозимлигини уқтиради. Олимнинг манбалар борасидаги қатъияти изланишларининг муваффақиятини таъминлаганига шубҳа йўқ: «Манбалар бизга ўтмишимизни, ўзлигимизни энг яхши мутахассисдан ҳам афзалроқ тушунтиради. Ҳар бир саволимизга асрлар қаъридан ўтиб келаётган кўҳна жилдлар қатидан жавоб топиб беради...

---

[1] Тўплам. Халқаро илмий анжуман материаллари, Теҳрон–Тошкент, 2005, 45-бет.

[2] Жуманазаров А. Манбалардан ташқарига чиқмаган жавоблар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2012, 24 феврал; Мозий мозаикаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2012, 2 март.

Мутахассислар манбаларда Сўфи Оллоёрга оид етарли маълумот йўқлигидан куюнишади. Агар эътиборни сал кучайтирсак, масала ечимсиз даражада мушкул ва оғир эмаслигини кўрамиз. Шоирнинг таржимаи ҳоли ҳамда ижодини изчил ва тўлиқроқ тиклашнинг иложи бор. Қимматли маълумотлар турли қўлёзмаларда сочилиб ётибди. Фақат уларни эринмай йиғиш, ўрганиш ва тартибга солиш керак.»[1]

Заҳматкаш олим ўзининг барча тадқиқотларида, хусусан, Сўфи Оллоёр таржимаи ҳоли билан боғлиқ изланишларида масалага мана шу илмий позициядан ёндашади. А. Жуманазар тўғри таъкидлаганидек, ўтган асрнинг 80-йилларидан, айниқса мустақилликдан кейин қатор тадқиқотчилар Сўфи Оллоёр ҳаёти ва ижодини илмий ёритишга киришишди. Қизиғи, тадқиқотчилар «Рисолаи Азиза» муқаддимасидаги маълумотларни танқид қилишди, аммо унинг ўрнига ўзларининг асосли далилларини ҳар доим ҳам тақдим қилишолмади. Масалан, юқорида номи тилга олинган тадқиқотларда Сўфи Оллоёрнинг пири – маънавий устози масаласида зиддиятли ўринлар бор. Профессор И.Сувонқулов «Маслакул муттақин» дебочасидаги мисралар талқинига суяниб, Шайх Ҳабибуллоҳнинг тарихий шахс эканини шубҳа остига олади.[2] Бу борада «Ҳидоятут толибин»даги маълумотлар ҳам И.Сувонқулов фикрини такрорлайди. Ш.Сирожиддинов эса: «Тилга олинган Ҳабибуллоҳ номи икки маънода тушунилиши мумкин. Бири Наврўзнинг ҳабибуллоҳ Муҳаммад алайҳиссаломга пайрав – издошлиги ва иккинчи маъноси унинг Шайх Ҳабибуллоҳ ҳалқасида эканлиги»[3] – деган сўзлар билан масалани очиқ қолдиради.

---

[1] Жуманазаров А. Манбалардан ташқарига чиқмаган жавоблар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2012, 24 феврал

[2] Сувонқулов И. Кўзинг ибрат била оч. Самарқанд, 2011, 7-10- бетлар.

[3] Сирожиддинов Ш. Сўфи Оллоёр илоҳиёти. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси нашриёти, Т.,2001, 9-бет.

Шунингдек, Сўфи Оллоёрнинг туғилган йилини белгилашда ҳам ноаниқликлар бор. Майли, вафот санаси хусусида «Тазкирайи Фаҳмий» ва бир қатор таърих маълумотларига суяниб, деярли бир тўхтамга келинган. Лекин қайси манбага асосан Сўфи Оллоёрни 90 йил умр кўрган дейиляпти? Агар Сўфи Оллоёрнинг таваллуд санаси татар олим Ёлчиқул ўғлининг «Рисолаи Азиза»да келтирганига биноан 90 йил умр кўрганига нисбатан айтилаётган бўлса, ўта заиф ҳужжатга суянилган бўлади. Ҳатто, Мелиқул Ханжар ўзининг «Вахшивор ва Сўфи Оллоёр»[1] эссесида келтирган: «Сўфи Оллоёрнинг еттинчи невараси Музаффархоннинг Сўфи Оллоёр 96 ёшда Вахшиворда вафот этган» деган сўзларига суянилаётган бўлса, бу ҳам етарли асос эмас. Чунки, тўрт-беш авлод наридаги, яъни уч юз йиллар аввал ўтган воқелик ҳақида бугун айтилаётган оғзаки хабардан кўра ўша даврга яқинроқ ёзма манбадаги маълумотларнинг ишончли бўлиши мантиққа яқиндир.

Шу маънода Сўфи Оллоёрнинг пири Шайх Ҳабибуллоҳ масаласида ихтилофли фикрларга сабаб бўлган бирламчи манба «Маслакул муттақин»даги ушбу мисраларга эътибор берайлик:

يعنى آن مرشد بلا اشباه
پيرو حضرت حبيب الله
نام پاک مبارکش نوروز
پای تا سر تمام درد سوز

Таржимаси: «Яъни, ўхшаши йўқ у муршид (аслида) ҳазрат Ҳабибуллоҳнинг издоши, поку муборак исми – Наврўз, бошдан оёғигача тамом(аъзолари Оллоҳнинг ишқидан ўт олиб)куйдирувчи дард(га айланган)».

Ҳақиқатан ҳам байтларнинг сиёқи – ривоя оқимига қаралса, Ш.Сирожиддинов айтганидек, матнда келган «ҳабибуллоҳ» (Оллоҳнинг суюклиси) сифати Пайғам-

[1] Ханжар М. Вахшивор ва Сўфи Оллоёр. «Жайҳун», Термиз–1993, 11-бет.

баримиз Муҳаммад алайҳиссаломга ишорадек туюлади. Ҳатто байтлар орасида «دائماً پیرو رسول خدا است» (Доимо Худо расулининг издошидир) деган мисралар келадики, бу сўзлар ҳам беихтиёр сал олдин кечган иштибоҳни эсга солади. Энди шубҳани кўтариш учун, аввало, Шайх Ҳабибуллоҳнинг реал тарихий шахс эканини, қолаверса, поку муборак исмли Наврўз Шайх Ҳабибуллоҳнинг муриди, Сўфи Оллоёр эса ҳар иккала Шайхнинг муриди бўлганини ишончли далиллар билан асослаш зарур.

XVII аср охирида Саййид Муҳаммад ибн Охунд Қози Камол томонидан ёзилган «Туҳфатул аҳбоб» асари[1] Шайх Ҳабибуллоҳ шахси билан боғлиқ муаммоларни, айтиш мумкинки, узил-кесил ҳал қилди. Шайх Ҳабибуллоҳ ҳаётига бағишланган бу манбада у зотнинг таваллудига доир қуйидаги маълумот келтирилади: «У валоятпаноҳнинг мавлуди ҳижратнинг 1040 (1630-1631) санасида ҳазрат қутбул ақтоб, миллат ва дин ифтихори, муҳаққиқ ва муфассирлар акмали, қол ва ҳол илмини ўзида жамъ этган мавлона Йаъқуб Чархий хонадонида бўлди».[2]

«Туҳфатул аҳбоб» асари тадқиқи билан шуғулланаётган манбашунос олим А. Жуманазарнинг изоҳлашича, Ҳожи Муҳаммад Ҳабибуллоҳ нақшбандия тариқатининг таниқли вакили Йаъқуб Чархий авлодларидан Ҳожи Муҳаммад Тоййибуллоҳ оиласида дунёга келади. Йигитлик даврида у Хожа Аҳрор Валий қабрини зиёрат қилиш ниятида Самарқандга, сўнгра Бухорога йўл олади. Олимнинг таъкидлашича, Шайх Ҳабибуллоҳнинг Самарқандга бориши Ёлчиқул ўғли айтган ҳижрий 1100/1689 йилдан кейинги даврлар ва у тасвирлаган воқеаларга сира мос тушмайди.

«Туҳфатул аҳбоб»даги маълумотларга кўра, Шайх Ҳабибуллоҳ бутун умри давомида Бухоро, Исфаҳон, Шероз,

---

[1] Саййид Муҳаммад ибн Охунд Қози Камол. Туҳфатул аҳбоб.ЎзРФА ШИ, қўлёзмалар фонди, № 4400

[2] Изоҳ: манба форс тилида, манбадан келтирилаётган ушбу ва бундан сўнгги иқтибослар манбашунос олим А.Жуманазар таржимасида бериляпти.

Рум, Арабистонда Байтуллоҳ зиёрати, Яман, Ҳиндистон сафарларида бўлиб, машҳур устозлардан дунё ва охират илмини ҳосил қилади, улуғ мақомларга эришади. Кейин Бухорога қайтиб, аштархоний Абдулазизхон даврида мадрасада илм толибларига сабоқ беради. Мурид ва мухлислари сони кундан-кун ортиб боради. Улар рўйхатида, Ҳожи Муҳаммад Ҳабибуллоҳнинг энг яқин суҳбатдошлари ва ушбу мактабнинг машҳур тарбияланувчилари қаторида «Сўфи Наврўз Шаҳрисабзий номи ҳам зикр қилинади.[1]

Саййид Муҳаммад ибн Охунд Қози Камол устоз ва шогирд ўртасидаги муносабат ҳақида шундай хабар беради: «Ушбу Сўфи (Халифа Наврўз)дан жорий бўлган хаворик одатлардан бири шон-шавкатли Фарҳодбий Ўтарчининг биродари тақво асар, фазилат шиор, ҳусни хулқ эгаси Сўфи Оллоёр Ўтарчи эди. У Халифа Наврўз хизматига келиб, унга иродат қилди...»[2]

А.Жуманазар фикрича, мазкур воқеанинг содир бўлган вақти манбаларда аниқ кўрсатилмаган. Аммо барча бирламчи маълумотлар умумлаштирилса, Сўфи Оллоёр устози Сўфи Наврўз ҳузурига 1697-1698 йилларда борганини фараз қилиш мумкин. Манбада бу учрашувдан кейин Сўфи Оллоёр қисқа муддатда «Маслакул муттақин» асарини ёзиб тугатгани ва айнан шу воқеа Сўфи Наврўз Кешийнинг каромати экани таъкидланади.

«Туҳфатул аҳбоб»да устоз ва шогирд ўртасида кечган бошқа маънавий ҳолатлар ҳақида ҳам зикр қилинадики, бу ахборотларни мазкур манба тадқиқотчиси А.Жуманазар Сўфи Наврўз ва шогирд Сўфи Оллоёр тўғрисидаги энг аввалги қадимий маълумотлардан деб ҳисоблайди.

Шундай қилиб, Шайх Наврўз ва Шайх Ҳабибуллоҳнинг битта шахс экани ҳақидаги гумонлар мавзуга дахлдор энг қадимий манба «Туҳфатул аҳбоб»дан келтирилган далиллар асосида тўла ойдинлашди.

---

[1] ЎзРФА ШИ, қўлёзмалар фонди, № 4400, 98а-100б.

[2] ЎзРФА ШИ, қўлёзмалар фонди, № 4400.

Энди Сўфи Оллоёрнинг туғилган йилини аниқлаштириш масаласига эътибор қаратсак. Бу сана тадқиқотларда турлича тахмин қилинган. И.Сувонқулов Убайдулла Исломқули ўғли Аламкаш келтирган таърихга кўра, Сўфи Оллоёрнинг вафоти 1721 йил, туғилган йили 1644 йил, у милодий ҳисобда 77 йил, ҳижрийда 79-80 йил умр кўрган, дейди.[1] «Саботул ожизин» ва «Рисолаи Азиза» асарларининг лингвотекстологик хусусиятлари бўйича номзодлик иши ёқлаган қозонлик олима Г.Р. Илёсова шоирнинг туғилган йилини 1616 ёки 1630 йил, вафоти 1705 ёки 1713 ёки 1721 ёки 1723 йил деб фараз қилади.[2] «Саботул ожизин»нинг «Меҳнат» нашриётида чоп этилган нусхаси муқаддимасида Сўфи Оллоёр 1133/1720 йилда дунёга келганлиги айтилган.[3] Ш.Сирожиддинов юқорида келтирилган вафот таърихлари асосида айтишича, агар Сўфи Оллоёрнинг ҳижрий йил ҳисоби билан 90 ёшда вафот этгани ҳисобга олинса, туғилган йилини ҳижрий 1043/1634 йил деб белгилаш мумкин. «Сўфи Оллоёр» жамғармаси раиси Равшан Мирзаев ҳам шоирнинг таваллуди милодий 1634, вафоти 1721 йилга тўғри келишини қайд этган.[4] «Тазкираи Абдулматлаб Фаҳмий»да шоирнинг вафот санаси ҳижрий 1136/1634 йил деб келтирилган. Худди шу сана Садри Зиёнинг «Асоми кутуб» асарида ҳам қайд этилиб, унда Сўфи Оллоёрнинг ҳижрий 1136/1724 йили Вахшиворда Шайх Зоҳид Вахшиворий қабристонига дафн қилингани айтилади. Мир Ҳусайн ўзининг «Махазинут тақво» асарида Сўфи Оллоёрнинг вафот санасини ушбу сўзлар билан таърих қилган:

---

[1] Сувонқулов И.Сўфи Оллоҳёр ва унинг адабий анъаналари, док. дисс.автореферати, Т., 1997, 13-бет

[2] Ильясова Г.Р. «Лингвотекстологические особенности произведений «Сабат ал-гаджизин» Аллаяра Суфи и «Рисала-и Газиза» Т. Ялсыгулова», автореферат дисс.кан.фил.наук. /элек. вер. 4 стр.

[3] Сўфи Оллоёр. Сабот ул-ожизин. Т., «Меҳнат»нашриёти, 1991, 5-бет.

[4] Мирзаев Р. Сўфи Оллоёрга замон боқажак. Т., «Фан», 2007, 57-бет.

ای حد وخشوار (*Эй ҳадди Вахшивор*). Таърих моддаларини санага айлантирсак: 1136 ҳосил бўлади. Ҳижрий – 1136, милодий – 1724 йил.

Демак тарихий манбалардаги маълумотларга кўра Сўфи Оллоёрнинг вафоти бўйича асосан иккита сана етакчилик қиляпти:

ҳижрий 1133/**1721**;

ҳижрий 1136/**1724**.

Хўш, бу саналардан қай бири ҳақиқатга яқин? Яна тарихга мурожаат қиламиз. «Туҳфатул аҳбоб»да айтилишича, Сўфи Оллоёрнинг акаси Фарҳодбий аштархоний Абулфайзхон даврида бир муддат оталиқ лавозимини эгаллаб туради. Аммо саройдаги келишмовчиликлар оқибатида ҳижрий 1134/1722 йили қатл этилади. Мана Сўфи Оллоёрнинг акаси вафотига ёзган марсиясидан намуна:

Саломуллоҳ, юраким порасиға,
Таним руҳи кўзумнинг қорасиға
Азизим, аржумандим, меҳрибоним,
Дилим, жоним, тамурим, устихоним,
Равон сарвим, гулим, боғим, баҳорим,
Отам бирла онамдин ёдгорим.

«Саботул ожизин»нинг шахсий кутубхонамиздаги С2, Россия фанлар академиясининг Шарқ қўлёзмалари институти (Санкт-Петербург) фондидаги В4149, С1420, ЎзРФА ШИ фондидаги 2061, 7153 рақамли қўлёзмаларида, шунингдек, 21131, 4201, 8851 рақамли тошбосма нусхалари охирида келтирилган бу марсияда яна шундай мисралар бор: *«Санга етган машаққат, эй эмукдош, Бу мискин жонига бўлғай эди кош», «Жоним, дилим, оғам, жигарим, дидаи тарим... Фарҳоди умдатул амир отли шаҳварим», «Тунлар ичинда кўб эди ниҳон ибодати, Ҳар етти кунда хатми Калом эди одати, Чун охират эди бу жаҳонда иродати, Бўлди анга насиб шаҳодат саодати»*

Тадқиқотчи Д.Ҳамроева «Тазкираи Мажзуб» манбаига тарихий ёндашув» номли мақоласида[1] Сўфи Оллоёрдан Фарҳодбий ўлимининг хунини олишни отаси Оллоқули талаб қилгани ҳақида ёзади. Манбашунос олим А.Жуманазар мазкур тарихий фактга асосланиб, шундай ҳақли саволни ўртага қўяди: «Сўфи Оллоёр 1721 йили тўқсон ёшда ҳаётдан кетган бўлса, қавмдошлари (ё, майли, отаси дейлик) ундан 1722 йили ўлдирилган акасининг хунини олишни талаб қилишяпти..? Абулфайзхон 93-95 ёшлардаги мункиллаган чолни қатл эттирганми? Унда Фарҳодбий ва Сўфи Оллоёрнинг отаси Оллоқули неча йил умр кўрган?»

Демак, бу тарихий ҳодисалар мулоҳаза қилинса, Сўфи Оллоёрнинг вафоти санаси 1721 эмас, 1724 йил бўлиб чиқяпти. Шунингдек, адиб ва атрофидаги тарихий шахслар билан боғлиқ воқеалар ҳам унинг «90 йил умр кўрган»ини тасдиқламаяпти. Хуллас, мавжуд манба ва тадқиқотларда йиғилган маълумотларга асосланиб, Сўфи Оллоёрнинг нисбатан ишончли таржимаи ҳолини тиклашга ҳаракат қилиб кўрайлик.

Мир Ҳусайн «Махазинут тақво» асарида ёзишича, Сўфи Оллоёр 63 (милодий 61) ёшида Вахшиворда вафот этган ва шогирди Жонмуҳаммад устозининг жаноза намозига имомлик қилган. «Махазинут тақво» муаллифи Мир Ҳусайн Сўфи Оллоёрнинг шогирди Жонмуҳаммаднинг эвараси эди. Мазкур авлод силсиласи тасаввурда аниқроқ, хотирда ёрқинроқ жонланиши учун қуйидаги чизмага эътибор қаратинг:

Жонмуҳаммад → ўғли → қизи → Мир Ҳусайн

↓ ↓

Сўфи Оллоёр шогирди — *«Махазинут тақво» муаллифи*

[1] Ҳамроева Д.«Тазкираи Мажзуб» манбаига тарихий ёндашув»// Адабиёт кўзгуси, 2009, 11-сон, 33-бет

Мир Ҳусайн катта бобоси Жонмуҳаммаднинг вафотидан 13-14 йил кейин – 1785 санада дунёга келган. Мир Ҳусайннинг Сўфи Оллоёр таржимаи ҳоли билан боғлиқ хабари қисқа бўлса-да, тарихий қимматга эгалиги жиҳатидан муҳимдир. Қолаверса, «Махазинут тақво»да келтирилган фактлар «Туҳфатул аҳбоб» каби манбалардаги маълумотлар ҳамда тарихий воқеалар билан мувофиқ келади.

Демак, Сўфи Оллоёрнинг ҳижрий ҳисобда олтмиш уч йил умр кўргани (1073-74/1136) аниқ манбавий асосга эга. Шу ҳисобга кўра таржимаи ҳоли саналарини шакллантиришга уриниб кўрайлик.

XVII-XVIII аср туркий илмий-маърифий адабиётининг йирик вакили Сўфи Оллоёр 1663 йили Каттақўрғондаги Ўтарчи қишлоғида Оллоқули хонадонида туғилган. Ўтарчи қишлоғи Каттақўрғон шаҳридан оқиб ўтувчи Наҳрипай дарёси ёқасидаги Сарипултепа қишлоғига туташ бўлган ҳудудда жойлашган.[1] Адибнинг мактаб-мадрасалардаги таҳсил даври ҳақида аниқ тарихий маълумотларга эга эмасмиз. Ҳар ҳолда маърифатли хонадоннинг фарзанди сифатида Сўфи Оллоёрнинг онгли фаолияти Абдулазизхон (1645-1681), Субҳонқулихон (1680-1702), Убайдуллахон II (1702-1711) ва қисман Абулфайзхон (1711-1747) хонлик қилган даврларга тўғри келади. Абдулазизхон тахтни тарк этган 1681-82 йилларда Сўфи Оллоёр эндигина 18-19 ёшларни қоралаган ўспирин эди. Ўша пайтларда унинг акаси Фарҳодбий ўтарчи Субҳонқулихон қўшинига жангчи бўлиб киради. Қатъияти ва жасурлиги билан ҳукмдорнинг эътиборини қозонади. Субҳонқулихон вафотидан (1702) сўнг Бухоро давлати тахтига Убайдуллахон ўтиради. Қисқа фурсатда Фарҳодбий ўтарчи хоннинг ишончини қозониб, оталиқ мансабига эришади.

Аммо тарихий манбаларда Сўфи Оллоёрнинг хонлик тизимида бирор лавозимда ишлагани ҳақида маълумотлар учратмадик. Мутафаккирнинг устози Ҳожи Муҳаммад

[1] Қаранг: «Каттақўрғон: кеча ва бугун». (Муаллифлар гуруҳи.) Самарқанд, 1994.

Ҳабибуллоҳ тўғрисидаги ахборотлар 1680 йиллар бошларида ёзилган айрим манбаларда кўрина бошлайди. 1699 йили ёзиб тугатилган «Туҳфатул аҳбоб» асари эса тўлиқ Ҳожи Муҳаммад Ҳабибуллоҳ ҳаётига бағишланган эди. Худди шу асарда Халифа Наврўз Кеший ва Сўфи Оллоёр ҳақида дастлабки тарихий маълумотлар учрайди. Адибнинг илк асари «Маслакул муттақин» ҳам айнан шу даврда ёзиб тугалланган. Шундай қилиб, Сўфи Оллоёр номи 1699 йилдан бошлаб тарихий манбаларга кириб келади.

«Туҳфатул аҳбоб» муаллифи маълумотлари таҳлил қилинганда Сўфи Оллоёр 1696 йиллардан кейин Ҳожи Муҳаммад Ҳабибуллоҳ ва Халифа Наврўз Кеший хизматига келиб, мужаддидийа-нақшбандийа сулуки таълимотини ўрганишга киришганини кўриш мумкин. У Халифа Наврўз кўрсатмасига биноан, Кеш мадрасаларидан бирида ҳам таълим олади. 1699 йилга қадар «Маслакул муттақин» асарини ёзиб тугатади. Шу йили устози Ҳожи Муҳаммад Ҳабибуллоҳ вафот этади. Энди айрим манбаларда Халифа Наврўз Кеший, Хожа Лутфуллоҳ, Бобораҳим Машраб, Халифа Жонмуҳаммад каби тарихий шахсларнинг Сўфи Оллоёр шахси билан боғлиқ муносабати акс эта бошлайди.

Ижодкор кейинги – «Махзанул мутеъин», «Муродул орифин», «Саботул ожизин» каби асарларини 1700–1724 йиллар оралиғида ёзган. Шу даврларда Каттақўрғон, Самарқанд, Бухоро, Чўнқаймиш, Кеш, Насаф, Қоратикан каби шаҳар ва мавзеларда турли фурсат истиқомат қилган. Умрининг охирги дамларини Вахшивор қишлоғида кечириб, 1724 йили шу қишлоқда оламдан ўтган.

Ушбу фаслда Сўфи Оллоёр таржимаи ҳоли билан боғлиқ барча оғзаки ва ёзма маълумотлар тарихий-манбавий асосда изчил ўрганилди. Мақсадимиз манбаларнинг ишончлилик даражасини аниқлаш бўлгани учун ҳам мазкур фаслда турли манбалардан кўп иқтибослар келтирилди, гўё ҳар бир манба мавзу доирасида ўзини намоён қилди, ўзининг ҳақиқий мақомини ўзи белгилади. Албатта бу «ўзини фош қилиш» услуби манбалараро муқояса шароити таъминлансагина, самара беради. Шу маънода, асосий эъ-

тибор айни шароитни яратишга, муқояса натижаларини тарихий ўзанда ўрганишга қаратилди. Сўнгги хулосамиз шу бўлдики, ривоятлар асосида тўқилган «Рисолаи Азиза»даги таржимаи ҳол ўзининг илмий асосини топмади. Лекин, айни пайтда, Сўфи Оллоёрнинг туғилганидан то вафотигача барча муҳим саналар акс этган таржимаи ҳол ҳам тақдим қилинмади. Сабаби, бу вазифа ишда мақсад қилинмаган, балки адиб таржимаи ҳоли манбалари қиёсий ўрганилган. Қолаверса, таржимаи ҳолни тиклашда илмий мезон – тарихий ҳақиқат. Сўфи Оллоёр таржимаи ҳолини тарихий ҳужжатлар асосида тасдиқланмаган маълумотлар билан тўлдириш тарихни сохталаштириш бўлиб қолади. Қолаверса, мустаҳкам илмий асосга эга таржимаи ҳолни тўла ва буткул тиклаш муайян вақт ва алоҳида эътиборни талаб қиладиган иш. Умид қиламизки, оллоёршунос олимларнинг бу жабҳадаги кейинги изланишлари ўз самарасини беради.

1.2. Сўфи Оллоёрнинг илмий-адабий мероси

Сўфи Оллоёрнинг илмий-адабий мероси турли манбаларда турлича қайд этилса-да[1], аммо фанга маълум ва қўлимизда мавжуд асарлари тўртта. Бу ҳақда филология фанлари доктори Ш. Сирожиддинов айтади: «Муродул орифин» асарида Сўфи Оллоёр ўзининг асарлари қандай кетма-кетликда яратилганини айтиб ўтган: «Дўстлар маслаҳати билан «Маслакул муттақин», сўнг «Саботул ожи-

[1] Саботул ожизин. Шайх Муҳаммадсаид Туркистоний таҳқиқи. «Ат-тараққий», Дамашқ, 1967й.3-4-бетлар. Ҳожи Пўлатқори.Саботул ожизин. Т.,«Меҳнат», 1991, 6-бет; Мелиқул Ханжар. Вахшивор ва Сўфи Оллоёр. Термиз, «Жайҳун», 1993, 15-бет; Иброҳим Ҳаққул. Сўфи Оллоёр – мутасаввиф адиб. Тўплам. Халқаро илмий анжуман материаллари, Теҳрон–Тошкент, 2005, 29-бет; Сайфиддин Сайфуллоҳ. Фатво ва тақво китоби.Т., «Фан», 2005, 4-бет; Равшан Мирзаев. Сўфи Оллоёрга замон боқажак. Т., «Фан», 2007, 17-бет; Иноятулло Сувонқулов. Кўзинг ибрат билан оч. Самарқанд, 2011, 5-бет.

зин» сўнгра «Махзанул мутеъин» ёзилганидан кейин дин муҳиблари эътиқодга мувофиқ, тасаввуф ва ҳидоят йўли ҳақида бир китоб ёзишимни илтимос қилдилар». Демак, «Муродул орифин» асари Сўфи Оллоёрнинг охирги, тўртинчи китобидир.[1]

Форс тилидаги «Маслакул муттақин» («Тақволи кишилар маслаги») китоби арузнинг хафиф баҳрида, *фоилотун–мафоилун–фаълон* (–v– –v–v– – ~) вазнида ҳижрий 1112, милодий 1700-1701 йилда[2] ёзилган бўлиб, умумий ҳажми ўн икки минг байтдан ортиқроқ. Сўфи Оллоёр «Саботул ожизин» китобининг «Китоб таълифининг сабаби баёни» ва «Хотима» бўлимларида бунга шундай ишора қилади:

Ёзилди форсий тил бирла мактуб,
Ақидоту фуруъ қурби маҳбуб...[3]

Битибсан форсий тилда китобе,
Тамом анда масойилнинг жавоби.

Ҳама фатвову тақвонинг баёни,
Ўн икки мингдан ортуқ байти они.[4]

«Маслакул муттақин» асари мавзу эътибори билан фиқҳий асардир. Гарчи асарнинг муқаддимаси – Оллоҳ таолонинг бирлиги, иймон, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга иймон келтириш, чорёрларнинг сифатлари, авлиё каромати каби ақида мавзулари билан бошланса-да, китобнинг ўндан тўққиз қисмини фиқҳий масалалар изоҳи ташкил қилади. Агар шартли равишда айтилса, асар олти асосий бобдан тузилган бўлиб, ҳар боб мавзуга кўра турли нисбатда фаслларга ажратилган. Боб – фиқҳ илми анъ-

---

[1] Тўплам. Халқаро илмий анжуман материаллари, Теҳрон–Тошкент, 2005, 46-47-бетлар.

[35] 1290 سنة ,كشور نوال كنپور .مسلك المتقين يار الله صوفى 608-607 .ص

[3] Илмий-танқидий матн. 3-бўлим, 1-байт.

[4] Шу манба. 81-бўлим, 14-15-байтлар.

анасига кўра, «китоб» лафзи, фасл – «баён» сўзи билан номланган. Масалан: биринчи боб – Таҳорат китоби; биринчи бобнинг аввалги фасли – Таҳорат суннатларининг баёни; иккинчи фасл – Таҳорат мустаҳабларининг баёни ва ҳакозо. «Маслакул муттақин» китоби фиққий мавзудаги мўътабар манбалардан асосан икки жиҳати – назмда ёзилгани ва мавзулар сонининг чегаралангани билан фарқланади.[1] Масалаларнинг қўйилиши ва ечими ҳанафий мазҳаби фатволарига мувофиқ бўлгани учун «Маслакул муттақин» китоби Мовароуннаҳр ва Хуросон ўлкалари мадрасаларида эътиборли фиққий манба сифатида эътироф этилган, дарслик сифатида қўлланилган. Шунинг учун ҳам мазкур асарнинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари ўз даврида Марказий Осиё, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ва бошқа ҳанафия мазҳаби етакчи минтақаларга кенг ёйилган. «Маслакул муттақин»нинг ЎзРФА ШИ фондида 62 та қўлёзма ва 27 та тошбосма нусхалари мавжуд.

Сўфи Оллоёрнинг иккинчи йирик асари «Махзанул мутеъин» («Итоатли кишилар хазинаси») деб номланиб, араб тилида таълиф этилган бу китоб ақида ва фиққ илми мавзуларидан иборат. Адибнинг юқорида номлари тилга олинган тўртта китобидан учтаси – «Маслакул муттақин», «Саботул ожизин», «Муродул орифин»нинг қўлёзма фондларда мавжудлиги фанда маълум эди. Лекин «Махзанул мутеъин» ҳақида гап кетганда яқин-яқингача манбаларда «нусхаси топилмаган» деган маълумот билан чекланилган.

2005 йил Тошкент Давлат Шарқшунослик институти магистранти Жаҳонгир Абдуфаттоҳов биринчи марта «Махзанул мутеъин»нинг ЎзРФА ШИ фондида мавжудлиги ҳақида илмий ахборот берди.[2] Шу пайтгача араб тилидаги ушбу салмоқли асар ҳақида мазкур ахборотдан бошқа

[1] Айни жиҳатлар муаллифнинг китобни ёзишдан кўзлаган мақсади тақозосидир. Қаранг: Сўфи Оллоҳёр. «Маслак ул-муттақин» (Таржимон: Қўзихўжа Ҳафизхўжа ўғли), Т., «Sharq», 2012, 8-бет.

[2] Абдуфаттоҳов Ж.Сўфи Оллоёрнинг «Махзан ул-мутеъин» асари ҳақида янги маълумотлар. Тўплам. Халқаро илмий анжуман материаллари, Теҳрон–Тошкент, 2005, 119-122- бетлар.

маълумот йўқлиги «Махзанул мутеъин» хусусида атрофлича ва батафсил тўхталишни тақозо этади.

ЎзРФА ШИ қўлёзмалар фондининг №4982 рақами остида сақланаётган «Махзанул мутеъин» катта ўлчамдаги қўлёзмалар жумласидан бўлиб, ўлчови – 23х42см, ҳажми – 546 варақ, яъни 1092 бетни ташкил қилади. Оч жигар ранг чарм билан қопланган муқова даврлар ўтиши билан эскирган. Муқова юзидаги безаклар ва китобнинг яхши сақланган тўқ рангдаги лабагиси муқованинг кейинроқ таъмирланганидан дарак беради. Шунингдек, 2б-4а бетларга жойлаштирилган фиҳрист (мундарижа) ҳам асарга кейин қўшилган. Буни матннинг юпқа, фиҳристнинг қалин қоғозга кўчирилганидан ҳам билиш мумкин. Фиҳрист охирида мундарижанинг кўчирилган йили ҳижрий 1225 (мил.1810-1811) деб кўрсатилган. Фасл ва иқтибос келтирилган манба номлари қизил сиёҳда ажратилган. 424б саҳифада «Кифоя» китобининг муаллифи ҳазрат Мир Сайид Жалолиддин Гурланийнинг авлодларидан бўлмиш Сулаймон Хўжа ибн Мусо Хўжа Ҳусайний кўчираётган китобининг муаллифи Сўфи Оллоёр эканини айтган ва китобни шу бетда ниҳоялашни мақсад қилган. Лекин нима учундир бу қисқа колофондан кейин китобнинг қолган қисми айни котиб томонидан давом эттирилган, ҳуснихатнинг бир хиллиги буни тасдиқлаб турибди. Демак, котиб «Махзанул мутеъин»ни аввал «Рўза китоби» билан ниҳояламоқчи бўлган, ҳатто бўлим сўнгида «تمت الكتاب...» сўзлари билан муаллиф ва котиб номларини келтирган. Кейин ният ўзгариб, китобнинг қолган – никоҳ ва талоқ бўлимларини ҳам кўчирган, натижада китобга яна 122 саҳифа қўшилган.

Одатда муаллиф ва унинг асарини кўчирувчи котиб, шунингдек, кўчириш жараёни билан боғлиқ маълумотлар китобнинг охирида (колофонда) берилиши лозим. Бу китобда мазкур маълумотлар олдинроқ (424 б) берилгани учун охирги бетда(546 а) «мусанниф нусхасига солиштириб кўчирилди» деган хабар билан кифояланилган. Бун-

дан «Махзанул мутеъин»нинг мазкур нусхаси мусанниф хатига, яъни асл нусхага солиштирилиб кўчирилгани аён бўлади.

Матн басмала[1] ва анъанавий ҳамддан сўнг арабча байтлар билан бошланган:

لك فوضت امرى يا معينى
فاصلح انت دنياى و دينى
مع التصديق و الاقرار ثبت
بكل حالة روحى وطينى [2]

Таржимаси: «*Эй ёрдам қилгувчи Зот! Ишимни Сенга топширдим. Энди дунё ва динимни Ўзинг ислоҳ қил. Ҳар қандай ҳолатда руҳим ва лойим (танам)ни тилда иймон калимасини иқрор этиш, дилда уни тасдиқлаш билан собит қил*».

Назмий муножотдан сўнг муаллиф арзи ҳол қилади: «Ҳисобда йўқ, шунинг учун исми ушбу китобда тилга олинмаган бу гуноҳкор банда дейди: «Илмим камлигига қарамасдан, аҳли сунна вал жамоа эътиқодига тегишли ақида масалаларини кейин ҳанафий мазҳабида битилган китоблардан таҳорат, намоз, рўза, закот ва Оллоҳ хоҳлаган бошқа мавзуларга тааллуқли амалий масалаларни жамлашни ирода этдим. Шу хусусда келган хабарларни ёритдим. Оллоҳим, бу ишимни менга ва мусулмонларга осон қил. Биродарларим бу китобга «Махзанул мутеъин» – «Итоатли кишилар хазинаси» деб ном бердилар. Дуоларни ижобат этгувчи Зотдан мадад тилаб, Унга таваккул қилиб, китобни ёзишга киришдим…»

Мазкур «арзи ҳол»дан муаллиф мақсади ойдинлашган бўлса-да, айрим жиҳатлари теранроқ эътиборни талаб қилаётгандек, қайсидир нуқталари яширин қолаётгандек тасаввур уйғотади.

---

[1] «Бисмиллаҳир роҳманир раҳим»нинг қисқартма шакли.

[2] Сўфи Оллоёр.«Махзанул мутеъин», ЎзРФА ШИ, қўл.№4982, 4 б-бет.

Сўфи Оллоёр «Маслакул муттақин» китобининг ёзилиш сабабига тўхталиб, дейди:

پاره مردم شکسته پا هستند
طالب شرع مصطفی هستند
فهمه شان بیان حق طلب
نه نشیند با نسخهء عربی
شاید آن خلق را مفید بُوَد
گفتن من به ان امید بُوَد.

Таржимаси: «Муҳаммад алайҳиссалом шариати талабида юрган айрим оёғи синган (яъни, авом) кишилар борки, Ҳақ талабини баён қилишда арабий нусхаларга уларнинг фаҳми етмайди. Шояд, уларга фойдаси тегса, деган умидда бу асарни ёздим».

Худди шу мазмун «Саботул ожизин»нинг «Китоб таълифининг сабаби баёни» бўлимида, шунингдек, «Муродул орифин»нинг муқаддимасида ҳам акс этган. Шунинг учун ҳам бу асарларда шакл ва мазмун ўқувчининг қабул қилиш даражасига мувофиқ ихтиёр қилинган, ихчамлаштирилган.

«Махзанул мутеъин» китобида эса айни мақсад кўзланмаган. Нега? Бунинг бир нечта сабаби бор. Аввало, китоб араб тилида ёзилган. Демак манба авом халққа мўлжалланмаган. Агар араб тилидан бохабар олимлар тоифаси учун ёзилган десак, мазкур мавзуларда ипидан игнасигача баҳс юритган бирламчи манбалар «Махзанул мутеъин»гача ҳам мавжуд эди. Қолаверса, табиатига кўра бу тоифа кишилар ўзларини қизиқтирган масала жавобини бирламчи манбалардан истифода қилишга хосланган. Улар ёрдамчи манбаларга деярли эҳтиёж сезмайдилар. Сўфи Оллоёр ўз асарини ёзишда бу «ҳожат»ни мақсад қилмагани аниқ.

Одатда, китобат анъанасига кўра басмала, ҳамд, наътдан сўнг муаллифнинг исми (аждоди билан биргаликда) зикр этилиши лозим. Сўфи Оллоёр басмала, ҳамд, наътдан сўнг ўзни маломат қилиб, мен саноқда йўқ бир гуноҳкор

бандаман, шунинг учун китобда исмимни зикр қилмадим, деган мазмун билан сўзини бошлайди. Кейинги жумлани ҳам шу йўсинда «илмим камлигига қарамасдан» деб давом эттиради. Бу шикастанафсликнинг замирида бирламчи манбаларга муносиб ҳурмат ва чуқур эътироф мазмуни яширинган.

«Арзи ҳол»да Сўфи Оллоёр «бу китобда ақидавий ва амалий масалаларни жамлашни ирода этдим» деган маънони таъкидлаяпти. Энди «жамлаш» сўзига эътибор қаратайлик. Нима учун «ёзишни ирода этдим» дейилмаяпти? «Махзанул мутеъин»даги мавзулар таркиби ва истинбот қилинган манбалар акс этган қуйидаги жадвал масалани ойдинлаштиради:

Демак, «Махзанул мутеъин»да ақоид ва фиқҳ илмининг 30 га яқин мавзулари бўйича 40 дан ортиқ манбалардан истинбот қилинган. Яъни «Махзанул мутеъин»да изоҳланган ҳар бир мавзу жадвалда келтирилган манбалардаги айни мавзуга қиёсан ўрганилган, ечимлар ўзаро таққосланган. Бу ижодий эмас, кўпроқ илмий тафаккур асосида олиб бориладиган жараён. Шунинг учун ҳам «китобни ёздим» эмас, «уни жамладим» дейиляпти.

Хулоса шуки, Сўфи Оллоёр ўзидаги билим захирасини «Махзанул мутеъин» мисолида тизимга солган. Натижада асар муаллиф учун таҳсилий аҳамият касб этган. Янада аниқроғи, муаллиф бу китобини аввало ўзи учун таълиф қилган. Табиийки, бундай манбанинг шахсий доира чегарасида қолмаслиги аён. «Махзанул мутеъин»дек асар таҳсилнинг муайян босқичида муҳим қўлланма мақомидаги манба экани илм толиблари учун маълум ҳақиқат.

Сўфи Оллоёрнинг форс тилидаги «Муродул орифин» асари ахлоқий мукаммаликни тарғиб қилувчи тасаввуф йўналишидаги китобдир. Мазкур асар ўн олти фаслдан иборат бўлиб, ҳар фасл оҳирида хотима сифатида байтлар келтирилган. Биринчи фасл «эшон» сўзининг моҳиятини баён қилиш билан бошланган. Иккинчи фаслда сўфийлик илмлари ва илмларнинг асоси бўлмиш тавҳид, ғайбат, шуҳуд, яқин тушунчалари изоҳланган. Кейинги фасларда

№	Ақоид илмига оид мавзулар	Ақоид фаслида келтирилган манбалар номи	Фиқҳ илмига оид мавзулар	Фиқҳ фаслида келтирилган манбалар номи
1	معرفة الله	تحفة المتكلمين	الوضوء	الكفاية
2	صفة الله	المحيط	الصلاة	غنية المصلى
3	بيان التنزيه	المشكوة	الذكوة	النهاية
4	افعال العباد	السعدية	الصوم	تاتارخانية
5	تعريف العقل	كمياء السعادة	النكاح	الهداية
6	جواز رؤية الله	فقه الاكبر	الطلاق	الصدرية
7	صفة الايمان	شرح فقه الاكبر	العتاق	جامع الرموز
8	صفة الملائكة	التبصرة	احكام المرتدين في الهداية	السراجية
9	ارسال الرسل	تفسير ليعقوبى		الزاهدى
10	عصمة انبياء عليهم السلام	الخلاصة		الخزانة
11	تفضيل الانبياء على الملائكة (و) تفضيل الرسل على الانبياء	عقائد الجلالية		فتاوى النسفى
12	اثبات نبوت صلى الله عليه و سلم	تفسير القاضى		الوقاية

13	اثبات الشفاعة	جامع المعتقدات		الفصيحة
14	التبصرة	شرح عقائد النسفى		زخيرة العقبى
15	اثبات معراج النبي صلى الله عليه و سلم	فتاوى القاضى خان		مختصر الوقاية
16	فضيلة الصحابة افضل الناس	مفتاح العين		الجامع الصغير
17	الخلافة	مختصر ابو الليث		شرح الطحاوى
18	الامامة	فضول العمادى		مختار الفتاوى
19	كرامات الاولياء	عقائد النسفى		التهذيب
20	الاجل	كنز العباد		ايضاغ القدورى
21	اثبات عذاب القبر	شرعة الاسلام		
22	الفاظ كلمات الكفر			
23	كلام اهل النجوم			
24	اهل البدع			
25	حق جواز نسخ الشريعة			

тариқат йўлига қадам қўйган солик, мурид, муталлимнинг одоби, шунингдек, зуҳд, фақр, шукр, тамкин, мужоҳада, тавозуъ, яқин, ихлос, таваккул, сидқ, вафо, тақво, хавф, ражога элтувчи сабаблар ҳақида ва муҳаббат, завқ, шавқ, важд, ризо, рамз, ишорат каби мавзуларда сўз юритилган.

ЎзРФА ШИ фондларида «Муродул орифин» асарининг ўн тўртта нусхаси мавжуд бўлиб, шулардан ўнтаси қўлёзмадир. Энг қадимий қўлёзма нусхаси 1166/1753 йил кўчирилган. Котиби – Хожа Низомиддин ибн Ҳазрат Олийжанноб.

«Муродул орифин»нинг тошбосма нусхалари билан танишиш асносида №9100 рақами остида сақланаётган, картотекаларда «Муродул орифин»нинг шарҳи деб келтирилган, аслида тўлиқ номи – مراد العارفين مع شرح المسمى تحفة الطالبين – «Муродул орифин» «Туҳфатут толибин» номли шарҳи билан бирга».[1] Котиби – Мулла Абдуллоҳ ибн домулла Раҳмон Марди ал-Ғаззолий. Когонда ҳижрий 1327/1909 йил босилган, 44 бет. Ўлчови: 29х19см. «Муродул орифин» байтлари рамкага олинган, мисралар орасига бўйига жуфт чизиқ тортилган, байтлардаги айрим лафзлар устига сонлар қўйилиб, ҳошияда ўша сон қўйилган лафзларнинг луғавий маъноси ва айрим лисоний жиҳатлари (фонетик, морфологик) араб тилида изоҳланган.

Шарҳ муқаддимасида шориҳ «Муродул орифин»нинг мақоми, унинг тақво китоби, ҳар қандай замима ахлоқни муолажа қилувчи китоб эканини айтиб, ушбу асарнинг ёпиқ маъноларини очиш қуввати билан насибаланган устози ҳақида дейди[2]: «...У фозил, зоҳирий ва ботиний илмларни жамлаган, ақли ва амали комил, мусанниф (Сўфи Оллоёр) авлодидан бўлган зотдир. Исми шарифла-

[1] Баъзи адабиётларда Сўфи Оллоёр таълиф этган китоблар ҳақида гапирилганда «Туҳфатул обидин», «Нажотут толибин» деган номлар ҳам қалқиб чиқади. Аслида бу номлар «Муродул орифин»даги байтларга ёзилган шарҳ «Туҳфатут толибин» билан чалкаштирилаётгани натижаси бўлиши ҳам мумкин.

[2] Матн араб тилида бўлгани учун таржимаси келтирилди.

ри – Абдулқаййум ибн Абдулкарим Ҳусайний. У зот менинг устозим, хожам, мана шу шариф байтларни қоралашга, шарҳлашга кўмакчим эдилар. Қанча фазл эгалари «Муродул орифин»даги байтлар мушкулотини ечишга бел боғлашди, аммо камчилик бунинг уддасидан чиқди. Бас, Оллоҳнинг Ўзи мени тўғри йўлга йўллади, бу гўзал олимнинг хизматида бўлдим, у зот дардимга ҳозиқ табиб бўлди. У улуғ зотнинг изни билан, гарчи бу шарафга лойиқ бўлмасам-да, «Муродул орифин» байтларини шарҳлашга киришдим» – дейди шориҳ ва арзи ҳол давомида тушида Сўфи Оллоёрни кўргани, у билан бўлган ажиб суҳбатни келтиради. Кейин «Муродул орифин» нусхаларини саралаб, матнларни қиёслаб, байтларни йиғишга киришгани, ҳошияда айрим изоҳга муҳтож ўринлар қисқа шарҳлангани айтилади. Муқаддима охирида: «Бунинг ўзи мустақил бир асар бўлди ва унга «Туҳфатут толибин фи шарҳи абёти «Муродул орифин» («Муродул орифин» байтларини шарҳлаш йўлида толибларга туҳфа») номладим, 16 фаслга ажратдим ва уни суюкли дўстим, қадрдон суҳбатдошим Мулла Абдулматлаб (Абдулмуттолиб) Булғорийга туҳфа қилдим»– дейди.[1]

Шунингдек, ЎзРФА ШИ фондида № 8310 рақами остида «Муродул орифин» байтларининг татар туркийсига қилинган таржима нусхаси ҳам мавжуд. Таржима байтма-байт давом эттирилган, тили содда, кўпроқ лисоний жиҳатга урғу берилган. Таржиманинг 1809 йил Қозонда босилган нусхаси китобнинг биринчи ярми ҳисобланади. Таржиманинг қолган ярми № 18508 рақами остидаги бошқа жилдда келтирилган.

Асосий тадқиқот объектимиз бўлган «Саботул ожизин» («Ожизлар саботи») китоби қарийб уч аср мобайнида мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган, бошланғич таълим жараёнида соғлом эътиқодни шакллантириш дастури сифатида тан олинган асардир. Шунинг учун ҳам айрим манбаларда қисқартириб «Сабот», халқ орасида «Сўфи Оллоёр» деган ном билан танилган бу асарнинг қўлёзма ва то-

[1] «مراد العارفين مع شرح المسمى تحفة الطالبين», ЎзРФА ШИ, қўл.№9100.

шбосма нусхалари туркий тилда сўзлашувчи дунё мамлакатлари бўйлаб кенг тарқалган. ЎзРФА ШИ фондида асарнинг жами бир юз ўттиз иккита нусхаси бўлиб, шулардан 79 таси қўлёзма, 53 таси тошбосмадир.

Ҳазажи мусаддаси махзуф баҳрида, *мафоилун мафоилун фаулун* (v– – –v– – –v– –) вазнида битилган «Саботул ожизин» асари мазмун ва тузилишига кўра ақоид китоби бўлиб, унда ақида масалалари билан бирга соф инсоний фитрат ва ахлоқий фазилатлар гўзал ҳикматлар, ибратли ҳикоятлар орқали баён қилинган.

Мумтоз асарларнинг таркибий тузилишида муайян қонуниятлар мавжуд. Ҳар қандай манба матнидан аввал қатъий равишда «басмала» келтирилган. Басмаладан сўнг матнга йўл очилиб, матн бевосита ҳамд билан бошланган. Ҳамд ва наътдан сўнг махсус бўлим ажратилиб, унда китобнинг битилиш сабаби ҳақида тегишли маълумотлар берилган.

«Саботул ожизин»да ҳам шу анъана жорий бўлиб, «Китоб таълифининг сабаби баёни» бўлимида муаллиф ўз асарининг битилиш сабабини мухтасар изоҳлайди.

Ёзилди форсий тил бирла мактуб,
Ақидоту фуруи қурби маҳбуб.

Аниким кўрдилар туркий ёронлар,
Дедилар: «Гар дуо қилса эранлар.

Битилса турки(й) тил бирла ақида,
Кўнгуллар бўлса андин орамийда»...

Ақида сўзларини қилдим исбот,
Анга қўйдим «Саботул ожизин» от.

Демак, юқорида таъкидланганидек, форсий тилда ақида ва фиқҳ масалаларини жамлаган «Маслакул муттақин» китобидан сўнг мухлис дўстларнинг «туркий тилда ҳам бир ақида китоби битилса», деган илтимосларига кўра «Сабо-

тул ожизин» номли асар дунёга келган. 1680 байтлик бу асар ҳар бири алоҳида мавзу билан ажралиб турувчи 81 та манзума – шеърий тизмадан ташкил топган.[1] Китобнинг таркибий тузилишини ундаги айрим ташқи ва ички белгиларидан келиб чиқиб, шартли равишда шундай тасниф қилиш мумкин:

I. Ақида илмига оид мавзулар баёни.
II. Ҳикоятлар.
III. Муножотлар.
IV. Насиҳатлар.

Биринчи қисмга кирувчи манзумалар сарлавҳаси охирида «баёни» сўзи қўлланиб, мазкур зоҳирий белгидан бўлимнинг ақида мавзусида экани англашилади. Масалан: «Оллоҳ таолони танимоқ баёни», «Имомат баёни», «Ажал баёни, «Қиёматнинг ҳақлиғи баёни» ва ҳакозо. Бу турдаги манзумаларнинг мазмуний қурилиши тўла ҳолда ақоид матнларига мувофиқлаштирилган. Қизиғи, шундай қатъият остида ҳам манба бадиияти сақланган, ҳатто кучайган.[2]

Иккинчи қисмга кирувчи манзумалар ҳикоятлардан ташкил топиб, унда муайян тарихий шахснинг ҳаётидан ибратли бир парча ривоятнома услубда назмга солинади. Муаллиф ҳикоятларни олдинги бўлимда ифодаланган мазмуннинг «фабуласи» сифатида келтиради. Масалан, «Саботул ожизин»нинг «Авлиё каромати баёни» деб номланган 13-бўлими ниҳоясида:

Киши бўлмас муқарраб анбиёдин,
Алар безор эрур ужбу риёдин

деган байт келади. Яъни: «Киши тоат-ибодати билан ҳар қанча валийлик мақомига кўтарилмасин, Оллоҳга яқинликда Пайғамбарлардан юқори кўтарила олмайди. У зот-

[1] Рақамлар илмий-танқидий матн таркибидаги байтлар ва бўлимлар асосида келтириляпти.

[2] Монографиянинг III-бобида бу масалага батафсил тўхталамиз.

лар манманлик ва риё иллатидан узоқдирлар». Шу мазмун «Ҳикоят» номли 14-бўлимда Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаётида юз берган реал тарихий воқелик орқали жонлантирилган.

Учинчи қисмга кирувчи манзумалар «Илоҳо» мурожаати билан бошланади. Бундай манзумаларнинг сарлавҳаси *муножот* деб номланган. Арабча «муножот» сўзи «қалбдан қилинган махфий суҳбат» маъносидадир. Мумтоз адабиётимизда учрайдиган *Оллоҳ билан сирлашиш*, *роз айтишув* каби иборалар ҳам айни мазмунни ифодалайди. Муножот жанрида битилган асарларда бўлганидек, «Саботул ожизин»даги *муножот*ларда ҳам банданинг Яратувчиси олдидаги ожизлиги, Раббини унутиб, дунё ва охиратда шарманда бўлишига ҳам, раҳмати чексиз Зотнинг раҳматидан умидвор бўлишга ҳам шу ожизлик сабаб экани тўла эътироф этилган.

Аксар «Кел...» лафзи билан бошланадиган тўртинчи қисмга кирувчи манзумалар насиҳат руҳи билан ажралиб туради. Арабча «насиҳат» сўзининг луғавий маъноси *самимий маслаҳат*, *самимият*, *холислик* каби мазмунни ифодалайди. Сўфи Оллоёрнинг мазкур манзумаларида айни самимият кузатилади:

Кел э толиб, кўзунг ибрат билан оч,
Муҳаббатсиз кишидин қуш бўлуб қоч.

Муҳаббат аҳлининг жўёни бўлғил,
Ўшалким учради, қурбони бўлғил.

Кишининг кўнгликим бегона бўлса,
Эрур душман агар ҳамхона бўлса...[1]

«Саботул ожизин»нинг таркибий характери ўрганилар экан, шартли таснифимизнинг хос хусусиятлари бўлимларнинг номланиши билан боғлиқликда изоҳланди. Саба-

[1] Илмий-танқидий матн. 39-бўлим, 1,2,3-байтлар.

би, яхлит бўлим сифатида таркиб топган ҳар бир манзумадаги бош мавзу сарлавҳаларда акс этган. Мумтоз адабиётда, у қайси жанрдаги асар тадқиқи бўлмасин, соғлом таҳлил натижаси муаллифнинг ижодий концепциясини аниқлаш билан белгиланади. Бу жараённинг мураккаблиги турли тармоқ мавзулар орасига яширин, аммо уларни бир бутун ҳолда ушлаб турган ўзак мавзуни ажрата билишда.

Демак, «Саботул ожизин»нинг таркибий тузилиши умумий навъ эътибори билан юқорида келтирилган таснифда акс этди. Бироқ таснифдаги кетма-кетликка кўра бу навъдаги хусусиятлар у навъга, ундагилар бунга ўтган ҳолатлар ҳам учрайди. Масалан, «Таваккул баёни», «Сучук тиллик бўлмоқни баёни», «Банда аҳдида турмоғи баёни» каби бўлимлар зоҳирда таснифнинг биринчи гуруҳига алоқадордек кўринса-да, мавзусига кўра бу манзумалар тўртинчи гуруҳга тегишли. Шунингдек, ақоид мавзуси баён этилган манзума хотимасида «Илоҳо» лафзи билан келган муножотлар, «Мавъиза» деб номланувчи насиҳат мақсад қилинган бўлимлар орасида конкрет ақида масаласига оид байтларни ҳам кузатиш мумкин. Бу жиҳат таснифнинг умумий ҳолатдан келиб чиқиб амалга оширилганини ва тадқиқ шартлилик асосига қурилганини англатади.

1.3. Илмий-адабий меросининг ўрганилиш тарихи

Сўфи Оллоёр илмий-адабий меросига қизиқиш XIX аср аввалидан бошланган. Тўғри, XVII аср охири XVIII асрларда ёзилган айрим тарихий асар, тазкираларда Сўфи Оллоёр шахси ва фаолияти ҳақида маълумотлар учрайди.[1] Лекин олим ва адиб сифатида Сўфи Оллоёр ижодини фундаментал ўрганиш XIX асрдан бошланган.

[1] I бобнинг 1-фаслида бу манбалар ҳақида айтилди.

Ҳижрий 1221/1806 йилда қозонлик олим Тожуддин Ёлчиқул ўғли «Саботул ожизин» асарига «Рисолаи Азиза» номли шарҳ ёзган.[1]

Ҳижрий 1293/1876 йилда «Маслакул муттақин» асари «Ҳидоятул муттақин» («Тақволи кишиларга йўлланма») деган ном билан туркий тилга насрий таржима қилинган. Таржимон – Қўзихўжа Ҳафизхўжа ўғли. «Ҳидоятул муттақин»нинг битта нусхаси ЎзРФА ШИ қўлёзмалар фондида №12180 рақами остида сақланади. Китобнинг ёзилиш сабабини таржимон шундай изоҳлайди: «...форсийдан бехабар толиблар фақири ҳақир Ҳафизхўжа ўғли Қўзихўжаи бефаросат ва кам каёсат нолойиқни бу амри шарифга лойиқ кўруб, илтимос қилдиларким: «Ҳазрати Эшон Сўфининг бу китоби табаррукларидан бизлар бехабармиз. Керакким, туркий бўлса, бизлар ҳам фаҳм қилиб, баҳра олсақ ва ҳол қувватимиз боринча амал қилсақ... деб илтижо қилғандин кейин... «Маслакул муттақин»ни туркий қилмаққа шуруъ қилдим».

«Ҳидоятул муттақин» китоби «Муқаддима», «Ақида китоби», «Таҳорат китоби», «Забойиҳ китоби», «Сайд китоби», «Мутафаррақот», «Салот» китоби, «Қироат баёни», «Закот китоби», «Рамазон рўзаси баёни», «Ҳаж китобининг тасниф этилмаганининг зикри» деб номланувчи бўлимлардан иборат. Ҳар бўлимда мавзуга доир фиққий масалалар мўътабар манбалар асосида баён этилган.

«Ҳидоятул муттақин» асари 2007 йил манбашунос олим Сайфиддин Сайфуллоҳ ва Акрам Деҳқонов томонидан кирилл алифбосига ўгирилиб, «Мовароуннаҳр» нашриётида чоп қилинди. Бу нашрнинг эътиборли жиҳати нашрга тайёрловчилар китоб муқаддимасида «Маслакул муттақин» асари ҳақида» ва «Маслакул муттақин» асарининг таржимаси» сарлавҳалари остида тарихий маълумотларга бой, шунингдек, табдил жараёни билан боғлиқ жиҳатлар хусусида жиддий ва салмоқли кириш сўзини тақдим

[1] III бобда«Саботул ожизин»шарҳлари ҳақида махсус тўхталингани боис бу ўринда дастлабки маълумотлар билан кифояландик.

қилишган. Унда айтилишича, мазкур табдил Қўзихўжа Ҳафизхўжа ўғлининг эвараси Акрам Ҳабибуллаевнинг шахсий кутубхонасида сақланаётган тўлиқ ва мукаммал нусха асосида амалга оширилган. Тадқиқот охирида табдил жараёнида қўлланган матн билан боғлиқ илмий қоидалар олти бандда изоҳланган. Китоб иловасида берилган «Маслакул муттақин»да зикр этилган асар ва шахс номлари» илмий кўрсаткичи ва қўлёзмалардан келтирилган намуналар ҳам мазкур нашрнинг фазилатларидандир.

«Рисолаи Азиза» ёзилганидан сал кам бир аср ўтиб, XX асрнинг бошларида Қозондаги «Матбаъи Каримий» босмахонасида «Саботул ожизин»га ёзилган иккинчи шарҳ китоби «Иршодул оъизин» («Муҳтожларга кўрсатма») номи билан нашрдан чиқди.[1]

Сўфи Оллоёрдан мерос қолган илмий-адабий асарлар ичида ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, мутахассисларни, ҳатто ўқувчиларни ўзига энг кўп жалб этган китоб «Саботул ожизин»дир. Унинг 1967 йил Дамашқдаги «Ат-тараққий» матбаъасида Шайх Муҳаммадсаид Туркистоний таҳқиқи билан чоп қилинган нусхаси бунга мисолдир.

Китоб муқовасида «تأليف الشيخ الله يار الحنفى من فقهاء و علماء البخارى» (Бухоролик фуқаҳо ва уламолардан ҳанафий мазҳабидаги Шайх Оллоёрнинг таълифи) «تحقيق الشيخ محمد سعيد تركستانى من علماء المهاجرين بمكة المكرمة» ва (Маккадаги муҳожир уламолардан Шайх Муҳаммадсаид Туркистонийнинг таҳқиқи) деган ёзувлар бор.

Арабча *таҳқиқ* сўзининг луғавий маъноси «юзага чиқариш», «амалга ошириш», «тадқиқ қилиш», «ўрганиш» бўлиб, матншунослик истилоҳида бу сўз «қўлёзма манбанинг бир нечта нусхасини ўзаро қиёслаб саралаш ва шу асосда ишончли матнни тиклаш» маъносини англатади. Демак Шайх Муҳаммадсаид Туркистоний бу иши билан «Саботул ожизин»нинг бир нечта қўлёзма нусхасини қиёсий ўрга-

[1] Бу ўринда шарҳ ҳақида билдирилган маълумотларга 1910 йилда босилган иккинчи нашри асос бўлди.

ниб, ўзи ишончли деб топган матнни тақдим қиляпти. Китоб аввалида «Муқаддима» бўлими келтирилиб, унда ушбу китобга асос бўлган нусхалар ҳақида хабар берилади:

– Маккада тақдим қилинган охири ноқис бир нусха;

– мулла Турсун Домулло Намангонийнинг ҳуснихати ила ёзилиб, 1370/1951 йил Маккада хотималанган мукаммал қўлёзма нусха;

–1328/1910 Когон(Бухоро)да босилган тошбосма;

– «Рисолайи Азиза».

«Муқаддима»дан сўнг «Тамҳид»(кириш) сарлавҳаси остида Сўфи Оллоёрнинг таржимаи ҳоли берилган. Таржимаи ҳолдаги маълумотлар деярли «Рисолаи Азиза»дан олинган. «Таснифотлари» сарлавҳаси остидаги фаслда Сўфи Оллоёрнинг юқорида номлари саналган барча асарлари ва уларнинг аввалги ва охирги байтлари келтирилган. Буларга қўшимча равишда Сўфи Оллоёрнинг яна «Сирожул ожизин» ва «Нажотут толибин» каби асарлари борлиги айтилиб, бунга шундай далиллар келтирилган: «Сирожул ожизин»нинг аввалги байти:

Саноул ҳамду Халлоқи жаҳонга,
Ки ҳукмин кўрсатиб яхши ёмонга.

«Нажотут толибин» исмли бир асари босилмаған китоблари жумласидандур. Бу китоб ғоятда чиройлик хат билан ёзилған вақтила Самарқандда домулла Васлийни китобхоналарида мавжуд эканлиги андижонлик устод муҳтарам ибн Ямин қори домуллани кўрғонликлари саҳиҳ ва собитдур».[1]

Бу фаслда Муҳаммадсаид Туркистоний «Саботул ожизин»нинг ақида ва Расулуллоҳ суннатига мувофиқ китоб экани, бу миллатнинг Сўфи Оллоёр олдида қарзи кўп эканини айтиб, сўнгги «Маърифатуллоҳ баёнида» ва «Тавҳид баёнида» фаслида мавзуга алоқадор байтлар ҳаминқадар

[1] «Саботул ожизин». Шайх Муҳаммадсаид Туркистоний таҳқиқи. «Ат-тараққий», 1967й.3-4-бетлар.

шарҳланган, айрим ҳикоятлар мисолида ёмон хулқлар мазаммат қилиниб, яхши хулқлар мақталган. «Ахлоқий кўрушлари ҳақинда бир-икки сўз» фаслида эса тажнисли байтлар изоҳланган.

«Саботул ожизин»нинг бу нусхасида манзумалар сони 81 та бўлиб, китоб охирида «Холиқо» деб бошланувчи муножот, сўнгра «Ғазалиёти Эшон Сўфи Оллоёр» сарлавҳаси остида Сўфи Оллоёрга нисбат берилган ғазаллар илова қилинган.

Шайх Муҳаммадсаид Туркистонийнинг «Саботул ожизин» тадқиқи билан боғлиқ ишончли матнни тиклаш йўлидаги бу ҳаракати илмий савия жиҳатидан талаб даражасида бўлмаса ҳам оллоёршунослик тарихида ўз ўрнига эга эканига шубҳа йўқ.

«Саботул ожизин»нинг энг эътиборли шарҳларидан бири ҳижрий 1388/1968 йил Кобул шаҳрида ёзилган «Ҳидоятут толибин» *(«Илм толибларига йўлланма»)* асари бўлиб, муаллифи Саййид Ҳабибуллоҳ ибн Саййид Яҳёхон ал-Фарғонийдир.

«Саботул ожизин»нинг Хуросон ўлкаларидаги туркий халқлар орасида оммалашуви давом этди. Ҳижрий 1408/1988 йил Теҳрондаги «Ал-мактабатул исломиййа», Гунбади қобус–Ҳожи Тиллойи матбаъасида «Саботул ожизин»нинг бир нечта нусхалари асосида ўзаро муқояса қилинган, турли илмий кўрсаткичлар билан таъминланган матни 3300 нусхада чоп қилинди.

Китоб аввалида ҳажман салмоқли, ўзига хос тадқиқот шаклидаги «Муқаддима» тақдим қилинган. Бир неча мавзуни қамраб олган бу муқаддимада нашрга тайёрловчи ёки тузувчи ёхуд таҳқиқ қилувчининг номи зикр этилмаган. Фақат бир ўринда «Олиму ориф устод Ҳожи Султон Муҳаммад Охунд»нинг сўзларидан иқтибос келтирилган. Муқаддима фасллари сарлавҳалар билан ажратилмагани учун мавзулар бўйича изоҳлашга ҳаракат қиламиз.

Аввалги фаслда Сўфи Оллоёрнинг таржимаи ҳоли баён этилган. Таржимаи ҳол «Рисолаи Азиза»даги маълумотларга асосланган. Муқаддима муаллифининг билдиришича,

бу нашрдан мақсад – матн «хатини айри ёзиб, биқадарил имкон тасҳиҳ эдиб, эъроб ғўйиб, хулоса, гўриниклирак эдиб чоп эдмак».[1] Демак икки иш мақсад қилинган: матн тасҳиҳи ва эъроб. Кузатишимизга кўра, *матн тасҳиҳи* деганда – «Саботул ожизин»нинг нусхаларини солиштириш, ҳар байтини алоҳида ажратиб рақамлаш; *эъроб* деганда сўзларнинг устига эъробини – қисқа унлиларни ифодаловчи ҳаракатларни қўйиш, масалан, ёзувда *-дин* чиқиш келишиги ифодаланган ўринда, *дол (د́)*нинг устига фатҳа ҳаракати қўйиш ва *-дин* нинг *-дан* варианти ҳам борлигига ишора назарда тутилган.

Кейинги фаслда Шайх Ҳабибуллоҳнинг тариқатдаги силсиласи 28та доира орқали кўрсатилган. Баъзи доиралар атрофида изоҳлар ҳам мавжуд. Аруз илмининг тарихи ва қонун-қоидалари қисқача баён этилган бўлимда «Саботул ожизин» ва «Равнақул ислом» асарларининг вазнлари доира ичида («Доирайи мужталаба») мундариж этилган. Шунингдек, бу бўлимда «Баҳри байт» ўйини «Жанги байт» деб аталиб, ўйиннинг қоидалари «Саботул ожизин» байтлари мисолида изоҳланган.

«Китобнинг ёзилиш ва луғатлари» деган сарлавҳа остидаги фаслда сўзларнинг ёзилишидаги фарқлар келтирилган: *душди–тушди, ажи–ачиғ, ўлтурди–келтурди, бўлмаз–эрмас, этгач–айлагач..; палагда – лоқ юмутқа, тақи–дағи, тиши–урқочи, қанда–нерада* ва ҳоказо.

«Саботул ожизин»да мазкур бўлан одамийлар» фаслида матнда номлари тилга олинган тарихий шахслар ҳақида қисқа маълумот берилган ва жумла охирида қандайдир рақамлар ёзилган. Бу сонларнинг нимани англатиши изоҳланмаган. Шунингдек, муқаддимада «Саботул ожизин»да келган жой номлари, манба ва уларнинг муаллифлари номлари ҳам саналган.

Муқаддима охирида «Саботул ожизин»нинг ушбу нусхасини тайёрлашда истифода этилган саккизта нусха ҳақи-

[1] «Саботул ожизин». Гунбади Қобус – Ҳожи Тиллойи, Теҳрон, 1988, 4-бет.

да хабар берилган ва ҳар нусханинг суратидан намуна илова қилинган. Матндаги айрим сўзларнинг луғати, кенгроқ маъноси ўша сўз устида ё остида қисқача изоҳлаб борилган. Матн дона-дона, чиройли насталиқ хатида битилган бўлиб, рамка ичига олинган. Ҳар байт ва ҳар манзума алоҳида рақамланган. Байтлар сони – 1663 та, манзумалар сони – 84 та. 292-бетда «Сўфи Оллоёр Эшоннинг мутафарриқа манзумалари» сарлавҳаси остида «Ҳолиқо» деб бошланувчи муножот билан бирга еттита ғазал келтирилган.

1991 йили «Саботул ожизин» асарининг тошбосма ва қўлёзма нусхалар асосида эски ўзбек имлосидан табдил этилган иккита нашри эълон қилинди.[1] Ҳар иккала нашр матн табдили қоидаларига жавоб бермайди. Тайёрланган нусхаларда хато ўқилган ёки тўғри ўқилса-да, ифодада ноаниқликларга йўл қўйилган ўринлар керагидан ортиқ. Албатта, мустақиллик даврига энди қадам ташланаётган бир пайтда бундай нашрлар халқимиз учун туҳфа бўлди. Лекин муносиб туҳфа бўлди, деб айтолмаймиз.

1993 йил шоир Мелиқул Ханжарнинг «Вахшивор ва Сўфи Оллоёр» эссеси нашрдан чиқди. Эссе «Вахшивор хусусида», «Сўфи Оллоёр ким», «Ҳассос шоир», «Сўфи Оллоёр ва Машраб», «Сўфи Оллоёр авлодлари» каби бўлимлардан ташкил топган. Ёзувчи Сўфи Оллоёр ҳақида билганларини битта манбада жамлашга ҳаракат қилган ва бунинг уддасидан чиққан. Эсседа келтирилган маълумотларнинг аксари манбавий асосга эмас, хулосаларда ҳам илмийликдан кўра масалага хаёлий-ижодий ёндашув кучлироқ. Шундай бўлиши табиий. Чунки бу китоб муаллифнинг ўзи айтганидек «тарих хусусида ўйлар»дир.

1997 йилда «Саботул ожизин» асарини оммалаштириш борасида қилинган ишлардан бири – Жалолобод туманидаги Ёрқишлоқ жомеъ масжиди имоми Шамсиддин Ҳожи

---

[1] Сўфи Оллоёр. Саботул ожизин. //Нашрга тайёрловчи: Р.Зоҳид/ Т.: «Чўлпон», 1991. Сўфи Оллоёр. Сабот ул–ожизин. //Нашрга тайёрловчилар: Ҳожи Пўлатқори Муҳаммад Али, Маҳмуд Ҳасаний, Мирсолиҳ Қосим/ Т.: «Меҳнат», 1991.

Муҳйиддин ўғлининг «Саботул ожизин»га тузган изоҳли луғатидир.[1] Луғатда 2584 та сўзга изоҳ берилган. Сўзлар алифбо тартибида эмас, боблар асосида жойлаштирилган. Шу боис айрим сўзлар такрор келтирилган бўлса-да, матн мазмунидан келиб чиқиб изоҳланган. Луғат таркиби алоҳида сўз, сўз бирикмаси, арабий-форсий изофали бирикмалар, баъзан жумлалардан иборат.

Мазкур луғатда сўзнинг луғавий маъносидан кўра контекстда келган маъноси эътиборга олинган. Бу луғат тузувчидан Сўфи Оллоёрнинг дунёқараши ва матн табиатидан яхши хабардор бўлишни талаб этган. Ўқувчиларга қулайлик туғдириш мақсадида тузилган бундай луғатларнинг аҳамияти катта.

1997 йили Иноятулло Сувонқулов «Сўфи Оллоёр ва унинг адабий анъаналари» мавзуида докторлик диссертациясини ёқлаган. Тадқиқотдан XVII-XVIII асрлар Ўрта Зарафшон воҳасидаги тарихий шароит ва адабий муҳитни аниқлаш, Сўфи Оллоёр адабий мактаби издошлари ижодини ўрганиш масалалари мақсад қилинган. Диссертация «XVII-XVIII асрлар Ўрта Зарафшон воҳасида тарихий шароит ва адабий муҳит», «Сўфи Оллоёр ҳаёти ва ижодий фаолияти», «Сўфи Оллоёр лирикаси», «Сўфи Оллоёрнинг фалсафий-ахлоқий ва адабий-дидактик асарлари», «Сўфи Оллоёр адабий мактаби» каби бешта бобни ўз ичига олади.

Диссертация йўналишини шартли равишда икки қисмга ажратиш мумкин:

– шоир Сўфи Оллоёр ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ тарихий маълумотлар тадқиқи;

– Сўфи Оллоёр адабий мактаби тадқиқи.

Сўфи Оллоёрнинг таржимаи ҳоли ва унинг асарларига оид талқин, ёндашувларда илмий асоснинг заифлиги, мантиқий тизимда изчиллик бузилганлиги кузатилади. Аммо иккинчи қисмда амалга оширилган тадқиқ жараёни бошқачароқ тасаввур уйғотади. Яъни, бу йўналишда ада-

[1] Шамсуддин Муҳйиддин. Сўфи Оллоёрнинг «Саботул ожизин» асарига изоҳий луғат. Жалолобод, 1997й.

бий мактаб тадрижи борасида қўйилаётган ҳар масалага нисбатан тадқиқотчининг муайян қараши юзага чиққан ва натижада, хулосаларда умумий илмий позиция мавжудлиги намоён бўлган. Масалан, китоблардан китобларга ўтиб келаётган маълумот – «Фавзун нажот» китобининг Сўфи Оллоёрга нисбат берилиши билан боғлиқ масалада тадқиқотчининг муносабатини олиб кўрайлик.

И.Сувонқуловнинг таъкидлашича, «ҳижрий 1299/1882 йилда чоп этилган «Фавзун нажот» китобининг ноширн Шайх Сулаймон афанди китобни нашрга тайёрлашда кўп ҳам «камоли диққат» кўрсатмаган. Шундай бўлганда, айни китобнинг 8-саҳифасида «Сирожул ожизин» қўйдум мунга от», деган сатрларини ўқиб, муаллиф қўйган отни ўзгартирмаган, ҳеч бўлмаганда, Сўфи Оллоёр шундай китоб ёзганми ё йўқми, деб ўйлаб кўрган бўлар эди. Орадан кўп ўтмай ҳижрий 1319/1901-02 йилда мазкур китоб Тошкентда «Фавзун нажот» номи билан нашр этилади. Бу гал ношир Туркия нашрларида мавжуд бўлган китобнинг номи ҳақидаги сатрларни чиқариб ташлайди. Бироқ матн сўнггида: «Тамматил китоб «Сирожул ожизин», яъни «Фавзун нажот» мин таълифоти Сўфи Оллоёр Бухорий», деб ёзиб қўяди. Шу тариқа асар Сўфи Оллоёр асари сифатида Туркия ва Туркистонда бошқа ном билан шуҳрат қозонади».[1]

Хуллас, изланишлар натижасида тадқиқотчи «Фавзун нажот» китобининг ҳақиқий номи «Сирожул ожизин», муаллифи XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг бошларида яшаган Дилафгор Каттақўрғонийнинг ўғли Саъдулла Хитоийдир, деган хулосага келган.

Сўфи Оллоёрнинг «Саботул ожизин» китобига қизиқиш шу билан тўхтаб қолмади. Балки, шаклан фавқулодда содда бўлишига қарамасдан, мазмуни мантиқан мукаммал бу асар аниқ фан мутахассисларини ҳам ўзига жалб этди. 1997 йили «Мовароуннаҳр» нашриётида техника фанла-

[1] Сувонқулов И.«Сўфи Оллоёр ва унинг адабий анъаналари», док. дисс.автореферати, Т.,1997, 30-бет.

ри доктори, профессор З.Афзаловнинг «Саботул ожизин» (шарҳи билан) номли китоби чоп этилди. Сўзбошида айтилишича, мазкур китоб 1893 йили Қозонда чоп этилган нусха ва 1991 йили «Меҳнат» нашриётида босилган матн асосида нашрга тайёрланган. З.Афзалов томонидан тайёрланган «Саботул ожизин»нинг бу нусхаси ҳам матн табдили жиҳатидан матншунослик қоидалари талабига жавоб бермайди. Аввало, тайёрланган матн ишончли эмас. Бунинг устига эски ўзбек ёзувидан жорий алифбога ўгиришда кўпгина сўзлар нотўғри ўқилган. Шарҳ хусусида гапириладиган бўлса, байт мазмунини битта жумлада ҳозирги тилга мослаштириш шарҳ дейилмайди. Балки буни «Саботул ожизин»га энди қизиқаётган, таҳсилнинг ибтидоий босқичида бўлган ўқувчиларга бошланғич луғат сифатида тақдим қилиш мумкин, холос.

Учинчи минг йилликнинг бошланиши Сўфи Оллоёр илмий-адабий меросини, хусусан, «Саботул ожизин» асарини ўрганиш жиҳатидан маҳсулдор давр бўлди. Ўтган ўн уч йил давомида бу мавзуда бир нечта илмий-монографик тадқиқотлар амалга оширилди. Қуйида мазкур тадқиқотлар ва уларнинг натижаларини юқоридагидек, хронологик кетма-кетликда баён этамиз.

2001 йил Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси нашриёти томонидан филология фанлари доктори, профессор Шуҳрат Сирожиддиновнинг «Сўфи Оллоёр илоҳиёти» номли монографик тадқиқотининг биринчи қисми нашр қилинди. Ушбу тадқиқот Сўфи Оллоёр илмий-адабий меросига қизиқиш янада ортаётганидан ва уни ўрганишда янгича муносабат шаклланаётганидан дарак эди.

«Сўфи Оллоёр ҳаёти ва илмий-адабий мероси», «Сўфи Оллоёр ва давр», «Сўфи Оллоёр буюклигининг сири» каби учта боб ва якуний хулосани ўз ичига олган мазкур монографик тадқиқотда биринчи марта Сўфи Оллоёр таржимаи ҳоли яхлит тизим доирасида шакллантиришга ҳаракат қилинган, Сўфи Оллоёр шахси ўзи яшаган давр билан боғлиқликда ўрганилган, хусусан,XVI-XVIII аср оралиғидаги маънавий муҳит, сўфийлик тариқатлари ижтимоий

нуқтаи назардан текширилган. Таҳлил йўналиши кўпроқ ижтимоий ўзанда кечгани учун ҳам «Сўфи Оллоёр илоҳиёти» китобининг биринчи қисми «Жамият ва бурч» деб номланган. Ҳақиқатан ҳам зиёли инсоннинг зиммасида бузулганни тузатиш, ислоҳ этиш вазифаси бор. Қолаверса, бу инсоннинг инсон олдидаги бурчи. Лекин инсоннинг Яратувчиси олдидаги ҳаққи ҳар нарсадан улуғ. Шунинг учун Сўфи Оллоёр шахсини зиммасига фақат ижтимоий вазифалар юклатилган буюк ислоҳотчи сифатида таниш камлик қилади. Сўфи Оллоёр «Кел, э ошиқ, кўнгилни айлагил бир», «Кел, э зоҳид, ўзингни айлагил хок», «Кел, э банда, ўзингни сол Худоға» дер экан, аввало, бу унинг ўз-ўзига мурожаатидир. Демак, мусулмон инсон учун, айниқса, олим мусулмон учун бош масала – ўзни ислоҳ қилиш, ўзи билан Яратувчиси ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашдир.

XVII-XVIII аср туркий тили хусусиятларини намоён этган «Саботул ожизин» асари луғавий бойлигини ўрганиш ўзбек тили тараққиётининг шу давр босқичига хос жиҳатларини ёритишда муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода 2001 йили тилшуносликда «Саботул ожизин» асари лексикаси» мавзуида номзодлик диссертацияси ёқланди.[1] Диссертацияда асар лексикасининг луғавий қатлами, мавзуий гуруҳлари, маъно ҳамда услубий хусусиятлари таҳлилга тортилган, асар матнидаги сўзларнинг тўлиқ индекси тузилган.

«Сўфи Оллоҳёр «Саботул – ожизин» асарининг маърифий йўналиши ва бадиияти» (2002й.) деб номланган номзодлик диссертациясида[2] «Саботул ожизин»нинг маънавий йўналиши ва бадииятини ўрганиш мақсад қилинган. Диссертант ўз тадқиқотида академик Б.Валихўжаевдан шундай иқтибос келтиради: «Сўфи Оллоёрнинг асарлари, хусусан,

[1] Зоҳидов Р. «Саботул-ожизин» асари лексикаси:;фил.фан.ном.дис-с.Т.:2001

[2] Мазкур диссертация асосида диссертант «Сўфи Оллоҳёр ва шеърий маҳорат» номли монографиясини эълон қилган. (Тошкент – 2003й.)

«Саботул ожизин»и Шарқ адабиётининг мумтоз вакиллари бўлмиш Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий ижодиётларидаги «Махзанул асрор», «Матлаъул анвор», «Туҳфатул аҳрор», «Ҳайратул аброр» достонларидан илҳомланиш натижасида майдонга келиб, унинг тузилишида (мақолот, ҳикоят, масаллар) ҳам, ижтимоий ва ахлоқий муаммоларнинг ўртага қўйилишида ҳам умумийлик кўзга ташланади».[1]

«Саботул ожизин»нинг ғоявий руҳи ва шоир маҳорати» деб номланувчи биринчи бобнинг ҳар учала фаслида иқтибосдаги фикрни асослашга уринилган. Лекин афсуски, ишда келтирилган мисоллар Б.Валихўжаев айтган тўғри ва ниҳоятда чуқур фикрни исботлашга саёзлик қилган. Диссертациянинг «Сўфи Оллоҳёр шеъриятига хос бадиий тасвир» деб номланувчи иккинчи боби тўла равишда «Саботул ожизин»да қўлланган бадиий санъатларни шунчаки санашдан иборат бўлиб қолган. Асарнинг бадийяти ҳар битта бадиий санъатга мисол келтириш билангина белгиланмайди. Мумтоз адабий матнни, нафақат бадиий тасвир воситалари ҳақидаги *бадиъ* илми, балки гапнинг ҳол талабига мослиги ҳақидаги *маоний* ва ифода йўллари ҳақидаги *баён* илми қоидалари асосида ўрганилсагина, бадийяти очилган бўлади.

2002 йили «Мэктэп Китапханэси« сериясининг XII жилдида Татаристон Республикаси Маориф Министрлиги томонидан нашрга тақдим этилган «Собәтел-гажизин» (Гажизләргә терәк) номли китоб Қозондаги «Хәтер» нашриётида чоп қилинган. Филология фанлари доктори, профессор Фарит Яхин «Саботул ожизин»ни эски туркийдан ҳозирги татар тилига ўгирган, кириш мақола ва изоҳлар билан китобни нашрга тайёрлаган. Муқаддимада асосан Сўфи Оллоёр таржимаи ҳоли берилиб, барча маълумотлар «Рисолаи Азиза»дан олинган. 16-190-бетларда «Саботул ожизин»

[1] Аллаёрова Н.«Сўфи Оллоҳёр «Саботул – ожизин» асарининг маърифий йўналиши ва бадийяти»;фил.фан.ном.дисс.автореф.Самарқанд.:2002, 7-бет.

матнининг татар тилидаги назмий баёни, 191-198-бетларда муножот ва айрим ғазаллар, 199-211-бетларда эслатма ва изоҳлар келтирилган. 212-бетдан 392-бетгача эса «Саботул ожизин»нинг 1836 йил Қозон нусхасидан кўчирилган оригинал матни татар алифбосида тақдим этилган. Сўзбошидаги маълумотларнинг тарихий асосга эга эмаслиги, назмий баёнда аслиятдаги мазмун ва шакл уйғунлиги сақланмагани, айрим байтларнинг нотўғри талқини, асл матнни тайёрлашда оддий матншунослик қоидаларига амал қилинмагани ушбу нашрнинг муваффақиятсиз чиққанига далолатдир.

Манбашунос олим Сайфиддин Сайфуллоҳнинг «Маслакул муттақин» таҳлилига бағишланган «Фатво ва тақво китоби» деб номланган мўъжаз рисоласи 2005 йил нашрдан чиқди. Рисолада Сўфи Оллоёрнинг қисқача таржимаи ҳоли, «Маслакул муттақин» асарининг ёзилиш сабаблари ва айрим ҳикоятлардан парчалар келтирилган.

2005 йили Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Эрон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси Маданият ишлари ваколотхонаси ташаббуси билан Сўфи Оллоёр илмий-адабий меросини ўрганишга бағишланган Халқаро илмий анжуман уюштирилди. Халқаро илмий анжуман материаллари «Ал-Ҳудо» ва «Моваройуннаҳр» нашриётлари томонидан «Сўфи Аллоҳёр» номли тўпламда жамлаб, чоп қилинди. Тўпламда «Сўфи Оллоёр мутасаввиф адиб», «Саботул ожизин»да ақида масалалари талқини», «Авлод тарбияси», «Сўфи Оллоёр Хожа Аҳмад Яссавий ҳақида», «Саботул ожизин»да илм тарғиби, шунингдек, «Ҳажнома» ва «Махзанул мутеъин» асари ҳақида янги маълумотлар» каби ва бошқа мавзуларда ўн тўртта муаллифнинг илмий мақолалари ўрин олган. Табиийки, анжуманнинг уюштирилиши ва унинг амалий натижаси ўлароқ тўпламнинг чоп қилиниши Сўфи Оллоёр илмий-адабий меросини ўрганишда муҳим қадам бўлди.

Бу қадамнинг давоми сифатида 2007 йили «Саботул ожизин»нинг ЎзРФА ШИ фондида сақланаётган, турли даврларда кўчирилган 94 та қўлёзма, 61 та тошбосма ва

шахсий кутубхоналарда мавжуд матнларни ўзаро қиёслаш натижасида тайёрланган нусхаси нашрдан чиқди.[1] Китобнинг «Сўз боши ўрнида» сарлавҳали муқаддимасида мазкур нусханинг юзага келиш жараёни ҳақида батафсил маълумот берилган.

2007 йили «Фан» нашриёти унвони билан «Сўфи Оллоёр» жамғармаси раиси Равшан Мирзаевнинг «Сўфи Оллоёрга замон боқажак» рисоласи чоп этилди. Асли касби шифокор бўлган муаллиф Сўфи Оллоёр ҳаётига оид маълумотларни бир неча публицистик мақолаларда тўплаган. Тарихий йўналишда ёзилган рисоладаги маълумотлар кўпроқ оғзаки манбаларга асосланган. Тўғри, китоб охирида 17 та фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилган. Лекин улардан бирортаси бирламчи манба ҳисобланмайди. Шунинг учун хулосаларда илмий аниқликдан кўра тахминга суянилган ўринлар кўпроқ.

2008 йили Қозон давлат университети Татар адабиёти кафедрасида «Сўфи Оллоёр ижоди ва унинг татар адабиётидаги анъаналари» (Творчество Суфи Аллаяра и его традиции в татарской литературе[2]) мавзуида номзодлик диссертацияси ёқланди. Диссертациянинг биринчи боби «Сўфи Оллоёр ижоди» деб номланиб, унда шоирнинг ҳаёт йўли ва ижодий мероси ҳақида сўз борган. Боб тўла равишда Тожуддин Ёлчиқул ўғлининг «Рисолаи Азиза»даги маълумотлари асосида шакллантирилган. «Тожуддин Ёлчиқул ижодий англамида Сўфи Оллоёр» (Суфи Аллаяр в творческом сознании Таджеддина Ялчыгула) номли иккинчи бобда «Рисолаи Азиза» асари ва унинг муаллифи атрофлича ўрганилган. «Сўфи Оллоёр ижоди унинг издошлари асарларида» деб номланувчи учинчи бобда татар адабиётида Сўфи Оллоёр анъаналарини давом эттирган ижодкорлар фаолиятига эътибор қаратилган. Жумладан,

[1] Сўфи Оллоёр. Саботул ожизин.//Нашрга тайёрловчи: Р.Зоҳидов, Т., «Санъат журнали» нашриёти, 2007й.

[2] Маханова Р. «Творчество Суфи Аллаяра и его традиции в татарской литературе»: дисс.кан.фил.наук.Казань–2008.

Абдураҳим Ўтуз Имоний (1754-1834), Ғолий Чўқрий, Салоҳиддин Салимий, Шамсиддин Закий (1821-1865), Қайюм Носирий (1825-1902), Ҳалима Бектемир қизи (1876-1906), Мажид Ғофурий (1880-1934) каби ижод аҳллари ўз асарларида Сўфи Оллоёр адабий анъаналарига эргашганлиги таъкидланган.

Тадқиқот «Саботул ожизин» асарининг татар адабиётида оммалашув жараёнини акс эттирувчи муҳим манбадир. «Рисолайи Азиза» шарҳи бу жараённинг бошида тургани учун ҳам ишда асосий урғу мазкур асарга қаратилгани бежиз эмас.

«Саботул ожизин» ва «Рисолайи Азиза» асарларини биргаликда ўрганиш татар-бошқирд адабиёти оллоёршунослигида анъана тусини олган дейилса, муболаға бўлмайди. 2009 йили «Сўфи Оллоёрнинг «Саботул ожизин» ва Тожуддин Ёлчиқулнинг «Рисолаи Азиза» асарларининг лингвотекстологик ўзига хосликлари» (Лингвотекстологические особенности произведений «Сабат ал-гаджизин» Аллаяра Суфи и «Рисала-и Газиза» Т.Ялсыгулова[1]) мавзуидаги номзодлик иши бунга яққол далилдир.

Диссертациянинг «Сўфи Оллоёр матнлари ва Тожуддин Ёлчиқулнинг «Саботул ожизин» ва «Рисолаи Азиза» нашрларидаги графофонологик фарқлар ва морфологик вариантлар» (Графофонологические разночтения и морфологические варианты текстов Аллаяра Суфи и Тажетдина Ялсыгулова в изданиях «Сабат ал-Гаджизин» и «Рисала-и Газиза) номли биринчи бобида «Рисолаи Азиза» шарҳининг турли нашрлари ўзаро қиёсланган.

«Сўфи Оллоёрнинг «Саботул ожизин» ва Тожуддин Ёлчиқулнинг «Рисолаи Азиза» асарларининг лингвотекстологик таҳлили» (Лингвотектологический анализ произведений «Сабат ал-гаджизин» Аллаяра Суфи и «Рисала-и Гази-

[1] Ильясова Г.Р. Лингвотекстологические особенности произведений «Сабат ал-гаджизин» Аллаяра Суфи «Рисала-и Газиза» Т.Ялсыгулова. дисс.кан.фил.наук.Уфа–2009

за» Тажетдина Ялсыгулова) деб номланган иккинчи бобда муқоясада юзага чиққан фарқлар таҳлилга тортилган.

Учинчи боб «Саботул ожизин» ва «Рисолаи Азиза» асарларидаги лексик тафовутлар талқини» (Толкование лексических различий произведений «Сабат ал-гаджизин» и «Рисала-и Газиза») деб номланган. Бу бобда асосий матндаги ҳикоятларнинг қурилиши ва уларга берилган шарҳлар илмий тасниф қилинган.

Сўфи Оллоёр илмий-адабий меросини ўрганиш тарихида ҳар иккала диссертация ўз ўрнига эга. Аммо, тилшунослик йўналишида қилинган мазкур тадқиқотнинг олдингисидан афзаллиги шундаки, тадқиқ жараёни асосий ўзандан узоқлашмаган – таҳлил матн доирасида кечган. «Саботул ожизин»нинг фонетик ва орфографик жиҳатлари бўйича билдирилган тарихий аспектдаги фикрлар ҳам қатъий матн воситасида изоҳланган.

И.Сувонқуловнинг 2011 йили СамДУ босмахонасида чоп қилинган «Кўзинг ибрат била оч»[1] китобини шартли икки бўлимга ажратиш мумкин. Аввалги бўлим Сўфи Оллоёрнинг ҳаёти, ижоди ҳақидаги маълум ва машҳур хабарлардан таркиб топган. Кейинги бўлимда Сўфи Оллоёрга нисбат берилган ғазаллардан намуналар эълон қилинган. Шунингдек, мазкур бўлимда форсийда битта муножот, битта мухаммас ва «Саботул ожизин» байтларидан намуналар келтирилган. Китоб охирида қисқача луғат илова қилинган.

2011 йили «Муҳаррир» нашриётида учта китобдан иборат «Саботул ожизин» шарҳининг 1-китоби «Сўфи Оллоёр ҳикоятлари»[2] номи остида нашрдан чиқди.[3] Насрий баён сифатида тақдим этилган бу китобда юқорида келтирилган шарҳлардаги турлича тартиблар муайян тизимга солинган. «Саботул ожизин»даги ҳикоятлар асосида қилин-

[1] Сувонқулов И. Кўзинг ибрат била оч. Самарқанд, 2011, 106 бет.

[2] Зоҳидов Р. Сўфи Оллоёр ҳикоятлари. Т.: Муҳаррир, 2011, 141бет.

[3] Мазкур шарҳнинг «Сўфи Оллоёр насиҳатлари» ва «Сўфи Оллоёр муножотлари» номли 2-3-китоби нашрга тайёрланяпти.

ган бу шарҳнинг ўзига хос жиҳати, ҳикоятлар аввалида манзума характерини очувчи кириш сўзга ўрин берилиб, изоҳ давомида ҳикоя воқелигидаги айрим тарихий шахсларнинг сийрати келтирилган. Ҳикоят хотимасидаги муаллиф хулосалари матн доирасида кенгайтириб изоҳланган, уларга бугуннинг ўқувчиси нуқтаи назаридан келиб чиқиб, муносабат билдирилган.

2012 йили «Муҳаррир» нашриётида «Саботул ожизин» – илмий-адабий манба» номли ўқув қўлланма чоп қилинди.[1] Ўқув қўлланмада матн тарихини тиклаш билан боғлиқ муаммолар, илмий-танқидий матн тузиш амалиётига оид кўп нусхали қўлёзма ва тошбосма китобларнинг қиёсий-таснифий таҳлили, илмий-маърифий асарларни адабий манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганиш ва уларнинг адабий манба сифатидаги мақомини белгилаш тамойиллари каби масалалар «Саботул ожизин» матни асосида ёритилган. Қўлланма адабий манбашунослик ва матншунослик, адабиётшунослик ва тилшунослик ихтисослиги бўйича таълим олаётган бакалавриат ва магистратура талабаларига мўлжалланган учун ҳар бўлим охирида мавзу юзасидан савол ва топшириқлар тузилган. Шунингдек, китоб охирида материалларнинг қай даражада ўзлаштирилганини аниқлаш ва шу асосда талабалар билимини баҳолаш учун 100 саволдан иборат назорат тестлари илова қилинган.

Монографиянинг Сўфи Оллоёр таржимаи ҳоли ва илмий-адабий мероси тадқиқи билан боғлиқ биринчи боб хулосаларини шундай умумлаштиришимиз мумкин:

– Сўфи Оллоёрнинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ манбалардан манбаларга ўтиб келаётган «Рисолаи Азиза»даги маълумотлар манбавий асосга эга эмас;

– нақшбандия тариқатининг таниқли вакили Йаъқуб Чархий авлодларидан Ҳожи Муҳаммад Тоййибуллоҳ оиласида дунёга келган Ҳожи Муҳаммад **Ҳабибуллоҳ** ва Хали-

[1] Зоҳидов Р.Саботул ожизин» – илмий-адабий манба». Т.: «Muharrir», 2012, 83бет.

фа **Наврўз** Кеший иккита тарихий шахс бўлиб, улар Сўфи Оллоёрнинг пирларидир;

– Сўфи Оллоёр ҳижрий ҳисобда 63 йил (1073-1136), милодий ҳисобда 61 йил (1663-1724) умр кўрган;

– XVII аср охирида Саййид Муҳаммад ибн Охунд Қози Камол томонидан ёзилган «Туҳфатул аҳбоб» тазкираси Сўфи Оллоёр таржимаи ҳоли ҳақидаги ишончли ва ҳозирча энг қадимги манба ҳисобланади;

– Сўфи Оллоёрнинг илмий-адабий мероси «Маслакул муттақин», «Саботул ожизин», «Махзанул мутеъин», «Муродул орифин» каби тўртта китобдан иборат, «Туҳфатут толибин» Сўфи Оллоёр асари эмас, балки «Муродул орифин» байтларига ёзилган шарҳдир;

– Сўфи Оллоёр ўзидаги билим захирасини «Махзанул мутеъин» мисолида тизимга солган, таҳсилий руҳдаги бу асар таълимнинг муайян босқичида муҳим қўлланма қимматига эга манбадир;

– ҳазажи мусаддаси махзуф баҳрида, *мафоилун мафоилун фаулун* (v– – –v– – –v– –) вазнида битилган «Саботул ожизин» асари мазмун ва тузилишига кўра ақоид китобидир;

– «Саботул ожизин» структураси «ақида илмига оид мавзулар баёни», «ҳикоятлар», «муножотлар», «насиҳатлар» каби таснифий қисмлардан таркиб топган;

– Сўфи Оллоёр илмий-адабий меросининг XIX–XXI асрлар мобайнидаги ўрганилиш тарихи бутун кўлами билан алоҳида тўхталишни тақозо қилувчи тадқиқот объектидир;

– «Саботул ожизин» асари кўпгина олимлар томонидан турли аспектда ўрганилган бўлишига қарамасдан, тадқиқотлар илмий далиллардан кўра тахминий мулоҳазаларга, талқинлар аксар ҳолда нуқсонли матнга асосланган. Мазкур хулосалардан аён бўладики, кўп нусхали ҳар қандай қадимий манба бўйича амалга оширилиши лозим тадқиқотлар, хоҳ адабиётшунослик, хоҳ тилшунослик йўналишида бўлсин, қатъий равишда ишончли ва мукаммал илмий-танқидий матн асосида олиб борилиши керак.

II боб. «САБОТУЛ ОЖИЗИН» ШАРҲЛАРИ ТАДҚИҚИ

2.1. Шарҳ илми илдизлари ва анъаналари

«Саботул ожизин» шарҳларини бевосита ўрганишга киришишдан олдин шарҳ илми тарихига экскурс қилсак. Негаки, муайян ҳодисага берилмоқчи баҳо одилона бўлиши учун аввало, ўша ҳодисанинг вужудга келиши ва шаклланиши ҳақида тасаввурга эга бўлиш лозим. Шундагина бу ҳодисанинг ҳозирги ҳолатини муносиб баҳолаш ва анъананинг келажакдаги изларини илғаш имкони туғилади.

Ҳар қандай атаманинг ясалишида сўзнинг луғавий маънолари негиз вазифасини ўтайди.[1] Шу негиз атрофида муайян тушунча барқарорлашади ва янги ном билан атала бошлайди. Жумладан, «шарҳ» сўзи машҳур луғатларда – *очмоқ*; *баён қилмоқ, тушунтирмоқ, ёритмоқ, изоҳламоқ*; *бўлаклаб кесмоқ* маъноларида қўлланиши айтилган.[2] تاج العروس («Келиннинг тожи») луғатида «шарҳ» сўзининг *кен-*

[1] Эътибор қилинса, тадқиқотимизда муайян масала ечимига ўтишдан олдин мавзуга алоқадор айрим сўз ва атамаларнинг луғавий маъноларини изоҳлаш ҳолати учрайди. Бу маълум мақсадда қилинган иш. Тилимизга араб тилидан ўзлашган айрим сўзларнинг талқинида асоссиз негиздан узоқлашиш, хато маъно кўчишлари кузатилади. Натижада, ҳодисани баҳолашда турли чалкашликлар келиб чиқади. Айни ҳолатдан сақланиш учун баъзи ўзлашма сўзларнинг луғавий маъноларини пайдар-пай изоҳлаб бордик. Гарчи бир қарашда бундай йўл тутиш тез мақсадга ўтилмасдан гапни чўзаётгандек тасаввур уйғотса ҳам, натижа жиҳатидан ўзини оқлайди.

[2] لسان العرب لمحمد بن مكرم بن منظور الافرقى المصرى؛ مختار الصحاح لزين الدين الراضى؛ فقه اللغة للثعالبى

гайтирмоқ маъноси ҳам борлиги шундай мисол ёрдамида изоҳланган: «شرح الله صدره لقبول الخير... اى "وسعه" – «Оллоҳ унинг қалбини яхшиликни қабул қилиши учун очди.., яъни кенгайтирди».[1]

Демак мазкур маъноларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, *шарҳ илми*нинг реаллашуви абстракт заминда кечиб, атама сифатида бу бирикма маънонинг ёпиқ томонларини очиш, қоронғи жиҳатларини ёритиш, қисқа ифодаларнинг маъноларини кенгайтириб, ёйиб изоҳлаш каби мақсадлар учун хизмат қилади.

Шарҳ илмининг пайдо бўлиш макони ва замони, унинг вужудга келиш сабаблари, ривожланиш босқичлари ҳақида сўз юритар эканмиз, бу жараён тадқиқида асос вазифасини ўтаган илмий мезонни таъкидлашимиз жоиз.

Инсоният тарихи турли соҳа олимларининг тадқиқотлари, кашфиётларидаги маълумотлар асосида даврлаштирилган. Ҳар бир фан соҳаси ўзининг муайян хусусиятларидан келиб чиқиб, бу даврларни ҳар хил номлар билан атаган. Албатта, қўйилган номлар фаннинг муаммолари билан боғлиқликда, инсон ақлининг маҳсули бўлган мантиқ асосида далилланган. Гап, бу ўринда, даврлаштиришнинг тўғри ёки нотўғрилигида эмас. Ҳар бир фан соҳаси, у ижтимоий-гуманитар, табиий, аниқ фан бўладими, ўзининг мавжудлигини инсоният тамаддуни тарихига қандайдир шаклда конкрет муносабати билан намоён қилади. Муҳими, мана шу конкрет муносабатнинг аниқлик чегараси қай даражада эканлигида.

Илм табиатан аниқликни тақозо этади. «Илмий ҳақиқат» деб тақдим этилаётган хулосалар тахминдан қанчалик холи бўлса, илмийлик сифати шунчалик юқори бўлади. Яъни, илмий ҳақиқат тахмин тугаган жойдан бошланади. Шундай экан, Шарҳ илми илдизини «антик давр мутафаккирлари» деб аталмиш Суқрот, Афлотун, Арасту, Ҳирақлид ёки Хитой файласуфлари Конфуций, Лао Цзиларга нисбат

[1] تاج العروس من جواهر القاموس للزبيدى, الجزء١, الصفحة ١٦٤٥

берилган сўзлар ёхуд «Авесто», Ведалар, Упаншидалар, шунингдек, Рим нотиқлик санъати намояндалари Цицерон, Марк Аврелий, Тацит, Тит Ливийларнинг фаолияти билангина боғлаб қўйилса, юқорида таъкидланган илмийлик мезони бузилади.

Шарҳ илмининг фундаментал асоси илоҳий калом – Қуръони карим нузули жараёнида шаклланди. Бу муқаддас Китобнинг қандай нозил бўлган бўлса, шундайлигича битта ҳарфи ҳам ўзгармасдан сақланиб келаётгани Пайғамбар замонидан то бугунгача узлуксиз силсила билан боғланган тарихий ҳужжатларда тўла акс этган. Тарихий ҳужжатларнинг ишончлилиги рад қилиб бўлмас илмий далиллар билан исботланган. Ҳар бир оятнинг нозил бўлиш ўрни, вақти, сабаби инсоният тарихида ҳаётининг барча жиҳатлари энг кичик нуқталаригача тўла қайд этиб борилган ягона шахс Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадислари орқали ўта аниқлик ва бутун тафсилотлари билан ўрганилган.

Буюк ватандошимиз, муҳаддислар имоми Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий 600 минг ҳадис тўплаган. Ҳадисларни жамлашда тўқсон минг киши ҳузурида бўлган. Ушбу ҳадислар ичидан саралланган 7 мингдан ортиқ саҳиҳ ҳадисни ўн олти йилда ёзиб тугатган машҳур الجامع الصحيح («Саҳиҳ ҳадислар тўплами») китобига киритган. Савол туғилади: нима учун шунча йиллик меҳнат билан тўпланган 600 минг ҳадис ичидан фақат 7 минг ҳадисгина китобга кирди?

Сабаби, қонуний равишда Қуръоннинг шарҳи мақомида эътироф этилган манба – ҳадислар ҳар қандай шубҳадан, тахминлардан батамом холи бўлсин. Зеро, ҳар бир фан соҳасида қўйилган бош масаланинг ечимлари Қуръонда ва ҳадисларда бевосита ёки билвосита мавжуд экан, тафсир, ҳадис, ақида, фиқҳ, усули фиқҳ, сийрат илми билан шуғулланувчи олимлар ўрганилаётган мавзуларга ниҳоятда масъулият билан ёндашишга мажбурдир. Олимлар бу мажбуриятни муваффақият билан уддалаганига

тарих гувоҳ. Жаҳон фани оламида эришилган ютуқларга назар солиб, 1400 йиллик тарихга эга исломий илмлар кўплаб чўққиларни забт этганини кўриш мумкин. Тиббиёт, фалакиёт, математика, геометрия, физика, кимё сингари қатор фан соҳаларида Европа учун инқилобий тараққиёт йўлларини Шарқ тафаккури очиб бергани бугун аён ҳақиқат. Аммо филология соҳасида ютуқлар учун шароит Шарқдан бошлангани тор доирадаги мутахассислар учун ҳам маълум эмас. Шарқда ижтимоий-гуманитар фанларнинг келиб чиқиши Қуръони карим ва уни ўрганиш билан боғлиқ. Статистика соҳасида қўйилган биринчи қадамлар ҳам улуғ Китоб матнини йиғиб, мусҳаф ҳолига келтириш жараёнида амалга ошди. Қуръон аввал сурама-сура, оятма-оят йиғиб тартибга солингач, сўзлар сони, ҳатто ҳарфлар миқдоригача аниқ ҳисобга олинган. Йиғилган суралар матнлари ва тартибини ўрганиш ҳозирги кунда матншунослик деб аталмиш илмнинг мукаммал тамойилини, даставвал, ислом келган даврдаёқ юзага чиқарган эди. Шу жараённинг ўзида бир гуруҳ олимлар фонетика илмига асос солишди. Шарқда бу илм ҳанузгача *илми тажвид* номи билан аталмоқда. Илми тажвид олимлари Қуръони карим матни асосида араб тили фонетикасини батафсил баён қилиб берганлар. Натижада, бу илмни ўзлаштирган европалик олимлар учун илми тажвидда мавжуд фонетик ҳодисаларни тушунтирувчи қонуниятларни ўз тилларига татбиқ қилиш ва уларни ўзларига тушунарли атамалар билан номлашдан иборат вазифагина қолган. Лексикография ва лексикологиянинг Европадаги равнақи ҳам Қуръонни ўрганишдан орттирилган билим ва тажрибаларни ўзлаштиришдан бошланган. Ҳолбуки, луғатларга ҳозирги кун нуқтаи назаридан қўйиладиган талаблар араб лексикографиясида бундан минг йил илгари ҳам бор эди. Яъни, Қуръон учун тузилган луғатлар X асрдан бошлаб изоҳли ва икки тилли луғатлар учун замин яратиш билан бирга, ҳозирги кунда, деярли барча тилларнинг луғатларини тузиш учун зарур бўлган лексикографик усулларга асос бўлди.

Бу далилларни келтиришимиздан мақсад, Қуръони каримни кўкларга кўтариш ва шу йўл билан унинг қадрини ошириш эмас. Зеро, у инсоннинг бундай ёрдамига муҳтож ҳам эмас. Балки айтмоқчимизки, барча фанлар соҳасидаги изланишлар ҳар қандай тахмину гипотезалардан мутлоқ холи экани илм аҳли томонидан тўла тан олинган мустаҳкам илмий асосга қурилсагина, том маънода ҳақ қарор топади. Илоҳий Калом шундай ишончли манба бўлгани учун ҳам унинг ҳақиқатидан илҳомланган олимлар натижалар кетидан натижаларга эришдилар. Оламга, одамга муносабатда пайдо бўлган соғлом илмий мезон туфайли то бугунгача улкан кашфиётлар даври давом этмоқда.

Хуллас, мана шу илмий мезонга кўра шарҳ илмининг вужудга келиши, шаклланиши, мустақил илм сифатида барқарорлашуви ҳодисаларини Исломдан кейинги давр базасида ўрганиш мақсад қилинди.

Ш.Жабборов ўзининг «Герменевтика – тушунтириш илми»[1] китобида айтади: «XVIII-XIX асрларда немис олимлари томонидан фан сифатида тафаккур майдонига ташланган фалсафий герменевтика бошқа кўринишда азалдан Шарқда ҳам мавжуд бўлган билиш, тушуниш, шарҳлаш ва изоҳлаш билан боғлиқ таълимотдир. Герменевтика методи билан Ғарбда Инжил матнларини изоҳлаганларидек, бизда ҳам Қуръони карим оятларини тафсир ва таъвил қиладиган, ҳадиси шариф маъноларини изоҳлайдиган, мутафаккир аждодларимизнинг асарларини шарҳлайдиган муфассирлар, муҳаддислар, фақиҳлар илми азалдан шаклланиб, ривожланиб келган».[2]

Ҳақиқатан ҳам шарҳ илмининг илдизлари қадим тафсирларга бориб тақалади. «Тафсир» сўзининг луғавий маъноси – *изоҳлаш, шарҳлаш, баён ва тафсил.* القاموس المحيط («Қамровчи қомус») луғати муаллифи Феруз Ободийнинг айтишича, *тафсир* – сўздаги чигалликни ечишдан кўз-

[1] Жабборов Ш. Герменевтика – тушунтириш илми. Т.: Akademiya, 2010, Б.154

[2] Кўрсатилган манба. 4-бет.

ланган мақсадни очиш. Абу Ҳиббон Нахвий *тафсир*нинг истилоҳий маъносини шундай таърифлайди: «*Тафсир* Қуръон лафзлари, лафзларнинг ёлғиз ва жумла таркибидаги ҳукмлари ва маънолари орқали нутқнинг кайфияти ҳақида баҳс юритувчи илмдир».[1]

Манбаларда тафсир сўзининг маънодоши сифатида *таъвил* (تأويل) сўзи ҳам қўлланган. *Таъвил* сўзининг луғавий маъноси – *қайтиш*, истилоҳий маъноси – гапни шарҳлаш, маъноларини баён қилиш. Муаввил – гапни эҳтимол қилинган маънолардан бирига қайтарувчи.

Қуръони карим араб тилида нозил бўлгани учун Пайғамбар алайҳиссаломнинг замондош издошлари – саҳобалар оятларнинг умумий жиҳатлари ва ҳукмларни тўла англар, аммо Қуръоннинг хос ва нозик томонларини фаҳмлашда фарқланардилар. Чунки сўзларнинг маъноси, оятларнинг нозил бўлиш сабабларини барча саҳобалар бир хил билмас эди. Шунинг учун ҳам фаҳмлари етмаган ўринларда Пайғамбар алайҳиссаломга мурожаат қилишар, Расули акрам уларга бу оятларни тафсир қилиб берарди.

Муҳаммад алайҳиссалом вафотидан сўнг айрим саҳобалар Расули акрамдан эшитганларига мувофиқ оятларни шарҳладилар, ҳатто тафсирлари билан танилдилар. Суютий ўзининг «الاتقان» («Мукаммаллик») китобида улардан бир нечтасини санайди: Абу Бакр, Умар, Усмон, Алий, Ибн Масъуд, Убай ибн Каъб, Зайд ибн Собит, Абу Мусо Ашъарий, Абдуллоҳ ибн Зубайр розийаллоҳу анҳум.

Саҳобалар даврида Қуръон учта манба асосида тафсир қилинди:

1) Қуръони карим;
2) суннати набавий;
3) саҳобалар сўзлари.

Дастлабки тафсирларда Қуръон Қуръон билан шарҳланди. Яъни, Қуръонда бир оятда қисқароқ ифодаланган мавзу бошқа ўринда кенгроқ изоҳланган ҳолатлар мавжуд.

---

[1] البحر المحيط ص.15ابو حيان النحوى(ت754هجرى)

Муфассирлар бир оятда лўнда берилган мавзу ёки ҳукмни бошқа оятда келган айни мавзу ёки ҳукмнинг кенгроқ тафсилоти орқали тафсир қилишган. Муфассирликда бундай тафсир йўлининг қиммати баланд саналган.

Пайғамбар алайҳиссалом Қуръон оятларини лозим ўринларда саҳобаларга изоҳлаб тушунтирган. Бу ҳолат баъзан саҳобаларнинг саволлари, баъзан Пайғамбарнинг ихтиёри билан амалга ошган. Қуръон мана шундай ҳадислар орқали ҳам тафсир қилинган ва тафсирнинг бу тури – التفسير بالمأثور – «Пайғамбар алайҳиссаломдан қолган излар, яъни ҳадислар билан тафсир қилиш» деб аталган.

Саҳобалар баъзи оятлар тафсирини Қуръондан ҳам, ҳадислардан ҳам тополмаганларида ўз ижтиҳодлари, қарашларидан келиб чиқиб тафсир қилишган. Бундай қилишларига сабаб, улар Қуръоннинг нозил бўлиш сабабларига гувоҳ, шунингдек, арабларнинг одатларидан, араб тилининг нозик жиҳатларидан хабардор бўлишган.

Мусулмонлар сафи кенгайиб, Ислом чекка ўлкаларгача ёйилгач, учта тафсир мактаби шаклланган:

1. Маккаи мукаррама мактаби. Устози – улуғ саҳобий Абдуллоҳ ибн Аббос ва шогирдлари Саъид ибн Жубайр, Мужоҳид, Икрима...

2. Мадинаи мунаввара мактаби. Устози – саҳобий Убай ибн Каъб ва шогирдлари Зайд ибн Аслам, Абу Олия, Муҳаммад ибн Каъб Қурозий...

3. Ироқ мактаби. Устози – саҳобий Абдуллоҳ ибн Масъуд ва шогирдлари Алқама, Масруқ, Асвад, Мурра, Омир, Ҳасан, Қатода...

Бу даврда саҳобалардан кейинги авлод – тобеъинларнинг сўзлари ҳам тафсирларга қўшилди. Ҳижратнинг иккинчи юз йиллиги (IX аср) бошидан мусулмонлар ўз илмларини ёзиб, қайд қилиб боришга киришишди. Аввалида тафсирлар ҳадисларнинг бир боби сифатида китобларга кирди. Кейинчалик улар ҳадислардан ажратилиб, тафсирлар алоҳида таълиф қилина бошлади. Сура ва оятлар шарҳини ўз ичига олган аввалги тафсирлардан Кисоий-

(ваф. 189/805), Ал-Фарро(ваф.207/823), Ибн Можа(ваф. 273/887), Ибн Жарир Табарий(ваф.310/923), Ибн Мунзир Найсабурий(ваф. 318/930), Ҳотим (ваф.327/939) тафсирларини мисол келтириш мумкин. Бу тафсирлар оятларда учровчи нодир сўзлар изоҳи, оятлар билан боғлиқ ҳадислар, саҳоба ва тобеинларнинг баъзи оятлар хусусидаги сўзларини ўз ичига олган.

Кейинчалик илмлар турларга бўлина бошлагач, турли хил қарашлар, фарқли ақидалар юзага келди. Ҳар илм соҳаси тафсирга ўз мавқифидан ёндашар экан, натижада Қуръони карим иборалари бўйича илмий истилоҳлар, мазҳабий ақидалар, тафсир маданияти ва фалсафаси пайдо бўлди. Муайян фаннинг моҳир усталари фан моҳияти ва маҳоратидан келиб чиқиб, Қуръон тафсирига машғул бўлишди. Пировардида, тафсир йўллари йўналишига кўра бир неча навларга ажралди:

– луғавий тафсирлар;
– ақлий тафсирлар;
– фиққий тафсирлар;
– тарихий тафсирлар;
– фирқалар тафсири;
– мутасаввифлар тафсирлари.

Луғавий тафсирларда оятларнинг тил хусусиятлари, хусусан, сўзларнинг синтактик боғланишлари ўрганилган. Бунга Воҳидийнинг «البسيط» («Содда шарҳ»), Абу Ҳаййаннинг «البحر المحيط» («Қамровли уммон») тафсирларини мисол қилиш мумкин.

Ақлий тафсирларда донишмандлар ва файласуфларнинг сўзларига эътибор қаратилган, уларнинг шубҳаларига раддиялар берилган. Фахр Розийнинг «مفاتح الغيب» («Ғайб очқичлари») асари шундай тафсирлар жумласидандир.

Фиққий тафсир турида фиққий ҳукмларнинг далиллари келтирилган. Муфассир ўз мазҳабига мувофиқ равишда фиққий масалаларни ҳал қилган, далилларининг кучлилиги бошқа мазҳаб далилларига қиёсан исботланган. Ҳана-

фий мазҳабидаги Ал-Жассоснинг «احكام القرأن» («Қуръон ҳукмлари») , Моликий мазҳабидаги Қуртубийнинг «الجامع لاحكام القرأن» («Қуръон ҳукмларини жамловчи») асарлари фиққий тафсирга мисол бўлади.

Тарихий тафсирларда қиссалар, қадимда ўтган қавмларнинг тарихи кенгроқ шарҳланган. Саолибийнинг «الخازن» («Сақловчи») асарини тарихий тафсир дейиш мумкин.

Турли фирқа ва ақида эгаларига оид тафсирларда ҳар бир фирқа ўз ақидасига кўра Оллоҳнинг каломини тафсир қилишган. Руммоний, Жаббоий, Қози Абдужаббор, Замахшарий тафсирлари бунга мисол бўлади.

Тасаввуфга оид тафсирларда *тарғиб* (жаннатга рағбатлантириш) ва *тарҳиб* (дўзахдан қўрқитиш, огоҳлантириш) масалаларига, оятлардан ботиний сирлар, рамзий ишоралар чиқаришга диққат қилинган. Бу навга Ибн Арабий ва Абу Абдураҳмон Сулламий тафсирларини киритиш мумкин.

Вақт ўтиши билан илоҳий Каломни тушуниш йўлида орттирилган бой тажриба инсон ақлий меҳнати маҳсули бўлган манбаларга нисбатан ҳам қўллана борди. Ижтимоий-гуманитар, табиий, аниқ фанларга оид айрим асарларга шарҳлар ёзила бошлади. Шарҳ илми шу даражада ривожландики, битта китоб матнига ўнлаб жилдли шарҳлар битилди, шарҳларга шарҳлар ёзилди.

Масалан, мўътабарликда Қуръондан кейин турувчи манба – («الجامع الصحيح»«Саҳиҳ ҳадислар тўплами») асарига «عمدة القارى» («Қуръон таянчи»)ва «فتح البارى» («Яратувчи кашфи»), «شرح صحيح البخارى» («Бухорийнинг «Саҳиҳ»и шарҳи») номли машҳур шарҳлар дунёга келди. «صحيح المسلم» («Муслим саҳиҳи»), «سنن نسائى» («Насоий сунанлари»), «سنن ابن ماجة» («Ибн Можа сунанлари») каби ҳадислар тўпламларига ҳам ишончли шарҳлар битилди.

Алоуддин Самарқандийнинг уч жузли «تحفة الفقهاء» («Фақиҳларга туҳфа») асарига Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад ал-Косонийнинг ўн жуздан иборат «بدائع الصنائع فى ترتيب الشرائع» («Шариат қонунини тартиблашда гўзал санъатлар») шарҳи, Ҳафизуддин Насафийнинг «البحر الرائق شرح كنز الدقائق» («Инжа хазиналар» шарҳининг тиниқ денгизи») асари, Имом Бурҳониддин Марғинонийнинг «الهداية» («Тўғри йўлга йўлланма») китобига Маҳмуд ибн Убайдуллоҳнинг «وقاية الرواية فى مسائل الهداية» («Ҳидоя» масалаларидаги қарашлар муҳофазаси») шарҳи ва айни шарҳга шарҳ Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг «وقاية الرواية» («Қарашлар муҳофазаси») асари ҳам ҳанафий мазҳаби бўйича ёзилган машҳур шарҳлар жумласига киради. «وقاية الرواية» шарҳи диёримизда ««مختصر الوقاية» («Қарашлар муҳофазаси»нинг қисқа баёни») номи билан танилган бўлиб, мадрасаларда асосий фиққий дарсликлардан бири сифатида ўқитилган.

Нажмуддин Умар ибн Али Қазвинийнинг «الشمسية» («Шамсия») асарига Қутбиддин Розий Таҳтонийнинг «تحرير القواعد المنتقية فى شرح الشمسية» («Шамсия» шарҳидаги мантиқий қоидалар таҳрири») шарҳи, Саъдуддин Тафтазонийнинг «ألسعدية» («Саъдия») шарҳи, «مزان المنطق» («Мантиқ ўлчови») асарига Абдуллоҳ ибн Ҳаддод Усмонийнинг «بديع المزان» («Гўзал мезон») китоблари VIII-XIV асрларда мантиқ илми бўйича қилинган шарҳларга мисол бўлади.

Тилшунослик соҳасида Ибн Ҳожибнинг «الكافية» («Кифоя қилгувчи») асарига Абдураҳмон Жомийнинг «فوائد الضيائية» («Зиёвуддиннинг фойдалари»[1]), Розийуддин Астрободий-

[1] Араб тили грамматикасига бағишланган бу шарҳни Абдураҳмон Жомий ўғли Зиёвуддинга қўлланма сифатида ёзган. Марказий Осиёда бу шарҳ «Шарҳи Мулло Жомий» номи билан машҳур.

нинг «شرح الراضى على الكافية» («Кофия» китобига Розий шарҳи») шарҳлари, Ибн Ҳишомнинг «شرح شذور الذهب» («Сочилган зар» китобига шарҳ») , Ҳасан Ҳифзийнинг «شرح الاجرومية» («Ужрумиййа шарҳи») Баҳоуддин Абдуллоҳ ибн Уқайлийнинг «شرح ابن عقيل» («Ибн Уқайл шарҳи») асарлари, фасоҳат ва балоғат илми бўйича Сакокийнинг «مفتاح العلوم» («Илмлар калити») асарига «معاهد التنصيص على شواهد التلخيص» («Талхис» далилларига иқтибос ўринлари»), Жалолиддин Қазвинийнинг «الايضاح فى علوم البلاغة» («Балоғат илмларига изоҳ»), «تلخيص المفتاح» («Илмлар калити» асарининг қисқа шарҳи»), «مختصر المعانى» («Маънолар нинг мухтасар баёни») номли шарҳлар ҳам мустақил асар сифатидаги манбалардан ҳисобланади.

Шунингдек, Жалолиддин Румийнинг машҳур «Маснавийи маънавий» китоби Султон Валад, Аҳмад Афлокий, Фаридун Сипаҳсолор, Шамъий, Сарварий, Шиблий Нўъмонийлар томонидан шарҳланган. Ҳофиз Шерозий девонига ҳам бир неча шарҳлар ёзилган. Булар ичида энг эътиборли шарҳ XVI асрда яшаб ўтган турк олими Судий Баснавий қаламига мансубдир. Адабиётшунос олим Н.Комиловнинг хабар беришича, Судий Ҳофиз девонидан ташқари, Шайх Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» асарларини ҳамда Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий»сини турк тилида шарҳлаган. Судий шарҳлари бутун Шарқ мамлакатларига тарқалган. Ўзбек зиёлилари ҳам луғатлар тузиш, таржима жараёнида Судий шарҳларидан фойдаланганлар. Чунончи, Саъдий асарини «Шавқи Гулистон»1 номи билан ўзбек тилига ўгирган Муродхўжа ибн Солиҳхўжа ҳошия шарҳида Судийга суянади ва унга ҳаволалар қилади.[2]

---

[1] Бу асар 2005 йил «Фан» нашриётида чоп қилинди. (Нашрга тайёрловчи: Сайфиддин Сайфуллоҳ)

[2] Комилов Н. Бу қадимий санъат... Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти,1987, 182-бет.

Шарқда шарҳ илми мана шундай тадрижийликда тармоқланиб шаклланган. Ҳар тармоқ ўзи ўрганаётган матнга специфик ёндашган бўлса-да, барча турдаги шарҳлар учун умумий, тармоқлараро барқарор қонуниятлар мавжуд эди. Уларни шундай тасниф қилиш мумкин:

1) *матн қисмларга ажратилган* (масалан, тафсирда – битта оят ёки бир нечта оятлар; ҳадис шарҳида – фарқланувчи ривоятлар; назмда – байтлар, мисралар; насрий асарларда – умумий мазмун силсиласидаги микроматн ёки пропозиция ҳалқаси; илмий манбаларда – тушунчаларнинг тизимли таснифи);

2) *қисмнинг бутунга муносабати аниқланган* (турли сураларга сочилган, битта воқеликка алоқадор оятларни ёлғиз оят тафсирида жамлаш; ҳадиснинг ҳар хил ривоятларини битта ҳукмда марказлаштириш; байтлар аро боғланишларни умумий яхлитликда тадқиқ этиш; пропозициялардан макропропозиция ҳосил қилиш);

3) *матнга тил тизимидаги ҳодиса сифатида қаралган* (матндаги айрим сўзларнинг фонетик тузилишидан тортиб, гапдаги морфологик, синтактик вазифаларигача, луғавий, истилоҳий, мажозий маънолари-ю, этимологиясигача, ҳатто матннинг психолингвистик хусусиятларигача изоҳланган).

Савол туғилади: «Саботул ожизин» шарҳларида бу қонуниятлар қай даражада акс этган? Табиийки, ҳар учала шарҳда у ёки бу даражада қадим шарҳ илми анъаналари изини кузатиш мумкин. Масалан, «Рисолаи Азиза» шарҳида *матнни қисмларга ажратиш* қонунияти манзумаларни байтма-байт шарҳлаш тамойилига асосланган. Бунда ҳар байтнинг мазмуни мустақил бўлак сифатида ажратилиб, шориҳнинг масалага ёндашувига кўра изоҳлар турли қамров ва ҳажмда шакллантирилган. Масалан, «Шайхи комил истамак баёни» бўлимидаги:

Анингдек телба касни, эй неку зот,
Валий билма, агар кўрсанг кушуфот[1]

[1] Илмий-танқидий матн, 44-31

байти: «Э зоти тоза инсон, ўшандай телба кимсани, яъни ақойид илмини билмаган муршидни валий демагил. Гарчи ундан каромат ва хавориқ одатлар кўринса-да, валий эмасдир. Балки бу кўринганлар – маъунат ёки истидрождир»[1] деган маъно мазмун доирасидагина қисқача изоҳлангани ҳолда, ундан сўнгги:

Юмуб кўз, уйқуда кўрган била кас,
Валий билмас ани марди суханрас[2]

мисраларини шарҳлашда мазмун чегараси торлик қилиб қолгани учун ҳам шориҳ маънони гўё байт мазмунидан ташқари ҳолатлар изоҳи билан кенгайтирган: «Нодон шайх муроқабага бориб, кўз юмуб ухлаб кўрган нарсаларидан хабарлар бермоғи унинг муршиди валий эканини кўрсатмайди. Шунинг учун унинг сўзларининг ҳақиқати хусусида огоҳ бўлгил. Зеро, авлиёнинг бир машҳур қоидаси бор. Қачонки, уларда бир амри азим вужудга келса ёки муриднинг ҳолини англамоқ тиласалар, Ҳақ таоло ҳазратига юзланадилар. Бошларини қуйи солиб, кўзларини юмуб, бир замон чуқур сукунат ўйда туришади. Буни боя муроқаба дедик. Шу ҳолда Оллоҳ таоло уларга ҳоллар маълум қилиб, кушуфот ва тажаллиётлар ҳосил бўлур. Шундан сўнг улар муридларга хабар беришади. Энди боягги нодон муршид муроқабада ҳозир баён қилингандай ўтириб бўлгач, хабарлар берса, унинг авлиёлигига ишониб қўя қолмоқ эмасдир. Зеро, у нодондир, илми фаройизни билмас эди».[3]

Аввалги байтда мазмун равшан бўлгани учун ҳам шориҳ Тожуддин Ёлчиқул мисралар мазмунини бериш билан кифояланди. Аммо кейинги байт таркибида изоҳталаб ҳолат-

---

[1] Тожуддин Ёлчиқул. Рисолаи Азиза. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Т.: 2000, 142-б.

[2] Илмий-танқидий матн, 44-32

[3] Тожуддин Ёлчиқул. Рисолаи Азиза. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Т.: 2000, 142-б.

лар пайдо бўлди: *кўзни юмиш, уйқуда кўриш*. Шарҳда бу ҳолатлар манзараси «муроқаба» деб аталмиш тасаввуф истилоҳи орқали чизилган. «Муроқаба»нинг луғавий маъноси – кузатиш, истилоҳий маъноси – Оллоҳга юзланиш.[1] Кейинги байтларда *қисмнинг бутунга муносабатини аниқлаш* қонунияти зоҳиран тарқоқ мазмунларни айни тушунча доирасида бирлаштирган, яъни:

Югурмакдин ўзни билса зиёда
Дегил отдин тушуб, бўлди пиёда.[2]

Зоҳирий мазмун: «Югурмак, яъни даражама-даража кўтарилиш туфайли ўзини афзал санаган муршид гўёки отдан тушиб пиёда бўлган мисолидир». Бу мазмунни шориҳ *муроқаба* тушунчаси билан олдинги байтга шундай боғлайди: «Муршид муроқабада кўрган ажойибу ғаройиблар сабабли ўзини ортиқ кўриб такаббурлик қилса ва ҳолларни ҳар кимга сўзласа, билгилки, у отдан тушуб, йўлига пиёда қайтарилибди».[3]

«Иршодул оъизин» шарҳида *матнга тил тизимидаги ҳодиса сифатида қараш* тамойили билан боғлиқ ҳолатлар кўп учрайди. Матн байтма-байт мухтасар шарҳланган бўлишига қарамасдан изоҳлар таркибида айрим сўзларнинг фонетик хусусиятларига эътибор қаратилган. Сабаби, араб имлосига кўра қисқа унлилар ҳарф сифатида ёзувда акс этмайди. Бу хусусият сўзлар талаффузида, айниқса, қўлёзма китобларни ўқишда айрим қийинчиликларни келтириб чиқаради. Салоҳиддин Салимий маъно бузилиши билан боғлиқ бу хавфнинг олдини олиб, матн шарҳи давомида сўзларни тўғри ўқишни уқтириб боради. Масалан,

---

[1] المعجم الوسيط. الجزء الاول. جمهورية مصر العربية. دار الدعوة. استانبول ١٩٨٩/١٤١٠.ص.٣٦٣

[2] Иккинчи мисрадаги «югурмак» сўзи қадимий нусхаларда «бу кўрмак» деб келган. ИТМ (44-33) да шу вариант олинди.

[3] Тожуддин Ёлчиқул. Рисолаи Азиза. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Т.: 2000, 142-б.

«Фаришталар баёни» бўлимидаги «*Малоикким эрур олами ғайб*» мисрасига: «*Олам* лафзи ломнинг фатҳаси ила ўқилур»[1] ёки «Биҳишт ва дўзах» баёни бўлимидаги «*Бўлур хум ғам билан хурдони зебо*» мисрасига: «*Хум* демак нуқтасиз «хо»нинг заммаси ила «*шиб*» маъносинадир, «оқ» демак»[2] деб изоҳланган. Чунки, аввалги мисолдаги *олам* сўзини *олим* деб ҳам ўқиш мумкин. Агар *олами ғайб* бирикмасини *олими ғайб* деб ўқилса, жиддий хатога йўл қўйилган бўлади. Негаки, мисрадан «фаришталар ғайб оламининг хилқатидир» деган маъно англашиляпти. Битта қисқа унли ўзгариши билан: «фаришталар ғайб оламини билувчидир» деган мазмун чиқиб қолади. Бу эса Сўфи Оллоёр эътиқодига, умуман, мусулмон эътиқодига хилоф мазмундир.

Саййид Ҳабибуллоҳ Яҳёхоннинг «Ҳидоятут толибин» шарҳида *матнни қисмларга ажратиш* қонуниятига муносабатда олдинги шарҳлардан бирмунча бошқачароқ йўл тутилган. Ҳамд ва наът бўлимларидаги матн байтма-байт шарҳлангани ҳолда кейинги манзумалар матни мавзу ичра мавзуларга бўлиб изоҳланган. Масалан, «Оллоҳ таолонинг сифатлари баёни» бўлимида «*Ҳаёт улким, тирикдур ўзга бўлмас*» деб бошланувчи «ҳаёт» сифатини тавсифловчи беш байт алоҳида, «*Сифотининг биридур илм ёро*» деб бошланувчи «илм» сифатини изоҳловчи тўрт байт алоҳида олиб шарҳланган. Бу бўлимда мавзулар чегарасини Оллоҳнинг сифатлари белгилаган. «Мусаннифнинг ожизлик ва шикасталик билан айтган сўзлари» бўлимида 59 байтлик манзума шартли тўрт бўлакка ажратилган. Ҳар бўлакнинг мустақил қисм сифатидаги мақомини ва қисмларнинг ўзаро муносабатидан ҳосил бўлувчи бутунликни матннинг ташқи ва ички жиҳатларини мутаносиб ўрганувчи антропоцентрик тадқиқ асосида изоҳлашга ҳаракат қиламиз.

---

[1] صلاح الدين سليمى. ارشاد العائذين شرح ثبات العاجزين.مطبعة كريمية قزان, ١٩١١, ص.٢١.

[2] صلاح الدين سليمى. ارشاد العائذين شرح ثبات العاجزين.مطبعة كريمية قزان, ١٩١١, ص.٥٠.

Антропоцентрик тадқиқ усулида «матнга фақат тил тизими унсурларининг нутққа кўчирилиш жараёни маҳсули сифатида эмас, балки ижтимоий қимматга эга бўлган мулоқот шакли, ўзида муайян интеллект эгасининг билимларини, лисоний тафаккурини акс эттирувчи ментал қурилма сифатида қаралади».[1] Шунга кўра, Саййид Ҳабибуллоҳ Яҳёхон шарҳида тўрт мустақил бўлакка ажратилган юқоридаги манзуманинг бутун сифатидаги умумий мазмуни (макропропозиция) матнни ҳаракатлантираётган шахс омили тадқиқида яққол намоён бўлади. Манзуманинг аввалги: «*Ўтар дунёда Оллоёр маъйуб, мунингдек юрганингдин ўлганинг хуб*» байтидан то 20-байтгача Сўфи Оллоёр ўзни маломат қилиш, нафс мазамматини байтдан-байтга даражама-даража ошириб боради. Шориҳ бу тадрижни англаган ҳолда муаллифнинг «одаммисан, ҳайвонмисан, соғмисан, жиннимисан, феълларинг бунча телба-тескари, ҳаракатинг адашишдан, ҳаёт тарзинг риёкорликдан иборат» деб ўзни койишларини изоҳлар экан, бу билан мавжудотлар ичида фақат инсонга берилган бебаҳо неъмат – *тамйиз* фазилатининг, яъни муҳимни номуҳимдан фарқлаш сифатининг айни инсон томонидан беқадр қилинаётганига назарини қаратади.

Дунёвий мезонда қаралса, инсон ҳаётининг туғилганидан то сўнгги дамигача давом этадиган муддат ҳали тугамайдиган даражада узоқ кўринади. Тириклик неъматидан баҳраманд мавжудотнинг ҳам некбин, ҳам қосир басирати ўзи яшаётган макон ва замонни қамраб олиш имкони йўқлиги учун ҳам дунё ҳаётини чексиз-чегарасиз даражада улуғ санайди, гўё бу улуғлик қаршисида осмон ўпар тоғлар ҳам қум заррасидек! Шунинг учун ҳам байтлар шарҳида шориҳ умр карвони манзилга етгач, бу улуғликдан ном-нишон қолмаслиги, инсон улуғ санаган умр йўли тугаган жойда ундан-да Улуғ йўл даҳшатли манзаралари билан йўлчисини кутиб турганини алоҳида эслата-

[1] Қаранг: Худойберганова Д. Матннинг антропоцентирик тадқиқи. Т.: Фан, 2013, 136 б.

ди. Шарҳнинг аввалги қисми: «Магарки, Оллоҳ ўзи мадад этса, варна доду фарёд на ерга етур»[1], яъни инсон бутун ҳаёти давомида қилмаслиги лозим ишларни қилиб, охирда танг аҳволда қолиши аниқ бўлди, энди ҳар қандай доду фарёд уни бу тангликдан қутқара олмайди, магар Оллоҳ таоло мадад берсагина нажот топади, деган жумлалар билан ниҳояланган.

Манзуманинг: «*Йақин*[2] *билгил, муни, эй бандаи зор, Худодин ўзга йўқ ҳеч ҳокими кор*» деб бошланувчи кейинги қисми насиҳат руҳида баён қилинган. Айни хусусиятдан келиб чиқиб, шориҳ Саййид Ҳабибуллоҳ Яҳёхон бу қисмни олдингисидан ажратган. Бу қисмда ҳам Сўфи Оллоёр охират манзараларини, Яратувчи билан бандаси ўртасидаги савол-жавобни қуюқ бадиий бўёқларда акс эттирган. Шориҳ мазкур қисм охиридаги байтлар шарҳини шундай тамомлайди: «Ҳама аъзоларингни саҳиҳу солим этиб, улуғ зоту сифатимни билмоқға доно этдим. Тишларингни неъмат суйи билан суғордим. Бу қадар неъматлар муқобилида хос мен учун бериё қилган амалинг қани?.. Бошдин оёғинг ҳаммаси айбу нуқсон эрур. Магарки, бу ҳамма уйубни аллому ғуйуб афв пардаси бирла ёпса».[3]

Манзуманинг шарҳ учун танланган учинчи қисми ҳам худди биринчи қисмдагидек ўзни фош қилиш асосига қурилган. Фақат бу қисмда мазаммат руҳи янада шиддатлироқ тус олган. Балки шунинг учун шориҳ мазкур байтларни ажратиб олиб шарҳлашга эҳтиёж сезган. Сўнгги байтлар: «Кўрунушда ажаб сўфинамо бўлуб, аммо ботинда нафси ит сифатга мубталосан. Магар, Парвардигор аллому ғуйуб ўз раҳмати бирла ҳамма гуноҳларингни афв

---

[1] سيد حبيب الله بن سيد يحى خان. هداية الطالبين شرح ثبات العاجزين صوفى الله يار. ص: ٦٩

[2] *Йақин* сўзини ўзбек тилидаги *яқин* билан чалкаштирмаслик керак. Арабча *йақин* (يقين) – *ишончли, аниқ* деган маънодадир.

[3] سيد حبيب الله بن سيد يحى خان. هداية الطالبين شرح ثبات العاجزين صوفى الله يار. ص: ٧٠

этиб, ғамгин кўнгилларни шод айласа ва яхшилар орасида Маҳшар куни ёд айласа»[1] дея хотималанган.

Тўртинчи қисмда насиҳат ва ўзни фош қилиш хусусиятлари қоришиқ келган. Бу қисмнинг олдингилардан яна бир фарқли томони, ҳар бир байт тўла равишда тажнис асосига қурилган. Айни фазилатни бўрттириб кўрсатиш учун шориҳ манзума хотимасига йиғилиб қолган тажнис санъатининг гўзал намуналарини алоҳида олиб кўрсатган.

Хулоса шуки, Саййид Ҳабибуллоҳ Яҳёхон шарҳида тўрт мустақил бўлакка ажратилган юқоридаги манзуманинг бутун сифатидаги умумий мазмуни – *инсоний комилликнинг аввалги шарти камтарликдир*, деган маънода жамланган. Бу маънони манзума қисмларига кўра шундай таркиблаш мумкин:

– комилликка интилган инсон ҳар қандай ҳолатда ўзининг нуқсонини кўра олади ва эътироф этади;

– насиҳат беришга ҳуқуқли бўлиш насиҳатни қабул қилишдан бошланади;

– комилликнинг белгиси камтарлик, камтарликнинг кушандаси риёдир;

– айбини тан олмайдиган киши азизлигини хорликка алмаштирган кимсадир.

Демак, қадим шарҳ илми анъаналари «Саботул ожизин» шарҳларида шу тарзда намоён бўлган. Умуман, XIX аср Ғарб герменевтикасида қўлланган зарурат ва тасодиф, бутун ва қисм, шакл ва мазмун, миқдор ва сифат, сабаб ва оқибат, имконият ва воқелик, хусусийлик ва умумийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, рационаллик ва иррационаллик, моҳият ва ҳодиса каби категориялар Шарқда минг йил олдин, шарҳ илмининг дастлабки намуналаридаёқ амалда қўлланган эди. Кейинчалик бу тажриба асарлардан асарларга ўтиб, то бугунгача таъсирини йўқотмасдан, лозим даражада ўз функциясини бажарди ва бажармоқда. Мисол учун, Алишер Навоий асар-

---

[1] سيد حبيب الله بن سيد يحى خان. هداية الطالبين شرح ثبات العاجزين صوفى الله يار. ص: ۷۰

ларининг ўрганилиш тарихига назар солайлик. «بدائع اللغة» («Ажойиб луғат»), «Абушқа», «Санглоқ», «كتاب لغة الاتراكية» («Туркийлар сўзлиги китоби») луғатларидаги талқинларда, «Хамса» достонлари асосида Умар Боқий, Маҳзун, Мулла Сиддиқ Ёркандийнинг насрий қиссаларида, кейинги асрларда амалга оширилган Садриддин Айний, Ғафур Ғулом, Солиҳ Муталлибов, Амин Умарий, Шокир Ҳусайнзода, Юнус Латиф, Тўхтасин Жалолов, Азиз Қаюмов, Иноят Махсумов, Абдуқодир Ҳайитметов, Ваҳоб Раҳмонов, Мавжуда Ҳамидова, Анвар Ҳожиаҳмедовларнинг «Хамса» достонлари асосидаги насрий баёнларида, Алибек Рустамов, Нажмиддин Комилов, Иброҳим Ҳаққуловларнинг Навоий ғазаллари шарҳида шарҳ илми қонуниятларининг у ёки бу даражада акс этганини, сўнгги юз йилликларда ҳам шарҳ илми анъаналарига издошлик давом этаётганини кузатиш мумкин.[1]

Шу ўринда, мумтоз адабий матнлар тадқиқида воқеа бўлган, XXI аср адабиётшунослигимизга янги нафас олиб кирган «غرائب الصغار» («Болалик ажойиботлари») девонидаги «Ашрақат...» деб бошланувчи ғазал шарҳининг янгича талқинини алоҳида таъкидлашимиз зарур.[2] Мазкур ишда тадқиқотчи А.Қозихўжаев Навоийнинг битта ғазалини шарҳлаш мисолида ҳам энига, ҳам бўйига чексизликлар қадар кенгайиб борувчи кўп сатҳли матн майдонини қамраб олишга уринган. Ҳаракат балоғат фани таркибига кирувчи маоний, баён ва адаб илмининг қатъий қоидалари асосида олиб борилгани учун бутун тадқиқ жараёнида мақсаднинг аниқлиги сақланган. Айни хусусият услубнинг равонлигини таъминлаган, тадқиқотнинг жозиба кучини оширган. А.Қозихўжаев, гарчи лаҳза деб номланса ҳам,

[1] Қаранг: Навоий ғазаллари (насрий баён, шарҳ ва изоҳлар). Тўплам. Т.: Bayoz, 2014, 260 б.; Badiiy asarlarni sharhlab o‘rganish: tarix, tajriba va texnologiya (ilmiy-amaliy anjuman materiallari). Тўплам. Т.: Bayoz, 2014,436 б

[2] Қозихўжаев А. Ғазалнинг Серовоз олами \\ Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2009, 4 декабр. №49. – Б. 4-6

аввалу охирни ўзида жамлаган улкан воқелик шарҳига киришишдан олдин аввалги байтнинг биринчи мисрасидаги битта сўзнинг битта ҳарфига эътиборни қаратади. Хато ўқилган битта ҳарф (ҳатто ҳарф ҳам эмас, битта «ҳаракат» – қисқа унлини ифодаловчи белги) туфайли юзага чиққан нотўғри талқинлар ислоҳи балоғат илмининг минг йиллар олдин тан олинган Юсуф Сакокий, Абдураҳмон Қазвинийдек алломаларини ўз илмий далиллари билан бугунги ўқувчига юзма-юз қилади.

(اشرقت من عكس شمس الكأس انوار الهدا) деб бошланувчи мисранинг таржимаси: «Май косасининг қуёши аксидан ҳақиқат йўлининг нурлари порлади» эмас, балки: «Косада қуёш аксидан ҳидоят нурлари жилваланди» деган мазмунда экани балоғат илми қоидалари асосида ҳам грамматик, ҳам мантиқий жиҳатдан исботлангач, шориҳ барча замону маконларни ўзида жамлаган ғазал воқелигини кузата бошлайди. Мисралардаги сўзлар, жумлалар ортига яширин маънолардан таралаётган овозларга қулоқ тутади, овоз эгаларини бир-бир ажратиб, маоний илми истилоҳлари билан уларга ном беради. Хаёлий воқеликдаги ҳолатлар индивидлашиб боради. Лирик қаҳрамон, номаълум шахс, ва муаллифдан иборат йиғинда энди шориҳнинг иштироки ҳам сезила бошлайди, байтлар аро мулоқот жонланади.

Тадқиқотчи А.Қозихўжаевнинг «Ғазал ғаройиботларининг ибтидоси» деб номланган бу шарҳи батафсил ўрганишни тақозо қилувчи тадқиқотдир.[1] Биз унга мавзу юзасидангина ёндашдик. Мақсадимиз – шарҳ илми анъаналарининг бугунги адабиётшунослигимизда ҳам давом этаётганини англатиш эди.

Маънавий меросимизнинг муҳим қисмини ташкил қилувчи шарҳ илмига оид манбаларни қанчалик чуқур ўргансак, бу билимнинг ривожланиш босқичлари ва таъсир доираси шунчалик аниқлашдики, моҳиятан тушунтириш,

[1] Балоғат илмига оид айрим истилоҳлар бугунги кун ўқувчиси учун изоҳталаб. Шунга кўра, «шарҳга шарҳ» мақомидаги илмий рисолага эҳтиёж сезилади.

талқин қилишмаъносини ўз ичига олган замонавий герменевтика таълимотининг вужудга келишдаги муштарак қонуниятлар аён бўлди.

2.2. «Саботул ожизин» шарҳлари

Монография мавзуси «Саботул ожизин» асари асосида шакллантирилгани учун деярли ҳар фаслда қўйилган масала юзасидан манбага ёзилган шарҳларга мурожаат қилиш эҳтиёжи сезилди. Ушбу фаслда «Рисолаи Азиза», «Иршодул оъизин» ва «Ҳидоятут толибин» шарҳларининг ички тузилиши, уларнинг «Саботул ожизин» матнини ўрганишда, хусусан, илмий-адабий қимматини белгилашда тутган ўрни ҳақида батафсил тўхталамиз.

Тожуддин Ёлчиқул шарҳи ҳақида луғатшунос олим Ботирбек Ҳасанов «Рисолаи Азиза»нинг 2000 йилги нашри сўзбошисида бундай ёзади: «Саботул ожизин»нинг баён услубида ва тилида, арабий, форсий ва яна бошқа лаҳжалардан сўзлар кўп ишлатилгани маснавийни тушунишни анча қийинлаштирган. Шунинг учун «Саботул ожизин»ни шарҳлаш эҳтиёжи юзага келади. Бу эҳтиёжни қондиришга Тожуддин исмли киши киришиб шарҳ ёзади ва унга «Рисолайи Азиза» номини беради. Зеро, шарҳ қизи Азизанинг бир неча бор қилган илтимоси билан ёзилган эди.»[1]

Олимнинг таъкидлашича, маъноси байтма-байт изоҳланган «Саботул ожизин» шарҳини кўпроқ наҳвий таҳлил ташкил этиб, байтларнинг бадиий томонларига ҳам аҳамият берилган. Айниқса, тажнис санъати қўлланган ўринларга эътибор қаратилган. Байт шарҳи ниҳоясида шориҳ байт маъносини очувчи қўшимча маълумотлар ҳам келтиради. Бу маълумотлар ривоятларга асосланган учун байт шарҳидан ажратилиб, қавс ичига олинган ҳолда берилган. Шарҳларнинг баёнида татарча ва усмонли туркча сўзлар қоришиқ келган. Айрим байтлар маъноси оят,

[1] «Рисолайи Азиза»– «Саботул ожизин» шарҳи. Тузувчи –Ҳасанов Б. Т., 2000й. 3-бет.

ҳадис ва ривоятларда келган тарихий қиссалар воситасида шарҳланган. «Рисолаи Азиза»ни қисқартириб ҳозирги ўзбек тилига ўгирган Б.Ҳасанов тарихий қиссалар асосидаги шундай ривоятларнинг аксар қисмини тушириб қолдирган. Буни олим шундай изоҳлайди: «Чунки бу маълумотлар ҳозирги кунда эскириб қолган бўлиб, ўқувчини ноўрин таажжубга солиб қўйиши мумкин».[1] «Ҳозирги кунда эскириб қолган маълумотлар» деганда Б.Ҳасанов оят ва ҳадислардаги тарихий қиссаларни эмас, балки шориҳ Ёлчиқул ўғлининг ўша қиссалар воситасида билдирган айрим талқинларини назарда тутяпти.

Ҳақиқатан ҳам «Рисолаи Азиза» «Саботул ожизин»га ёзилган биринчи шарҳ китоби бўлгани учунми унда ҳам матн тарихи, ҳам матн талқини билан боғлиқ нуқсонлар учрайди. Шарҳ муқаддимасида Сўфи Оллоёрнинг таржимаи ҳоли ҳақида келтирилган маълумотларнинг тарихий асосга эга эмаслиги юқорида айтилган эди. Шундай тўқима ривоятнома фактлар айрим байтлар шарҳида ҳам кузатилади. Б.Ҳасанов ана шундай ўринларни қисқартирган. Тарихий манбалар нашрида бу бор тажриба. Вазият эътибори ёки нашрга тайёрловчи эътироф этган сабабга кўра бундай йўл тутиш қайсидир даражада ўзини оқлайди. Лекин манбага муносабат борасида уни тарихий ҳужжат деб қараш ҳам мавжуд. Агар бундай қарашдан келиб чиқилса, ҳар бир манба тўла ҳолда аслиятга мувофиқ нашр қилиниши, матнга хоҳ объектив, хоҳ субъектив муносабат иловада изоҳланиши шарт. Албатта, Б.Ҳасанов тажрибали манбашунос сифатида бу ҳақиқатдан огоҳ эди. Шунинг учун ҳам олим сўзбоши охирида матннинг айрим қисмларига айни нуқтаи назардан ёндашилганини эслатади: «... шарҳларда айрим камчиликлар сезилиб турса-да, шориҳ-

[1] «Рисолайи Азиза»– «Саботул ожизин» шарҳи. Тузувчи –Ҳасанов Б. Т., 2000й. 3-4-бет.

нинг асарни тушунишида ўз раъйи бор эканини кўрсатиш учун уларни ўрнида қолдирдик».[1]

«Рисолаи Азиза» асари «Саботул ожизин»га ёзилган шарҳларнинг энг қадимийсидир. Матншунослик илмида манбанинг қадимийлиги матннинг ишончлилик даражасини белгилашда муҳим омил саналади. Шарҳнинг ёзилиш йили билан Сўфи Оллоёрнинг вафот санаси оралиғи 82 йилни ташкил қиляпти. Матн тарихига нисбатан олинса, бу унчалик узоқ муддат эмас. Демак «Саботул ожизин»нинг тили, ундаги ифода ва баён йўллари, муаллифнинг тушунча ва қарашлари замон эътибори билан шориҳга анча яқин. Хўш, бу яқинлик байтлар шарҳида қанчалик акс этган?

Шарҳнинг тўғри ўзанда кетиши шориҳнинг манбага нисбатан тутган мавқифига, янада тўғрироғи, шарҳловчининг асар мақсади ва ундан муаллиф кўзлаган мақсадни аниқлашига боғлиқ. Бу –шориҳнинг бирламчи вазифаси. Мазкур ўринда «манба мақсади» билан «муаллиф мақсади» бежиз ажратилмади. Ҳар қандай соҳага оид манбанинг ўз мавзуларини тақдим қилиш шакллари мавжуд. Манбанинг бир бутун тизим сифатида юзага чиқиши қатъий белгиланган мана шу шакл доирасида кечади. «Қоидага мувофиқ тақдим қилиниш» билан манба мақсади якунланган ҳисобланади. Муаллиф мақсади эса айни нуқтадан бошланади: тақдим қилинган манба матни ўқувчига қай даражада етиб борди, тўла англандими? Муаллиф мақсади ушбу саволларга жавобни амалда қойиллатишдан иборат. Аслида, вужуд эътибори билан манбанинг мақсади ҳам, муаллифнинг мақсади ҳам битта ижодкорда жамланган. Лекин биз уларни вазифасига кўра фарқладик.

Шу маънода «Саботул ожизин» шориҳи Тожуддин Ёлчиқул ўғли байтлар шарҳига манба ва муаллиф мақсадини аниқ англаган ҳолда ёндашган. Анъанага кўра, шориҳ аввал байтнинг насрий баёнини келтиради, кейин ҳар икка-

[1] «Рисолайи Азиза»– «Саботул ожизин» шарҳи. Тузувчи –Ҳасанов Б. Т., 2000й. 4-бет

ла мисрадан келиб чиққан умумий мазмунни Қуръон ояти билан далиллайди. Сўнгра байтдаги айрим сўзларнинг луғавий ва мажозий маъноларини турли вариантлари билан изоҳлайди. Масалан:

«*Сано лил холиқи ғаброву афлок,*
Яратди қатраедин гавҳари пок.

Яъни мақтамоқ ва покламоқ кўку ерларни яратган Оллоҳга бўлсин. Бу иккини яратмоққа аввал сабаб ул эдики, кўкларда ва ерларда ибрат кўпдир. Зеро, Ғошия сурасининг 18-оятида айтилганидек: «Кўрмасмисанки, кўкларни устимизда тиргаксиз турадур?» Буни ибрат қилиш учун ёхуд шунинг учундирки, қачон Одам ўғлонлари оламул ашбоҳдан олами сувратга келсалар, ўзларини билурлик бўлгач, кўзларига аввал кўринган нарса ер билан кўкдир. Демак, уларни кўриб бошқа нарсалардан ибрат олмоқ учундир. Бу ерда «ғабро» ер маъносида, «қатра»дан мурод – нутфа, яъни оталар пуштидан чиқиб, оналар раҳмига ўрнашган гавҳари пок – Одам ўғлонларидир. Ёки «қатра»дан мурод – Абдуллоҳ ибн Абдулмуттолибнинг шаҳват сувидир. «Гавҳари пок»дан мурод эса – Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламдир. Ҳар қандай бўлса ҳам оламда бўлган нарсаларни Холиқ таоло ибрат учун яратти».

«Саботул ожизин»нинг ақоид илми матнлари, хотирада осон муҳрланиб қолиши учун, равон ва содда услубда назмга солинган манба эканини назардан қочирмаган Тожуддин Ёлчиқул ўғли айрим байтларни мазмунга ёндош ақида масалалари билан кенгайтиради ва шу йўл билан муаллиф мақсадининг амалга ошишини осонлаштиради:

«*Халойиқнинг жамиъи феълу қавли*
Эмас бир зарра бетақдири Мавли.

Махлуқларнинг қилмишу сўзлари хоҳ ёлғон, хоҳ чин бўлсин, Оллоҳнинг тақдиридандир. Чунончи, ёлғончилик

барча динларда ёт кўриладиган нарсадир. Оқил ва фаросатли киши агар тақдир бўлмаган бўлса, ёлғон сўзламас эди. Шунинг учун, бу кимса ёлғончи бўлади, деб тақдирда ёзилган дейиш мана бундай англанмоғи керак: бу кимса танлаган феълини салбий қилиб, ҳар тақдир билан тилига келмайдиган сўзларни олиб, кўнглига солди. Ҳақ таоло эса Ўзининг илми азалийси билан бу банданинг кўнглига олган бояги қасди ёлғончилик, ўғрилик ёки зино қилиш бўлишини билиб, шуни унинг тақдирига ёзади. Агар бу банданинг қасди Худога ибодат қилиш, зикру тасбиҳ этиш, Қуръон ўқимоқ бўлса, Ҳақ Таоло буни ҳам илми азалийси билан билиб, шуни тақдир қилади...»

Юқоридаги биринчи жумла байтнинг насрий баёни бўлиб, унда тақдир масаласи тилга олинган. Шарҳдаги қолган гаплар ақида илмининг навбатдаги масалалари таркибига кириб, шориҳ уларни келтириш орқали мавзуни янада равшанроқ ифодалашга эришган.

Шориҳ айрим ўринларда байтнинг насрий баёнини кечиктиради, мавзуга изоҳловчи бошланма билан кириб, мисрадаги калит сўз орқали байтнинг бутун мазмунини изоҳлайди:

«*Жамоат аҳли суннат тузган эрлар*
Дедилар: «Турфа нозикдур бу йўллар.

Тавҳид бобида турли баҳслар кўпаймаслиги ва чуқурлашиб кетмаслиги учун улуғ арбоблар кўп уриниб ишлар қилдилар. Бу эранлар аҳли суннат ва жамоат йўлини тузиб кетдилар. Бу – ажаб бир нозик йўл. Кўп фаҳму фаросат эгаларининг фамлари узилиб, тариқи Ҳақдан чиқдилар ва кофир бўлдилар. Яна зиёда фаҳмсизлари ҳам бор эди, фаҳмлари етмай, эътиқоддан маҳрум бўлиб зиндиқ[1] бўлдилар. Бу байтда, шунингдек, илми каломни кўп ўрганмоқнинг ҳаром эканига ҳам ишора бор. Ай-

[1] Зиндиқ – худосиз

тадиларки, ўртача зеҳнли киши илми каломни кўп ўрганмоғига зарурат йўқдир. Бундай киши бу илмни ёмон мазҳабларга жавоб берар даражасида билмоғи кифоя қилади…»

«Рисолаи Азиза» муаллифи Тожуддин Ёлчиқул ўғли (1767-1838) маълум муддат (1785-87-йиллар) Истамбулда яшагани учунми шарҳда усмонли турк тили унсурлари яққол сезилади.[1]

«Рисолаи Азиза»да оят ва ҳадислардаги тарихий қиссалар орқали изоҳланган шарҳлар билан бирга шориҳнинг ўзи келтирган ривоятлар воситасидаги талқинлари ҳам аҳён-аҳён учрайди. Масалан, «Саботул ожизин»нинг «Мавъиза» деб номланган 48-бўлимидаги ушбу байт:

«*На бўлғай қатрадек тутсанг ўзинг гум,*
Гуҳар бўлсанг, тақилсанг тожи мардум.

қуйидаги ривоят асосида шарҳланган: «Ўзингни найсон ёмғиридек кам тутсанг эди. Шоядки, гавҳар бўлиб, эранларнинг бошидаги тожида бўлсанг. Ривоятда келтиришларича, Савр юлдузининг ўн бешинчи найсонида ёмғир ёғади. Ўша ёққан ёмғир Форс денгизи билан Рум денгизи тубига бориб, садаф оғзига тушса, инжу бўлур. Агар бу ёмғир денгиз юзида қолса айтадики: «Эй раббим, мен қулинг заифларнинг заифиман. Шундай улуғ денгиз ичида мен нима қилайин?» Ана шундай тавозулари учун Оллоҳ Таоло уни подшоҳларнинг тожида қилди. Шунга ўхшаб бирор киши ўзини кам кўриб турар бўлса, Оллоҳ уни азиз қилиб, одамлардан устун қўяди».

Манбаси ноаниқ бундай ривоятлар баъзи ўқувчиларнинг қизиқишини орттириши мумкин, аммо китобнинг ишончлилик даражасини пасайтириши аниқ.

---

[1] Қаранг: Ильясова Г.Р. Лингвотекстологические особенности произведений «Сабат ал-гаджизин» Аллаяра Суфи и «Рисала-и Газиза» Т.Ялсыгулова. дисс.кан.фил.наук.Уфа–2009

Салоҳиддин Салимийнинг XX аср бошида Қозонда чоп қилинган «Иршодул оъизин»[1] номли китобида умумий матн тўртбурчак рамкага олиниб, шарҳланаётган ҳар байт бир қаторга жойлаштирилган, мисралар ораси гул шаклидаги белги билан ажратилган. Саҳифалар рақамланган бўлишига қарамасдан жуфт рақамли саҳифаларга пойгир қўйилган. Баъзи сўз ва тушунчаларнинг матн остида изоҳи берилган. Оят эканига ишора сифатида шарҳ ичида келган Қуръон оятларининг устки қисмига узун чизиқ тортилган. Байтдаги ўқилиши қийин сўзларга қисқа унлини ифодаловчи ҳаракатлар қўйилган. «Рисолаи Азиза»да манзумалар сони 81 та бўлгани ҳолда айрим мавзуси яқин манзумалар қўшиб юборилгани учун «Иршодул оъизин»да улар 68 тага тушган. 223-саҳифада «Саботул ожизин» шарҳи тугаб, китобга Сўфи Оллоёрнинг «Холиқо» деб бошланувчи машҳур муножоти, «Қасидаи дигар» деб номланган 4та қасида илова қилинган. Мундарижадан олдин шориҳнинг назмий хотимаси берилган.

«Иршодул оъизин»ни муаллиф гарчи шарҳ деб номлаган бўлса ҳам, кўпроқ изоҳли насрий баён характеридаги асар дейиш мумкин. Мисол учун «Қабр азобининг баёни» бўлимидаги:

Агар ҳайбат билан қилса назора,
Бўлур ғамгин кўнгиллар пора-пора

байти шундай шарҳланади: «Ул ики фаришта маййитга маҳобат ила қарасалар, қайғули кўнгиллар пора ўлур». Бу назмни сўзма-сўз насрга айлантирилган варианти. Китобда аксар байтлар шу тарзда насрий баён қилинган. Баъзан мазмун баёни билан бирга матнда келган шакл-дош сўзлар маъноларини изоҳлашга уринилган:

---

[1] ارشاد العائذين شرح ثبات العاجزين – «Саботул ожизин» шарҳида муҳтожларга кўрсатма» китоби кўпчилик мутахассислар учун ҳам номаълум бўлгани сабабли шарҳнинг тошбосма нусха асосидаги илмий тавсифини келтиряпмиз.

Қўноқмиз бир кеча дунёи ҳеча,
На ишлар кечадур биздин бу кеча.

Фойдасиз, бекор дунёга келан меҳмон кабимиз. Бизум бошимиздин на турли ишлар кечадур? *Кеча* лафзининг аввалгиси. Иккинчиси -кеча, *лайл* каби *кеч* демакдир».[1] Шунингдек, айрим ўринларда байт мазмуни оятлар билан далилланган изоҳлар ҳам мавжуд:

Бу меҳнат бирла ул аммораи дун,
На бўлгай мутмаинна бўлса бир кун.

«Бу юқорида зикр эдилмиш меҳнатлар бирла ул забун нафси аммарани буюрдуқча қаҳрласак, умиддирки, бир кун келуб мутмаинна бўлмоқлиқи «يا ايتها النفس المطمئنة ارجعى الى ربك راضية مرضية» (*Эй* (Оллоҳнинг зикри билан) *хотиржам – сокин нафс! Сен* (Оллоҳ ато этган неъматлардан) *рози бўлган* (ва Оллоҳ таоло томонидан сенинг амалларингдан) *рози бўлинган ҳолда Парвардигоринг* (ҳузури)*га қайт*!»[2]) хитоби бирла мухотаб бўлмоқи».[3]

Одатда шарҳ китобларида ўрганилаётган манба, унинг муаллифи ва шарҳ жараёни ҳақида муқаддима ёзилган. Лекин нимагадир «Иршодул оъизин» китоби тўғридан-тўғри байтларни шарҳлашдан бошланган. Шунинг учун шарҳланаётган матннинг қандай асосда, қайси нусхалардан, қай хусусиятларига кўра танлангани номаълум. Лекин қиёслаш натижасида «Иршодул оъизин»даги байтлар матни «Рисолаи Азиза»даги матндан бирмунча

---

[1] صلاح الدين سليمى. ارشاد العائذين شرح ثبات العاجزين.مطبعة كريمية قزان, 1911, ص.20.

[2] Қуръони карим. Вал-Фажр сураси, 27-28-оятлар.(Шайх Алоуддин Мансур. Ўзбекча изоҳли таржима. Қуръони каримни ўрганиш илмий маркази. 2004)

[3] صلاح الدين سليمى. ارشاد العائذين شرح ثبات العاجزين.مطبعة كريمية قزان, ١٩١١, ص.١٨٠

фарқланиши ва нисбатан ишончлироқ экани равшан бўлди. Масалан, «Иршодул оъизин»да «Азоби қабрнинг баёни» бўлимида келган «*Агар чандики гўрсиз бўлса инсон*»[1] *мисраси* «Рисолаи Азиза»да «*Агар чандеки, кўзсиз бўлса инсон*»[2] *деб берилган.* Табдил жараёнида нашрга тайёрловчидан хато ўтган бўлса керак, деган гумонда байтнинг «Рисолаи Азиза»даги шарҳини кўздан кечирдик: «Агар инсон кўзсиз бўлган эса-да, гўр саволи сўралур бекаму кўст. Бунга сира шубҳа йўқ».[3]

«Рисолаи Азиза»даги бу изоҳ бир неча жиҳатдан эътирозли. Матндаги «кўзсиз» сўзи аслида «гўрсиз» бўлиши керак эди. Сабаби, гарчи бўлим қабр азоби мавзусида бўлса-да, манзума хотимасида инсон ўлганидан кейин бўладиган савол-жавоб учун махсус жой шарт қилинмагани, ажал дарёда етадими ёки инсон йиртқичга ем бўлиб, унинг қорнида ўлиб кетадими, савол-жавоб ўша жойнинг ўзидаёқ ижро қилинавериши тилга олинган. Бу бир жиҳатдан. Иккинчи жиҳатдан, «кўзсиз, яъни кўзи кўр инсон ҳам савол-жавоб қилинади» деган мазмун мантиққа зид. Негаки, кўзи ожиз киши ҳам Оллоҳнинг бандаси, у ҳам бир инсон, унда ҳам нафс бор. Жисмоний камчилик инсонни маълум мажбуриятлардан озод қилиши мумкин, лекин унга мутлоқ гуноҳсизлик – маъсумлик ҳуқуқини бермайди. Қолаверса, инсон вужудидаги аъзоларнинг ҳар бири бошқасидан кам бўлмаган ҳолда аҳамиятга эга. Шундай экан, тақдим қилинаётган маъно ҳам эътиқодга, ҳам воқеликка мувофиқ бўлиши учун кўздан бошқа аъзоларни ҳам мисра давомида келтириш керак эди. Аммо бундай ҳолда ҳам мантиқ бузиларди.

«Иршодул оъизин»да «Тамаъдан тийилиш ҳақида» деб номланган бўлимдаги: «*Қидирғон бирла ризқинг қидри*

---

[1] صلاح الدين سليمى. ارشاد العائذين شرح ثبات العاجزين.مطبعة كريمية قزان, ١٩١١, ص.٤١

[2] «Рисолайи Азиза»– «Саботул ожизин» шарҳи. Тузувчи –Ҳасанов Б. Т., 2000й. Б. 61.

[3] Кўрсатилган манба.Б.61.

тошмас» мисраси шундай изоҳланади: «Санинг бутун дунёни қидириб юрмагинг-ла ризқ қозони қайнамаз... «қидри» демак «қозон» демакдир, «тошмаз» – «қайнамаз» демакдир».[1] Айни мисра «Рисолаи Азиза»да:«*Қидирган бирла ризқнинг қири тошмас*» деб келган ва қуйидагича изоҳланган: «Қидириб, елиб югурганинг билан Оллоҳ таоло тақдир қилган ризқинг кўпаймайди. Аммо Худо Таоло қошида қадринг, яъни ҳурматинг кетади...»[2]

Бу ўринда ҳам «Иршодул оъизин»даги матн варианти тўғрилигига шубҳа йўқ. Чунки «ризқнинг қири тошмас» дегандан кўра «ризқ қозони тошмас – қайнамас» дейилса, ташбиҳ мукаммал бўлади. Ризқнинг кенглигига ишоратан балки «ризқнинг қири» деса бўлар. Лекин «қирнинг тошиши» тасаввурдан йироқ ҳолат бўлгани учун ҳам бу ўхшатиш муваффақиятсиз чиққан. Ҳар иккала шарҳни солиштириб, бундай фарқлардан бир нечтасини учратдик. Демак, тахмин қилиш мумкинки, кейинги шарҳда матншунослик борасида имкон қадар меҳнат қилинган. Салоҳиддин Салимий шарҳининг яна бир фарқли жиҳати – изоҳлар байт мазмуни билан чегараланган. Шунинг учун шарҳ қисқа ва лўнда, лозим ўринда қўшимчалар байт мазмуни доирасида кенгайтирилган.

«Саботул ожизин» матнини ўрганишда «Иршодул оъизин» каби изоҳли насрий баёнларнинг ҳам ўз ўрни бор. Қолаверса, бу манбани «Саботул ожизин» учун махсус изоҳли луғат сифатида ҳам истифода қилиш мумкин.

«Саботул ожизин»га ёзилган шарҳлар ичида матний жиҳатдан пишиқ ва шарҳ илми қоидаларига имкон қадар риоя қилингани «Ҳидоятут толибин» («Илм толибларига йўлланма») асаридир.

---

[1] صلاح الدين سليمى. ارشاد العائذين شرح ثبات العاجزين.مطبعة كريمية قزان, ١٩١١, ص

[2] «Рисолайи Азиза»– «Саботул ожизин» шарҳи. Тузувчи –Ҳасанов Б. Т., 2000й. Б. 117.

Асар муаллифи Саййид Ҳабибуллоҳ ибн Саййид Яҳёхон Фарғоний[1] шарҳга киришишдан аввал китоб аввалида бутун бир тадқиқотга материал бўладиган «маълумотлар базаси»ни тақдим қилган. Китоб аввалида «Муқаддима», «Сабаби таълиф», «Таржимаи ҳоли нозим (Сўфи Оллоёр) раҳимаҳуллоҳ», «Нозимни шарҳи ҳолларига баъзи асарлари бирлан истидлол», «Нозимни шайх ва устозлари», «Шориҳ (Тожуддин Ёлчиқул)ни таржимаи ҳоли», «Бу ожиз (Саййид Ҳабибуллоҳ)ни қисқача таржимаи ҳоли», «Мусо афандининг табъ этган «Саботул ожизин»и ва анга ёзган муқаддимасига бир назар», «Муҳтарам ўқувчилардин ражо» каби сарлавҳалар остида «Саботул ожизин» муаллифи ва унинг мазкур асарига ёзилган шарҳлар, шунингдек, шориҳлар хусусида қимматли маълумотлар берилган.

«Ҳидоятут толибин» муаллифининг «Саботул ожизин»-ни шарҳлашдек шарафли ва масъулиятли ишга нисбатан тутган ҳолати, шунингдек, бу машаққатли вазифани амалга оширишда қўлланган дастур йўриқлари китобнинг «Сабаби таълиф» бўлимида ёрқин намоён бўлган. Гарчи шарҳ ўтган асрнинг иккинчи ярмида ёзилган[2], бу даврга келиб, ўзни маломат қилишдан кўра кўпроқ ўзгани маломат этиш аллақачон урфга сингиб кетган эса-да, шориҳ мумтоз адабиёт анъанасига содиқ қолган ҳолда сўзни ўзни маломат қилишдан бошлайди: «Фақир зут тақсир, гумномлик зовиясига муқим ва гуноҳкорлар арбобига надим, батолат аҳлининг саркардаси ва сафоҳат жамъиййатининг сарриштаси, аксар умрини ҳою ҳавас бирла ўткарган ва ғуфрони шабоб ва айёми жавонини ғанимат билмаган, дунё ҳаётига мағрур ва охират ёдидин дур, муҳожирлик отини булғаган, амома бошиға бир абас чулғаган, агар-

[1] Манбада маълумот берилишича, Саййид Ҳабибуллоҳ 7 ёшида мактабга борган, 12 ёшида қори бўлган ва устозлар қўлида таҳсилни давом эттирган. Большевиклар истилосидан сўнг 17 ёшида Ўшда бир йил, сўнгра Тожикистонда бир йил яшаб, кейин Афғонистонга ўтиб кетган. Деҳқончилик, тижорат билан бирга таҳсилни давом эттирган.

[2] Ҳижрий –1388, милодий – 1968 йил.

чи илму амалдин орийдур, беилмликға иқрори ани орийдур...»[1]

«Ўзни фақир, нуқсонлар эгаси, номсиз, гуноҳкорларнинг дўсти, ботил ишларни қилувчиларнинг бошчиси, пасткашларни бириктириб турувчи, дунё ҳаётига алданган, охират ёдидан узоқ, илм ва унга амал қилишдан бенасиб санаш...» Бу даражада шикастанафслик улуғ аждодлардан, алалхусус, Сўфи Оллоёрдан мерос эди. Табиийки, улуғлар сўзларини шарҳлаш учун айни меросга ворислик талаб этилади. Саййид Ҳабибуллоҳ «Ҳидоятут толибин» китоби таълифини ана шундай руҳда бошлагани унинг бу мақомга нақадар муносиблигини кўрсатади. Тўғри, бу солимликни Саййид Ҳабибуллоҳнинг «шўролар мафкураси» ҳукмрон ҳудуддан бир қанча чеккароқда умргузаронлик қилгани билан ҳам изоҳласа бўлар, балки. Ҳар ҳолда, бундай шикастанафслик XX асрнинг иккинчи ярмиадиблари учун нодир ҳолат.

Арзи ҳолдан сўнг шориҳ «Саботул ожизин»нинг ўзигача ёзилган шарҳларига бирма-бир муносабат билдириб, илмий асосда уларга баҳо беради ва матншунослик қоидалари бўйича олиб борилган таҳқиқ жараёнини босқичма-босқич изоҳлайди. Бўлим ниҳоясида Саййид Ҳабибуллоҳ матнни шарҳлашда тутган принципини эътироф этади: «...бу шарҳда баандозайи қудрати башарий алфози матнни бир-бирига рабт бермоқ ва баъзи алфози муғаллақа ва мутажонисаларни ҳал этмоқға урундим. Матндаги масоиллар адилласини ҳаттал имкон Қуръони карим, аҳодиси набавийдин ўз мақомида келтурушга кўшиш этдим. Баъзи сўзларики, далили саст ва воҳий бўлса, ани заифини ва аҳодис мавзуъини мавзуълигини очуқ баён этдим ва келтурган аҳодисларни ровийларига нисбат бердим...»[2]

---

[1] ٢سيد حبيب الله بن سيد يحى خان. هداية الطالبين شرح ثبات العاجزين صوفى الله يار. ص:

[2] ٤سيد حبيب الله بن سيد يحى خان. هداية الطالبين شرح ثبات العاجزين صوفى الله يار. ص:

Таъкидланганидек, Саййид Ҳабибуллоҳ матнни шарҳлар экан, ҳар бири алоҳида маъно ташувчи байтларни ўзаро боғлаб, мазмунни бир бутун ҳолда етказишга, маъноси ёпиқ, мутажонис сўзларни қўшимча изоҳлар билан тушунтиришга эътибор қаратган. Масалан, Абдуллоҳ ибн Муборак билан бир оҳу ўртасида кечган воқеа ҳикоятидан сўнг Сўфи Оллоёр ўз нафсига мурожаат қилиб: «*Мане мискин тавакқул бобида доғ, Тушубдур ҳимматим кундин забунроғ*» дея муножотини бошлайди. Шориҳ Саййид Ҳабибуллоҳ бу ҳикоятни байтма-байт шарҳлай туриб, ҳикоятдан кейин келган муножотни аввалги байтларга боғлаб: «Нозим раҳматуллоҳ бу қиссадин нукта тортиб, ўз нафсларига хитоб қилиб дерларки: «Мен мискин таваккул бобида доғи ҳасратда куюрман, чунки ҳимматим кундан-кунга забунроғ ва пастлаб борур...»[1] дейиш билан ҳикоятдаги воқелик ва ундан олинадиган хулосани бутун матн баробарида тасаввурга жойлайди.

Ҳикоят сўнггидаги муножотда шундай мисралар бор: «*Гила боттим, гила қилмам кишидин*» ёки «*Хароб ўлмиш тушуб нафси хар оба*». Бу мутожонис лафзларни Саййид Ҳабибуллоҳ қуйидагича шарҳлайди: «Гуноҳ лойиға ботдим. Бу хусусда ҳеч кимдан гила қилиб ўфкаламасман. Балки муни ўз нафсим ишидин кўрурман. Бу мўъминлар ичида бир баломан. Бузуқ, ярамас йўлдин чиқолмай, анга мубтало ва гирифторман. Аввалги «гила» лафзи «гилга»ни мухаффафи, «лойга ва балчиққа» маъносида, иккинчиси «ўпкаламоқ» маносидадур. Дарёйи изтироб ва тараддудга чўмулуб кетибман ва нафси эшак сифатим гуноҳ суйиға тушуб ва балчиқиға ботиб, ҳоли хароб ўлмиш. Аввалги «хароб» лафзи арабий, «табоҳ ва вайрон» маъносида. Иккинчиси «хар» – эшак, «оба» – сувга маъносида мураккабдур». Шориҳ шу шарҳ билан кифояланмасдан изоҳ сўнггида эшакнинг табиатига хос

[1] ١٤٨سيد حبيب الله بن سيد يحى خان. هداية الطالبين شرح ثبات العاجزين صوفى الله يار. ص:

бўлган бир одатни қўшимча қилиб кетади: «Эшакни одати сувдин қўрқушдур».[1]

Саййид Ҳабибуллоҳ шарҳининг принципиал характерини белгиловчи хусусиятларидан яна бири матнда келган ақидавий, тарихий, ахлоқий масалалар ўз ўрнида имкон қадар Қуръон ва ҳадис асосида далилланган, далили заиф сўзлар ва мавзуъ (сохта) ҳадислар очиқ баён этилган, ҳадис ровийлари ҳақида тегишли маълумотлар бериб борилган. Бу хусусият шариҳдан тегишли малака талаб этиши билан биргаликда «Саботул ожизин» асарининг илмий қимматини кўрсатишга ҳам хизмат қилган.

«Саботул ожизин»да Оллоҳнинг ягоналиги васф этилган бўлимда «*Удур Ҳокимки, ҳукмин ўзга этмас, Анинг зотиға ҳеч ким ақли етмас*» деган байт бор. Шариҳ мазкур байт шарҳида оят ва ҳадисдан ўндан ортиқ далиллар келтиради: «Оллоҳ таоло шундоғ ҳокимдурки, ҳукмини ўзга этмас ва қазосини бузмас, «Унинг ҳукмини текширувчи бўлмас» (Раъд сураси, 41-оят), «Оллоҳнинг сўзлари (оятлари) ўзгартирилмас» (Юнус сураси, 64-оят), «Менинг даргоҳимда (ваъда қилинган) сўз ўзгартилмас ва Мен бандаларга зулм қилгувчи ҳам эмасдирман» (Қоф сураси, 29-оят).[2] Матндаги фикрга шунча далиллар келтирилганидан сўнг қуйидагича эслатма ҳам берилган: «Танбиҳ. Қуръони каримни кўп оятларида осмону ердаги Оллоҳ таоло махлуқотларига тафаккур назари бирлан қарамоқға ҳидоят этилиб ва фикр этиб, ўйлаб, андин ибрат олган зотларни сатойиш этилгандур. Чунончи, оят: «Осмонлар ва ернинг яратилишида ҳамда кеча ва кундузнинг алмашиниб туришида ақл эгалари учун (бир яратувчи ва бошқариб турувчи Зот мавжуд эканига) оят-аломатлар борлиги шубҳасиздир. Улар турганда ҳам, ўтирганда

---

[1] ١٤٨سيد حبيب الله بن سيد يحى خان. هداية الطالبين شرح ثبات العاجزين صوفى الله يار. ص:

[2] ١٧سيد حبيب الله بن سيد يحى خان. هداية الطالبين شرح ثبات العاجزين صوفى الله يار. ص:

ҳам, ётганда ҳам Оллоҳни эслайдилар ҳамда осмонлар ва ернинг яратилиши ҳақида тафаккур қилиб (дейдилар): «Парвардигоро, бу (борлиқ)ни беҳуда яратганинг йўқ!» (Оли-Имрон сураси, 190-191-оятлар), «Албатта, бу (мисоллар)да тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибратлар бордир» (Раъд сураси, 3-оят), «Албатта, бунда ҳам ақл юргизадиган қавм учун оят-ибратлар бордир» (Раъд сураси, 4-оят). Оятлар далил сифатида келтирилганидан сўнг матндаги фикр ҳадислар билан қувватланади: «...ва ҳам аҳодисда махлуқоту маснуъоти илоҳийга тафаккур ва тадаббур этмоқга амр ва зоти Оллоҳга тафаккурдин наҳий вориддур. Чунончи, Абул Шайх Ибн Аббос розийоллоҳу анҳудин ривоят этибдурлар (арабча матн таржимаси): «Ҳамма нарса тўғрисида тафаккур қилинг, лекин оллоҳнинг зоти ҳақида тафаккур қилманг. Чунки, еттинчи осмон ва Унинг курсиси ўртасида етти минг нур бўлиб, У ундан ҳам юқорироқдир. Яратилган нарсалар тўғрисида фикр юритинг, лекин Яратгувчи(нинг зоти) ҳақида фикр юритманг. Чунки сизлар Унинг ўлчовига етолмайсизлар». Абу Зар розийаллоҳу анҳудан ривоят этибдурлар: «Оллоҳнинг яратиқлари ҳақида тафаккур қилинг, Оллоҳнинг зоти ҳақида фикр қилманг, бас, ҳалок бўласизлар». Абул Шайх ва Табароний «Авсат»да ва Ибн Адий ва Байҳақий Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят этибдурлар: «Оллоҳнинг неъматлари ҳақида фикр юритинг, аммо Оллоҳнинг зоти ҳақида фикр қилманг». Абу Наъим «Ҳуля»да Ибн Аббос розийаллоҳу анҳумадан келтиради: «Оллоҳнинг яратиқлари тўғрисида фикр юритинг, Оллоҳнинг зоти ҳақида фикр қилманг». Бу ҳадисларни иснодини Имом Тоҳавий ҳаммаси заиф деб, лекин ҳаммаси бир жойга йиғилса, бир-биридин касби қувват этур, дебдурлар».[1]

---

[1] ١٧سيد حبيب الله بن سيد يحى خان. هداية الطالبين شرح ثبات العاجزين صوفى الله يار. ص:

Саййид Ҳабибуллоҳ мана шундай нозик синчковлик ва изчиллик билан «Саботул ожизин»нинг «мағзи Қуръон»[1] эканини далиллар билан исботлаган.

Шарҳдаги жами манзумалар сони 72 та бўлиб, ҳар манзума алоҳида сарлавҳа билан ажратилган, байтлар сони 1663 та экани қайд этилган. «Саботул ожизин» матнининг ҳамд ва наът қисми аввал байтма-байт, кейин икки, баъзан уч байт кетма-кетликда, «Сабаби таълиф»дан то охирги бўлимгача эса ҳар манзума алоҳида, баъзан бир бўлим икки ё уч қисмга ажратиб шарҳланган.

2009 йили «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси унвони билан «Ҳидоятут толибин»нинг Абдуллоҳ Намангоний ўғли Қори Абдулмалик томонидан Покистоннинг Лоҳур шаҳрида чоп этилган нусхаси эски ўзбек ёзувидан табдил этилиб, нашрдан чиқди.[2] Китоб аввалида нашрга тайёрловчи томонидан «Ушбу нашр хусусида» номли сўзбоши тақдим қилинган. Матн остида оят, ҳадис ва баъзи арабий жумлаларнинг таржималари ҳавола этилган. Шунингдек, китоб охирида шарҳ матнига 836 сўздан иборат луғат илова қилинган.

Ушбу фаслда «Рисолаи Азиза», «Иршодул оъизин» ва «Ҳидоятут толибин» шарҳларининг структураси, шарҳларнинг «Саботул ожизин» матнини ўрганишда, оммалаштиришда, илмий-адабий қимматини белгилашда тутган ўрни мавзу доирасида тадқиқ этилди.

Шарҳлар матнга ёндашув, байтдаги муҳим маънони ажратиш ва бўрттириш жиҳатидан бир-биридан фарқланса-да, ҳар учала шарҳнинг умумий тузилишида таркибий яқинлик бор. Шарҳлардаги тахминий таркибий конструкциясини шундай иерархияда таснифлаш мумкин:

– байтнинг насрий баёни;

---

[1] «Саботул ожизин»даги аксар байтлар моҳиятида Қуръон маъноларини илғаган ўлкамиз уламолари бу асарни «мағзи Қуръон», яъни *Қуръон маъноларини ўзида жамлаган китоб* дея таъриф берганлар.

[2] Нашрга тайёрловчи - Ўз ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи илмий ходими Озодбек Алимов.

– далиллар *(оят, ҳадис, тарихий қиссалар асосида)*;

– наҳвий таҳлил *(араб тили грамматикаси асосида)*;

– ривоятлар *(«Иршодул оъизин» ва «Ҳидоятут толибин»дан фарқли равишда «Рисолаи Азиза»даги ривоятларнинг манбаси ноаниқ)*;

– бадиий санъатлар баёни *(асосан, тажнис санъати)*.

Хулоса шуки, мазкур шарҳларда шарҳ илми анъаналарининг изи сезилади, шориҳлар матнлар изоҳида имкон қадар моҳиятга яқинлашган. Айрим талқинларда мавзудан чалғиш, асоссиз маълумотларга суяниш кўринса-да, мазкур шарҳларнинг «Саботул ожизин» асарини оммалаштиришдаги аҳамияти катта.

2.3. «Саботул ожизин» шарҳларида талқин масаласи

Назм нима учун насрий баён қилинади? Бу эҳтиёжми ёки мажбурият? Агар эҳтиёж бўлса, унинг табиатини англаш мумкинми? Мажбурият бўлса, қатъий тизим ва интизом асосида бириккан бутунликни синдиришга жазм этаётган сабаб нимадан иборат?

Бу саволларга жавоб топиш учун аввало, назм ва насрий баённинг мақсадини фарқлаш, қолаверса, уларнинг имконият чегараларини аниқлаш лозим. Шеърда маъно ҳис-туйғулар етовида ифодаланади. Ҳис-туйғуларнинг ҳаракати эса чақмоқдек фавқулодда, чопаётган отдек шиддатли. Одатда маъно ана шу кутилмаган шиддат остида яширин қолади. Шунинг учун бўлса керак, жаҳон мумтоз адабиётининг улуғ сиймоларидан Жалолиддин Румий *назм*ни палахмон тошига ўхшатиб, унинг мўлжалга тегиш ё тегмаслигида доим эҳтимол бўлишини айтган. Аслида шеърнинг гўзаллиги ҳам шунда. Аммо сирли бир синоатга кўра бу гўзалликдан фақат хосларгина баҳраманд. Омма орасида жуда кам сонли кишилар шеърга ошно тутинади, нозик ишораларни илғайди, маънолар қатидан таралаётган оҳангни завқланиб тинглайди.

Яна бир тоифа кишилар бу завқланиш жараёнини мумкин қадар узайтиргиси ва шунинг баробарида таассуротларини кимлар биландир ўртоқлашгиси келади. Гўё завқланиш доираси кенгайса, жараён тугамайдигандек. Улар билмайдики, оҳангни шарҳлаб бўлмайди, оҳанг сўзга айланиши билан тўхтайди. Тўғри, улар буни англамайди. Бироқ мастона кайфият, ички бир эҳтиёж ундовида улар шеърнинг наинки *қўл*, нигоҳлар етмайдиган уфқларига *қадам* урмоқчи бўладилар, натижада назм ипига тизилган дурлар наср йўлига тартибсиз сочиб юборилади.

Таъкидлашимиз керак, бу сўзлар зинҳор насрий баён имкониятини камситиш учун айтилаётгани йўқ. Мақсад – фаръ ҳеч бир вақт асл бўлолмаслигини, яъни шох-шаббалар ҳеч қачон илдиз ўрнида қабул қилинмаслигини билдиришдир. Бироқ, мақом эътибори билан бу икки жиҳат қанчалик фарқланмасин, вужуд эътибори билан улар бир-бирини тақозо қилувчи мавжудликдир. Назм бор экан, уни насрийлаштириб изоҳлаш мажбурияти барча замонларда қонуний зарурат. Гарчи биз шартли равишда *хос* деб номлаётган тоифа миллатнинг ўзлигини белгиласа-да, жамият бир ҳовуч «хос»лардан иборат эмас. Ҳикматларда тавсия этилган энг тўғри йўл – мушкулни ечиш, қийинни осонлаштириш. Адабий қоидалар, бадиий воситалар ҳақиқатни мажоз орқали англашни ўргатади. Қачонки мажоз ортидаги ҳақиқат унутилиб, мажозни ҳақиқат мақомида тушуниш оммалашса, бундай шароитда айни адабий қоидалар ва бадиий воситалар ҳақиқатга қайтиш учун хизмат қилади. Назмни насрий баён қилиш мажбурияти ҳам шундай вазият тақозосидир.

Адаб илмида мумтоз матнларга нисбатан «Ал-мужазул мўъжиз» (الموجز المعجز) деган ибора ишлатилади.«*Ўзи қисқа ва ихчам-у лекин мўъжизакор*» деган маънони ифодаловчи бу ибора бизга нима учун сал кам уч юз йил ичида «Саботул ожизин» асарига ҳар бири мустақил асар мақомида бўлган учта шарҳ китобининг ёзилиш заруратини изоҳлашга ёрдам беради. Иборанинг биринчи бўла-

ги – «мужаз» шаклга, иккинчи бўлаги – «мўъжиз» мазмунга алоқадор. Ҳар бири нечта гапларга мазмун бағишлайдиган кўп маъноларни битта жумлага гўзал тарзда жойлаш *жавомиъул калим* дейилади. Қуръон ва ҳадис бошидан охиригача шу услубда баён қилинган, шу услубда қалбларни ҳайратга солган, шу услубда ақлларни лол қолдирган. Шу услуб, шу санъат жозибаси олиму уламони, адибу удабони тинимсиз ўзига чорлаган, тафаккур қилишга ундаган. Аждодлар анъанасига содиқ Сўфи Оллоёр ҳам шу жозибага асир бўлди, шу жозиба соғинчида ижод қилди. Шунинг учун ҳам у бу китобига ақида илмини мавзу қилди. Шунинг учун ҳам у бу китобини «Саботул ожизин» деб номлади. Чунки бу мавзуда инсоннинг ўз-ўзини англаш йўлидаги қадим саволларига жавоблар яширин, бу жавоблар инсоннинг кейинги ҳаётини белгилайдиган даражада улуғ эди. Улуғлик қаршисида Сўфи Оллоёр бир инсон сифатида ожизлигини ҳис қилар, ҳис қилган сайин ошиб бораётган қатъиятини яширмасдан унга «Ожизларнинг саботи» дея ном берган эди.

Ҳақиқатан ҳам ақоид илми тақдим этган маъноларни назмга солиш кучли сабот, улкан малака талаб этадиган иш. Сўфи Оллоёр бу вазифани кифоя қиларлик даражада амалга оширди. Шунинг учун ҳам «Саботул ожизин» асари тез оммалашди, асрлар давомида олимлар диққатини ўзига тортди. Байтларга яширин мўъжиз маънолар бирма-бир ажратилиб, назарий асосда тасниф қилинди. Тасниф таркибидаги қисмларнинг ҳар бирига таъриф берилди. Қисмларнинг ўзаро муносабати аниқланди. Бу жараённинг амалий кўриниши юқоридаги бобларда баён қилинди.

Хўш, байтларнинг мазмуни билан боғлиқ жиҳатлар уч асрдан зиёдроқ вақт мобайнида кашф этилаётган экан, шундай салмоқли маъноларни тақдим этишда мужаз шаклнинг аҳамияти қанча? Фазилат сифатида саналаётган лўнда ва ихчам шаклнинг ҳар томонлама мувозин бўлишини таъминлайдиган қонун-қоидалар нималардан иборат? «Саботул ожизин»нинг шу қоидаларга мувофиқлиги қай даражада?

«Саботул ожизин»нинг бугунги шарҳида мазкур саволларга ҳам жавоб акс этиши керак. Шундагина кашф этилаётган мазмун бутун ҳолда намоён бўлади, ёзилган шарҳ нафақат тарбиявий, балки таълимий дастурга айланади. Шу жиҳатдан олиб қаралса, «Саботул ожизин»нинг ҳар учала шарҳида кўпроқ тарбиявий йўналиш мақсад қилинган. Масалан, «Оллоҳ таолони танимоқ баёни» бўлимидаги

«Недур қуллуқ, ани муштоқи бўлмоқ,
Ўзидин фони Ҳақға боқи бўлмоқ»

байтининг «Рисолаи Азиза»даги шарҳини кузатайлик: «Сендан сўралсаки, бандачалик нимадир? Сен айтгилки, бандачиликнинг асли банда бўлган киши ўзни фоний билиб, Тангри Таолони боқий билмоқдин иборатдир. Яъни ҳар ким ўзни фоний билса, Тангрини таниган бўлади. Чунки фоний бўлган кишилар, албатта, дунё зийнатларидан, нафс шаҳватларидан безганлардир. Ҳақиқатан ҳам бу фоний ашёларга алданмоқ боқий неъматлардан қолмоқликка сабабдир».[1]

Шарҳда байтнинг умумий мазмуни изоҳланган. Унга кўра, ўқувчи нимагадир даъват этилиб, нимадандир қайтариляпти. Тарбиявий йўналишдаги сўзларни ўқувчи сўз сувратида қабул қилади ва уни статик ҳолатида хотирига жойлайди. Агар байт мазмуни шакл билан уйғунликда тадқиқ қилинганида эди, сўзлар ҳаракатга келиб, манзаралар динамикаси ҳосил бўлар, мазмун жонлироқ кўриниш оларди. Билдирилаётган таклиф кўргазмалироқ бўлиши учун фикримизни мисоллар ёрдамида изоҳлашга ҳаракат қиламиз.

Тўрт гапдан таркиб топган байт тингловчи диққатини ўзига тортиш учун сўроқ жумла билан бошланяпти. Эга ва кесим муносабатига кўра, гапда иккинчи ўринда туриши керак бўлган «надур» сўзининг «қуллуқ»дан олдин

[1] Тожуддин Ёлчиқул. Рисолаи Азиза. №158, тошбосма, 1858, Қозон, 27-бет.

келиши фақат назм ва вазн талаби учун эмас. Саволнинг бу тарзда берилиши олдинроқ бўлиб ўтган «савол-жавоб»нинг давоми эканига ишора. Сал илгари байт воқелигида устоз ва шогирд мулоқоти кечган. «Яратувчига қуллик» маъносини етарлича илғай олмаётган шогирдини устоз ҳушёрликка чорлаб: «Оллоҳга қуллик» нима ўзи, биласанми?! – деган савол билан эътиборини тортяпти. Саволнинг жиддийлиги шу даражадаки, устоз ҳеч қандай боғловчи, изоҳловчиларсиз, шу оннинг ўзида, кечиктирмасдан, ўзи берган саволга ўзи жавоб қиляпти ва бу байтдаги иккинчи жумла: «Ани муштоқи бўлмоқ». Яъни «Яратувчига қуллик» дегани бу – Унга етишни қаттиқ хоҳлашдир. Арабча «муштоқ» сўзининг ўзаги «шавқ» (масдари – *иштиёқ*) бўлиб, ўзбек тилида *қаттиқ хоҳиш* маъносини англатади. Саволга берилган жавобни шогирд тўла тушуниб етмади. Албатта, шогирднинг бу ҳолати байтда акс этмаган. Бироқ дабдурустдан берилган жавобнинг шогирд учун кутилмаганлиги зукко устозга аён эди. Балки у навбатдаги маънони айтишга вазият туғдириш учун шогирдни шу кўйга солгандир. Ҳар ҳолда у жавобини изоҳлашга ўтди ва бу байтдаги учинчи жумла: «Ўзидан фоний», яъни Яратувчини қаттиқ хоҳлаган банда ўзини унутади, гўё шахс сифатида йўқолади. Устознинг бу жавоблари шогирдга етарли эди, лекин устоз мантиқни тамомига етказишни хоҳлади ва бу байтдаги тўртинчи жумла: «Ҳақға боқий бўлмоқ», яъни дунёнинг фонийлигини англаб, Ҳақнинг боқийлигини топади. *Кетиш* қаергадир *боришни* тақозо қилади. Кетиладиган маскан – ўзлик, бориладиган макон – Ҳақ таолонинг ёди. Ўзликда ўткинчи дунёга боғлиқлик яширин. Муваққат бўлса-да, ўзидаги шу боғлиқликни уза олган банда Ҳақ муҳаббатининг боқийлигини ҳис қилади.

«Саботул ожизин» манзумалари маснавий йўлида ёзилган. Маснавий – сюжетли воқеликни тасвирлашга хос, шу билан бирга, ҳикматли маъноларни ифодалашга мос жанр. Ҳар икки мисрани ҳикмат асосида уюштириш «жавомиъул калим» услубидан мерос. Сўфи Оллоёр асарда бу услубни талаб даражасида ўзлаштирганлигига шубҳа йўқ.

Фикримизни «Саботул ожизин» асарининг ўрганилиш тарихида марказий ўринни эгаллаган «Ҳидоятут толибин» шарҳи мисолида кўриб чиқайлик.

«Ҳидоятут толибин»ни бошқа шарҳлардан ажратиб турувчи бош хусусият шарҳ ва изоҳларнинг илмий асосга қурилганидир. «Саботул ожизин» мутолаасида ўқувчини ўйга толдирадиган, ҳатто «Сабот»хонлар орасида ўзаро баҳсга сабаб бўлган бир байт бор:

Қилиб ғабро мадорин зиммайи ҳут,
Бани Одамға андин қисм этар қут.[1]

Бу байт «Рисолаи Азиза»да шундай шарҳланган: «Яъни Оллоҳ таоло ернинг аслини балиқ устига қўйди. Шу балиқ устидаги ерларда Оллоҳ одам болаларига ризқ улашиб, бирининг ризқини кенг, баъзиникини тор қилди. Чунончи, Зухруф сурасининг 32-ояти бунга далилдир».

«Иршодул оъизин»даги изоҳ: «Ернинг касларун балиқ бўйинда қилуб, ул ердан бани Одамға ризқ тақсим эдар, зироатлар эдиб, вақтли вақтинда емишлар-ла ризқландирмоқ каби»[2].

Энди «Ҳидоятут толибин»даги шарҳга қулоқ тутайлик: «Ерни мадору турушини балиқ устида қилиб, бани Одамга андаги наботот ва самарот ва ҳайвонотдин ризқу рўзи насиб этар. «Руҳул маъоний» соҳиби сурайи «Нун» тафсирида дерки, баъзилардин ривоятдурки, «нун» ерни ани устига қўйулган бир балиққи, ани оти «Яҳмут»дур. Бу хусусда Зиёйи Мақдисий «Мухтор»да ва Ҳоким ва бошқалар бир ҳадис Ибн Аббос розийоллоҳу анҳумадин ривоят этибдурларки, Оллоҳ таоло «нун»ни яратди. Сўнгра ерни ани устиға ёйилди ва қўйулди. Бас, балиқ қимирлаб изтироб этди, бас ер ҳам қимирлади ва ҳаракатга келди. Бас, тоғлар бирлан маҳкам даствор этилди. Сўнгра Ибн Аббос розийоллоҳу

---

[1] Илмий-танқидий матн. 1-3.

[2] صلاح الدين سليمى. ارشاد العائذين شرح ثبات العاجزين.مطبعة كريمية قزان, 1911, ص.2

анҳумо: «... ن * و القلم» («Қалам» сураси 1-2-оятлар)ни ўқудилар. Ва бу тафсир Мужоҳид раҳимаҳуллоҳдин ҳам ривоятдур. Сўнгра соҳиби «Баҳр»дин нақл этиб дерки, шояд «нун» ҳарфини ҳуруфи ҳижодин бир ҳарф оти эканидан, бошқа тамом эҳтимолотлар сиҳатга етмагандур. Ва бу сўзни Алусий ҳам таъйид этибдур. Аҳли кашфлардин Саййидий Абдулазиз Даббоғ ҳазратларидин «Абриз»да ерни шамол устида муаллақ эканини нақл битибдур. Бу сўз бу кунги иктишофот асрида маълум бўлган ерни муаллақлигиға мувофиқдур. Ва Оллоҳни камоли қудратиға далолат қилур»[1]

Аввалги иккита шарҳда байт мазмуни насрий баён қилинган-у, аммо баён аниқлик даражасига етмаган. «Рисолаи Азиза» далил қилиб келтирган Зухруф сурасининг 32-ояти ҳам баҳсталаб мисрага эмас, бевосита байтнинг иккинчи мисраси мазмунига алоқадор.

«Ҳидоятут толибин» шарҳида эса тамоман бошқа манзарани кузатамиз. Тадқиқ қатъий илмий тизимга бўйсундирилган. Аввал, байт чиройли сувратда насрий баён қилинган. Кейин баҳсларга сабаб бўлган мисрадаги хабарнинг далили тафсир илмида мўътабар саналган манба – «Руҳул маъоний»[2] асосида тақдим этилган. Яна бир неча ишончли манбалардан – Зиёйи Мақдисийнинг «Мухтор» асаридаги ва Ҳокимнинг «Бухорий ва Муслимнинг «Саҳиҳ ҳадислар тўпламидаги ҳадисларга қўшимча» («المستدرك على الصحيحين للحاكم») асарида Ибн Аббос розийоллоҳу анҳумадин ривоят қилинган ҳадис байт мазмунини тасдиқловчи иқтибос сифатида келтирилган. Шарҳда бу ҳадис Мужоҳид раҳимаҳуллоҳдан ҳам ривоят қилингани айтилади. Шунингдек, мазкур ҳадиснинг Ибн Аббосга борувчи бошқа санад билан (Абу Закариё Яҳё ибн Муҳам-

---

[1] سيد حبيب الله بن سيد يحى خان. هداية الطالبين شرح ثبات العاجزين صوفى الله يار. ص:١

[2] «Руҳул маъоний» тафсирининг муфассири – Маҳмуд Алусий, кунияти – Абу Фазл.

маддан – Муҳаммад ибн Абдуссаломдан – Исҳоқ ибн Иброҳимдан – Жаридан – Аъмошдан – Абу Зобйандан – Ибн Аббосдан) ривоят қилинган вариантини «Тафсири Бағавий», «Ал-Баҳрул мадид», «Тафсирус сирожил мунир», «Тафсирул Байзовий», «Тафсирун Насафий» каби мўътабар манбаларда ҳам борлигини аниқладик.

Шориҳ битта мисра шарҳида атрофлича маълумот берди, лекин шу билан қаноатланмаяпти, Абу Ҳаййон Муҳаммад ибн Юсуфнинг «Тафсирул Баҳрул муҳит» тафсиридаги мавзуга алоқадор нақлни ўртага ташлаяпти, яъни байтдаги «зиммаи ҳут» ибораси шарҳида зикр этилган «Қалам» сурасининг биринчи оятидаги «нун»дан «балиқ» назарда тутилмаган, балки «нун» – ҳижо ҳарфларидан бирининг номидир, бундан бошқа барча эҳтимол қилинган маънолар тўғри эмас, деган фикрни келтиряпти. Диққат қилинса, гапнинг сиёқидан шориҳнинг ҳам бу қарашга майли борлиги сезилади. Шунинг учун бўлса керак, бу қарашни Маҳмуд Алусий ҳам қувватлаганини қистириб ўтади. Сўнгра хулосасининг қатъий эканини билдириш мақсадида географ олим Саййидий Абдулазиз Даббоғнинг «Абриз» номли асаридан ернинг шамол устида муаллақ тургани билан боғлиқ илмий қарашни ҳавола қилади. Шарҳ ниҳоясида замонавий кашфиётларни эътироф қиларак, шарҳдан кўзланган бош мақсадни яна бир бор эсга солиб қўяди: «Бу сўз бу кунги иктишофот асрида маълум бўлган ерни муаллақлигиға мувофиқдур ва *Оллоҳни камоли қудратиға* далолат қилур».

«Ҳидоятут толибин»ни нашрга тайёрлаган О.Алимов шориҳнинг мазкур байтга нисбатан тутган позициясини қувватлаб, ҳаволада шундай изоҳ беради: «Маълумки, баъзи манбаларда келтирилган хабарлар ўша давр муҳитидан келиб чиққан ҳолда, давр кишиларининг ақллари қабул қилиши даражасида баён этилган бўлиб, юқоридаги ибораларҳам ушбу зикр этилган ҳолатлардан холи эмас. Матн давомида ҳозирги кашфиётлар асрида фан томонидан

исботланган ернинг фазода муаллақ эканини баён этувчи сўзлар келтирилади».[1]

«Ҳидоятут толибин»нинг яна бир фазилати, муайян байт шарҳланар экан, ўрни-ўрнида муқаддам қилинган шарҳларга, хусусан, Тожуддин Ёлчиқул ўғли шарҳига муносабат билдириб кетилади ва бу муносабат аксар ҳолда «Шориҳ саҳв этгандир» ёки «Шориҳ бу байт тавжиҳида саҳв этибдур» жумлалари билан ифодаланади. Масалан, «Муножот» деб номланган 25-бўлимда қуйидаги байт шундай шарҳланган:

Илоҳи, эътиқоди пок бирлан,
Мани оғишта қилғил, хок бирлан.

«Илоҳи, эътиқоди (бешоиба) пок аҳли суннат ва жамоат бирлан мени жонимни олиб, қабрга киргизиб, туфроққа қўшуб (ўлар вақтимда иймондин айирмоғил). (Шориҳ бу байт тавжиҳида саҳв этибдур.)»[2]

Мазкур байтнинг «Рисолаи Азиза»даги шарҳи: «Оллоҳим, кенг раҳматинг ила мени яратганинг тупроққа пок эътиқодимни қориштир, яъни мени тупроқ каби тавозуъли қилиб, мартабамни баландларга кўтаргил».

Ҳабибуллоҳ Саййид Яҳёхон шарҳида асосий эътибор *иймон*га қаратилди. Бу маъно қавс ичидаги «ўлар вақтимда иймондин айирмоғил» жумласи билан таъкидланди. Шарҳнинг бундай шарҳланишига шориҳнинг бир нечта қаринаси (далиллари) бор.

Аввало, бу бўлим ақида мавзуларининг марказида турувчи иймон масаласининг таркибий қисмларидан ҳисобланувчи ажал, қабр азоби, қиёмат, тарози, сирот, биҳишт, дўзах, кавсар тушунчаларини баён қилувчи бўлимларнинг

---

[1] «Ҳидоят ут-толибин» – «Сабот ул-ожизин» шарҳи.(Нашрга тайёрловчи Озодбек Алимов), «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009, 26-бет.

[2] ٦٥١سيد حبيب الله بن سيد يحى خان. هداية الطالبين شرح ثبات العاجزين صوفى الله يار. ص:

давоми сифатида намоён бўлган. Зеро, ақида илмининг бош мақсади банданинг бу дунёдан иймон билан кетиш ғоясига қаратилган. Бу ҳар қандай мазмунда бирламчи эътибордаги масаладир. Қолаверса, юқоридаги байтнинг давомида «*Дилим содиқ тилимга бўлди қоил, Бу сўздин қилмағил бир зарра моил*» яъни, «тилим айтувчи бўлган иймон калимасини дилим тасдиқловчидир, мени бу сўзу эътиқоддин ўзга тарафга бурувчи бўлма» мазмунидаги байт келганки, бу ҳолат иймон шартларидан саналган «калимаи тойййиба»ни тилда иқрор қилиб, дилда тасдиқлаш зарур» маъносига очиқ-ойдин ишорадир.

Тожуддин Ёлчиқул ўғли шарҳида эса байтнинг уст қатламида иш кўрилган. Ҳақиқатан ҳам, мисраларнинг зоҳиридан «мени пок эътиқодим билан тупроққа қориштир» маъноси англашилади. Аммо бундай тушуниш бирламчи эътибордаги масалани кейинги ўринга тушириб қўяди. Тожуддин Ёлчиқул ўғли бу шарҳида иймонга эмас, тупроққа эътибор қаратяпти, тупроқ бир неча сифатлар билан васфланяпти: «яратганинг тупроқ» – Оллоҳ инсонни яратиш учун тупроқни танлагани; «тавозуъ» – камтарлик, бандаликнинг олий мақоми («мартабамни баландларга кўтаргил» жумласи бунга ишора).

Албатта, байт маъносини шундай тушуниш ҳам мумкин. Шунинг учун Ҳабибуллоҳ Саййид Яҳёхон ўзидан олдин қилинган бу шарҳга муносабат билдирар экан, уни *тавжиҳ*, яъни «бир қараш» сифатида эътироф этяпти. Энди бу тавжиҳнинг саҳв (хато) деб топилишига келсак, у иккиламчи эътибордаги нарсанинг биринчи ўринга чиқариб қўйилиши билан изоҳланади.

Шарҳларни қиёслар эканмиз, айрим сўзлар изоҳида ихтилофли ўринлар ҳам кузатилади. Мисол учун ушбу байтни олиб кўрайлик:

Вужудинг уқбаси эрмас алоша,
Тал оша келган ўлтурмас талоша.[1]

[1] Илмий-танқидий матн. 46-12.

Байтнинг «Ҳидоятут толибин»даги шарҳи: «Вужудингни тариқат йўлидаги уқбаси алоша (жағ)ни қимирлатиб, қилу қол ва мужодала ва мунозарага диққати азизни сарф этмоқ эмас. Балки, бу йўлда нафсу шайтону ҳавога эргашмоқдин вужудга келадиган кўп уқубат ва довонлар борки, солик бояд алардин ўтсун. Бу кўталлардин ошиб, нафсу ҳавони оёғ ости қилиб, эзиб келган киши ҳар кимса бирла мунозара ва мужодала қилиб, талашиб-тортишиб ўлтурмас. «Уқба» кўтал – довон маъносида. «Алоша» – жағ суяги. «Тал» лафзи арабий, «тепа ва кўп тўпланган туфроғ» маъносидадур. «Оша» *ошмоқ*дин маъхуз, (устидин ўтуб) маъносида. Иккинчи «талоша» *талашмоқ*дин маъхуз, мужодала маъносидадур».[1]

Шориҳ байтдаги «алоша» сўзининг луғавий маъносини *жағ; жағ суяги* дея таърифлаган. Аммо бу сўзнинг қайси тилда қўлланиши ва қайси луғатда бу сўзга шундай маъно берилгани айтилмаган. Мазкур байт ифодаланган бўлимда беҳуда баҳс-мунозарани қоралаш мавзуси ҳақида сўз боради. Шундан келиб чиқиб, шориҳ байт мазмунини мавзуга буради: муваққат берилган диққату эътиборни жағни беҳуда қимирлатишга сарфламасликка чақиради. Тўғри, бу йўл (яъни, матнни ўзидан олдинги ва кейинги матн маъноси билан боғлаб изоҳлаш) шарҳ илми мантиғига, қолаверса, айни мавзуга мувофиқ маъно. Лекин арабча «тал» лафзининг *тепа* маъноси; иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилганини билдирувчи «оша» равишининг *ошмоқ* феълидан олингани, «талоша»нинг *талашмоқ* феълидан олиниб, беҳуда баҳс-мунозара маъносида қўлланган айтилгани ҳолда, негадир «алоша» сўзига изоҳ берилмагани бизни бу сўз атрофида изланишга ундади.

«Алоша» сўзининг туркий лаҳжаларда қуйидагича маънолари борлиги аниқланди[2]**:**

---

[1] ١٣٣سيد حبيب الله بن سيد يحى خان. هداية الطالبين شرح ثبات العاجزين صوفى الله يار. ص:

[2] Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. «Наука», М.:1974, С.136-137.

1) олочуқ яъни, чайла, капа;

2) пастлик;

3) паст бўйли; ориқ; (жониворларга, хусусан, отга нисбатан)

4) заиф, кучсиз.

«Рисолаи Азиза»даги шарҳда бу сўзнинг иккинчи маъноси қўлланган: «Вужудинг тоғи баланд эмасдир, яъни нақадар олим бўлсанг-да, илмнинг охири бўлмагани учун, унга етишган киши бўлмассан. Шунинг учун сени биров баҳсда енгиб, йиқитиб хор қилиши мумкин. Шундай экан, тоғ оша келган, яъни адамдан вужудга келган киши одамлар билан баҳслашиб, уришиб, талашиб ўтирмас. Руҳ оламидан вужудга келган олим эканингни ҳисобга ол-да, яна борлиқдан адамга кетишингни ҳам бил. Буни ҳисобга олиб, амал қилгин ва баҳсларни қўйгил».[1]

Тожуддин Ёлчиқул ўғли байт мазмунидаги бирламчи маънони, таъбир жоиз бўлса, бирламчи маънони очувчи калит сўзни тўғри англаган. Байтдаги «вужудинг» сўзи *жасад, бадан* маъносида эмас, балки *мавжудлик, йўқликдан борлиққа келиш* деб англанар экан, маъно маиший чегарадан кўтарилади. Беҳуда баҳсу мунозарага киришиш маиший оламда кечадиган ҳодиса. «Яралиш, йўқликдан борлиққа келиш» мўъжизаси олдида «беҳуда баҳс-мунозара» мавзуси ҳақиқатан ҳам кичик, арзимас ҳодиса. Шундай улуғ довон, тепаликлардан ошиб келган инсон энди умрини талашиб-тортишишлар билан ўтказса?! «Рисолаи Азиза» муаллифи мана шу бирламчи маънони ирода қилган. Уни қандай савияда етказгани кейинги масала. «Алоша» сўзининг шарҳда қўлланган маъноси ҳам ирода этилган мақсадга хизмат қилган.

«Иршодул оъизин»да бу байт шундай шарҳланади: «Яъни вужудинг машаққати табаҳшак дагил, буюкдир. (اذا كان الامر كذلك) (иш шундай экан), тов оша келган киши кишилар ила талашуб ўлтурмас. Тов минган кимсанинг

[1] «Рисолайи Азиза»– «Саботул ожизин» шарҳи. Тузувчи –Ҳасанов Б. Т., 2000й. 147-бет

сўвлави торғаб-талашарға мумкин бўлмаздир. *Вужудинг уқбаси* демак «машаққат» маъносинадир. Фаразан ўйласанг, вар қабрдан қўбсанг, бор анда борғоч, номалар ўнгдан бериласи бор бўларни фикрлаган киши кишини илзом қасди ила толошуб ўлтурмас. «Олоша» демак *тубан ер* демакдир. Туркийда «эниш ер» дерлар. «Тал» дедики: (ارض مرتفع من الرمل) (тупроқдан кўтарилган ер) *буюк тоғ* демакдир».[1]

Салоҳиддин Салимий байтдаги «алоша» сўзини «тубан ер», яъни луғатда *пастлик* деб берилган маъно билан изоҳлади. Шарҳ сўнгида бу сўзга «эниш ер» яъни *нишаблик* маъносини қўшимча қилди.

Кейинги ҳар иккала шарҳда «алоша» сўзининг луғавий асосга эга маъноси қўлланган учун эътибор бирламчи маънодан узоқлашмаган. Гарчи Салоҳиддин Салимий *вужудинг уқбаси*дан мақсад «машаққат» деб бирикма маъносини торайтирган бўлса-да, қабрдан туриш, маҳшар томон юриш, номанинг ўнг қўлдан келиши каби улуғ ва даҳшатли манзаралар тафаккури билан мавжудлик тушунчасини замон ва маконда кенгайтирган.

Саййид Ҳабибуллоҳ Яҳёхон шарҳида нисбатан бўлса-да, мазмун билан шакл уйғунликда текширилган ўринлар учрайди, лекин айни ҳолда ҳам мазмун тадқиқи етакчилик қилаётгани сезилади. Мисол учун, юқоридаги байт шарҳини олиб кўрайлик: «Нозим раҳимаҳуллоҳ «қуллуқ надур?» (ва «қул» дегани қандоқ кишидур?») деб савол этиб, ўзлари жавобида «Ани, яъни Оллоҳни муштоқи бўлмоқ. Ўз ҳасти ва вужудидан фоний бўлуб, Ҳақ таоло ёди ва зикри бирла боқий бўлмоқ дебдурлар. Банда Худони ёдласа, Оллоҳ ҳам ани ёдлар: «فاذكرونى اذكركم» ояти[2] далилдур. Ва ёдламоқ сабаби муҳаббат бўлур. Ва баъзан Оллоҳ тарафидин бир

---

[1] ٧٢١-٨٢١صلاح الدين سليمى. ارشاد العائذين شرح ثبات العاجزين.مطبعة كريمية قزان, 1911, ص.

[2] Бақара сураси, 152-оят.

жазбу тортиш вуқуъга келиб, ани асарида бандадин муҳаббату иштиёқ зуҳурга келур.

Оят[1]: «يحبهم ويحبونه»бу сўзга далилдур. Фано ва бақо хусусида тасаввуф китобларида шарҳу баст берилгандур. Нозим раҳимаҳуллоҳ «Муродул орифин»да хўб тавзиҳ бирла баён этгандурлар. Мурожаа этилсун».[2]

Саййид Ҳабибуллоҳ Яҳёхон Тожуддин Ёлчиқул ўғлидан фарқли равишда муаллиф саволининг кимга қаратилганини зикр этмайди ва жавоб муаллифнинг ўзи томонидан бўлганини эслатади. Сўнг мазмунни изоҳлашга ўтади, ҳар бир изоҳга оятдан далил келтиради. Шу билан кифояланмасдан, мазмуннинг янада кенгроқ шарҳини баён этадиган манбаларни санаб кўрсатади. Тўғри, мазмуннинг соғлом ўзанда чуқур таҳлил этилиши асарни баҳолаш учун замин тайёрлайди. Аммо шу мазмунга шаклнинг қанчалик мувофиқлиги ҳам қўшиб ўрганилса, ҳақиқатан ҳам, асар ўзининг муносиб баҳосини олган бўлади.

Шориҳ бутун эътиборини мазмунга қаратар экан, ўқувчини изидан эргаштира олса, бу унинг муваффақияти, демак, у тириклик учун муҳим битта иммунитетни уйғота олди. Лекин иш шу билан тугамайди. Дунёда «Саботул ожизин»дан бошқа манбалар ҳам бор, ўша манбалар тадқиқида ҳам бу муваффақиятли услубни қўллаш, тажрибани оммалаштириш, уларни ўрганаётган индивидда ҳам ўша иммунитетни уйғотиш мумкин.

Бунинг учун мазмун тадқиқи билан параллел равишда шаклга ҳам жиддий эътибор қаратилиши лозим. Шунда мазмунлараро умумийлик ва хусусийлик фарқланади. Ҳосил бўлган тизимдаги ўзгаришлар жараёнини кузатиш мумкин бўлади. Уларнинг ўзаро муносабатидаги такрорланувчи ҳолатлардан қонуниятлар туғилади. Қонуниятларни ўрганиш натижаси методик қолипларни тақдим

---

[1] Моида сураси, 54-оят

[2] ١٤سيد حبيب الله بن سيد يحى خان. هداية الطالبين شرح ثبات العاجزين صوفى الله يار. ص:

этиш билан ниҳояланади. Пировардида, бу тайёр методик қолипни бошқа манба мазмунини ўрганишга татбиқ қилиш имконияти юзага келади.

Демак, муайян манбани ўрганишда мазмун тадқиқи доирасида чегараланиш тадқиқотни фақат ўша манба учун хослаб қўяди, жараёнда қўлга киритилган тажрибанинг оммалашувига имкон бермайди.

Хулоса шуки, «Саботул ожизин»нинг ҳар учала шарҳи матн мазмунини баён қилиш жиҳатидан бир-бирини тўлдирувчи бирламчи манбалардир. Шарҳ илми анъаналарига эргашиш жиҳатидан қаралса, «Ҳидоятут толибин» шарҳи қолган икки асардан юқорироқ мартабада туради. Бу афзалликнинг сабаблари асосан қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади:

– шарҳ учун тақдим қилинган матн аввал нисбатан жиддий матншунослик текширувидан ўтказиб танланган;

– аксар шарҳда мазмуннинг бирламчи маъноси тўғри топилган ва эътибор изчил тарзда шу нуқтага қаратилган;

– қоидага кўра шарҳнинг илмий қимматини манбашунослик фаолияти белгилаган;

– далил келтиришда зарурий батафсилликка риоя қилинган;

– шарҳларнинг таркибий қисмлари муайян тизимда тузилган;

– билвосита матн шарҳидан чекинишлар қатъий чегара билан ажратилган (тавжиҳ, тазйил, танбеҳ, танбеҳот, нозим раҳимаҳуллоҳнинг сўзи каби).

Асарни бошидан охиригача тўлиқ шарҳлаш шарҳ илмининг мумтоз ва анъанавий усулларидан биридир. Олимлар томонидан эътироф этилган машҳур шарҳ китоблари шу тажрибанинг натижаси ўлароқ маънавиятимизнинг олтин хазинасини безаб турибди. Китобни инсоният маънавий қадриятини белгилайдиган ягона манба деб билган аждодларимиз бу бебаҳо бойлик билан боғлиқ машғулотларга бутун умрларини сарфлаганлар. Инсон ва табиат, инсон ва жамият, инсон билан инсон муносабатларида туғиладиган муаммолар ечими бутун ва мукаммал ҳолда

китобларда якун топган. Аждодларимиз шу бутунлик ва мукаммалликка заҳа етиб қолишидан хавфсираганлари учун ҳам бошлаган китобларини сўнгги нуқтасигача ёзиб тамомлаган. Уларни шарҳлашга киришган шориҳ ҳам бошлаган ишига шу бурч масъулиятида ёндашган.

Бугунги авлод аждодларидан фарқли равишда китобга ўзлигини белгилайдиган ягона манба сифатида қарамайди. Дунёнинг у чеккасидаги хабарлар бу чеккага сонияларда етиб келаётган, тузумлар, маданиятлар туташиб, муаммолар оммалашаётган (глобализация) даврда инсон табиати ҳар хилликдан бир хилликка кўчиб ўтяпти. Ахборот асрининг шиддати сифатга эмас, сонга қараб ошиб боряпти. Қадриятлар ўртасидаги рақобатнинг моҳиятини ҳам шу шиддат белгилаяпти. Оз фурсатда кўп маълумотни тўплай олиш малакасига эга шахс ақлларни бошқариш қудратини ҳосил қиляпти. Бутун Ер юзига тарқалган бу талотум ичидаги инсон китоб томон эмас, миллиарддан ортиқ имконият эшикларини очиб, ўзига чорлаб турган интернет тармоқлари томон шошяпти. Бугун ўн ёки йигирма жилдли китоблар билан тўлган китоб жавони қаршисида 100 минг ёки 200 минг электрон китобни ўз ичига олган аудиовизуал кутубхоналар турибди.

Ҳар қандай вазиятда талаб эҳтиёжга қараб шаклланишини исботлашга ҳожат йўқ. Шундай экан, бу шароитда катта ҳажмдаги матнларни муайян хусусиятига кўра ажратиш, ажратилган бўлакни бутуннинг қисми сифатида тақдим этиш яхши натижа бериши мумкин. Биз бу тажрибани «Саботул ожизин» матни асосида синаб кўрдик.

Саксон икки манзумадан таркиб топган умумий матн мавзусига кўра уч гуруҳга ажратилди:

1. Ҳикоятлар.
2. Насиҳатлар.
3. Муножотлар.

Биринчи китоб «Сўфи Оллоёр ҳикоятлари» деб номланиб, у 24 та ҳикоятни ўз ичига олган. Ҳар бир ҳикоят аслиятдаги сарлавҳаси билан берилиб, назм матнига ўқувчиларни тайёрлаш мақсадида манзумалардан олдин

ҳикоятнинг насрий баёни келтирилди. Насрий баён мухтасар кириш сўзи билан очилиб, изоҳ давомида ҳикоя воқелигидаги тарихий шахсларнинг таржимаи ҳолларига ва уларнинг сийрати билан боғлиқ таъсирли нуқталарга тўхталдик. Ҳар ҳикоят хотимасидаги муаллиф хулосалари матн доирасида кенгайтириб изоҳланди, уларга бугуннинг ўқувчиси сифатида муносабат билдирилди. «Саботул ожизин» матни асосида кирилл ва лотин алифбосида чоп этилган «Сўфи Оллоёр ҳикоятлари» шарҳининг афзаллиги китобнинг ҳам шаклан, ҳам мазмунан замон талаби даражасида тайёрланганлиги билан изоҳланади. Қолаверса, халқни китобга яқинлаштириш мақсадида қилинган бу ҳаракатлар битта асар доирасида силсила китоблар яралишига сабаб бўлди.

Бу тажрибада ўқувчини матн мутолаасига босқичма-босқич тайёрлаб бориш мақсади ҳам назарда тутилган. «Саботул ожизин» силсиласи остидаги «Сўфи Оллоёр ҳикоятлари», «Сўфи Оллоёр насиҳатлари», «Сўфи Оллоёр муножотлари» деб номланган ҳар учала китобнинг қоидага кўра насрий баёни тамомига етгач, матн мазмуни шакли билан уйғунликда тўла шарҳланади. Мундарижадан олдин шарҳга қиёсий матншунослик ва манбашунослик тадқиқи натижалари илова қилинади. Илова охирида оригинал матн учун изоҳли луғат тузилади.

Монографиянинг «Саботул ожизин» шарҳлари тадқиқи» деб номланган иккинчи бобида шарҳ илми анъаналари, «Саботул ожизин» шарҳлари ва шарҳларда талқин масаласи билан боғлиқ учта масала ўрганилди. Тадқиқот натижалари қуйидаги умумий хулосаларда акс этган:

– шарҳ илмининг вужудга келиши, шаклланиши, мустақил илм сифатида барқарорлашуви ҳодисаларини Исломдан кейинги давр билан боғлаб ўрганиш мақсадга мувофиқ

– шориҳнинг илк вазифаси манбанинг ёзилиш мақсади ва ундан муаллиф кўзлаган мақсадни аниқлаш билан белгиланади.

– назмни насрий баён қилиш мажбурияти мажоз ортидаги ҳақиқат унутилиб, мажозни ҳақиқат мақомида тушуниш оммалашган вазият тақозоси, бундай шароитда айни адабий қоидалар ва бадиий воситалар ҳақиқатга қайтиш учун хизмат қилади.

– «Саботул ожизин» байтлари – *мужазул мўъжиз* калом, Сўфи Оллоёр – *жавомиъул калим* соҳибидир.

III боб. «САБОТУЛ ОЖИЗИН» – ИЛМИЙ-АДАБИЙ МАНБА

3.1. Илмий-маърифий асарларнинг адабиётдаги ўрни

«Илмий-маърифий асар» ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун «илмий» ва «маърифий» сифатларининг монография контекстида қўлланаётган маъносига таъриф беришимиз лозим. «Илмий» дейилар экан, бунда муайян соҳа доирасида чегараланган, назарий асосга эга қонун-қоидалар тизими назарда тутиляпти. «Маърифий» сўзига бериладиган таъриф «маърифат» тушунчасининг асл маъносини англашга боғлиқ. «Маърифат» сўзи луғатда *танимоқ*, *билмоқ* маъноларини англатади. Аммо *илм* сўзи англатган билиш билан *маърифат* сўзи англатган билиш ўртасида фарқ бор. *Маърифат* деганда – нарсанинг белгиларини (сифатларни) англаш тушунилса, *илм* орқали билишда нарсанинг ўзини (зотни) идрок қилиш тушунилади. Бошқачароқ айтилса, илгари хабардор бўлмаган нарсани кейин билиш маърифатдир. Шунинг учун «маърифат» сўзига ўзакдош ориф сифатини Оллоҳга нисбатан қўллаб бўлмайди. Чунки бехабарликдан сўнг билим ҳосил бўлиши Яратувчига эмас, яратилганларга хос сифатдир. Қадим манбаларда, хусусан мумтоз адабиётимизда *маърифат* лафзи орқали Ҳақни таниш тушунчаси ифодаланган. Кейинчалик тилимизда «маърифат» сўзининг маъно доираси янада кенгайди. Асл тақозо қиладиган сифатлар аслнинг ўрнида истеъмол қилина бошлади. Масалан, «маърифатли киши» деган сўздан энди бевосита Ҳақни онгли равишда англаш сифати тушунилмайди. Балки, «замонамиз кишисининг маъ-

рифати – кўп маълумотлардан хабардорлик, расмий одоб этикетларини ўзлаштирганлик билан белгиланади» деган қараш бугун меъёрга айланган.

Демак, бу фаслда маълум соҳа доирасида чегараланган, назарий асосга эга қонун-қоидалар тизими орқали Ҳақни танитишга бағишланган назмий асарлар ҳақида тўхталамиз.

Фундаментал тадқиқот ўз характерига кўра муайян соҳа (йўналиш) доирасида чегараланади. Масалан, адабий манба тадқиқоти адабиёт тизимидаги қонуниятлар асосида илмий текширувга таянади. Ҳеч қачон бу фаннинг ўзак муаммолари математика, физика, кимё ёки шунга ўхшаш соҳаларда ўрганилмайди. Аммо тарихдан маълумки, филологияга бевосита алоқаси бўлмаган манбаларда ҳам баъзан адабий воситалардан, хусусан шеър жанридан кенг фойдаланилган. Алжабр, табобат, ақида, фиқҳ илмига оид айрим манба матнларининг назмий шаклда ҳам мавжудлиги фикримизга далилдир. Шу ўринда, бундай манбалар фундаментал ўрганилар экан, қайси соҳа базасида текширилиши керак, деган принципиал савол туғилади. Мисол учун, Сўфи Оллоёрнинг ақоид илми мавзуидаги «Саботул ожизин» манзумасини адабий манба дейиш керакми ёки ақида китоби?

Бу хил манбаларнинг қайси соҳага тегишлилигидаги доминантни, аввало, тадқиқотчининг назари, қолаверса, тадқиқот натижаси белгилайди. Дейлик, «Саботул ожизин» асари ақоид илмидаги мўътабар манбаларга қиёсан ўрганилса ва ўзаро мувофиқлик даражаси аниқланса, мазкур манбанинг нечоғли ақида китоби экани аён бўлади. Агар тадқиқотчи бу ўринда ақида масалаларига эмас, балки мавзу назмда ифодалангани учун ўз назарини шоирнинг адабий маҳоратига қаратса ва шу йўл билан асарнинг бадиий савиясини ёритиб берса, манбанинг адабиётга алоқадорлиги қай даражадалиги билинади. Бундан келиб чиқадики, «Саботул ожизин»га ўхшаган асарларни ҳам адабий, ҳам илмий манба сифатида ўрганиш мумкин ва бундай манбаларни қатъий ё у, ё бу соҳа доирасидагина

тадқиқот объекти сифатида чегаралаб қўйиш тўғри эмас. Бу фикрни Навоийнинг «Сирожул муслимин» ва Бобурнинг «Мубаййин» асарларига, Вафоийнинг «Равнақул ислом» достонига, Мир Ҳайдархон ибн Суннатуллоҳнинг «Ақидайи назмий» ва Абдураҳмон Низорийнинг «Даҳрун нажот» манзумаларига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Бундай асарларнинг адабий манба сифатида кўп ҳам эътибор қилинмаслигининг яна бир сабаби *адабиёт* сўзи англатган маъноларни турлича тушуниш билан боғлиқ.

«Адабиёт» атамаси соҳага оид луғат ва манбаларда «адаб» сўзидан олингани айтилади. Журжонийнинг «Ат-таърифот» китобида айтилишича, адаб – нутқни хоҳ оғзаки, хоҳ ёзма ифодалаш жараёнида турли хатолардан сақланишни ўргатадиган илм. Саолибийнинг «Фиққул луғат» асарида адабни руҳнинг озиғи дейилса, бошқа манбаларда бу сўз ҳар бир ишда меъёрни сақлаш, тарбияни зарофат ва нозиклик билан олиб бориш, гўзал муомалада бўлиш каби маънолар билан изоҳланади. Мазкур маъноларни умумлаштириб, тарбия адабиётнинг мазмунига, гўзаллик шаклига хос хусусият дейилса, истилоҳ сифатида «адабиёт» сўзи янада аниқлашиб, бир қадар уйғунлашади, шакл ва мазмун бир-бирини тақозо қилувчи ажралмас бутунлик, деган қоида амалда қарор топади. Шундай экан, адабиёт деганда фақатгина гўзаллик маъносини тушуниш ҳам, адабиётни, қатъиян, тарбиядан бошқа нарса эмас деб билиш ҳам этни суякдан ажратиш билан баробар.

Адабиётшунос олим Баҳодир Саримсоқов: «Ҳаётий мазмунни ким айтгани, қандай айтгани муҳим эмас, балки ана шу мазмуннинг қандайлиги, моҳияти муҳим. Бу – бадиий шаклни шунчаки аҳамиятсиз ёки иккинчи даражали нарса сифатида баҳолаш дегани эмас. Бу – адабий таҳлилда гапни мазмундан бошлаб, мазмуннинг қандай шаклда ифодалангани ёки тасвирланганига қаратиш лозим деганидир»[1] – дейди. «Адабиёт қоидалари» асарида

[1] Саримсоқов Б.И. Бадиийлик асослари ва мезонлари.Тошкент–2004, 6-бет.

адабиётга шундай таъриф берилган: «...адабиёт – фикр, туйғуларимиздағи тўлқунларни сўзлар, гаплар ёрдами билан тасвир қилиб, бошқаларда ҳам худди шу тўлқунларни яратмоқдир».[1]

Демак, бу таърифлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мазмунсиз асар, яъни бадиий мантиқ ҳаётий мантиқ мезонлари доирасидан чиққан, сабаб-оқибат муносабати бузилган матн қанчалик чиройли, гўзал санъатлар воситасида ифодаланган бўлмасин, таъсирчанлигини йўқотади. Ўқувчида таъсир уйғотолмаган матн эса шунчаки сўзлар йиғиндиси, адабиётга дахлсиз қуруқ гаплардир.

Асар мазмунан чуқур, аммо ифода юпунроқ бўлса-чи? Бундай матн намуналарининг адабиётга алоқадорлиги қанчалик? Абдурауф Фитрат юқорида зикр этилган асарида бу ҳодисага қуйидагича муносабат билдиради: «Бизда эски мадрасадан қолған янглиш фикр бор. Вазн, қофияси бўлған ҳар бир сўз тўдасига «шеър» деймиз. Чунки бурунғи форс-араб адабиётчилари шеърни «қофияси, вазни бўлған гапдир» деб таъриф қилар эдилар. Вазн ва қофияси бўлған ҳар бир сўзни шеър деганимизда Сўфи Оллоёрнинг:

Ёзилди форсий тил бирла мактуб,
Ақидоту фуруъи қурби маҳбуб.

Ониким кўрдилар туркий ёронлар,
Дедилар гар дуо қилса эранлар.

Битилса туркий тил бирла ақида,
Кўнгуллар бўлса ондин орамида –

деб ёзғон тизмаларига ҳам «шеър» дейиш керак бўладир, ҳолбуки, шу шеър эмас, бир назм парчасидир...»[2]

---

[1] Фитрат А. Танланган асарлар. IV жилд. Т.-«Маънавият», 2006, 13-бет.

[2] Фитрат А. Танланган асарлар. IV жилд. -Т.,«Маънавият», 2006, 14-бет

Адабиётшунос Узоқ Жўрақулов Фитратнинг бу қарашига шундай аниқлик киритади: «Умуман, Фитратнинг бундай фикрлари, яъни ахлоқий-дидактик асарларни, ҳикматларни шеър деб қарамаслиги бошқа тадқиқотларда ҳам учрайди. Бундай қарашларда асос бор. Шарқда аниқ фанлар билан машғул бўлган олимлар ҳам ўз назарияларини шеърга солиб баён қилганларини биламиз. Шу нуқтаи назардан Фитратнинг юқоридаги қарашлари ўринли деяпмиз. Бугунги кунда Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Сўфи Оллоёр, Азимхожа ҳикматларини, Навоий арбаинларини ва замонавий шоиримиз ижодида учраётган диний мавзудаги асарларни санъат асари деб қабул қилиш керакми ёки бошқачароқ йўлдан борган маъқулроқми?..»

Савол жуда ўринли, ҳақиқатан ҳам масала жиддий ўрганишни талаб қилади. Модомики, шеър ҳақида гап кетаётган экан, аввало, бу гўзал санъат турининг қадимий манбалардаги таърифини бир назардан ўтказсак.

IX аср охири – X асрнинг биринчи ярмида яшаган, Боғдоднинг фасоҳат ва балоғат илми билимдонларидан Қудома ибн Жаъфар (вафоти милодий 948й.) ўзининг «Нақдуш шеър» асарида келтиришича, шеърнинг энг балиғ ва мўъжаз таърифи шундай: «إنه قول موزون مقفى يدل على معنى»[1] яъни, шеър – вазнга солинган, қофияланган, маънога далолат қиладиган қавл».

Манбада изоҳланишича, таърифдаги *қавл* сўзи шеър тушунчасини англатувчи гапга ишора. Вазнга солинган дейилиши билан вазнга солинмаган сўзлар ҳам борлиги англашилади. Қофияланган, маънога далолат қиладиган дейилиши билан эса ўз-ўзидан қофиясиз, маъносиз гаплар орадан кўтарилади, яъни «шеър» ва «шеър эмас» деган тушунчалар ўртасига қатъий чегара қўйилади. Сўнгра изоҳ шундай давом этади: «Шеър санъатдир. Ҳар қандай санъатда ижод маҳсулининг моҳирлик ва комиллик билан адо

[1] المكتبة الشاملة (электрон кутубхона) дастурининг كتب الادب бўлими, نقد الشعر. китоби

этилиши мақсад қилинади. Аммо бунга ҳамма ҳам эришолмайди. Сабаби, доимо ижронинг икки тарафи – юксак чегараси ва паст чегараси (غاية الجودة و غاية الرداءة)[1] мавжуд».

Шунингдек, Ибн Муқаффаънинг «Адабул кабир ва адабус сағир», Абдулқодир Бағдодийнинг «Хизанатул адаб», Ибн Синон Хафожийнинг «Сиррул фасоҳат», Усома ибн Мунқизнинг «Албадиъ фи нақдиш шеър» каби асарларида ҳам шу ва шунга ўхшаш таърифлар берилган (Фитрат «Шеър ва шоирлиқ» мақоласида бу классик таърифга «принципиал ўзгартириш» киритиб, қофия ва вазннинг шеър ҳақиқатига ҳал қилувчи таъсири йўқлигини, «шеър юракда ҳосил бўлган туйғуларни санъаткорона сўзлар билан бошқаларнинг юрагига ўткаришдир», дейди ва шу таърифга биноан шеърни манзум ва мансур турларга ажратади).

Демак, мазкур таърифларга кўра, қофия, вазн, маъно мувофиқ тизимда жамланса, шеър туғилади. Савия бу ўринда шарт қилинмаган. Шундай экан, бадииятидан қатъи назар, ҳар қандай «назм парчаси» шеърдир. Гарчи қофиябозлик, оҳангбозлик, сохталик каби иллатлардан холи бўлмаса-да, зикр этилган талабларга жавоб берадиган ҳар қандай шеър тадқиқот учун объект бўла олади. Шунинг учун ҳам «бу шеърнинг бадиий савияси паст, уни ўрганиш тақиқланади» дейиш моҳиятга зид. Акс ҳолда, адабий танқиднинг предмет сифатидаги функцияси бузилган бўлар эди. Чунки, бадиий-эстетик дид, потенциал тайёргарлик ҳар кимда ҳар хил экан, шеърни қабул қилиш даражасида фарқ бўлиши табиий.

Демак, инсоний ижод маҳсулига нисбатан «мутлоқ яхши» ёки «мутлоқ ёмон» деган мезонда ёндашиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мутахассислар муайян адабий ҳодисани баҳолар экан, ўз фикрларининг зиддига ўрин

---

[1] المكتبة الشاملة (электрон кутубхона) дастурининг كتب الادب бўлими, نقد الشعر. китоби

қолдирадилар. Мисол учун Узоқ Жўрақуловнинг юқорида келтирилган фикрида айни ҳолни кузатиш мумкин. Олим бежизга ўз таклифини савол орқали изҳор қилмаган. Бу таклифда таъкиддан кўра, масалани очиқ қолдириш ва шу йўл билан уни жиддий ўрганишга чақириқ руҳи устувор. Имкониятдан фойдаланиб, мазкур масала хусусида баъзи маълумотларни қайд этамиз.

Фитратнинг ахлоқий-дидактик асарларни, ҳикматларни шеър деб ҳисобламаслигининг субъектив ва объектив сабаблари бор. Замонавий адабиётни мумтоз адабий анъаналарга қарши қўйиш тенденцияси ўтган асрнинг талатўп замонларида шаклланди. Фитрат замонасининг «илғор фарзанди» сифатида давр руҳини сезди ва ихтиёрини маълум даражада ҳукмрон мафкурага топширди. Янада тўғрироғи, бу таназзулнинг аввали сал илгарироқдан, дунёқараш бузилган, тўғри эътиқоднинг кенг ва равон йўллари қолиб, тор ва боши берк «миллийчилик» кўчаларига бош уриб кетилган онлардан бошланган эди.

Шунингдек, пайғамбарлар тарихи ва валий, улуғ зотларнинг ибратли ҳаётидан ҳикоя қилувчи номалар («Илоҳийнома», «Мақталнома», «Меърожнома», «Жуҳуднома», «Етимнома», «Ғарибнома», «Искандарнома» «Ахтамнома»), қиссалар («Қиссаи Юсуф», «Қиссаи Исмоил, «Қиссаи Марям», «Қиссаи Иброҳим Адҳам», «Қиссаи Ёсин», «Қиссаи Увайс Қараний», «Қиссаи Муҳаммад Ҳанафий»), ҳикоятлар («Мажмаъул ахбор», «Иброҳим Зуфунун ҳикояти», «Биби Фотима ҳикояти», «Ғавсул аъзам ҳикояти»), достонлар («Мавлудун набий», «Ҳидоятун набий» «Роҳати дил», «Юсуф ва Зулайҳо») композицион жиҳатдан содда, ифода рамзлардан холи ва бир қатламли, тили ғариб ва баён услубига қурилганлиги ҳам Фитратни бундай асарлар хусусида кескинроқ фикр айтишга ундаган.

Маълумки, даҳрий тузумнинг илк паллалариданоқ ақида сифатида шаклланган қараш, яъни адабиётни бир-бирига тескари икки қутбга – дунёвий ва диний адабиётга ажратиш ғояси ҳукмрон эди. Аслида, ўтмиш адабий меросимизда, у – юқорида санаганимиз тарихий достон ти-

пидаги нома, қисса, ҳикоятлар бўладими ёки Хоразмий, Атоий, Саккокий, Лутфий, Навоий, Фузулийларнинг ғазал, рубоий, маснавий, қитъа каби жанрларда битилган асарлари бўладими, ҳар иккаласида ҳам асос – ғоявий пойдевор битта – соғлом эътиқод тарғиби (фарқи – аввалгисида мақсад очиқ, шунинг учун ҳам оддий, оммавий; кейингисида мақсад рамзларга ўралган, шунинг учун сирли, жозибали ва хосроқ). Адабиётимиз тарихида номлари маълум ва номаълум ижодкорларнинг барчаси иқтидоридан қатъи назар, шу мақсад йўлида қалам тебратган ва улардан бадиий юксак савиядаги асарлар билан бирга, гоҳ ўртамиёна, баъзан эса ундан ҳам қуйи даражадаги адабий мерос қолган. Шу ўринда Қудома ибн Жаъфарнинг шеър таърифида айтган фикрининг давомини келтирсак: «Юксак ва паст чегара ўртасидаги ҳудуд ўртамиёналик (وحدود بينهما تسمى الوسائط)[1] дейилади. Ҳар бир ижодкор ўзининг ижодий маҳсули юксак чегарада бўлишини мақсад қилади. Агар шеър санъатида ўша даражага етиш қуввати ундa бўлса, бундай ижодкор ўз ишининг ҳақиқий устаси (حاذقاً تام الحذق)[2] мақомига кўтарилади. Агар санъатини намойиш қилиш иқтидори ўша чегарага етмаса, бундай ижодкор юксак даражага қанчалик яқин ёки узоқлигига кўра баҳоланади. Гарчи у назмда ҳозиқлигини намоён қила олмаган бўлса ҳам, унинг ижоди шеър саналади. Чунки у юксак даражага интилиб, шеър табиати талаб қиладиган санъатларни қўллаган. Бундан ҳам паст чегарадагилар санъати заиф шоирлардир».

Энди Яссавий ҳикматлари, Боқирғон китоби, Вафоийнинг мусулмон одоби ҳақида савол-жавоб тарзида ёзган ўттиз бобдан иборат «Равнақул ислом» достони, Навоийнинг Ислом арконларига оид «Сирожул муслимин» ва

---

[1] المكتبة الشاملة (электрон кутубхона) дастурининг كتب الادب бўлими, نقد الشعر. китоби, 1-саҳифа.

[2] Кўрсатилган манба.

Бобурнинг «Мубаййин» асарлари, Сўфи Оллоёрнинг ақида ва фиқҳ масалаларига доир манзумалари, Мир Ҳайдархон ибн Суннатуллоҳнинг «Ақидайи назмий» асари, Абдураҳмон Низорийнинг «Даҳрун нажот» каби асарлари одатга кўра, назмда эмас, балки илмий услуб (наср)да ёзилиши керак эди. Лекин бу муаллифлар нега айнан назмни танлашди? Гап фақат уларнинг олимликдан кўра шоирликка мойилликларидами ёки бошқа сабаблар ҳам борми?

Ҳазрати Алишер Навоий «Ҳайратул аброр» достонида сўз таърифини васф этаркан: *«Бўлмаса иъжоз мақомида назм, Бўлмас эди Тенгри каломида назм»*[1] – деб бежиз айтмаган. Тафаккур эгалари барча замонларда ўзини ва атрофини ўраб турган борлиқни англашга интилган. Илоҳий Калом бундай фаол, маънавий соғлом инсонлар учун доимо илҳом манбаи бўлган. Маънавий меросимиз тарихига назар солиб, назмий ифода йўли нафақат адабиёт, шунингдек фалакиёт, кимё, алжабр, фиқҳ, усули фиқҳ, фаройиз, ақоид каби илм эгаларидан айримларининг ҳам ўз соҳалари доирасида билганларини билдириш, тажрибаларни оммалаштириш шаклларидан бири сифатида хизмат қилганини кўрамиз. Негаки, уларнинг фикрлаш тарзи Қуръоннинг бетакрор фасоҳати ва балоғати завқида шаклланган. Аниқ фанлар бўйича қилинадиган изланишларда кечадиган жиддий ва машаққатли илм заҳматларига қарамай, бутун фаолият давомида бу завқ, бу соғинчнинг йўқолмагани, билъакс, таъсирланиш бор бўйи билан юзага чиқиб, қаламнинг назмга бурилиб кетиш сабаби балки шу хусусият билан изоҳланар.

Табиийки, шеър ҳақиқий санъат асарига айланиши учун табъи назмнинг ўзи кифоя эмас. Бу мураккаб жараёнда адабий таълимнинг аҳамияти катта. Тўғрироғи, асарнинг бадиий савиясини айни таълим белгилайди, дейилса, муболаға бўлмайди. Ҳатто Фузулий адаб илмини

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Т.: «Фан», 1991, 7-жилд, 61-бет.

икки олам саодатига эришишнинг сабаби сифатида таъриф этган:

Адаб сарриштасин тутқил, адабдин яхши роз ўлмаз,
Адабсиз икки оламда, билингким, сарафроз ўлмаз .

Шарқда адабиётни ихтисос сифатида ихтиёр этган ҳар бир ижодкордан адаб илмларидан хабардор бўлиш тақозо қилинган. Абдулқодир Бағдодийнинг «Хизанатул адаб» китобида келтирилишича, Андалусий адаб илмларини олтига ажратган: луғат илми, сарф илми, наҳв илми, маоний илми, баён илми, бадиъ илми. Қалқашандий «Сабҳул аъшо» асарида адаб илмларининг ўнтасини санаган: илмул луғат, илмут тасарруф, илмун наҳв, илмул маоний, илмул баён, илмул бадиъ, илмул аруз, илмул қавофий, илмул қавонинил хат, қавонинил қироат. «Мўъжамул васит» луғатида адаб илмларининг ўн икки тури қайд этилган: луғат, сарф, иштиқоқ, наҳв, маоний, баён, бадиъ, аруз, қофия, хат, иншо, муҳозара. Академик Алийбек Рустамов келтирган адабий илмлар таснифи ҳам юқоридаги таркибга яқин: луғат илми, сарф илми, иштиқоқ илми, наҳв илми, маоний илми, баён илми, аруз илми, қофия илми, иншо илми, шеър фарзи, муҳозара, расмул хат. Олимнинг таъкидлашича, буларнинг аввалги саккизтаси усул, яъни адабий илмларнинг асосийлари, кейинги тўрттаси фуруъ, яъни адабий илмларнинг амалий тармоқлари ҳисобланади. Адаб илмларини бугунги тушунчалар билан қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Луғат – тилнинг луғавий бирликлари(лексема) ҳақидаги илм.

Сарф – сўзнинг ўзгариши ҳақидаги илм (морфология).

Наҳв – сўзларнинг гапдаги таркиб қоидалари ҳақидаги илм (синтаксис).

Иштиқоқ – сўз ясалиши ҳақидаги илм (деривация).

Маоний – калом(гап)нинг ҳол талабига мослиги ҳақидаги илм.

Баён – ифода йўллари ҳақидаги илм.

Аруз – шеър вазнлари ҳақидаги илм.

Қофия – мисраларни ҳамоҳанг тугатиш ҳақидаги илм.

Иншо – мактуб, рисола ва ҳужжатлар ёзиш қоидалари.

Шеър фарзи (ёки шеър нақди) – шеърга баҳо бериш илми.

Муҳозара – тарихий воқеа ва ривоятларни, салафларнинг ҳикматли сўз ва асарларидан ўз ўрнида фойдалана билиш илми.

Расмул хат – ёзув санъати, ҳарф шакллари ва имло қоидалари ҳақидаги илм.[1]

Мазкур илмларни ҳам назарий, ҳам амалий эгаллаган олимлар «адиб» номини олган. Айни маънодаги адиблар ижодида хослик хусусияти етакчи бўлиб, улар ғоявий-эстетик идеалини инкишоф этарак, бутунни қисмларга ажратиш ва ҳар бир қисмни бутун сифатида талқин этиш йўлидан борганлар. Масалан, Навоийнинг *«Ориф кўнглин дарёға нисбат берурки, анда ҳар не тушса сингурур балки итирур»*[2] сарлавҳали шундай қитъаси бор:

Эрур орифқа ганжи файз етса,
Иши дам урмайин ани ёшурмоқ,

Қуёш акси тушуб дарё ичинда,
Не мумкиндур анинг суйин тошурмоқ.

Ориф – Ҳақни таниган банда. Унинг оддий бандадан фарқи, яхши билан ёмоннинг, кичик билан улуғнинг, тубан билан юксакнинг ўртасидаги фарқ каби. Навоий талқинида «орифлик» ғоявий-эстетик идеал даражасигача кўтарилган. Қитъанинг бутунлиги орифлик тушунчасида яхлитлашган. Энди бу бутунликдан қисм ажратиб олинади – *ганжи файз*. Орифликнинг биринчи сифати – қалби Ҳақнинг тошқин хазинасига макон бўлиши. Иккинчи сифати – ўзига берилган бу улуғ мартабани – агар нафас олаётган

[1] Қаранг:А.Рустамий. Адиблар одобидан адаблар. Т.: «Маънавият», 2003, 110 б.

[2] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами.Т.4. Т.: «Фан», 1989, 512-бет.

бўлса, қайта нафас чиқарадиган, нафас чиқараётган бўлса, қайта нафас оладиган муддат ўтмасдан – *бекитиши*. Одатда, инсон зоти бошқалардан зиғирча афзаллигини пайқаб қолса, кўз-кўз қилишга шошади. Агар у афзаллик осмон билан ер оралиғи миқдорида бўлса-чи? Буни қандай ошкор қилмаслик, яширин сақлаб юриш мумкин?! Ҳақдан ёғилаётган муҳаббат бир томчи бўлса, банда қай аҳволга тушади. Энди у битта бебаҳо дур бўлиб эмас, хазина бўлиб ёғилса, бир томчи эмас, булоқдек тошиб қуюлса-чи?! Буни яшириш учун қанча куч керак?..

Маънавий оламда лаҳза билан абадият оралиғида кечадиган бу мураккаб ҳолни Навоий кейинги байтда тасаввурни янада ойдинлаштириш, завқни яна ошириш учун дунё оламидаги оддий манзарага қўчиради: ердан бир неча минг бор улкан қуёшнинг нури дарёга тушгани билан дарёнинг суви тошадими?

Ҳар иккала байт ташбиҳ асосида боғланяпти. Лекин матнда бирорта ташбеҳ воситалари(мисли; каби; ўхшаш; -дек ва ҳоказо) қўлланмаяпти.[1] Шундай бўлса-да, зоҳиран бир-биридан мустақил кўринган байтларни нимадир бир бутун ҳолда ушлаб турибди. Бу албатта – орифлик, Ҳақни танийдиган банда бўлиш соғинчи ва шу соғинч орзуси!

Навоий қисмни шу тарзда бутундан ажратади ва шу тарзда қисмни бутун сифатида тақдим этади. Бундай ижод намуналарининг бадийяти юксак, ҳатто иъжоз мақомига кўтарилган. Илҳом эҳтиёжидан эмас, кўпроқ бурч мажбурияти остида битилган «Сирожул муслимин», «Мубаййин», «Қасидайи аъмолий» каби асарларда эса мақсадни яхлит, бир бутун тизимда бериш йўли тутилган ва гарчи бадиийлик бир қадар бой берилса-да, асарнинг оммавийлиги таъминланган. Масалан, «Сирожул муслимин»даги «Таҳорат суннатлари шарҳи» бўлимидаги ушбу байтларни[2] олиб кўрайлик:

---

[1] Сарлавҳадаги *«нисбат берурки»*дан ташқари

[2] Алишер Навоий. Сирожу-л-муслимийн. Т.: «Мерос–Нур», 1993, 17-бет.

Вузуъга ўн икки иш келди суннат,
Бирисин тасмийа бил, бирни ниййат,

Йумағ уч қатла қўл тирсакка тегру,
Йана бир мазмаза, уч қатла ҳам бу.

Яъни, «таҳоратнинг ўн иккита суннати бор, биттаси – «басмала»1, яна бири – ният қилиш, қўлни тирсаккача уч марта ювиш ва оғизни уч марта чайиш».

Мунисниng «Саводи таълим» асарида ҳам шундай байтлар бор:

Бир нуқтани «ро»ға муттасил қил,
Куттоб қошида «дол» ани бил.
«Ро» қомати икки нуқта, аммо
Боши бийик эрмас, ўйлаким, «зо».[2]

Икки хил – илҳом ёки бурч эҳтиёжи натижасида юзага келган бундай асарларни солиштирилса, аввалгиси кейингисидан адабийроқ. Айни қиёс орқали, турли даврда яшаб, турли ижтимоий муҳитда шаклланган адибларнинг ёхуд битта ижодкорнинг турли асарларига нисбатан адиблик салоҳиятида нозик даражаланиш мавжудлиги ва бу даражаланишнинг мезони шаклан ва мазмунан бутун бўлган ижод маҳсулига нисбатан олингандагина ҳаққоний ва адолатли бўлиши англашилади.

Кенгроқ қаралса, адабиёт тушунчаси ҳар икки ижод маҳсулига баробар, бамисоли, қўл тушунчаси панжанинг ҳар бармоғига баробар бўлганидек. Негаки, бармоқлар шаклда хилма-хил бўлгани билан ҳаммаси битта мақсадда бирлашади, ягона мақсадга хизмат қилади.

---

[1] Басмала–«бисмиллаҳир роҳманир раҳим» калимасининг қисқартма шакли.

[2] Мунис. Сайланма.Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1980, 337-бет.

Юқорида шакл ва мазмуннинг ажралмас бутунлик эканлигини таъкидлаган ҳолда, тарбия – адабиётнинг мазмунига, гўзаллик – шаклига хос хусусият, дейилган эди. Мана шу икки жиҳатни ўзида уйғунлаштира олган асар чинакам адабий манбага айланади. Инсон табиатан гўзалликни суювчи, айни пайтда тарбияга муҳтож хилқат. Шунинг учун ҳам адабиёт кишилик жамиятининг ҳамма даврларида замонавий, ҳамма даврларда бирламчи эътибордаги ҳодисадир.

3.2. «Саботул ожизин» асарида ақоид масалалари

Инсон қайси даврда ҳаёт кечирмасин, хаёлидаги орзу-истаги, ҳатто қилаётган ишини ўзи яшаётган тарихий шароит тақозоси ўлароқ тақдим этади. Агар бу машғулоти жисм билан бирга ўлмай, ундан сўнг ҳам давом этадиган ҳодисага – маънавиятга дахлдор бўлса, айни жиҳат янада кучаяди, қилаётган иши замоннинг энг долзарб масаласига айланади, балки унинг наздида, замон ўша масала теварагида айланади. Шу маънода, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, барча мумтоз адабиёти вакиллари каби Сўфи Оллоёр шахси ва ижодий меросини ўрганиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

2012 йил «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси» томонидан қайта нашр этилган «Маслакул муттақин» китобининг сўзбошисида шундай сўзлар бор: «Сўфи Оллоёрнинг китоблари ичида энг салмоқлиси «Маслакул муттақин» эканлиги уламоларимиз томонидан тан олинган. Чунки, унда юздан ортиқ фатво китобларидан фойдаланилган...»[1] Демак, форсийда битилган бу манзума асос эътибори билан фиқҳ китобидир. «Маслакул муттақин»нинг фиқҳ илмида мўътабарлик даражаси шу соҳада тан олинган олимлар, хусусан ханафия мазҳаби уламо-

[1] Сўфи Оллоҳёр. Маслак ул муттақин. Т.: «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2012, 3-бет.

лари томонидан тасниф этилган асл манбаларга мувофиқлиги билан ўлчанади.

«Саботул ожизин» асарининг ёзилиш сабабини муаллиф қуйидагича изоҳлайди:

Ёзилди форсий тил бирла мактуб,
Ақидоту фуруъи қурби маҳбуб.

Аниким кўрдилар туркий ёронлар,
Дедилар: «Гар дуо қилса эранлар.

Битилса турки(й) тил бирла ақида,
Кўнгуллар бўлса андин орамийда»...

Ақида сўзларини қилдим исбот,
Анга қўйдим «Саботул ожизин» от.

Ўзимдек хасталар бўлғайму деб шод,
Насойиҳдин ҳам андак айладим ёд.[1]

Демак, муаллиф форсий тилда ақида ва фиқҳ масалаларини жамлаган бир китоб ёзган. Кейин дўстлари уни кўриб, туркий тилда ҳам бир ақида китоби битилса, деб илтимос қилишган. Натижада «Саботул ожизин» – «Ожизлар саботи» номли асар дунёга келган. Аммо у фақат ақида масалаларидангина иборат бўлмасдан, панд-насиҳатларни ҳам ўз ичига олган. Бундан келиб чиқадики, туркийда битилган «Саботул ожизин» асари мақсадига кўра ақоид китобидир. Буни муаллифнинг ўзи таъкидлаяпти. Шундай экан, «Маслакул муттақин» ва «Саботул ожизин» каби асарларни фақат ижтимоий-ахлоқий нуқтаи назардан текшириш, мазмунни бирламчи манбалар (фиқҳ, ақида илмининг мўътабар китоблари) асосида ўрганишни чеккага суриб, узундан-узоқ «шарҳпарастлик»ка берилиш, на ўзи, на ўзга тушунадиган тасаввуфий истилоҳлар билан

[1] Илмий-танқидий матн. 3-1,2,3; 3-10,11.

бу «чиройли сўз ўйинлари»нинг баҳосини ошириш, содда қилиб айтганда, тадқиқотга алоқаси йўқ ҳаракатлардир. Агар: *«Хўп, тадқиқ жараёни асар воқелигидан, ижодкорнинг бош концепциясидан узилиб қолмаслиги керак, деган иддаони тушундик, лекин асарнинг поэтик хусусиятлари, сўз қўллаш санъатининг сиз таъкидлаётган бирламчи манбаларга нима алоқаси бор?* – деган савол туғилса, жавоб шуки, бирламчи манба дейилаётган китобларнинг асоси – Қуръон. Поэтик жиҳатдан энг юксак даражада деб тан олинган ҳар қандай асар ҳам улуғ Китоб бадиияти олдида ожиз. Бу барчага аён ҳақиқат. Қолаверса, ижодкор ўз асарида қўллаган санъатлар бор-йўғи бир восита. Тасвирий воситаларни статистик санаш билан эса асарнинг бадиияти ўрганилган бўлмайди. «Сув» деган сўз қанчалик такрорланмасин, ташналик босилмайди, чанқоқни қондириш учун булоқнинг бошига борилади.

«Саботул ожизин»га ёзилган шарҳлар ичида марказий ўринни эгаллаган, айтиш мумкинки, оллоёршуносликда янги даврни бошлаб берган «Ҳидоятут толибин»да ҳам «Саботул ожизин»нинг илмий манба сифатидаги хусусиятлари, хусусан, ақида илми асослари билан боғлиқ томонларига камроқ эътибор берилган. Шу сабабдан, китобнинг мазкур фаслида «Саботул ожизин»нинг илмий манба эканини тасдиқловчи далилларни мавзу билан боғлаб ўрганишни жойиз билдик.

Юқорида келтирилган байтлардан «Саботул ожизин»нинг ақида китоби экани маълум бўлди. «Ақида» сўзининг луғавий маъноси – бир нарсани бошқасига маҳкам боғламоқ. Атама сифатида *ақида* деганда мусулмон инсонни Қуръон ва ҳадисда хабари келган воқеа-ҳодисалар, тушунчалар билан мустаҳкам боғлаб турадиган эътиқод мажмуи тушунилади. Бинобарин, эътиқод (иймон-ишонч) лафзи ҳам «ақида» сўзи билан ўзакдош. *Ақоид* «ақида» сўзининг кўплик шаклидир. Ақоид илмининг мақсади – Яратувчининг борлиги ва бирлиги, пайғамбарлар ва уларга юборилган китобларнинг, тақдирнинг, жаннат, дўзах ва умуман, охиратга алоқадор барча нарсанинг ҳақлигига қатъий

ва асосли далиллар билан ишонч уйғотиш, бу хусусдаги шубҳаларни рад қилишдир. Дастлаб исломий илмларнинг барчаси «ислом» номи остида бўлиб, вақт ўтиши билан ҳар бир йўналиш ўзига хос ном билан ажраб чиқа бошлаган. Ақоид илми ҳам ўзининг охирги номида барқарор бўлгунча бир неча исмлар билан аталган: «Ал-фиққул акбар», «Илмул калом», «Илмул усулид дин», «Илмут тавҳид», «Илмул ақоид».[1]

Махсус илмий тушунчаларни қамровчи исм сифатида шаклланган ақоид атамасига биринчи бўлиб «Ал-фиққул акбар» деб ном берган зот Имом Аъзам Абу Ҳанифадир. Бу илмга *Ал-фиққул акбар* – катта фиққ (ақидавий ҳукмларни энг нозик жойларигача чуқур ва тўлиқ ўргатадиган илм) дейилиши бежиз эмас. Сўфи Оллоёр: *«Диёнат бехидур илми ақоид, Томирсиз шоха сув бермак на фоид?!»*– дейди. Демак, ақоид илми – диёнатнинг илдизи, илдизсиз дарахт кўкармайди, қуриган шох-шаббалари ўтиндан бошқага ярамайди, унга қанча сув қуйилмасин, бефойда! Инсоният тамаддуни тарихига назар ташланса, Одам фарзандининг фонийлик ва абадийлик аро ўз-ўзига берган: «мен кимман..», «қаердан келдим...», «қаерга кетаман...» каби мангу саволларга ечим топиш йўлидаги тинимсиз изланишлари, турли даврлардаги турлича адашиш, хатоларга қарамай, ҳар ким ҳар хил йўлдан ягона натижага келиши барча ривожланишларнинг асоси эканини кузатиш мумкин. Катта фиққ деб аталган ақоид илми ўша натижанинг назарий асосидир. Шу илм туфайли инсон ўзлигини танийди, яхши билан ёмонни фарқлай бошлайди. Демак, соғлом тафаккурга йўл очадиган ақида илми маънавий балоғатнинг бошланғич нуқтасидир. «Саботул ожизин» айни илм мавзуларида баҳс юритар экан, бу ҳали унинг илмий манба эканига етарли далил эмас, албатта. Қачонки, унда келти-

[1] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Сунний ақидалар. –Т.: «Мовароуннаҳр», 2005; Н.Жабборов. «Саботул ожизин» асарида ақида масалалари талқини. //Халқаро илмий анжуман материаллари. 48-54-бет/ «Ал-Ҳудо»-«Мовароуннаҳр», Теҳрон –Тошкент, 2005.

рилган ақоид масалалари шу соҳада тан олинган олимлар томонидан тасниф этилган асл манбаларга асос ва ҳукмда мувофиқ келсагина, «Саботул ожизин»ни ишончли илмий манба дейиш мумкин бўлади.

Шу мақсадда «Саботул ожизин»да келган ақида масалалари «Ал-фиққул акбар»[1], «Ақидатут тоҳавиййа»[2], «Ақоидун насафий»[3] каби мўътабар манбаларга[4] қиёсан тадқиқ этилди. Ўзаро қиёс аниқ ва қамровли бўлиши учун, даставвал, ақоид масалаларининг мувофиқлик нисбатини акс эттирувчи қуйидаги жадвалга назар соламиз:

№	Саботул ожизин	Ал-фиққул акбар	Ақоидут тоҳавий	Ақоидун насафий
1	2	3	4	5
1	Тавҳид	Тавҳид	Тавҳид	Тавҳид
2	Қадим	Қадим	Қадим	Қадим
3	Ҳаёт	Ҳаёт	Ирода	Ҳаёт
4	Илм	Қудрат	Ҳаёт	Қудрат
5	Қудрат	Илм	Самъ	Илм
6	Қазо-қадар	Калом	Басар	Самъ

1 «Ал-фиққул акбар» муаллифи Абу Ҳанифа – Нўъмон ибн Собит (Имоми Аъзам). Ҳижрий 80 (мил.699) йилда Ироқнинг Кўфа шаҳрида туғилиб, ҳижрий 150 (мил.767) йилда Бағдодда вафот этган.

2 «Ақидатут тоҳавиййа» муаллифи Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад Тоҳавий. Ҳижрий 238 (мил.858) йилда Мисрнинг Тоҳа қишлоғида туғилиб, ҳижрий 321 (мил.933) йилда Қоҳирада вафот этган.

3 «Ақоидун насафий» муаллифи Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Насафий туғилган йили маълум эмас. Вафоти ҳижрий 537(мил.1142) йил.

4 Ақоид матнлари.//Нашрга тайёрловчи ва таржимон Шайх Абдулазиз Мансур/ -Т.: «Тошкент Ислом университети», 2006.

1	2	3	4	5
7	Йад	Самъ	Илм	Басар
8	Басар	Басар	Калом	Ирода
9	Дийдор	Ирода	Дийдор	Калом
10	Самъ	Қуръон	Меърож	Таквин
11	Ирода	Йад	Кавсар	Дийдор
12	Калом	Ихтиёри жуз`	Шафоат	Тақдир
13	Таквин	Иймон	Мийсоқ	Ихтиёри жуз`
14	Ихтиёри жуз`	Пайғамбарлар	Тақдир	Таклиф
15	Иймон	Саҳобалар	Лавҳ ва қалам	Холиқ
16	Амаллар	Кабира гуноҳ	Арш, Курсий	Ажал
17	Фаришталар	Масҳ	Фаришталар, пайғамбарлар, китоблар	Қабр азоби
18	Китоблар	Таровиҳ	Қуръон	Тарози
19	Пайғамбарлар	Имомат	Гуноҳлар	Номаи аъмол
20	Расул ва набий	Мўминнинг гуноҳи	Хавф-ражо	Савол-жавоб
21	Меърож	Савоб амал	Иймон	Кавсар
22	Арш, Курсий	Риё, ужб	Гуноҳлар	Сирот
23	Саҳобалар	Мўъжиза	Имомат	Жаннат ва дўзах
24	Ашарайи мубашшара	Каромат	Итоат вожиблиги	Гуноҳлар
25	Имомат	Истидрож	Масҳ	Иймон
26	Халифалик	Холиқ, розиқ	Қабр азоби	Тақдир
27	Масҳ	Дийдор	Қиёмат	Пайғамбарлар

1	2	3	4	5
28	Каромат	Иймон	Сирот	Китоблар
29	Истидрож	Ислом	Тарози	Меърож
30	Қабр азоби	Мўминлар маърифатда тенг, амалда фарқли	Ҳисоб-китоб	Кароматлар
31	Ажал	Шафоат	Тақдир	Халифалик
32	Номаи аъмол	Тарозу	Қазо-қадар	Имомат
33	Савол-жавоб	Кавсар	Саҳобалар	Саҳобалар
34	Қиёмат	Ҳисоб-китоб	Халифалик	Ашарайи мубашшара
35	Тарози	Жаннат ва дўзах	Ашарайи мубашшара	Масҳ
36	Сирот	Адл	Аҳли байт зикри	Такфир
37	Кавсар	Қабр азоби	Улуғларни яхшилик билан ёд этиш	Ражо
38	Шафоат	Йад	Каромат	Коҳинлик
39	Жаннат ва дўзах	Такфир	Қиёмат аломатлари	Марҳумлар ҳаққига дуо
40	Лавҳ, қалам	Меърож	Фолбинлар	Қиёмат аломатлари
41	Хавф-ражо	Қиёмат аломатлари	Жамоат	Башарнинг фаришталардан афзаллиги

Жадвалда ақоид илмида баҳс юритиладиган мавзуларга калит вазифасини ўтовчи сўзлар ва бирикмалар акс этган. Эътибор берилса, мавзуларнинг кетма-кетлиги ҳар манбада ўзига хос тартибда тузилгани аён бўляпти. Бу ҳар хиллик субъектив характерга эга. Ҳар муаллиф ўзи муҳим билган масалани ихтиёрий равишда олдинма-кетин жойлаштирган. Бу ҳол ақоид китобларининг хос хусу-

сияти. Қайси масаланинг қай ўринда келиши шакл критерийларидан бўлиб, муҳими бу эмас. Асосийси – ҳукмлар таркибини сақлаш ва талқинда асл[1]дан чалғимаслик, уни нотўғри ўзанга буриб юбормаслик. Ақида масалалари хусусида тўлароқ тасаввур ҳосил қилиш учун қуйида бир неча мавзуни қамраган *тавҳид* тушунчасининг ақоид матнларидаги изоҳини келтирамиз:

«Ал-фиққул акбар»да: «Оллоҳ таоло бирдир, лекин саноқ жиҳатидан эмас, балки унга ҳеч қандай шерик йўқлиги жиҳатидан. У ўзи яратган нарсалардан бирортасига ўхшамас. Унга ҳам бирор нарса ўхшаш эмас. Ўзининг зотий ва феълий сифатлари билан азалдан бор бўлган ва абадий бор бўлур. Зотий сифатлари – ҳаёт, қудрат, илм, калом, эшитиш, кўриш, ирода. Феълий сифатлари – яратиш, ризқлантириш ва бошқа шу мазмунга далолат қилувчи сифатлар. У ўзининг барча исм ва сифатлари билан биргаликда доим бўлган ва абадий бўлажак. Унга бирор исм ёки сифат кейин қўшилиб қолган эмас...»

«Ал-ақидатут тоҳавий»да: «Оллоҳ бирдир, Унинг шериги, тенги, тимсоли йўқ. Ундан ўзга илоҳ йўқ. У ибтидосиз қадим, интиҳосиз доимийдир. У фоний эмас ва асло йўқ бўлмас. Барча иш фақат Унинг ирода-хоҳиши билан бўлур... Тирикдир – ўлмас, қойимдир – ухламас... Барча сифатлари ҳеч нимани яратмай туриб ҳам мавжуд бўлган. Яратгандан кейин Унга бирор сифат қўшилиб қолган эмас... Унинг ўхшаши, тенги йўқ. У эшитувчи, кўрувчидир...»

«Ал-ақоидун насафий»да: «Оламнинг яратувчиси Оллоҳдир. У яккаю ягона, қадим, тирик, қудратли, илм соҳиби, эшитувчи, кўрувчи, хоҳловчи, ирода этувчидир. Нарсалардаги фоний сифатлар Унда йўқ. У жисм ҳам, жавҳар ҳам эмас. У тасвирланувчи, чегараланувчи, саналувчи ҳам эмас. У қисмларга бўлинувчи ва бўлаклардан ташкил топган ҳам эмас. У қандай, қанақа, нима деб сўралмайди. У бирор маконда қарор топмайди. Замон Унга жорий бўл-

[1] Оят ва ҳадислар маъносига мувофиқлик.

майди. Бирор нарса Унга ўхшамас. Унинг билим ва қудрат доирасидан ҳеч нарса ташқарига чиқмас…»

Ақоид матнлари шу тарзда – ҳукм шаклида баён қилинади. Жумла таркибидаги айрим сўзлар ўзининг луғавий маъносидан ташқари истилоҳий маънода, баъзан бутун бир тушунчани англатиб келади. Шунинг учун бу матнлар доимо кенгроқ шарҳни ёки мухтасар содда изоҳларни тақозо қилган. Шарҳлардан маълум тайёргарликка эга хос аҳли истифода этган бўлса, мухтасар содда изоҳлардан бошланғич таълимга эга омма фойдаланган. «Саботул ожизин» ҳам кенг халқ оммаси учун мўлжалланган ақида китобидир. Назмда, равон тилда битилган бу китоб мадраса талабаларига ёдлатиб ўқитилган. Аслида, ақида ҳукмларини шеърга солиб, изоҳлашдан қутилган мақсад ҳам шу – мураккаб тушунчаларни соддалаштириб, тез ёдда қоладиган, таъсирчан шаклда ўқувчиларга етказиш.[1] Албатта, бу мақсадни амалга ошириш назмда баён қилинаётган ақида масалаларини асл манбаларга ҳукм ва талқинда мувофиқ сақлаш шарти билангина ўзини оқлайди. Хўш, «Саботул ожизин» манзумасида бу вазифа қай даражада уддаланган?

Қуйидаги жадвалда «Саботул ожизин»даги ақида масалаларидан айримлари парча ҳолида келтирилди. Шунингдек, жадвалда ушбу парчаларга мос ақоид матнларидаги ҳукмларнинг умумлашмалари берилганки, бу қиёс манбаларнинг ўзаро мувофиқлик даражасини аниқлашга ёрдам беради:

---

[1] Қуйидаги асарларда бу фикримизни тасдиқловчи далиллар бор: «Бад`ул амолий«.Алий ибн Усмон Сирожиддин ал-Ўший. Т.: 2006, 21-24-бетлар. «Даҳрун нажот». Абдураҳмон Низорий. ЎзРФАШИ, Ҳ.Сулаймон фонди, қўл.: инв. 567. «Ан-назмул ҳовий ли ақидатил имом Тоҳавий». Маҳмуд ибн Саййид Назир Тарозий (китобда чиқиш маълумотлари берилмаган, ноширн Нўъмон Муҳаммад Тошкандий), 3-7-бетлар. «Қасидаи Амолий шарҳи ва тавҳид манзумаси». Шайх Назруллахон Ғарибий. Т.:2008, 9-79-бетлар.

Мавзу	**Калит сўз**	**Саботул ожизин**	**Ал-фиққул акбар Ақидатут тоҳавий Ақоидун насафий**
1	2	3	4
Яратувчининг бирлиги	Тавҳид	*Худовандики бирдур бешаку райб,* *Раво эрмас анга ўртоқ ила айб...*	Оллоҳ бирдур; шериги йўқ; нарсалардаги фоний сифатлар унда йўқ.
Яратувчининг азалий ва абадий борлиги	Қадим	*Эрур Ул барча оламнинг Худоси,* *Анинг йўқ ибтидоси, интиҳоси...*	Азалдан бор, абадий бор; ибтидосиз қадим, интиҳосиз доимий; чексиз ва ниҳоясиз...
Яратувчининг ҳамиша тириклиги	Ҳаёт	*Ҳаёт улким тирикдур, ўзга бўлмас,* *Ўлар ҳар зи нафс, ҳаргиз Ул ўлмас...*	Зотий сифатлари – ҳаёт; тирикдир – ўлмас; У – тирик...
Яратувчининг кўрувчи ва эшитувчи Зот экани	Басар, самъ	*Эшитмак, кўрмаги бешубҳаву райб,* *Эрур бирдек ҳамиша зоҳиру ғайб...* *Қулоқ, кўз бандаға ҳожат эрур, бас* *Худо ҳеч қайсининг муҳтожи эрмас...*	Кўради, лекин биз кўргандек эмас. Эшитади, лекин биз эшитгандек эмас; У эшитувчи, кўрувчидир...
Охиратда Оллоҳ таолони кўриш мумкинлиги	Дийдор	*Тирилсанг охиратда, эй харидор* *Худойим кўрсатур дўстларга дийдор.* *Вале кўрмакни бечуну чунон бил,* *Жиҳатсиз бил, мислсиз, бемакон бил.* *Ўшалким билдирур бешаклигини,* *Билур Ул яхши кўрсатмаклигини.*	Оллоҳ охиратда кўринади; кўриш ҳолати хаёл ёки фикр билан белгиланмайди; кўз нурининг етиб бориши ёки Оллоҳ билан кўрувчи ўртасида қандайдир масофа бўлиши ҳам мумкин эмас.

1	2	3	4
Оллоҳ таолога иймон келтириш	Иймон	*Худодин ҳар на келса, рост билдинг,* *Тилинг бирла яна иқрор қилдинг...* *Амал қилмоқдин аҳли истифода* *Дедилар: «Нури иймондур зиёда».* *Вагарна бўлмас иймон зойиду кам,* *Ақида булдур, эй фарзанди Одам...*	Иймон иқрор ва тасдиқдан иборат; иймон бир бутун яхлит маънавий нарса; иймон кўпаймайди ҳам, озаймайди ҳам(балки унинг нури зиёда ва кам бўлиб туради).
Имомга эргашиш	Имомат	*Мусулмон, оқилу болиг, эр инсон –* *Имомат шарт бўлди, эй мусулмон.* *Раводур иқтидо фожирга қилсанг,* *Ҳадиси Мустафодур, яхши билсанг.*	Ҳар қандай солиҳ ва фожир имом орқасида иқтидо қилиб намоз ўқиш жойиз.
Валийлар каромати	Каромат	*Эрур барҳақ каромат авлиёдин,* *Иноятдур валийларга Худодин...*	Авлиёга ато этилган каромат ҳақ...
Амалларнинг ўлчаниши	Тарозу	*Тарозу ҳақ эрур рўзи Қиёмат,* *Анинг сидқига нозил бўлди оят...* *Тарозу боригa иқроримиз бор,* *Нечук эрканига не коримиз бор...*	Қиёмат куни амалларнинг ўлчаниши, тарози ҳақ ва ростдир.
Жаннат ва дўзахнинг ҳозир ҳам мавжудлиги	Жаннат ва дўзах	*Эрур жаннату дўзах ҳоло мавжуд,* *Яратибдур ани халқига маъбуд...* *Ики манзил сифотин сони бўлмас,* *Алар аҳли билан ҳеч фоний бўлмас...*	Жаннат ва дўзах ҳозир ҳам мавжуд ва уларнинг ўзи ҳам, унга тушганлар ҳам фоний бўлмас.
Оллоҳ таолонинг раҳматидан умидвор бўлиш ва азобидан қўрқиш	Хавф-ражо	*Кел э тан, бўл ҳамиша илтижода,* *Давому-л-умр бўл, хавфу ражода.* *Кўтарма ҳеч ражову хавфдин раъс,* *Яқин бил, куфрдир ҳам амну, ҳам йаъс...*	Ҳақиқат умид ва қўрқув ўртасида; Оллоҳ таолонинг раҳматидан ноумид бўлиш ва азобидан хотиржам бўлиш куфрдир.

Байтлар билан ақоид матнлари ўртасидаги мувофиқлик на қадар экани жадвалдан кўриниб турибди. Баъзи мисралардан сўнг қўйилган уч нуқталар мавзу шу билан тугамаганини, ақоид матнларидаги ҳукмлар байтлар орқали кенгроқ изоҳланганини англатади. Масалан, амалларнинг ўлчаниши масаласи хусусида, биз юқорида тилга олган ақоид манбаларининг учаласида ҳам бор-йўғи битта: «Қиёмат куни амалларнинг ўлчаниши, тарози ҳақ ва ростдир» деган мазмундаги жумла ифодаланган. «Саботул ожизин»да бу масала бир неча байт билан изоҳланиб, унга алоҳида «Тарозуйи Қиёматни баёни» деган бўлим ажратилган:

Тарозу ҳақ эрур рўзи Қиёмат,
Аниng сидқиға нозил бўлди оят.

Билур Тангри агарчи ҳолимизни,
Тарозуға солур аъмолимизни.

Қилур огоҳ қулин қилмишлариға,
Етушмас ақл Эгамнинг ишлариға.

Тарозу бориға иқроримиз бор,
Нечук эрканига не коримиз бор.

Илоҳо, қил оғир мезонимизни,
Саломат тут, бизинг иймонимизни.[1]

«Иймоннинг баёни», «Фаришталарнинг баёни», «Пайғамбарларга иймон келтириш баёни», «Расулуллоҳнинг меърожлари баёни», «Ажал баёни», «Азоби қабрнинг баёни» «Қиёматнинг ҳақлиғи баёни», «Сирот кўприги баёни», «Кавсар ҳовузининг баёни», «Пайғамбарлар шафоатларининг баёни» бўлимлари ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Баъзи ўринларда ақоид матнларидаги бир нечта

[1] Илмий-танқидий матн. 19-1,2,3,4,5.

мавзу битта бўлимга жойлаштирилган. Мисол учун, ҳар қайси алоҳида мавзуга арзигулик *ҳаёт, илм, қудрат, басар, самъ, ирода, калом, таквин* тушунчалари «Оллоҳ таолонинг сифатлари баёни» бўлимида изоҳланган. Бунинг ҳам ўзига хос сабаби бор. Турли маънони ифодалаётган бу тушунчалар ягона Зотнинг сифати бўлгани учун улардан ҳар бирининг изоҳига алоҳида бўлим ажратиш эҳтиёжи йўқ. Жадвалнинг тўртинчи устунида мавзу бўйича келтирилаётган ҳукмлар олинган манбасига кўра нуқта-вергул билан ажратилган ва шу йўл билан маълум мавзудаги масалалар манбалараро умумлаштирилган. Жадвалнинг *иймон* калит сўзи берилган қаторнинг охирги устунида қавс ичида иймоннинг нури зиёда ва кам бўлиб туриши ҳақидаги изоҳ ақида матнларининг ўзида йўқ, балки уларнинг шарҳларида учрайди.

Ўзаро қиёс натижаларини ўрганар эканмиз, ҳақли савол туғилади: «Саботул ожизин»даги ақида матни бу учала манбадан қай бирига асос эътибори билан яқинроқ?» Бу ўринда *асос эътибори* деган бирикмани муайян бир ақида матни «Саботул ожизин»даги масалаларнинг қўйилишию тузилишига асос бўлган деб тушунмаслик лозим. Аслида, «Ал-фиққул акбар» ҳам, «Ақидатут тоҳавий» ҳам, «Ақоидун насафий» ҳам «Саботул ожизин»га муайян жиҳатлари билан асос бўлган. Лекин биз қизиқаётган масала: Сўфи Оллоёр бу манбаларнинг қайси биридан кўпроқ таъсирланган ва бу таъсир «Саботул ожизин»да қанчалик акс этган?

«Ақоидун насафий»да Яратувчининг сифатлари изоҳланган жумлада қуйидагича ифода бор: [1]][و هي لا هو ولا غيره яъни, *Оллоҳнинг Зотидаги сифатлар Зотнинг ўзи эмас ва Зотидан ўзга ҳам эмас.* Бу жумла «Саботул ожизин»нинг «Оллоҳ таолонинг сифатлари баёни» бўлимида шу даражада муваффақият билан ифодаланганки, гўё уни мазкур арабий матннинг сўзма-сўз таржимаси дейиш мумкин:

---

[1] متون الرسائل العقائدية.العقائد النسفية.ص.17 Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006. 17-бет.

Субутийдур анинг саккиз сифоти,
Сифат зоти эмас, на гайри зоти.[1]

Сўфи Оллоёрнинг «Ақоидун насафий»дан кўпроқ таъсирланганига, балки ундан истифода этганига қуйидаги мисоллар ҳам далил бўлади:

«Таквин (пайдо этиш) Оллоҳнинг азалий сифатидир. У бу сифати билан бутун оламни ва оламнинг барча қисмларини ўзига муносиб вақтларда яратган. Таквин сифати Оллоҳга нисбат берилганида «пайдо этилган» (المكوّن) деб эмас, ақидамизга кўра, «пайдо этувчи» деб тушунилиши керак».

Таквин сифати «Ақоидун насафий»дан бошқа матнларда келтирилмаган. Лекин «Саботул ожизин»да бу сифат шундай баён қилинади:

Сифотининг бирин ***таквин*** *демишлар,*
Худодин халқа рўзи барча ишлар.

Яратдиким, нечук сизнию бизни,
Тақи халқ этди бизни феълимизни.[2]

«Ақоидун насафий» матнида *жузъий ихтиёр* ҳақида айтилади:

[و للعباد أفعال اختيارية يثابون بها و يعاقبون عليها و الحسن منها برضا الله تعالي و القبيح منها ليس برضاه [3]]

Яъни: «Бандаларда ихтиёрий феъл-ҳаракатлар бор. Шу феъл-ҳаракатлар туфайли улар савоб топадилар ёки гуноҳ орттирадилар. Амаллардан яхшиси Оллоҳнинг ризоси би-

---

[1] Илмий-танқидий матн.6-1.

[2] Илмий-танқидий матн.6-39, 40.

[3] متون الرسائل العقائدية.العقائد النسفية.ص.71 Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006. 17-бет.

лан, ёмони эса Оллоҳнинг розилигидан ташқари ижро этилади». «Саботул ожизин»да шундай байтлар бор:

Агар чандики қўймас эркимизга,
Беribдур ихтиёри жузъи бизга...

Ўшанча ихтиёри жузъидин боз,
Топар банда жазо кўп қилса ё оз...

Худо рози эмас исёнимизга,
Ризосидур анинг эҳсонимизга..[1]

Байтларнинг матнга бу даражада мос келишини шунчаки тасодиф билан изоҳлаш мумкин эмас. Ўндан ортиқ фатво манбаларидан фойдаланиб, ўн икки мингдан ортиқ байтли фиққий китоб битган Сўфи Оллоёр ақида илмида ҳам асосий мўътабар манбалардан хабардор бўлганини, балки улардан бевосита фойдаланганини ақоид ва фиқҳ илмининг ўттизга яқин мавзулари бўйича қирқдан ортиқ манбалардан истинбот қилиб таълиф этган «Махзанул мутеъин» китоби, қолаверса юқорида келтирилган далиллар исботлаб турибди. Мазкур далилларга суяниб айтиш мумкинки, «Саботул ожизин» китоби мазмунан ақоид масалаларини қамраган эътиборга муносиб илмий-адабий манбадир.

Хўш, нима учун *илмий* сўзининг ёнига *адабий* деган сифат қўшиб айтиляпти? Биринчидан, бу асар Алий ибн Усмон Сирожиддин Ўшийнинг «Бадъул амолий« ва Маҳмуд ибн Саййид Назир Тарозийнинг «Ан-назмул ҳовий ли ақидатил имом Тоҳавий» каби назмда ёзилган асарларидек тўла равишда илмий бўлиши учун бошидан охиригача (ҳам мазмунан, ҳам шаклан) ақоид матнлари қолипида тузилиши керак эди. Аммо «Саботул ожизин»нинг на функционал, на композицион шакли бу қолипга мос. Қолаверса, муаллиф асарининг ёзилиш сабабини айтар экан, бекорга «*Насойиҳдин ҳам андак айладим ёд*» демаган. Асарнинг

[1] Илмий-танқидий матн.6-41, 6-43, 6-46.

учдан икки қисми – муножот, ривоят, ҳикоят жанри асосига қурилган панд-насиҳатларнинг гўзал шаклдаги бадиий ифодасидир. Демак, «Саботул ожизин» асари ақоид илмида тан олинган олимлар томонидан тасниф этилган асл манбаларга асос ва ҳукмда мувофиқ келишига кўра – ишончли илмий манба, умумий характерига кўра эса илмий-адабий манбадир.

3.3. «Саботул ожизин» – адабий манба

Сўфи Оллоёр «Китоб таълифининг сабаби баёни» бўлимида «Саботул ожизин»ни *манзума* деб номлайди: *«Савод эттим неча манзума ночор»*[1]. Адабиётшуносликда *манзума* тушунчаси достон типидаги сюжетли шеър турига нисбатан ишлатилса-да, бу ўринда Сўфи Оллоёр *манзума* сўзини «мустақил назмий тизмалар» маъносида қўллаган. Қудома ибн Жаъфарнинг шеърга берган классик таърифига кўра, «Саботул ожизин» манзумалари ҳазажи мусаддаси махзуф баҳрида, *мафоилун мафоилун фаулун* (v– – –v– – –v– –) вазнига солинган, маснавий жанри талабида қофияланган, ақида илми мавзуларини ўз ичига олган, гўзал ахлоқий сифатларга тарғиб маъноларига далолат қиладиган *шеър*лардан ташкил топган.

«Саботул ожизин» матнининг шеър таърифи талабларига жавоб беришининг ўзи бу манбанинг адабий манба сифатида эътироф этилишига кифоя қилади. Лекин манбанинг адабиётга яқинлик даражаси қўйилган ғоявий-бадиий мақсаднинг ижроси нечоғли моҳирлик ва комиллик билан адо этилганини ўрганиш натижаларига боғлиқ. Қудома ибн Жаъфар шеър таърифида айтган фикрининг давомида ижронинг даражаланиш чегараларини *юксак, ўртамиёна, паст* деб белгилаган эди.

Хўш, «Саботул ожизин» бадийяти ижро жиҳатидан бу даражаларнинг қайси бирига мувофиқ? «Шеърда кишиларнинг қонини қайнутғучи, сингирларини ўйнатғувчи,

[1] Илмий-танқидий матн. 3-9.

миясини титратгучи, сезгисини қўзғатғувчи бир куч, маънавий бир куч бор...» – дейди Фитрат «Шеър ва шоирлиқ» мақоласида.[1] Гарчи бу фикр араб адибларининг шеърга берган таърифига раддия билдирилган абзац ичида келтирилган бўлса-да,[2] қўйилган саволни янада ойдинлаштиришга хизмат қилади.

Фитрат санаган: қонни қайнатувчи, пайларини ўйнатувчи, мияни титратувчи, сезгини қўзғатувчи таъсирлар асарнинг бадиийлик даражасини кўрсатувчи аломатлардир. «Саботул ожизин» ўз ўқувчисига шундай ҳаяжонни ҳадя қила оладими? Шу ўринда, адабиётшунос олим Сувон Мелининг Ғафур Ғулом қаламига мансуб «Вақт» шеъри тадқиқида баён этган нозик бир кузатишини келтиришимиз жойиз: «Вақт» зоҳиран содда, ботинан тушунилиши қийин шеърлардан. Мисралар сиртдан оддий бўлиб кўринади, маъноси бирдан англашилмайди. Маъно англанмагунча онгда поэтик образ шаклланмайди. Бир тур шеърларда аввал образ яққол кўзга ташланиб, образ билан маъно деярли бир пайтда намоён бўлса, «Вақт»да аввал сўз ва мисрадаги маънони чақиш лозим бўлади, шундан кейингина образли тасаввур ишлай бошлайди. «Вақт» шеъри чалғитувчи соддаликни босиб ўтиб, замирда зил маънолар яширинган мисраларни англашга уринган, шундай уринишдан завқ туя оладиган интеллектуал китобхон мулкидир».[3]

Байтларнинг зоҳирига қаралса, «Саботул ожизин»ни ҳам функционал вазифаси фақат ақида илмини тарғиб

---

[1] Фитрат А. Танланган асарлар. IV жилд. Т.: «Маънавият», 2006, 6-бет.

[2] Адабий баҳсга йўл очувчи «Шеър ва шоирлиқ» мақоласи туркий адабиётнинг шаклланиш тарихи ва унинг муаммоларини куюнчаклик билан ёритиш жиҳатидан муҳим манбадир. Мақолада араб адибларининг шеърга берган таърифи бузиброқ талқин қилингани учун бу хусусдаги хулосалар бирёқлама бўлиб қолган. Таърифда, Фитрат айтганидек, шеър бўлиши учун фақат вазн билан қофия эмас, балки маъно ҳам шарт қилинган.

[3] Сувон Мели. Вақт фалсафаси / «O‘zbekiston adabiyoti va san’ati», 2013, 15 ноябр, №46, 3-бет.

қилишдан иборат асар деб ҳукм қилиш керак бўлади. Бундан эса, таълимий шеър турида[1] бўлганидек, «Саботул ожизин» байтлари ҳам илҳом эҳтиёжидан эмас, кўпроқ бурч мажбурияти остида ёзилгани келиб чиқади. Аммо сўзларнинг луғавий ва истилоҳий маъноларидан хабардор бўлиб, асар матнига чуқурроқ кирилса, ифода шаклларидаги фасоҳат, маънодаги балоғат яққол сезилади. Негаки, баъзан мисрадаги ўз ўрнига тушган битта сўз ортида бутун бошли ҳадис ёки оятлар воқелиги яширин бўлади. Байтларга жойланган жумлаларга замонлар жамланади, замонларда ҳол талабига мос мулоқотлар кечади. Манзумаларнинг мазмуний қурилиши ақоид матнларига мувофиқлаштирилар экан, муаллиф асар воқелигида жонланади. Мутолаага шўнғиган мухлис ўқувчи кўз олдида энди ўзни маломат қилиш руҳи билан суғорилган баёндаги *куюнчаклик*, ҳикматомуз хулосалардаги соддалик ва ростликка йўғрилган *самимият* матн ташқарисидаги бегона ҳикоя қилувчининг муносабатлари сифатида эмас, балки ичкаридаги жонли воқеликнинг узвига айланган матн иштирокчисининг дил изҳори сифатида гавдаланади. Мумтоз матнлардаги бундай «дил изҳори»ни туймоқ учун ўқувчидан, Сувон Мели айтмоқчи, махсус тайёргарлик тақозо қилинади.

«Саботул ожизин»нинг *«Мусаннифнинг ожизлик ва шикасталик билан айтган сўзлари»* бўлимида шундай байтлар бор:

Ўтар дунёда Оллоёр маъйуб,
Мунингдек юрганингдин ўлганинг хуб.

---

[1] XX аср араб адибларининг муаллифликда таълиф этган «البلاغة و النقد»(«Балоғат илми ва адабий танқид») асарида шеър навлари тўртга бўлинган: الشعر الغنائى – лирик шеър; الشعر ىصصقلا رعشلا – эпик шеър; التمثيلى – «тамсилий шеър», яъни ҳаёт саҳнасидан олинган тарихий ёки хаёлий воқелик тасвири; الشعر التعليمى – «таълимий шеър», яъни маълум бир фан қоидаларини шеърга солиш. «Сирожул муслимин» бунга мисол бўлади.

Ёмон нафсинг сани ўтдек туташди,
Гуноҳинг бора-бора ҳаддин ошди.

Била олмам, аё ноқобил авқот,
Нечук жонсан, нечук тансан, нечук зот?

Баҳойимсан, башар, девонасан, соғ,
Гуноҳинг олдида арзанча йўқ тоғ?[1]

Насиҳат мақомига кўтарилишдан олдин албатта ўтилиши шарт, бўлган машаққатларга тўла бир босқич бор. Бу – насиҳатланиш, яъни насиҳатни олдин ўзида синаб кўриш, айтаётган ҳар бир гапига амалда жавоб бера олиш босқичи. Бу йўл босиб ўтилмагунича мақсад амалга ошмайди. Насиҳат қилувчининг ўзида насиҳатланиш бўлмаса, айтаётганларига ўзи амал қилмайдиган бўлса, насиҳат қилишга унинг ҳаққи йўқ. Улуғларимиз бу оғир масъулиятни бутун юки билан ҳис қилишган. Шунинг учун ҳам улар насиҳатни шикастанафслик, ўзни маломат қилиш руҳида изҳор этишган: «Эй, айбу нуқсонларга тўла Оллоёр! Ўткинчи дунёда бундай юрганингдан ўлиб кетганинг яхшироқ. Ёмонлиги тез ва қизғин нафсинг жумла тарафга ўтдек ўрлаб кетяпти, гуноҳларинг эса борган сайин ҳаддан ошяпти. Эй, ўз замонасининг ноқобил, нолойиқ кишиси! Сен ўзи қандай жонсан, қандай тансан, қандай зотсан, ҳеч билолмаяпман?! Балки тўрт оёқлик ҳайвондирсан ёки инсон, балки телбадирсан ёки соғ, не бўлгандаям, қилган гуноҳларинг олдида тоғ тариқча эмас».

Белингни боғла маҳкам, бўлма мафлуж,
Кўзунг оч, карвоне қилдилар кўч.

Ётиб ғафлат қаросин суртма юзга,
Еди халқ ўз ғамини сандин ўзга.

[1] Илмий-танқидий матн. 26-1,2,3,4.

Мусоҳибларки ҳамаҳд эрди мунда,
Кетарлар боқий уйга кунда-кунда.[1]

Муаллиф ўз нафсига аёвсиз маломат ёғдиряпти. Эътибор берилса, ўзни таниш йўлидаги бу ғалаёнда байтдан байтга таҳқир оҳанги кучайиб борди. Кейин ўнгланишга умид уйғонди: «Тур, фалажга ўхшаб ётма, белингга ҳиммат камарини маҳкам боғлаб, ислоҳга чоғлан. Карвон аҳли ўрнидан қўзғолиб, охират сафарига йўл олди, кўзингни оч! Токай ғафлатнинг қора пардасини юзингга тортиб мудрайсан, ахир сендан ўзгаси аллақачон ўз ғамини еди. Энг яқин дўстларинг, ошноларинг, маслакдош тенгдошларинг, ажралмас улфатларинг бирма-бир бу дунёни тарк этиб, охират уйига кетяптилар».

Умид ҳаракатга бошлаб, ислоҳга ишонч уйғотганидан сўнг Сўфи Оллоёр моҳир мусаввир каби сўнгги манзиллар манзарасини хотирга михлайди: «Ўлим карвони – тобутларнинг кўз олдингдан ўтиб кетаётганини очиқ кўратуриб, нега хатарли уйқудан бош кўтармаяпсан? Ҳар куни ётлару яқинлар олдинма-кетин сафар рахтини жиловлаб, узоқ йўлга отланганларига гувоҳсан. Эҳ, қачонгача ғафлат майидан маст бўлиб, расволикларга ботиб ётасан, ҳайф э сенга!..

«Саботул ожизин» тилининг равонлиги, ифоданинг соддалиги ва энг асосийси матн таркибида шаклан ўхшаш сўзларнинг қуюлиб келиши асарнинг жозиба қувватини оширади. ***Шаклда бир хил ёки бир-бирига яқин сўзларнинг қўлланилишини адабиётшуносликда* тажнис санъати *истилоҳи билан изоҳланади. «Тажнис (ёки жинос) – шеър байтида маъно жиҳатидан ҳар хил, аммо шакли бир хил ёки шаклан бир-бирига яқин икки сўзни келтириб, улар воситасида муайян фикр, лавҳа ёки тимсолни таъсирчан ифодалаш санъати».***[2]

«Саботул ожизин»да тажнис ҳодисасини ҳосил қилган сўзларнинг шаклда бир-бирига тўла мувофиқ тури – *том*

[1] Илмий-танқидий матн. 26-10,11,12.

[2] Ҳожиаҳмедов А. Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия. Т.: «Шарқ», 1998, 65-бет.

тажнис кўп учрайди. Бундай тажнис бир хил ёки икки хил сўз туркуми билан ифодаланишига кўра *мумосил* ва *муставфий* тажнисларга бўлинади. Ҳар бўлимда, баъзан ҳар байтда кетма-кет келган шаклдош сўзларнинг бир хил сўз туркумига мансуб мумосил ва турли сўз туркумига мансуб муставфий, шунингдек, аввалгиси бир сўздан, кейингиси икки сўздан иборат *мураккаб* тажнисларнинг матн табиатига сингдириб юборилиши «Саботул ожизин»нинг авому хос орасида оммалашишига сабаб бўлган бадиий омиллардан биридир. Тасаввур ёрқин ва қамровли бўлиши учун қуйида тажнисли байтларни изоҳловчи жадвалдан намуна келтирамиз (*жадвалнинг тўлиқ варианти монография иловасида берилган*):

№	Тажнислар	Маънолари	Бўлим ва байт рақами	Тажнисларнинг матнда ифодаланиши	Тажнис тури
1	2	3	4	5	6
1	тонимоқ –тонмоқ	яқинлик ҳосил қилиш – юз бурмоқ	4-2	*Тонимоқ тангрини тонмоқ ҳаводин*	Ноқис
2	ён – ён	ёнмоқ– қайтмоқ	4-4	*Ёнардин хавф этиб ёнмоқ гуноҳдин*	Том, мумосил
3	танур – танур	тандир– танимоқ	4-7	*Танур жойинг бўлур қолсанг танурдин*	Том, муставфий
4	уй олғон –уялғон	жаннатий бўлиш – уялмоқ	4-8	*Қолур яхши уй олғондин уялғон*	Том, мураккаб
5	йад – ёд	қўл – эслатмоқ	6-19	*Каломи ҳақдаким «йад» айлади ёд*	Том, муставфий
6	кеча - кеча	кечмоқ – кеча	7-20	*На ишлар кечадур биздин бу кеча*	Том, муставфий
7	бу тун – бутун	бу кеча – бутун	7-21	*Бу тунда тут бутун иймонимизни*	Том, мураккаб

1	2	3	4	5	6
8	банда – банда	қул – кишан	17-14	*Мани банда этиб, беркит бу банда*	Том, мумосил
9	телим – тилим – тилим	кўп – тил – тилмоқ	25-19	*Телим узр айғоли, эй Кошифи роз, Тилимни минг тилим қилсам эрур оз*	Том, мураккаб, муставфий
10	туз – туз – туз	тўғри – туз – дашт	25-21	*Эмасман туз, карам хонинда еб туз, Керак тузларга қўйсам ҳар қаю юз*	Том, мумосил
11	тила – тила	тил(га) – тиламоқ	25-22	*Тила айдим, тила ҳар матлабинг бор*	Том, муставфий
12	терим – терим	тер (ламоқ) – тери	25-23	*Терим хижлат била оқса теримдин*	Том, мумосил
13	ё нар – ёнар	ёки эркак – қайтмоқ	26-47	*Ё нар хунсамусан қавлингда ёнар*	Том, мураккаб
14	то шар – тошар	токи ёмонлик –тошмоқ	26–51	*Киши то шар қилур савдоси тошар*	Том, мураккаб
15	башар – ба шар	инсон – ёмонлик сари	26-52	*Башар бўлсанг, қўй афъоли ба шарни*	Том, мураккаб
16	ёш – ёш – ёш	умр ёши – бола – кўз ёши	26-53	*Ёшинг еткон сари феълинг сани ёш, Кўзинг ёши қани, эй мағзи йўқ бош*	Том, мумосил

Инсон бутун умри давомида кимдандир ниманидир ўрганиб, ибрат олиб яшайди. Аввалги сабоқни она меҳридан юқтирса, кейин отага тақлидан илм ҳосил қилади. Сўнгра ҳаёт йўлидаги устозларга эргашиб, босқичма-босқич илгарилаб кетаверади. «Устоз» деган мақомнинг юксаклигини англатиш учун биз бу ўринда «устоз» лафзини мутлоқ маънода, яъни салбий сифатлардан холи ҳолда ифодалаяпмиз. Тилимизда кўп ишлатиладиган *устоз отангдан улуғ* (тўғрироғи, *устоз отангдек улуғ*) мақоли ҳам шун-

га яқинроқ маънода айтилган. Ҳақиқатан ҳам фарзанд учун ота-она қанчалик табиий бўлса, шогирд учун устоз ҳам шунчалик табиий ва ҳуқуқий тушунчадир. Шу тушунча идрокимизда бутун нозикликлари билан гавдаланиши учун бу ўринда мажоздан фойдаланиш қулайроқ воситадир. Тўғри, Яратгандан ўзга ҳеч кимнинг мутлоқлик даъвосини қилишга ҳаққи йўқ. Шунинг учун ҳам Сўфи Оллоёр 28-бўлимнинг «*Ҳар бир ишда етук устоз истамак баёни*» деб номланган сарлавҳасида «етук устоз» иборасини қўллаганки, бундан «етук эмас устозлар ҳам бор экан-да?» деган ҳақли савол туғилиши табиий. Устоз ва шогирд ҳолоти билан боғлиқ бу саволга Сўфи Оллоёр ўзининг ҳикматли байтларида батафсил жавоб берган. Гарчи байтларда хоссатан, тариқат муршидининг сифатлари баён қилинса-да, сарлавҳадаги «Ҳар бир ишда етук устоз истамак» дейилишига кўра, бу ердаги қоидалар мутахассислик йўлини танлаган ҳар бир касб эгаси учун умумийдир.

Ажаб йўлдир, тамоми меҳнату ранж,
Ва лекин ҳар қаришда бир ниҳон ганж...
Керак кўп толиб ичра бир неку рой
Ёрутмас мунча юлдуз бўлмаса ой.
Улув ҳиммат йигитларга керак пир,
Камонсиз учмагай кўб бўлса ҳам тир.
Ўшал жундеки, ҳарб олотин осар,
Агар бо сар юруса, ёвни босар.

Соғалтур телбани пири забардаст,
Қуюннинг шўришин дарё қилур паст».[1]

Диққат қилинса, Сўфи Оллоёр муршид ва мурид, устоз ва шогирд муносабатидаги нозикликларни тазодли манзаралар орқали тасвирлаяпти. Қарама-қарши қутбларни жамлаган бутунлик бадиий мантиққа мувофиқ тарзда тақдим қилиняпти. Устоз шогирд учун бамисоли табибдир.

[1] Илмий-танқидий матн. 28-5,43,44,45,46.

Маълум устоз этагини маҳкам тутмасдан, ҳар эшикка бош уриб юрган ёки йўлбошчи пири бўлатуриб, буюрганини қилмасдан адашиб, гангиб қолган шогирднинг телбалигини фақат ўша забардаст табиб соғайтиради. Қаттиқ қуюн туфайли кўтарилган тўлқиннинг мавжини дарё ўзанига қайтаради.

«Саботул ожизин»нинг *«Муҳаббат шаробини пири комилдин ичмак баёни»* бўлимида маънавий оламдаги сувратлар, ҳолатлар, жараёнлар моддий дунёнинг кўз ўрганган *матоҳ*лари орқали гавдаланувчи рамзлар билан ифодаланган. Араб тилидан ўзлашган «матоҳ» (متاع)[1] сўзи «фойдаланиладиган нарса» маъносини ифодалайди. Қуръони карим тафсирларида муфассирлар бу сўзни «вақтинча фойдаланишга берилган барча нарсалар» мазмунида таърифлашган. Демак мазкур таърифдан келиб чиққан ҳолда бу фоний дунёни (ичидаги ҳамма нарсалари билан) инсониятга маълум муддатга фойдаланиш учун берилган *матоҳ* дейиш мумкин. Нарсаларнинг вазифаси Ҳақ таолонинг ер юзида ўринбосари қилиб яратилган инсонга бўйсуниш. Шунинг учун ҳам инсон бу нарсаларни хоҳлаганча истифода қилади. Аммо инсонга берилган бу ихтиёрнинг доираси қанчалик кенг бўлмасин, бизни ер юзига халифа қилган Зот нимани қилиш-у нимани қилмасликни Ўз пайғамбари орқали очиқ-ойдин эслатган. Жумладан, ақлни кеткизиш сифатига эга маст қилувчи ичимликларни истеъмол қилиш мусулмон учун тақиқланган. Ҳар бир халқда бундай ичимликлар турлича ном билан аталади. Араб тилидан ўзлашган «шароб» сўзи тилимизда айни мазмунда қўлланади. Лекин мумтоз адабиётда *шароб, май* каби сўзлар, асосан, кўчма маънода ишлатилади. Маълумки, сўзнинг кўчма маънода ишлатилиши учун унинг ўз маъноси билан кўчма маъноси ўртасида бирор боғлиқлик, ўхшашлик ёки алоқадорлик бўлиши шарт. Дунёвий

[1] Аслида «матоъ» деб ўқиладиган бу сўз ўзбек тили талаффузидан келиб чиқиб, сўз охиридаги «айн» ҳарфи юмшоқ «ҳ»га ўзгарган ҳолда ўзлашган.

шароб билан мумтоз матнларда учрайдиган *шароб*нинг алоқадорлиги нимада бўлиши мумкин? Агар бу иккита нарсанинг ўртасида қандайдир боғлиқлик бўлмаса, турли маънодаги бу икки тушунча учун ном сифатида шаклан бир хил сўз танланмас эди. Инсонда мавжуд бешта сезгининг фаолият доираси моддий олам билан чегараланади. Қизиғи шундаки, инсон ўз мукаррамлигини тўла намоён этиши учун айни чегарадан ўтиши лозим. Унинг яратилишидан мақсад ҳам шу, акс ҳолда у ҳайвон даражасида қолиб кетади. Тафаккурга бўлган табиий эҳтиёж соғлом инсонни, жисмоний тўсиқларга қарамасдан, руҳий олам кенгликларига чорлаб туради. Бу олам манзараларини, манзаралар ичидаги ҳолат ва жараёнлар тасвирини бериш учун эса энг қулай йўл мажоздир. Қуръони каримда шундай оят бор: «(Оллоҳ) *осмондан сув* (ёмғир) *ёгдирганида жилғалар тўлиб-тошиб оқиб, бу сел ўз устида кўпикларни ҳам кўтариб келур.* (Одамлар) *зеб-зийнат ёки асбоб-ускуна ясаш учун ўтда эритадиган нарса-маъданлардан ҳам шунга ўхшаш кўпик* (чиқинди пайдо) *бўлур. Оллоҳ Ҳақ билан ботилни мана шундай* (мисол билан) *баён қилур. Энди у кўпик-чиқинда ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетур. Одамларга фойдали бўлган нарса эса Ер юзида қолур. Оллоҳ мисолларни мана шундай баён қилур*»[1].

Ҳақ ва ботил абстракт тушунча. Оятда бу мавҳум тушунчалар, уларнинг ўзаро алоқаси оддий кўз билан кўриб, қўл билан ушласа бўладиган моддий нарсаларнинг муносабати орқали тасаввурга яқинлаштириляпти. Маънавий олам ҳодисаларини реал ҳаёт воқеликлари воситасида аниқ гавдалантириш билан боғлиқ бундай мисолларни Улуғ Китобимиздан кўплаб келтириш мумкин. Мумтоз адабий матнларда мажоз билан боғлиқ рамз, ташбиҳ, истиора каби сўз санъатларининг кўплаб қўлланиши ҳам, аслида, шу жонли жараённинг инсон тафаккуридаги давомидир.

Энди *шароб* сўзи хусусида тўхталадиган бўлсак, мумтоз адабиётда бу сўз аллегорик образ сифатида қўлланади.

[1] Раъд сураси, 17-оят.

Шароб ҳолатни кескин ўзгартириш хусусиятига эга кучли таъсир воситаси. Дунёвий шароб инсонни ижобий ҳолатдан салбий ҳолатга туширади, ақл лойқаланиб, алдамчи борлиқ ҳосил қилади, лойқаланган ақл эгаси шайтон билан ўша йўқ борлиқ ичра сармаст кезиб, гўё йўқотганларини топгандай бўлади. Ҳақиқатда эса, унинг балчиққа ботиб ётганини кўрасиз.

Бир ҳолатдан кескин фарқ қилувчи бошқа ҳолатга ўтказиш қуввати шаробга хос хусусият. Фақат мумтоз адабиётда куйланган илоҳий ишқ шаробининг таъсирида юқоридаги ҳолатнинг тамомила аксини кузатасиз: салбийдан ижобий ҳолатга кўтарилиш, ақлнинг тиниқлашиши, борлиқнинг ҳақиқий мақомда намоён бўлиши, маъсум хилқатлар қуршовида зоҳиран ва ботинан нурланиш…

Сўфи Оллоёр сўзини илоҳий ишқ шаробини кўнгил қадаҳига қуювчи пири комил устозга шогирднинг мурожаати билан бошлайди:

Кел, э соқий, икавлон айлалинг шурб,
Ўшал шурбеки, халқ андин топар қурб.[1]

Эътибор этилса, шогирднинг устозга бу тарзда хитоб қилиши шарқона одоб этикетига бироз номувофиқ. Сабаби нима?.. Муносиб шогирд ҳақиқатга чанқоқ… қаршисида нур таратаётган муҳаббат шаробининг жозибаси эса бу чанқоқликни яна кучайтиряпти, тоқати тугаб, бутун борлиғи билан у томон интиляпти. Яқинлашгани сайин *бегоналик*нинг ўрнини *эркалик* эгаллаяпти, хитоб янада журъатлироқ тус оляпти:

Шаробе берки, дил андин бўлур соҳв,
Қилур бир муддаодин ўзгани маҳв».[2]

«Эй устоз, шундай шароб берки, қалб ундан мусаффо тортсин, Оллоҳ розилигини исташдан бошқа барчасини ичимдан маҳв этсин».

[1] Илмий-танқидий матн. 29-1

[2] Илмий-танқидий матн. 29-2.

«Камтаринлик ҳақида мавъиза» бўлимида Сўфи Оллоёр *насаб* ва *ҳасаб* тушунчалари мисолида ижтимоий ҳаётдаги авлодлараро муносабатларнинг нозик жиҳатларига эътибор қаратади. Насаб – қариндошлик силсиласи, насл маъносини ифодалайди. Ҳасаб – диёнат, қадр-қиймат, ота-боболарининг фахрга муносиб жиҳатлари. «Ахтари кабир» луғатида бу тушунча хусусида шундай изоҳ келтирилади: «Ҳасаб ва карамни, яъни қадр-қиймат ва ҳурматни ота-боболарсиз ҳам қозониш мумкин, аммо шараф ва улуғлик (мажд) ота-боболарсиз ҳосил бўлмайди».[1]

Сўфи Оллоёр бу тушунчалар орасидаги ўзаро нозик фарқларни содда ва гўзал шаклда баён этади:

Ишонма отаға, қолма талабдин,
Қиёматда сўрулмасдир насабдин.

Ҳасаб фавқи насабдур, эй неку ҳол,
Йипак тўндин ўтар хўб ишлаган шол.

Қорача ўғли хўжа ўғлидин кам,
Муъаллам бўлса саййиддин ўтар ҳам.[2]

Отангнинг фазлу камоли, топган обрўсига ишониб, илм талабидан, солиҳ амаллар асосида яхши хулқ ҳосил қилишдан қуруқ қолма, чунки Қиёмат кунида насл-насаб эътиборга олинмайди. Эй сийрати пок инсон, билгилки, ҳасаб насабдан юқори туради, бамисоли юнгдан қилинадиган шол яхши ишлов билан тўқилса, сифатда қимматбаҳо ипак тўндан ҳам ўтиб кетгани каби. Ёхуд «қорача» яъни, насаби аслзода наслга боғланмаган, омий халқ фарзанди, гарчи насабда «хўжа» ўғлидан кам саналса-да, қачонки, илм ҳосил қилиб, таълимли бўлиши билан саййид ва хўжаларнинг бесавод авлодидан даражаси ошади.

---

[1] ١٨٩٢اختر كبير, مطبعة العامرة, سنة ١٣١١/١٨٩٣ص:

[2] Илмий-танқидий матн. 35-13,14,15.

Анинг ҳукмидадур идбору иқбол,
Тикондин гул чиқорди, заҳрдин бол.[1]

Саодату бадбахтлик Оллоҳнинг ҳукми остида, хоҳласа, тиканли новдадан гул чиқаради, хоҳласа, заҳарли аридан асални вужудга келтиради. Биз изоҳлаётган *саодат* ва *бадбахтлик* тушунчалари байтда *иқбол* ва *идбор* сўзлари билан ифодаланган. Арабча *иқбол* сўзининг луғавий маъноси – *юзланиш, юзма-юз бўлиш.* Ўзбек тилига бу сўзнинг «бахт-саодат» маъноси ўзлашган. *Идбор* сўзи луғатда «орқа ўгириш«, «тескари қараб кетиш» маъносини билдиради. Абу Али Қолийнинг «Амолий» китобида келтирилишича, донишмандлардан бири дейди: «Билгилки, дунёнинг қувончи – ғам, иқболи идбордир» (яъни, дунёнинг сенга юзланиши, аслида, сендан юз ўгиришидир). Бир аъробий (бадавий араб)дан: «Ҳолинг нечук?»– деб сўралганида у: «Яқинимдаги барча нарсаларни идбор ҳолатида, яъни менга орқа ўгириб турганини, тескари ўгирилиши лозим бўлган нарсаларнинг менга иқбол қилиб, яъни юзланиб турганини кўряпман» – деган экан. Сийрат китобларида, адабий манбаларда *идбор* сўзининг луғавий маъноси янада аниқлашиб, *ҳақдан юз ўгириш*; *ато этилган неъматга орқа ўгириб олиш* ҳолатини ифодалаб келади. Алишер Навоийнинг «Назмул жавоҳир» асарида бу ҳолат шундай баён этилган:

Эл қочса бировда эл ёмони бил они,
Аҳволида идбор нишони бил они.
Феъл ичра улус балойи жони бил они,
Олам элининг ёмон ёмони бил они.

Инсоннинг камол топишида устознинг ўрни нақадар баланд экани юқорида тадқиқ қилинган эди. «Саботул ожизин»да бу мавзуга такрор-такрор қайтилади. Сабаби, мақомнинг улуғлигини турли нуқтадан кашф этиш, қамровнинг кенглиги битта нигоҳга сиғмагани учун унга

[1] Илмий-танқидий матн. 35-23.

қайта-қайта назар солиб, узоқлардан кузатишдир. Дунёдан тамаъси бор киши устоз бўлолмайди. Демак тамаъдан қутулиш илмидан дарс беришга ягона ҳақли инсон ҳам устоздир. Шунинг учун Сўфи Оллоёр айтади:

Ва лекин тегса хос эрнинг жилови,
Саодатдур, дилинг дардиға дови.

«Саботул ожизин»нинг айрим нусхаларида бу бўлим «Муҳаббатсиз кишидан қочмоқнинг баёнида» деб номланган. Манзума сиёқига назар солинса, маъно оқими муҳаббат мавзуси бўйлаб байтдан-байтга баъзан сокин, баъзан тошқин оқиб боради. Лекин шундай бўлса ҳам қадимий нусхаларда бўлимнинг сарлавҳаси «Ёмонлар суҳбатидин қочиб, яхшилар суҳбатинда бўлмоғнинг баёни» дейилган. Гўё *яхши* ва *ёмон* ўртасидаги чегарани *муҳаббат* тушунчаси белгилаган. Мисол билан айтсак, яхши инсоннинг ёмон кимсага айланиши учун қалбдан муҳаббатнинг кўтарилиши кифоя, муҳаббатсиз кимсанинг қалби тошдан қаттиқ, энди ундан ҳар қандай ёмонликни кутиш мумкин. Шунинг учун Сўфи Оллоёр пайғамбарлар ҳаваси тушган бу қудратли муҳаббатга рағбат уйғотиб, айтади:

Кел э толиб, кўзинг ибрат билан оч,
Муҳаббатсиз кишидин қуш бўлуб қоч.

Кишининг кўнгликим бегона бўлса,
Эрур душман агар ҳамхона бўлса.

Муҳаббатсизки бўлди ҳар қаю зот,
Агар фарзанди ширидур, эрур ёт.

Муҳаббат бўлмаса ҳар кимда, эй хайр,
Отанг бўлса эрур бегонаву ғайр.[1]

[1] Илмий-танқидий матн. 39-1,2,3,4.

Бу байтларда муаллиф муҳаббат туйғуси йўқлиги киши учун улкан фожеа эканини *бегона* сўзи орқали таъсирли ифодалаган. Кимнингки, кўнглида муҳаббат бўлмаса, у ҳамма жойда бегона. Сени бир умр борган еringда бегонадай қабул қилишаверса, бу ўта оғир, ўта аянчли ҳаёт. Бегоналик шу даражадаки, бир уйда яшайдиган ҳамхонанг бўлса-ю, дилида муҳаббат бўлмаса, у сенинг душманингдир. «Ҳидоятут толибин» шарҳида «муҳаббатсизлик» тушунчаси – қалбнинг охират ғами ва муҳаббат дардидан холилиги, деган изоҳ билан ёритилган. Албатта бу изоҳ маънони янада аниқлаштиради ва тўлдиради. Кейинги байтларда мазкур *ҳамхона* конкретлашади: қалби муҳаббатдан холи ҳар қандай зот, гарчи у ширин фарзанди дилбандинг ёки азиз отанг бўлса ҳам, гўё у сенга бегона ёт киши каби.

Абу Аййуб Ансорий ривоят қилади: «Бир аъробий Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларига келиб: «Эй Расулаллоҳ, менга мухтасар бир насиҳат қилинг»– деганида, Пайғамбар алайҳиссалом айтган экан: «Қачон ибодатга қойим бўлсанг, намозингни видолашаётган одамнинг намозидек адо қил, эртага сени узрли ҳолатга туширадиган гапни гапирма, одамларнинг қўлидаги нарсалардан умидингни уз». Умар розийаллоҳу анҳу: «Тамаъ – қашшоқлик, бетамаъ бўлиш – бойлик, чунки тамаъсиз кишининг одамлар қўлидаги нарсага ҳожати тушмайди»– деган.

Сўфи Оллоёр ҳам улуғлардан нақл қилинган ҳикматларга ёндашиб, тамаъ иллатини қоралаган, бу хавфдан огоҳ бўлишга чақириб, китобидан бутун бошли бир бўлимни шу мавзуга бағишлаган. Одатдагидек, муаллиф насиҳатни «кел» лафзи билан бошлаб, ўқувчини яқиндан мулоқотга чорлайди:

Кел, э озода, бўл ҳиммат билан ёр,
Тамаъ зиндонига бўлма гирифтор.

Бир игна бўлмаса дунё ишидин,
Ур истиғно, тамаъ қилма кишидин.

Ҳазрати Алишер Навоий «Маҳбубул қулуб» асарида: «Муфлиси қонеъ – ғаний ва шоҳу гадодин мустағний. Тамаъ мазаллатға далил ва ғанийи томеъ хору залил», яъни, ўзи қашшоқ бўлатуриб, қаноатли бўлса, у киши бойдир, унинг шоҳу гадога эҳтиёжи йўқ. Тамаъ қилиш кишининг хорлигига далил, ўзи бой бўлатуриб, тамаъгир бўлса, у хору залилдир, дейди. Кишидан нарса тилаб, унинг миннатига ўзни ихтиёрий нишон қилиш, ҳақиқатан ҳам хорликларнинг бошидир.

Сўфи Оллоёр навбатдаги мисраларда ақида илми мавзуларидан қадар масаласига эътиборни қаратади. Тамаъ дардининг дорилари кўп. Ҳаким зотлар қалбни поклаш билан боғлиқ турли-туман муолажа йўлларини кўрсатганлар. Аммо тамаъ касаллигига қарши битта дори борки, усиз бу дард бедаводир. Бу шифо – тақдирга, қадарга ишончдир. Кишининг ризқи белгилаб қўйилганига, агар инсон ризқи томон бормаса, ризқи инсон томон келишига, бу икки хилқат бир-бири билан учрашмагунча дунёдан чиқиш йўқлигига аниқ ишонч ҳосил бўлмас экан, инсон тамаъ дардидан қутулолмайди. Бу маразни таг-томири билан йўқотишнинг иложи фақат шу.

Қидирғон бирла ризқинг қидри тошмас,
Кетар қадринг, қадардин ҳаргиз ошмас.

Ризқ излаб, унинг ортидан елиб-югуриш билан ризқингнинг қозони тошмайди, балки қадринг кетади, кўп топаман деганинг бефойда, тақдирда белгиланганидан ортиғига эришолмайсан. Лекин тақдирда қанча белгилангани номаълум, инсон эса қаноатсиз, шунинг учун чор тарафга оғиз солаверади, ўнгу сўлга панжа ураверади, имконсиз ишни бўлдирмоқчи бўлади, суянилиши керак Зотга суянмагани учун йиқилади.

Таваккул ганжидин, эй юз ўгирган,
Буюрганга мухолифдур бу юрган.

Оллоҳга суяниш – таваккул хазинасидан юз ўгирган, эй кас! Сенинг бу юришинг Оллоҳ таолонинг буюрганига хилофдир. Агар эътибор берилса, байтларнинг нафақат мазмунида, балки шаклида ҳам «оллоёрона» ўзига хосликлар бор. Юқорида *қидр*, *қадр*, *қадар* каби бир ўзакдан ясалган, аммо маъноси турлича сўзларнинг бир байтда жамланиши, кейинги парчадаги иккинчи мисранинг *буюрганга* билан *бу юрган* каби шаклий яқинликка эга сўзлар асосига қурилиши, умуман, тажнис санъати билан боғлиқ бундай «топилма»ларнинг байтлару мисралар оралаб сочиб чиқилгани ва сўз санъати билан боғлиқ яна кўпгина хусусиятлар «Саботул ожизин»нинг бадииятини очишга етарли захирадир.

Китобимизнинг ушбу бобида «Саботул ожизин»нинг илмий-адабий манба сифатидаги ўзига хосликлари тадқиқ этилди. Тадқиқот хулосаларини шундай умумлаштириш мумкин:

– ўтмиш адабий меросимиз манбаларида, савиясидан қатъи назар, ғоявий пойдевор битта – соғлом эътиқод тарғиби. Адабиётимиз тарихида номлари маълум ва номаълум ижодкорларнинг барчаси, иқтидоридан қатъи назар, шу мақсад йўлида қалам тебратган ва улардан бадиий юксак савиядаги асарлар билан бирга, гоҳ ўртамиёна, баъзан ундан ҳам қуйи даражадаги адабий мерос қолган;

– мумтоз адабиётимизда *маърифат* лафзи орқали Ҳақни таниш тушунчаси ифодаланган;

– Шарқ мутафаккирларининг фикрлаш тарзи Қуръоннинг бетакрор фасоҳати ва балоғати завқида шаклланган. Илоҳий Калом бундай фаол, маънавий соғлом инсонлар учун доимо илҳом манбаи бўлган;

– «Саботул ожизин» мақсад эътибори билан ақоид китоби бўлса-да, мазмунан ҳам, шаклан ҳам ақоид матнлари қолипида тузилмаган;

– учдан икки қисми муножот, ривоят, ҳикоят жанри асосига қурилган панд-насиҳатлардан тузилган «Саботул ожизин» асари ақоид илмида тан олинган олимлар томо-

нидан тасниф этилган асл манбаларга асос ва ҳукмда мувофиқ келишига кўра – ишончли илмий манба, умумий характерига кўра эса илмий-адабий манбадир;

– тажнис санъатидан бутун асар давомида маҳорат билан фойдаланилгани «Саботул ожизин»нинг авому хос орасида оммалашишига сабаб бўлган бадиий омиллардан биридир;

– тасвирий воситаларни статистик санаш билан асарнинг бадийяти ўрганилган бўлмайди; муайян ижодкор фаолиятини баҳолашдаги энг муҳим мезон тадқиқотнинг асар воқелигидан, муаллифнинг бош концепциясидан узилиб қолмаслигидир.

IV боб. «САБОТУЛ ОЖИЗИН» МАТНИНИНГ ҚИЁСИЙ-ТАСНИФИЙ ТАДҚИҚИ ВА ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ МАТНИНИ ТУЗИШ ПРИНЦИПЛАРИ

4.1. «Саботул ожизин» қўлёзмалари ва тошбосма нусхалари

Турли йилларга оид юздан ортиқ қўлёзма ва тошбосма нусхага эга муайян асарнинг *матн тарихини* ўрганмасдан, унинг тили ёки бадииятини ёритиш борасида қанчалик заҳмат чекилмасин, бу тугал иш ҳисобланмайди. Кўп нусхали матн тарихини ўрганиш эса асарнинг қўлёзма, тошбосма нусхаларини турли таснифлар асосида гуруҳлаш, ҳар томонлама қиёслаш ва саралашдан бошланиб, охири – аниқ ва ишончли далиллар билан қувватланган илмий-танқидий матнни тайёрлаш билан ниҳоялланади. Бу асар бўйича келажакда қилинадиган тадқиқотлар, хоҳ адабиётшунослик, хоҳ тилшунослик йўналишида бўлсин, қатъий равишда тайёр илмий-танқидий матн асосида олиб борилиши керак. Матншунос олим Н.Шодмонов айни муаммога эътибор қаратиб, унинг ечимини «матн тасарруфи» тушунчаси билан изоҳлайди: «Адабий манба тадқиқ этилиб, истифодага киритилгач, муаллиф ва унинг меросини «ташувчилар» томонидан йўл қўйилган хато ҳамда нуқсонлар улар зиммасидан тадқиқотчи зиммасига ўтади. Шунинг учун манба тадқиқот доирасида тўғри тасарруф этилиши, нуқсонлар бартараф қилиниши лозим. Тасарруф учун, энг аввало, матншунослик мафкураси, илмий тафаккур шаклланган бўлиши керак. У етарли даражадаги назарий билимлар билан бир қаторда психологик,

мантиқий ва эстетик таҳлил, тасаввур, ечим топиш малакаларини ўзлаштириш орқали ҳосил қилинади».[1]

Афсуски, кўп ҳолларда бу қоидага амал қилинмайди. Жумладан, Сўфи Оллоёр асарлари ҳам ҳали танқидий матн тайёрлаб улгурилмасиданоқ, докторлик, бир неча номзодлик тадқиқотлари, шунингдек монография, рисолалар учун объект бўлди. Қилинган ишларнинг илмий қимматини камситмаган ҳолда таъкидлаш керакки, Сўфи Оллоёр асарларининг, хусусан, «Саботул ожизин»нинг тўла илмий-қиёсий кўрсаткичлар билан асосланган танқидий матни тайёрланмагунча натижалар мукаммал бўлмайди.

Баъзан мумтоз адабиёт матнларининг эски ўзбек ёзувидан жорий имлога табдилида, мазкур матнларнинг талқинида ёппасига савиясизлик кузатилади. «Ёппасига» дейишимиздан мақсад, табдил қилинган айрим матнлардаги хатолар нафақат шаклда, балки маънода ҳам, талқинда ҳам бир ё икки ўринда эмас, кетма-кет, қаторасига содир этилади. Айниқса, арабий сўз, жумла, матнларни ўзбекчалаштиришда ўта эътиборсиз ва масъулиятсиз ёндашувлар, таржимада ўзбек тилини доминант сифатида билмаслик ва натижада ўзбек тилининг талаффуз табиатини ҳисобга олмасдан бошқа тилларга сунъий тарзда мослаштиришлар, махсус тушунча ва истилоҳларни изоҳсиз, билиб-билмасдан қўллаш туфайли қўпол хатоларга йўл қўйилади. Масалан, жорий ёзувимизда ва оғзаки нутқда амалда бўлган, тилимизга аллақачон ўзлашиб кетган «Оллоёр» сўзини ёзувда «Оллоҳёр», «Аллоҳёр» деб ёзиш ва зўрма-зўраки талаффуз қилишга ўзни мажбурлашнинг сабаби нимада?[2]

---

[1] Шодмонов Н. Адабий манба ва матн тасарруфи. //. Адабий манба: ўрганишнинг замонавий тамойиллари ва нашр муаммолари. Мақолалар тўплами. Қарши, «Насаф», 2013, 15-бет.

[2] Мисоллар: Сувонқулов И. Сўфи Оллоҳёр ва унинг адабий анъаналари:фил.фан.док.дисс.Т.:1997; Баратова Н. Сўфи Оллоҳёрнинг бадиий-маънавий қарашлари.С.:2002; Сўфи Аллоҳёр. Халқаро илмий анжуман материаллари. «Ал-Ҳудо»-«Мовароуннаҳр», Теҳрон –Тошкент, 2005.)

Адабиётшунос олим Н.Жабборов ўзининг «Адабий манбаларда матн таҳрири масаласи» мақоласида рус олими В.М.Истриннинг «матн таҳрири»ни таърифлаб айтган қуйидаги сўзларини келтиради: «Таҳрир деб адабий ёдгорликнинг шундай қайта ишланишига айтиладики, бунда у қандайдир ижтимоий воқелик талабига кўра ёки кўпинча адабий эҳтиёждан ва китобсеварнинг табъидан келиб чиқиб ёхуд тил софлигига эришиш ниятида аниқ мақсадга қаратилган ҳолда амалга оширилади».[1] Мақола давомида таҳрирнинг тўртта тури – ғоявий, услубий, асардаги маълумотларни бойитишга қаратилган ва бир неча турни ўзида мужассам этган қоришиқ таҳрирлар ўзбек адабиёти материаллари асосида тадқиқ этилган.

Хўш, матн таҳрирининг мазкур таснифидан келиб чиқилса, юқорида келтирилган «Оллоҳёр» ёки «Аллоҳёр» шакли таҳрирнинг қайси турига мансуб? Гарчи изоҳлаш бироз қийинчиликлар туғдирса ҳам, бу сўз шаклида ғоявий таҳрирга йўл қўйилган, деган бўлардик. Негаки, жорий ёзувимизда ва оғзаки нутқда аллақачон «Оллоёр» шаклида ўзбек тилининг луғат фондига айланган бу сўзни фақат аслиятдаги софликни сақлашга уриниш деб баҳолаасак, бошқа бир муҳим жиҳатни эътибордан соқит қилган бўламиз. «Оллоҳ» (الله) лафзидаги «ҳ» (ه) ҳарфи аслий, яъни ўзак ҳарфларидан биридир. Арабча матнда «Оллоҳ»даги «ҳ» тушиб қолса, اَلّا шакли ҳаракат – қисқа унлиларнинг жойлашишига кўра турлича ўқилиб, турлича (масалан: «эмасми», «огоҳ бўл, эй...», «магар» каби) маъноларни ифодалаши мумкин. Табиийки, араб тилида «Оллоҳ» лафзидан «ҳ» ҳарфининг тушиб қолиши қўпол хато ҳисобланиб, маънонинг бутунлай ўзгаришига сабаб бўлади. Ўзбек тилида ҳам бу сўзнинг ўзи ёлғиз келганида «ҳ» ҳарфи ҳеч қачон тушириб қолдирилмайди. Аммо ўзбек тили талаффузига ўзлашган Оллоёр, Оллоберган, Оллоқули каби қўшма сўзларда ва охирига «олло» лафзи қўшилган – Абдулло, На-

[1] Жабборов Н. Адабий манбаларда матн таҳрири масаласи.//Мақолалар тўплами. Қарши, «Насаф» нашриёти, 2013, 6-бет.

срулло, Самадулло каби исмларда «ҳ»нинг борлиги ёки йўқлиги маънога таъсир қилмайди. Қолаверса, тилимизда айни ҳолатда «ҳе» товушининг қўлланиши талаффузни қийинлаштиради. Шунинг учун бу «ҳ» ҳарфи ёзувда ҳам акс эттирилмаган. Агар – аслият ёзувида мавжуд бўлгани учун бу ҳарф ўзбек ёзувида ҳам, бу товуш ўзбек нутқида ҳам акс этиши керак – дейилса, она тилимиз камситилган бўлади. Ёхуд баъзиларнинг: «Оллоҳ» лафзидан «ҳ» тушиб қолса, (ٱلله) шаклидаги (لا) инкор юкламаси «Оллоҳ йўқ» деган маънога далолат қилиб қолиши мумкин» деган мутлоқ асоссиз гумонларига келсак, бу «эҳтиётқорлик» аввало, саводсизлик оқибатидир. Қолаверса, муайян тилнинг талаффуз қоидаларидан келиб чиққан мазкур ҳолатни бошқа тилдаги лисоний ҳодисаларга қориштириб, уни эътиқодга дахлдор масала деб қарашда нафақат саводсизлик, балки калтабинлик ҳам бор. Соғлом ақида кўр-кўрона қўрқув, гумон билан эмас, холис илм билан барпо бўлади. Дунёдаги барча халқлар, қабила-элатлар ўзига хос тили билан яратилган. Она тили, унинг табиати, барча қонун-қоидалари ҳар бир халқнинг белгилаб қўйилган дахлсиз ҳуқуқи. Бу ҳаққа тажовуз қилиш ҳақиқатга қарши боришдан бошқа нарса эмас.

Арабча изофали бирикмалар имлосида ҳам тилимизда хилма-хилликлар кузатиляпти.[1] Бу муаммони бундан ярим асрлар олдин Ҳ. Ҳикматуллаев «Ёзма ёдгорликларни ёзиш қоидаларига доир»[2] мақоласида кўтариб чиққан эди. Шарқшунос олим мазкур мақоласида академик И.Ю.Крачковский ва профессор А.А.Ромаскевич ишлаб чиққан транслитерация системаси асосида айрим арабча ифодалар, шахс ва асарлар номининг ёзилиши бўйича конкрет тавсиялар берган. Ўнта параграфдан иборат тавсиялар мажмуида

[1] Бу фикрнинг тасдиғи учун қўлланма охирида келтирилган адабиётлар рўйхатидаги изофали бирикмалар имлосига назар солиш кифоя.

[2] Ҳикматуллаев Ҳ. Ёзма ёдгорликларни ёзиш қоидаларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, №6, 1966, 11-15-бетлар.

Ҳ.Ҳикматуллаев Шарқ адабиёти ёдгорликларини нашрга тайёрлашда рус шарқшунослари қўллаган транслитерация қоидаларини ўзбек тилига хос баъзи мустасноларни киритган ҳолда баён этган. Мақолада тавсия этилган таклифларга умуман қўшилган ҳолда, уларнинг баъзиларига мавзумиз нуқтаи назаридан муносабат билдирамиз.

«Форсча изофа и||йи ўзидан олдинги сўздан чизиқча билан ажратилади (қалам-и ман; хона-йи нав)... Арабча аниқликни билдирувчи олд қўшимча васлалик бўлса, олди ва ортидаги сўзлардан дефис билан ажратилади (масалан: фй-л-Қонун; _Зу-л-Қарнайн; Абу-л-Қосим каби)».[1]

Форс ва араб тилидаги изофали бирикмаларнинг ясалиш қоидалари кирилл ёзувидаги ушбу транслитерацияда идеал шаклда акс эттирилган. Муайян мутахассислар доирасида истифода қилинадиган илмий тадқиқотларда бу транслитерациядан фойдаланиш мумкин. Аммо мақолада адабий ёдгорликларнинг кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган оммабоп нашрида ҳам бу қоиданинг сақланиб қолиши тўғрисида гапирилганки, муаллифнинг бу фикрига қўшилиб бўлмайди. Негаки, тилимизга ўзлашиб кетган *рўйи замин, жумлаи жаҳон, пойи қадам* каби бирикмалардаги **и||йи** форсча изофа кўрсаткичини чизиқча билан ажратиш форс тилига нисбатан тўғри бўлар, лекин ўзбекча матнга нисбатан бир талай ноқулайликларни келтириб чиқаради.

Шунингдек, арабча изофали бирикманинг тавсия қилинган шаклини ҳам оммабоп нашрларда фойдаланиш ноўрин. Ҳ.Ҳикматуллаев «Девону луғотит турк» номи транскрипция асосида ёзилган бўлса ҳам камчиликдан холи эмас, деб ҳисоблайди ва айтадики, «турк» сўзига таалуқли бўлган «ит» (тўғрироғи олд қўшимча «ал» васлалик бўлгани учун бу шаклда ассимиляцияга юз тутган ва ундан кейинги шамсия ҳарфи «т» иккиланган) «луғот» сўзига қўшиб ёзилган. Аслида «ит» («ал») олд қўшимчаси ҳар икки томондан дефис (-) билан ажратилиши керак, дейди.

[1] Кўрсатилган манба. 15-бет.

Арабча изофали бирикмаларнинг рус шарқшунослари томонидан қўлланган,[1] сўнгра ўзбек олимлари томонидан қабул қилиниб,[2] баъзи илмий тадқиқотларга жорий қилинган ва аста-секин оммавий нашрларда ҳам қоидага айланиб қолаётган бу шаклнинг тилимиз табиатига номувофиқ бўлган бир нечта жиҳатлари бор.

Биринчидан, мазкур шакл орфографик жиҳатдан ноқулай. Аслият ёзувида табиий равишда битта тушунчани ифодалаган бутун бирикма (масалан :محبوبُ القلوبِ) ўзбек тилининг кирилл ёзувига мувофиқлаштирилган алифбосида ажратувчи иккита кичик чизиқча воситасида уч мустақил бўлакка бўлиб ташланган: (маҳбубу); (л); (қулуб).

Иккинчидан, тавсия қилинаётган бу шакл фонетик жиҳатдан тилга оғир. Аслият талаффузида икки зарб (маҳбубул || қулуб) ўқиладиган бирикма тавсия қилинаётган шаклда учта пауза билан ўқишни тақозо қиляпти. Чунки чизиқчалар араб тилидаги изофа қоидасини ёзувда акс эттириши жиҳатидан маънога эга. Аммо ўзбек тили қоидаларига нисбатан олинса, мазкур ҳолда бу чизиқчаларнинг қўлланиши «енгил пауза»дан бошқа маънога далолат қилмайди. Ўзбек тили учун мақсадсиз ҳар хил белгилар орқали қилинадиган бундай талаффуз тилимиз табиатига ёт.

Учинчидан, ўзлашаётган сўз ўз қатлам лексикасига мослашиш учун мезбон тил қонуниятларини тўла қабул қилиши, балки тўла равишда унинг қоидаларига бўйсундирилиши шарт. Ўзлашма сўзнинг имло ва талаффузи ўз лексика таркибида ноқулайликлар туғдирадиган мураккабликлардан холи, имкон қадар содда ва ихчам бўлиши лозим. Таъкидлаб айтамизки, тор доирада, муайян ихтисосликка оид илмий матнларда нисбий бир транскрипцияни ифодалаш учун бу шаклни қўлласа бўлар. Аммо оммавий тартибда бундай шаклнинг жорий этилиши тилимизнинг

---

[1] Қаранг: «Правила подготовки к изданию памятников литературы Востока», М.: «Восточной литературы», 1959.

[2] Рустамов А. Изофалар имлоси.//Ўқитувчилар газетаси, 1977, 30 январ

талаффуз табиатини бузади, ҳар томонлама қийинчилик туғдиради.

Четдан кириб келаётган сўз имлосини қабул қилишда чет тилнинг грамматик хусусиятлари эмас, балки ўша сўзнинг ўқилиши ва уни ўзбек тили талаффузига мослаштириш эътиборга олиниши лозим. Акс ҳолда, чет сўз ўзлашаётган тилнинг эмас, ўзининг лисоний қонуниятларига қанчалик мувофиқлаштирилса, унинг «муҳожир»лиги шунчалик давом этади. Бундай ҳаракат табиий жараённи сунъий қийинлаштиришдан бошқа нарса эмас. Ҳ.Ҳикматуллаев «иккинчи қисми «-оллоҳ», «-дин», «абд-» (масалан: *Абдуллоҳ, Нуриддин, Абдураҳмон*) сўзларидан ясалган қўшма отлар қадимдан ўзбек тилига сингиб кетганлиги ва ўзбек тилининг луғат фондидан жой олганлиги учун, истисно тарзида, қандай қабул қилинган бўлса, шундай ёзамиз» дер экан, чет сўзларни ўзлаштиришнинг энг тўғри принципини тилга олган. Ҳақиқатан ҳам, тилимизга ўзлашаётган сўз токи қандай ўқилса, шундай ёзилмас экан, бу сўзнинг тилимизга сингиб, ўзбек тилининг луғат фондидан жой олиши амри маҳол.

Шу жиҳатларни ҳисобга олиб, тадқиқотимизда арабча изофалар имлосини қуйидагича бердик: «Саботул ожизин», «Ҳидоятут толибин», «Иршодул оъизин».

Кўпинча оят ва ҳадисларнинг жорий имлодаги ифодасида, ҳатто уларнинг таржималарида жиддий хатолар кўзга ташланади. Аввало, Қуръондан келтирилаётган иқтибос мутахассис назаридан ўтиши керак. Қолаверса, оятларни кирилл имлосида ёки оригиналдан бошқа ёзувда ифодалаш шу пайтгача яхши натижа бермаган. Шунинг учун илмий нашрларда Қуръон оятларининг аслий имлодаги шаклини, сўнгра таржимасини, оммавий нашрларда эса фақат таржиманинг ўзини берган маъқул.

Мумтоз адабий манбаларда кўп учрайдиган арабий матнни ўзбек тилига ўгираётган таржимон, аввало ҳар иккала тил қонуниятлардан хабардор бўлиши талаб этилади. Жумладаги ҳар бир сўзнинг луғавий маъносини билиш матн мазмуни ҳали тўла англанди, дегани эмас. Асар ва

унинг муаллифи ҳақида бутун тасаввур ҳосил бўлмагунча таржиманинг тўғрилиги иштибоҳли бўлади. Шунинг учун ҳам бир сатр, жумла, абзацни ўқиб чиқиш билан кифояланмасдан, бир нечта абзац, балки бутун бошли бўлимни ўқиб, тушунгандан сўнггина таржимага уриниш ишончлироқ йўлдир. Чунки матн руҳи қисмда эмас, бутунда акс этади. Матн руҳи англанса, сўзларни ўрни-ўрнига қўйиш осонлашади. Акс ҳолда, мазмун талаб қилган сўзнинг бошқа муқобили танланиб, маъно хиралашади.

Бу вазиятда бошқа аянчли жиҳат ҳам бор. Таржимон арабий матнни бутун нозикликлари билан тушуниб, ҳис қилиб, мазмунни она тилида у даражада бера олмаса-чи?! Табиийки, бу ҳолатда, ўз тили тарихи, табиатини билмаслик, ҳис қилмаслик Яратувчи томонидан ҳар бир миллатга берилган она тилини камситишга ҳужжат бўлолмайди, албатта. Шундай экан, айб таржима қилинаётган тилда эмас, таржимонда! Таржимон она тилининг нозикликларини таржима қилаётган ажнабий тилдан кам ҳис қилмаслиги керак. Шундагина ўзи таржима қилаётган матннинг муаллифи ва таржимага муҳтож ўқувчиларнинг ҳаққини адо қилган бўлади. Мисол учун, фикрини олий мақомда, фасоҳат ва балоғат билан, «жавомиъул калим» услубида араб тилида изҳор қилаётган донишманд айни фикрни ўзбек тилида нима учун нўноқ ифодалаши керак?! Йўқ, бу хато на донишмандниng, на ўзбек тилининг, балки таржимоннинг чекига тушади.

Матн табиатидан узоқлашиш билан боғлиқ хатоларни оммавий нашрларнинг аксариятида учратиш мумкин. Алишер Навоийнинг «Назмул жавоҳир»[1] асарида шундай рубоий бор:

Иймони анингки куфрига сотир эрур,
Чин нукта демакка ул киши қодир эрур,
Ҳар кимсаки иймон ишида моҳир эрур,
Иймонини билки, отидин зоҳир эрур.

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами, 15-том, Т., «Фан», 1999, 136-бет

Рубоийнинг тўртинчи мисрасидаги «отидин» сўзи «онтидин» бўлиши керак эди. Шунда маъно ҳадисга мувофиқ бўлади. Аслида бунга асос рубоийнинг сарлавҳа қисмида берилган арабий ҳикматда акс этган: ايمان المرء يعرف بايمانه. Арабий матндаги «аймон» (ايمان) сўзи «ямин» яъни *қасам* сўзининг кўплик шакли. Алишер Навоий рубоийда арабча «қасам» сўзининг туркийдаги синоними «онт» шаклини қўллаган. Сарлавҳадаги матнга диққат қилмаслик ёки тил ва иншо қоидаларидан оддий бехабарлик оқибатида рубоийнинг асл маъноси бузилган.

Сўфи Оллоёрнинг «Саботул ожизин» асари матни табдилида ҳам кўплаб ноаниқликларни кузатиш мумкин. Бунга далил сифатида «Саботул ожизин»нинг 1991 йилнинг январ ойида «Чўлпон»[1] ва шу йили март ойида «Меҳнат»[2] нашриётларида чоп этилган матнлардан айрим мисоллар келтирамиз. «Чўлпон» нашрида «Муҳаббатсиз кишидан қочмоқ баёни» бўлимида шундай байт келтирилади:

На ким тузганига тушса бўлур туз
Ки андин ўтса неча кеча-кундуз.

Байтни изоҳлаб кўрайлик: *нимаики, тузган йўлига тушиб олса, орадан қанча муддат ўтса ҳам, тўғри бўлади.* Мазмун ўта жўн. Майли, *тузган йўлга* бирикмасини *тузук йўлга* деб ҳам кўрайлик. Барибир, маъно равшан эмас. Сабаби, биринчи мисрадаги *тузганига* сўзи нотўғри ўқилган ва хато нашрда айнан акс этган. Аслида бу сўз *туз конига* деб ўқилиши керак эди. Шунда маъно қуйидагича бўлади: нимаики туз конига тушса, бир неча муддат ўтиб тузга айланади. Энди мазмун ойдинлашди ва у олдинги байтда келтирилган «яхшиларга эргашиш, яхшилар суҳ-

[1] Сўфи Оллоёр. Саботул ожизин (Нашрга тайёрловчи Рашид Зоҳид), Т.: «Чўлпон» 1991

[2] Сўфи Оллоёр. Сабот ул-ожизин (Нашрга тайёрловчилар Ҳожи Пўлатқори Муҳаммад Али, Маҳмуд Ҳасаний, Мирсолиҳ Қосим), Т.: «Меҳнат» 1991

батида бўлиш, албатта ўз таъсирини ўтказади» деган маънонинг мантиқий давоми бўлиб уланди. Табиийки, мазкур сўзларнинг эски ўзбек ёзувида бир хил шаклда ифодаланиши нашрга тайёрловчини чалғитган. Аммо матншунос учун бу ҳолат узр саналмайди.

«Меҳнат» нашрида «Нафси шум баёни» бўлимида келтирилган мана бу байт ундан ҳам ўтиб тушади:

Риёзат бандига беркит оёгин,
Кўтарма бошидин тақво туёгин.

Тақво тушунчаси ўзининг асос эътибори билан юксак мақомни ифодалайди. Бу мақомни топган инсон қадри шу қадар кўтариладики, оёғи заминдан узилмасдан, назари самоларга етади, ерда туриб, Ҳаққа боғланади. Шунинг учун ҳам Қуръони каримнинг аввалги суралари, аввалги оятлариданоқ тақво ҳақида сўз боради, бу улуғ Китобнинг фақат тақво эгаларини тўғри йўлга бошлаши эслатилади. Табиийки, тақво тушунчаси замиридаги бу олий мазмун мумтоз матнларда бутун бадийяти билан баланд пардаларда васф этилган. Наҳотки, бу олий мазмунни ҳаётининг дастурига айлантирган, умрини шу эътиқодда кечирган Сўфи Оллоёрдек шахс тақвони ҳайвонга ўхшатса, уни туёқли қилиб тасвирласа?! Бу на эътиқодга, на бадиият қонунига тўғри келади? Демак, бу ерда ё матнни кўчирган котиблардан ёки нашрга тайёрловчилардан хато ўтган. «Меҳнат» нашриёти чоп этган нашрга асос бўлган матнни текшириб, шунга амин бўлдикки, адашиш котибдан эмас, нашрга тайёрловчилардан содир бўлган. Бу ўринда ҳам айрим сўзларнинг шаклан ўхшаб қолиш ҳодисаси нашрга тайёрловчиларни чалғитганини кузатиш мумкин. Арабий имлодаги تياغين сўзидаги ت (т) ҳарфидан сўнгги қисқа унли «а» эмас, «у» қилиб ўқилган. Натижада хунук хато юз берган. Аслида «тақво таёғи» деб ўқилиши керак эди. Шунда мисрадан мисрага узлуксиз кучайиб борган мазмун уйғунлиги тўла сақланади ва бадиий мантиққа риоя қилинган бўлади.

Араб алифбосидаги матнларни, хусусан, мумтоз адабий матнларни жорий имлога ўгириш ҳар томонлама билим ва ҳамиша ҳушёрлик талаб қиладиган ўта масъулиятли иш. Бу меҳнат қанчалик сермашаққат бўлмасин, бир сўз устида соатлаб заҳмат чекаётган матншуносга кичик бир хато қилишга ҳам имтиёз бермайди. Чунки биз кичик деб эътиборга олмаётган хато туфайли бутун бир матн маъносига халал етади, муаллиф ҳаққига, тарихий омонатга хиёнат содир бўлади.

«Саботул ожизин»нинг риё иллати қораланган «Мавъиза» деб номланган бўлимидаги бир байт «Чўлпон» нашрида шундай табдил қилинган:

Агар боғингда бўлса гул зебоси
Қачон бўлгай чироғингнинг зиёси.

Айни байт «Меҳнат» нашрида шундай келтирилади:

Агар боғингда бўлса гул риёси,
Қачон бўлгай чироғингнинг зиёси.

Кейинги келтирилган байтда олдинги нашрдаги хато ислоҳ қилинган: *зебо* сўзи *риё*га ўзгартирилган. Гарчи матн котиблар томонидан бузилиб, зебо сўзи риёга айлантирилган бўлса-да, нашрга тайёрловчи шакл кетидан қувмай, маънога эътибор қаратиши керак эди. Ҳар ҳолда бу хато кейинги нашрда тузатилган. Аммо барибир мисралар аро боғланиш кузатилмаяпти. *Боғдаги гул риёси* билан *чироқ зиёси* ўртасида қандай муносабат бор? Балки мазмунни бир амаллаб, изоҳларни бошқа маънолардан «қарзга олиб», бу сўз бирикмалари ўртасида зўрлаб муносабат топиш мумкиндир. Лекин нима бўлгандаям, байтнинг бу ҳолатида бадиий мантиқ бузилган.

«Саботул ожизин»нинг бир неча қўлёзма ва тошбосма нусхаларини синчиклаб ўрганиш натижасида масала ойдинлашди. Биринчи мисрадаги «боғингда» (باغینکده) сўзи,

аслида «ёғингда» (یاغینکده), «гул» (گل) сўзи эса, аслида «гил» (گل) экан. Эътибор берилса, араб имлосидаги ҳар иккала шакл деярли мувофиқ. Балки шу ўхшашлик котибларни адашишга олиб келган. Энди мисралар аро боғланиш тикланди: *агар ёғингда гил, яъни чанг риёси бўлса (илм йўлидаги холис ниятингга нопоклик аралашса), илминг чироғининг зиёси равшан бўлурми?*

Ўзбек матншунослиги доирасидаги қизғин баҳслар бугун мумтоз адабиёт намуналарининг жорий имлога табдилидаги хатоларга бағишланиши табиий ҳол. Негаки, шу кунгача табдил қилинган асарларнинг бирортаси (ҳатто уларнинг илмий-танқидий матни ҳам) ҳар томонлама, тўла ва қайта жиддий матншунослик текширувидан ўтмаган. Аслида, ўзбек матншунослигининг назарий асослари мана шу жараённинг ичида шаклланади. Муайян асар табдили матн тарихининг давомидир. Матн тарихининг замонлараро ўзгариш даражаси қанчалик аниқлашса, табдил вариантининг аслга мувофиқлик даражаси шунчалик юқори бўлади. Демак, мумтоз адабий меросимиз намуналарининг жорий имлога табдилини танқидий ўрганиш матншуносликнинг фундаментал масаласидир.

«Саботул ожизин»нинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари МДҲ ва дунё мамлакатлари фондларида мавжуд. ЎзРФА Шарқшунослик институти фондида асарнинг жами 132 та нусхаси бўлиб, шулардан 79таси қўлёзма, 53 таси тошбосмадир. Қўлёзмаларнинг хронологик таснифини қуйидаги жадвалда кузатиш мумкин:

№	Қўлёзманинг инвентар рақами	Кўчирилган йили(ҳиж.)	Кўчирилган йили(мел.)	Фонд
1	2	3	4	5
1	2061	1225	1810	Ҳ.Сулаймон
2	7153/1	1240	1825	ЎзРФАШИ
3	2106	1251	1835	Ҳ.Сулаймон
4	3939	1254	1838	Ҳ.Сулаймон

1	2	3	4	5
5	11856\1	1256	1840	Ҳ.Сулаймон
6	323	1266	1850	Ҳ.Сулаймон
7	5912	1270	1854	Ҳ.Сулаймон
8	4700\1	1274	1858	ЎзРФАШИ
9	9962\2	1275	1858	ЎзРФАШИ
10	3875	1284	1867	ЎзРФАШИ
11	4393	1287	1870	Ҳ.Сулаймон
12	1116	1290	1873	Ҳ.Сулаймон
13	4082	1291	1874	Ҳ.Сулаймон
14	4074\2	1293	1876	ЎзРФАШИ
15	2897	1294	1877	Ҳ.Сулаймон
16	4807	1295	1878	Ҳ.Сулаймон
17	3375	1296	1879	Ҳ.Сулаймон
18	1164\1	1298	1881	Ҳ.Сулаймон
19	2895	1299	1882	Ҳ.Сулаймон
20	4317	1299	1882	Ҳ.Сулаймон
21	2043	1299	1882	ЎзРФАШИ
22	4379	1301	1882	Ҳ.Сулаймон
23	566	1302	1885	Ҳ.Сулаймон
24	3795	1303	1886	Ҳ.Сулаймон
25	5469	1304	1887	ЎзРФАШИ
26	11441	1307	1889	ЎзРФАШИ
27	4036	1308	1891	ЎзРФАШИ
28	4109	1324	1906	Ҳ.Сулаймон
29	11270\2	1324	1906	ЎзРФАШИ
30	4001	1350	1932	Ҳ.Сулаймон
31	3697	1355	1936	Ҳ.Сулаймон
32	3636	1358	1939	Ҳ.Сулаймон

Жадвалнинг биринчи устунида қўлёзмаларнинг саналар кетма-кетлиги бўйича сони рақамланган. Иккинчи устунда уларнинг фонд жавонида жойлашган ўрнини билдирувчи рақам акс этган. Баъзи ўринларда мазкур рақамлардан каср чизиғи билан ажратилган сонлар – бир муқова остида бир неча асарлар жамланганини ва «Саботул ожизин» шу асарлардан нечанчиси эканини англатади. Масалан: 11270\2 – демак, фонд жавонидаги ўн бир минг

икки юз етмишинчи қўлёзма ўз ичига бир нечта асарларни жамлаган, шулардан иккинчиси «Саботул ожизин»дир. Учинчи устунда қўлёзмаларнинг ҳижрий, тўртинчи устунда милодий ҳисобда кўчирилган йили, бешинчи устунда қўлёзмалар сақланаётган фонд номи кўрсатилган.

Бир қарашда оддий сонлардан иборат бу жадвал нафақат минглаб қўлёзмалар ичидаги сизга керак асарни тез ва қийналмасдан топишни осонлаштиради, балки «Саботул ожизин» ҳақида қўшимча маълумотлар бериши билан изланишимизни янада бойитади. Юқорида қўлёзмаларнинг жами етмиш саккизта деган эдик. Демак, қирқ етти қўлёзма жадвалга кирмай қолди. Нега..? Сабаби – уларнинг кўчирилган йили номаълум. Шунинг учун бу қўлёзмалар хронологик жадвалга киритилмади. Жадвалда энг қадимий қўлёзма ҳижрий 1201/1786, энг сўнгги қўлёзма эса ҳижрий 1358/1939 санада кўчирилгани акс этиб, уларнинг ораси 153 йилни қамраб олгани аён бўляпти. Лекин кўчирилган йили номаълум қўлёзмаларни нозик палеографик текширувдан ўтказиш натижасида бу фактлар кескин ўзгариши ва матн тарихи бўйича кутилмаган янги хулосаларга олиб келиши мумкин. Балки у қўлёзмалар ичида биз энг қадимий деб ҳисоблаётган нусхадан бир аср илгари кўчирилгани чиқиб қолар? У ҳолда бу нусха муаллиф ҳаётлигида кўчирилган қўлёзма бўлади!..

Албатта буларнинг барчаси тахмин, бироқ мазкур жадвал бизни шу тахминни изчил текширишга ундаяпти, қўлёзмалар ҳақида шошиб ҳукм чиқаришдан қайтаряпти. Эътибор берилса, қўлёзмаларнинг ярмидан кўпи Ҳамид Сулаймонов фондига тегишли. Бу факт «Саботул ожизин»нинг қўлёзма нусхалари Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти[1] фондида кўпроқ тўпланган ва шу орқали институтнинг аҳолидан қадимий китобларни сотиб олиш учун тузилган эксперт гуруҳи қачон ва қаерга экспедиция уюштиргани, борингки, қўлёзмалар тарихига

[1] ЎзРФА Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти 1978–1998 йилларда фаолият олиб борган.

оид бошқа янги маълумотлар ҳақида хабар бериши мумкин. Айтмоқчимизки, мақсадимиз – қадимий манбаларни ўрганиш, уларни илмий истифодага олиб кириш экан, бу изланиш майдонида учраган энг кичик нуқта ҳам кераксиз бўлиши мумкин эмас, балки эътибордан четда қолган айни нуқтадан матн тарихи бошланар ёхуд ниҳоя топар...

«Саботул ожизин»нинг тошбосма нусхалари ҳақида гапиришдан олдин «тошбосма» сўзига изоҳ берсак. «Тошбосма» – китоб чоп қилишнинг бир тури бўлиб, бунда устида бўртма ёзувлар ҳосил қилинган махсус тошга бўёқ (сиёҳ) суртилиб, қоғоз ўша тош устига босилган. Натижада тошдаги матн тўла ҳолида қоғозда акс этган. Бу услуб тош устидаги матнни бир неча нусхада кўчириш имконини берган. «Саботул ожизин»нинг тошбосма нусхалари ҳақида тўлароқ тасаввур ҳосил қилиш учун қуйидаги жадвалга диққат қилайлик:

№	Тошбосманинг инвентар рақами	Босилган йили (мел.)	Босилган жойи	Фонд
1	2	3	4	5
1	21131	1847	Қозон	ЎзРФАШИ
2	191	1881	Истанбул	ЎзРФАШИ
3	188	1883	Тошканд	ЎзРФАШИ
4	11007	1883	Тошканд	ЎзРФАШИ
5	881	1883	Тошканд	Ҳ.Сулаймон
6	446	1884	Тошканд	Ҳ.Сулаймон
7	192	1890	Ҳўқанд	ЎзРФАШИ
8	189	1891	Истанбул	ЎзРФАШИ
9	190	1893	Истанбул	ЎзРФАШИ
10	9207	1893	Бухоро	ЎзРФАШИ
11	14552	1893	номаълум	ЎзРФАШИ
12	14527	1893	Тошканд	ЎзРФАШИ
13	3794	1894	Тошканд	Ҳ.Сулаймон
14	4464	1894	Тошканд	Музей
15	1347	1896	Тошканд	Ҳ.Сулаймон
16	4201	1898	Тошканд	ЎзРФАШИ
17	18010	1898	Тошканд	ЎзРФАШИ

1	2	3	4	5
18	15087	1899	Тошканд	ЎзРФАШИ
19	185	1900	Тошканд	ЎзРФАШИ
20	10932	1900	Тошканд	ЎзРФАШИ
21	11008	1900	Тошканд	ЎзРФАШИ
22	10303	1901	Тошканд	ЎзРФАШИ
23	13890	1901	Тошканд	ЎзРФАШИ
24	4195	1904	Тошканд	ЎзРФАШИ
25	4196	1904	Тошканд	ЎзРФАШИ
26	18920	1904	Тошканд	ЎзРФАШИ
27	187	1904	Тошканд	ЎзРФАШИ
28	4200	1906	Қозон	ЎзРФАШИ
29	13891	1906	Тошканд	ЎзРФАШИ
30	15539	1906	Тошканд	ЎзРФАШИ
31	4199	1909	Тошканд	ЎзРФАШИ
32	10580	1909	Тошканд	ЎзРФАШИ
33	11026	1909	Тошканд	ЎзРФАШИ
34	650	1910	Тошканд	ЎзРФАШИ
35	4204	1910	Бухоро	ЎзРФАШИ
36	4205	1910	Бухоро	ЎзРФАШИ
37	9616	1911	Тошканд	ЎзРФАШИ
38	2062	1911	Тошканд	Ҳ.Сулаймон
39	9615	1913	Тошканд	ЎзРФАШИ
40	2954	1913	Тошканд	Ҳ.Сулаймон
41	181	1914	Тошканд	ЎзРФАШИ
42	182	1914	Тошканд	ЎзРФАШИ
43	4198	1914	Тошканд	ЎзРФАШИ
44	11028	1914	Тошканд	ЎзРФАШИ
45	13888	1914	Тошканд	ЎзРФАШИ
46	13889	1914	Тошканд	ЎзРФАШИ
47	183	1916	Тошканд	ЎзРФАШИ
48	184	1916	Тошканд	ЎзРФАШИ
49	4202	1916	Тошканд	ЎзРФАШИ
50	4203	1916	Тошканд	ЎзРФАШИ
51	8851	1916	Хўқанд	ЎзРФАШИ
52	16410	1916	Хўқанд	ЎзРФАШИ
53	4353	1967	Дамашқ	Музей

Аввалги устунда тошбосма нусхаларнинг саналар кетма-кетлиги бўйича сони тартибланган. Иккинчи устунда уларнинг фонд жавонида жойлашган ўрнини билдирувчи рақам келтирилган. Учинчи устунда китобларнинг *қачон*, тўртинчи устунда *қаерда* босилгани акс этган. Бешинчи устунда тошбосма китоблар сақланаётган фонд номи кўрсатилган. Учинчи устунда берилган саналар «Саботул ожизин»нинг тошбосма нусхалари ҳақида муҳим хулосалар қилишга имкон беради.

«Саботул ожизин»га ёзилган баъзи шарҳларнинг дебоча қисми, шунингдек, айрим тошбосма нусхаларнинг «сўзбоши»ларидаги маълумотларга кўра, тошбосма китоблар чоп қилинишидан олдин бир неча қўлёзма нусхалар асосида қиёсланиб, сараланади. Демак, қўлёзма китоб ашёвий жиҳатдан қанчалик қимматли бўлмасин, агар унинг тошбосма нусхаси ўзаро қиёслар натижаси ўлароқ тайёрланган бўлса, илмий жиҳатдан мўътабарроқдир. «Саботул ожизин»нинг 1847 йил Қозонда босилган – 21131 инвентар рақамли ва 1881 йил Истанбулда босилган – 191 инвентар рақамли тошбосма нусхалари шундай мўътабар манбалардандир. Асарнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Ҳамид Сулаймонов фондида сақланаётган энг қадимий қўлёзма нусхаси милодий 1810 йилга, тошбосма нусхасининг энг қадимийси эса милодий 1847 йилга оид. Қадимий манбалар учун ўттиз етти йил унчалик катта фарқ ҳисобланмайди. Қолаверса, тошбосма нусханинг муаллиф яшаган даврга яқинроқ бўлиши мазкур нусханинг илмий қиммати баланд эканидан дарак беради. Диққат қилинса, учинчи устунда берилган саналарда баъзи йиллар такрорланиб келган. Бу хусусият фондда китобнинг бир нечта нусхаси борлиги билангина изоҳланса, нотўғри бўлади. Масалан, «Саботул ожизин»нинг 1893 йилда босилган тўртта нусхаси мавжуд. Бу билан, фондда битта нашрнинг тўртта нусхаси бор экан, дея олмаймиз. Балки, уларнинг ҳаммаси битта нашр эмас, деймиз. Буни нусхаларнинг бири Истанбулда, яна бири Эронда чоп қилингани ҳам тасдиқлаб турибди.

Жадвалнинг тўртинчи устуни «Саботул ожизин» нашрининг 1847 йилдан 1967 йилгача давом этган 120 йиллик ҳудудий кўламини аниқлашга ёрдам беради: Қозон – Истанбул – Тошканд – Хўқанд – Эрон – Бухоро – Дамашқ. Агар бу рўйхатни қўлёзма ва тошбосмаларнинг дунё фондларидаги, хусусан, шахсий фондлардаги Хоразм, Когон, Покистон, Ҳиндистон, Жидда, Макка нусхалари билан давом эттирсак, «Саботул ожизин» нашрларининг умумий географик атласи юзага келади. Шунингдек, мазкур шаҳарларни битта йўналишли чизиқ билан ўзаро бирлаштириб чиқилса, жуда катта майдонни эгаллаган шартли ҳудуд ҳосил бўлади.[1]

Бу ҳудуд нафақат матннинг таъсир доирасини аниқ кўрсатиб беради, балки у матн тарихи учун бой маълумотлар базаси ҳамдир.

Жадвалнинг сўнгги устунидан эллик учта тошбосма нусханинг қирқ бештаси ЎзРФА Шарқшунослик институти фондига тегишли экани кузатилади. Тошбосма нусхаларнинг мазкур фондда йиғилиб қолишини бир неча сабаблар билан изоҳлаш мумкин. Аввало, юқорида айтилганидек, «Саботул ожизин»нинг тошбосма нусхалари катта ҳудуд бўйлаб, жуда кенг тарқалган. Бу ҳолнинг Марказий Осиёдаги қадимий манбалар сақланадиган энг йирик фондда ҳам зуҳур этиши табиий. Зеро, тасодифий кечадиган шундай жараёнлар ичида фонднинг бойиб қолиши тажрибалардан маълум. Балки бу ҳол тасодифий бўлмагандир. Тошбосма китобларнинг илмий тавсифи қўлёзмага нисбатан анча енгил кечади. Баъзан қўлёзмага тегишли илк маълумотларни аниқлаш учун кунлар, ҳатто ойлар сарф бўлади. Тошбосма китоблар тадқиқида бундай мушкулот деярли йўқ. Чунки китобнинг номланиши ва мавзуси, муаллиф ёки шориҳ ҳақидаги асосий маълумотлар унинг титул варағида ё ундан сўнг аниқ ажратиб кўрсатилади. Матншуносдан уларни тўғри ўқиш талаб қилина-

[1] Нашрларининг умумий географик атласи ва шартли ҳудуд чизмаси монографиянинг илова қисмида акс эттирилган.

ди, холос. Тошбосма нусхаларнинг йиғилиб қолиши шу ва шунга ўхшаш мақсадли ёндашувлар натижаси сифатида ҳам изоҳланиши мумкин.

Яқингача «Саботул ожизин»нинг энг қадимий қўлёзмаси шахсий кутубхонамиздаги 1800 йилга оид нусха деб ҳисоблардик. Кейинги изланишлар натижасида Россия фанлар академиясининг Шарқ қўлёзмалари институти (Санкт-Петербург) фондида бундан ҳам қадимийроқ нусхалар мавжуд эканлиги маълум бўлди. Қуйида асарнинг ЎзРФА Шарқшунослик институтидагидан бошқа фондларда сақланаётган ва илмий кузатувимиздан ўтган қўлёзма нусхалари билан боғлиқ маълумотларни жадвал орқали кўриб чиқамиз:

№	Қўлёзманинг инвентар рақами	Кўчирилган йили (ҳиж./мил.)	Сақланиш жойи (фонд)	Ҳажми (варақ)	Ўлчови (бўйи *X* эни)
1	2	3	4	5	6
1	B 4149	1203/1789	Санкт-Петербург	61	20 x 15
2	A 1057	1194/1780	Санкт-Петербург	72	18 x13
3	B 317	1214/1799	Санкт-Петербург	67	20 x 17
4	C 1420	1211/1796	Санкт-Петербург	47	26 x15
5	B 3498	1216/1801	Санкт-Петербург	58	23 x15
6	A 501	XVIII аср	Санкт-Петербург	56	16 x11
7	B 1959	XVIII аср	Санкт-Петербург	56	19 x 12
8	A 502	XVIII аср	Санкт-Петербург	76	15 x 11
9	B 3349	XVIII аср	Санкт-Петербург	59	21 x 15
10	B 3759	XVIII аср охири	Санкт-Петербург	11	20 x 16
11	B 4132	XVIII аср	Санкт-Петербург	50	20 x 16
12	A 117	XVIII аср охири	Санкт-Петербург	85	17 x 11
13	C 845	XVIII аср охири	Санкт-Петербург	73	22 x 14
14	A 830	XVIII-XIX аср	Санкт-Петербург	44	18 x 11

1	2	3	4	5	6
15	A 1463	XVIII-XIX аср	Санкт-Петербург	63	19 x 10
16	B 3074	XVIII-XIX аср	Санкт-Петербург	14	21 x 16
17	B 3296	XVIII-XIX аср	Санкт-Петербург	125	20 x 15
18	C 1183	XVIII-XIX аср	Санкт-Петербург	79	23 x 14
19	C 1252	XVIII-XIX аср	Санкт-Петербург	64	22 x 13
20	C 161	1229/1813	Санкт-Петербург	68	24 x 14
21	C 160	1233/1817	Санкт-Петербург	73	24 x 14
22	B 3709	1235/1819	Санкт-Петербург	56	21 x 15
23	B 1894	XIX аср боши	Санкт-Петербург	44	22 x 17
24	A 1074	12?4/.....	Санкт-Петербург	75	20 x 15
25	A 1309	XIX аср	Санкт-Петербург	12	17 x 10
26	B 1944	1277/1860	Санкт-Петербург	60	20 x 13
27	C 146	1285/1868	Санкт-Петербург	24	25 x 15
28	C 1224	1299/1881	Санкт-Петербург	121	23 x 14
29	B 2393	1310/1892	Санкт-Петербург	77	21 x 14
30	B 3404	XIX аср охири	Санкт-Петербург	1 (61б-62а)	22 x 15
31	09/867	1267/1850	ЎзМУ, музей	81	26 x 15
32	B09/288	1298/1882	ЎзМУ, музей	66	25 x 15
33	09/866	XIX аср	ЎзМУ, музей	96	26 x 16
34	09/853	XIX аср	ЎзМУ, музей	78	26 x 15
35	C1	XIX аср боши	Шахсий кутуб.	72	20 x13
37	C2	1215/1800	Шахсий кутуб.	64	22 x 13
38	C3	XIX аср	Шахсий кутуб.	64	27 x 16

Жадвалда келтирилган қайдлар қўлёзма китоблар ҳақидаги бошланғич маълумотни акс эттирган. «Саботул ожизин»нинг мазкур қўлёзма нусхалари бўйича тўла тасаввур ҳосил қилиш учун уларнинг илмий тавсифи билан танишиш лозим. Имконият талабидан келиб чиққан ҳолда,

ушбу қўлёзмаларнинг тадқиқотимизда фаол қўлланган нусхалари илмий тавсифини мухтасар баён қиламиз.

А 1057

1194/1780 йилда кўчирилган бу қўлёзма «Саботул ожизин»нинг шу кунда мавжуд энг қадимий нусхасидир. Қўлёзманинг лабагиси ва тўрт бурчаги жигар ранг сунъий чарм билан қопланган. Картон муқованинг бошқа жойларига қора рангли қоғоз ёпиштирилган. Муқова ортида 1956 йил 20 июлда қайта муқоваланган ҳақида қалам билан битилган ёзув бор. Саҳифаларнинг йиртиқ жойлари, айниқса бетнинг чекка бурчаклари «сувқоғоз»да маҳорат билан таъмирланган.

Матн «اگرچی اوت بیله سوده بولور فرق» (Агарчи ўт била сувда бўлур фарқ) *мисраси билан бошланган. Демак аввалги варақ йўқлиги сабабли бу мисрадан олдинги 36 байт тушиб қолган.*

Қўлёзмада аҳён-аҳён матнлар аро изоҳлар бериб борилган («сув маконидин»нинг устига «булут», «қурайши»нинг устига «исми қабила», «маъбуд» остига «исми мафъул», «поясини» устига «аёгини» деб ёзиб қўйилган).

Матн икки устунда берилган бўлиб, ҳар бир устун икки чизиқли қизил сиёҳли рамкага олинган. Бўлим сарлавҳалари қизил сиёҳдаги ёзув билан ажратилган. Ҳошияда – 2а, 6а, 6б, 11а – бетларда[1] *матн маъноси билан боғлиқ изоҳлар берилган. Шунингдек, ҳошияларда турли даврларда босилган муҳрлар мавжуд. Масалан, 1а – бетда ромб шаклида: «СССР ФА ШИ Қўлёзмалар фонди» муҳри; 2а-бетда инвентар рақами акс этган тўртбурчак муҳр; 27-бетда тухумсимон шаклдаги муҳр ичида* س.غ.واحدی کوتوبخانة سی *– библиотека С.Г.ВАХИДОВА – деган ёзув акс этган.*

[1] Матншуносликда қўлёзма варағининг ўнг бетини «а» ва чап бетини «б» ҳарфлари билан белгилаш ихтиёр қилинган.

Рамкага сиғмай қолган мисраларнинг давоми ҳошияда алоҳида рамка ичида давом эттирилган. Айрим изоҳлар ҳам турли шаклдаги қизил сиёҳли чизиқлар ичида берилган. Масалан, 28а бетда:

Агар чиқса йипакнинг жамъидин лос
Бўлур ғарқи сиёҳ, эй аййуҳаннос

байтидаги лос *сўзи «лос – йифак чуй дерлар» деб изоҳланган ва унинг тагига* نعمة الله *(неъматуллоҳ) деб ёзиб қўйилган. 47а бетда: «Книга писана в 1780г. Хафизов. Дарю на память. 1927г.» – деган ёзув кўк сиёҳда қайд этилган.*

B 4149

1203\1789 йилда кўчирилган бу нусха муқовасининг қадимийлиги қопланган оч жигарранг чармнинг эскириб, баъзи жойлари ёрилиб кетганидан маълум. Қалин қоғоз йиллар ўтиши билан сарғайган бўлса-да, саҳифа юзидаги мистар излари билиниб турибди. Хаттотнинг тажрибасизлиги жигарранг сиёҳда битилган настаълиқни турли хил хат элементлари билан қориштириб юборганидан сезилади. Мисраларнинг қаторда жойлашиши нотекис, унинг устига ёзув бадхат. Матн 16 қатордан икки устунда берилган. Бошида хатолар кўп, бутун бир мисралар устидан чизилган ўринлар мавжуд, айрим сўзлар ўчирилиб, ҳошияда тўғриси кўрсатилган. Матн 4б дан бошланган, 58 а нинг ярмидан «Холиқо», кейин «кетти» радифли ғазал ва ҳоказо то 64 б гача давом этган. Колофонда котиб асарнинг ёзилиш санасини аниқ айтган: «Тамма. Ушбу китобни бан Қозон ...истиясининг Исҳоқ Саид Марҳум ўғли тамом айладим. Сонкт-Питирбурхда таржимон хизматинда экан ҳолимда тарихи ҳижратдан 1203 моҳи жумадул аввалнинг 22, тарихи румия 1784 шубатнинг 7 рўзи чаҳоршанба». (Бу ерда ҳижрий йил-ой-кун ҳисобини милодийга айлантиришда бироз чалкашликка йўл қўйилган. Аслида, ҳижрий – 1203 йил, жумадул аввал ойининг 22 куни, милодий – 1789 йилнинг 18 феврал пайшанба кунига тўғри келади.)

C1420

1211\1796-97 йилда кўчирилган, картотека ва каталогда «C1420» инвентар рақами билан кўрсатилган бу қўлёзманинг шифри, аслида, C1420/III – бўлиши керак эди. Чунки, мазкур қўлёзма тўплам асарлар жумласидан бўлиб, «Саботул ожизин» бу тўпламга учинчи алоҳида китоб сифатида кирган. Матн «...ثنا للخالق غبراء افلاك» мисраси билан 71б бетдан бошланган ва «سزاوار ايلاغای تورلوك عطاغه» мисраси билан ниҳояланувчи 118б бетгача давом этган. Муқоваси қалин картондан, лабаги чарм билан қопланган. 118б бетдан кейин «Холиқо» муножоти ва бир нечта ғазаллар келтирилган. Матн чиройли настаълиқ хатида битилган. Қалин шарқ қоғозидан иборат саҳифаларда сариқ доғлар пайдо бўлган. Қўлёзма бетларининг ён қирралари деярли охиригача ўта моҳирлик билан таъмирланган.

Матн икки устунда 17 қатордан ташкил топган. Ҳар устун алоҳида қизил рамкага олинган, матн сарлавҳалари ҳам қизил сиёҳда ажратилган. «بسم الله الرحمان الرحيم» ёзуви атрофидаги унвон қирмизи ранг нозик нақшлар воситасида маҳорат билан безалган. Хотимада келтирилган ғазаллар ўзаро пропорцияда қиялатиб кўчирилгани боис ёзувлардан санъат даражасидаги ўзига хос манзара ҳосил бўлган.

C1

«Саботул ожизин»нинг шахсий кутубхонамизда сақланаётган ушбу қўлёзма нусхаси қоғоз навъи ва хат шаклига кўра тахминан XIX аср иккинчи ярмида кўчирилган.[1] *Муқова қалин картондан ясалган бўлиб, устига яшил*

[1] Шахсий кутубхонамиздаги бу қўлёзма нусхалар ҳеч бир фондда қайд қилинмагани учун уларнинг илмий тавсифини кенгроқ беришга ҳаракат қилдик.

ранг қоғоз тортилган. Муқова устига иккита кичик ва битта йирик унвон гулдор қабартма услубида туширилган ва кичик унвонлар тўқ жигар рангдаги нозик қоғоз билан қопланган. Қўлёзма лабагиси оч сариқ рангдаги чармдан ишланган.

Матн 3б бетдан бошланган, ундан олдинги бетлар бўш қолдирилган. Матнни бошлаб берувчи «بسم الله الرحمان الرحيم» *калимаси қизил сиёҳдаги* «و به نستعين» *(Ундан мадад тилаймиз) ёзуви билан тўрт томонидан қуршалган. Матн қора сиёҳда, насталиқ хатида, икки устунга ажратиб битилган. Саҳифадаги қаторлар сони 11та. Пойгир тартибига қатъий риоя қилинган. Бўлим сарлавҳалари қизил сиёҳда ажратилган. Айрим саҳифаларда қаторга сиғмай қолган сўзлар ўрнига белги қўйилиб, ҳошияда улар тўла келтирилган. Баъзи саҳифаларда котибнинг шошиб ёзганлиги ҳарфлар шакли ўзгарганидан, қатор чўзилиб, ҳошия торайиб кетганидан билиниб турибди. Пойгир қўйилган. Қўлёзманинг ўнг бурчагида катта сариқ доғ то 5б бетгача изини қолдирган. Саҳифаларнинг чеккалари емрилган, 11а бет қоғози нозиклигидан саҳифа юпқариб, бир нечта жойидан ўйилиш пайдо бўлган. Охирги 72б бет:* «دعانی هرگز انگا قیلمغای بد...» *мисраси билан якунлангани матн тўлиқ эмаслигидан хабар беради.*

C2

«Саботул ожизин» илмий-танқидий матнини тайёрлашда кўп мурожаат этилган бу қўлёзманинг эътиборли жиҳати қадимийлигидир. Қўлёзманинг муқоваси қалин, тўқ жигарранг тери билан қопланган бўлиб, чеккасидан озгина ҳошия қолдириб, пружинасимон шаклда дид билан ясалган рамка ҳосил қилинган. Рамка ўртасидан бўйига эллипс кўринишидаги учта бўртма унвон туширилган. Ўртадаги йирик унвон нақшинкор гуллар билан безатилган. Икки чеккадаги кичик унвонлар ичида шундай ёзувлар бор: «كمال خواجه ١٢١٥» *яъни, «Камолхўжа. 1215».*

Чарм муқовага битилганига кўра бу ёзув Камолхўжа исмли саҳҳофга тегишли. Одатда, китобни муқоваловчи саҳҳофлар ўзларидан сўнг бир из қолдириш мақсадида исмларини ва ишнинг бажарилган санасини муқованинг маълум жойига мухрлаб қўйишган. Демак, бундан муқова ҳижрий 1215, милодий 1800-йилда Камолхўжа исмли саҳҳоф томонидан амалга оширилгани маълум бўлади. Муқованинг чеккалари емирилиб, қирралари ёрилиб, чармнинг тарашадай қотиб кетганлигидан қўлёзманинг икки асрдан кўпроқ даврни бошидан кечирганлигини билиш мумкин. Матн тўлиқ бўлса-да, қўлёзма китоблар қоидасига кўра китоб хотимасида бериладиган колофон мавжуд эмас. Қоғозининг тури ва муқовадаги санадан келиб чиқиб, қўлёзманинг кўчирилган санасини 1800 йил деб белгиладик.

Матн икки устунда, 15 қатордан жойлаштирилган. Ҳар бир устун қизил сиёҳли рамка ичига олинган. Хати настаълиқ. Қоғозда мистар излари кўринмаса-да, ҳарф ва ҳарф нуқталарининг симметрик уйғунликда жойлашиши матнни малакага эга, тажрибали котиб кўчирганидан дарак беради. 6-бетдан сўнг ҳар иккала мисралар устуни рамкага олинмасдан давом эттирилган. Бўлимларга сарлавҳалар қўйилмаган. Олдинги бўлим билан кейинги бўлим орасида ташлаб кетилган очиқлик мавзуларни ажратишга хизмат қилган. Одатга кўра ўнг саҳифанинг остида пойгир қўйилган. Китоб бетлари йиллар давомида намиққанидан деярли барча саҳифада катта сариқ доғлар ҳосил бўлган.

Қўлёзмаларнинг шартли хронологик нисбати

«Саботул ожизин»нинг назаримиздан ўтган қўлёзма ва тошбосма нусхалари жами бир юз етмиштани ташкил этиб, шулардан бештаси шарҳлар учун танланган матнлардир. Бир юз етмишта нусхадан қирқ еттитасининг йили номаълум, бир юз йигирма саккизта нусханинг аниқ ва тахминий даври белгиланган. Бир юз йигирма саккизта

қўлёзма ва тошбосма китобдан ўн иккитаси – XVIII асрга, етмиш иккитаси – XIX асрга, қирқ тўрттаси – XX асрга тааллуқли. Агар бу ҳисобни йили аниқланган китобларга нисбатан фоиз миқдорида солиштирсак, натижа шундай кўриниш олади:

XVIII аср – 15,3%

XIX аср –92,1%

XX аср – 56,3%

Демак, таржимаи ҳолдаги маълумотларга кўра, Сўфи Оллоёр 1663-1724-йилларда умр кечирган бўлса, «Саботул ожизин» нусхаларининг 15,3 фоизи – муаллифга асрдош (гарчи энг қадимий нусха муаллиф вафотидан 56 йил кейин кўчирилган бўлса ҳам), 92,1 фоизи – бир аср сўнгги, 56,3 фоизи – икки аср сўнгги нусхалар бўлади. Бу нисбат икки томонлама характерга эга. Бир томондан, муаллифга асрдош «Саботул ожизин» нусхаларининг камлиги асар матни бўйича ҳар қандай аниқ ва ишончли деб топилган натижаларни доимо шубҳа остига қўяди. Иккинчи томондан, муаллифдан бир аср сўнгги нусхаларнинг икки аср кейинги нусхалардан кўплиги ишончли матнни тиклаш ишига реал умид уйғотади. Бундай муаммоли вазиятнинг юзага келиши «Саботул ожизин» матнининг дастхат нусхаси сақланиб қолмаганлиги билан белгиланади, албатта.

4.2. Ишончли матнни тиклаш тамойиллари

Бу фаслда сўз юритиладиган масалалар бевосита адабий манбашунослик ва матншунослик илмига дахлдор бўлиб, унда мазкур илмнинг назарий ва амалий муаммоларини тадқиқот объектимиз – «Саботул ожизин» асари матни мисолида ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Юқорида ҳар қандай атаманинг ясалишида сўзнинг луғавий маънолари негиз вазифасини ўташи, шу негиз атрофида муайян тушунча барқарорлашиб, янги ном билан атала бошлаши ҳақида айтиб ўтган эдик. Фикр, қараш, ёндашувларнинг ўзаро келишуви, шартлашуви

остида содир бўладиган бу жараён ихтиёрий тарзда кечади. Зеро, мавзумиз адабий манбашунослик ва матншуносликка алоқадор экан, аввало тадқиқни *манба* ва *матн* сўзларининг истилоҳга айлангунча давом этган тадрижини ўрганишдан бошласак.

Арабча «оқиб чиқмоқ», «бошланмоқ», «отилиб чиқмоқ», «келиб чиқмоқ» маъноларини англатувчи *набаъа* (نَبَعَ) феълидан «оқиб чиқиш жойи», «бошланиш нуқтаси» «булоқ» маъносидаги *манба* (مَنْبَع) сўзи ясалган. Ҳар қандай ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг бошланғич нуқтаси, аввали, бошига нисбатан қўлланган бу сўз маълум соҳа кишиларининг ихтиёрига биноан, «ижод маҳсули» тушунчасида қарорлашди ва «манба» дейилганида муайян *асар* (китоб) тушунила бошлади.

Мутолаа қилинган китоб ўз ўқувчиларида турли хил ўхшаш ва фарқли фикрларни уйғотади. Фикрларнинг ўхшашлиги *қарашлар*ни, фарқлилиги *ёндашув*ларни юзага келтиради. Бу жараён бамисоли китобдан китоблар отилиб чиқаётган, асардан асарлар тармоқланиб, тошиб оқаётган оқимга ўхшайди.

Энди *матн* сўзи хусусида тўхталадиган бўлсак, арабча изоҳли луғатларда бу сўз «нарсанинг устки, юза қисми» деб таърифланган. Масалан, ернинг устки қаттиқ қисми (متن الارض), йўлнинг ўртаси (متن الطريق), китоб саҳифасидаги ёзувларнинг ҳошия ва шарҳлардан холи асосий қисми[1] (متن الكتاب) *матн* сўзи билан ифодаланган. Шуниндек, бу сўзнинг «мустаҳкам; пишиқ» каби сифат маъносида келган тури ҳам мавжуд. Тилимизга ўзлашган *матонат*, *метин* сўзлари ҳам *матн* билан ўзакдошдир.

«Адабиётшунослик терминлари луғати»да текст сўзи «авторнинг асл сўзи, асарнинг қўлёзмаси ёки нашр этил-

[1] Қадимий (қўлёзма ва баъзан тошбосма) китобларда асл матн ҳошия билан ажратилган. Матн шарҳлари ҳошияда гир айланасига битилган. Бу ўринда шу ҳолат назарда тутиляпти.

ган нусхаси»[1], «Словарь-справочник лингвистических терминов» китобида «ёзув ёки нашрда акс эттирилган нутқий асар (баён қилиш)»[2], «Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати»да «матн – мазмунан ва мантиқан ўзаро алоқадор бўлган гаплар ёки алоҳида олинган гап»[3], «Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати»да «матн – ёнма-ён ҳарфлар, ёзув орқали акс эттирилган нутқ, умуман, нутқ парчаси; текст»[4] тарзида турлича ифодаланган. Матн билан тенг маънода қўлланадиган *текст* сўзи лотинча *textus* сўзидан олинган бўлиб, «тўқима мато; тўқиш; ўриш; чирмаш; қўшиш» каби маъноларни англатади. Бу сўзнинг нисбатан кенгроқ ва қамровли изоҳини 2010 йил «Akademnashr» нашриётида чоп этилган «Адабиётшунослик луғати»да кўриш мумкин:

1)«*текст* – ёзувда қайд этиб қўйилган нутқ. Термин бу маъносида оғзаки нутққа қарши қўйилади;

2) нутқий асар, жумладан, адабий асарнинг ёзма (ҳарфлар) ёки оғзаки (товушлар) белгилар воситасида қайд этилган конкрет-ҳиссий (кўриш ё эшитиш) қабул қилинадиган томони. Бу маънодаги *текст* матншуносликнинг объекти саналади;

3) нутқий коммуникациянинг нисбий бутунлик, яхлитлик касб этган ва нисбий автономлик, алоҳидалик хусусиятига эга энг кичик бирлиги, яъни адабий-бадиий асар. Бу маънодаги *текст*нинг мазмуни уни ташкил қилаётган нутқ бирликлари, уларнинг ўзаро алоқалари билангина чекланиб қолмайди. Бутун сифатида у муаллиф томонидан муайян нутқий ситуацияда туғилган, унинг бутун сифатидаги мазмун-моҳияти ўзидан ташқаридаги реаллик билан боғлиқ ҳолда воқе бўлади»[5].

---

[1] Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. «Ўқитувчи», Т. 1970, 222-бет.

[2] Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. М.: «Просвещение», 1976, 483-стр.

[3] Ҳожиев А., Нурмонов А. ва бошқа. Т.: «Шарқ», 2001, 130-бет.

[4] Ҳожиев А. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2002, 61-бет.

[5] Д.Қуронов ва бошқа. Т.: «Akademnashr», 2010, 329-бет.

Эътибор берилса, *матн* сўзининг луғавий маънолари қайсидир даражада ўзак тушунчада қарорлашган: «нарсанинг устки, юза қисми», «акс эттирилган нутқ», «ёзув орқали акс эттирилган нутқ», «ёзувда қайд этиб қўйилган нутқ». Бу маънолар асарнинг ёзма ёки оғзаки белгилар воситасида қайд этилган ташқи, яъни конкрет-ҳиссий қабул қилинадиган томонини акс эттирса, *текст* сўзининг «пишиқлик, мустаҳкамлик, бутунлик»ка далолат қилувчи луғавий маънолари эса матн тушунчасининг ички хусусиятларини англатади.

Матншунослик илмида ўрганиладиган «матн» тилшуносликдаги матн тушунчасидан фарқланади. Тилшуносликда матннинг кўриниши эмас, тузилиши кўпроқ эътиборга олинади. Шунинг учун бу соҳада *«матн нима?», «матннинг энг кичик бирлиги нимадан иборат?»* деган саволларга жавоб топиш бирламчи аҳамиятдаги масала сифатида қаралади.[1] Матншуносликда эса ҳар қандай ёзув матн саналади. Албатта, бунда матнни ташкил этувчи муайян маъно қаторларининг лисоний қолипидан ташқаридаги, фақат ёзув ва белги кўринишидаги (масалан, котибнинг тасодифий бир сўзни тушириб қолдириши ёки қўшиб юбориши ёхуд тўкилган сиёҳ изи каби) беихтиёр содир этилган хатоларнинг қўлёзма матнига алоқаси йўқ.[2]

Муайян матннинг пайдо бўлишидан то охирги ҳолатигача давом этган ўзгаришлар силсиласи *матн тарихи*ни ташкил қилади. Аксар матнлар маълум вақт мобайнида субъектив (муаллиф, котиб, нашрга тайёрловчи, муҳаррир) ва объектив (ижтимоий) омиллар таъсирида ўзгаришга уч-

---

[1] Қаранг:М.М.Бахтин. Эстетика словесного творчества. М.: Искусство,1979; Ролан Барт. Избраннные работы: Семиотика.Поэтика. –М., 1989; М.Йўлдошев. Бадиий матн лингвопоэтикаси. Т.: «Фан», 2008; Ё.Тожиев. Матнга ёндашув // Илмий мақолалар тўплами: Тилшуносликнинг долзарб масалалари. Т.: «Akademnashr», 2010, 197-204 б.

[2] Лихачев Д.С. Текстология. На материале русской литературы X–XVII в.в. –М.-Л.: Академии Наук СССР, 1962. – 602 с.

райди. Матншуноснинг вазифаси мана шу ўзгаришларни аниқлаш, уларни тарихий, илмий далиллар билан асослаш ва шу йўл билан асл матнни тиклашдир.

«Саботул ожизин» асари матншунослик тушунчалари мезонига кўра кўп нусхали матн турига киради. Ўзбек матншунослиги тарихида кўп нусхали матн тарихини тиклашнинг умумий назарий тамойиллари ишланмаган, балки бу масалада муайян манбагагина хос тажрибалар, ёндашувлар кузатилади. Шу тажриба ва ёндашувларни танқидий ўрганиб, «Саботул ожизин»нинг ишончли матнини тиклаш жараёнида қуйидаги тўрт тамойилдан фойдаланилди:

– **хиллаш** (*кўп нусхали матнни турларга ажратиш: қўлёзма, тошбосма, босма*);

– **таснифлаш** (*хилланган матн турини саналар бўйича ажратиш: аср, йил, ой*);

– **қиёслаш** (*қўлёзмаларнинг хати ва матн тўлиқлиги солиштирилади: бадхат, хушхат; матннинг боши ва охири бўлгани ҳолда, айрим байтларнинг тушиб қолиши,бошланиши йўқ қўлёзмалар, охири йўқ қўлёзмалар, бошланиши ҳам, охири ҳам йўқ қўлёзмалар*);

– **саралаш** (*қиёс натижасида сараланган нусхаларнинг «матн бутунлиги» аниқланади. Яъни, қадимийлик, тўлиқлик, хуснихат, сақланиш сифатининг яхшилиги каби қиёс учун муҳим жиҳатларнинг имкон қадар битта қўлёзма матнида жамланиши – «том бутунлик»ни, биттадан ортиқ қўлёзма матнлари асосида жамланиши – «матнлар аро бутунлик»ни англатади*).

Хиллаш ва *таснифлаш* тамойилларига оид бошланғич маълумотлар олдинги фаслда мавзу доирасида изоҳланди ва тадқиқот натижалари «Қўлёзмаларнинг шартли хронологик нисбати» бўлимида умумлашма ҳолида акс эттирилди. Қуйида мазкур натижаларнинг *қиёслаш* ва *саралаш* тамойиллари билан боғлиқ жиҳатлари хусусида кенгроқ тўхталамиз.

«Саботул ожизин»нинг ЎзРФА ШИ ва жаҳон фондларида, шунингдек, шахсий кутубхоналарда мавжуд 200 га яқин қўлёзма ва тошбосма нусхалари тадқиқотимизнинг

умумий мурожаат манбалари саналиб, уларда матн тарихи билан боғлиқ анчагина маълумотлар сақланган. Бу маълумотларни илмий тизимга солиш учун матн тарихини ўрганиш ишини тўрт босқичда кечадиган қиёслаш ва саралаш тамойилларини татбиқ этишдан бошладик.

Аввалги босқичда «Саботул ожизин» нусхалари палеографик текширув натижалари (қоғоз ва хат тури, қўлёзманинг сақланиш ҳолати) асосида саналар бўйича уч қисмга ажратилди:

1. XVIII аср;
2. XIX аср;
3. XX аср.

Иккинчи босқичда ҳар учала гуруҳ қўлёзмаларининг хати ўзаро солиштирилди. Барча қўлёзмалар настаълиқ хатида битилган бўлиб, XVIII асрга оид нусхаларида дағаллик (баъзан насхга мойиллик), XIX аср оид нусхаларда нафислик, XX асрга оид нусхаларда ҳуснихат ва бадхатлик қоришиқ келгани кузатилди.

Учинчи босқичда саналар бўйича ажратилган ҳар бир қўлёзма матнининг тўлиқлигига кўра ўзаро қиёсланди. Натижаларни шундай умумлаштириш мумкин:

– матннинг боши ва охири бўлгани ҳолда, айрим байтлар тушиб қолган;
– бошланиши йўқ қўлёзмалар;
– охири йўқ қўлёзмалар;
– бошланиши ҳам, охири ҳам йўқ қўлёзмалар.

Тўртинчи босқичда ўзаро қиёс натижасида саралангган нусхаларнинг «матн бутунлиги» аниқланди. Қадимийлик, тўлиқлик, ҳуснихат, сақланиш сифатининг яхшилиги каби қиёс учун муҳим жиҳатларнинг имкон қадар битта қўлёзма матнида жамланиши – «том бутунлик»ни, биттадан ортиқ қўлёзма матнлари асосида жамланиши – «матнлар аро бутунлик»ни англатади. Афсуски, «Саботул ожизин» қўлёзмалари ичида «том бутунлик»ка даъвогар нусха учрамади. Энг қадимий ҳисобланган A1057 қўлёзманинг ҳам боши йўқ, ўрталарида бутун бўлимлар тушиб қолган. Нисбатан тўлиқ нусха C2 қўлёзмаси ва «Ҳидоятут толибин»

шарҳидаги матн вариантидир. Бу учта манбани «Саботул ожизин» илмий-танқидий матни учун асос нусхалар сифатида танладик. Асос нусхалар ишончли матнни тиклаш силсиласининг аввалги ҳалқасини ташкил қилади. Нусхаларнинг ҳалқада жойлашиш ўрнини даражасига кўра, шундай кетма-кетликда бериш мумкин:

1) A1057;
2) C2;
3) «ҲТ» [1]

Ўзаро муқояса жараёнидан сўнгги хулосамиз шундай бўлдики, бу нусхалар бир умумий манбадан кўчирилган эмас. Сарлавҳаларнинг номланишидаги, бўлимларнинг тузилиши, сўзларнинг фонетик-график кўриниши, морфологик шаклидаги тафовутлар шундай хулосага келишимизга сабаб бўлди. Агар илмий-танқидий матнни бир бутун организм сифатида тасаввур қилсак, A1057 қўлёзмаси унинг «суяги», қолган икки нусха матни «эт» вазифасини ўтади. Яъни, A1057 да тушиб қолган байтлар C2 нусхада мавжуд матнлар билан тўлдирилди, баҳсли ўринларда «ҲТ» матнига мурожаат қилинди. Чунки «ҲТ» матни, биринчидан, 5 та қўлёзма ва тошбосма нусхаларни ўзаро қиёслаш натижасида юзага келгани билан эътиборга лойиқ. Қолаверса, саралаш жараёни «Илмий-танқидий матн ва қўлёзма китобларни нашрга тайёрлаш асослари»[2] китобида айтилганидек, «бошқа нусхалар билан ўзаро таққослаш натижасида тайёрланган нусха таққосланмаган нусхадан афзал» қоидасига амал қилишни тақозо этади. Иккинчидан, бу матнга шарҳ илова қилинган. Учинчидан, манбашунослик ва матншунослик нуқтаи назаридан мазкур шарҳнинг ўзигача ва ўзидан сўнг қилинган шарҳлардан мақоми анча баланд.

Ишончли матнни тиклаш силсиласининг иккинчи ҳалқасини A1074, 2061 рақамли қўлёзмалар матни ва

---

[1] «Ҳидоятут толибин» шарҳидаги матн вариантини «ҲТ» шартли қисқартмаси билан белгиладик.

[2] «اصول النقد النصوص و نشر الكتاب» دوكتورمحمد حمدى بكرى. 1931.ص:4

«»Иршодул оъизин» шарҳининг матн варианти ташкил қилади. «Шарқшунослик институтидаги туркий қўлёзмаларнинг тавсифи»[1] катологида A1074 қўлёзмасининг кўчирилган йили ҳижрий 1254, милодий 1838/39 деб кўрсатилган. Лекин қўлёзма билан шахсан танишар эканмиз, колофонда келтирилган қуйидаги маълумотлар юқоридаги санани шубҳа остига қўйди:

اتممت اتماما. كاتب هذه النسخة الشريفة عبد الضعيف الحقيرو الفقير محمد كريم بن ابراهم غفر الله تعالى لى ولوالدى ولجميع المؤمنين و المؤمنات و المسلمين و المسلمات. سنة ٤٥٢١ماهى محرم ننك ٥١. ١٧٨٩سنة.

Яъни: *«Тўла тамомладим. Бу шариф нусханинг котиби – Оллоҳнинг ожиз, ҳақир ва фақир бандаси Муҳаммад Карим Иброҳим ўғли, Оллоҳ таоло мени ва барча мўмин-мусулмонларни мағфират қилсин. 12(?)4 муҳаррам ойининг 15, (милодий) 1789 йил»*.

Котиб қўлёзманинг кўчирилган йилини милодий санада 1789 деб кўрсатган. Ҳижрий ҳисобда бу 1204 бўлади. 1204 нинг араб рақамларидаги ифодаси – ١٢٠٤. Нолни ифодаловчи нуқта (٠) сал каттароқ қўйилса, беш (٥)га айланиб қолади. Бундай ҳолат қўлёзмаларда кузатилади. Чамаси, бу ўринда котиб шундай янглишга йўл қўйган. Акс ҳолда милодий ҳисобни ١٧٨٩ – 1789 деб ёзмаган бўларди.

Демак A1074 қўлёзмаси қадимийлиги учун иккинчи ҳалқа нусхалари орасидан жой олди. Бундан ташқари мазкур нусха матни сўзларга ҳаракатлар қўйилгани, яъни қисқа унлилар ёзувда акс эттирилгани, мисралар ва байтлар аро вақти-вақти билан изоҳлар бериб борилгани билан ҳам ажралиб туради. Масалан, «Саботул ожизин»даги талқини мураккаб ҳисобланган *«Каломи ҳақдаким яд айлади ёд»* мисрасидаги «*Калом*» лафзининг тагига فى قرآن

[1] Димитриева Л.В. Описание тюркских рукописей института востоковедения. М.: Наука, 1980, С.95

– «Қуръонда», ياد сўзининг устига эса «эсламоқ», «ёдламоқ» маъносидаги ذكر калимаси ёзиб қўйилган. Мисрадаги «*яд*» сўзи эса матн остида шундай изоҳланган: «*Яъни Каломи шарифда Оллоҳ таоло «яд» лафзи зикр қилди. Аммо «қўл» маъносида дагил (эмас)дур. Балки Ҳақ таолонинг бир сифати. Имомлар баъзиси «қудрат» маъносида таъвил қилган*».[1]

2061 қўлёзма ЎзРФА ШИ Ҳ.Сулаймон фондидаги энг қадимий нусха бўлгани ва саводли кўчирилгани эътиборидан иккинчи ҳалқанинг иккинчи ўриндаги манбаси сифатида белгиланди. «Иршодул оъизин» «Саботул ожизин»нинг босма матнлари орасида қадимий ва шарҳ жиҳатидан ишончлироқ бўлгани учун танланди.

Ишончли матнни тиклаш силсиласининг учинчи ҳалқасини B4149, C1420, B317, C161, C1, «Рисолаи Азиза» шарҳининг матн варианти ташкил қилади. B4149, C1420, B317 қўлёзмалар қадимий бўлса-да, иккинчи ҳалқага кирмаганлигининг сабаби, бу нусхаларда A1074 қўлёзмаси билан бўлимларнинг жойлашишида, сўзларнинг ёзилишида ва нуқсонли ўринларда умумий ўхшашликлар мавжуд. Агар жузъий фарқларни ҳисобга олмаса, гўё бу нусхалар битта манбадан кўчирилгандек таассурот уйғотади. Шунга кўра, бу нусхалар тўпида айрим афзалликлари билан A1074 қўлёзмаси етакчилик қилди ва иккинчи ҳалқанинг биринчи ўриндаги манбасига айланди. C161, C1 нусхаларда C2 қўлёзма билан умумий жиҳатлар кузатилди. C2 қадимийроқ ва тўлиқроқ бўлгани учун бу нусхалардан афзал деб топилди. «Рисолаи Азиза» шарҳи «Иршодул оъизин»дан қадимийроқ бўлса-да, учинчи ҳалқага тушиб қолганининг боиси, шарҳлар ўртасидаги ишончлилик даражаси билан боғлиқ.

Демак, ишончли матнни тиклаш силсиласи ўзаро боғланган уч ҳалқадан иборат бўлди. Биринчи ҳалқадаги учта – A1074, C2, «ҲТ» манбалар «асос нусхалар» деб номла-

[1] A1074, қўлёзма, Россия фанлар академиясининг Шарқ қўлёзмалари институти (Санкт-Петербург) фонди, 52 а бет.

ниб, матннинг пойдеворини ташкил этди. Иккинчи ҳалқадаги учта – A1074, 2061, «ИО»[1] манбалар «фаол нусхалар» деган ном билан матндаги муҳим тафовутларни кўрсатишга хизмат қилди. Учинчи ҳалқадаги олтита – B4149, C1420, B317, C161, C1, «РА»[2] манбалар «ёрдамчи нусхалар» номи билан аталиб, зарур ўринларда иккинчи даражали фарқларни акс эттирди.

«Том бутунлик» тамойилининг бирламчи аломати қўлёзманинг қадимийлиги билан характерланади. Асос нусхаларнинг иккитаси «Саботул ожизин» қўлёзмаларининг ҳозирги кунда энг қадимий ҳисобланган нусхаларидир. Тўғри, Россия фанлар академиясининг Шарқ қўлёзмалари институти (Санкт-Петербург) фонди каталогида A1057 дан ташқари яна саккизта қўлёзманинг XVIII асрга оидлиги кўрсатилган. Мазкур нусхаларни бирма-бир ўрганиб, аввало, ҳеч бир нусхада матннинг кўчирилган йили қайд этилмаганига, қолаверса, палеографик кузатувларимиздан келиб чиқиб, матннинг кўпроқ XIX асрга тааллуқли эканига гувоҳ бўлдик. Биз танлаган нусхаларнинг деярли ҳаммасида қўлёзманинг кўчирилган йили аниқ кўрсатилган.

Танланган қўлёзмаларнинг аксари ҳуснихат билан ёзилгани, сақланиш ҳолати сифатли эканига қарамасдан, матн тўлиқлиги масаласида фарқлар бор. A1057 нусха матни «Китоб таълифининг баёни» бўлимидан бошланган бўлиб, ундан олдинги ҳамд ва наът бўлимлари, шунингдек, «Фақирларни ҳақир кўрмамак», «Хиёнатдан йироқ бўлмоқ баёни» бўлимлари мавжуд эмас. Бу бўлимларнинг айрим қисмлари «Эшон Сўфининг ёронларга видо қилганлари» бўлимидан сўнг қўшилган. Баъзи байтларнинг, бутун бошли бўлимларнинг тушиб қолиши C2, 2061 нусхаларида ва «Ҳидоятут толибин» вариантида ҳам учрайди.

---

[1] «Иршодул оъизин» шарҳидаги матн вариантини «ИО» шартли қисқартмаси билан белгиладик.

[2] «Рисолаи Азиза» шарҳидаги матн вариантини «РА» шартли қисқартмаси билан белгиладик.

Қўлёзмаларни қиёслаш жараёнида танланган нусхаларда бошқа нусха матнларида учрамаган янги байтлар аниқланди: А1057, А1074, С2 рақамли қўлёзмаларнинг «Кавсар ҳовузининг баёни» бўлимида:

Анинг улуғлиги бир ойлиқ йўл,
Муни албатта қил зеҳнга маъқул.

Асалдин балки сучук тамъи анинг,
Ичарсан гар эрур Ҳақ меҳрибонинг.

С2 нусхада «Мусаннифнинг васиятлари» бўлимида (А1057 да иккинчи байт ҳошияда келтирилган):

Кўзумнинг сувратин вайрон этинглар,
Қаро туфроқ ила яксон этинглар...

На ким киргану чиқғон тепсун ўтсун,
Мазаллат гарди хокин сепсун ўтсун.

«Ҳидоятут толибин» вариантидаги «Муножот» номли 34-бўлимда ва «Эшон Сўфи ёронлариға видо қилғонлари» бўлимида:

Эрур жовид лутфунг баҳридур жўш,
Эрур биз чун хатогар, Сан хатопўш.

Агарчи барча ишим бўлди маъйуб,
Мани айбимни лутфинг ёпмоғи хуб...

Пушаймонман паришон ўткан ишдин,
Баҳору тийрамоҳу ёзу қишдин.

Шунингдек, учта ҳалқа нусхаларига кирмаган Гунбади қобус–Ҳожи Тиллойи нусхаси[1]нинг «Хотиматул китоб» бўлимида:

[1] Баъзи афзалликларига кўра илмий-танқидий матнда бу нусхага ҳам мурожаат қилинди, шартли қисқартмаси – «ГҚ».

Қаро қон йиғладим, туттим қаламни,
Туну кун эшитиб мандин аламни.

Барча нусхаларда «Саботул ожизин»нинг охири ушбу байт билан ниҳояланган:

Ҳижоби мағфират ёпгай хатоға,
Сазовор айлағай турлук атоға.

Гунбади қобус–Ҳожи Тиллойи нусхасида мазкур мисралардан сўнг шундай байт қўшимча қилинган:

Хатосини тузатсун барча ёрон,
Хатосиздур яратғон эркли Субҳон.

«Саботул ожизин»нинг «кўз ўрганган» оммавий матни учун янгилик бўлган бу байтлар ҳақиқатан ҳам Сўфи Оллоёр қаламига мансуб эканига мазкур нусхаларда келтирилганидан бошқа далил йўқ. Лекин С2 нусхада ва «Ҳидоятут толибин» вариантида келган юқоридаги байтларда «Саботул ожизин» услуби яққолроқ сезилади.

Бўлим сарлавҳалари турли нусхада турлича номланган:

1) А1463 – *«Наъти набий соллаллоҳу алайҳи васаллам»*;
21131 – *«Фи наътин набий соллаллоҳу алайҳи васаллам»*;
С1 – *«Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сифатларининг баёнида»*;
Ҳ.Т. – *«Наъти Расулуллоҳ»*;
С2, С160, С161, 7153/1 – сарлавҳа йўқ, бўлимлар ораси бўш қатор билан ажратилган.

2) 2106 – *«Дар баёни тавҳиди вожиб таоло»*;
21131 – *«Оллоҳ таолонинг маърифатининг баёни»*;
2061 – *«Тавҳиди Худой таолонинг баёни»*;
Ҳ.Т. – *«Тавҳиди Борий таоло»*;
С1, А1074, А1057, А1463 – йўқ.

3) С160 – *«Дар баёни сифати вожиб таоло»*;
С1 – *«Оллоҳ таолонинг саккиз сифатлари баёни»*;

Ҳ.Т. – *«Вожиб таолонинг сифати субутияси баёнида»*;
2061 – *«Худой таолони саккиз сифати баёни»*;
A1463 – *«Саккиз субутия сифати»*;
C2 – йўқ.

Баъзи нусхаларда Оллоҳга ошкоро муножот руҳида келган байтлар бўлимдан ажратиб, «Муножот» ёки «Муножоти бадаргоҳи қозиюл ҳожот» сарлавҳаси остига олинган. Масалан, A1057 ва «Рисолаи Азиза» матнларида «Иймоннинг баёни» бўлими шу тарзда иккига бўлинган. Айрим қўлёзмаларда икки бўлим қўшиб юборилган. A1057, A1463 нусхаларда «Сирот кўпруги баёни» билан «Муножот» бўлими алоҳида қисм сифатида ажратилгани ҳолда, C1, C2 ва Ҳ.Т.ларда улар ягона бўлим қилиб жамланган. 21131 босма нусхада бу икки бўлим гулдор безак билан ажратилиб, ҳошияда مناجات («Муножот») сўзи битилган.

Муқояса жараёнида аён бўлдики, «Саботул ожизин»нинг XIX аср охири ва XX асрга оид қўлёзма ва тошбосма нусхаларидаги сарлавҳаларнинг номланиши аксар форсий тил конструкциясида ҳосил қилинган. XVIII аср охири ва XIX аср аввалидаги нусхаларда эса бўлимлар деярли сарлавҳасиз ажратилган, сарлавҳа берилган ўринда ҳам улар имкон қадар туркийда ифодаланган.

Бу ҳолат бўлимларга турли даврларда турлича қўйилган сарлавҳаларнинг «муаллиф матни»га нисбатан (гарчи муаллиф матни – асл нусха ҳақидаги фикрларимиз тахминларга асосланган бўлса-да) шартлилик характерига эга эканини билдиради.

Аксарият нусхаларда «Саботул ожизин» матни тугаганидан сўнг «Рубоиййоти ба тариқи муножот» («Муножот йўлидаги рубоийлар») сарлавҳаси остида ҳар банди «Холиқо…» лафзи билан бошланувчи ўн саккиз бандлик тўртликлар келтирилади. Мазкур рубоийлар шаклининг соддалиги, тилининг равонлиги, руҳининг тиниқлигига кўра асар байтларига тўла ҳамоҳанг. Шунинг учун бўлса керак, Сўфи Оллоёр вафотидан йигирма йиллар олдин таваллуд

топган[1] Хўжаназар Ғойибназар ўғли Ҳувайдодек шоир ҳам бу рубоийлардан илҳомланиб, уларга ўз «назира»сини битган. Қуйида ҳар иккала муаллифнинг рубоийларидан келтирилган мисолларни жадвал орқали муқояса қиламиз:

Сўфи Оллоёр	**Ҳувайдо**
Холиқо, қоилман ўз нуқсонима, *Кўб жафо қилдим ўзимнинг жонима.* *Зоти покингдан иноят бўлмаса,* *Ҳеч ишончим йўқ амал қилғонима.*	*Холиқо, жабр айладим ўз жонима,* *Қўймадим тоат таомин хонима.* *Ҳарна иш қилдим, бари бўлди риё,* *Эътимодим йўқ амал қилғонима.*
Холиқо, тўкдум ибодат тосини, *Сан тузарсан банданинг камкосини.* *Қулларинг булғанса исён лойиға,* *Оқузарсан мағфират дарёсини.*	*Холиқо, тўктум ибодат жомини,* *Пухта қил бандангни кори жомини.* *Сан карамлик подшосан, ман гадо,* *Айлагил ҳуру қусур инъомини.*
Холиқо, қилдим гуноҳи беадад, *Жон берур ҳолатда Сан бергил мадад.* *Нафси шайтон илгидин қутқармасанг,* *Бўлди мушкил ҳолимизга, ё Аҳад.*	*Холиқо, сандин тиларман кўп мадад,* *Ҳам тирикда, жон чиқарда ё Аҳад.* *Сен агар ҳолимга ҳомий бўлмасанг,* *Озғирур йўлдин мани шайтони бад.*
Холиқо, ҳайф ўтди моҳу солимиз, *Бўлмади нофеъ ийолу молимиз.* *Сан ҳисобимизни осон этмасанг,* *Рўзи маҳшарда не кечгай ҳолимиз?!*	*Холиқо, ҳайф ўтти мандин моҳу сол,* *Тун-кун фикру хаёлим бўлди мол.* *Тонгла мандин олсалар бир-бир ҳисоб* *Оҳ, билмасман на бўлғай анда ҳол.*

[1] Қаранг: Девон. Хўжаназар Ҳувайдо. Т.: «Янги аср авлоди», 2007, 4-бет.

Холиқо, лутф айла жаннатун наъим, *Қилмағил ҳаргиз гирифтори жаҳим.* *Ман гуноҳлик қул эрурман, Сан ғофур,* *Ман хатолик бандадурман, Сан карим.*	*Холиқо, кўп айладим фисқу фужур,* *Санга на бергум жавоб явман нушур.* *Ман гуноҳлик қул эрурман, Сан раҳим,* *Ман хатолик бандадурман, Сан ғофур.*
Холиқо, ё аввало, ё охиро, *Нафси шайтон жонима бўлди бало.* *Гарчи Оллоёр ўтарчидур ёмон,* *Қўймағил душман қўлунда мубтало.*	*Холиқо, кўп айладим журму хато,* *Манга Сандин кўп турур лутфу ато.* *Бул Ҳувайдойи ғариб Чимёнийни,* *Қилмағил нафсу ҳавоға мубтало.*

Шунингдек, «Саботул ожизин» нусхаларида мазкур рубоийлардан кейин Сўфи Оллоёрга нисбат берилган ғазаллар ҳам учрайди. Масалан:

Юрагимни тиғи ҳажринг қилаберди пора-пора,
Кима айтайин бу дардим, на илож этган, на чора.

Аламингда кетди жоним, дам олурга йўқ мажолим,
Рангу мағзи устихоним на илож этар бу кора.

На кўнгулдадир қарорим, на юзумда шарму орим,
Сенга бердим ихтиёрим мани қўйма ихтиёра.

Юрагим ишқ ўтига ғаму ҳасратим гувоҳе,
Сипоҳи чиқар кўксум оҳи эримасму санги хора.

Дегамен чеккан табъдин доғиким бўлур хабарим,
Ғаму кулфатимға сўнгра бўладир муқим шумора.

---

1 Девон. Хўжаназар Ҳувайдо. (Нашрга тайёрловчилар: Исматуллоҳ Абдуллоҳ ва Қодирқул Рўзматзода) Т.: “Янги аср авлоди”, 2007, 262-264-бетлар.

Ҳама роҳатим қошимдин оқизилди кўз ёшимдин,
Бу жунун суви бошимдин тоша берди бор-бора.

Бу фақир, ҳақир Ўтарчи қул эрур, надур иложи,
Санга кўбтур эҳтиёжи, карам эт бу шармисора.[1]

Ёки:

Жон агар ҳам сиҳҳати тандур жаҳонда ғам ема,
Бу азиз меҳмон боринда ғуссаи олам ема.

Қавли бир эл олдида бошингни берсанг ярашур,
Зоти йўқ номард билан бир парчаи нон ҳам ема.

Бир қаричлик йўлға кирсанг қўйма бейўлдош қадам,
Бир мавиз олдингда ҳозир бўлса беҳамдам ема.

Икки кунлик лаззати дунёи бепоён учун,
Фикр этиб ғам тўъмасини, эй бани одам...ема.

Тангдаст ўлдум деб, Оллоёр кўб фикр этмагил,
Юз надомат бирла оламдин кетарсан ғам ема.[2]

Гарчи ғазаллар мақтаъида «Оллоёр» исми зикр қилинган бўлса-да, «Саботул ожизин» байтлари билан яқиндан таниш киши мазкур ғазалларни дабдурустдан «Сўфи Оллоёрники» дейишга кўнмайроқ туради. Тўғри, ҳар икки мисраси қофияланиб келувчи маснавий воқелигининг бир бутун манзумада яхлит ва изчил баёни билан ҳар байти мустақил тугалликка эга ғазал жанрининг ифода йўсини ўртасида фарқ бўлиши табиий. Лекин бу ўринда гап жанрлар ўртасидаги фарқланиш эмас, услубдаги ҳар хиллик устида кетяпти. Ҳар бир ижодкорнинг ўзигагина хос услу-

[1] «Кўзинг ибрат била оч» (нашрга тайёрловчи: И.Сувонқулов), Самарқанд, 2011, СамДУ босмахонаси, 39-бет.

[2] Шу манба 38-бет.

би, тили, завқи, қочирим, рамз, ишоралари бўлади. Ижодкор қайси мавзуда, қайси жанрда ёзмасин, ўз қолипидан ташқарига чиқолмайди. Шунинг учун ҳам унга тегишли матнни, гарчи исми зикр қилинмаса-да, битта сўзидан танийсиз. Чунки ўша сўзга унинг услуби, тили, завқи, қочирим, рамз, ишораларининг ранги ўтган. Бу кўринадиган эмас, сезиладиган ранг. Сезги – интуиция эса, «алдов» дунёга келишидан олдин туғилган мавжудликдир.

Агар мазкур ғазаллар (шунингдек, баъзи нусхаларда ғазаллар билан биргаликда келган мураббаъ, мухаммас, шеърий мактублар[1]) чиндан ҳам Сўфи Оллоёрга тегишли бўлса, муаллифнинг бу ижод намуналари «Саботул ожизин» кўтарилган мақомга ета олмагани аниқ. Бундан ташқари, вазндаги сакталик ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Доктор Муҳаммад Ҳамдий Бакрий «اصول النقد النصوص و نشر الكتاب» («Илмий-танқидий матн ва қўлёзма китобларни нашрга тайёрлаш асослари») китоби[2]нинг «النسوخ» («Нусхалар») деб номланган биринчи бўлимида илмий-танқидий матн тайёрлаш билан шуғулланувчи матншуноснинг қўлёзма асар нусхаларининг ишончлилик даражасини аниқлаш, нусхаларнинг афзал томонларини ўзаро қиёслар асосида фарқлаш каби вазифаларини таъкидлаб, қуйидаги тўртта қоидани эслатади:

1) тўлиқ нусха чала нусхадан афзал;

2) хати равшан нусха бадхат нусхадан афзал;

3) қадимий нусха замонавий нусхадан афзал;

4) бошқа нусхалар билан ўзаро таққослаш натижасида тайёрланган нусха таққосланмаган нусхадан афзал.

---

[1] И.Сувонқулов нашрга тайёрлаган «Кўзинг ибрат била оч» (Самарқанд, 2011, СамДУ босмахонаси) китобида Сўфи Оллоёрнинг ғазал, рубоий, шеърий мактублари ва форс-тожикча ғазаллари тўпланган.

[2] Бу асар олмон шарқшунос олими доктор Бергштрауснинг 1931 йил Қоҳира университети адабиёт факультети араб тили бўлими магистрларига ўқилган маърузалари асосида ёзилган.

Олим охирги икки қоиданинг олдингиларидан аҳамиятли эканини таъкидлаб, бундай нусхаларни «нафиса» (қадрли) ва «қоййима» (қиммати баланд) лафзлари билан изоҳлаган.

Аслиятга яқинлиги эътиборидан муаллиф яшаган даврга яқинроқ йилларда кўчирилган нусханинг кейингилардан афзаллиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Шунингдек, ўзаро қиёслар асосида сараланган нусханинг қадри баландлигига ҳам шубҳа йўқ. Умуман олганда, бу ҳукмлар тўғри, аммо жараёнда туғиладиган баъзи ҳолатлар мазкур қарашларни бироз тўлдиришни тақозо этади.

«Саботул ожизин» қўлёзмаларини қиёсий ўрганар эканмиз, энг қадимий А 1057 нусхаси ҳам хатолардан холи эмаслиги аён бўлди. «Умрнинг фонийлиги баёни» бўлимида: «Керак аҳли карам халқ этгали *жамъ*» (جمع) мисрасидаги охирги сўз А 1057да «*жамиъ*» (جميع) деб кўчирилган, аслида қуйидагича бўлиши керак эди:

Керак аҳли карам халқ этгали жамъ
Ўзини дамбадам кам этса чун шамъ.

Ёки «Тамаъдан тийилиш ҳақида» бўлимидаги «Ола бўлғон ола юрғондин ортиқ» мисрасидаги аввалги *ола* (الا) сўзи А 1057да *олой* (الای)деб ёзилган. Аслида мана бундай бўлиши лозим эди:

Ола бўлган ола юргандин ортиқ,
Кўмулган термулиб тургандин ортиқ.

«Саботул ожизин»га ёзилган шарҳларда мазкур байт турлича изоҳланган. «Рисолайи Азиза», «Иршодул оъизин» ва Теҳронда нашр қилинган Ҳожи Тиллойи нусхасидаги изоҳнинг мазмуни шундай: камбағалликдан кийиминг ола-була ямоққа тўлиб кетган бўлса ҳам ўзингни тий. Бу юришинг бировлардан сўраб олиб, тиланчилик қилгандан ортиқроқ. Юзингнинг неча қават терисини шилиб, кимсага муҳтож

термулиб тургандин кўра ўлганинг афзалроқ. «Ҳидоятут толибин» шарҳида эса мисра сал бошқачароқ талқин этилган: «Инсонни пес бўлуб, териси ола-була бўлмоғи, бировларни молу матоъига кўз олайтириб юргандин ва тамаъ этгандин ортуқ ва яхшидур. Ва ё пес бўлуб юрмоқ, мунофиқлар каби икки юзлама юрмоқдин зиёда ва яхшидур...»

Шарҳлардан аён бўладики, бу ўринда *олой*дан кўра ола бўлгани мақсадга мувофиқ. Шунингдек, «Мусаннифнинг ожизлик ва шикасталик билан айтган сўзлари» бўлимида «Ёқони тут, ажал тутмай ёқони» мисрасидаги *тут* ўрнига А 1057 нусхада *ол* сўзи келтирилган. Деярли барча қўлёзма ва тошбосма нусхаларда бу байт қуйидагича берилган:

Бақодур дема, айши бебақони,
Ёқони тут, ажал тутмай ёқони.

Мазкур мисрада *ол* сўзидан кўра *тут* лафзининг қўлланиши ўринли эканига икки далилимиз бор. Биринчидан, Сўфи Оллоёр тилининг ўзига хос хусусиятларидан бири, олдин таъкидланганидек, бир ўзакдан ясалган, аммо маъноси турлича сўзларнинг бир байтда жамланиши, биринчи ёки иккинчи мисранинг шаклий яқинликка эга сўзлар асосига қурилиши, умуман, тажнис санъати билан боғлиқ бундай «топилма»ларнинг байтлару мисралар оралаб сочиб чиқилишидир. Юқоридаги мисрада айни хусусият акс этган. Иккинчидан, Сўфи Оллоёр халқ орасида тарқалган машҳур ёхуд нодир ҳолатни илҳом завқи билан айни пайтида келтириш орқали мазмуннинг таъсирчанлигини оширади. Халқимизда хато бир ишни қилиб қўйганида ёқасини тутиб, «тавба қилдим» деган одат бор. Бақоси йўқ бу дунёнинг бебақо айшини абадий деб ўйлаш ва шу ўйда яшаш ана шундай тавбани тақозо қиладиган хатодир. Албатта, «ёқони ол» деганда ҳам шу мазмун тушунилади, лекин бу ифодада «оллоёрона» руҳ йўқ.

Бундай мисоллар энг қадимий ҳисобланган А 1057 рақамли қўлёзмада кўп бўлмаса-да, учрайди. Демак, бу кузатишларимиз энг қадимий деб топилган қўлёзмани ҳар

доим ҳам аслият ўрнида қабул қилиб бўлмаслигини кўрсатади ва илмий-танқидий матнни тайёрлашда қадимий нусханинг асос сифатидаги дахлсизлигини шубҳа остига қўяди.

«Бошқа нусха билан таққосланган нусха таққосланмаганидан яхшироқ» деган тўртинчи қоиданинг муҳимлигини «Ҳидоятут толибин» шарҳига асос бўлган матннинг тайёрланиш жараёнини ўрганиш орқали далиллаш мумкин.

Саййид Ҳабибуллоҳ шарҳнинг «Сабаби таълиф» бўлимида қуйидаги сўзлар билан кўп нусхали матнлар устида олиб бориладиган матншунослик тадқиқотининг асосий вазифасини айтган: «...қаламий нусхалар топилса, аларни бир-бириға муқобил этиб, бир нусхайи саҳиҳа қўлга келса». Шориҳ тасҳиҳ учун «Саботул ожизин»нинг қўлёзма ва тошбосмадан иборат 5та нусхасини танлаган. Уларнинг тайёрловчиси, ноширн ҳақида маълумот йўқ, фақат ким орқали келгани айтилади, холос. Сўнгра нусхаларни ўрганиш жараёни ҳақида хабар берилади. Нусхаларни ўзаро қиёслаб текшириш(тасҳиҳу тансиху муқобала)да шориҳнинг ўғиллари Саййид Сайфуллоҳ ва биродари қори Саййид Ҳорун ибн Саййид Абдулаҳадхон Косоний қатнашган. Дўстларининг илтимосига кўра, шарҳ ёзишни ният қилиб, ишни татар олими Тожуддин охунднинг «Рисолайи Азиза» шарҳини тўла ўқиб чиқишдан бошлаган. Шарҳдаги хато жойларини белгилаб чиққан. Кейин бир неча ой ичида ўз шарҳини ёзиб тугатган. Шунингдек, «Саботул ожизин»и машҳур ба Сўфи Оллоёр» номли Мусо афанди Шомда чоп қилган нусха ҳақида махсус тўхталган, нусхадаги нуқсонларни очиқ айтган. Бўлим охирида шарҳнинг услуби баён қилинган. Байтлар сони 1663 та экани қайд этилган. Саййид Ҳабибуллоҳнинг «Саботул ожизин» матни бўйича олиб борган бу тажрибалари бугун ҳам матншунослик амалиётида қўлланилиши лозим бўлган масъулиятли вазифалардан биридир.

Умуман, мазкур фаслда ишончли матнни тиклаш жараёнида татбиқ этилган силсилавий тизим, хусусан, хиллаш, таснифлаш, қиёслаш, саралаш каби тўрт тамойил кўп нусхали қўлёзмалар устида олиб бориладиган матншунослик

тадқиқотларида бошланғич умумий мезон вазифасини ўташи мумкин.

4.3. Муаммо ва ечим: илмий-танқидий матн имкониятлари

Дунёдаги ҳар бир халқ ўзининг ёзма тарихига эга. Бу тарихни ўрганишда ҳеч бир манба ёзма ёдгорликлардек батафсилликка даъво қилолмайди. Аждодларимиз ҳаётини бутун тафсилотларигача бағрига жойлаган қўлёзма манбалар ўтмиш билан бугунни боғловчи кўприк. Инсоний тамаддун тарихида қадимий қўлёзмаларнинг аҳамияти шу даражада экан, бу бебаҳо маънавий меросга чинакам ворис бўлиш учун уларни чуқур ўрганиш, ўрганилганда ҳосил бўлган билимни оммалаштириш талаб қилинади. Аждодлардан қолган маънавий мулкни ўзлаштириш, яъни «ўзиники қилиб олиш» айни жараёндан – билимнинг оммалашувидан бошланади.

Шу маънода, матбаа ихтироси нафақат китобат тарихида, балки инсоний фикр, инсоний маданият тарихида ҳам янги асрни бошлаб берди. Матбаа соҳаси саноатлашгач, илгари битта ёки бир неча нусхадагина кўчириш мумкин бўлган китобни юзлаб, минглаб нусхада кўпайтириш имкони туғилди, кенг халқ орасида қўлёзма китоблар асрида бўлмаган фикрлар оммалашуви юзага келди. Табиийки, матбаачилик фаолияти билан боғлиқ бу ҳолат қўлёзма манбаларни нашр қилиш қонун-қоидаларини ишлаб чиқишни кун тартибига қўйди.

Вазифанинг оғирлиги шунда эдики, матншунослик иши даставвал, ҳар хил ижтимоий-сиёсий сабабларга кўра, дунёнинг турли кутубхоналарига тарқалиб кетган муайян қўлёзма нусхаларини аниқлаш, аниқлагандан сўнг кейинги тадқиқот учун уларни жамлашни тақозо қилади. Матншунос ўзи ўрганаётган қўлёзма асарнинг турли нусхаларини қўлга киритар экан, энди унинг олдида «қайси нусха нашр қилишга ҳақлироқ» деган принципиал савол туғилади. Қадимийроғими ё замонавийроғи? Тўлиғими

ёки ноқиси? Хушхатими ё бадхатроғи? Ишончлисими ёки ишончсизроғи? Бу саволларга жавоб топиш назарий жиҳатдан осон кўринса-да, уларнинг амалий татбиқи енгил кечмайди. Ҳар доим ҳам қадимийроқ нусха замонавийроғидан ёки тўлиғи ноқисидан етакчи бўлолмайди, балки бунинг акси ҳам бўлиши мумкин.

Нашр учун мувофиқ нусха танланди ҳам дейлик, энг серзаҳмат жараён шундан сўнг бошланади, бу – матн таҳқиқи масаласидир. Таҳқиқ жараёни матндаги ҳар бир сўз, ҳар бир жумланинг муаллиф матнига мувофиқлигини илмий далиллар билан ҳар томонлама асослашдан иборат. Бу фаолият билан шуғулланувчи олим шарқда «муҳаққиқ» атамаси билан номланган.

Манбашунос олим Абдуссатор Абдулҳақ Ҳалужий[1] ва Башшор Аввод Маъруф[2]нинг хабар беришича, қўлёзма асарлар таҳқиқи бўйича соҳа олимларининг фикри хилма-хил. Баъзиларининг айтишича, қўлёзмани нашрга тайёрлаётган муҳаққиқ учун муҳими, бир нечта нусхани ўрганиш билан чегараланиш, улар ичидан битта нусхани танлаб, ўртадаги фарқларни кўрсатиб нашр қилиш. Бошқаларининг фикрича, муҳаққиқнинг вазифаси таҳқиқда муқобил нусхалар билан чегараланиб қолиш эмас, балки қайси нусха матни қайсисидан келиб чиққанини аниқлаш ва шу йўл билан аслиятни тиклашдир. Яна бир гуруҳ олимлар таҳқиқ жараёнига имкон қадар кўпроқ нусхаларни жалб қилиш лозимлигини уқтирадилар. «Матн аниқлиги»(ضبط المتن)ни шарт қилиб қўйган бу олимларнинг билдиришича, матннинг ғоят даражада аниқлигига эришиш учун, зарурат бўлса, матнни ислоҳ қилиш, изоҳловчи қўшимчалар билан мазмунни очиш, ҳар бир ҳолатга таъриф бериш керак.

---

[1] عبد الحق الحلوجى. استاذ المكتبات آدب قاهرة"اصول النقد النصوص و نشر الكتاب" دوكتورمحمد حمدى بكرى. توطئة.عبد الستار

[2] «ضبط النص و التعليق عليه». الدكتور بشار عواد معروف. بيروت ١٩٨٢, ص.٦

Бу қараш жараёнда янги саволлар туғилишига сабаб бўлган. Тузатишлар, қўшимчалар, изоҳлар каттариб, ҳажми китоб матнидан ҳам ошиб кетса, матнга алоқадор фикрлар ҳошияда (матн остида) зикр қилингани яхшими ёки асл матндан ажратилиб, алоҳида, мустақил қисм сифатида берилганими? Шунингдек, матннинг нуқсон ва хатоларини тузатиб тақдим этган яхшими ё матнни қандай бўлса, шундайлигича бериб, хато ёхуд тўғри вариантларни ҳошияда кўрсатган афзалми?

Бу саволларга жавобни ўзбек матншунослиги тарихидан излаб кўрайлик. Матншунослигимизда олиб борилган ишларнинг аксар қисмида Навоий асарлари тадқиқот объектига айланган. Айтиш мумкинки, ўзбек матншунослиги Навоий асарларини нашрга тайёрлаш жараёнида шаклланди.

1947йил Иззат Султонов «Навоийнинг «Мезонул–авзони» ва унинг критик тексти»[1] мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Диссертация икки қисмдан иборат бўлиб, аввалги қисмда «Мезонул авзон»нинг илмий-танқидий матнини тайёрлаш принциплари ҳақида сўз борган. «Қўлёзманинг тасвири», «Фарқларнинг типлари», «Ишоралар, «Таянч қўлёзмага тузатиш киритиш принциплари» каби мавзулар тамойил сифатида саналиб, улар мисоллар ёрдамида далилланган. Иккинчи қисмда таянч нусханинг фотокопияси илмий-танқидий матн сифатида келтирилган. Нусхалар аро учровчи фарқли жиҳатлар таянч нусха матнидаги ўша сўз устига рақам қўйилиб, ҳаволада изоҳланган.

1956 йили «Хамса»нинг тўртинчи достони «Сабъаи сайёр»нинг илмий-танқидий матни нашрдан чиққан. Китоб аввалида илмий-танқидий матнни тайёрлаш принциплари ҳақида Порсо Шамсиевнинг сўзбоши мақоласи берилган. Мақолада илмий-танқидий матн учун битта таянч ва иккита ёрдамчи нусха танлангани, шулардан иккитаси

[1] Асосий кутубхона. РД/1, Алишер Навоий. Мезонул авзон. Тайёрловчи И.Султонов, 1947 й.

Навоий ҳаёт чоғида кўчирилгани айтилган. Нашрга тайёрловчининг фикрича, мазкур учта нусхадан бошқа «турли асрларда хилма-хил ўзгаришларга учраган нусхаларга мурожаат қилиш ишни мураккаблаштириб юборади, фарқлар сони кўпайиб, текстдан фойдаланиш қийинлашади. Бунга эса эҳтиёж йўқ. Чунки критик текст тузишдан кўзда тутилган мақсад фақат маълум асарнинг ҳар қандай шубҳа ва нуқсонлардан холи бўлган мустаҳкам ва ишончли нусхасига эга бўлиш, бу билан шу асардан бемалол фойдаланишга йўл очишдир».[1] Мақолада ҳар учала қўлёзмадаги ёзув билан боғлиқ ҳолатлар, ўзаро фарқлар ва уларнинг илмий-танқидий матндаги шартли белгилари изоҳланган. Илмий-танқидий матн араб босма ёзувида терилган. Ҳар бир бўлим ўн байт-ўн байтдан ажратилиб, рақамлаб чиқилган. Нусхалардаги фарқлар матн остида бериб борилган, матн ичида уларга ишора қилувчи белги мавжуд эмас.

1963 йили Порсо Шамсиев тайёрлаган илмий-танқидий матн асосида «Хамса»нинг яна бир достони «Фарҳод ва Ширин» чоп қилинди. Бу китобда ҳам олдинги нашрдаги тартиб такрорланганини кузатиш мумкин. Фарқи, муқояса учун танланган нусхаларнинг сони ортган, натижада, уларнинг номланиши бироз ўзгаришга учраган: *асосий таянч нусха; асосий ёрдамчи нусхалар; ёрдамчи нусхалар*. Шунингдек, «иш жараёнида айрим сўзларнинг ўқилишини аниқлашда бошқа қўлёзмаларга, ҳатто тошбосма нусхаларга ҳам»[2] мурожаат қилинган. 1970 йилда чоп этилган «Ҳайратул аброр» достонининг илмий-танқидий матнини тузишда асос нусхалар сони олтига етиб, шулардан учтаси тошбосма нусхалар экани айтилган.[3]

---

[1] Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. Илмий критик текст. (Тайёрловчи: Порсо Шамсиев), Т.: ЎзССР ФА нашриёти, 1956, IX-бет.

[2] Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. Танқидий текст. (Тайёрловчи: Порсо Шамсиев), Т.: ЎзССР ФА нашриёти, 1963, VII-бет.

[3] Алишер Навоий. Ҳайрат-ул-аброр. Илмий танқидий матн. (Тузувчи: Порсо Шамсиев), Т.: ЎзССР «Фан» нашриёти, 1970, IV-бет.

Ўтган асрнинг 60-йилларида «Хамса» матни тадқиқи билан параллел равишда, IV жилддан иборат «Хазойинул маоний» девонлари ҳам илмий-танқидий матн асосида нашрга тайёрланган. Нашр оммавий бўлгани учун ҳеч бир жилдда девонларнинг аслият ёзувидаги илмий-танқидий матни берилмаган. Аммо «Фавоидул кибар» девонига илова қилинган тўртта рангли жадвалдаги маълумот ва умумлашмалар девонларнинг илмий-танқидий матнини тайёрлаш жараёни нақадар серзаҳмат бўлганидан хабар беради. «Навоий ўзбекча қўлёзма девонларининг редакцион классификацияси» деб номланган биринчи жадвалда «Хазойинул маъоний» девонлари, шунингдек, илк девон, «Бадоъеул бидоя», «Наводирун ниҳоя» ва терма девонлардан иборат 20 та мўътабар нусхаларнинг ҳар бирида 16 та жанр бўйича келган асарлар ҳажми тасниф қилинган. Иккинчи жадвалда «Хазойинул маъоний»даги ғазал, рубоий ва муаммоларнинг алифбо бўйича келиш тартиби 9 та нусха мисолида кўрсатилган. Учинчи жадвалда «Хазойинул маъоний» девонларининг XV аср нодир қўлёзмалари асосида ҳақиқий хронологияси аниқланган. Тўртинчи жадвалда «Хазойинул маъоний»нинг тўрт девонга шартли тақсимланиши натижасида келиб чиққан нисбий хронологияси акс этган.

Фатҳиддин Исҳоқовнинг «Зарбулмасал» асари бўйича олиб борган тадқиқоти ўзбек матншунослиги, хусусан, илмий-танқидий матн тайёрлаш тарихида муҳим қадам бўлди, десак муболаға бўлмайди. Мазкур тадқиқотда манбага комплекс ёндашув йўлидан борилиб, матншуносликнинг анъанавий текшириш усуллари янги тажрибалар билан бойитилган. Ф.Исҳоқов «Зарбулмасал»нинг турли қўлёзма нусхаларини қиёсий ўрганиш натижасида, аввало, асарнинг таркибини, унинг умумий сюжет йўлини аниқлаб олишни зарур билган. Шундан кейингина «ички тафовут»ларни текширган ва матн тузиш принципларини белгилаган. Текширишлар давомида нусхалар орасидаги ўзаро ўхшаш ва яқинликни кўрсатувчи белгиларга алоҳида эътибор қаратилган. Нусхалар бир умумий ман-

бадан кўчирилган эмас, лекин ҳажми, таркибий қисмларнинг тартиби, ҳикоятларнинг бошланиши ва охири каби жиҳатларга қаралса, бу қўлёзмалар турли котиблар томонидан кўчирилган уч манба(архетип)га алоқадор, деган хулосага келинган. Ҳар бир архетипдан тармоқланган қўлёзмалар шартли гуруҳга ажратилиб: «I группа қўлёзмалари», «II группа қўлёзмалари», «III группа қўлёзмалари» деб номланган.

«Зарбулмасал»нинг илмий-танқидий матнини тузишда «фаол танқидий танлаб олиш принципи»га[1] амал қилинган. Нусхаларнинг қиёсий манзараси ва илмий-мантиқий таҳлили танқидий танлаб олишнинг муайян асосини белгилаган. Ф.Исҳоқов илмий-танқидий матннинг тузилиши ҳақида гапириб, тадқиқотнинг характерли жиҳатини шундай баён қилади: «Нусхалар орасидаги тафовутлар ҳаддан ташқари кўп ва хилма-хил. 2300 га яқин ўринда фақат маънога – сўз қўллашга, жумла тузилиши, айрим мақол ёки қисмларнинг қай тарзда ишлатилишига оид 3500 дан зиёдроқ фарқ бор. Илмий аппаратда уларнинг ҳаммасини қайд эта бориш, аниқки, текстнинг ўқилишини қийинлаштириб қўйиши мумкин. Бироқ биз бу фарқларни илмий аппаратга қисқартириб олиш йўлини тутмадик. Асарнинг қўлёзмалари тарихини, демакки, «Зарбулмасал»нинг котиблар қўлидаги «эволюцияси»ни намоён қилиш мақсадида ва асар устида ўтказиладиган келгуси тадқиқотларга нафи тегсин маъносида нусхалар орасидаги ҳамма ва ҳар қандай фарқларни илмий аппаратда тўлиқ кўрсатиб боришни лозим топдик ва бунда аппаратнинг ортиқча мураккаб тус олишидан чўчимадик.»[2]

Ўзбек матншунослигида кузатилган ушбу ҳолатлардан аён бўладики, илмий-танқидий матнга алоқадор тузатиш, қўшимчаларнинг мухтасар баёни матн остида, батафсил

---

[1] Қаранг: Исҳоқов Ф. Гулханийнинг «Зарбулмасал» асари. Т.: «Фан», 1976, 36-бет.

[2] Исҳоқов Ф. Гулханийнинг «Зарбулмасал» асари. Т.: «Фан», 1976, 4-бет.

изоҳи мустақил қисм сифатида матннинг аввалида келтирилган. Бу ҳолни «Лисонут тайр» достони[1] ва «Насойимул муҳаббат»[2] асарига тузилган илмий-танқидий матнларда ҳам кўриш мумкин.

Матннинг нуқсон ва хатоларини тузатиб тақдим этган яхшими ё матнни қандай бўлса, шундайлигича бериб, хато ёхуд тўғри вариантларни ҳошияда кўрсатган афзалми? – деган саволга келсак, юқорида билдирилган фикрларга кўра, илмий-танқидий матн таянч қўлёзманинг изми-га имкон қадар бўйсундирилади. Ўрни келганда таянч нусхага ҳам танқидий назар билан ёндашилади. Бундай ҳолатда мазмун тақозо этган бошқа нусхалар таянч нусхадан афзал саналади. Соҳа мутахассислари учун мўлжалланган илмий нашрларда муаллиф ҳаётлигида кўчирилган қадимий нусханинг ишончлилиги асосланса, матнни қандай бўлса, шундайлигича бериб, хато ёхуд тўғрилиги тахмин қилинаётган вариантларни ҳошияда кўрсатган афзал. Оммавий нашрларни эса тузатилган матн асосида, матнга турли илмий кўрсаткичларни қориштирмасдан, агар луғат ва изоҳларга ҳожат бўлса, уларни китоб охирига илова қилиш йўли билан чоп қилиш мақсадга мувофиқ.

Ишончли илмий-танқидий матн оммавий нашр учун ҳам, филологик тадқиқотлар учун ҳам кенг имкониятлар ва бой маълумотлар берувчи бирламчи манба ҳисобланади. Мумтоз матнлар бўйича амалга оширилган ишлар хоҳ оммавий, хоҳ илмий йўналишда бўлсин, бирламчи манбани четлаб ўтар экан, эришилган натижалар муваққатлик характерига эга бўлади. Бунинг олдини олиш учун мумтоз адабий манбалар юзасидан олиб бориладиган тадқиқотлар қатъий фундамент – илмий-танқидий матнга асосланиши шарт.

---

[1] Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Илмий-танқидий матн. (Тайёрловчи Ш.Эшонхўжаев), Т.: «Фан», 1965, -283 б.

[2] Алишер Навоий. Насойимул муҳаббат. Илмий-танқидий матн. (Тайёрловчи Ҳ.Исломий), Т.:»Movarounnahr», 2011, –426 б.

Ўзбек матншунослиги тарихидан келтирилган мисоллардан аён бўлдики, илмий-танқидий матн тайёрлашнинг барча манбалар учун бир хил умумий қонуниятлари билан бирга, ҳар битта манба тадқиқида юзага чиқадиган хос хусусиятлари мавжуд. Умумий қонуниятлар кўп нусхали матнларни ўзаро қиёслаб саралаш, саралanган нусхаларни ўхшаш ва фарқли жиҳатларига кўра гуруҳлаш, гуруҳлардаги етакчи қўлёзмалар асосида таянч ёки асос нусхани танлаш билан белгиланса, хос хусусиятлар муайян адабий манба йўналиши ва табиатидан келиб чиқиб, унинг илмий аппаратини шакллантириш билан боғлиқдир.

Шу маънода, «Саботул ожизин» илмий-танқидий матнини тайёрлаш ҳам бу борада орттирилган тажрибаларнинг давоми ўлароқ ўзининг умумий ва хусусий жиҳатларига эга. Асос нусхаларни белгилаш билан боғлиқ умумий қонуниятлар юқоридаги «Ёрдамчи ва таянч нусхаларни танлаш принциплари» фаслида батафсил баён қилинди. «Саботул ожизин» илмий-танқидий матнининг ўзига хос хусусиятлари матнга илова қилинган илмий аппаратда акс этган.

Матншуносликда «илмий аппарат» тушунчаси матн таркибини деталлаштириб, ҳар бир қисмни илмий кўрсаткичлар орқали изоҳлашни англатади. Қуйида илмий аппаратнинг конструкцияси ва унинг ички таркибини баён қиламиз. Зотан, монографиянинг назарий қисмига илова тарзида келтирилаётган илмий аппарат ишнинг умумий тавсифида айтилганидек, жараённинг илмий кўлами ҳақида бир бутун тасаввур уйғотади, тадқиқотнинг якуний кўргазмали макети вазифасини ўтайди.

Илмий аппарат «Саботул ожизин»нинг илмий-танқидий матни ва унга тузилган тўла илмий кўрсаткич» деб номланиб, салмоқли тўртта бўлимдан таркиб топган. **Биринчи бўлимда** илмий-танқидий матн қоидага кўра, аввал аслият ёзувида – настаълиқ хатида, сўнг илмий-танқидий матннинг жорий алифбодаги шакли тақдим этилди. «Асос», «фаол», «ёрдамчи» нусхалардан иборат ҳар учала ҳалқага кирувчи қўлёзмалардаги фарқлар матн остидаги ҳаволада кўрсатиб борилди. Илмий-танқидий матн битта эмас,

турли даврга оид бир нечта нусхалар асосида тикланаётгани учун матн ислоҳи жараёни фақат етакчи қўлёзмадан механик равишда нусха кўчириш йўли билан эмас, балки қиёсий-мантиқий далиллаш орқали олиб борилди. Масалан, «Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сифатларининг баёни» бўлимида «*Далил улдурки, кийди тожи «лавлок»* мисраси биринчи ҳалқадаги С2, иккинчи ҳалқадаги 2061, учинчи ҳалқадаги С161 нусхаларда «*Далил улдурки, келди тожи «лавлок»* деб ёзилган. А1057 асос нусхада ва А1074 фаол нусхада бу бўлим тушиб қолгани учун ҳар икки шаклни танлаш имкони баравар келиб қолди. Натижада байт воқелигидаги бадиий мантиққа эътиборни бурдик:

Эмас мавжуд анингдек гавҳари пок,
Далил улдурки,кийди тожи «лавлок».

Яъни: «Жумла мавжудот ичра покликда Муҳаммад алайҳиссаломга тенг келадигани йўқ. «Лавлок», яъни «Агар сен бўлмаганингда фалакларни яратмас эдим»[1] деган ҳадис тожининг у зотга кийдирилиши бунинг далилидир». «Лавлок» – ҳадис жумласидаги аввалги сўз. Ҳадис бутунликни англатса, ундан ажратиб олинган бир қисм ўша бутунликка ишоратан байт мазмунига сингдириб юбориляпти. Агар «лавлок»дан олдин «тожи» изофаси бўлмаганида, «кийди»нинг ўрнига «келди» сўзини ишлатиш мумкин бўлар эди. Чунки «лавлок»дан ҳадис ирода қилиняпти. «Ҳадисни кийди» дейишдан кўра «ҳадис келди», яъни «бу хусусда шундай ҳадис келган» деб айтиш мантиққа яқинроқ. Аммо ҳадис ўзининг юксак мазмуни билан тожга ўхшатилаётган экан, энди «тож келди» дейишдан кўра, «тожни кийди» деб айтиш тўғрироқ ва байт тақозо қилган бадиий мантиққа

[1] «لو لاك لما خلقت الافلاك» Қудсий ҳадис. Алийул Қори «Тазкиратул мавзуъот» асарида бу ҳадисни мавзуъ деган. Аммо «Шарҳул мавоҳиб» асарида шу маънода келган баъзи ҳадислар зикр қилинган.

тўла мувофиқдир. Шунинг учун илмий-танқидий матнда «кийди» сўзи танланди.

«Фаришталарнинг баёни» бўлимида «*Нисо эрмас аларнинг васфи эр ҳам*» деган сатр бор. Қадимий нусхаларнинг барчасида (А1057, А1074, 2061, 4149, 1420) ва кейинги даврларга оид баъзи нусхаларда (С1, ИО, ҲТ) мазкур мисрадаги «нисо» сўзи ўрнида – *тиши* сўзи қўлланган. Арабча «нисо» сўзи «аёл» маъносида бўлиб, қадим туркий «тиши» лафзи ҳам шу маънони англатади. Навоий туркий тилнинг форсийдан афзаллигини мисоллар билан далиллар экан, «тиши» сўзини шундай ишлатади: «Ва ов ва қушки, салотин одоб ва русумида ҳар қайси бошқа мутаааййин эшитур, иккаласин, «шикор» дерлар. Ва овда умдаки кийикдур, турк анинг эркагин «ҳуна» ва *тиши*син «қилчоқчи» дер. Яна суйқуннинг ҳам эркагин «буғу» ва *тиши*син «марал» дер...»[1]

Тўғри, бу ўринда Навоий *тиши* сўзини инсоннинг аёл жинсига эмас, ҳайвоннинг урғочи жинсига нисбатан қўллаган. Балки бу сўзни шу маънода ҳам тушуниш борлиги учун баъзи котиблар наздида «фаришталар урғочи ҳам эмас, эркак ҳам эмас» дейишдан кўра «фаришталар аёл ҳам эмас, эркак ҳам эмас» деб айтиш афзал туюлган бўлиши мумкин. Лекин, аслида, *тиши* сўзининг маъноси қадим адабиётда кенгроқ маънода қўлланган бўлса-чи? Масалан «Қутадғу билиг» асарида бу сўз шундай ифодаланган:

Нэчэ миң азығлыг эрэн эркэки
Тишиләрдэ отру узулди көки.[2]

Яъни: «Мардларнинг марди бўлган неча минг бақувват эрлар хотинлар сабабидан пайлари кесилган».

---

[1] Алишер Навоий. Мезонул авзон. Мукаммал асарлар тўплами. 16-жилд, Т.: «Фан», 2000, 14-бет.

[2] Юсуф Ҳос Ҳожиб. Қутадғу билиг. /Нашрга тайёрловчи: Қаюм Каримов, «Фан», 1972, 674-бет.

«Туркий тилларнинг этимологик луғати»да ҳам *тиши* сўзининг *ургочи* маъноси билан биргаликда *аёл, хотин* маъноларида келиши айтилган.[1]

Сўфи Оллоёр ақида матнларида фаришталарга берилган таърифни, яъни фаришталар аёл ва эркак деган жинс билан хосланмаганини байтлар орқали сифатлар экан, «аёл» ёки «хотин» сўзининг ўрнига умуман жинсни англатувчи «тиши» сўзини ишлатган бўлиши мумкин. Қадим туркий сўзларни қўллаш «Саботул ожизин»да кузатилган ҳодиса. Қолаверса, қадимий нусхаларда бу мисра: «*Тиши эрмас аларнинг васфи эр ҳам*» деб келяпти. Шунга кўра матнда «нисо» ўрнига «тиши» сўзи қабул қилинди.

Маълумки, «Саботул ожизин» асари ўз даврида «халқ китоблари» каби оммалашган, севиб ўқилган. Ҳатто одамлар орасида бу китобни ёдаки айтиш анъанаси шаклланган.[2] Шунинг учун бўлса керак, «Саботул ожизин»нинг айрим байтлари оғиздан-оғизга ўтиб, гўё мақолга айланиб кетган. «Отанг эрдур, сен ҳам эрдек қилиқ қил, ёмонлик айлаганга яхшилик қил» байти бунга мисол бўла олади. Аммо оғзаки айни вариантни ёзма нусхаларнинг бирортасида учратмадик. Фақат ягона В317 нусхасида шунга яқинроқ шаклда айтилган:«*Отанг эрдур, сен ҳам ердек қилиқ қил*». Энг қадимий А1057 нусхасида: *«Отанг* (ёки отинг[3]) *ердур, сен ҳам ердек қилиқ қил».* С2, ИО, РА, С1 да: *«Отанг ердур,*

---

1 Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. «Наука», М.:1974. С.245

2 То ўтган асрнинг биринчи чорагигача мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган Сўфи Оллоёр асарлари, хусусан, «Саботул ожизин» китоби яқин-яқингача «мадраса кўрган» ёши улуғларимиз томонидан маърака-анжуманларда махсус ўқилган, йиғиннинг маърифий савиясини белгилаган. Ҳатто бу китобни ёдаки хатм қилиш мактаби шаклланган. Тошкентлик Абдулазиз қори, марғилонлик Абдулҳаким домла, сурхондарёлик Дўстмуҳаммад домла, хоразмлик Исмоил эшон, Нуруллоҳ махдум ва қиблагоҳимиз Фозил Зоҳидлар шу мактабнинг сўнгги вакиллари эди.

3 Мазкур нусхада бу сўз اتنك шаклида ёзилган. Бу шаклни эса «отинг» деб ҳам, «отанг» деб ҳам ўқиш мумкин.

сен ҳам ердек қилиқ қил». ҲТ, А1074, С1420 да: *«Отинг ердур, сен ҳам ердек қилиқ қил»*.

Бу мисранинг оғзаки вариантда айтилганидек: «Отанг эрдур, сен ҳам эрдек қилиқ қил» – эмаслигига бир нечта далил бор. Аввало, ушбу мисрадан олдин келган байтларга назар солайлик:

Кел э инсон, агар бўлсанг чин эрдек,
Оғирлик пеша қил дунёда ердек.

Агар тепса сани ҳар қайси мавжуд,
Зиён қилма, тақи еткур анга суд.

Юракинг қилсалар оҳан ила чок,
Чиқар олдиға турлук неъмати пок.

Агарчи олама сандин тегар нафъ,
Ўзингдин қилма туфроғ отини рафъ.

Отанг ердур, сен ҳам ердек қилиқ қил
Ёмонлиқ айлаганга яхшилиқ қил.

Мазмуни: *«Эй инсон, агар ҳақиқий эр бўлсанг, бу дунёда ердек оғир бўл. Сени қанча топтаб, тепсалар-да, уларга зиён етказма, манфаат келтир. Ерни ҳайдаган каби кўксингни темир билан тилиб ёрсалар ҳам, уларнинг олдига ерга ўхшаб турли-туман пок неъматларни муҳайё қил. Токи бу оламга сендан бир манфаат етиб турган экан, «тупроқ» деган номни ўзингдан кўтарма, узоқлаштирма. Отанг – Одам алайҳиссалом ердан бунёд қилинган эди, энди сен ҳам ерга ўхшаб, ёмонликка яхшилик қилиш сифатини ўзингда мужассам эт»*.

«Отанг эрдур, сен ҳам эрдек қилиқ қил» эмаслигига матннинг ўзидан чиқарилган бу биринчи мантиқий далил. Бўлим «Жувонмардлик нишони» (Ҳақиқий эр кишининг белгиси) деб номланган ва манзуманинг аввалги байтидаёқ «агар ҳақиқий эр киши бўлсанг, ердек бўл» деган мазмун

ифодаланяпти. Гўё «эр бўлиш учун аввал ер бўлиш керак» деб, ер образи олдинги планга олиб чиқиляпти. Кейин унинг ҳар бир қирраси гўё қабариқ ойна орқали кўрсатилиб, ер билан боғлиқ мазмун байтдан байтга улуғлик касб этиб боряпти. Бу улуғлик шу даражага етадики, ер тушунчаси энди ўзининг бошланғич нуқтаси бўлган «ҳақиқий эр бўлиш» мақомини ҳам бағрига сингдириб юборади: *«Отанг ердур, сен ҳам ердек қилиқ қил»*.

«Ер» байт воқелигида бутун сифатида олдинги сафни табиий равишда эгаллаганидан сўнг унинг ўрнига сунъий йўл билан бир қисмни олиб келиш бадиий мантиққа зид. Агар «эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин» мақолидаги ерга берилган салбий оттенкани дастак қилиб, мазкур мисрада «ер»нинг ўрнига «эр» бўлгани маъқулроқ, деб қараладиган бўлса, мисра аввалидаги ер улуғланган байтларни буткул олиб ташлашга тўғри келади. Шунинг учун ҳам бу ўринда «ер» ўрнига «эр» деб ўқилиши маъқул эмас, яъни ақлга номувофиқ.

«Отанг эрдур, сен ҳам эрдек қилиқ қил» эмаслигига иккинчи далил араб ёзуви билан боғлиқ: эр – ایر ; ер – یر. Жорий ёзувимизда «ер»ни ҳеч қачон «эр» деб ўқиб бўлмагани каби эски ўзбек ёзувида ҳам бу икки ҳар хил шаклни чалкаштиришнинг иложи йўқ, یر (ер) деб ёзилган бўлса, «ер» деб, ایر (эр) деб ёзилган бўлса, «эр» деб ўқилади.

«Отанг» деб эмас, «отинг» дейилишида ҳам мулоҳаза бор. Ҳар иккала ҳолда ҳам инсониятнинг отаси – Одам алайҳиссалом назарда тутиляпти. Одам алайҳиссаломнинг тупроқдан яратилганига кўра «отанг ердур» дейилса, ўхшатиш том бўлади. Агар «отинг ердур» дейилса, арабча آدم – «одам» сўзининг луғавий маъноларига мурожаат қилишга эҳтиёж сезилади. *Одам* сўзининг араб тилида – *қора, қўнғир; тери, ошланган тери* каби луғавий маънолари бор.[1] Тупроқ – ернинг ранги қора ёки қўнғир тусда

[1] المعجم الوسيط. الجزء الاول. جمهورية مصر العربية. دار الدعوة. استانبول ١٩٨٩/١٤١٠.ص.١٠

бўлишини ҳисобга олсак, «отинг ердур» шаклида, бутундан қисм чиқарилиб, бутуннинг ўрнида тақдим қилиняпти. Бутунга ўхшатиш мумкин ва тўғрироқ бўлган ҳолда қисмга ўхшатиш ташбиҳнинг номукаммаллигига сабаб бўлади. Мана шу далилларга кўра матнда *«Отанг ердур, сен ҳам ердек қилиқ қил»* шакли танланди.

Илмий-танқидий матнни тиклашда иккинчи ва учинчи ҳалқани ташкил этувчи фаол ва ёрдамчи нусхалардаги тафовутлар биринчи ҳалқа асос нусха матн вариантини қувватлаш учун хизмат қилди. Негаки, асос нусхалардаги ўзаро фарқларнинг қайси бири илмий-танқидий матн учун ихтиёр қилиниши айни ҳолда ўзининг далилий тасдиғини топади. Масалан: *«Қадам босқон манозил эрди пур атр»* мисрасидаги *босқон* сўзи асос нусханинг биринчи манбаси А1057 рақамли қўлёзмада мавжуд эмас, иккинчи қўлёзма С2 да – باسغان *(босғон)* шаклида, учинчи манба – ҲТ да باسقان *(босқон)* кўринишида учрайди. Илмий-танқидий матн учун булардан қай бирини танлашимиз ўринли? Кейинги ҳалқа манбаларига мурожаат қиламиз: А1074 ва С161 да – باسگان *(босган),* ИО, С1, РА да – باسقان *(босқон).* Демак, ўзаро муқояса натижасида қўлёзмаларда бу сўзнинг учта – *босғон, босқон, босган* кўриниши мавжуд бўлиб, аксар нусхаларда *босқон* келгани ишончли матн учун шу шакл танланишига асос бўлди.

Юқорида айтилганидек, ўзаро фарқланувчи кўп нусхали матн орасидан ягона ишончли матнни тиклаш баъзан мантиқий далиллашни талаб этади. Масалан: *«Бу тунда тут бутун иймонимизни, Сабоҳ қутқор тутундин жонимизни»* байтини олиб кўрайлик. Байтдаги تو توندين – *тутундин* сўзлари асос нусха А1057, С2 ва ёрдамчи нусха С1 да بو توندين – *бу тундин* деб берилган ва аксар тошбосма, босма матнларда шу шакл оммалашган. Қўлёзманинг қадимийлигига суянадиган бўлсак, *бу тундин* варианти тўғри. Аммо у ҳолда мантиқ бузилади. Аввалги байтда : *«Қўноқмиз бир кеча дунёйи ҳеча, На ишлар ке-*

чадур биздин бу кеча» дейилар экан, бу дунё битта *кеча*га ўхшатиляпти. Кейинги байтда шу мазмун давом эттирилиб, бу тунда, яъни бу дунёда иймонимизни бутун тут, деб Яратгандан сўраляпти. Шу ерда дунё воқелиги тугаб, сўз охират оламига кўчяпти: *Сабоҳ, яъни тонгла Қиёматда жонимизни тутундан – жаҳаннам оловининг тутунидан қутқар.* Охират оламида жонимизни бу дунёдан қутқар, дейиш мантиққа тўғри келмайди. Чунки соғлом ақидага кўра, Қиёматда банданинг ўй-хаёли бу дунёнинг эмас, охиратнинг ғамида бўлади. Демак, мазкур ўринда *бу тундин* эмас, *тутундин* деб ўқилиши тўғрироқ.

«Худовандо йонгилдим турфа ёздим, Шайотин макри бирла йўлдин оздим» байтидаги يانكلديم – *йонгилдим* сўзининг А1057, ҲТ каби асос нусхаларда ينكلديم – *енгилдим* деб ёзилишида умумий мантиқ бузилмаса-да, мазмун сактароқ ифодаланган: «Эй Яратгувчи зот, шайтон билан жангда турли гуноҳларни қилиб енгилдим» дейиш тўғри, албатта. Аммо бунда Сўфи Оллоёрнинг сўз қўллашдаги бадиий маҳоратига бироз таън етади. «Адашдим» маъносидаги *йонгилдим* қадим туркий сўздир.[1] *Йонгилдим* – янглишдим, хатога кетишнинг аввалги даражаси. *Ёздим* – гуноҳ қилдим, хатонинг кейинги даражаси. *Оздим* – кўп гуноҳлар қилиб, йўлдан адашиб кетдим, хатонинг сўнгги даражаси. Асос маъноси битта бўлган учта сўз бир байтга сиғдирилган. Агар бу ўринда *енгилдим* сўзи қўлланса, «оллоёрона» руҳ очилмай қолади. Шу мантиққа кўра, илмий-танқидий матнда С2 асос ва С1 ёрдамчи нусхалардаги *йонгилдим* сўзи мақбул кўрилди.

«Саботул ожизин» матнида бугун истеъмолда бўлган айрим туркий сўзларнинг архаик шаклда учраши кузатилади. «*Уялма маърифатни ўрганурдин*» мисраси кўпчиликка таниш ва ёд бўлиб кетган. «Саботул ожизин»нинг Марказий Осиёга тарқалган қўлёзма ва тошбосма нусхалари-

[1] Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. «Наука», М.:1974. С.120

да мазкур мисра юқоридаги тарзда келган. Россия фанлар академиясининг Шарқ қўлёзмалари институти (Санкт-Петербург) фондида сақланаётган энг қадимий А1057 – асос, А1074 ва «ИО» – фаол, В4149, С1420, «РА» – ёрдамчи ва «ГҚ» нусхаларда мисрадаги «*ўрганурдин*» сўзи «*ўгранурдин*» деб ёзилган. Гарчи учта асос нусхаларнинг иккитаси (С2, «ҲТ») да бу сўз «*ўрганурдин*» деб ёзилган ва тилимиз шу шаклга мослашган бўлса-да, матн аниқлигига эришиш мақсадида изландик. Э.В.Севортяннинг «Туркий тилларнинг этимологик луғати» асарида бу сўзнинг ўзаги ва ундан ясалган ўзакдош сўзлар шундай ифодаланган: «ö – тушунмоқ; ö-g – ақл; ö-gur – тушунтирмоқ; ö-güt(<ögür-t) – маслаҳат; ög-rä-n – тагига етмоқ, ўрганмоқ; ög-rä-t – ўргатмоқ».[1]

Шунингдек, бошқа манбада «ög-rä-n» даги биринчи бўғин ундоши – g (г) билан иккинчи бўғин ундоши – r (р) даврлар ўтиб ўрин алмашгани ва бугун биз талаффуз қилаётган ҳолга келгани айтилган.[2] Демак, Сўфи Оллоёр яшаган даврларда бу қадим туркий сўзнинг асл шакли сақланган ва адабиётда қўлланган. Бунга «ўгранур» шаклининг энг қадимий манбаларда учрагани далилдир. Шунингдек, *ёгмур* (*кўкармас тоша ёгмур ёгса ҳам кўп*), *телмурмоқ* (*тубан бошингни, телмуртур кўзингни*) сўзларини ҳам бунга мисол қилса бўлади.

Матншунослик тадқиқида мантиқий далиллаш методи қанчалик зарурат ҳисобланмасин, қўлёзмада акс этган реал тарихий матнга нисбатан иккиламчи ҳодисадир. Ҳам мазмун, ҳам бадиий мантиқ талаб қилаётган сўз матншуносга нечоғли мувофиқ кўринмасин, қадимий нусха матнидан фарқланар экан, бундай вазиятда ечимни субъектив ўзанга буриш натижани илмийликдан йироқлаштиради. Илмий-танқидий матннинг ишончлилиги айни жараёнда ўзига маъқул битта қўлёзма, битта нусха,

[1] Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. «Наука», М.:1974. С.501

[2] Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. Т.: «Университет», 2000, 484-485-бетлар.

битта матн атрофида ўралашиб қолмасдан, балки таъсирлардан юқорироқ кўтарилиб, фарқларга объектив назар билан қараш малакасининг шаклланишига боғлиқ. Чунки тайёрланаётган матн матншуносники эмас, унинг ўз муаллифи бор. Матншунос ҳар томонлама асосланган илмий-танқидий матнни тиклар экан, бу билан у гўё муаллиф матнини тақдим қилади. «Матннинг муаллиф иштирокисиз амалга оширилган ҳар қандай таҳрири эса асар моҳиятига зарар етказиши жиҳатидан мақсадга мувофиқ эмас».1 Илмий-танқидий матн тақдими шу даражада масъулиятли ва жиддий масала.

Муқояса жараёнида бир неча марта шундай вазиятга дуч келдик. Мисол сифатида биринчи ҳалқанинг учинчи – ҲТ ва учинчи ҳалқанинг бешинчи қўлёзмаси –С1 нусхаларда келган *«Тўшаб қалин, ёпиб тоат жамолин, Қўйубсан бошинга болин ваболин»* байтини келтириш мумкин. Байтнинг шарҳи: *«Ибодат соатида тагингга қават-қават қалин кўрпачаларни тўшаб ва шу ишинг билан тоат жамолини ёпиб, тўсиб, бошингни зарар-зиён болишига қўйиб, ғафлатга ботиб ётибсан».* Ёндош байтларнинг маъноси ва манзуманинг умумий мазмуни мазкур байтни шундай шарҳлашни тақозо қиляпти. Чунки манзума *«Кел, э зоҳид, қўлунгдин берма тоат, Зиёд эт тоатинг соат басоат»* деб бошланган ва *тоат* мавзуси байтдан-байтга давом эттирилган. Манзуманинг умумий руҳи ва бадиий мантиқ ушбу ўринда *тоат* сўзининг ишлатилишини ҳар томонлама тасдиқлаяпти. Аммо биринчи ҳалқа қўлёзмаларининг энг қадимийси **–** А1057 ва С2 асос нусхаларда, иккинчи ҳалқанинг энг қадимий – А1074 ва ИО шарҳ нусхаларида бу ўринда *тоат*га ҳам мазмунан, ҳам шаклан зид бўлган *бидъат* сўзи қўлланган: *«Тўшаб қалин, ёпиб* ***бидъат*** *жамолин, Қўйубсан бошинга болин ваболин».* Арабча *бидъат* сўзининг луғавий маъноси «янгилик»дир. Шариат

[1] Жабборов Н. Адабий манбаларда матн таҳрири масаласи. //Адабий манба: ўрганишнинг замонавий тамойиллари ва нашр муаммолари. Мақолалар тўплами. Қарши, «Насаф», 2013, 7-бет.

истилоҳида *бидъат* деганда шаръий далили йўқ, ҳеч бир асоссиз ҳолда дин таркибига қўшиб қўйилган нарса тушунилади. Демак, кимки хоҳ ақидада, хоҳ сўзда, хоҳ амалда шаръий асосга эга эмас янги бир ишни динга боғласа, бу бидъат ҳисобланади.

Энди бу маънони қандай қилиб байтга жойлаймиз? Манзуманинг умумий мазмуни, бадиий мантиқ бутун бўйбасти билан бу ҳаракатимизга қарши. Қолаверса, бидъат тушунчаси салбий ҳодисага далолат қилар экан, бу салбиятни ижобий маънодаги *жамол* сўзи билан сифатлаш мумкинми?

Лекин бошдан-оёқ қуролланган бу мантиқий далиллар тарихий қатъият билан тўла зирҳланган қадимий матн олдида ҳамиша ожиз. Матннинг ички ва ташқи хусусиятларига кўра, битта умумий нусхадан кўчирилмагани аниқланган, ҳар бири алоҳида, мустақил қўлёзма сифатида юзага чиққан қадимий матнларнинг барчасида на тасодифан, на онгли равишда бир хил хато содир этилиши мумкин бўлмаган иш. Демак, қадимий нусхаларда келган матн шакли устида жиддийроқ изланишга мажбурмиз.

Тўшаб қалин, ёпиб ***бидъат*** *«жамол»ин,*
Қўйубсан бошинга болин ваболин.

Яъни: «Ибодат маҳалида қалин кўрпа-тўшакларга бурканиб ётишинг – динда бўлмаган ишни пайдо қилишингдир, асли ёмон ва хунук бўлган ишни яхши ва чиройли қилиб кўрсатишингдир. Бу ишинг билан бошингни зиёну зарар болишига қўйибсан».

Агар байтга мазкур шарҳ орқали ёндашсак, манзуманинг умумий мазмунидаги тоат мавзуси унинг зидди бўлган ҳолатни келтириш билан чуқурлашяпти. Йўқни бор, ёмонни яхши, хунукни чиройли қилиб кўрсатиш тоатни тарк қилган маҳалда юзага чиқиб, бу иллатлар бидъатпарастлик, каззоблик, мунофиқликнинг аломати экани байтдан англашиляпти. *Жамол* сўзи луғатда «гўзаллик», «чирой» маъносини англатади. Луғавий маънодаги сифат

(*гўзал, чиройли*) инсон танасидаги энг қадрли жой – юзга нисбатан ишлатилиб, бора-бора *жамол* дейилганида мутлоқ юз, чеҳра тушуниладиган бўлган. Шунинг учун ҳам қачонки, *жамол* сўзи қўлланса, дафъатан *инсон юзи* тасаввурга келади. Агар байтдаги «жамол» луғавий маъноси билан изоҳланса, «бидъат чиройи» бирикмаси ҳосил бўлади. Бунда бидъат – ҳақиқий, чирой – мажозий маънода қўлланяпти. Яъни: *«аслида йўғ-у, лекин бордек, аслида ёмон-у, аммо яхшидек, аслида хунук-у, бироқ чиройли қилиб кўрсатилаётган бидъат кийимини устингга ёпиб...»* Балки мана шу маънога кўра «Иршодул оъизин» шарҳида *ёпиб бидъат жамолин* ибораси «бидъат кийимин ёпиниб» деб изоҳланган. Байтдан шу мазмун тушунилгани учун ҳам матннинг жорий ёзувдаги шаклида *жамол* сўзи қўштирноқ ичига олинди.

ҲТ нусхасида яна бир қизиқ ҳол кузатилади. «Сезмоқ», «ҳис қилмоқ» маъносидаги «туймоқ» феъли кўп ҳолда «билмоқ» феъли билан ўрин алмашган. Масалан:

Иноят номасин қўлга олурлар,
У кунни ўтганин ***билмай*** *қолурлар...*

Агар банда муъаззаб бўлса анда,
Қолур ***билмай*** *бу ишни ул даранда...*

Тузук йўл деб қадам ўтру солурсан,
Қудуқға тушганинг ***билмай*** *қолурсан.*

Қадимий нусхаларнинг барчасида байтда келган *билмай* сўзининг ўрнида *туймай* сўзи қўлланган. Бу икки сўз маъно эътибори билан бир-бирига яқин бўлса-да, амалда намоён бўлиш жиҳатидан фарқланади. *Билмай қолиш* кечинмасига *туймай қолишдан* кўра кўпроқ вақт сарф бўлади. Чунки *билмай қолиш* – онгда, *туймай қолиш* сезгида кечади. Психобиологик тадқиқотлар натижасига кўра, сезги туйғуси – ўйлаш, фикрлаш ва сонсиз тушунчалар оралаб кечадиган онг фаолиятидан анча тез рўй бера-

диган жараёндир. Келтирилган байтлардаги воқелик эса айни тезликни тақозо қиляпти. Шунга кўра, илмий-танқидий матн учун қадимий нусхалардаги *туймай* варианти танланди.

Сўфи Оллоёр ҳаёти бўйича изланишлар олиб борган Ш.Сирожиддинов тадқиқотларидан бирида ижодкорнинг ўғли, тўғрироғи, унинг исми хусусида адабиётлардан адабиётларга ўтиб келаётган маълумотни шубҳа остига қўйиб, «аслида унинг исми Муҳаммад Содиқ эмас, балки Муҳаммад Сиддиқдир» дейди.[1] Адабиётшунос олим ҳижрий 1408/1988 йил Теҳрондаги «Ал-мактабатул исломиййа», Гунбади қобус–Ҳожи Тиллойи матбаъа нусхасидаги маълумотларга асосан бу фикрни илгари сурган эди. Табиийки, тарихий ҳақиқатни битта босма нусхадаги маълумот асосида тиклаш мушкул иш. Аммо энг қадимий нусхалар саналган А1057 ва С2 нусхаларда келган бу фактга оид матн Ш. Сирожиддиновнинг Сўфи Оллоёр ўғлининг исми ҳақидаги қараши тўғрилигини узил-кесил ҳал қилди:

Кўзумни равшани ***Сиддиқ Муҳаммад****,*
Йироқ бўлсун кўзингдин дийдаи бад.

Илмий аппаратнинг **иккинчи бўлимида** тадқиқот натижалари яхлитлаштирилиб, қиёсий-таснифий жадваллар, чизмалар ва диаграммалар шаклида тақдим қилинди. «*Асос, фаол ва ёрдамчи нусхалардаги тавофутлар*» деб номланган 1-жадвалда А1057, С2, ҲТ – асос, А1074, ИО – фаол, С1 – ёрдамчи нусхалардаги фарқлар ўзаро қиёсланди, тафовутлар нисбати илмий-танқидий матнга таяниб акс эттирилди.

«*Саботул ожизин*»даги *тажнисларнинг тўла индекси*» жадвали олти катакдан иборат бўлиб, биринчи катакда тажнис санъатининг матндаги тартиб рақами келтирилди. Иккинчи катакда ҳар бир тажнис шакли ўзаро жуфт-

[1] Сирожиддинов Ш. Сўфи Оллоёр илоҳиёти.Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001, 9-бет.

ликда акс эттирилди. Учинчи катакда жуфтликдаги ҳар бир бўлакнинг маъноси изоҳланди. Тўртинчи катакда тажнис ҳодисасининг матнда келиш ўрни (бўлим–байт) кўрсатилди. Бешинчи катакда тажнисларнинг матнда ифодаланиш шакллари берилди. Олтинчи катакда тажнис турлари аниқланди.

«Махзанул мутеъин»даги мавзулар ва истинбот қилинган манбалар» жадвалида ақоид илмига оид мавзулар, ақоид фаслида келтирилган манбалар, фиқҳ илмига оид мавзулар, фиқҳ фаслида келтирилган манбалар рўйхати тартибланди.

«Ақоид масалаларининг мувофиқлик нисбати» жадвалида ақоид илмининг учта мўътабар манбаси – «Ал-фиқҳул акбар», «Ақидатут тоҳавий» ва «Ақоидун насафий»да баҳс юритилган мавзулар калит сўзлари ва бирикмаларининг «Саботул ожизин» матнидаги ақоид мавзуларига нисбати қиёсий ўрганилди.

«Ақоид ҳукмларининг манбалар аро умумлашмаси» жадвалида ҳар учала мўътабар манбалардаги ҳукмлар умумлаштирилиб, «Саботул ожизин»даги ҳукмларга солиштирилди.

«Саботул ожизин» қўлёзмаларининг хронологик таснифи» деб аталган олтинчи ва *«Саботул ожизин» тошбосма нусхаларининг хронологик таснифи»* сарлавҳали еттинчи жадвалларда асарнинг ЎзРФА ШИ фондида сақланаётган қўлёзма ва тошбосма нусхаларининг инвентар рақамлари, ҳижрий ва милодий йил ҳисобида кўчирилган вақти (тошбосма нусхаларнинг босилган санаси ва ўрни) ва фонд номи кўрсатилди.

«ЎзРФА Шарқшунослик институтидан бошқа фондлардаги нусхалар» жадвалида Россия фанлар академиясининг Шарқ қўлёзмалари институти (Санкт-Петербург) фондида, Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида ва шахсий кутубхоналарда сақланаётган нусхаларнинг кўрсаткич рақами, кўчирилган йили, ҳажми ва ўлчови ҳақида маълумот берилди.

Чизмалар орқали илмий-танқидий матнга асос бўлган қўлёзма, тошбосма ва босма нусхаларнинг ўзаро боғлиқлик даражаси, шунингдек, «Саботул ожизин» нашрларининг умумий географик атласи акс эттирилди. Диаграммалар Сўфи Оллоёр таржимаи ҳолига оид манбаларнинг ишончлилик даражасини ва қўлёзмаларнинг шартли хронологик нисбатини кўрсатишга хизмат қилди.

Учинчи бўлимда «Саботул ожизин» матни мавзуий жиҳатдан етти қисмга бўлиб таснифланди. Ҳар бир қисм рим рақами билан белгиланиб, муайян мавзу асосида мустақил номланди. **I қисм** *«Саботул ожизин»да қўлланган арабий жумла ва бирикмалар»* деб аталди. Бу қисмда матнда келган арабий жумлалар манбавий асосига кўра уч гуруҳга ажратиб ўрганилди. Масалан:

а) оятлар:

раҳматан лил оламин (رحمة للعالمين) – Анбиё сураси, 107-оят: «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), дарҳақиқат, Биз Сизни барча оламларга фақат раҳмат (яъни, Оллоҳнинг раҳмати – жаннатига етакловчи) қилиб юбордик» 2-1, 69-1, 69-8

б) ҳадислар:

фатлубний тажидний (فاطلبنى تجدنى) – «Бас, Мени изла, топасан»; қудсий ҳадис, санади номаълум. 48-6

в) иборалар:

сано лил холиқи ғаброву афлок (ثناء للخالق غبراء و افلاك) – Еру осмонларни яратувчи Зотга мақтовлар бўлсин! 1-1

Бунда йирик қора ҳарфлар билан ажратилган сўзлар гуруҳнинг номланишини, курсивдаги сўзлар арабий жумланинг матнда келиш шаклини, қавс ичидаги ёзув бу шаклнинг араб хатидаги кўринишини акс эттирган. Кейин мазкур арабий жумланинг қайси сура ва қайси оятга тегишлилиги, агар ҳадис бўлса санади келтирилиб, оят ёки ҳадиснинг тўлиқ варианти таржимада берилди. Таржима матнида тагига чизилган сўзлар «Саботул ожизин»да келган арабий жумлага оидлигини англатади. Ҳар бир изоҳ сўнгида келтирилган чизиқчали сонлар бўлим ва байт

рақамини билдиради. Масалан, аввалги изоҳ сўнгидаги 2-1, 69-1, 69-8 сонлари *раҳматан лил оламин* жумласининг уч ўринда – 2-бўлимнинг 1-байтида, 69-бўлимнинг 1-байтида ва 69-бўлимнинг 8-байтида учрашини аниқ кўрсатади.

Жумлалар саналганидан кейин матнда келган арабий бирикмалар алифбо тартибида берилиб, изоҳланди. Масалан:

амморайи дун (امارة دون) – ёмонликка буюрувчи. 63-1

би ло шаҳват (بلا شهوة) – шаҳватсиз; шаҳватдан холи. 8-3

доббатул арз(دابة الارض) **–** Қиёмат аломатлари зикр қилинган ҳадисларда хабар берилишича, Қиёмат куни чиқадиган бақувват туёқли, бадани жун билан қопланган баҳайбат махлуқ. 2-9

II қисмда фақатасар матни доирасида Оллоҳ таолога нисбатан қўлланган сифатлар бирма-бир саналиб, ҳар бирининг маъноси изоҳланди ва уларнинг матнда учраш ўрни аниқ кўрсатилди. Масалан:

Аҳад – Яккаю ягона. 27-7, 82-5

Биру бор – Танҳо ва доим мавжуд. 21-5, 27-9

Вожиб таоло –Барча ишни бўлдирувчи олий Зот. 2-10

Донойи асрор – Сирларни билувчи. 16-10, 25-22, 26-49, 34-10,

III қисмда Муҳаммад алайҳиссаломнинг асар матнида хос сифатлари тартибланиб, ҳар бир сифатнинг маънолари изоҳланди ва матнда учраш ўрни кўрсатилди. Масалан:

Аҳмад – Мақтовга энг муносиб. 11-14

Гавҳари пок – Пок гавҳар. 2-3, 1-1

Мустафо – Танланган. 9-23, 12-7, 14-8, 35-20, 35-21, 44-1, 48-31,

Нигини анбиё – Пайғамбарлар муҳри (Муҳаммад алайҳиссаломнинг охирги пайғамбар эканига ишора). 9-23

IV қисмда Муҳаммад алайҳиссаломдан бошқа пайғамбарлар номлари ёки сифатлари келтирилди. Масалан:

Забиҳуллоҳ **(Исмоил** алайҳиссалом). 65-0, 65-11

Илёс алайҳиссалом. 1-30

Калим **(Мусо** алайҳиссалом). 1-18, 1-29

Лут алайҳиссалом. 35-24

Бунда қавс ичидаги изоҳ матнда келган сифат қайси пайғамбарга тегишлилигига ишора. Қора ранг билан ажратилган исмлар пайғамбарларнинг Қуръон ва ҳадисларда келган номларини билдиради.

V қисмда «Саботул ожизин» матнида зикр этилган манбаларнинг номи алифбо тартибида берилиб, изоҳда манбанинг мавзуси, муаллиф номи, таржимаи ҳоли ва бошқа асарлари билан боғлиқ маълумотлар тақдим этилди. Масалан:

Аврод – дуо ва зикрлар мажмуи; муаллифи Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Бакрий (ваф. ҳиж.632\1235й.). 24-16

Жомиъи Мишкот – ҳадислар шарҳидан иборат бу китобнинг номи аслида «Мишкотул масобиҳ» бўлиб, муаллифи Валийуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Хатиб Табризий . Бу асар ҳиж. 737 \1337 йил ёзилган. 47-1

Кофий – фиққий мавзудаги бу манбанинг тўлиқ номи – «Китобул кофий». Муаллифи Ҳоким аш-Шаҳид (ваф. ҳиж. 334 \ 946й.). 9-19

Ниҳоя – Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» китобига ёзилган шарҳ. Муаллифи Ҳасан ибн Али Ҳажжож ибн Али Ҳисомуддин Сиғноқий. Ҳиж. YII-YIII асрлар. 57-12

Рисолайи Абуллайс – бу ўринда «Имомул Ҳудо»(«Ҳидоят имоми») номи билан танилган машҳур олим Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандийнинг асарларидан бири назарда тутилмоқда. Унинг «Танбиҳул ғофилин», «Бўстонул орифин», «Шарҳул жомеъис сағир», «Ан навозил», «Ал фатово» , «Ал хизанатул фиққ» сингари асарлари бор. Абу Лайс Самарқандий ҳижрий 376\987 йилда вафот этган. 52-21

VI қисмда матнда келган тарихий шахсларнинг таржимаи ҳоллари уларни тарихда машҳур қилган сийратлари, ҳаётида рўй берган ажиб воқеалари билан боғлаб изоҳланди. Масалан:

Абдуллоҳ Ансор – Ансорий ал-Ҳаравий, Абу Исмоил Абдуллоҳ ибн Муҳаммад, сўфий, ҳанбалий. 397 \1006 йил Ҳиротда туғилган. Абулҳасан Ҳароқоний билан учрашган. Ҳиротда мўътазилий ва ашъарийларга қарши фаол мунозаралар олиб борган. «Шайхулислом» унвонига сазовор бўлган. 482 \1089 йил Ҳиротда вафот этган. 73-1, 73-10

Абдуллоҳ ибн Муборак – Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий. Туғилган йили – 118 \736й. Куняси - Абу Абдурраҳмон. Отаси турк, онаси хоразмлик. Ибн Муборак Имом Аъзамнинг шогирдларидан бўлиб, Аҳмад ибн Ҳанбалнинг айтишича, фиққда, наҳву луғатда, адабу фасоҳат илмида, зуҳду тақвода замонасининг тенгсиз олими бўлган. Ибн Муборакнинг тижорати ҳам кенг бўлиб, йилига юз минг дирҳамни қашшоқларга инфоқ қилган. Ибн Муборак Рум ғазотидан қайтганидан сўнг ҳижрий 181 \797йилда вафот этган. 51-0

Бишр Хофий – Бишр ал-Ҳорис ал-Хофий. Кунияси – Абу Наср. Ҳижрий 152 \759 Марвда туғилган. Кейинроқ Боғдодда истиқомат қилган. Бишр Хофий тақвода тенгсиз, ҳаким зотлардан эди. У замонасининг кўзга кўринган шайхларидан Фузайл ибн Иёз билан дўст тутинган. Бишр ал-Ҳориснинг «Хофий» (яланғоёқ) деб лақаб олишининг сабаби шуки, у бир куни этикчининг олдига борди. Ундан ипи узилиб кетган наъли (ипли шиппаги) учун боғич сўради. Этикчи бироз оғриниб: «Намунча, одамларга ишларингни юкламасанглар!»- деб юборди. Шунда Бишр ал-Ҳорис қўлига ушлаб турган шиппагини ва унинг нариги пойини ҳам ечиб, улоқтирди. Шундан сўнг у қайта оёғига шиппак киймади, доимо оёқ яланг юрди. Бишр ал-Хофийнинг сўзларидан: «Кимки дунёда азиз, охиратда саломат бўлишни хоҳласа, гапирмасин, гувоҳликка ўтмасин, бирор қавмга имом бўлмасин, бировнинг таомини емасин». Бишр ал-Хофий 227 \842 йили 75 ёшида дунёдан ўтган. 53-7, 53-8

VII қисмда матнда қўлланган диний атама ва тушунчалар соҳага оид манбалар асосида муфассал изоҳланди. Илмий аппаратга бу мавзуни жалб қилганимиз бежиз эмас. «Саботул ожизин», асар дебочасида муаллиф таъкидлага-

нидек, ақоид китоби. Шу сабабдан, бу хусусият эътиқодга дахлдор асосий ва жузъий тушунчалардан хабардор бўлиш мажбуриятини юклайди. Зеро, «ҳар томонлама ишончли» деган даъво билан асарнинг илмий-танқидий матни тақдим қилинаётган экан, жараённинг бошидан охиригача, ҳар бир қадамда аниқлик талаб этилади. Имкон қадар шу талабга жавоб бериш мақсадида бу қисм илмий аппаратга киритилди. Тасаввур тўлароқ бўлиши учун эътиқодга алоқадор атама ва тушунчаларнинг изоҳли луғатидан айрим мисоллар келтирамиз:

Аимма – (Матнда келиши: «***Аимма*** *билди Қуръон маънисин туз, Кўнгилни қўймағил, сан ҳар қаю юз!*») Имомлар, яъни «имом» сўзининг кўплик шакли. «Имом» сўзининг луғавий маъноси – эргашиладиган, пешқадам киши. Қуръони каримда пайғамбарларга нисбатан ҳам «аимма» сўзи қўлланган: «*Яна уларни Бизнинг амримиз билан* (кишиларни Ҳақ Йўлга) *ҳидоят этадиган пешволар қилдик*» (Анбиё сураси, 73). Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан сўнгги халифаларга ҳам «аимма» сўзи қўлланган. Чунки халифалар сўзлари ва ҳукмлари олиниб, одамлар уларга эргашадиган мақомда бўлганлар. Умуман, саҳоба, тобеин ва улардан кейинги уламоларнинг муайян йўналишда машҳур бўлганларига ҳам «аимма» атамаси қўлланган. Масалан, фиққда тўрт мазҳаб пешвоси: Имом Абу Ҳанифа, Имом Молик, Имом Шофеъий, Имом Аҳмадлар аксар манбаларда «аимма» (ёки: الائمة الاربعة – тўртта имомлар) дейилади. Шунингдек, ҳадис илмида: Ал-Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Ат-Термизий, Нисоий, Ибн Можаларга ҳам «аимма» (ёки: الائمة الستة – олтита имомлар) сўзи ишлатилади. 6-20, 6-47, 7-31, 11-24, 45-5, 45-6, 57-37

Амри маъруф – (Матнда бир неча ўринда келган. Мисол: *«Киши ким бўлса мўминликда мавсуф, Эрур вожиб у қулға* ***амри маъруф***») Яхшиликка буюриш. Мусулмон одам қилиши вожиб бўлган қирқта фарз амалдан бири. Қуръони каримда *маъруф* сўзи ўттиз етти ўринда учрайди ва асосан «Оллоҳ ва Пайғамбари буюрган яхши

амаллар маъносида тафсир қилинган. 56-14, 56-19, 75-20, 75-30

Жамоат аҳли – (Матнда бир неча ўринда келган. Мисол: *«Бу мискинларга мўмин исм қилдинг,* ***Жамоат аҳли*** *суннат қисм қилдинг»*) Жамоат тушунчаси фирқаланиш – гуруҳларга ажралиш маъносининг зиддидир. Шунинг учун Оллоҳ ва унинг Пайғамбари кўрсатмаларини маҳкам ушлаган, ҳақ йўлда ўзаро иттифоқда бўлган кишиларни *аҳли жамоат* дейилган. «Оллоҳ таолонинг сифатлари баёни» бўлимида: *Жамоат аҳли суннат тузган эрлар*, деган мисра бор, бу бежиз эмас. Сўфи Оллоёр тилга олган *жамоат аҳли* бирикмаси илмий манбаларда «аҳли сунна вал жамоа» тарзида қўлланади. Ақида китобларида Пайғамбар алайҳиссаломнинг: «Менинг суннатимни ва мендан сўнгги «хулофои рошидинал маҳдиййин»ларнинг суннатини озиқ тишларингиз билан (яъни, шу даражада маҳкам ёпишиб) ушланглар. Бидъатлардан сақланинглар. Чунки ҳар қандай бидъат залолатдир» деган васиятларига амал қилиш «аҳли сунна вал жамоа» тоифасининг асосий сифатларидан бири деб эътироф этилган. Ҳадисда айтилган «хулофои рошидин» – Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алий розийоллоҳу анҳум. Ҳақни таниб, унга амал қилган кишига *рошид*, унинг зиддига эса «ғовий» дейилади. Ҳадисдаги *маҳдиййин* лафзи – Оллоҳ тўғри йўлга бошлаганлар – деган маънода. *Бидъат* сўзининг луғавий маъноси – *олдин ўхшаши бўлмаган нарса* – деганидир. Шариатда *бидъат* деганда шаръий далили йўқ нарса тушунилади. Демак, кимки хоҳ ақидада, хоҳ сўзда, хоҳ амалда шаръий асосга эга бўлмаган янги бир ишни динга боғласа, бу бидъат бўлади. Матнда: *Жамоат аҳли суннат тузган эрлар* дейилар экан, бу билан тарихда ўтган айни сифатдаги кишилар назарда тутиляпти. 4-5, 6-54, 9-17, 11-23, 14-4, 25-4, 39-21

Ижтиҳод – (Матнда келиши: *«Савоб эрди ул эрларни муроди, Хато бўлди баногоҳ* ***ижтиҳод****и»*) Усул уламолари истилоҳида муфассал шаръий далиллардан шаръий ҳукм чиқариш учун бор илмини сарфлашга «ижтиҳод» дейилади. Ижтиҳодга ҳақли бўлишнинг тўртта шарти бор:

ижтиҳод қиладиган инсон *Қуръон тилини мукаммал билмоғи шарт*, яъни араб тилидаги сўз ва жумлаларнинг маънога далолат этиш йўлларини, жумлалар тузилишидаги услуб ва қоидаларни биладиган, назм ва насрдаги фасоҳат, балоғат таъсирини ҳис қиладиган, араб тилида ёзилган кўплаб адабиётдан хабардор ва улардан завқ ҳосил қиладиган бўлиши керак; *Қуръон илмини билмоғи шарт*, яъни барча ҳукм оятларини, уларнинг нозил бўлиш сабабларини, тафсирлари ва таъвилларини тўла англаб, сўралган пайтда тараддудсиз, аниқ изҳор қила олиши керак; *ҳадис илмини билмоғи шарт; қиёс илмини билмоғи шарт.* Матнда: *Савоб эрди ул эрларнинг муроди, Хато бўлди баногоҳ ижтиҳоди* дейиш билан Алий ибн Абу Толибга хилоф йўл тутган саҳобаларнинг ижтиҳодда адашганликлари тилга олиняпти. Зеро, мужтаҳидга ижтиҳодига қараб савоб берилади. Агар у ижтиҳод қилган масаласини тўғри ҳал қилган бўлса, ижтиҳоди ва ижтиҳодда адашмагани учун икки баробар савоб олади. Ижтиҳодда масалани нотўғри ҳал қилган бўлса ҳам қилган ҳаракати – ижтиҳоди учун бир савоб олади. 4-5, 11-22

Раҳмат – (Ўзакдош вариантларини ҳисобламаганда айни шаклда 26 ўринда келган. Мисол: *«Етар **раҳмат** суви кўк кавкабина, Етушмас қатрае гумроҳ лабина»*) **Раҳмат** сўзининг луғатдаги маънолари: *меҳр-шафқат, меҳрибонлик, ҳамдардлик, қайғуриш, ичдан куйиниш, юмшоқлик, яқинлик.* «Раҳмат – муҳтож кишига берилган инъом, раҳмат – қалб юмшоқлигининг сабаби» – дейилган баъзи манбаларда. Яна айтиладики, юмшоқлик раҳматдан кучли, раҳмат юмшоқликдан кенгдир. Раҳматнинг ёмғирга ташбеҳ қилиниши, айрим ўринларда раҳматнинг ёмғир деб тафсир этилиши мана шу мўл-кўллик, кенглик сифати билан боғлиқ бўлса ажаб эмас. «Фиққул луғат» китобида солавот сўзи изоҳланар экан, жумладан айтилади: «Оллоҳ таоло тарафидан бўладиган солат – раҳмат, фаришталар тарафидан бўладиган солат – истиғфор, мўмин бандалар тарафидан бўладиган солат – сано ва дуодир». 1-35, 2-1, 2-12, 7-25, 9-10, 18-11, 18-14, 18-24, 18-26, 26-49, 32-6,

32-16, 39-21, 39-22, 51-13, 51-14, 69-1, 69-8, 70-0, 70-1, 70-5, 80-17, 82-2, 82-4, 82-7, 82-12

Тўртинчи бўлимда «Саботул ожизин»га сал кам 1000 сўзлик луғат тузилди. Луғатда изоҳланаётган ҳар бир сўз алифбо тартибида келтирилди ва унинг қайси тилга мансублиги кўрсатилди. Масалан, арабча бўлса – (а.) деб, форсча бўлса – (ф.) деб қўйилди. Қайси сўздан кейин а.ф. (ёки ф.а.) деб қўйилган бўлса, арабча ва форсча сўз қўшилиб, янги бир сўз ясалганини билдиради. Туркий сўзлар бундай ишораларсиз келтирилди. Луғатда сўзнинг араб ёзувидаги шакли ҳам берилди. Кейин ўзбекча маъноси ифодаланди. Синоним маъноларни кўрсатиш зарурати туғилганда сўзлар вергул билан, маънода фарқ бўлса, нуқтали вергул билан ажратилди. Қавс ичида берилган изоҳлар, асосан, сўзнинг грамматик маъносини ёки вазифасини англатади. Битта сўзнинг бошқа-бошқа маънолари бўлса, рақамлар билан фарқлаб кўрсатилди. Изоҳлардан кейин келган рақамлар сўзнинг нечанчи бўлимда, нечанчи байтда, неча марта учрашига ишорадир. Масалан:

Абас а.عبث Эрмак, ўйин; беҳуда. 26-52, 53-10, 58-12, 70-5

Абйаз а. ابيض Оқ, оппоқ. 2-7

Авбош ф. اوباش Дайди, безори. 41-29

Байзо а. بيضاء Оқ, оппоқ; порлоқ; офтоб. 59-2

Байакбор ф.با يكبار Бир марта. 62-7, 26-16, 26-49

Базл а. بذل Саховат, туҳфа. 57-14

Вагарна а.ф. و گرنه Гарчи (*ва агар қанчалик* нинг қисқартма шакли).

Вазирак а. وزيرك Вазир (*-ак* кичрайтиш қўшимчаси). 80-31

Валима а.وليمة Базм, зиёфат, тўй. 52-32

Тадқиқотнинг «Саботул ожизин» матнининг қиёсий-таснифий тадқиқи ва илмий-танқидий матнини тузиш прин-

циплари» деб номланган сўнгги боб ҳажмининг олдинги боблардан фарқланиши қўйилган муаммонинг салмоғи билан белгиланади. Мазкур боб хулосаларини шундай умумлаштириш мумкин:

– «Саботул ожизин» нашрларининг умумий географик атласи матннинг таъсир доирасини аниқ кўрсатувчи ўзига хос ишланмадир;

– муайян матннинг пайдо бўлишидан то охирги ҳолатигача давом этган ўзгаришлар силсиласи *матн тарихи*ни ташкил қилар экан, матншуноснинг вазифаси мана шу ўзгаришларни аниқлаш, уларни тарихий, илмий далиллар билан асослаш ва шу йўл билан асл матнни тиклашдир;

– «Саботул ожизин»нинг 200 га яқин қўлёзма ва тошбосма нусхалари хиллаш, таснифлаш, қиёслаш ва саралаш тамойиллари асосида ўрганилиб, тадқиқот натижалари «том бутунлик» ва «матнлар аро бутунлик»ни аниқлашга хизмат қилди; «том бутунлик» тамойилининг бирламчи аломати қўлёзманинг қадимийлиги билан характерланади;

– ишончли матнни тиклаш жараёни силсилавий тизимда кечиб, биринчи ҳалқа «асос нусхалар», иккинчи ҳалқа «фаол нусхалар», учинчи ҳалқа «ёрдамчи нусхалар»дан ташкил топди; асос ҳалқа матн пойдеворини, фаол ҳалқа матндаги муҳим фарқларни, ёрдамчи ҳалқа зарур ўринларда иккинчи даражали фарқларни гавдалантирди;

– қадимийроқ нусха замонавийроғидан ёки тўлиғи ноқисидан ҳар доим ҳам афзал бўла олмайди;

– таҳқиқ жараёни матндаги ҳар бир сўз, ҳар бир жумланинг муаллиф матнига мувофиқлигини илмий далиллар билан ҳар томонлама асослаш экан, муҳаққиқ муқобил нусхалар билан чегараланиб қолмаслиги керак, балки қайси нусха матни қайсисидан келиб чиққанини аниқлаши ва шу йўл билан аслиятга яқинлашиши зарур;

– «Саботул ожизин»нинг оғзаки вариантлари ёзма нусхалардан фарқланади;

– илмий-танқидий матннинг турли изоҳ ва кўрсаткичлардан холи тузилиши илмий нашрлар учун ҳам, оммавий нашрлар учун ҳам қулайлик туғдиради.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

XVII-XVIII аср ва ундан кейин ҳам ўзбек адабиётида ҳеч бир манба халқ орасида Сўфи Оллоёр асарлари даражасида оммалашмаган. Шунинг учун бўлса керак, бу асарлар, айниқса, «Саботул ожизин» китоби доимо олимлар эътиборини тортиб келган. Ушбу тадқиқотимиз ҳам Сўфи Оллоёр ижодини ўрганиш йўлидаги тарихий силсиланинг узвий давомидир. Табиийки, икки асрдан ортиқ давр мобайнида амалга ошириб келинаётган бу тадқиқотларнинг ўзаро фарқли томонлари билан бирга бир-бирини такрорлайдиган жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Бу жиҳатларни доимий эътиборда тутганимиз учун мазкур тадқиқотимизда олдинги ишларда йўл қўйилган хатоларни такрорламасликка ҳаракат қилдик. Биринчидан, Сўфи Оллоёрнинг таржимаи ҳоли бўйича тадқиқотлардан тадқиқотларга ўтиб келаётган нотўғри маълумотлар реал тарихий манбалар асосида кўриб чиқилди ва муаллифнинг тўла бўлмаса ҳам, муҳим ҳаёт саналари акс этган биографияси илмий асосда тикланди. Иккинчидан, Сўфи Оллоёрнинг илмий-адабий мероси биринчи марта эдицион тадқиқ тизимида текширилди. Натижада муаллиф асарлари ва уларнинг таркиби юзасидан аксар ҳолда оғзаки тахминлар асосида шаклланган фикрларга барҳам берилди, Сўфи Оллоёр илмий-адабий меросининг икки юз йиллик ўрганилиш тарихи хронологияси сифат ва миқдор нисбатига кўра акс эттирилди.

Тадқиқотда қўйилган иккинчи муаммо «Саботул ожизин» асарининг герменевтик тадқиқи масаласидир. Герменевтик методология ҳақида маълумот берувчи асарларда XVIII-XIX асрларда Ғарбда, немис олимлари томонидан асос солинган герменевтика таълимоти азалдан

Шарқда ҳам мавжуд бўлгани айтилади, бунга тафсирлар мисол қилиб келтирилади. Мазкур ишларда герменевтика таълимоти янги ҳодиса сифатида ўрганилар экан, унинг қонун-қоидалари тадқиқотчининг тушунчаси доирасида маълум қолип ҳосил қилган. Натижада «герменевтика таълимоти азалдан Шарқда ҳам мавжуд эди» деб эътироф қилингани ҳолда муфассирлик фаолияти ҳам шу қолип нуқтаи назаридан баҳоланади.

Биз бу ҳодисага бошқачароқ ёндашдик. Герменевтика таълимотига тадқиқотимизда бошланғич мавзу сифатида эмас, балки аслнинг давоми, ундан тармоқланган бир кўриниш сифатида қаралди. Герменевтика асосларининг шаклланишида қадим шарҳ илми методологиясининг таъсири ўрганилди. Шунинг учун ҳам ишда асосий эътибор шарҳ илмининг тарихи, манбалари, ривожланиш босқичларига қаратилди. Жараёнда ҳосил қилинган натижаларга кўра, шарҳ илмининг умумий қонуниятлари замонавий талқин назарияси сифатида юзага чиққан герменевтика фанининг шаклланишида муҳим рол ўйнаган, деган хулосага келинди. Ҳар ҳолда, герменевтика шарҳ илмининг тўла ҳуқуқли меросхўри бўлмаса-да, шарҳ илмидаги матнга комплекс ёндашув усули билан боғлиқ кўп жиҳатлар инерция билан герменевтика таълимотига кўчгани ҳақиқат. Монографияда шарҳ илмидаги матн интерпретациясининг кўп қирралиги «Саботул ожизин» шарҳлари мисолида очиб берилди ва асарнинг замонавий шарҳларини яратиш имкониятлари тадқиқ этилди.

Тадқиқотнинг умумий мавзусида акс этган учта бош муаммога бир хилда алоқадор масала – «Саботул ожизин»нинг илмий-адабий манба эканидир. Сўфи Оллоёр ижодига нисбатан «илмий-адабий» атамасини биринчи бўлиб, Ш. Сирожиддинов ўзининг «Сўфи Оллоёр илоҳиёти» китобида қўллаган. Китобда биринчи боб «Сўфи Оллоёр ҳаёти ва илмий-адабий мероси» деб номланган. Сарлавҳада атама сифатида кўриниш берган «илмий-адабий» сўзлари матнни ўқиш давомида Сўфи Оллоёр асарларининг бир хусусияти ўрнида ишлатилгани аён бўлади.

Тадқиқотимизда «Саботул ожизин»нинг илмий ва адабий жиҳатларини аниқ мисоллар билан асослашдан олдин бу типдаги илмий-маърифий асарларнинг адабиётдаги ўрнини белгилашга эҳтиёж сезилди. Негаки, баъзан соҳа мутахассислари тушунчасида бутунни қисмларга ажратиш ва ҳар қисмни бутун сифатида талқин этиш билан мақсадни яхлит, бир бутун тизимда бериш йўли тутилган адабиётни фарқламаслик ҳолатлари кузатилади. Натижада ҳар икки йўналишдаги хос, шунингдек, бир-бирига ўтиб турувчи нозик даражаланишлар эътибордан четда қолиб, баҳолаш тенденциоз тус олади. Тадқиқотда иъжоз мақоми, илҳом эҳтиёжи, бурч мажбурияти, таълимий шеърият каби калит тушунчалар орқали мазкур даражаланишларнинг чегараси аниқланди. Пировардида, «Саботул ожизин» манзумаларининг мазмунан ақоид матнлари, шаклан мажозий-поэтик, бадиий-тасвирий ифодалар орқали намоён бўлиши илмий далиллар билан асосланганидан сўнг манбага том маънода «илмий-адабий» нисбаси берилди.

«Саботул ожизин»нинг илмий-танқидий матнини тузиш тадқиқотда қўйилган сўнгги асосий муаммодир. Ўзбек матншунослиги тарихига назар солинса, илмий-танқидий матн тузишнинг барча манбага баробар ягона қонун-қоидаси мавжуд эмаслиги аён бўлади. Агар бунинг сабаби фақат матншуносликнинг назариядан кўра кўпроқ амалиётга яқин соҳа эканига боғлаб қўйилса, жавоб бир томонлама бўлиб қолади. Ишончли матнни тиклаш жараёни – матннинг умумий ва хусусий деталларини кўз билан кўриш, муайян шаклни хотирда сақлаб қолиш, нусхаларни ўзаро солиштириб, маълум матнни танлаш каби жисмоний ҳаракатлардангина иборат эмас. Аслида, айни пайтда бу хатти-ҳаракатлар тафаккур майдонида кечаётган «инкор» ва «тасдиқ»лар суронининг измида бўлади. Тафаккур эса қарашларни тизимга соладиган назариянинг бош омилидир. Матншунослик илми адабий манба ва «матн тасарруфи»нинг мезон ва тамойилларини ўрганар экан, матншуносда бундай мезон ва тамойиллар асосида манба-

га муносабат билдира олиш тафаккури шакллангандагина тасарруфнинг назарий масалаларини амалга ошириш мумкин. Бундан келиб чиқадики, адабий манбашунослик ва матншунослик илмининг ривожи кўпроқ соҳа бўйича назарий асосларнинг мустаҳкамланишига, бир сўз билан айтганда, илмий-танқидий матн назариясининг яратилишига боғлиқ.

Ишда «Саботул ожизин» асари мисолида ишончли матнни тиклашнинг назарий муаммолари ёритилди, мумтоз адабий манбаларни тадқиқ этишда, оммалаштиришда фундаментал илмий кўрсаткичлар билан таъминланган илмий-танқидий матн имкониятлари ўрганилди.

Монографияда келтирилган тадқиқ натижалари бўйича юқорида билдирилган умумий фикрларни конкрет хулосаларда шундай ифодалаш мумкин:

1. Сўфи Оллоёрнинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ манбалардан манбаларга ўтиб келаётган «Рисолаи Азиза»даги маълумотларнинг аксари манбавий асосга эга эмас. Сўфи Оллоёрнинг пири шайх Наврўз ва Ҳабибуллоҳ икки тарихий шахсдир.

2. Сўфи Оллоёрнинг илмий-адабий мероси «Маслакул муттақин», «Саботул ожизин», «Махзанул мутеъин», «Муродул орифин» каби тўртта китобдан иборат. «Туҳфатут толибин» Сўфи Оллоёр асари эмас, балки «Муродул орифин» байтларининг изоҳли йиғмасидир.

3. Шарҳ илми тадқиқида асос вазифасини ўтаган илмий мезон шарҳнинг вужудга келиши, шаклланиши, мустақил илм сифатида барқарорлашуви ҳодисаларини Исломдан кейинги давр базасида ўрганишни тақозо қилади.

4. Барча турдаги шарҳлар учун умумий, тармоқлараро барқарор қонуниятлар мавжуд. Шарҳ илмининг текшириш усуллари, илмий тамойиллари нафақат замонавий адабиётшунослигимиз, балки герменевтика таълимотининг асосчилари бўлган Ғарб олимларининг илмий-адабий мезонлари учун ҳам замин вазифасини ўтаган.

5. Ҳар учала шарҳ матн мазмунини баён қилиш жиҳатидан бир-бирини тўлдирувчи ва «Саботул ожизин»ни ом-

малаштиришда муҳим аҳамиятга эга бирламчи манбалар саналади, лекин Шарҳ илми анъаналарига эргашиш жиҳатидан қаралса, «Саботул ожизин» асарининг ўрганилиш тарихида марказий ўринни эгаллаган «Ҳидоятут толибин» қолган икки шарҳдан юқорироқ мартабада туради.

6. Шарҳланаётган асарнинг муносиб баҳоси тадқиқотнинг мазмун ва шакл уйғунлигида олиб борилишида намоён бўлади, шарҳларда мазмун тадқиқи билан параллел равишда шаклга ҳам жиддий эътибор қаратилиши тарбиявий хусусиятга эга манбани таълимий даражага кўтаради.

صحابه هرقی برحاله بولدی	زمین آسمان درناله بولدی
زماندین سونگ کوزینی ایلادی باز	صحابه ایدیلار ای محرم راز
سنی خلق افضلی قیلدی خدا ینگ	محیا بولدی جنت ایچره جاینگ
صفاتینگ رحمةً للعالمین دور	خدا دین مونچه قور قوپچینگ نه دیندور
دیدی گرچی رسول جزو کل من	نچوک خوف ایلامای زیراکه قلمن
اگر یوز مینگ بشارت بیرسه باری	کیرک قلدین اوشنچه خوف زاری
کیشینینگ اسم ذاتی بنده بولسه	بولور می فارغیت قل دیگانده
خدانینگ رحمتیدین امیدوار بولماق بیانی	
کیل ای تن بیرمگیل وقتینگنی قولدین	یوری[1] دریای رحمتگا بوچولدین
گناهیم کوب ایرور دیب بولمه مأیوس	عجب ایرمس اگر عفو ایتسه قدوس
دل جان برله توبه قیلینگ ای یار	مگر لطف ایلاگای دانای اسرار

[1] A1057; C2; ИО; C1 – یوگور– XT //یوری

اگر لطف ایلاسه ستار عالم	بتار بر لحظه ده کار دو عالم
عبث دین ایمدی یغ لب تیتره یغلب	تیلیج ان دیلنگدین رحمت رب[1]
هوانی پست ایتار اسکینک نجومی	کواکبدور شیاطنینک رجومی
یوراک یاغین کیتار بولسون دیسنگ باز	قفیلور کوز یاغینی ایچ یاغینی آز
نه دولت دور کیلیب عیسینگا شریمنک	دل گریمنگ اگر ایریلسه گریمنک
خدا اینگ خوفیدین بر قطره ء اشک	عزازل آلدیده چندان بولور رشک
سعادت لیک کیشی یب دایما غم	کوزین حق خوفی برله قیلسه شبنم
غرض اوزمه امیدای طالب راه	دیدی لاتقنطوا من رحمت الله
اوتو لمس جرم شرک ای مرد سالک	اوتر لطف ایلاسه مادون ذلک
حکایت	
ایشیتکیل فاسقی یاندی گنه دین	پشیمان بولدی احوال تبه دین

[1] C2 да бу байт йўқ.

قیلور ایردی یمان نفسین ملامت	گنهدین مدتی ایردی سلامت
یمان نفسی تقاضا ایتدی یانه	یمانلیق ارقه سیدین کیتدی یانه
سحرگاهی اویاندی اول گنه ساز	پشیمان بولدی قیلغان فعلیدین باز
بولوب ایردی دل جانی بیله نرم	ولیکن قیلدی بوزغان عهدیدین شرم
یوق ایردی زهره سی توبه قیلورغه	یقین یتدی یوراکی یاریلورغه
ندای کیلدی حاطفدین اوشل حال	کیین باقمه ازونکنی الگاری سال
همیشه مغفرت دریاسیدور جوش	دمی آبی اوشل دریادین ایت نوش[1]
اگر چندیکه بوزدینگ عهد بسته	نیچه توبه ایتیب قیلدینگ شکسته
دل جانینگ بلان چون ایلادینگ آه	ایرور توبه نگ سنی مقبول درگاه
ایشیتدی بول ندانی مرحمت ناک	اوروب نعره یاقاسین ایلادی چاک
اوزیدین اوتدی[2] و عجب ریادین	خدایم قیلدی آخر اولیادین

[1] C2 – عجب دور بنده سیدین غفلت آغوش

[2] ҲТ; ИО – کیچدی

ترحم بنده گا کو بدور خدا دین	امید اوزمک روا ایرمس گدا دین
یقین بیل گرچی غافر دور خداوند	انگاهم بولمه مغرور ای خردمند
اوتار دیب یا تمغیل قانغه بویانیب	اویانیب لطفیگه اوتور یویانیب
اگرچه لطفی کو بدور قهری هم بار	باشینگ گر کوک گه یتسه قلسن ای یار
سینینگ آلدینگده دور چندان خطردین	نچوک غافل بولورسن خوف ایتاردین
عنایت قیلسه حق اولگان زمانینگ	اوزولسه نور ایمان برله جانینگ
جواب قبرنی بیرسنگ چو بهراق	قیامت کونی قو بسنگ یوزلارینگ آق
ترازوغه آغیر کیلسه ثوابینگ	اگر اونگ الگینگه کیلسه کتابینگ
جهنم اوستیدین اوتسنگ سلامت	بهشت جاودان قیلسه کرامت
بولاردین اوتاین ای آدمیزاد	نچوک فارغ یورورسن خرم شاد
جهان کولکویری ایرمس دور ای قل	مگر بو کل خطردین آتلاسنگ کل
قضاغه راضی و بلاغه صبر ایلامک بیانی	

کیل ای بنده اوزونگنی سال خدا غه	قضا غه راضی بول صبر ایت بلا غه
یقین بیل بنده بولسه اصل إسمینگ	خدا نینگ ملکی بولسه جان جسمینگ
اینینگ دورمال ملک هرنه باری	نچوک قیلسه اوزینینگ اختیاری
بویونسونغبل نچوک کیم قیلسه فرمان	بولور می بنده ده حجت درمان[1]
کیشی کیم بولسه راضی قضا غه	اگر صبر ایتسه کیلگان بلا غه
اگر شکر ایتسه حق نعمتی غه	قچان لایق بولور بنده آتیغه
خدا غه هر ایشینگ قیلسنگ حواله	بولور جنت بو اولتورغان قواله
کو نگلده قالمغای دنیا غمیدین	الور سن بهره هر اوکتکان دمیدین
قی قلغه میسر بولسه بو حال	اگر آغوایچره یلگای انی بال
خدا نینگ گنجیدین بول بولسه نخشی	رضا جو قل انی کورمسی نخشی
حکایت	

[1] C2; ИО; C1 – درمان // ҲТ – برهان

غلامی آلدی عبدالله انصار		دیدی ای قل آیتگنی ایلا إظهار
دیدی ای خواجه سن قویسنگ قی آت		مینینگ آتیم اوشلدور ای نیکوذات
دیدی ای قل سوار سن قیسی خوراك		دیدی سندین نه تیکسه به دور ای پاك
دیدی قیسی کیسم کو نگلونگده مرغوب		دیدی سن قیسینی بیرسنگ اوشل خوب
دیدی ای قل نه دور کسینگ کارینگ		دیدی هر قیسی بولسه اختیارینگ
دیدی باری قیلورسن قی، هنردین		آقوزدی اشکین اول قل چشم تردین
دیدی ای یخشی لارنی شهریاری		بولورمی قل دیگان ینگ اختیاری
اگر امر ایلاسنگ هر قیسی یوزگا		نه دور چارم بویون سونماقدین اوزگا
ایشیتدی خواجه اول قلنینگ سوزینی		یقیلدی یرگا اوردی اوز اوزینی[1]
یقاسین چاك ایتیب دیرایدی انده		ای عبدالله که کوردونگ فعل بنده
اوزونگنی سال خدانه جزو کل دین		طریق بنده لیك اورگان بو قلدین[2]

[1] ҲТ – بيقيلدى يرگا و اوردى اوزيني

[2] А1057 да шу мисрадан сўнг 55 байт йўқ.

فقیر لارنی حقیر کورمه مک بیانی	
کیل ای ناظر مسلمان بولسه هریار	نظر قیلمه حقارت برله زنهار
فقیرنی بیلمه کم دنیا ایلیدین	حدیثی کیلدی پیغمبر تیلیدین[1]
دیدی الفقر فخری یعنی اول شاه	نچوک آرتوق بیلورسن حشمت جاه
عملدور یخشی قل لارینگ کمالی	ورع دور حشمت جاه جلالی
ایمس دنیاسی بولغان برله محبوب	حساب آخرت کم بولغانی خوب
اگر به بولسه بولغان برله مالی	که قارون بولغای ایردی اهل حالی
قووانمدی نیچه کون دنیا اویغه	یوبار دی مالی برله یر قویغه
اگر دنیاسی یوقدین بولسه ایر خوار	پیمبرغه[2] بلال بولمس ایدی ی ار
محمد کیم نبی لارغه ایدی تاج	عطا قیلدی خدا اول کیچه معراج
مقام سدره غه یتدی او بنده	بلال نعلینی صوتی[3] کیلدی ان ده

[1] C2 – حدیث کیلدی پیمبر نینک

[2] A1057; C2 – محمدغه // پیمبر غه; ИО; C1 – ХТ

[3] C2 – بلال آوازي كفشي

بلای قناعه صبر ایتکان انسان		دیانت ملکیده دور مرد مردان[1]
اگر چندیکه بولسنگ بی بضاعت		سلیمان سن اگر قیلسنگ قناعت
قناعت دور کو گل لارینگ صفاسی		قناعت برچه علت نینگ دواسی
قناعت کیم طبیب هر کسل دور		قناعت اهلیغه آغو عسل دور
براوینگ حکمی یتسه شرقدین غرب		براوینگ باشیغه موری قیلور حرب
اجل جلادی کوکسین ایلاغاچ چاک		قیلور هر ایکی سین بر دیک قراخاک
براوینگ نقره و طلاسی مول مول		براو کورگانی یوق عمریده بر پول
مونی مفلس دیمس تا گلانی بای		بولور هر قیسیغه زیر لحد جای
براو او تکردی عمرین عیش ایله فاش		براو تاتقانی یوق آغزی توله آش
اجل جان اچیغین کورسه تاچ اندک		بولور هر ایکلاسی کورگاندک
براوده بولسه دایم محنت درد		براوبنگ کلفتی بولسه برگرد

[1] XT; C1 – مرد میدان

اگر بولسه اولومینگ مبتلاسی	بولور هیچ کورمگاندیک هر ایکلاسی
غرض بو سوزدین ای فرزند آدم	یمه هرگز اوتار دنیا اوچون غم
خیانتدین یراق بولماقنی بیانی	
کیل ای کامل کمال ایتمگ دیانت	کیشیگا قیلمغیل هرگز خیانت
خیانت کیم کیلور قولدین کوزدین	ایاغدین عضو پنهاندین سوزدین
مونی بیلگای جمیع آدمیزاد	ایمس حاجت که بر بر ایلاسم یاد
خیانت کیم ایرور پیدا کو مگلدین	مونی انگلا دیانت بیرمه قولدین
نه کیم توشسه کو مگلکه یا کوزو مگا	روا کورمسگ اول ایشنی اوزو مگا
روا کورسگ مسلمانی غه آنی	مونی دیرلار خیانت ینگ یمانی
قی ایکار رضا بولسگ کو مگلده	اگرچه قیلمگ بولدینگ بو یولده
ایرور عصیان رضاسی چونکه عصیان	رضای کفر دور کفرای مسلمان
مسلمان اوغلینی کورسگ کوزو نگدیک	ضرر ده نفعده بیلسگ اوزو نگدیک

قی قلنی موینگدیک بولسه حالی	بودور بیشک مسلمانلیغ کمالی
اگر چندیکه بولسه شبهه ء کم	روا کورسنگ انی اوز نفسینگا هم
روا کورمه مسلمانیغه زنهار	اگر کورسنگ بناگه ایلا اظهار
خصوصا بیرمکیل تقوالیک ایرگا	مغیلان سیمکیل ریحانلی یرگا
تقی مینگ کو ملکی دور دار الصیانت	صیانت خانه غه قیلمه خیانت
اگر تاپیلسه نعمت آلدیغه ساچ	وگر بولمسه آغزینگ عذر اوچون آچ
اگر مینگ خلطه بیرسنگ خلطه کوب زر	سنگا اندین نیچوک سود ای برادر
اگر بیرسنگ اریغدین قطره ء آب	ایرور چندان ثواب ای گوهر ناب
کیشیگا بیرسه کیم مال حرامی	امید ایتمه ثواب اول مردعامی
بولور کافر امید ایتگان اول انسان	بیلیب آلیب دعا قیلغان هم اول آن
خیانت مینگ بریکیم بولدی موصوف	بیلیب قیلمسه هر کیم امر معروف
وگر نهی ایتمسه منکر ایشینی	خیانت لیک دیگیل انداغ کیشینی

براویول بیلمین یوزلانسه چولگا	بیلیب سن سالمسنگ گر یخشی یولگا[1]
قی انصاف ایرور قیمی دیانت	ایرور انداغ اولوغ بخل خیانت
اگر آلدینگده طفلی بولسه ناگاه	یانر اوتغه توشارین بیلسنگ آگاه
اوزاتمس بولسنگ انگا دست الطاف	نیچوک بولغای مسلمان لیغده انصاف
جمیع بنده ء مؤمن سراسر	ایرور میزبر بریمیز غه برادر
براو چیقسه طریق آخرتدین	اوگورسه یوز مقام مغفرتدین
اگر کور ستمسه یول کورگان انسان	بخیل لیک موندین اوتمس ای مسلمان
سن ایغان سونگره توز بولمسه حالی	اوزینینگ بوینیغه بولغای وبالی
آچیبدور سن برادر لیکنی بابین	تلاییسن امر معروف نینگ ثوابین
اگر کیلمسه قولدین یا تیلینگدین	یمان کور اول ایشین جان دلینگدین
جوان مردلیک نشانی	

[1] C2 да бу байт йўқ.

کیل ای انسان اگر بولسنگ چین ایردیک		آغیر لیق پیشه قیل دنیاده یردیک
اگر تیپسه سنی هر قیسی موجود		زیان قیلمه تقی یتکور امگا سود
یوراکینگ قیلسه لار آهن ایله چاک		چیقار آلدیغه تورلوک نعمت پاک
اگر چه عالمه سندین تیکار نفع		ازونکدین قیلمغیل توفراغ آتین رفع
آتانک یردور[1] سن هم یردیک قیلیق قیل		یانلیق ایلاگا مگا یخشیلیق قیل
کیشی تاش اورسه باشه ای خجسته		کولوب باقغیل یوزیکه مثلی پسته
بو سیندور ماقغه دلتنگ بولمه زنهار		امید اولدورکه خوش کورگای خریدار
ایاغ آستیده قالدیم دیب دیمه وای		بولور چین کاسه کوب یتیکویسه لای
اگر دشمنغه دوستلوغ قیلسنگ اظهار		باشینگ یرغان کیشیلارنی دیسنگ یار
رضا ملکیده تکین ایلاگان ناس		جفا آلماسی تیکسه قتیغ آلماس

[1] A1057; C2; ИО; C1; PA – آتانك يردور // XT; A1074; C1420 // B317 – آتانك ايردور

دیمس آسیب انی خلق اورسه آسیب	ویا محنت جبالی یاتسه باسیب
جهالت اهلی قیلمس کینه ترکین	قچان درکین بولور گر بولسه درکین[1]
اگر راضی یسه مینگ ضربهٔ ید	دعانی هرگز انگا قیلمغای بد
ضرر غه راضی بولمس هرگز اکل	هدایت برله توفیقین تیلار بل
سولور کین گر دیدین حالت حمالی	کیتور گردین کیرک گردین کمالی
احد تاغیده بولغان محاربه	
احد تاغیده پیغمبر تیشینی	شهید ایتدی نه تمیش کیشینی[2]
عجب کون توشدی مؤمنلار باشیغه	عمر کیلدی پیمبرنی[3] قاشی غه
دیدی یغلاب ایا سلطان ابرار	دعا قیلغیل قریلسون او شو[4] کفار
ولیکن قیلدی اول دعوت بد	هدایتغه دعا قیلدی محمد

[1] A1057 – //قچان تركين بولور كيم بولسه – C2 //قچان دركين بولور كم بيلسه – ХТ; ИО –قچان دركين بولور گر بولسه

[2] ИО да шу мисрадан сўнг 7 байт тушиб қолган.

[3] C2 – محمد نينک قاشيغه

[4] ХТ – قريلسون برچه

اوشل روزی که انبوه ایردی کفار		ابو سفیان خالد ایردی سالار
اجابت بولدی پیغمبر دعاسی		مسلمان بولدیلار هر ایکالاسی
اول ایکی ایربلان کوب اهل طغیان		احد کافرلاری بولدی مسلمان
چو خالد آلدی دینینگ شهدیدین بهر		مسلمان بولدیلار ایلکینده مینگ شهر
عراق اهل دمشق خطهء شام		ابو سفیان قولیده تاپتی[1] اسل ام
محمد آلدی عالم خلق خوشدین		میسر قیلدی آلتون کموشدین
اگر سن مرد صاحب همتی سن		رسول الله مینگ خاص امتی سن
توتار سن جان ایله فعل نبی نی		قیلور سن هر محلده پیروینی
حکایت		
بهاء الحق والدین طاب مثواه		عوانیغه یولوقدیلار بناگاه
عوان بر سوز دیدی اول بنده بر سوز		عوان قویدی یانلیغ کویگا[2] ی وز

[1] A1057; C2 –قولیده تاپتی // ХТ; ИО – قولینده بولدی

[2] ХТ – یامانلیغ بابینه

یوزینغه سالدی قمچین مردی غالی[1]		قنیزیل قان بولدی سنبولدیک سقالی
اوشل قانلیغ سقالین آلدی قولغه		دیدی یارب مونی سال یخشی یولغه
غضب قیلمه انگا قیلغیل عنایت[2]		مهم اخراویسین قیل کفایت
بو سوزنی انگلادی اول مرد بیباک		اوزین تاشلاب یقاسین ایلادی چاک[3]
یوزینی یرگا سورتیب ناله قیلدی		کوزینینگ یاشینی چون جاله قیلدی
الیب همت عصاسین کیردی یولغه		قولین تاپشوردی اول همتلی قلغه
خدا اول بنده که قیلدی عنایت		نیچه کون اوتمین تاپدی ولایت[4]
انا خلق انا حلم انا حال		انا دولت انا نصرت اقبال

[1] A1057; C2 –مردعالی // ҲТ –مردخالی // Изоҳ: бу сўз –عالی «баланд, юқори мартабали» эмас, غالی бўлиши ҳам мумкин. Гарчи,»ҳ.т»да холий (خالی), бошқа барча нусхаларда(عالی) ёзилган бўлса-да, ҳар учала шарҳда бу сўз غالی– «ҳаддидан ошувчи, кўпириб-тошган» маъноси орқали шарҳланган. Шунингдек, ГҚ нусхасида бу бирикманинг مردغالی варианти келтирилган. Матн мазмунига кўра шу шаклни қабул қилдик.

[2] ҲТ – قیلغیل هدایت

[3] ҲТ; ИО –یقاسین ایلادی چاک اوروب نعره

[4] ҲТ да бу байт йўқ.

انل همت انا خلت انا کار[1]	انا تبعیت سلطان ابرار
یانلارینگ ایشیدور کینه تو تماق	مسلمانلیق یانلیقنی اونوتماق
اوزینگ نفسینی کم ایلاگان قل	قیلور قنچه جفا کیسه تحمل
حمیت بایدین او تکر گای مرد	اگر چندیکه اول ایش بولسه بر گرد
حمیت قیسیدور بیلنگ بتعیین	نظر ایلا کتاب مجتهدین
ایشان صوفی نینگ یار انلاریغه ودا قیلغانلاری	
برادرلار که بیرگا قیلیر نگیز عهد	آلور میز دیب محبت جامیدین شهد
تاپلمس بنده ده سیز ایستگان حال	آچیلمس عاصی دین سیز ایغان اشکال
طلب قیلمنگ بو عاصی دین کرامت	کشفات مقامت علامت
بیله آلمم نهانی تر میتدین	الیب ایردیم ایلیک نفسانیتدین

[1] A1057; C2 – انا خلت انا وار

پشیمان من پریشان اوکتکان ایشدین	بهار تیره ماه یاز قیشدین[1]
پشیمان من ایلیک الغانلاریمغه	طمع نانیغه قول سالغانلاریمغه
بارینگ ایدی یارانلار هر قیانه	یورو مگلار بر ملکل ایرتیانه
قوروغ قول آلغانیمدین دراذا من	عزیزی ایستگنگیز سیزدین رضا من
منی دیب قالمنگیز اوز کاریگیزدین	اویا تلیغ من سیزینگ رخساریگیزدین
بحل ایلانگ کیلیب کیتکاینگیزغه	یلیب یوگریب امید ایگاینگیزغه
کیچورمس بولگیز من قلدین ای قوم	مینینگ حالیمغه مشکل دور صبایوم
تانب مندین تانب اورع کیشینی	توتونگ محکم اینگ قوتلوغ ایشینی
کیرک مرشد دیگان م انند عمان[3]	مبارک باطنی پر[2] درمرج ان
جهالت دشتیدین کیم کیلسه سوساب	اینگ ظاهر سویدین بولسه سیراب

[1] Бу байт фақат ҲТ нусхасида келган.

[2] ҲТ – چون

[3] ҲТ – چون بحر عمان

اگر بولسه کیشی کیم طالب در	چو موب باطنغه جیپین ایلاسه پر
دیمنگ تاپیلمغای بو نشالیک کس	جهان ایوانی کینگدور خالی ایرمس
تاپیلغانده مو نینگدیک بحه ء خاص	قنی اخلاصی کوب همتلی غواص
چو موب آلغای ایلک کا در مقصود	وگرنه قول سالیب قاچاق نیچوک سود
اگر سیز تاپسنگیز بر بخشی شه نی	خبردار ایلا نگیز من روسیه نی
قیلای من هم یوزین کو نگلوم ضیاسی	قدم تو فراغینی کوز تو تیاسی
نه بولغای سیز برادر لار پی دین	منگا هم بیرسه لار وحدت می دین

ایشان صوفی نینگ فرزندلاریغه نصیحت قیلغانلاری

تولام اولدورای فرزانه فرزند	نگاهدا رینگ سنی بولسون خداوند
کوزومنی روشنی صدیق محمد[1]	یراق بولسون کوزونگدین دیده ء بد

[1] A1057; C2; ГҚ –// صدیق محمد ҲТ; ИО –صادق محمد

ایشیت من خسته دین برنیچه قولی	یگیت لیک کاسنی یکتورسه مولی
یمان یورمه یمان اندیشه قیلمه	آتانک دیک روسیاه لیک پیشه قیلمه
یراتغان تنگریغه قیلغیل توکل	طمع قیلمه کیشیدین برگینه پول
طمع برپرچه بولسه قیلمغیل رای	بولور برپرده یوزدین پرده[1] بی ج ای
یوزونگدین پرده کم کم توشمون[2] پست	حیادین عاری یوزینگ عاری بولمس
طمع برله سیمورگان[3] نفس غماز	اگر اغزین تیلار بولسنگ تیلار باز
نقاب شرم اچیلمسدین بورونراغ	انی بیرگ ایلاهریاقدین تاقیب باغ
قناعت قیل ملامت ملکی بولمه	اتانکدیک خلق ایلکا کولکو بولمه
پیمبرلار فعالیدور قناعت	انگا وابسته دور مجموع طاعت
بیلینگنی باغلا محکم بنده لیک که	آتانکدیک قویمه یوز شرمنده لیک که

[1] XT – بولور بر پرچه دین یوز پرچه
[2] XT– کم کم بولماسون
[3] XT –طمع برله کیچورگان

شرارت اهلینینگ پیوندی بولمه		هوابرله هوسینینگ بندی بولمه
کیچیکلیکدین عبادتکه بویون قوی		قیامتینینگ اویون قیلینگ اویون قوی
عجب خوشدور کیچیک لیکدین بولوب ساغ		بوکولماغنی قویوب غدین بوکولماغ
شبابی توکسه کوزدین هر شب آبی		اینینگ عینین دیگیل رحمت سحابی
ریاگردینی یوقتیرمه ایتاک کا		آتانگ دیک بولمه تابع نفس سک کا
تواضع دین کوتارمه یوقاری باش		تکبر قیلمغیل چون تخم خشخاش[1]
تکبر خاطر یگنه کیلسه فی الحال		عزازل قه سینی یادینگه آل
کو نگلینینگ منزلین قیل گوشهٔ فقر		قیامت زادی قیلغیل توشهٔ فقر
جهان ینینگ حرصیدین قیلغیل اوزینگ دور		آتانگدیک بولمغیل دنیاگا مغرور

[1] XT – مانند خشخاش

امید ایتکان کوزومینینگ نوری بالم	آتانگدیک بولمغیل رسوای عالم
اگر چندیکه بولسنگ قول قتا تلیغ	خدا درگاهیده بول مسکن آتلیغ
اوروغ لیغ من دیمه تانگلا اوروغ بار	حساب نامه ء وزن سوروغ بار
اوزونگنی ایلا کوب بولغان سری خوب	نیچه من کوب دیگانلار بولدی منکوب
بولوب خویش تبارینگ برله مغرور	دیمه من زور اگر دین بولسه منظور
بو دنیادین اگر اوتسنگ قوروغ لب	کو نگلغه سالمه هرگز یاد منصب
اوتار دنیاده هرکیم بولسه دین لیک	بولور منصبدین آرتوق خوشه چین لیک
عجب آفت ایرور جاه ظرافت	شرافت فی بیله کورمه شرافت
بیلیب دنیا مقامین غیر معمور	بولور زیرک وزیرک آتیدین دور
کوتارسنگ باشغه ارتوغ بولمه آرتوغ	بولور معلوم صبا اورسه ملک بوغ
خدا دین هرنه کیلسه ایلا غیل صبر	آتانک دیک قیلمغیل اوز نفسینگا جبر
خدا اینگ امریغه قیلغیل اطاعت	زیادایت طاعتینگ ساعت بساعت

محبت فوطه سینی باغلا بیلگا	آتانگ دیک عمر بنگی او تکارمه یلگا
هوس دنیاده قیلمه محترم لیک	ولی بول حالینگه لایق کرم لیک
اگر اوچ کونده تاپسنگ پرچه‌ء نان	یمه یالغوز انی یرمین قیل احسان
اگر بر ییلده پیدا بولسه بر پول	یمس یالغوز خدانی ایستگان قل
کیتارنی بیلسه هر کیم جای تنگه	یمس تنگه غمین بو نفس لنگه
جهان مهرین کو تگلدین ایلا زایل	آتانگ دیک بو لمغیل دنیاغه مایل
ایشتینگنی ایلا غیل کون کوندین اقوی	خدا ینگ سویگانیدور اهل تقوی
اگر تقوی ایشین قیلسنگ باخلاص	دیگای شاید سنی حق بنده‌ء خاص
اگر بولسون دیسنگ جان دلینگ جمع	ورع آیین بولوب علم امین ایت شمع
اگر علم عمل بر بولسه رنگی	هر آیینه کیتار آیینه زنگی
اگر تاپسنگ خدا درگاهیده قرب	محبت کاسه سیدین بیرسه لار شرب
سحرلار قوب کوتار دست دعانی	تیله مونگلوغ اتا برله انانی

خاتمت الکتاب

کیل الله یار سوز کوتاه قیلغیل	بیلگنی باغلاغزم راه قیلغیل
قراسنگ دور سنی اصلینگ قراسنگ	بیریب دور سن ریاقانی بیله رنگ
اولوم طوفانی بو سرنی قیلیب فاش	اگر ایچ بولسه سود ایلامس تاش
قریب جسمینگ قریب بولدینگ هوسگا	نیچوک شرمنده لیک سن توسلس کسگا
آقردی ساچ ندامت اشکینی ساچ	یقانگ اوشله دهان معذرت آچ
یالینگ آقی اثر قیلدی حالا	ایاله یور باقیب هر دم اویاله
هوا برله توزوک ایش قیلدینگ هیچ	بولوبدور کیچ هوس بازاریدین کیچ
سنگا ایدی اوشل پیر کهن سال	اگر حال اهلیده تاپیلمسه حال
عمل کم ایلاگای اوز قالی برلان	قالور عزت حرمت آلی برلان
بولور آرتوق هوس برلان هواسی	ایرور حال اشبو علت نینگ دواسی

قلم قیلدینگ قرا کو نگلو نکنی قیل آق	اوشل ایرینگ سوزین حلقه قیلیب تاق[1]
اوزونگ قیلای کو نگل بازاریني طی	کیشیگا سوز لامک تا چند تاکی
اگر بولسه کو نگل ینگ اختیاری	نه بولغای قالسه من دین یادگاری
بتیب سن فارسی تیلده کتابی	تمام اندہ مسایل ینگ جوابی
همه فتوی و تقوی ینگ بیانی	اون ایکی مینگدین آرتوق بیتی آنی
دیدینگ شیء قلیلی ترکی تیلدین	کیچ ایدی البته بو قال قیلدین
اگر چه نخشی سوز قند شکر دور	خطاسیدین ولی خوف خطر دور
خطاسی بولمغای ایغان سوز و نکنی	تضرع خاکیغه سور غیل یوز و نکنی
خدا غه زاری قیلغیل ایرته و شام	ایشیگنی پخته قیلغیل قالمغای خام
مناجات	

[1] ГҚ да ушбу мисрадан сўнг ҳеч бир нусхада учрамаган шундай байт келган:

قرا قان ییغلادیم توتدیم قلمنی
تون کون ایشیتیب مندین عالمنی

خالقا قایل من اوز نقصانیمه	کوب جفا قیلدیم اوزومینینگ جانیمه
ذات پاکینگدین عنایت بولمسه	هیچ ایشاتیمم یوق عمل قیلغانیمه
خالقا قیلدیم فعال گنده نی	قیلمغیل رسوا منی شرمنده نی
سن اگر رحمت نقابین یاپمسنگ	عیبی کوب نقصانی کوبتور بنده نی
خالقا توگدوم عبادت طاسینی	سن توزارسن بنده نینگ کم کاسینی
قللارینگ بولغانسه عصیان لایغه	آقیزورسن مغفرت دریاسینی
خالقا قیلدیم گناه بی حساب	تانگلاسن سورسنگ نه بیرگایمن جواب
من آچارمن جرم عصیان چیهره سین	سن یاپارسن عفو رحمتدین حجاب
خالقا قیلدیم گناه بی عدد	جان بیرور حالتده سن بیرگیل مدد
نفس شیطان ایلکیدین قوتقارمسنگ	بولدی مشکل حالیمیزغه یا احد
خالقا یا اولا یا آخرا	نفس شیطان جانیمه بولدی بلا
گرچه الله یار اوتاچی دوریمان	قویمغیل دشمن قولینده مبتلا

خالقا پا ایشلاریم باش ایلا گیل	خرمن طاعت منگا چاش ایلا گیل
مونده توفیقیم چیراغین قولغه بیر	انده ایمانیمنی یولداش ایلا گیل
خالقا عفو ایلا اوتکان یاشیمه	یخشی قلارنی عطا قیل قاشیمه
گور ایچینده کیلسه ایکی سورغوچی	انده سن رحم ایلا یالغوز باشیمه
خالقا خیف اوتدی ماه سالیمیز	بولدی نافع عیال مالیمیز
سن حسابیمیزنی آسان ایتمنگ	روزی محشرده نه کیچگای حالیمیز
خالقا کو نگلیمده دنیای دونی	من ایرورمن بنده لارنینگ آزغونی
گرچه بنده نگ مونده بولسه روسیاه	یوزلارین آق ایلا گیل محشر کونی
خالقا یارلیقا خلق عامه نی	اورته ده مندیک معاصی خامه نی
حشرده هر کیمگا کیلسه بر بتیک	انده بیرگیل اونگ قولوگا نامه نی
خالقا توتدیم فراغت خا بینی	ایستادیم دایم جهان اسا بینی
گرچه الله یار ایرور غرق گناه	آچ امگا اولگنده رحمت با بینی

خالقاکم ایلادیم کوی عمل	یخشیلاردیک یورمدیم سوی عمل
سن کرم برله قیامت دشتیده	ایلاگیل آخیرترازوی عمل
خالقادیده گلااشک زاری بیر	کونگلومه دایم محبت یاری بیر
آب کوثردین منی سیراب ایتیب	هم بنه کوفروک اوتاردہ یاری بیر
خالقالطف ایلاجنت النعیم	قیلمغیل هرگز گرفتار جحیم
من گناه لیک قل ایرورمن سن غفور	من خطالیک بندہ دورمن سن کریم
خالقاتوز ایلاگایسن راه یمیز	مستجاب ایتگیل دعاوآ ہیمیز
تاگلاحیران بولسہ خلق اوز حالیغہ	مصطفی نی قیل شفاعتخوا ہیمیز
خالقالطف ایت گدای زاریگا	بندہ دورمن راضی من هرکاریگا
مغفرت دریاسیغہ غرقاب ایتیب	کوزلاریم شایستہ قیل دیداریگا
خالقاعمر ایلادیم فانی بلان	ایمدی بندہ نگ زار ایتار جانی بلان
گرچہ الله یار ایرورزار زبون	جانین آل نور ایمانی بلان

ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ МАТН

(кирилл алифбосида)

Илмий-танқидий матннинг жорий алифбода берилишининг сабаби матннинг бу вариантида ҳар бир манзума ва уни ташкил қилувчи байтлар алоҳида-алоҳида рақамлаб чиқилган. Илмий аппаратнинг кейинги бўлимларида мавзуларига кўра изоҳланган сўзларнинг қайси ўринда келганини билдириш учун қўйилган бу рақамлар матндан унумли фойдаланиш имкониятини беради.

1
Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим

1 «Сано лил холиқи ғаброву афлок»,
Яратди қатраедин гавҳари пок.

2 Самовот уйини тутди муаллақ,
Жаҳона ҳукмини кўрсатди мутлақ.

3 Қилиб ғабро мадорин зиммайи ҳут,
Бани Одамға андин қисм этар қут.

4 Падид этди жаҳон ичра фавосил,
Қилур ҳар фасл турлук нашъа ҳосил.

5 Ажаб сунъу, ажаб аҳкоми тақдир,
Қилур бир қурсдин олам кўзин сер.

6 Ирода қилса ул Ҳаййу тавоно,
Қилур бир лаҳзада билмасни доно.

7 Сафий туфроғин этгач, жон ила жисм,
Нечукким, айлади донойи ҳар исм.

8 Халос этса бировни Раббул афлок,
Қолур тоғ остида, андин чиқар пок.

9 Нечукким, тутди тўфон дашту тоғи,
Ва лекин бўлмади ҳўл Нуҳ оёғи.

10 Халилуллоҳ учун ёндурдилар нор,
Қадам қўймай ўшал ўт бўлди гулзор.

11 Ғазаб ел Одиларни қилди нобуд,
Эди ул ел насийми тобеи Ҳуд.

12 Балиқ қорнида бир соҳиб каромат,
Чила ўлтирди-ю, чиқти саломат.

13 Агар амр этса кимни Фориқул фарқ,
Келур бир лаҳзада ғарб устидин шарқ.

14 Нечукким, дўстини Султони кавнайн,
Етурди соатеда «қоба қавсайн».

15 Агар ҳар кимга берса иззу имдод,
Келур хизматга жинну одамизод.

16 Сулаймонким, эгурди инсу жиндин,
Анинг фармони эрди бир нигиндин.

17 Ғараз қудратнамолиғ айлади фош,
Вагарна қадри эрди бир дирам тош.

18 Калим илгиндаги қутлуғ асое,
Гаҳе кўфрук эди, гаҳ аждаҳое.

19 Ғараз қудратнамолиғ эрди, эй дўст,
Вагарна эрди бир қад чўби бепўст.

20 Агар амр айласа, кавнайн барпой,
Бўлур бир пистанинг пўчоғина жой.

21 Дедилар, ҳазрати Руҳул аминни,
Қанот ёзса, тутар рўйи заминни.

22 Анингдек Жаброиле сидра парвоз,
Муҳаммад енгида айтур эди роз.

23 Агар қилса бировнинг ҳақлиғин фош,
Шаҳодат бергуси гаҳворада ёш.

24 Азиз этса қаю қулни ўшал шоҳ,
Агар чоҳ остиға тушса топар жоҳ.

25 Сулаймон хизматида қилди парвоз,
Ҳисобин билмаган шоҳину шоҳбоз.

26 Вале бир муштпар ҳудҳуд эди пайк,
Деди султониға: «Орийу лаббайк».

27 Мадад қилса Худое оламорой,
Ҳабиб этса ишорат, айрилур ой.

28 Калимин чеҳрасин қилмас учун зард,
Чиқарди лаҳзада Нил остидин гард.

29 Кишининг рўзисин гар қилмаса кам,
Етар ҳар ерда меҳнат қилмаса ҳам.

30 Нечукким, ҳазрати Солиҳ учун фош,
Болалиғ тева туғди ҳукмидин тош.

31 Юборди рўзе Маряма малакдин,
Масийҳа моида тушди фалакдин.

32 Азалда ҳар кишини айласа саъд,
Халил ўғлидек этса содиқул ваъд.

33 Агар забҳ этсалар, қайтармағай қош,
Кўрунмас бош анинг олдида бир мош.

34 Кима берса жаҳолат хамридин жом,
Биҳишт олдиға келса, босмағай гом.

35 Етар раҳмат суйи кўк кавкабина,
Етушмас қатрае гумроҳ лабина.

36 Кўрунг Бу Толиб ила Бу Лаҳабни,
Улуғ дарё лабинда хушк лабни.

37 Агарчи ўт била сувда бўлур фарқ,
Чиқарди сув маконидин нечук барқ?

38 Агар чандики, шамъ ўтдин бўлур жамъ,
Қаро сувдин қилур кўз нуридек шамъ.

39 Қаю бир қудратин қилмоқ керак ёд,
Эрур қосир уқули одамизод.

2
Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сифатларининг баёни

1 Дуруди беадад ҳодийи динға,
Расули «раҳматан лилоламин»ға.

2 Худонинг дўсти мухторул қурайший,
Мудом уммат учун талх эрди айши.

3 Эмас мавжуд анингдек гавҳари пок,
Далил улдурки,кийди тожи «лавлок».

4 Ўшал шоҳаншаҳиким, шамъи диндур,
Анинг парвонаси Руҳул Аминдур.

5 Деди Маъбуд анинг отин «Муҳаммад»
Мақоматиға ҳаргиз етмади ҳад.

6 Тушурмай ер юзига соясини,
Етурди Арш уйига поясини.

7 Қадам босқон манозил эрди пур атр,
Саҳобул абйаз эрди бошида чатр.

8 Жамоли неъмати матлуби кавнайн,
Камолидин муяссар «қоба қавсайн».

9 Шарофат мундин ўтмас – суннату фарз
Юруса то хуружи Доббатул арз.

10 Ҳама диндин бўлубдур дини боло,
Гувоҳи ҳазрати Вожиб Таоло.

11 Анинг авсофини йўқ интиҳоси,
Нағу, етмас деса васфин Худоси.

12 Худонинг раҳмати бўлсун дамодам
Анинг авлодиға, асҳобиға ҳам.

3
Китоб таълифининг сабаби баёни

1 Ёзилди форсий тил бирла мактуб,
Ақидоту фуруъ қурби маҳбуб.

2 Аниким, кўрдилар туркий ёронлар,
Дедилар: «Гар дуо қилса эранлар.

3 Битилса туркий тил бирла ақида,
Кўнгуллар бўлса андин орамида».

4 Тамаллуқ қилдилар чун бир неча ёр,
Қалам тортай, Худо бўлсун мададкор.

5 Ва лекин айлайин сўзларни ижмол,
Манга йўқтур муфассал қилғали ҳол.

6 Мане бечора, чунки омидурман,
Гирифтори маломат домидурман.

7 Эрурман бандаларнинг сарнигуни,
Тўлай ёру биродарлар забуни.

8 Агар чандики, бўлсам мағзи йўқ пўст,
Ишорат қилдилар, чун бир неча дўст.

9 Аларнинг сўзларин бузмай мане зор,
Савод этдим неча манзума ночор.

10 Ақида сўзларини қилдим исбот,
Мунга қўйдум «Саботул ожизин» от.

11 Ўзимдек хасталар бўлғайму деб шод,
Насойиҳдин ҳам андак айладим ёд.

12 Насиҳат тингламас дил сахт, маҳжуб
Кўкармас тоша ёғмур ёғса ҳам кўб.

4
Оллоҳ таолони танимоқ баёни

1 Недур қуллуқ ани муштоқи бўлмоқ,
Ўзидин фони Ҳақға боқи бўлмоқ.

2 Тонимоғ Тангрини тонмоғ ҳаводин,
Кейин турмоғ фаъоли нораводин.

3 Бўйинсунмоғ, югурмоғ «қил!» демишда,
Қазоға рози бўлмоғ барча ишда.

4 Умид этмоғ ўшал қудратли Шаҳдин,
Ёнардин хавф этиб, ёнмоғ гунаҳдин.

5 Яқин билмоғ, жамоат эътиқодин,
Кейин солмоғ мухолиф ижтиҳодин.

6 Ақида билмаган шайтона элдур,
Агар минг йил амал деб қилса, елдур.

7 Уёлма маърифатни ўгранурдин,
Танур жойинг бўлур, қолсанг танурдин.

8 Уёлмасдур талаб амрини олғон,
Қолур яхши уй олмоғдин уялғон.

5
Оллоҳ таолонинг бирлиги баёни

1 Худовандики, бирдур бешаку райб,
Раво йўқдур анга ўртоқ ила айб.

2 Анинг фармонидин ҳеч ким қутулмас,
Тавонодур ҳамиша, ўзга бўлмас.

3 Эрур ул барча оламнинг Худоси,
Анинг йўқ ибтидоси, интиҳоси.

4 Эрур ҳозир ҳамиша, йўқ макони,
Анга қилғон эмас сабқат замони.

5 Ўзи бешубҳадир ҳам бенамуна,
Раво эрмас анга чуну чигуна.

6 Кўнгилга кечса, кўзга тушса ҳар шай,
Эрур андин муназзаҳ Холиқу Ҳай.

7 Удур ҳокимки, ҳукмин ўзга этмас,
Анинг зотиға ҳеч ким ақли етмас.

8 Фаришталар, набилар етмадилар,
Бўйинсундилару фикр этмадилар.

9 Вале фикр эт, Худонинг қудратиға,
Ажойиб ишлариға, санъатиға.

6
Оллоҳ таолонинг сифатлари баёни

1 Субутидур анинг саккиз сифоти
Сифат зоти эмас, на ғайри зоти.

2 Ҳаёту, илму, қудрат ҳам басар, самъ,
Ирода ва калом, таквиндур, эй шамъ.

3 Ҳаёт улким, тирикдур, ўзга бўлмас,
Ўлар ҳар зи нафас, ҳаргиз Ул ўлмас.

4 Ўзини зотидин ҳайдур ўшал шаҳ,
Ва лекин жисм ила жондин муназзаҳ.

5 Керакмасдур Худоға ҳеч қаю шай,
Ғанидур барча оламдин ўшал Ҳай.

6 Эмас муҳтож ҳеч ишга Ҳақ Таоло,
Юбормағил кўнгилни шибу боло.

7 Агар мунда юборурсан кўнгилни,
Солур шайтон кўнгилга ўзга йўлни.

8 Сифотининг биридур илм, ёро,
Эрур донойи ғайбу ошкоро.

9 Халойиқдин кичикдур ё улуғдур,
Бўлибдур ҳар на иш ё бўлғулуғдур.

10 Турушдур ё юрушдур хайру шардин,
На ким, тегса анга нафъу зарардин.

11 Кўнгилга кечса қайси ҳоли пеша,
Эмас пўшида илмидин ҳамиша.

12 Билур ҳар кимда бўлса маърифатдин,
Бири қудрат эрур саккиз сифатдин.

13 Нафаслик ё нафассиз, буду нобуд,
Не ким икки жаҳонда бўлса мавжуд.

14 Зарардур, нафъдур ё хайр, шардур,
Йақин билгил, қазо бирла қадардур.

15 Халойиқнинг жамиъи феълу қавли
Эмас бир зарра бетақдири Мавли.

16 Ирода айлагач, Халлоқи олам
Ҳар ишни «бўл!» деди, бўлди ўшал дам.

17 На этса эрки бору, қудрати бор,
«Қўли бирла яратти» дема зинҳор.

18 Тилингни сақла мундоғ қавли баддин,
Худовандим муназзаҳдур жасаддин.

19 Каломи ҳақдаким «йад» айлади ёд
Анинг бир васфидур, эй одамизод.

20 Аимма билди Қуръон маънисин туз,
Кўнгилни қўймағил, сан ҳар қаю юз!

21 Басар ҳам самъ анинг васфи било шак,
Басар маъниси – кўрмак, самъ – эшитмак.

22 Неким мавжуд эрур дунёву дунда,
Фалакдин юқори, зери заминда.

23 Эшитмак, кўрмаги бешубҳаву райб,
Эрур бирдек ҳамиша зоҳиру ғайб.

24 Эшитмак, кўрмагидур қудратидан,
Қулоқдин, кўздин эрмас, билгил, эй тан.

25 Қулоқ, кўз бандаға ҳожат эрур, бас
Худо ҳеч қайсининг муҳтожи эрмас.

26 Тирилсанг охиратда, эй харидор
Худойим кўрсатур дўстларға дийдор.

27 Вале кўрмакни бечуну чунон бил,
Жиҳатсиз бил, мислсиз, бемакон бил.

28 Ўшалким билдирур бешаклигини,
Билур ул яхши кўрсатмаклигини.

29 Билур ҳар одамийнинг бўлса эси,
Калом эрмиш сифотининг бириси.

30 Каломи ҳодис эрмасдур, қадим бил,
Ани айғон сўзи бекому бетил.

31 Халойиқ сўзламас бекому тилсиз,
Худо муҳтож эмас, ҳеч ишга ҳаргиз.

32 Битилса ё ўқилса, олса эл ёд,
Булар ҳодис эрур, эй одамизод.

33 Худойимни каломин яхши бил боз,
Сўзини зотида йўқ ҳарфу овоз.

34 Наким махлуқида бор эрса, эй шаҳ,
Худовандим эрур андин муназзаҳ.

35 Сифотининг бирисидур ирода,
Муни билган киши етган мурода.

36 Қадалса бир тикан ё тушса бир қил,
Иродасиз эмас ҳеч иш, йақин бил.

37 Агар мўре қўяр ер устиға по,
Вагар бир заррача қум бўлса бежо.

38 Булардин ё кичикдур ё зиёда,
Эмасдур ҳеч нимарса беирода.

39 Сифотининг бирин таквин демишлар,
Худодин халқа рўзи барча ишлар.

40 Яраттиким нечук сизнию бизни,
Тақи халқ этди бизни феълимизни.

41 Агар чандики қўймас эркимизга,
Берибдур ихтиёри жузъи бизга.

42 Муносиб иш эрур ё номуносиб,
Ани қилмоқға банда бўлди косиб.

43 Ўшанча ихтиёри жузъидин боз,
Топар банда жазо кўп қилса ё оз.

44 Наким ризқеки, бўлса шийбу боло
Яратибдур ани Вожиб Таоло.

45 Ҳаромидин вале манъ этди бизни,
Берибдур ихтиёри жузъимизни.

46 Худо рози эмас исёнимизға,
Ризосидур анинг эҳсонимизға.

47 Киши:«рози» деса, исён қилурға,
Аимма ҳукмидур кофир бўлурға.

48 Худо зулм этмади ҳеч бандаларға,
Вале туз йўлни кўрсатди аларға.

49 Ўшал халқики, туз йўлдин тоярлар,
Алар ўз жонлариға зулм этарлар.

50 Азоб этса бу олам ё у олам,
Эрур бул адл, эй фарзанди одам.

51 Нафассиз халқ эрур ё зи нафасдур,
Анинг ўз мулкидур ҳеч зулм эмасдур.

52 Агар афв айласа, ўз фазлидур ул,
Будур сидқингу ихлосинг, будур йўл.

53 Етар биз омиларга бунча билсак,
Тутуб маҳкам бўйунсунсак, эгилсак.

54 Жамоат аҳли суннат тузган эрлар
Дедилар: «Турфа нозикдур бу йўллар».

55 Улуғ йўлни қўйиб ўлгунча, эй ёр,
Қадам қўйма, тояр ерларға зинҳор.

7
Иймоннинг баёни

1 Худодин ҳар на келди, рост билдинг,
Тилинг бирла яна иқрор қилдинг.

2 Мусулмонлиғ йўлида булдир иймон,
Муни билмас киши Тонгла пушаймон.

3 Йақин билгилки, иймон бўлмағай кам,
Эрур бирдек, зиёда бўлмағай ҳам.

4 Бу сўздур аҳли суннатни тариқи,
Жадал этди бу сўзда ҳар фариқи.

5 Бўлур аммо амал зойиду нуқсон,
Топар яхши амалдин ужра инсон.

6 Амал айланг ва лекин аймоғайсиз:
«Амалдин дохили жаннат бўлурмиз».

7 Ани амрин дилу жонинг била ол,
Амал қил ҳам Ўзининг фазлина сол.

8 Насиб этса биҳишт, Ўз фазлидин бил,
Амалга иттико қилмай, амал қил.

9 Ғараз улким, амалга бўлма мағрур,
Амал қилғил, амалга банда маъмур.

10 Амал қилмоқдин аҳли истифода
Дедилар: «Нури иймондур зиёда».

11 Вагарна бўлмас иймон зойиду кам,
Ақида булдур, эй фарзанди одам.

12 Амалнинг нафъи ҳам иймон биландур,
Қачон ёлғуз амал қилғон биландур.

13 Наъувзу биллаҳ, иймонсиз кишини
Қабул этмас Худойим ҳеч ишини.

14 Агарчи яхшилар аъмолин этса,
Тасаддуқ ер юзини молин этса.

15 Риёзат бирла бўлса эртаву кеч
Ўшалким сидқи йўқтур – қилғони ҳеч.

16 Бўлур дўзах анинг охир макони,
Қутулмас ҳаргиз андин жисму жони.

17 Агар иймон ато қилса кишига,
Берур ужра ани хўб қилмишига.

18 Агар чанди кабоир қилса беҳад
Тамуғда қолмас иймонлиғ муаббад.

19 Илоҳи, оси(й)миз, бечорадурмиз,
Ҳавойи нафс ила оворадурмиз.

20 Қўноқмиз бир кеча дунёйи ҳеча,
На ишлар кечадур биздин бу кеча?!

21 Бу тунда тут бутун иймонимизни,
Сабоҳ қутқор тутундин жонимизни.

22 Кўнгил сандуқина бир бебаҳо дур
Ўзунг рост айладинг, ё Кошифаз Зур.

23 Ўшал дур қасдина шайтони бадбахт
Тушубдур кўп ҳавохоҳи билан сахт.

24 Агар бўлсанг манинг ҳолимга ҳомий,
Тўзар кулдек адувларни тамоми.

25 Агар Сен сақласанг раҳмат йўлидин,
Адув қул келса, на келгай қўлидин.

26 Яна иймонда айди аҳли таҳқиқ:
«Худодиндур ҳидоят бирла тавфиқ».

27 Худонинг феъли ул махлуқ эмасдур,
Киши ҳаргиз ани махлуқ демасдур.

28 Дедилар маърифат бирла ул иқрор
Ўшалким бандасини феълида бор.

29 Нечукким бандани халқ этти Мавли,
Тақи махлуқ эрур феъли ва қавли.

30 Эрур бир маънида иймону ислом,
Буни билса керак, ҳар хосу ҳар ом.

31 Аимма қавлини берк ушла зинҳор,
Жадални нафъи йўқ бўлса, на даркор.

8
Фаришталарга ва нозил қилинган китобларга иймон келтириш баёни

1 Малоикким эрурлар олами ғайб,
Ҳама Ҳақ бандасидур бешаку райб.

2 Алар фориғ эрур ичмак-емакдин,
Ёмон қилмоқ, қабоҳат сўз демакдин.

3 Тиши эрмас аларнинг васфи, эр ҳам
Било шаҳват яратти Шоҳи олам.

4 Алар барча Худонинг тоатида,
Эмас ғофил алар ҳеч соатида.

5 Агарчи барчаси тоат сиришта,
Муқарраб баъзидин баъзи фаришта.

6 Мусулмонлар ўқур Қуръонки ҳоло,
Эрур барча каломи Ҳақ Таоло.

7 Тақи Пайғамбаримиздин бурун, бил,
Худовандим кутубки, қилди нозил.

8 Юборди ҳар қаю пайғамбариға,
Ки иймон келтирибдурмиз бариға.

9 Бариси Ҳақ Таолонинг каломи,
Муни билса керак, ҳар хосу омий.

10 Каломи васфидур, эй одамизод,
Қилиб эрдим сифоти бобида ёд.

9
Пайғамбарларга иймон келтириш баёни

1 Санову ҳамд қудратлиғ Худоға,
Ки иймон келтирубмиз анбиёға.

2 Аларнинг аввaликим Одам эрди,
Муҳаммад барчасиға хотам эрди.

3 Бариси Тангрини суйған қулидир,
Бариси жаннати ризвон гулидур.

4 Худонинг ҳукмини ҳар феълу сўзга,
Набилар қилмади бир зарра ўзга.

5 Етушмас ҳеч валилар жолариға,
Етушмас балки хоки полариға.

6 Алардур зурриёти Одами хок,
Гунаҳдин анбиёни барчаси пок.

7 Алардин баъзи ишки қилдилар нақл,
Қилур таъвилини Нўъмони боақл.

8 Ул иш қасдан эмасдур анбиёдин,
Аларға лағзиши подур хатодин.

9 Алар қасд ила ҳаргиз қилмадилар,
Буюрғон амридин айрилмадилар.

10 Бори дарёйи раҳматда эди ғарқ,
Расул ила Набида бўлди бир фарқ.

11 Бариси Тангридин тобти хитоб ул,
Набиға шарт эмас, аммо китоб ул.

12 Расулиға эрур шарт, э неку ном
Вале бўлди бариға ваҳйу илҳом.

13 Набидур ҳар Расул англағувчи бўл,
Ва лекин ҳар Наби эрмас Расул ул.

14 Дедилар пораи мўмин болоси:
«Эрур бир маънида ҳар иккаласи».

15 Салаф ким айлади лутфу иноят,
Эрур аввалғиси машҳур ривоят.

16 Башар пайғамбарин Султони аъдал,
Малак пайғамбаридин қилди афзал.

17 Бу сўздур мазҳаби суннат жамоат,
Алар ҳар не деди, қилғил итоат.

18 Дедилар: оммаи фарзанди одам,
Малакнинг оммасидин фазли кўп ҳам.

19 Китоби «Кофи(й)»ким пур босафодур,
Деди: «Омма бу ерда атқиёдур».

20 Башарда варна чандон беамалдур,
Баҳойимдек эрур, бал ҳам азаллдур.

21 Паямбарнинг бори одилу аъдал,
Ва лекин баъзисидин баъзи афзал.

22 Савобу рутбада афзал эрур ҳол,
Мусовийдур нубувват бирла ирсол.

23 Барининг меҳтарини Мустафодур,
Ҳабиби Ҳақ, нигини анбиёдур.

10
Расулуллоҳнинг меърожлари баёни

1 Муҳаммадким эрур афзали асдақ,
Эрур бешак шаби меърожи барҳақ.

2 Ҳарамдин масжиди Ақсоға ногоҳ,
Олиб борғанидур оятда огоҳ.

3 Ҳам Ақсодин самоға борди ул нур,
Бу сўзнинг сидқиға ахбор машҳур.

4 Самодин юқори ҳар қайси жоға,
Иноят айлади ул босафоға.

5 Барига сидқимиз, иқроримиз бор,
Эмас ҳеч қайси иш Тангриға душвор.

6 Мақоми сидраву нажму малакни,
Биҳишту Аршу Курси, нўҳ фалакни.

7 Агар бир кечада кўрсатса, не кам,
Ва гар бир дамда кўрсатса, не шак ҳам.

8 Нечук ҳукм айласа, қодир Худодир,
Чарову чун демак, қулдин хатодур.

9 Йақин билгил, анинг меърожин, эй ёр,
Тани бирлан эди, ҳам эрди бедор.

10 Ҳабибин ҳар нечук қилса сарафроз,
Худонинг раҳмати кўпдур, эмас оз.

11
Асҳоби киром баёни

1 Саҳобаи набидур барчаси ҳақ,
Ёмон йўлда эмас, ҳеч қайси мутлақ.

2 Эрур ҳар қайсиси нажми ҳидоят,
Худо халқ ўғлига қилғон иноят.

3 Биҳиштийдур алардин қатъи ўн ёр,
Башорат берди ул Султони аброр.

4 Абу Бакру Умардур сўнгра Усмон
Алидур, Толҳадур ҳам Абдураҳмон.

5 Зубайру, Бу Убайда бўлди ахбор,
Саъиду, Саъддур айғон бу ўн ёр.

6 Муҳаммадким эди ҳодийи олам,
Башорат берди уч фарзандиға ҳам.

7 Бириси Фотимадур ҳам хатира,
Ҳасан бирла Ҳусайн икки набира.

8 Набилар сўнгидин билгил, батаҳқиқ,
Ки инсон афзали – Бу Бакр Сиддиқ.

9 Ки андин сўнг Умардур сўнгра Усмон,
Ки андин сўнг Али бешубҳа, эй жон.

10 Эрур бу тўрти умматнинг нигини,
Шафоатхоҳимизнинг жонишини.

11 Расул айди: «Ўгурсам дунёдин юз,
Хилофат бўлғай ўттуз йилғача туз».

12 Ул ўттуз йилда шоҳ эрди у тўрт эр,
Алар вақтида бўстон эрди ҳар ер.

13Алардин сўнгра ҳеч олиму одил
Қила олмас алардек адли комил.

14Ўшал тўрт эрга Аҳмад ёри эрди,
Биҳишти маърифат гулзори эрди.

15 Расулуллоҳ тариқин эртаву кеч,
Сари мўйи тахаллуф қилмади ҳеч.

16Нечук бўлсун хилоф ул чори саъда,
Паямбар қилди ўттуз йилға ваъда.

17Аларнинг васфини ҳеч сони йўқдур,
Тамом айтай десам, имкони йўқдур.

18Саҳобанинг бариси пок диндур,
Бариси раҳнамойи роҳи диндур.

19Киши бўлса Набининг суҳбатида,
Гумон йўқтур аларнинг қурбатида.

20Алардин сўнгра ҳеч ким жолариға,
Етушмас балки хоки полариға.

21Саҳоба баъзиси ким Муртазоға,
Тахаллуф айлади ул босахоға.

22Савоб эрди ул эрларни муроди,
Хато бўлди баногоҳ ижтиҳоди.

23Хато қилғон билан ёзди демасмиз,
Жамоат аҳлидин озди демасмиз.

24Аимма – аҳли суннат ким эдилар:
«Хатойи мужтаҳид маъфу» дедилар.

25Хатоға балки тобтилар савобе,
Бу сўздур аҳли суннатнинг жавоби.

26 Битибдур «Мажмаъул ашё»да, эй шамъ,
Хатодин балки қайтиб эрди ул жамъ.

12
Имомат баёни

1 Имоме шарт бўлди ҳар диёра,
Ҳудуди шаръ, то турғай қарора.

2 Юрутгай, то шариатнинг қиёмин,
Тақи қилғай ёмонлар эҳтимомин.

3 Агар чандики султон бўлса фосиқ,
Буюрса иш шариатга мувофиқ.

4 Қилурмиз жону дил бирла итоат,
Ўзи бўлса агарчи беқаноат.

5 Эмасдур шарт, имом ул бўлса маъсум,
Қилибдур шарт, аммо шиъайи шум.

6 Мусулмон, оқилу, эр инсон -
Имомат шарти бўлди, эй мусулмон.

7 Раводур иқтидо фожирға қилсанг,
Ҳадиси Мустафодур, яхши билсанг.

8 Ўқусанг яхшиларни кейнида лек,
Савоби беададдур, хислати нек.

9 Билурмиз барча масҳи мўзани ҳақ,
Нечукким қилди таъйин шоҳи асдақ.

13
Авлиё каромати баёни

1 Эрур барҳақ каромат авлиёдин,
Иноятдур валийларға Худодин.

2 Каромат хориқи одат эрур исм,
Бўлубдур хориқи одат неча қисм.

3 Набидин хориқи одатни таъйин,
Дедилар «мўъжиза», э толиби дин.

4 Нубувватдин бурунни дерлар ирҳос,
Муни билсанг керакдур, аййуҳаннос.

5 Агар солиҳ кишидин бўлса ҳар гоҳ,
Кароматдин бўлур бешакку ашбоҳ.

6 Кўрунса бу авом мўмин ишидин,
Маъунатдур ўшал айғон кишидин.

7 Агар кўрсатса мундоғ кофир инсон,
Ул истидрож эрур монанди шайтон.

8 Вале ул орифи биллоҳ бўлса,
Ёмон ишдин қўли кўтоҳ бўлса.

9 Авомирни ҳамиша қилса ул қул,
Тақи «қилма» деганни қилмаса ул.

10 Яратқон Тангрини қўрқунчидин нез,
Қаю шубҳа дегондин қилса парҳез.

11 Тақи лаззат билан шаҳватга, эй ёр,
Фўру ҳам кетмаса ул яхши кирдор.

12 Бу таърифлар кишига бўлса содиқ,
Валийдур ул ақоидга мувофиқ.

13 Шариатсиз киши учса ҳавоға,
Кўнгил қўйманг анингдек худнамоға.

14 Ҳавоға учса монанди чибиндур,
Ани ҳодий дема шайтони диндур.

15 Шариатсиз киши гар ютса ўтни,
Ҳаво ўртасида минса булутни.

16 Қачон топғон эрур қурбат идини,
Валий билманг тақи андоғ кадини.

17 Бўлубдур мундоғ ишлар кофирийдин,
Нечукким бўлди сеҳри Сомирийдин.

18 Эшитгил бул, ки Фиръавн амридин Нил,
Қуйидин юқориға оқди беқийл.

19 Муни билгилки Ҳиндустонда ҳоло,
Учарлар кофири санноси боло.

20 Шариат ҳукмин этмай истиқомат,
Таажжуб ишлари бўлмас каромат.

21 Шариатни киши ким тутса хўб пос,
Каромат мундин ўтмас, аййуҳаннос.

22 Хилофи нафс – истикмоли тоат,
Бўлурми андин ортиқ харқи одат.

23 Киши деса валийни ғайбдондур,
Наъувзу биллаҳ, ул сўз кўп ёмондур.

24 Наби ҳам билмагай ушбу равишдин,
Магар билдирса Тангрим баъзи ишдин.

25 Худонинг хоссасидур илми ғайби,
Бу сўзнинг бўлмағай бир зарра райби.

26 Йақин бил, ғайб ишидин фолбинлар,
Хабар берса агар ё аҳли жинлар.

27 Киши чин деса ул ботил сўзини,
Бўлиб кофир, қаро қилғай юзини.

28 Наъувзу биллаҳ, андоғ муътақаддин,
Худойим сақлағай бу раъйи баддин.

29 Йақин билгилки, баъзи номусулмон,
Демиш: «Вақтики қурбат тобса инсон,

30 Кўтарур Ҳақ шариат ҳукмин андин!»
Бўлур юзи қаро мундоғ дегандин.

31 Бу ботил сўз эрур қавли малоҳид,
Шариатга эрур ул фирқа жоҳид.

32 Шариатга киши ким бўлса мункир,
Гумон йўқдур, бўлур албатта кофир.

33 Киши бўлмас муқарраб анбиёдин,
Алар безор эрур ужбу риёдин.

34 Кўтарилмади ўлгунча алардин,
Худо ҳаргиз кўтармас ўзгалардин.

14
Ҳикоят

1 Муҳаммадким муҳаббат кони эрди,
Ҳабиби Ҳақ, расул султони эрди.

2 Кетар вақтида андоғ бўлди ҳоли,
Вузуъ айларга йўқ эрди мажоли.

3 Эшитти чун азоне бобашорат,
Деди: «Ё Оиша, қилдир таҳорат».

4 Таҳоратдин сўнг ул шоҳи улул азм,
Жамоатға борурға айлади жазм.

5 Қадам босмай туриб, кетти ўзидин,
Арақ сайлон эди гулдек юзидин.

6 Ўзига келди, боз этди таҳорат,
Яна қўптики, то топқай жамоат.

7 Қадам босмай туриб, ул соҳиби роз,
Ўзидин кетти дармон йўқидин боз.

8 Анингдек Мустафо қўрқунчидин ул,
Вузуъ қилди, ўзидин кетди уч йўл.

9 Нафас чиққунча, то қутлуғ танидин,
Хилоф этмади бир қил айғонидин.

10 Суюклик бандаси, то бўлса маҳрам,
Бўлур қўрқунчи ортуқ, ишрати кам.

11 Агарчи анбиё бешак омондур,
Муборак диллари хавф ила қондур.

12 Вале уммат агар ғавси замондур,
Эсон кетмоғи охир даргумондур.

13 Агар олам ёруғдир сан сабабдин,
Қуёшдек титра доим хавфи Рабдин.

14 Керак олий қадамни хавфи кўпроғ,
Бийик ердин йиқилғон қолмағай соғ.

15 Улуғ тутмас кичикдек мазҳабин кенг,
Тева тоймоғи эрмас қўй била тенг.

16 Таваҳҳумлик бўлур афъоли хўбнинг,
Сафарда хавфи кўброғ моли кўбнинг.

17 Таваққумдин йироғ ғафлатли банда,
Кетар ғусса билан ғам ухлағонда.

15
Ажал баёни

1 Ажал албатта бирдур, ўзга бўлмас,
Ўлар ҳар зи нафас ҳаргиз Ул ўлмас.

2 Қаю қулға ажалнинг вақти етса,
Қутулмас ҳар нечаким ҳийла этса.

3 Кейин қолмас ажал, эй ибни Одам,
Етушса соате ё илгари ҳам.

4 Кишининг илгида ҳам ўлса ҳар жон,
Ажал бирла ўлубтур, билса инсон.

5 Қаю боис билан ҳар жон ўлубтур,
Ажалдиндур, қазо андоғ бўлибтур.

16
Азоби қабрнинг баёни

1 Азоби қабр кофирларгадур чин,
Кўрар гўрнинг азобин баъзи мўмин.

2 Битик кўп нусхаи машҳур ичинда,
Келур икки фаришта гўр ичинда.

3 Сўрар: «Кимдур Худо бирла расулинг,
Надур дерлар, яна динингу йўлинг?»

4 Агар кирса фаришталар ғазабдин,
Чиқар ўт бурнидин, оғзию лабдин.

5 Агар ҳайбат билан қилса назора,
Бўлур ғамгин кўнгуллар пора-пора.

6 Дегай: «Э одамий, булдур санга жой!»
Жавобин бермасанг, «вой» устига «вой».

7 Урарлар гурзи бирлан ул ики ёр,
Эшитур инсу жиндин ўзга жондор.

8 Аларнинг зарбига тоб этмагай тоғ,
Нечук тоқат қилур, бир мушт туфроғ.

9 Тўлар дўзах соридин қабр ичи дуд,
Пушаймон анда ҳаргиз қилмағай суд.

10 Иноят айласа, Донойи асрор,
Кирар гўрга мулойим ул ики ёр.

11 Дегайлар кирсалар: «Хавф этма мандин»,
Сўрарлар меҳрибонлиғ бирла андин.

12 Агар берсанг жавобе босавобе,
Очар жаннатдин ул манзилға бобе.

13 Қоронғу гўр бўлур андоқ фараҳнок,
Жаҳоннинг шавқи ёдингдин чиқар пок.

14 Кўнгилда ғусса қолмас бир чигитдек,
Ётурсан янги уйланган йигитдек.

15 Ки мундин сўнграғи неъматларини,
Худодин ўзга ким билгай барини.

17
Муножот

1 Илоҳи, бандаман, бечорадурман,
Ҳавойи нафс ила оворадурман.

2 Эрурман барча нуқсонимға иқрор,
Мусулмон ўғли қилмас ишларим бор.

3 Эрурман бандаларни сарнигуни,
Тўлай ёру биродарлар забуни.

4 Манингдек оси(й) бўлғайму жаҳонда,
Гуноҳим зоҳиримдан кўп ниҳонда.

5 Нетай, чун айни ақлим безиёдур,
Амал ҳам йўқ, агар қилсам риёдур.

6 Агарчи ман ёмон қул пой то фарқ,
Бўлибман маъсият дарёсиға ғарқ.

7 Вале содиқ эрурман бирлигингга,
Таёнибман Сани ғофирлигингга.

8 Лаҳадга кирса бу ёлғуз ғариб бош,
Ўгурса юз ҳама қавму қариндош.

9 Таҳаййур бўлса жони ғам сиришта,
Етушса сўрғоли икки фаришта.

10 Сан осон этмасанг андоғ саволи,
Нечук кечгай ғариб бандангни ҳоли?

11 Деса: «ман роббук» ики абди даргоҳ,
Тилимга жори(й) қилғил: «Раббим – Оллоҳ!»

12 Агарчи оси(й)дур, ё Раб, бу банда,
Ўзинг бандам дегил, «Раббим» деганда.

13 Агар сен қилмасанг, қуллуқ отин жуд,
Манинг «қулман» деганимдан нечук суд?

14 Илоҳи, лутф қил, мунда ва анда,
Мани банда этиб, беркит бу банда.

15 Агар чандики гўрсиз ўлса инсон,
Сўролур, албатта, бешакку нуқсон.

16 Агар дарёда ўлсун ё осилсун,
Азоб этса, бани одам на билсун.

17 Даранда одам ўғлин қилса хўрок,
Гумон йўқтур, сўрар қорнида, эй пок.

18 Агар банда муъаззаб бўлса анда,
Қолур туймай бу ишни ул даранда.

19 Нечук қилса эрур Қодиру Носир,
Бу ерда бандасининг ақли қосир.

20 На ким айди, Худойинг ё паямбар,
Ани маҳкам тутуб, фикр этма дигар.

18
Қиёматнинг ҳақлиғи баёни

1 Қиёмат ҳақ эрур, эй одамизод,
Худо Қуръон ичинда қилди кўп ёд.

2 Бўлур қудрат билан туфроғимиз тан,
Кирар жон қайтадин бешубҳаву зонн.

3 Танинг ҳар турли бўлғон бўлса барҳам,
Қилур бурноғидек Халлоқи олам.

4 Худо ҳеч ерда йўқни айлади бор,
Яратса қайтадин, эрмас бу душвор.

5 Удур қодир, нечукким ҳукм қилди,
«Тирил!» дегач, ҳама олам тирилди.

6 Йиғар маҳшар еринда барча жонни,
Сўрар бандасидин яхши-ёмонни.

7 Ҳар ишни кўп қилибдурсан ва ё оз,
Ҳисобин ҳам тилар ул бандадин боз.

8 Худо ҳар бандасиға қилса осон,
Жавобин бергуси банда ўшал он.

9 Агар қатиғ тутар банда ҳисобин,
Ўзи билғай анга солғон азобин.

10 Билур гарчи жамиъи ҳолимизни,
Юборур номаи аъмолимизни.

11 Юборса номани раҳмат йўлидин,
Келур нома у қулнинг ўнг қўлидин.

12 Қизил юзлук бўлуб ул ҳам сарафроз,
Суюнгандин қилур ул банда овоз:

13 «Ўқунг номамни, эй турғон халойиқ,
Келибдур нома ихлосимға лойиқ!»

14 Беҳишти олия бўлғай макони,
Ғариқи раҳмати Ҳақ жисму жони.

15 Агар нома келур бўлса ғазабдин,
Келур орқасидин ё дасти чапдин.

16 Қаро юзлук бўлуб, шарманда ул қул,
Тутарлар ҳам солурлар бўйниға ғул.

17 Тақи занжир этарлар гарданиға,
Тараҳҳум бўлмағай ёлборғаниға.

18 Бўлур турлук машаққатлар ҳавола,
Қилурлар жониби дўзах кашола.

19 Илоҳи, қўрқадурман ҳазратингдин,
Умидим кўп эрур Ғаффор отингдин.

20 Йиғилғонда ёмону яхши банда,
Қулингни қилмағил шарманда анда.

21 Агар аъмолима солсам кўзумни,
Сазовори алам дерман ўзумни.

22 Агар алтофинга боқсам, Илоҳим,
Умидим кўп, бағишлангай гуноҳим.

23 Агар Сан ёпмасанг, эй Олими ғайб,
Бўлур тонгла муаййан сони йўқ айб.

24 Илоҳи, мағфират муҳтожидурман,
Санинг кенг раҳматингдан рожидурман.

25 Умидлар кўп эрар андоғ шарафдин,
Юборсанг номамизни ўнг тарафдин.

26 Ҳижоби афв ёпсанг айбимизға,
Дури раҳматни солсанг жайбимизға.

27 Илоҳи, қўрқадурмиз жонимиздин,
Юборма номани сўл ёнимиздин.

28 Умидлик бандадурмиз ҳам ҳаросон,
Ҳисобимизни ул кун қилғил осон.

29 Талаттуф бирла сўрғил коримизни,
Қаро қилма у кун рухсоримизни.

30 Агарчи номуносибман, ёмонман,
Ўзинг айдинг: «Қулимға меҳрибонман».

31 Агар чандики бўлсам зишти бадкор,
Ҳабибинг умматиман, қул отим бор.

19
Тарозуйи Қиёматни баёни

1 Тарозу ҳақ эрур рўзи Қиёмат,
Анинг сидқиға нозил бўлди оят.

2 Билур Тангри агарчи ҳолимизни,
Тарозуға солур аъмолимизни.

3 Қилур огоҳ қулин қилмишлариға,
Етушмас ақл Эгамнинг ишлариға.

4 Тарозу бориға иқроримиз бор,
Нечук эркониға не коримиз бор.

5 Илоҳи, қил оғир мезонимизни,
Саломат тут, бизинг иймонимизни.

20
Сиротнинг ҳақлиғи баёни

1 Жаҳаннам узра бир кўпрук эрур оҳ,
Ўшал кўпрук Сирот отлиғ гузаргоҳ.

2 Қиличдин тез эрур, қилдин иничка,
Пушаймонлар ўшал кун тушкай ичка.

3 Ажаб ҳайрон бўлур фарзанди одам,
Қадам қўйса, анинг ости жаҳаннам.

4 Агар қайтай деса, қўймас муаккил,
Бўлур фарзанди одам ҳоли мушкил.

5 Муаййан кўрсалар, халқ ул табу тоб,
Бўлур жон ваҳми бирла заҳралар об.

6 Юраклар қон бўлиб, кўзлар тўкар ёш,
У манзилдин қутулғайму ғариб бош?

7 Фиғонлар қўпқай авлоди башардин,
Ким ўткай, ким йиқилғай ул гузардин.

8 Иноят қилса, баъзи одамизод,
Ўтар андин яшиндек, баъзи чун бод.

9 Ўтар баъзиси андин югрук отдек,
Ўтар қурбиға лойиқ баъзи ҳар йак.

10 Ўтар баъзи мусулмон тоя-тоя,
Етар «Охир» деган ишратли жоя.

11 Қадам қўйса, йиқилур баъзи инсон,
Илоҳи, айлагил ул Кунни осон.

12 Агар ўткармасанг андин саломат,
Қулинг расво бўлур рўзи Қиёмат.

13 Билиб, тасдиқ этиб, бу кўп хатарни,
Бу мискин қўймади исён этарни.

21
Муножот

1 Илоҳи, бандани соҳиб надам қил,
Сироти шаръ уза собит қадам қил.

2 Ҳидоят пирига топшур қўлумни,
Иноят кўйига кенг қил йўлумни.

3 Маъосий лойиға тойдирма пойим,
Беҳишти маърифатни айла жойим.

4 Агар чандики беҳаддур гуноҳим,
Саломат қил хатарлардин, Илоҳим.

5 Карамлик Подишоҳо, Кирдигоро,
Раҳимо, мағфиратлик Биру боро.

6 Агарчи сони йўқ исён қилибмиз,
Умид улки, сани воҳид билибмиз.

7 Илоҳи, бирлигингни ҳурматидин,
Саломат қил у кўпрук меҳнатидин.

22
Кавсар ҳовузининг баёни

1 Қиёматда Паямбар ҳавзидур ҳақ,
Сифотин қилди таъйин шоҳи асдақ.

2 Суйи ул ҳавзни сутдин эрур оқ,
Исини мушкдин ҳам деди беҳроқ.

3 Анинг улуғлиги бир ойлиқ йўл,
Муни албатта қил кўнглинга маъқул.

4 Асалдин балки сучук таъми анинг,
Ичирса гар эрур Ҳақ меҳрибонинг.

5 Даме су ичса андин ҳар мусулмон,
Йақин бил, сувсамас ҳаргиз ул инсон.

6 Худовандо, насиб эткайсан андин,
Умиди кўп эрур бандангни Сандин.

23
Пайғамбарлар шафоатининг ҳақлиғи

1 Худо изни билан ҳақдур шафоат,
Қилурлар анбиёву аҳли тоат.

2 Шафоатким, мусулмонларғадур суд,
Ва лекин бўлмағай беизни маъбуд.

3 Худо изн айласа, рўзи Қиёмат,
Суюклик бандаси айлар шафоат.

4 Қиёмат кун ажаб шиддатли кундур
Анинг қаттиғлиғи аз ҳад фузундур.

5 У куннинг ҳайбатидин бешаку райб,
Бўлур кўк пора-пора, тоғу туз ғайб.

6 Замин автоди барча кўҳи сангин,
Бўлур Ҳақ хашмидин чун пашми рангин.

7 Ўшал шиддатга ер-кўк қилмаса тоб,
Нечук тоқат қилур бир қатрайи об?!

8 Бўлур хам ғам билан хурдони зебо.
Далилим: «Йажъалул вилдона шийбо»

9 Бўлур бир-бирга душман, дўст деганлар,
Магар тақво йўлида ғам еганлар.

10 Ҳаво мисдек қизир, ер ҳам темурдек,
Ғазаб қилғон киши бўлғай кўмурдек.

11 Келур найза бўйи хуршиди тобон,
Хижолат терига ғарқ ул биёбон.

12 Бўлур ўз ҳоли бирлан одамизод,
Келур кўнглиға қилғон ишлари ёд.

13 Агар Ҳақ ёпмаса, журм айлағон жой,
Гувоҳлик бергуси, бил, даст ила пой.

14 Қабоҳатлик амаллар тушса кўзга,
Иложин ким билур, Ҳазратдин ўзга.

15 Муҳаммадким, эрур Ҳақнинг ҳабиби,
Маъосий дардининг ҳозиқ табиби.

16 Белин ҳиммат қуриға боғлаб ул эр,
Ҳама «нафсий» деса, ул «умматий» дер.

17 Ҳама ўз нафсига бўлса гирифтор,
Муҳаммад уммати мискин учун зор.

18 Агар бўлса эматурғон бола гум,
Топилғонда нечук жавлон қилур ум(м).

19 Минг андоғ онадин кўброғу беҳроғ,
Муҳаммаддур ғариб уммат учун доғ.

20 Оқар дарё бўлур ул муҳтарамдин,
Шафоат шири пестони карамдин.

21 Қилур Ҳақ изни бирлан ҳар тараф жўш,
Насиб этган у дарёдин қилур нўш.

22 Насиба этмаган фарзанди одам,
Қолур андоғ улуғ йаммдин қуруғ фам.

23 Киши билмас Қиёмат даштида, оҳ,
Бу қулларни дегайму «уммат» ул шоҳ.

24 Агар «уммат» деса, хуш давлату бахт,
Йўқ эрса, оси(й)ларға иш бўлур сахт.

25 Агар «уммат» деса, «нурун ало нур»
Йўқ эрса, оси(й)ларға иш бўлур зўр.

26 Ўшал султонки, доъиян илаллоҳ,
Ғариб уммат учун доғ эрди, валлоҳ.

27 Бу умматлар ажаб зишт этди ҳолин,
Ёпар бидъат билан суннат жамолин.

28 Баҳойимдек иши ичмак, емакдур,
Қуруқ тил бирла «умматмиз» демакдур.

29 Илоҳи, лутф қил мунда ва анда,
Йиғилғонда ёмону яхши банда.

30 Илоҳи, лутф қил ҳасратли соат,
Ҳабибингдин насиб эткил шафоат.

31 Айирма яхшиларни орасидин,
Йироқ этма ҳабибинг қорасидин.

24
Беҳишт ва дўзахнинг баёни

1 Эрур жаннату дўзах ҳоло мавжуд,
Яратибдур ани халқиға Маъбуд.

2 Кўнгилға солма, эй ақли пиёда:
«Сиғар ул икки манзил қайси жода?»

3 Агар амр айласа, кавнайн барпой,
Бўлур бир пистани пўчоғина жой.

4 Кирар дўзахға кофир, қайта ўлмас,
Азоби сахтдин ҳаргиз қутулмас.

5 Ҳамиша қолмағай иймонли банда,
Тутар охир қўлин иймони анда.

6 Агар афв этса, осоми кабоир,
Дегил жойиз, Удур ғофиру сотир.

7 Сағирадин агар тутса Худованд,
Дегилким, эрк анингдур, эй хирадманд.

8 Ўзи Қодир, Ўзи Ғофир Худодур,
Қулиға ҳар на ҳукм этса, раводур.

9 Наъувзу биллаҳ, истиҳлоли исён,
Олур мўмин кишидин нури иймон.

10 Беҳишт ичра кишиким, бўлса дохил,
Бўлур анда ҳама мақсуди ҳосил.

11 Тирикдур доимо, андин сўнг ўлмас,
Аламдин, ҳузну ғамдин зарра бўлмас.

12 Ҳамиша айш ила ишратда банда,
Кўнгилга кечмағон ишратлар анда.

13 Агар жаннат билан дўзахни авсоф,
Қилурға жамъ бўлса, қоф то қоф.

14 Адо бўлмас ики манзил сифоти,
Ани яхши билур Тангримни зоти.

15 Ики манзил сифотин сони бўлмас,
Алар аҳли билан ҳеч фони бўлмас.

16 Битибдур шориҳи «Аврод» ани,
Ки бўлмас Аршу Курсий, Руҳ фони.

17 Фано бўлмас деди Лавҳу Қалам ҳам,
Ақида булдур, эй фарзанди Одам.

25
Муножот

1 Илоҳи, эътиқоди пок бирлан,
Мани оғишта қилғил, хок бирлан.

2 Дилим содиқ тилимға бўлди қоил,
Бу сўздин қилмағил, бир зарра мойил.

3 Худовандо, Ўзингни ҳурматингдин,
Кариму Ғофиру Саттор отингдин.

4 Бу мискинларға мўмин исм қилдинг,
Жамоат аҳли суннат қисм қилдинг.

5 Ўшал отдин айирмағил ҳамиша,
Агар чандики бўлсак журмпеша.

6 Малак келса жасаддин олғали жон,
Қилур шайтони малъун қасди иймон.

7 Қилурда жони ширин жисмдин нақл,
Азиз жон аччиғидин кам бўлур ақл.

8 Кўнгил шоҳбозини қилмоқ учун сайд,
Қилур ҳар ёнда шайтон ҳийлаву кайд.

9 Мадад Сан қилмасанг ул дамда, ё Ҳай,
Урар тирноғимизга ул лаъин най.

10 Худовандо, тирикда, жон чиқарда,
Лаҳадда, ҳашрда, кўприк ўтарда.

11 Жамиъи ерда мўмин отимиздин.
Айирма сидқимизни зотимиздин.

12 Ҳамиша нафс ила шайтон каминда,
Мани озғурмағил дунёву динда.

13 Тилоким бул, аё Суббуҳу Қуддус,
Қулингни қилмағил расвою маъюс.

14 Худовандо, йонгилдим, турфа ёздим,
Шаётин макри бирлан йўлдин оздим.

15 Пушаймонман паришон ўткан ишдин,
Баҳору тийрамоҳу ёзу қишдин.

16 Ёмон ишдин ҳама узвимни пок эт,
Кўнгил мулкин мақоми дарднок эт.

17 Яна шарманда қилма қайта бошдин,
Уётлиғ қилмағил дастору фашдин.

18 Муножот этди Оллоёре мискин,
Қабул эткайсан, эй Дорандаи дин.

19 Телим узр айғоли, эй Кошифи роз,
Тилимни минг тилим қилсам эрур оз.

20 Уётлиғман вале ё Олимассир,
Қани узр айғоли, юз мингидин бир.

21 Эмасман туз, карам хонинда еб туз,
Керак тузларга қўйсам ҳар қаю юз.

22 Тила айдим, тила ҳар матлабинг бор,
Деди, ҳақдур ўзи Донойи асрор.

23 Ўшал беҳ хавф этиб борур еримдин,
Терим хижлат била оқса теримдин.

26
Мусаннифнинг ожизлик ва шикасталик билан айтган сўзлари

1 Ўтар дунёда Оллоёр маъйуб,
Мунингдек юрганингдин ўлганинг хуб.

2 Ёмон нафсинг сани ўтдек туташди,
Гуноҳинг бора-бора ҳаддин ошди.

3 Била олмам, аё ноқобил авқот,
Нечук жонсан, нечук тансан, нечук зот?

4 Баҳойимсан, башар, девонасан, соғ,
Гуноҳинг олдида арзанча йўқ тоғ?

5 Муханнасмусан, эр, болиғмусан, ёш,
Юзинг қаттиғ, тилинг аччиғ, дилинг тош?!

6 Фиъолинг номуборак, талъатинг шум,
Ҳумойи бахтинг ўз каъбинг била бум.

7 Наким сан аҳд қилдинг, бўлди ёлғон,
Қани сандек гуноҳ остида қолғон?!

8 Йироқ туштинг нағу, қурбатли йўлдин,
Юбординг риштайи тоатни қўлдин.

9 Наким қилдинг жаҳонда эртаву кеч,
Риё бирла ул ишни айладинг ҳеч.

10 Белингни боғла маҳкам, бўлма мафлуж,
Кўзунг оч, карвоне қилдилар кўч.

11 Ётиб ғафлат қаросин сурма юзга,
Еди халқ ўз ғамини сандин ўзга.

12 Мусоҳибларки, ҳамаҳд эрди мунда,
Кетарлар боқий уйга кунда-кунда.

13 Кўрарсан қофилани ўтканин фош,
Кўтармассан хатарлик уйқудин бош.

14 Кўзинг олдидаги бегонаву хеш,
Сафар рахтини боғларлар пасу пеш.

15 Вале сен хамри ғафлатдин бўлуб кайф,
Ётурсан неча расволиғ билан, ҳайф.

16 Улуғлардин, кичиклардин байакбор,
Кетарлар хонайи мақсадға ночор.

17 Агар сандин кичиклар тутсалар роҳ,
Ётурсанму ҳануз, эй ақли кўтоҳ?!

18 Баногоҳ карвон Султони етса,
Санга аслий ватаннинг ҳукмин этса.

19 Улуғ йўлга кирарсан хоҳ, нохоҳ
На қилғайсан вале бетўшайи роҳ?!

20 Ажаб йўл, уқбае ҳар бир қадамда,
Жамиъи корвоне баҳри ғамда.

21 Хусусан йўлда бир ваҳшатли уй бор,
Кирар ёлғиз бошинг ул уйга ночор.

22 Айириб карвондин қўндирурлар,
Қизил гулдек юзунгни сўлдирурлар.

23 Азиз жисмингга неъмат хора бўлғай,
Қаро ер остида бечора бўлғай.

24 Юз алвон бирла сўз айғон сучук тил,
Демас фармондин ортиқ биргина қил.

25 Лаҳад қурти агар келса еголи,
Қани, ул дамда дармон «киш» деголи?!

26 Етушса сўрғали икки фаришта,
На қилғай, бандаи ҳасрат сиришта?

27 Магар Тангри Таоло қилғай имдод,
Вагарна қайда еткай доду фарёд.

28 Йақин билгил, муни, эй бандаи зор,
Худодин ўзга йўқ ҳеч ҳокими кор.

29 Нағу, қуллуққа боғласанг белингни,
Саноси бирла сабз этсанг тилингни!

30 Лаҳаддин барча одам ўғли турса,
Бўлиб бир корвон Маҳшарга юрса.

31 Ва лекин ҳар киши ўз мотаминда,
Бўлур охирги савдоси ғаминда.

32 Худо қилса нидо: «Эй бандаи зор,
На келтирдинг, на турлук қилмишинг бор?

33 Тану теринғда тотлиқ жон яраттим.
Баҳойим қилмадим, инсон яраттим.

34 Ҳамиша айладим тарбиййатингни,
Нағу қилдинг паришон ниййатингни?

35 Сани солдим мусулмонлиғ ерина,
Қани шукр этганинг мингдин бирина?

36 Тамом аъзоларингни солим эттим,
Ариғ зотим билурға олим эттим!

37 Суғордим оби неъматдин тишингни,
Қани, айғил манго қилғон ишингни?!»

38 На бергайсан жавобин, эй тан орой,
Бу ҳасратдин фиғон, эй рўсиёҳ, вой.

39 Эрур бошдин аёғинг барчаси айб,
Магар афв айлагай, Донандайи ғайб.

40 Яна келса нидо, андин билинглар:
«Ёмонлар яхшилардин айрилинглар!».

41 Мусулмон ўғлида турфа ёмонсан,
Ёмонлар ўртасида бегумонсан.

42 Ёмонлиғни магар Донандайи роз,
Ёпуб қўшқай саодат аҳлина боз.

43 Вагарна сан жаҳон расвосидурсан,
Халойиқ ичра фитна бошидурсан.

44 Тилингда халқ аро тасбиҳу таҳлил,
Ва лекин ботининг тазвир ила ҳийл.

45 Тилингда халқ ичинда ваъз ила дарс,
Ва лекин ботинингда онча йўқ тарс.

46 Кийибсан халқ аро фақрона малбус,
Ва лекин ботинингда нанггу номус.

47 Ё нар хунсамусан қавлингда ёнар,
Уҳудинг нахли ҳаргиз бермади бар?

48 Кўрар кўзга ажаб сўфинамосан,
Ниҳонда нафс итига мубталосан.

49 Магар раҳмат билан Донойи асрор,
Гуноҳларингни афв этгай байакбор.

50 Ўшал ғамлик кўнгулни айлагай шод,
Некулар ўртасида айлагай ёд.

51 Киши то шар қилур савдоси тошар,
Наъувзу биллаҳ, улким ҳаддин ошар.

52 Башар бўлсанг, қўй афъоли ба шарни,
Абас ўткармагил исна ашарни.

53 Ёшинг еткон сари феълинг сани ёш,
Кўзинг ёши қани, эй мағзи йўқ бош?!

54 Қаноат маъданиға оч кўзинг, оч
Тамаъ бўйи кўрунмай, бўйидин қоч.

55 Сочилмасдин бурун сочғил ўзингни,
Сўрулмасдин бурун сўрғил ўзингни.

56 Қазилмай ер санга, қайт озғанингдин,
Ёзилмай уқдалар, ён ёзғонингдин.

57 Бақодур дема, айши бебақони,
Ёқони тут, ажал тутмай ёқони.

58 Макон эткон ерингдур мухталит лой,
Насиҳат гўша олсанг, гўша қил жой.

59 Ёниб айшу тарабдин, иста Рабдин,
Ўзин билган қачон қолғай талабдин.

27
Мусанифни васиятлари

1 Ман ўлсам, эй жамиъи маҳрами роз,
Мани ўзга ўлукдек қилманг эъзоз.

2 Хасу хор устига ташлаб тутинг хор,
Баҳойим жисмидек мандин қилинг ор.

3 Бўсағо устига ташлаб танамни,
Кафан айланг чурук пироҳанимни.

4 Наким киргану чиқғон тепсун ўтсун,
Мазаллат гарди хокин сепсун ўтсун.

5 Манго ҳайф этмангизлар тутмағон бўз,
Агар чандики мардум қилсалар сўз.

6 Юборинг тез боратурғон йўлимға,
Мабодо қолмағайсиз шумлуғимға.

7 Кўзунгиздин чиқорманг қатрайи ёш.
Жанозам орқасидин отингиз тош.

8 Оёғимдин тутиб судранг лаҳадга,
На учун қилмадинг қуллуқ Аҳадга?!

9 Кўзумнинг сувратин вайрон этинглар,
Қаро туфроқ ила яксон этинглар.

10 Агар чандики ман бўлсам гуноҳкор,
Дуову зориға сизлар бўлинг ёр.

11 Дейингиз: «Парвардигоро, Кирдигоро,
Раҳимо, мағфиратлик Биру боро.

12 Олиб келдук Санго қочғон қулингни,
Хатолар бобини очғон қулингни.

13 Келибдур, ҳийласи йўқдур кетарга,
Тили йўқдур бу қулни узр этарга.

14 Гуноҳи кўп, боқар рухсораси йўқ,
Бўйинсунмоқдин ўзга чораси йўқ.

15 Агар берсанг жазо, қодир Худосан,
Вагар афв айласанг, Сан подишосан.

16 Илоҳи, барча отинг ҳурматидин,
Ариғ зотинг, сифотинг ҳурматидин,

17 Бу қочғон бандага қилғил тараҳҳум,
Агарчи қилди қуллуқ ришгасин гум.

18 Муҳаммад отли дўстунг ҳурматидин,
Насиб эт охиратнинг роҳатидин.

19 Ҳама ўтган расулинг ҳурматидин,
Жамиъи яхши қуллар ҳурматидин.

20 Агар чандики, бандангдур бад афъол,
Рахи исёна савби мағфират сол.

21 Муҳаббат аҳлининг асрори учун,
Рахи зарду дили хунбори учун.

22 Ғазо қилғон эранлар жони учун,
Шаҳидларнинг муборак қони учун.

23 Улуғларнинг соқоли оқи учун,
Йигитларни дили муштоқи учун.

24 Ожузларни оқарғон боши учун,
Етимларни кўзини ёши учун.

25 Шикаста беволарни дарди учун,
Асир халқини оҳи сарди учун.

26 Агар чандики, йўқ илгинда ҳеч шай,
Бу қочқон қулни расво қилма, ё Ҳай!»

27 На бўлғай бу дуолардин Худойим,
Бу қочқон бандаға ўткай жаройим.

28
Ҳар бир ишда етук устоз истамакнинг баёни

1 Кел э толиб, бу дундин юз ўгирсанг,
Тариқи каъбайи мақсуда юрсанг.

2 Қадам қўйсанг агар бул водийға,
Қўлунгни топшур аввал ҳодийға.

3 Ажаб йўлдир, анинг поёни йўқдур.
Хатарлик ерларининг сони йўқдур.

4 Талаб қилғон ўшал роҳи адамда,
Ҳалокат чоҳидур ҳар бир қадамда.

5 Ажаб йўлдир, тамоми меҳнату ранж,
Ва лекин ҳар қаришда бир ниҳон ганж.

6 Ўшал ганжи ниҳон ётқон заминда,
Муҳайёдур қароқчилар каминда.

7 Агар бўлмаса йўл бошлағувчи пир,
Солур бўйнунга ногоҳ доми тазвир.

8 Агар бўлмаса бир соҳиб каромат,
Эмас мумкин киши етгай саломат.

9 Қачон ҳар пир билур қутлуғ йўлунгни,
Топиб эр яхшисин топшур қўлунгни.

10 Ўшал пиреки, эрнинг эри бўлғай,
Тариқат бешасининг шери бўлғай.

11 Тахаллуф қилмаса ҳеч шаръ ишидин,
Тамаълик бўлмаса ҳаргиз кишидин,

12 Олиб қўлға чироғи илми зоҳир,
Улуми ботинийда бўлса моҳир.

13Фано бўлса тану жондин тўлойдин,
Қутулса мосиводин лутфи Ҳайдин.

14 Қаю эрмиш фано бўлғон нишони,
Такаббур бўлмаса миқдори дони.

15 Ўзининг нафсини ул билмаса пок,
Бўлиб қуллуқда айтса: «мо абаднок».

16 Агарчи бўлмаса фориғ ишидин,
Ўзин кам тутса ҳар мўмин кишидин.

17 Эшитмаса киши ҳеч «ман» деганин,
Ўзи ҳам билмаса фони эканин.

18 Ўзи айтса: «фано бўлдум», эмасдур!
Фано бўлғон киши ҳаргиз демасдур.

19 Ўзининг бошини сотса ўзи қул,
Қачон оқил киши бергай анга пул.

20 Агар рў берса ҳам баъзи макошиф,
Ишонмасдур анга ҳеч марди ориф.

21 Агар кўрган билан ўздин кетибдур,
«Етибсан» деб ани шайтон етибдур.

22 Бу кунни туш била туш қилма, эй хом,
Баён қилмоқ била қолғонини шом.

23 Агар кам бўлса кўрмакдин махофат,
Етар ахшом сабо бу тушдин офат.

24 Ўзин айғон киши албаттадур хом,
Валоят тахтига босқон эмас гом.

25 Агарчи ҳар кеча кўк бўлса тавфи,
Керак бурноғидин кўб бўлса хавфи.

26 Мабодо ғиррайи тушса кўнгулға,
Бу ғирра бошласа офатли йўлға.

27 Бўлур ҳолатлик эр албатта хомуш,
Агар етилса май ҳеч қилмағай жўш.

28 Кўтармас ун валоятлик хирадманд,
Садо чиқмас у найдин боғласа қанд.

29 Демас ҳар кимга асрори ҳақойиқ,
Агар топилса ганж, ихфоси лойиқ.

30 Киши учқон билан сўйи самовот,
Таварруъ қилмайин бўлмас камолот.

31 Валий улдур, чиқорса мосивони,
Ҳаводиндур талаб қилмоқ ҳавони.

32 Набий табъиййатидур риштаи ҳуб,
Вараъ қилмоқ камолоти тақарруб.

33 Агар филдек эрур манҳий ва гар қил,
Вараъ асҳоби айтурлар: «Ҳазар қил!»

34 Агарчи кўп эрур пинҳон сужуди,
Кўринмас заррача ориф вужуди.

35 Агарчи зоҳиру ботин деса дарс,
Сақар олдида турғондек қилур тарс.

36Анингдек ҳодийға қилсанг итоат,
Саодатдур, саодатдур, саодат.

37 Гадойи кўчайи даргоҳи бўлсанг,
Умид ул, мулки дилни шоҳи бўлсанг.

38 Киши қилса хилофи ҳукми шаръий,
Ани жинни дегил ё марди саръий.

39 Агар сув устида юрса ўшал кас,
Дегил: «Чандон бўлур сув устида хас».

40 Ҳавоға учса монанди чибиндур,
Ани ҳодий дема, шайтондиндур.

41 Кўран ортиқ эмасдур, кўрмаган кам,
Ким атқо бўлса, «индаллоҳ»дур акрам.

42 Керак тобеъға матбуъи мукаммил,
Улуғ тандин бўлур пайдо улуғ зилл.

43 Керак кўп толиб ичра бир неку рой
Ёрутмас мунча юлдуз бўлмаса ой.

44 Улув ҳиммат йигитларга керак пир,
Камонсиз учмагай кўб бўлса ҳам тир.

45 Ўшал жундеки, ҳарб олатин осар,
Агар бо сар юруса, ёвни босар.

46 Соғалтур телбани пири забардаст,
Қуюннинг шўришин дарё қилур паст.

47 Анингдек ҳодий амрин қўйма зинҳор,
Шайотин шатталар айрилсанг, эй ёр.

48 Тушиб шоҳ илгина бозий қочар боз,
Бўлур зоғларга бозий, эй сарафроз.

49 Бу таърифларга содиқ бўлса пиринг,
Ва лекин бўлмаса равшан замиринг.

50 Эрур нуқсон ўзунгдин кўрма андин,
Бўлур саъй албатта «пирман» дегандин.

51 Пиринг фармонидин қилсанг тахаллуф
Таассуфдур, таассуфдур, таассуф.

29
Шароби муҳаббатни пири комилдин ичмак баёни

1 Кел, э соқий, икавлон айлалинг шурб,
Ўшал шурбеки, халқ андин топар қурб.

2 Шаробе берки, дил андин бўлур соҳв,
Қилур бир муддаодин ўзгани маҳв.

3 Агар Фағфури Чиндур, Қайсари Рум,
Муҳаббат аҳлини олдида маъдум.

4 Муҳаббат жомидин топса киши баҳр,
На қилсун мулки моли Моваройуннаҳр.

5 Кўнгил мулкеки, бир олий сифатдур,
Муҳаббат ганжи боғи маърифатдур.

6 Ризойи ҳазрати Маъбуд ўшанда,
Жамиъи истаган мақсуд ўшанда.

7 Анингдек мулкни султони бўлсанг,
На ҳожат ер юзини хони бўлсанг.

8 Агар хардалча бўлса меҳри ағёр,
Бўлур ботин кўзинг маҳжуби асрор.

9 Нечукким, заррача хас тушса кўзга,
Қилур албатта кўрмакликни ўзга.

30
Солик қазоға рози ва балоға сабрли бўлмоғининг баёни

1 Кел э соқий, муҳаббат жомидин май,
Харидор илгина бергил паёпай.

2 Харидор ул эрур жуз нийяти фард,
Кўнгил кўнглакина юқтирмағай гард.

3 Қаю ҳолатда бўлса эртаву кеч,
Хилофи ҳукми маҳбуб этмагай ҳеч.

4 Бу йўлнинг барчасин тай қилғон эрлар,
Ризо бермак мақом аълоси дерлар.

5 Агар бошинда юрса осиё санг,
Ризо жўянда ҳаргиз бўлмағай танг.

6 Агар ҳар кунда ичса заҳр аёғин,
Суюклук бандаси чатмас қабоғин.

7 Кишиким, розилиқ номинда бўлса,
Қилур шукр, аждаҳо коминда бўлса.

8 Ризо айвонида топқон киши жо,
Демас «во», боби офат бўлса ҳам во.

9 Агар мағзи дилинг айрилса ё пўст,
Йиғини йиғ, агар чин қулсан, э дўст.

10 Сўнар ғам тушса ҳар озода эрга,
Ўчар ўт тушса хасдин холи ерга.

11 Худо амриға оқил ғам емасдур,
Демас гардун қилур, гар дун эмасдур.

12 Эгам ҳукмиға ҳар ким бўлса мамнун,
Кўтармас ун агар бошин қилур ун.

13 Бу тоққа сурсалар, ташлаб у тоғдин,
Санодин ўзга чиқмас ақли соғдин.

14 Агар қиндур вагар минг қилсалар қин,
Қачон тушкай чин эрнинг кўнглина чин?

15 Қаю ҳолат билан жон бўлса танда,
Бўлар шокир ҳамиша рози банда.

16 Улуғ йўлдин адашқон неча беақл,
Қилур эрлардин у ёлғончилар нақл:

17 «Кишиким, ошиқи дийдори Ҳақдур,
Муҳаббат аҳли бирлан ҳамсабақдур.

18 На ҳожат ўзгача тоатлар андин!»
Бўлур юзи қаро мундоғ дегандин.

19 Буюрғониға ҳар ким бўлса мункир,
Гумон йўқтур, бўлур албатта кофир.

20 Ўшал халқеки, кўп беақл эмишлар,
Худонинг душманин ошиқ демишлар.

21 Дилу жон бирла бўлғон ошиқи зор,
Хилофи ҳукм қилмас зарраи кор.

22 Буюрғон ишларини шоду ғамда,
Қилур бирдек фароғатда, аламда.

23 Агар тўлдирсалар ернинг юзини
Қизил тилло билан, солмас кўзини.

24 Бало ўқи қадалса, урмағай оҳ,
Қилич бошиға келса, бузмағай роҳ.

25 Кишиким, қилса ошиқликни лофин,
Қилурму ҳеч маъшуқи хилофин.

31
Ҳикоят

1 Мусулмонени юз чўб урди бир дун,
Ўшал озодадин ҳеч чиқмади ун.

2 Деди бир нозире: «Қўб, ҳокима бор».
Бу айди: «Ҳокимим ҳозирдур, э ёр!»

3 Тану жон барчаси амлоки Рабдур,
Мақосид истамак биздин ажабдур.

32
Толиби Ҳақ улдурки, жаҳон савдосидин мосиво бўлса

1 Кел э кўнгил, жаҳон савдосидин кеч,
Қадам ғам кишвариға урмағил ҳеч.

2 Жасад қолмасдин илгари нафасдин,
Ҳаво кўб қилмағил, кечгил ҳавасдин.

3 Дари тавба очуқда иста мақсуд,
Иш ўткан сўнг пушаймондин нечук суд.

4 Эгил тезроқ Худонинг тоатиға,
Кейин қўйма бу дамни соатиға.

5 Йигитликда ажаб хуш хавфу зори,
Ёғинлиқ келса хўб йилнинг баҳори.

6 Кўзидин ёш агар қўрқиб тўкар ёш,
Дурри раҳмат бўлур ҳар ёшиға чош.

7 Мабодо тавба қилмасдин бурунроғ,
Ажал келса, кетарсан тавбасиз доғ.

8 Ўлумни доимо ёнингда билгил,
Анинг илгин гирибонингда билгил.

9 Ўлимнинг соқисин пешонада бил,
Лабингни доимо паймонада бил.

10 Ажал тортиб турубдур ёй билан ўқ,
Ёшунур ер, қочар дармонимиз йўқ.

11 Кўторибдур қилич бизга солурға,
Киши билмас, қўярму дам олурға.

12 Билурсан йўқ бу дунёнинг бақоси,
Қадам қўйғон еринғдур жар яқоси.

13 Таажжуб мундин ўтмас, жар лабинда
Бани одам ҳануз ўз матлабинда.

14 Қадам дарё юзинда – рўйи хасда,
Ҳануз авлоди одам минг ҳавасда.

15 Саҳар бўлса, нидо айлар фаришта:
«Эшит, эй одамий, ғафлат сиришта!

16 Сани халқ айлаган Султони ғолиб,
Ҳамиша бандасидин тавба толиб».

17 Эгамнинг мағфират дарёсидур жўш,
Ажабдур бандасидин ғафлат оғуш.

18 Эгамдин лутфу раҳмат бобин очмоқ,
Ажабдур бандасидин мунча қочмоқ?!

19 Ётурсан тобакай, эмди уйанғил,
Дилу жонинг била Ҳазратға ёнғил.

20 Наким қилмишларингдин тавба қилғил,
Бошинг кўб юқори қилма, эгилғил.

21 Агар ер юзининг султони бўлдинг,
Ўлум чанголиға охир тутулдинг.

22 Агар топсанг ҳаёти ҳазрати Нуҳ,
Қилур бир кун ўлум жонингни мажруҳ.

23 Агар топсанг ҳаёти Хизру Илёс,
Кетарсан бу жаҳондин аййуҳаннос.

24 Агар топсанг тирикликни ду бора,
Санга йўқдур ўлумдин ўзга чора.

25 Надур тавба демоқ – ёнмоқ гуноҳдин,
Тузук йўлға юрумак ўзга роҳдин.

26 Худо даргоҳида чун айладинг аҳд,
Ани синдурмағил, нафс айласа жаҳд.

27 Агар «тавба» демак чиқди тилингдин,
На суд, ул бўлмаса жону дилингдин?!

28 Дилу жон бирла қилғоннинг нишони,
Яна қилмаса тавба қилғон они.

29 Агар чин ёнасан, тормош бу ёна,
Таҳи поёнадур, тойрилма ёна.

30 Надам нурин кўнгилдин қилма ғойиб,
Агар тоиб эрурсан, кетма тойиб.

31 Ўлар бир аҳд ила бир хайли бўлса,
Агар чандики, ишрат майли бўлса.

32 Кўнгил тасдиқи решадур, амал – шох,
Уруғи тавбадур, синдурма густох.

33 Синиқ шох зарби бирла захм олиб асл,
Мабодо бўлмағай хушк охири фасл.

34 Жарима чирки бирлан зоҳиру сир,
Бўлибсан кир, надам дарёсиға кир.

33
Ҳикояти Робиъа

1 Эшиткил, Робиъанинг ашкин, эй шоҳ,
Бировнинг чодирига томди ногоҳ.

2 Деди: «Юв чодирингни, эй қариндош,
Қизил қондур кўзимдин сачрағон ёш.

3 Уётлиғ осиядин, эй гузийда,
Бўлибдур қона табдил оби дийда»

4 Агарчи Робиъадур маръа биззот,
Эранлар қўйдилар «тожур рижол» от.

5 Ўзин судраб Ҳарамға жони бирлан,
Етушди етти йилда ёни бирлан.

6 Анинг шаъниндаги касбу камолот,
Ададдиндур берун азвоқи ҳолот.

7 Мунунгдек йиғласа андоғ неку рой,
Бизингдек рўсияҳнинг ҳолиға вой.

8 Ҳамиша завқимиз айшу кулушга,
Етушмас эрта қилғон тавба тушга.

34
Муножот

1 Илоҳи, лутф қил, ман мубталоға,
Тушубдурман биёбони балоға.

2 Ётибман юз тубан исиғда сувсоб,
Киши йўқдур томизғай қатрайи об.

3 Қуруб қоним, етибдур лабга жоним,
Тушубдур ерга оғзимдин забоним.

4 Мазийёт аҳли атрофимдадур пур,
Умидликман ҳануз, ё Кошифаз зурр.

5 Карам баҳридин, эй султони Ваҳҳоб,
Ато қилсанг манго бир журъаи об.

6 Саодат қувватин қилсанг иноят,
Рафиқим бўлса тавфиқу ҳидоят.

7 Бериб синмас асойи тавба қўлға,
Талаб дарди билан солсанг бу йўлға.

8Таварруъ зоди бўлса қўйнимизда,
Убудиййат таноби бўйнимизда.

9 Юрутуб яхшилар кезгон субулни,
Ризо мулкига қўндурсанг бу қулни.

10 Мунингдек ишлар, эй Донойи асрор,
Санго осон эрур, гар бизга душвор.

11 Кўторибман умид бирлан билакни,
Худовандо, қабул эткил тилакни.

12 Эрур жовид лутфунг баҳридур жўш,
Эрур биз чун хатогар, Сан хатопўш.

13 Агарчи барча ишим бўлди маъйуб,
Мани айбимни лутфинг ёпмоғи хуб.

35
Камтаринлик ҳақида мавъиза

1 Кел э нафс, очмағил кўз ҳар қаёна,
Йўқ эрмиш эътимод ушбу замона.

2 Муяссар бўлса тиллодин санга тахт,
Ўзунгдин пастга зинҳор аймағил сахт.

3 Агар берса жаҳон султонлиғи даст,
Киши ўз ҳолини билмак керак паст.

4 Агар рутбанг эрур аълойи офоқ,
Йиқилғон хасталарнинг ҳолиға боқ.

5 Бу рифъат бирла кўкни кўр ҳамиша,
Юзидур ер сори, эй яхши пеша.

6 Агар чандики ўрнунг бўлса афлок,
Қуёшдек ўп туриб рухсорайи хок.

7 Агар дунёда бўлсанг зўр бозу,
Вале анда қуруғлуғдур тарозу.

8 Тараф мўреки, санда қуввати фил,
Мусулмонлиғда анга марҳамат қил.

9 Агарчи ул оёқ остидадур хор,
Худо махлуқидур, оғритма зинҳор.

10 Такаббур қилмағил, эй бемаъоний,
Фалоний ўғлидурман деб фалоний.

11 Агар олдингдаги қул бўлса волий,
Кўнгилни кийнасидин айла холий.

12 Бурунғи ҳолиға қилма назора,
Ани Тангрим азиз этса, на чора?!

13 Ишонма отаға, қолма талабдин,
Қиёматда сўрулмасдир насабдин.

14 Ҳасаб фавқи насабдур, эй неку ҳол,
Йипак тўндин ўтар хўб ишлаган шол.

15 Қорача ўғли хўжа ўғлидин кам,
Муъаллам бўлса саййиддин ўтар ҳам.

16 Агар соҳиб насаб туздур ишига,
На сўз икки хосийятли кишига.

17 Агар қилсанг сафар дорулҳаёта,
«Хўб ота бор» дема, тормош хўб ота.

18 Агарчи Нуҳ эди ҳодийи инсон,
Туғубдур андоғ эрдин номусулмон.

19 Агарчи Нуҳ ўғлин арзин этди,
Худодин «лайса мин аҳлик» эшитди.

20 Абу Толибки аммдур Мустафоға,
Ота эрди Алиййул Муртазоға.

21 Кичикдин Мустафоға эрди мушфиқ,
Ва лекин бўлмади динда мувофиқ.

22 Диёнатсиз ўшалким бўлди нобуд,
Паямбар шафқати ҳам қилмади суд.

23 Анинг ҳукмидадур идбору иқбол,
Тикондин гул чиқорди, заҳрдин бол.

24 Халилуллоҳ эдилар Озар ўғли,
Тақи Лут набийдур Ҳозар ўғли.

25 Ҳасуд этган киши дуну дағалдур,
Бу бир сўз халқ аро эски масалдур:

26 «Чироғиники, Ҳақ ёндурди қўйди,
Ани ким «пуф» деди, соқоли куйди».

27 Худонинг сунъидин кўрдук карашма,
Бир эски ердин оқти янги чашма.

28 Ани банд эткали олди биров бел,
Муни ғарқ айлади ногоҳ келиб сел.

29 Агар торе киши зулм этса, тортар.
Вале мазлум деганнинг ажри ортар.

30 Мусулмонийға бўлма ҳеч мукобир,
Борур жо бир эрур, эй нафси жобир.

31 Тушурма нафъи йўқ ранжиш миёна,
Сани элтар зиёна тозиёна.

32 Тирик юргунча золим ўлгани хўб,
Гуноҳдин ҳар неча кам бўлғони хўб.

36
Ҳикояти Ҳажжож

1 Мусулмонеға бир кун айди Ҳажжож:
«Дуойи хайр учун бизга қўлунг оч!»

2 Дуоға қўл кўтарди ул неку ҳол,
Деди: «Ё раб, бу золим жонини ол!»

3 Деди Ҳажжож ўшал марди Худоға:
«Тилинг борди нечук мундоғ дуоға?»

4 Деди Ҳажжожға ул марди неку сайр:
«Санга ҳам барча мўминларгадур хайр.

5 Гуноҳинг кам бўлур, ўлсанг агар тез,
Кетар зулминг аларни бошидин нез».

37
Тамаъдин тийилиш ҳақида

1 Кел, э озода, бўл ҳиммат билан ёр,
Тамаъ зиндониға бўлма гирифтор.

2 Бир игна бўлмаса дунё ишидин,
Ур истиғно, тамаъ қилма кишидин.

3 Худойинг ҳар на берса, қил қаноат,
Юракни қилма миннатдин жароҳат.

4 Югурсанг кунда бир кавдий учун чанд.
Бухоро ўлкасидин то Самарқанд.

5 Бадахшондин кўтарсанг юз сори тош,
Баҳоси Балх ичинда бўлса бир мош.

6 Агар боши билан чоҳ қазса банда,
Кўзининг ёшича сув тобса анда.

7 Агар қозса ариғ, кирфик била мард,
Анга бир хўшае жў қилса Парвард.

8 Бу меҳнат бирла тобсанг парчаи нон,
Кишининг миннатидин улдур осон.

9 Қидирғон бирла ризқинг қидри тошмас,
Кетар қадринг, қадардин ҳаргиз ошмас.

10 Таваккул ганжидин, эй юз ўгирган,
Буюрганга мухолифдур бу юрган.

11 Ола бўлган ола юргандин ортуқ,
Кўмулган телмуруб тургандин ортуқ.

12 Агар тош чайнаса, элдин чиқиб тош,
Кишига эгмагай ҳимматли қул бош.

13 Тамаъ нониға лаб очғунча, ўл оч,
Минан ўтидин учқундек бўлиб қоч.

14 Агар қорни бирор тўймаса қарни,
Кишига аймағай эр банда сирни.

15 Тамаълик сийладин беҳдур силинган,
Тилангандин эрур осон тилинган.

16 Тамаъ қилма топарга зар нигорин,
Бу зар меҳри бузар диннинг ҳисорин.

17 Кишини матлаби сийм ўлса ё зар,
Халилнинг отаси ҳам бўлса Озар.

18 Мусоҳиб билмагил дунё хасимин,
Насими маърифат иста, на сиймин.

19 Эмаклаб тушса, кетса эт била пўст,
Тамаъ қилма кишидин тўша, эй дўст.

20 Ғараз дунё бўлуб, эй одамизод,
Азиз умрингни ҳаргиз қилма барбод.

21 Кишининг хизматида боғласанг қўл,
Жиловида югурсанг бир қадам йўл.

22 Бу юрмакдин фано кечганинг ортуқ,
Бу неъматдин «заққум» ичганинг ортуқ.

23 Ва лекин тегса хос эрнинг жилови,
Саодатдур, дилинг дардиға дови.

24 Анингдек эрни даргаҳинда қиш-ёз,
Азиз умрингни ўткарсанг эрур оз.

25 Ўшал эрнинг эриким бериёдур,
Қадам туфроғи кўзга тўтиёдур.

26 Анингдек бандани бўлсанг гадоси,
На давлатдур, Худойимнинг ризоси.

27 Анинг бир донасидур хирмани зар,
Даме сувдур ул эрдин мушку анбар.

28 Саодатлик мурид ул Ҳақ раҳинда,
Бўлур йўлбошчисининг даргаҳинда.

29 На расво пир эрур нафси учун хор,
Муриди эшикида юрса ул зор.

30 Ҳаё йўқ, шарм йўқ ҳаргиз аларда,
Битиклик ҳоди(й)лардин нусхаларда –

31 Кеча-кундузга кимнинг қути етса,
Ҳаром эрмиш ўзини сойил этса.

32 Набий айди, Қиёмат бўлса, эй дўст,
Тамаъгирни юзида бўлмағай пўст.

33 Билай десанг бу сўзни, иста «Мишкот»
Тамаъ бирла кечирғон ҳайф авқот!

38
Ҳикояти Савбон

1 Ажаб мард эрди Савбон атқиёда,
Ул отлиқ эрди бир кун, эл пиёда.

2 Қўлидин ерга қамчи тушди ногоҳ,
Тушуб олди ўзи ул кўнгли огоҳ.

3 Ёронлар айди ул покиза хулқа:
«На бўлғай эрди амр этсанг бу халқа?!»

4 Деди Савбон: «Тамаъдин бўлмағай деб,
«Олиб бергил!» – демакни кўрмадим эб»

39
Ёмонлар суҳбатидин қочиб, яхшилар суҳбатинда бўлмоқнинг баёни

1 Кел э толиб, кўзунг ибрат билан оч,
Муҳаббатсиз кишидин қуш бўлуб қоч.

2 Муҳаббат аҳлининг жўёни бўлғил,
Ўшалким учради, қурбони бўлғил.

3 Кишининг кўнгликим бегона бўлса,
Эрур душман агар ҳамхона бўлса.

4 Муҳаббатсизки бўлди ҳар қаю зот,
Агар фарзанди ширидур, эрур ёт.

5 Муҳаббат бўлмаса ҳар кимда, эй хайр,
Отанг бўлса эрур бегонаву ғайр.

6 Ақориб юрмаса, кўнгли оқориб,
Қўлунгдин келса ҳеч ўлтурма бориб.

7 Агар бегонаенинг доғи бўлса,
Анга сарф эт, кўзунгнинг ёғи бўлса.

8 Жигарбандинг юрокинг гўшасидур,
Анинг меҳри Қиёмат тўшасидур.

9 Анингдек ёр ила чун айладинг аҳд,
Ичурса заҳр, ани билмак керак шаҳд.

10 Тилоса бўркни, бермак керак бош,
Агар жон истаса, қайтармағил қош.

11 Агар бўлсун десанг, енгил оғирлар,
Чиқиб бир ёна, тоб, бирён бағирлар.

12 Қилур суҳбат асар, эй толиби роҳ,
Мунунгдек жорий бўлди одатуллоҳ.

13 Наким туз конига тушса, бўлур туз,
Ки андин ўтса неча кеча-кундуз.

14 Агар чандики, ноқобиллиғинг бор,
Некулар жамъидин айрилма зинҳор.

15 Агар чиқса йипакнинг жамъидин лос,
Бўлур ғарқи сиёҳий, аййуҳаннос.

16 Ўзин қилса қаю мис нуқраға замм,
Қўяр мис отини халқ ўғли дирҳам.

17 Олур суҳбатда бир-бирдин киши баҳр,
Агар кўп чашма бир бўлса, бўлур наҳр.

18 Жамоатдин ўзунгни қилма мумтоз,
Чопар кўп тўпдин айрилғон қуша боз.

19 Галага бўри чопса, эй фалоний,
Қаю айрилса, аввал тишлар ани.

20 Юрусанг якка, дев бошингни янчар,
Қароқчи тўпдин айрилғонни санчар.

21 Худонинг раҳмати бўлса жамоат,
Эрур раҳматдин айрилғон шаноъат.

22 На ул жамъеки, ғафлат аҳли бўлғай,
Баҳойимдин зиёда жаҳли бўлғай.

23 Аларнинг суҳбатин бил заҳри қаттол,
Бузар кўп суҳбатин, бил, бир бад афъол.

24 Керак суҳбат эли бир тану бир ранг,
Барас бар рўйи нохон бўлса ҳам нанг.

25 Агар келса музирр, нафрат қил андин,
Йилондин безарар бўлмас, ел андин.

40
Ҳикояти дев

1 Деди бир деви ҳосид яна бирга:
«Бориб кайд эт фалон фоҳишли ерга».

2 Деди: «Ул фирқадин фориғ бўл, эй ёр,
Алардур бир-бирига раҳбари нор.

3 Билибдур зоҳирий душманларин дўст,
Эмас ҳожатки, кирсам раг била пўст».

41
Дунёдин тажарруд бўлмоқлик ҳақида

1 Кел э солик, ўзингни йўлға солдинг,
Улуғ ҳиммат асосин қўлға олдинг.

2 Агар қолмай десанг кирган йўлунгдин,
Тажарруд давлатин берма қўлунгдин.

3 Кейинга боқмағудек бўлса банда,
Етар мақсудиға тез излаганда.

4 Агар боқсанг кейин бу тоғу чўлда,
Мабода қолмағайсан ўрта йўлда.

5 Машаққат бўлмаса, сунғон бўйинда,
Беҳ андин бўлғони ернинг қуйинда.

6 Ибодат банданинг манзури бўлса,
Беҳ ул эрдинки, уйда ҳури бўлса.

7 Ва лекин этмаса шаҳват жудолиғ,
Кўнгилға тушса қасди кадхудолиғ.

8 Диёнат истагудекни талаб қил,
Агар топилмаса, кунжида хаб қил.

9 Агар зангий бачадур, кўзлари кўр,
У ким, мастура бўлса, бил ани ҳур.

10 Агар чандики, бўлса бандазода,
Ани соҳиб насабдин кўр зиёда.

11 Тилининг узуни – шарму ҳаёси,
Юзининг оқидур – эрнинг ризоси.

12 Ўшал хотунки, номаҳрам назардур,
Агар шамсу қамардур – мочахардур.

13 Агар чандики, бузрукзодадур ул,
Йақин бил, тўрт оёқлик модадур ул.

14 Ўшал хотунки, ёшурмас юзини,
Ки номаҳрамға кўрсатур ўзини.

15 Ани манъ этмас эрдур беҳамиййат,
«Хулоса»да эрур мундоғ савиййат.

16 Боғайрат эр бўлур, рози қазоға,
Юбормас аҳлини тўйу азоға.

17 Бўлур рози қора ерга тиқарға,
Қачон рози бўлур уйдин чиқарға.

18 Ғараз, эй бандалар, нозир бўлунглар,
Ёмон йўл фирқаға ҳозир бўлунглар.

19 Бани Одамда бордур бир фариқа,
Тутарлар ўзларин аҳли тариқа.

20 Алар шаръи Набийнинг душманидур,
Аларнинг оти яъни «равшаний»дур.

21 Алар ўзлариға ориф қўйиб от,
Ўқурлар омийларға яхши абёт.

22 Ва лекин айтишур беҳуда маъни,
Ўзининг йўлиға солмоққа яъни.

23 Аларда бўлмағай ҳеч яхши ниййат,
Аёлу аҳлида бўлмас ҳамиййат.

24 Жамиъи жониворлар тушса кўзга,
Ҳамиййатлик бўлур тўнгуздин ўзга.

25 Аларнинг феълидур тўнгузға ўхшаш,
Шариат мункиридур, оғзиға тош.

26 Аларнинг феълини ким яхши билди,
Бўлиб кофир, ёнар ўтға йиқилди.

27 Бўлибдур ҳам тақи бир фирқа пайдо,
Оти мўмин вале нафсига шайдо.

28 Йиғарлар порайи бўйни йўғонни,
Солурлар ўртаға қизу жувонни.

29 Агарчи «равшаний» эрмас, бу авбош,
Вале бу иш шариат ҳукмидин таш.

30 Битибдур Бул Ҳасан ул яхши банда,
Китоби «Танбиҳуз золлин» ичинда.

31 Бу айғон фирқалар золлу музиллдур,
Шариат аҳли бу элдин хижилдур.

32 Инонсун деб тақи бир неча беақл,
Қилурлар Хожа Аҳмаддин муни нақл.

33 Худонинг дўсти бўлса Хожа Аҳмад,
Қилурму ҳеч мунингдек бидъати бад.

34 Шариатда эди ул офитобе,
Қолибдур бизга ул эрдин китобе.

35 Ўшал султон битибдур балки анда,
Чиқар мундоғ фариқ охир замонда.

36 Анингдек фирқа малъуни Худодур,
Аларнинг феъли суннатдин жудодур.

37 Бу ишлар бешаку райб, эй мусулмон,
Ўшал қутби замонға эрди ёлғон.

38 Қаю эрдинки, нақл этса бу ишни,
Инонманг зинҳор андоғ демишни.

39 Валий бўлса, улуғ йўлдин тоярму,
Хилофи шаръи Пайғамбар этарму?

40 Анинг шаънинда ёлғондур бу афъол,
Агар чин бўлса, эрмас соҳиби ҳол.

41 Валий билмасмиз ул айғон кишини,
Қилиб ўткан экан шайтон ишини.

42 Олиб борса киши аҳлу аёлин,
Кўтарур беҳамиййатлик ваболин.

43 Ҳаром ишники, тоат билса инсон,
Қилур бу эътиқоди номусулмон.

44 Биродарлар, билинглар роҳи Ҳақни,
Тутинг душман ўшал айғон фирақни.

45 Қиёмат кун қўшилса, жон ила тан,
Қўпар ҳар эр ўзини дўсти бирлан.

42
Ҳикоят

1 Паямбар дорида бир кўр гадойи,
Тилар эрди келиб чизи Худойи.

2 Туруб эрди қарошиб баъзи азвож,
Ғазаб бирлан қароди шоҳи меърож.

3 Дедилар: «Эй шаҳаншоҳи қабойил,
Биз андин қочмадук, кўр деб бу сойил».

4 Аларға айди ул султони аброр:
«Агар кўр бўлса ул, сизларда кўз бор!»

5 Алар «биз билмадук», деб зори қилди,
Гуҳарлар кўзларидин жорий қилди.

6 На сўз Пайғамбар азвожиға, эй хок,
Алар эрди жамиъи шубҳадин пок.

7 Таажжуб фитналикдур бу замона,
Тушубдур эрлар аҳволи ёмона.

8 Хирадмандо, эшит мандин неча панд,
Бу сўзга бўлмадим омил агар чанд.

9 Замона хотунини йўлға солмоқ,
Эрур осон бу ишдин жанг қилмоқ.

10 Узулмас солмани бўйнунга солма,
Агарчи олмадур рухсори, олма!

11 Даме айшики, бўлғай охири сард,
Ани хушлаб, қабул этма узун дард.

12 Бола деб солмағил жонинг балоға,
Бола бирлан бўлурсан мубталоға.

13 Мусулмон оли бўлсанг олма олин,
Агар олсанг қабул этма ваболин.

14 Қўйуб Тангри таолонинг ризосин,
Нечук тандур қилур зан муддаосин.

15 Агар бор олғонингнинг яхши ҳоли,
Дема хотун, дегил диннинг камоли.

16 Хуш ул зан, билмаса беҳуда дерни,
Сучук лафзи билан шод этса эрни.

17 Агар ўн йил уйида бўлмаса ун,
Уни чиқмас уни айтурға бир кун.

18 Билур эр олдида додук ўзини,
Вагар юз тепса, қайтармас юзини.

19 Агар ўйса кўзин кулфат била шўй,
Туриб уйдин чиқорға айламас ўй.

20 Сирин фош айламас гар ғамда бўлсун,
Агар танг бўлса айтур,«бўлса бўлсун!»

21 Агар занни мунингдек бўлса хишти,
Ани билгил бу дунёни биҳишти.

22 Иликка тушса мундоғ нозанин гул,
Дегил, бу сандадур бўсанда, ман қул.

23 Саройи охиратнинг зодидур ул,
Иноят гулшанининг бодидур ул.

24 Қаро дема, қара хуш феълу хўйи,
Некудур на кўча кўрса, на кўйи.

25 Ғанимат кўр, топилса хулқи хуш кўр,
Балодур жонинга моҳи сухан шўр.

26 Оқизур оқлиғин, гар келса тилга,
Қизил деб олмағил, бадхў қиз элга.

27 Ёмон бўлса, наъувзу биллаҳ, андин,
Зиёндин ўзга ҳеч келмас ёмондин.

28 Ёмон хотун шаётин қамчисидур,
Қўлунг боғлагучи арғамчисидур.

29 Ду олам нори бўлса, нори кетсун,
Кўзунг кўрмасга шум дийдори кетсун.

30 Агар ул кетмаса, сан кет олиб бош,
Кўтариб юрмагил, тоғдин оғир тош.

43
Ҳикоят

1 Неку зотеға айди бир неку хўй:
«Эрурсан булъажаб мунқодаи шўй?»

2 Деди: «Қасдим мани Тангрим ризоси,
Битар бу ўртада эр муддаоси.

3 Ики тоат муяссардур бир ишда,
Нечук сунмай бўйун амр айламишда?!»

44
Шайхи комил истамакнинг баёни

1 Кел э сўфи, умид этсанг сафодин,
Қариш чиқма тариқи Мустафодин.

2 Амал қил, иттико қилмай амалга,
Таваккул айлагил азза ва жаллга.

3 Амал қилмай сафо бўлмас кўнгилда,
Оёғсиз ҳеч киши юрмади йўлда.

4 Қачон қўлсиз киши бўлғай шиновар,
Шиноварман деса, ҳеч қилма бовар!

5 Солибдур аҳли суннат роҳи омма,
Бу йўлдин чиқмағил ўзга мақома.

6 Дема, тутдум фалон бузрук ишини,
Қўя кўрма Набини қилмишини.

7 Ўшал бузрукки, соҳиб ҳимматидур,
Расулуллоҳнинг хос умматидур.

8 Набини қилғонидин қилмағай таш,
Агар чандики, бўлса кўз била қош.

9 Шариат ҳукмидин ташқи риёзат,
Эмас тоат, қабоҳатдур, қабоҳат.

10 Амал қилмоқ учун кирсанг бу йўлға,
Керакдур шамъи илм албатта қўлға.

11 Қоронғуда қадам қўйсанг ёзарсан,
Агар кўз бўлмаса, йўлдин озарсан.

12 Эрур чунки ажойиб пурхатар роҳ,
Қадам қўйсанг, оёғ остидадур чоҳ.

13 Тузук йўл деб қадам ўтру солурсан,
Қудуқға тушганинг туймай қолурсан.

14 Кўзунг гар бўлмаса, эй ақли ҳушёр,
Асокашсиз қадам ҳеч қўйма зинҳор.

15 Агар олим сўзин хўб тутса омил,
Ани омий дема, де «марди комил».

16 Удур жоҳил – билиб муршид ўзини,
Қулоқға олмағай олим сўзини.

17 Диёнат бехидур илми ақоид,
Тамурсиз шоха су бермак на фойид?!

18 Бу маҳкам туб шажарни шохи – аъмол,
Либоси бўлди тақво, меваси – ҳол.

19 Ажаб аслеки, фаръи фиссамодур,
Чиқорур ҳодийи илм раҳнамодур.

20 Бидуни илм агар қўйсанг анга пой,
Тойиб кетсанг сани аҳволинга вой.

21 Иликка домани ҳодиййи илм ол,
Чиқиб шояд егайсан мевайи ҳол.

22 Ажабдур ердағи турғон аъмоға,
Узотур илгин асмори самоға.

23 Заифе айса: «Бефиққи зарурий
Муяссардур манга тоат сурури!».

24 Ўқуй билмаса зоҳир лафзи Қуръон,
Нечук тафсирини билгай ул инсон?

25 Агар мағзин олибдур марди тоҳир,
Нечук қолди кўрунмай қишри зоҳир?!

26 Эрур дин илми чун зардолу, эй дўст,
Мулаззаздур анинг ҳам мағзи, ҳам пўст.

27 Биродарлар, будур бу қулнинг арзи,
Валий бўлғайму, қилғон тарки фарзи?!

28 Эрур фиққи зарурий фарзи айни,
Ёмондур турфа нодонлиғни шайни.

29 Бу тарк узра бўлур тарки фаройиз,
Нечук бўлғай валий, тингла аройиз?!

30 Агар ул билмаса илми ақоид,
Бўлур ул акбари осома оид.

31 Анингдек телба касни, эй неку зот,
Валий билма, агар кўрсанг кушуфот.

32 Юмуб кўз, уйқуда кўрган била кас,
Валий билмас ани марди суханрас.

33 Бу кўрмакдин ўзин билса зиёда,
Дегил, отдин тушуб, бўлди пиёда.

34 Бурунғи ҳолидин қилди таназзул,
Тушар саркашли қулнинг бўйниға ғул.

35 На яхши ёр, ўзин кўрса гуноҳкор,
Бўлур кўрган сари қўрқунчи бисёр.

36 Агарчи бўлса кўб пинҳон сужуди,
Кўрунмас заррача ориф вужуди.

37 Ҳаёву илму ҳилму жуди бўлса,
Ризойи Ҳақ ани мақсуди бўлса.

38 Анинг ихлоси қуллуқ бўлса-у бас,
Риёдин бўлмаса, кўнглида бир хас.

39 Жамиъи ишларин солса Худоға,
Қўлин топшурса бир ҳодий ризоға.

45
Ҳикояти имом Шайх Басрий

1 Имоми аҳли суннат Шайх Басрий,
Умид улдурки, жаннат бўлса қасри.

2 Анинг бор эрди бир омий муриди,
Ва лекин тунда эрди кашфу дуди.

3 Муриди келмади бир неча айём,
Ўзи топди ани ул шайхи ислом.

4 Деди ул омини қилмоқ учун ол:
«Манга асроринг айғил, эй неку ҳол»

5 Деди: «Ҳаргаҳки, хуфтон келса қарши,
Етарман лаҳзада айвони Арши.

6 Малоикдек бўлиб Арш ичра мумтоз,
Худо бирлан узун шаб айтаман роз».

7 Деди: «Борсанг ўшал манзилға чун бод,
Бу мискин отини ҳам айлагил ёд».

8 Яна кечаки, ул манзилга етди,
«Ҳасан» отин тилиға жорий этди.

9 Бузулғон кўрди арши дилкушойин,
Нажосатхонаеда кўрди жойин.

10 Йақин билди, муни шайтон қилиб кайд,
Қилур эркан ани ҳар кечаси сайд.

11 Инобат қилди бориб, қайта бошдин,
Муяссар қилди илм отлиғ қуёшдин.

12 Бузар ботилни туз олимни оти,
Факайф, ул ерда ҳозир бўлса зоти?!

13 Ариғ илму амалдур раҳбари ҳол,
Бу икки бол била учқон ичар бол.

14 Агар бўлмаса илминг, эй сабуксайр,
Билур болинг ваболинг барчаси хайр.

15 Агар билсанг неку афъоли баддин,
Наъувзу биллаҳ, андоғ мўътақаддин.

46
Маъвиза

1 Кел э оқил, буюрсанг ақлинг ишга,
Ўзунгдин кетмагил доно демишга.

2 Агар боло чиқиб, кетсанг ўзунгдин,
Йиқилғойсан тойиб ерга юзунгдин.

3 Ўзин доно тутиб, кибр айламоқдин,
На чобуклар йиқилдилар оёқдин.

4 Агарчи ҳар кеча дил махзанина,
Боқарсан кўп туриб, кўбтурма сийна.

5 Агар чандики, бўлсанг қутби аброр,
Дегил, не донишим, не дон ишим бор!

6 Ниҳоли меҳнатинг берсун десанг бар,
Ризойи Ҳақ учун илм эт муяссар.

7 Агар ёғингда бўлса гил риёси,
Қачон бўлғай чироғингни зиёси?!

8 Агар ҳоли риёдин холи эрмас,
Ҳақиқат ул кишининг ҳоли эрмас.

9 Ўқур бўлсанг, ўқ ур нафсинг кўзина,
Қара чин кўз била Мусҳаф юзина.

10 Муҳаққиқ олим улдур, одил ўлса,
На кўб жо дил югуртиб, жодил ўлса.

11 Жадалдин қол, ки қил устиндадир қол,
Йиқитсанг ё йиқилсангдур забун ҳол.

12 Вужудунг уқбаси эрмас алоша,
Тал оша келган ўлтурмас талоша.

13 Ўқурдиндур ғараз Тангри ризоси,
На ул илмеки, бўлғай халқ изоси?!

14 Ёниб келганда меҳнат шамъи, эй ёр,
Ёниб тутма ҳаво бодиға зинҳор.

15 Замона халқи аксар толиби қадр,
Бўлай деб садри мажлис, қон қилур садр.

16 Ўқубдурсан агар холис маъони,
Юрак қони билан осори қани?

17 Агар қилдинг муяссар илм ишидин,
Оёғинг босма эгри кўр кишидин.

18 Билиб ўз душманингни қилмадинг ҳарб,
Кўриб ўтқа ўзинг солмоқ, нечук зарб?

19 Мувофиқ илмига қилса ишини,
Дегил арбоби илм андоғ кишини.

20 Таварруъ шаҳрида, эй марди корий,
Керакдур албатта қори вақори.

47
Ҳикояти бадбахтон

1 Битибдур «Жомиъи Мишкот» ичинда,
Набийдин сўрди бир сўрғувчи банда:

2 «Ёмонларнинг ёмони қайси инсон?»
Жавобин бермади анга ўшал он.

3 Уч айғон сўнг жавобин берди они:
«Ёмон олим ёмонларнинг ёмони!»

4 Тақи айди ўшал ҳамрози маҳбуб:
«Эрур хўбнинг хўби ҳам олими хўб!»

5 Деди Пайғамбари оламға ҳодий:
«Эрур дўзахда бир шиддатли водий.

6 Жаҳаннам кунда тўрт юз қатла андин,
Паноҳ истар Худойи Зулминандин».

7 Ўшал водийни «Жуббул ҳузн» атоди,
Риёлик қорилар жойи у водий.

8 Худовандо, йироғ этгил риёдин,
Айирма сидқу ихлосу зиёдин.

48
Мавъиза

1 Кел, э зоҳид, қўлунгдин берма тоат,
Зиёд эт тоатинг соат басоат.

2 Уйағлиғ пеша қил, хавф эт тамаъдин,
Риёзат айла тақвову вараъдин.

3 Фароғат бирла ҳеч ошиқ етарму,
Киши роҳат элин ошиқ этарму?

4 Агар қул хожасин жўянда бўлса,
Ётарму йўлда ошиқ, банда бўлса.

5 Егил кам, кеча турмоқдин есанг ғам,
Бўлур иш кам, агар кўб тўлса ишкам.

6 Эгам аҳд этса: «Фатлубний тажидний»
Қўярми яхши банда бу жаҳду жидни.

7 Ариғ жисминг агар бўлсин десанг соғ,
Саноч оғзин сан оч, албатта камроғ.

8 Риёзат мевасидур мисли ёнғоғ,
Агарчи зоҳири шах, ботини ёғ.

9 Маишат аввали нарм, охири қаҳр,
Йилоннинг таши юмшоғдур, ичи заҳр.

10 Белингни боғлагил хизматга чун най,
Шакар тўлдурса шояд қалбинга Ҳай.

11 Риёзат хокиға ҳар кеча ур бош,
Юрак қон боғласа, лаъл атанур тош.

12 Билур оқил бу дунни сижни бадбўй,
Баланд уй истасанг, нафсинг кўзин ўй.

13 Тўшаб қалин, ёпиб бидъат «жамол»ин,
Қўйубсан бошинга болин ваболин.

14 Тила нафсинг тила тоатга кам-кам,
Магар бўлғай эгилмас гардани хам.

15 Кўзингдин айла ғафлат уйқусин дур,
Ва лекин бўлмағил тоатга мағрур.

16 Агарчи бўлсанг аҳли илму зуҳҳод,
Такаббур қилмағил, аслингни қил ёд.

17 Такаббур айламоқ шайтон фиъоли,
Йиғию зоридур одамни ҳоли.

18 Риёзат бирла ҳам очсанг кўзунгни,
Азозилдек улуғ тутма ўзунгни.

19 Агар ерни юзина айласанг дарс,
Такаббур қилмағил, бўлғил Худо тарс.

20 Санинг кирган йўлунг турфа узоғдур,
Орода сони йўқ банду тузоғдур.

21 Ажаб йўлдур арода кўб хатар бор,
Киши билмас, чибин етгайму, шунқор?

22 Киши билмас, бу уммон остида фош,
Жавоҳир пора қийматдурми ё тош?

23 Агар чандики, гавҳар порадурсан,
Йақин бил, бандасан, бечорадурсан.

24 Ҳамиша бандадиндур зори қилмоқ,
На ҳаддур бошини юқори қилмоқ?!

25 Тавозуълик бўлуб, тутғил ўзинг кам,
Шажарким, мевалик бўлса, бўлур хам.

26 Теракким, ул кўтарди юқори бош,
Самарсиз бўлди, кўрдунгми ани фош?!

27 Кишиким, ҳоки роҳдур, бериёдур,
Қадам туфроғи кўзга тўтиёдур.

28 Кетар дамда тўлойдин паст ўтар кун,
Сабо чиқса бўлур оламдин устун.

29 На бўлғай қатрадек тутсанг ўзинг гум,
Гуҳар бўлсанг, тақилсанг тожи мардум.

30 Агар файз истасанг, қилма такаббур,
Буюкға оқмағай баҳр ўлса ҳам пур.

31 Агар тутсанг тариқи Мустафони,
Ёмон кўйдур такаббур, куйдур они.

32 Оғир тутди ўзини санги хора,
Талаб бозорида кирмас шумора.

33 Кичик билди ўзининг ҳолини дур,
Баҳосидур харидор олдида пур.

34 Игирмиш жазби ишқ ишкаста касни,
Йиғар гирдоб аксар хору хасни.

35 Агар нафсинг ҳамиша тутмасанг кам
Дуруст ихлос бирла, бўлмағай хам.

49
Ҳикоят

1 Азизе комилени жоҳили хом,
Қабиҳа лафзи бирлан берди дашном.

2 Тутуб сақолини ул марди хушхўй,
Дер эрди ўз танига: «Эй хунук рўй!

3 Санинг расволиғингни эртаву кеч,
Ўзум айғонға бовар қилмадинг ҳеч.

4 Бу мўминдин эшитиб келтур инсоф,
«Некулар аҳлиман», деб урмағил лоф!»

5 Ана инсоф, ана хулқ, эй биродар,
Ўзингни айбинга сан ёпма чодар.

6 Агар сан қилмасанг нафсинг шикасти,
Етар соқолинга ҳар кунда дасти.

50
Таваккул баёни

1 Кел э ошиқ, кўнгилни айлагил бир,
Тариқи каъбаи мақсудинга кир.

2 Нечук бўлғай дебон андиша қилма,
Таваккул айла, ўзга пеша қилма.

3 Таваккул бандани йўлдоши бўлса,
Ажаб эрмас қаро тош оши бўлса.

4 Агар ҳиммат кишининг ёри бўлса,
Ажаб йўқ жазралар бозори бўлса.

5 Етар охир таваккул айлаган қул,
Таваккул қил, таваккул қил, таваккул.

6 Эрур бир ихтиёри жузъи сандин,
Талаб қилғонинга еткурмак андин.

7 Агар тутса Худо қул хотирин пос,
Чиқар ҳар гўшаедин Хизру Илёс.

8 Агар биткарса Мавло қул ишини,
Қилур мушфиқ кўрунган ҳар кишини.

9 Агар лутф айласа, бўстон бўлур чўл,
Олов ўртасида пайдо бўлур йўл.

10 Ўтарда аждар оғзин сурса пойинг,
Зиён этмас, омон этса Худойинг.

11 Эгам «қум!» деди, ул қумдин қўпуб чуст,
Муҳаббат қумқумидин қил ўзинг шуст.

12 Бузуғ ерда ётиб бўлмас ишинг беҳ,
«Маконан тоййибан фазҳаб биавниҳ».

13 Агарчи бўлса санда аҳлу фарзанд,
Яротибдур аларни ҳам Худованд.

14 Ўзи қилди аларни жисм ила жон,
Берур албатта жон берган Худо нон.

15 Азиз жон чиқмаса қолибларидин,
Камаймас неъмати Ҳақ лабларидин.

16 Саноғлиғ умрдин то жон туганмас,
Йақин билгил, оғиздин нон туганмас.

17 Агар дарё тубида бўлса жойинг,
Баҳона бирла еткургай Худойинг.

18 Ғараз, ҳар қайда, эй фарзанди одам,
Саноғлиқ рўзи ҳаргиз бўлмағай кам.

19 Кишининг бўлса мундоғ эътиқоди,
Анга бўстон эрур ҳар қайси водий.

20 Вужудунг хору хошоки қолиндур,
Ёлинсанг ҳам ҳаво ўчмас ёлиндур.

21 Миниб ҳиммат буроқин чиқ қолиндин,
Ёлин маҳкам тутуб, сачрат ёлиндин.

22 Етибдур соли умрунг, эй табаҳ ҳол,
Таваккул соли мақсад баҳрина сол.

23 Кириб жон баҳрина, эй нафси золим,
Дема, солим манинг етгайми солим.

24 Етар-етмаслигидур ҳукми Рабда,
Эранлар шартидур ўлмоқ талабда.

25 Таваккулни талаб қил, одамизод,
Югургил каъбаи мақсудға чун бод.

26 Кириб йўлға, кўруб аълому осор,
Узун бар деб гумонбар бўлма зинҳор.

27 Бу бормоқда агар бармоқ солур шер,
Қачон қайтар таваккул айлаган эр.

28 Хатардин аҳли ҳиммат хира бўлмас,
Агар эл тира тутса, тийра бўлмас.

29 Таваккулдин киши ким олса баҳра,
Қачон заҳра урар, ғарқ ўлса заҳра.

30 Ема рўзи ғамин ҳеч ерда, эй ёр,
Ким асроринг билур, Ул яхши асрар.

31 Худоға қилса ҳар ким хўб таваккул,
На ерда бўлса, зое бўлмас ул қул.

51
Абдуллоҳ ибн Муборак ҳикояти

1 Муборак ўғли бир кун озғишиб роҳ,
Ажойиб сувсағонда кўрди бир чоҳ.

2 Кечурди кўнглида: «Топилди матлуб,
Агар далву расан бўлса эди хўб».

3 Ўшал дамда бир оҳу келди сувсаб,
Тошиб чиқди қудуқнинг оғзиға об.

4 Ул ичган сўнг ўшал шаҳ борди чаҳга,
Етар-етмасда ул сув тушди таҳга.

5 Деди: «Ё Раб, берурсан оҳуга об,
Манга бермассан, эй султони Ваҳҳоб!»

6 Нидо келди ўшал важҳи ҳасанға:
«Дилинг кетди сани далву расанға.

7 Ўшал оҳуки кўрдунг, чиқти бар(р)га,
Таваккул қилмади мандин дигарга».

8 Эшитиб бул нидони бўлди беҳуш,
Ичидин қулзуми завқ айлади жўш.

9 Муҳаббат жоми ҳўл қилди томоғин,
Тирикликда унутди сувсамоғин.

10 Эди аввалда ҳам эр атқиёда,
Юз онча ҳиммати бўлди зиёда.

11 Мане мискин таваккул бобида доғ,
Тушубдур ҳимматим кундин забунроғ.

12 Ҳамиша нафси зиштим мубталоси,
Манингдек борму ҳеч мўмин болоси?

13 Илоҳи, баҳри раҳматдин қилиб сер,
Мане хунсаға эрлар нашъасин бер.

14 Эрурман ақли йўқ, идроки йўқ қул,
На тамкин бор, на ҳиммат, на таваккул.

15 Гила боқдим, гила қилмам кишидин,
Кўрарман барча ўз нафсим ишидин.

16 Бу мўминлар ичида бир баломан,
Бузуқ йўлдин чиқолмай мубталоман.

17 Бўлубман ғарқ баҳри изтироба,
Хароб ўлмиш тушуб нафси хар оба.

18 Эрур кўнглумда кўб рози ниҳони,
Юзум йўқдур туруб айтурға они.

19 Ўзунгсан Олимус сиррил хафиййот,
Муайяндур санга мажмуъи нийёт.

20 Агар қайтармасанг ройим вародин,
Қутулмасман мунингдек можародин.

21 Агарчи сони йўқ бу қул гуноҳи,
Гирифтори ғазаб қилма, Илоҳи!

52
Дарвишлик баёни

1 Кел э дарвиш, агар дарвиш атондинг,
Тариқат аҳли нек андиш атондинг.

2 Агар отинг хилофи бандаликдур,
Қиёмат кун нечук шармандаликдур.

3 Қуруғ от бирла ўтган ҳайф авқот,
Уётлиғ бўлма мағрури қуруғ от.

4 Қуруғ юрма, қуруғ дасти ажалда,
Солур ногоҳ гумон этмас маҳалда.

5 Ўзунгдин кетма ихлоси авома,
Суюнма нома келмай яхши нома.

6 Киши руда кириб гар юрса рўда,
Қачон восил бўлур дурри шуҳуда.

7 Сивони нафй эканин айлаб исбот,
Таваккул баҳрина бот, эй кўнгил бот.

8 На бўлғай, кирса қўлға дурри мақсуд,
Вагарна сувда юргандин нечук суд?

9 Кўнгил Ҳақ файзига бўлсун десанг чок,
Ки аввал мартаба – ҳалқингни қил пок!

10 Ема зарра ҳаром оғишта нондин,
Бўлур чоҳе нажас бир қатра қондин.

11 Агар ош манҳи бўлса, кўз юмуб ош,
Вагарна тонгла қорнингдин чиқар тош.

12 Эрур хардалча манҳи заҳри қотил,
Қилур бир қатра май хум сувни ботил.

13 Ҳаром оз бўлса ҳам кўбдур ёмони,
Саммони бўлса ҳам билгил самм они.

14 Битиклик «Ширъа»да, эй лобиси далқ,
Фаройиз аъзамидур покийи ҳалқ.

15 Қаю тоатки, ул марзойи Рабдур,
Йақин бил, қуввати луқма сабабдур.

16 «Кифояи Шаъбий»да бул битилди,
Расулуллоҳ сўзидин нақл этилди:

17 «Ариғсиз луқма бирлан қилса тоат,
Қабул эрмас ўшал қилғон ибодат».

18 Худонинг манъини нафс истаганда,
Агар бир заррасин тарк этса банда.

19 Ибодатларки, бўлғай инсу жиндин,
Бу айғон бандалик афзалдур андин.

20 Агар тарк этса зарра шубҳа, эй ёр,
Деди, юз ҳаждин ортиқ, эй неку кор.

21 «Рисолайи Абуллайс» ичра мазкур,
Набийдин қилди нақл ул маъдани нур:

22 «Либосида ҳаром оғишта бўлса,
Ўшал оғиштаси бир ришта бўлса.

23 Ўшал тўн бирла ўткарган намози,
Қабул эрмас» – деди ул баҳри розий.

24 Сиём ила агарчи ўтса кунлар,
Қиём ила кечурса барча тунлар.

25 Риёзат бирла ўткарсанг ба ҳар кайф,
Ариғ бўлмаса луқманг, меҳнатинг ҳайф.

26 Маноҳий рангидин ошинг бўёғлиғ,
Бу ёғлиғ ош ила ҳайф у ёғлиғ.

27 Фаройиз аъзамин қилғон киши тарк,
Муҳаббат бўйини қайдин қилур дарк.

28 Отинг чиқти ибодат аҳли халқа,
Эгурдинг ҳалқа, шубҳа солма ҳалқа.

29 Кўнулсун тан десанг, зуҳд айла пеша,
Очилсун ич, десанг, пок ич ҳамиша.

30 Агар оғзингдадур боли ваболий,
Дегил улдур ҳамим, эй марди ҳолий.

31 Агар манҳий эмас бўлса баъидинг,
Бўлур кўп ваъдалик ийдинг ваъидинг.

32 Агар қилса киши лима валима,
Гирифтор ўлмағил ранжи алима.

33 Таомеки, агар анда хатардур,
Йақин бил, лужжайи ўтдин батардур.

34 Агар бўлса ҳаром ул луқмаи шум,
Ани неъмат дема, де заҳри заққум.

35 Надур заққум, эрур таъзиби сахти,
Жаҳим аслинда буткарган дарахти.

36 Жамиъи заҳр ҳаргиз бўлмас андоғ,
Еганни қорни қайнар мис қозондоғ.

37 Ичининг бори пора-пора бўлғай,
Иложин топмағай, бечора бўлғай.

38 Илоҳи, кўнглумизни бегумон эт,
Ўшал шармандаликлардин омон эт.

53
Ҳикоят

1 Эшитгил Аҳмади Ҳанбалга бир йавм,
Деди бир бева зан: «Эй ҳодийи қавм!

2 Чироғим йўқтур асло, эй улуғ нарх,
Ўгурур эрдим ойниборида чарх.

3 Фуру кетти жаҳон айвонидин моҳ,
Халифа ўтти машъал бирла ногоҳ.

4 Ани равшанлиғида чусту чолок,
Ўгурдим бир-ики йўл чархим, эй пок.

5 Манга ул риштам, эй қутби замона,
Жавоб айғил, ҳалол ўлғайму яна?»

6 Имом айди: «Бу ғафлат оламинда,
Нечук зансан мунингдек дин ғаминда?!»

7 Заифа айди: «Эй мақбули вофий,
Манинг ҳамзодим эрди Бишр(и) Хофий».

8 Эшитти Бишр отин, кўздин тўкиб об,
Деди: «Сизга раво йўқ, эй дурри ноб!»

9 Анингдек маръанинг туфроғи, эй меҳ,
Бизингдек юз минг эрнинг қонидин беҳ.

10 Дариғо, эр отин булғаб юрибмиз,
Имома бир абас чулғаб юрибмиз.

11 Лачак ортуқ бизинг дасторимиздин,
Эранлар ор этар кирдоримиздин.

12 Ҳавас бозорида, эй майли кўп нафс,
Емак бирла қилибсан гарданинг ғафс.

13 Санга суд айламас бу жисми варминг,
Қилиб шарр минг, бирор келмасму шарминг?!

14 Бўлуб шармандалик дарёсига ғарқ,
Ёмону яхшини фарқ этмаган фарқ.

54
Сучук тиллик бўлмоқни баёни

1 Кел э обид, ўзингни айлағил хок,
Ҳарому шубҳадин ҳалқингни қил пок.

2 Очуқ қўллик, кушода юзли бўлғил,
Мурувватлик, мулойим сўзли бўлғил.

3 Бу хислатлар мувофиқ бўлса санда,
Умид улким, Худойим деса банда.

4 Мусулмон ўғлида бўлса сучук тил,
Олиб келса бўлур бир қил била фил.

5 Сучук лафзи билан мўре хирадманд,
Солур зўр аждоҳони оғзиға банд.

6 Сучук тил бўлса қайси муҳтарамға,
Солур кўкдағини зери қадамға.

7 Сучук лафзи билан беҳарбу безарб,
Бировни келтирурлар шарқдин ғарб.

8 Эранлар олмайин бир игна қўлға,
Солурлар неча гумроҳларни йўлға.

9 Сучук тилдур ажаб ганжи муаззам,
Ато қилғон билан ҳеч бўлмағай кам.

10 Дема ҳарфеки, бўлса бемаъоний,
Агар тил ҳарзалик бўлса, тил ани.

11 Калиди ганжи маъниким забондур,
Анга бир нуқта кўб бўлса зиёндур.

12 Қилур қаттиғ такаллум ўнг ишинг чап,
Сўзинг тиклаб, кўнгил бузғунча тик лаб.

13 Агар сўз жона пайдо қилмаса сўз,
Ани сўз демагил, э мажлис афрўз.

14 Агар сўрсанг улуғларнинг ишини,
Набот эт тил, на бот оғрит кишини.

15 Совуқ айғунча, эй халқи замона,
Забона хавфидин муҳр эт забона.

16 Чу Нўъмон муҳрида бул эрди мактуб:
«Қулил хойра ва илло фаскут», эй хўб.

17 Совуғ сўздин бўлур иймон қоронғу,
Зарардин ўзга йўқтур, нафъи борму?

18 Ба ҳар жойе тилингни сақла зинҳор,
Киши тилнинг ёмонидин бўлур хор.

19 Ёмон тил гоҳи сорғартур юзунгни,
Тубан бошингни, телмуртур кўзунгни.

20 Ёмон тил икки оламда зарардур,
Гаҳе исён, гаҳе хавфу хатардур.

21 Ёмон тил шумлиғики, жонға урғай,
Гаҳе жондин ўтуб, иймонға урғай.

22 Мусулмон ўғлиға яхши қилиқ қил,
Тилингни хуш, чиройингни илиқ қил.

23 Оғиздин соч, еринда дурри маъни,
Агар бўлмаса, хомуш айла яъни.

24 Агар бўлмаса санда сўзга етмак,
На давлатдур сукут этмак, эшитмак.

25 Эшит, аммо қаю сўз бўлса беҳроқ,
Қулоқингға ани ҳалқа қилиб тоқ.

26 Қулоқ, кўздин, қўлунгдин, поларингдин,
Сўрар тонгла тамом аъзоларингдин.

27 Эшитсанг нафъи йўқ сўз, эй неку зот,
Ани ҳеч гўша олмай, гўша чиқ ёт.

28 Киши санчиқ сўз айтса, сан чиқ андин,
Ёмондин қоч, ёмондин қоч, ёмондин.

55
Ҳикояти ҳазрати Луқмон

1 Насиҳат қилди фарзандиға Луқмон:
«Санга жоҳил киши баҳс этса, эй жон!

2 Жавоб айғил анга ширину юмшоғ,
Магар бўлғай жаҳолат хамридин соғ.

3 Агар нафъ этмаса, қилма иъода,
Бўлур айғон сари жаҳли зиёда.

4 Анга суд этмаса аймоғ савоби,
Сукут этмакдур андин сўнг жавоби».

56
Икки мўмин бир-бириға хайр қилмоғи

1 Кел э мўмин, ҳамиша хуш инон бўл,
Мусулмон бўлса ҳар ким меҳрибон бўл.

2 Очилғайсан ани кўрганда гулдек,
Тавозуъ айла хизматкор қулдек.

3 Сариғ ёғдек анга бўлғил мулойим,
Сучукликни асалдек айла доим.

4 Тут ул дўстингни сут устида қаймоқ,
Азиз жонингча кўргил, балки беҳроқ.

5 Худонинг буйруғидин тойса ногоҳ,
Биродарлик ўшалдур – қилсанг огоҳ.

6 Биродар жисмига жондек югурсанг,
Талаттуф бирла ул йўлдин ўгурсанг.

7 Талаттуф бирла улким бўлмаса туз
Сучуклик риштасини илгидин уз.

8 Агар чандики, қилсанг меҳрибонлиғ,
Сани яхши сўзинг билса ёмонлиғ.

9 Тилинг захми билан қилғил жароҳат,
Уёлиб шояд эткай истибоъат.

10 Агар тил захми анга қилмаса кор,
Қўлингдин келса, зарб айла ночор.

11 Буларни барчасидур меҳрибонлиғ,
Тараҳҳумдур анга эрмас ёмонлиғ.

12 Бу саъй эткон билан ҳеч бўлмаса туз,
Кўрарда ошинолиғ риштасин уз.

13 Вале ботинда шоғил бўл дуоға,
Анинг аҳволини солғил Худоға.

14 Киши ким бўлса мўминликда мавсуф,
Эрур вожиб у қулға амри маъруф.

15 Кўзи йўқ мўмине борур эди роҳ,
Назар қилдинг, ани олдидадур чоҳ.

16 Хабардор этмасанг, улдур хиёнат,
Қаю инсоф эрур, қайси диёнат?!

17 Фиғону дод ўшал бийно қулидин,
Агар қайтармаса дўзах йўлидин!

18 Киши ёпса қудуқ оғзиға чодар,
Нечук дерсан анингдекни биродар?!

19 Ва лекин амри маъруф айлаган мард,
Ўзи бўлғай амаллик соҳиби дард.

20 Агар омир эмас росих ишига,
Қачон таъсир этар ўзга кишига?

21 Агар олдингда тифле бўлса ногоҳ,
Ёнар ўтға тушарни билсанг огоҳ.

22 Узатмас бўлсанг анга дасти алтоф,
Нечук бўлғай мусулмонлиғда инсоф?!

23 Бизингдек шарми йўқ, инсофи йўқ жисм,
Бошинда мағзи маъни йўқ қуруқ исм.

24 Ишимиздур риёву ҳийла, тазвир,
Қилур айғон сўзимиз кимга таъсир?!

57
Кўзни ҳаромдин юммоқни баёни

1 Кел э мўмин, агар тарсанда бўлсанг,
Кўзингни сақлағил, ҳар қанда бўлсанг.

2 Қуйи бўлсун ҳамиша нуқтайи чашм,
Мабодо бўлмағай боло тушуб хашм.

3 Назар қилғунча бад, эй нафси маъйуб,
Тушуб кўз нуқтаси кўр бўлғони хўб.

4 Саодатдур назар бўлса қадамда,
Тажовуз айлагач, бўлса надамда.

5 Агар қон чашма бўлса чашма, эй меҳ,
Хатарлик ерга тушгандин эрур беҳ.

6 На хушдур дийдайи тарсанда бўлса,
Вагарна косасидин канда бўлса.

7 Хатардин юм кўзинг, иълону хифа,
Нечукким юмди қўрқуб Бу Ҳанифа.

8 Юраким соф эрур, деб урмағил лоф,
Аларча бўлмағайсан, келтур инсоф.

9 Қароринг қўймасанг, элтиб қароринг,
Олур шайтон зимоми ихтиёринг.

10 Бақосиз маъсиятларга бақосиз,
Нечук ўз жонингизға ўт ёқосиз?!

11 Баногоҳ тушса номаҳрамки кўзга,
Икинчи боқмағил зинҳор у юзга.

12 Икинчи чунки шаҳватдин хатардур,
«Ниҳоя»ким китоби мўътабардур.

13 Деди ким боқса номаҳрам юзига,
Қуярлар тонгла қўрғошин кўзига.

14 Битибдур «Ширъа»да ул соҳиби базл,
Кишиким қилса номаҳрам била ҳазл.

15 Анинг ҳар бир сўзига, эй хирадманд,
Бўлур дўзахда то минг йилгача банд.

16 Агар ул илтизом этса ҳарома,
Тақи ул нусхада тортилди хома.

17 Қиёмат кунки, ул додгир этарлар,
Ани шайтон била занжир этарлар.

18 Лаъин шайтонки, бўлғай душмани шах,
Анинг бирла бўлур мадхули дўзах.

19 «Хулоса»ву « Хизона», «Шарҳи Аврод»
Битибдур балки чандон нусхада ёд.

20 Жувон хотунки, номаҳрам эмишдур,
Салом этмак анга монеъ демишдур.

21 Бериб бўлмас, жавоб этса саломи,
Эрур аврат анинг савти каломи.

22 Жувон хотунки, аврат бўлса овоз,
Қабоҳатдур кишиким бўлса дамсоз.

23 Ғараз, э одамий, сақла ўзунгни,
Ки номаҳрам сари солма кўзунгни.

24 Ки номаҳрам сари боқғунча беқил,
Беҳ улким, кўзларига тортсалар мил.

25 Бу дунё мили ўтгай бир замонда,
Қиёмат милидин тутғай омонда.

26 Қиёмат кун ажаб, шиддатли кундур,
Гуноҳкор одам ўғли сарнигундур.

27 Қизар кўк, фарқи сар иссиғда чун тос,
Бўлур саргашталар парвонадек нос.

28 Тегар ўтдек оёғ остида туфроғ,
Бўлур юнгдек замин устидаги тоғ.

29 Бўлур кўп халқ ўзининг жонидин сер,
Бу ғамдин токи гўдаклар бўлур пир.

30 Ёшурмоқ бўлса қайси рўсиёҳлик,
Илик сўзлаб, оёқ бергай гувоҳлик.

31 Тамом аъзолари даъво қилурлар,
Халойиқ олдида расво қилурлар.

32 У кун даъвосини ҳеч дафъи бўлмас,
Пушаймон бўлгай, аммо нафъи бўлмас.

33 Анингдек воқеалардин бурунроғ,
Ўзунгни айла ғафлат хамридин соғ.

34 Пушаймон бўлсанг ул қилмишларингдин,
Дилу жон бирла ёнсанг ишларингдин.

35 На бўлғайким, қабул этса Худойим,
Қиёмат шиддатин қилса мулойим.

36 Қаю қулни Худойим қилса мамнун,
Бўлур йўлбошчиси Пайғамбар ул кун.

37 Бошинда соя бўлғай Арши аъзам,
Фаришталар кўнгил бергай дамо-дам.

38 Иноят номасин қўлға олурлар,
У кунни ўтганин туймай қолурлар.

39 Илоҳи, айла мухлислар билан ёд,
Бу қулни айлагил, ул Кундин озод.

58
Ҳикояти Шайх Бастом

1 Қариғон палласида Шайх Бастом,
Ўзидин соате кетти бир ахшом.

2 Ўзига келди эрса, айди аҳбоб:
«Нағу бўлдунг мунунгдек, э дурри ноб?»

3 Деди: «Болиғ бўлур ҳолатда бир роҳ,
Кўзумга бир жамила тушди ногоҳ.

4 Ёниб бори дигар солдим нигоҳим,
Чиқиб эрди эсимдин ул гуноҳим.

5 Эсимга тушди ҳоло ул назора,
Юрагим бўлди қўрқуб пора-пора».

6 Муборак оғзидин кўп томди қони,
Ўшал хавф ила охир чиқти жони.

7 Мунунгдек йиғласа андоқ неку рой,
Бизингдек рўсияҳни ҳолиға вой.

8 Ҳамиша завқимиз айшу кулушга,
Етушмас эрта қилғон тавба тушга.

9 Ўтар дунё ишин тутдик муқаддам,
Гуноҳ айниқса кўб, қўрқинчимиз кам.

10 Худовандо! Ўзунгсан Олими ғайб,
Мане мискиндадур ҳеч сони йўқ айб.

11 Гуноҳи бениҳоят бандадурман,
Бу кўб шарр манда чун шармандадурман.

12 Абас бирла қўлумдин кетти вақтим,
Амал меҳрин ёшурди абри мақтим.

13 Жаримам беадад бўлса агар чанд,
Ҳижоби мағфират ёп, эй Худованд.

14 Ювиб раҳмат билан важҳим қаросин,
Насиб эт барча неъматлар сарасин.

59
Худони неъматлариға фикр айламоқни баёни

1 Кел э озода, воқиф бўл кўнгилға,
Кўнгил йўлбошчидур қурбатли йўлға.

2 Тафаккурнинг қушин ҳеч қилма ғофил,
Палағда бўлмағай то байзаи дил.

3 Тафаккур мурғи доим бўлса дамсоз,
Умид улдурки, андин учса шоҳбоз.

4 Анингдек боз иликка айласанг қайд,
Кўнгил қушларини қилса бўлур сайд.

5 Кўнгил ҳар гоҳ салоҳиятда бўлса,
Топар банда қаю ниятда бўлса.

6 Ҳама аъзо раиятдур, кўнгул – шоҳ,
Омонлиғ бўлғуси шоҳ адлидин роҳ.

7 Агар султон ўзи қилса ёмонлиғ,
Қачон бўлғай раиятда омонлиғ.

8 Кўнгил жўш этмаса, кўз бўлмағай нам,
Чиқарму сув қуруқға тошмаса ямм.

9 Эшитгансан ани – дилдур назаргоҳ,
Назаргоҳдур кўнгил, бир бўлса ҳар гоҳ.

10 Югурса ул кўнгилким, ҳар тарафга,
Қачон лойиқ бўлур мундоғ шарафга?

11 Кўнгил дарсини дерлар, хуш сабақдур,
Тамоми маърифатдур, ганжи Ҳақдур.

12 Кўнгил дарсин савол этдим бир эрдин,
Талаттуфдин деди: «Сўрма бу ердин.

13 Била олманг бу шарбат тотмагунча,
Ўзунгни яхшиларга қотмагунча».

14 Агар Они унутса, банда оне
Тирик эрмас, агарчи бўлса жоне.

15 Кўнгил буржида ғафлат иллати пур,
Давом улдур – давом этса тазаккур.

16 Ўшал дамни «надам» дер аҳли маъни,
Оғиздин чиқса ғафлат бирла яъни.

17 Кўнгул анда ҳамиша, қўл ҳам иша,
Қачон бўлғай мунингдек яхши пеша.

60
Бандаи мўмин ишқда ҳарис бўлмоқни баёни

1 Кел э содиқ, ҳариси ишқи Ҳақ бўл,
Кўнгил ёрони бирлан ҳамсабақ бўл.

2 Агар кезсанг тариқи маърифатни,
Муяссар айласанг турлук сифатни.

3 Мақомоти ҳақиқат айладинг тай,
Кўнгилда бўлмаса жузъ хуллати Ҳай.

4 Бурунғидин зиёда дар талаб бўл,
Агар дарёлар ичсанг, хушклаб бўл.

5 Бу йўлнинг чунки ҳеч поёни йўқтур,
Агар етдим десанг, имкони йўқтур.

6 Дегил ҳар лаҳза: «Оллоҳумма зидни»
Деди Ҳақ чунки: «Фатлубни тажидни».

7 Талаб амрин эшитса, банда Рабдин,
Ўзин билган қачон қолгай талабдин?

8 Набидин йўқ кишини қурби боло,
Ани айди «ҳабибим», Ҳақ таоло.

9 Анга ҳам айди Ҳақ: «Қул Робби зидни»
Қўярму ўзгалар бу жаҳду жидни?!

10 Сучук жон шарбати, то бўлса лабда,
Керакким, бандаси бўлса талабда.

11 Белингни қуввати борда олиб бел,
Кўнгил боғин суғор, ўтмай туриб сел.

12 Етар йўл юргали, ҳолоки, ҳолинг,
Юруй кўр, бир куни кетгай мажолинг.

13 Юрурга бўлмаса вақтики дармон,
Эмакла, қолмасун то ичда армон.

14 Эмаклар қуввати ҳам кетса қўлдин,
Ўзингни судра ҳаргиз қолма йўлдин.

15 Етушмас судралурға ҳам мажолинг,
Кўзинг тик йўлға то етгунча ҳолинг.

16 Кўзунг ҳам етмаса, бўлсун кўнгилда,
Бу матлаб бирла жон чиқсун бу йўлда.

17 Агар мундоғ талабда чиқса жонинг,
Уланса боқиға бу жисму фонинг.

18 Умид улдур – Худойим деса банда,
Тилаган мақсадингни берса анда.

61
Мўмин банда доим хавфу ражода бўлмоғи

1 Кел э хоиф, ўлумни ёдин этгил,
Кетар манзилни истеъдодин этгил.

2 Лабин термай туриб марқад лабин халқ,
Қўярмусан тафаккур бобини ғалқ.

3 Йиғиб ҳийма ваҳима қилмай анда,
Ётибсан устида ғафлатли банда.

4 Ўлумни ўқи турғондур суёниб,
У ёниб ўртамай, қочғил уёниб.

5 У ёнмасдин бурун ўртансанг, эй қул,
Мабодо бўлмағай кулл ишларинг кул.

6 Бурунға боди ғам эсмай бурунроғ,
Ўзингни қил ҳавас сакронидин соғ.

7 Ёпушмасдин бурун сўнгакинга пўст,
Ўлум бирла ўзингни айлағил дўст.

8 Йақин бил, кимни кўпроқ айласанг ёд,
Бўлур дўстунг сани, эй одамизод.

9 Билур ҳар одам ўғли бўлса уйғоғ,
Ватаннинг аслисидур бизға туфроғ.

10 Яқин билғил, жаҳони пурхатарға,
Келибмиз неча кун савдо этарға.

11 Етушгач ушбу шаҳри муҳтарафга,
Торилди карвоне ҳар тарафга.

12 Ўзин билганлариким, йўлға солди,
Ҳийалсиз нақди умрин қўлға олди.

13 Уруб яхши дўконлар узра бошин,
Муяссар қилдилар тоат қумошин.

14 Қилиб савдоларини чобаку чуст,
Сафар рахтини боғлаб, қилдилар руст.

15 Қачон юк қўй деса, тайёр эрур зод,
Кирарлар йўлларига хурраму шод.

16 Ва лекин карвондин баъзи инсон,
Кўрар бул фони уйни боғи хандон.

17 Кўруб яхши ани нақшу нигорин,
Унутқайлар ўшал келган диёрин.

18 Қулоқ солғай тағаннию навоға,
Кўнгил бергай ҳавас бирла ҳавоға.

19 Ажаб маккорадур дунёйи фони,
Минг алвон жилва бирлан алдар они.

20 Ўшал маккораким, солса қўйунға,
Суюнгандин кирар шайтон ўйунға.

21 Кирар инсон ани ёлғон сўзига,
Югуртур сурмайи ғафлат кўзига.

22 Гаҳи уйғониб уйни айласа ёд,
Талаттуф бирла дер: «Эй одамизод,

23 Ошуқма, бир куни савдо қилурсан,
Бу кун гар бўлмаса, тонгла қилурсан».

24 Бу ол ила ўша маккорайи дин,
Адо қилғай жамиъи нақди умрин.

25 Адо қилғоч, бисоти умрини пок,
Берур рухсат қошидин чусту чолок.

26 Урар сили ва дер: «Кетгил бу ердин,
Дегай, безор эрурман сандек эрдин».

27 Назар қилмас фиғону ноласиға,
Урар шатта ани дунболасиға.

28 Амири корвон ул дамда етгай,
Анга асл ватаннинг ҳукмин этгай.

29 Фиғон айлар, кетарни билганим йўқ,
Кетарға тўша пайдо қилғаним йўқ.

30 Фиғон суд айламас, аммо у касга,
Қачон муҳлат қўярлар бир нафасга.

31 Қўюлмай эркиға судраб ёқадин,
Чиқорурлар жаҳони бебақодин.

32 Кейин қайтай деса, бўлмас мажоли,
Кетар асли ватанга дасти холи.

33 Будур, эй одам ўғли, ҳасби ҳолинг,
Бошингдин анча ўтган моҳу солинг.

34 Қулаққа тиқма ғафлат латтасини,
Ема шайтони малъун шаттасини.

35 Суюнма, гар сени дунё суюбдур,
«Суюбман» деб, кўзунга қум қуюбдур.

36 Кима кўрсатди бул фони вафони,
Азалдин душмани жон билгил они.

62
Умрнинг фонийлиги баёнида

1 Кел э мўмин, йақин билдинг кетарни,
Ҳисоби умри бесомон ўтарни.

2 Ўтар дунё учун бўлма гирифтор,
Ўлумса йиғмағил монанди кафтор.

3 Агар дунёга ҳирсинг бўлса фажсан,
Нажосатни йиғарға калҳамажсан.

4 Эсиз, умринг нажас йиғмоқ раҳинда,
Қолурсан бир куни охир таҳинда.

5 Ўрамчидек ҳамиша тор этарсан,
Қаноатсизлигинг изҳор этарсан.

6 Қилурсан риштаи жонинг била қайд,
Магасдек, мўрдек қилмоқ учун сайд.

7 Супурса соҳиби хона байакбор,
Ўрамчи ҳам кетар, ҳам сайду ҳам тор.

8 Қолибсан танга деб, аҳволи танга
Машаққатлар бошингда ранга-ранга.

9 Югурма жийфа кўб йиғмоққа йил-ой,
Бўлай деб бой, бисотинг бермагил бой.

10 Йақин билгил шуни, эй соҳиби ҳол,
Ҳарис эрмас зиёд этгон била мол.

11 Ҳарис улдур, агар дунёйи фони,
Йиғай деса муҳаббат бирла они.

12 Агар бўлса кишида моли саҳли,
Кўнгул берса эрур дунёнинг аҳли.

13 Бисотида бир арпа қурси бўлса,
Ани дун аҳли бил, гар ҳирси бўлса.

14 Кишининг кўнглида бу фони бўлса,
Эрур дунё эли бир дони бўлса.

15 Агар бир қулда юз харвори зардур,
Агар бўлмаса меҳри, безарардур.

16 Агар минг кўза тилло тушса кўза,
Қачон давлат билур, аҳли дил ўза.

17 Қаюдур меҳри йўқ эрнинг нишони,
Буюрғон жойиға сарф этса они.

18 Деса, меҳрим йўқ, аммо тутса маҳкам,
Эрур ёлғончи ул фарзанди одам.

19 Киши молинки, беэҳсон емасдур,
Худонинг фазлидур, дунё эмасдур.

20 Дема дунё, чироғи охиратдур,
Худойимдин нишони мағфиратдур.

21 Бизоат бўлса ҳам кам, айла инфоқ,
Узумдур барги кам раздин сучукроқ.

22 Керак аҳли карам халқ этгали жамъ,
Ўзини дамбадам кам этса чун шамъ.

23 Кишининг эътиқоди бўлса солим,
Демас, гўру кафанликдур бу молим.

24 Не ғам, иймонли қулнинг ўлганида,
Танида бўлмаса уч газ танида.

25 Саломат ўлса иймони билан кас,
Агар орий кўмулса, ори бўлмас.

26 Карамлик бандаси гар бўлса чўлда,
Ичар ер бўлмаса бир зарра қўлда.

27 Қўпуб ўлтурғали қолмай мажоли,
Ҳалокат палласиға етса ҳоли.

28 Агар кўз ёшича сув тобса анда,
Қилур ярмини сарф ўзга банда.

29 Топилса луқмае жону жигардин,
Дариғ этмас ани ёру дигардин.

30 Карамлик бандаға ёлғуз еган ош,
Бўлур хок оғзида, балки бўлур тош.

31 Шакар нўш этса ёлғуз, топмағай баҳр,
Бўлур қон оғзида, балки бўлур заҳр.

32 Қаро сув ичсалар икки биродар,
Кўрар шарбатча, балки оби Кавсар.

33 Ики ҳамдил еса, бир луқма нондин,
Сучук билгай асалдин, балки жондин.

34 Киши нондек қилур эҳсонда хўйин,
Олур танур ичинда обрўйин.

35 Қизил юзлук бўлиб чиққан замони,
Тушар халқ оғзиға эҳсони они.

36 Кулуб меҳмон қошиға чиқғил, эй қул,
Шажар мевадин олдин кўрсатур гул.

37 Агар эҳсон этар бўлсанг, эшит, ҳарф
Ани ҳам жойиға қилмоқ керак сарф.

38 Билиб бер жойиға кадди йаминни,
Зироат айлама, шўра заминни.

39 Ёмон ерга ани сарф этма бори,
Бўрини йирториға берма ёри.

63
Нафси шум баёнида

1 Кел э кас, бўлма акнун тобеи нафс,
Сўлур ахшом сабо бу гардани ғафс.

2 Ҳама тоатларинг хўбию софи,
Йақин билсанг, эрур нафсинг хилофи.

3 Қўяр кажликка доим нафси бад юз,
Қачон у туз ёнар, ёлборсанг ўттуз.

4 Эрур нафсинг димоғи турфа еллик,
Қачон эллик қилур, ёлборсанг эллик.

5 Ўзунг паст айласанг, нафсинг забардаст,
Бошинг чайнаб солур чун уштури маст.

6 Бурунға боди кибр эсмай бурундин,
Бурундуқ сол анга, қўпмай ўрундин.

7 Риёзат бандиға беркит оёғин,
Кўтарма бошидин тақво таёғин.

8 Йиқилиб қолмагудек бер емишни,
Зиёда айла кам-кам қаттиғ ишни.

9 Қўюб андозаи ҳолича юкни,
Ибодат йўлиға кўндур бу лукни.

10 Бу меҳнат бирла ул аммораи дун,
На бўлғай, мутмаинна бўлса бир кун.

11 Семиз кўб қилма бу тишлар итингни,
Қутуриб ёрмағай ногоҳ бетингни.

12 Йилонни асрадинг неча йил они,
Улуғ бўлғон сари ўсти зиёни.

13 Ўтубдур қўл била бўйнин тутардин,
Хатардур куч қилиб бошинг ютардин.

14 Етибдур қўйғоли кўксин юзунга,
Кима дерсан, ўзунг қилдинг ўзунга.

15 Дило, қўб, ҳоли ҳам тутма ўзунг суст,
Белингга боғла ҳиммат фўтасин руст.

16 Таваккул сайфини сидқ илкина ол,
Қил ични холис, андин сўнг қилич сол.

17 Таажжуб билма фазли бебаҳодин,
Халос этса мунингдек аждаҳодин.

18 Ғараз – мундоғ адувни қилма фарбеҳ,
Агар келса қўлунгдин қатъи сар, беҳ.

19 Семурса нафс агар ичмак-емакдин,
Юз онча эт олур яхши демакдин.

20 Яна юқори ўтмакдин олур баҳр,
Бу нафси жоҳила дунёйи бадқаҳр.

21 Ўтарман деб, ўтарда бўлмағил шод,
Ўтунг дейдур, ўтунг олғай бу жаллод.

22 Киши билса ризо шаҳдини завқин,
Билур бирдек мажолис таҳту фавқин.

23 Турар ўз ҳолида бисёру камда.
Юрушин бузмағай ҳеч шоду ғамда.

24 Киши кўрса Худодин жузву куллни,
Билур хайрият ул иззату зуллни.

25 Эрур ҳолоки, тавба боби мафтуҳ,
Ёмон нафсингни қилғил тобеи руҳ.

26 Агар нафсинг сани етмиш бошингдин,
На бўлғай фоида, етмиш ёшингдин.

27 Агар нафсинг муродин истамаксан,
Агар саксанга умринг етса, сак сан.

28 Азал кундин агарчи хавфи йўқсан,
Агар тўқсонга етсанг, кўнгли тўқсан.

29 Азалдин қилса кимнинг кўнглини реш,
Дегай ўн беш ёшин кўб, балки ўн беш.

64
Банда аҳдида турмоғи баёни

1 Кел э содиққи, қилдинг сидқ лофин,
Ўланча қилмағил ваъда хилофин.

2 Хилоф этган забунлардин забундур,
Бу дунёву у дунё сарнигундур.

3 Халойиқ олдида кўтаҳ забондур,
Худо даргоҳида андин ёмондур.

4 Хилоф этсанг агар айғон сўзунгдин,
Кўтар эркаклик отини ўзунгдин.

5 Додук қийғочи дасторингдин ортуқ,
Санинг йўқ бўлғонинг боринғдин ортуқ.

6 Чиқармағил оғиздан қилмас ишни,
Қилурман дема, қўлдин келмас ишни.

7 Оғиздин чиқса сўз, қайтармағил қош,
Агарчи кетса ҳам, ул сўз учун бош.

8 Керак, эрман деганни ваъдаси туз,
Агар туз бўлмаса, андин кўнгил уз.

9 Йақин билгилки, тузликдин асони,
Эранлар олдилар ўнг қўлга они.

10 Хусусан туз керак, эр эътимоди,
Бўлурми эгри ҳеч масжид имоди?

11 Сўзин бузғон киши бузмасму иймон,
У кимса бирла қилма аҳду паймон.

12 Сўзин бузғон кишини яхши эрлар,
Қусиб, қайта ани ичганча, дерлар.

13 Қаю тоййиб киши ичгай қайидин,
Тириксан, қолмағил аҳдинг пайидин.

14 Мабодо узсанг ақволинг уқудин,
Тўкулуб қолмағай йиғғон нуқудинг?!

65
Ҳикояти Исмоил алайҳиссалом

1 Халил ўғлики, Исмоилдур, эй Саъд,
Ани ёд этди Тангрим «содиқул ваъд».

2 Анинг содиқлиғин, эй одамизод,
Қилибдур бир ҳикоят қилғучи ёд.

3 Борур эрди ўшал шаҳ бир тарафга,
Йўлуқти мўмине ул бошарафга.

4 Деди: «Турсанг бу ерда, эй неку кор,
Уйимда, яъни баъзи ишларим бор.

5 Бориб келсам, қўшулсам сизга минбаъд».
«Турай» – деб ваъда қилди содиқулваъд.

6 «Келурман» – деб қошидин кетган ул кас,
Унутди ваъдасин то бўлди келмас.

7 Қилибман ваъда деб, ул соҳиби роз,
У ерда олти йил ўлтурди қиш-ёз.

8 Ўшал ваъда унутқоннинг гузори,
Етушди олти йилдин сўнгра бори.

9 Ўшал ваъда учун турғонни билди,
Уят боди билан тутдек тўкулди.

10 Оғиздин дафтари аъзорин очди,
Дурри ашкин оёғ остиға сочди.

11 Забиҳуллоҳ анга лутф этди чандон,
Эди чун ғунча гулдек, бўлди хандон.

12 Сучук тилни анга сарф этди чун бол,
Ана ваъда, ана афву, ана ҳол.

13 Кишини ваъдасиким, бўлмаса рост,
Муҳаббат аҳдин андин қилма дархост.

14 Ишонма айғониға, эй хирадманд,
Агар чандики, ул ёд этса савганд.

15 Сўзин бузғон киши, бузмасму иймон,
Ўлумса бирла қилма аҳду паймон!

16 Агар тузлук била барпо бўлурсан,
Алифдек жон ичинда жо бўлурсан.

17 Агар каж бўлса афъолинг бу дундек,
Қолурсан, балки қон остинда нундек.

18 Қилич бошинга келса, айма ёлғон,
Ўлумдиндур батар, чунки уёлғон.

19 Агар ёлғончилиқда ўтса отинг,
Қиёмат кун нечук бўлғай уётинг?

20 Нажас мурдор эмас ёлғончилиқдин,
Мусулмонлиқда шарм эт, бу қилиқдин.

21 Шариат ҳукми бирла, эй неку рой,
Гаҳе чин сўзни ҳам кўнглунга қил жой.

22 Намимани ёмон айди шаҳи дин,
Сухан чин бўлса ҳам бўлма суханчин.

66
Яхши ҳамроҳ баёнида

1 Кел э озим, агар бўлсанг сафарда,
Рафиқе тоб тариқи пур хатарда.

2 Керакдур эр кўнгуллик яхши ҳамроҳ,
Рафоқатға ярамас ҳар қаю доҳ.

3 Нечукким, мағзини жонда тутар пўст,
Муҳаббат йўлида андоғ керак дўст.

4 Ўзин қул, ёрини султони билса,
Ўзини тан, рафиқин жони билса.

5 Оёғиға агар тегса тиконе,
Қадалғанча кўзига кўрса они.

6 Совуқ ел тегса йўлдошин юзига,
Агар қўлдин келур, олса ўзига.

7 Анго келди деган тири балоға,
Қилиб жонин сипар, тутса ароға.

8 Ёмон йўлдош эрур чун мори афъи,
Зарардин ўзга йўқдур зарра нафъи.

9 Ёмон бўлмай ва лекин бўлса номард,
Қуруғ сурат эрур, қилғил кўнгил сард.

10 Ўлукдур, бўлмаса ҳар ким-да гўрда,
Тирилмасдур кўтарғон бирла мурда.

11 Эмас эрнинг нишони ришу олат,
Нишони ҳиммату ғайрату ҳолат.

67
Ҳикояти Саъиду Саъд

1 Саъиду Саъд қилди аҳди ёри,
Сафар бўлди аларнинг ихтиёри.

2 Дилу жондек эди, ул ики огоҳ,
Қазодин оқдилар дарёга ногоҳ.

3 Бирисин тутди маллоҳе, ўшал ҳол,
Деди: «Қўйғил мани, ёрим қўлин ол».

4 Муни қўйди, ани чун тутди мазбут,
Бу ҳам айди: «Мани қўйғил, ани тут».

5 Тамошо қил алардан аҳди ёри,
Ана қавли дуруст эрларни ҳоли.

68
Хавфу ражо хусусида

1 Кел э тан, бўл ҳамиша илтижода,
Давомулумр бўл, хавфу ражода.

2 Кўтарма ҳеч ражову хавфдин раъс,
Йақин бил, куфрдур, ҳам амну, ҳам йаъс.

3 Санинг олдингда пайдодур ики йўл,
Бири ўнг қўл сори борғай, бири сўл.

4 Киши билмас Қиёмат даштида, оҳ,
Кетар банда ики йўлдин қаю роҳ?

5 Агар сонсиз ато қилса Худойинг,
Биҳишти Адн эшигин сурса пойинг.

6 Қариш йўл қолса жаннат этгали тавф,
Бурунғидин зиёда айлагил хавф.

7 Наъувзу биллаҳ, ул борған йўлунгдин,
Агар қайтарса, не келгай қўлунгдин?!

8 Агар дўзах лабинда бўлса пойинг,
Умид узмаки, Ғофирдур Худойинг.

9 Ажаб эрмас, агар қайтарса андин,
Насиб этса, биҳишти жовидондин.

10 Агар устунгдаги етти табақни,
Кезиб дарс айласанг, етмиш сабақни.

11 Малоикдек агар паррандадурсан,
Яқин билгилки, охир бандадурсан.

12 Сани отингу зотингбанда бўлса,
Нечук хавф айламанг, жон танда бўлса.

13 Эрур қулнинг иши – қўрқунчу зори,
Қабул этмак Эгамнинг ихтиёри.

14 Агар афв этмаса, бечорадурсан,
Қаю йўл деса, анда борадурсан.

69
Ҳикоят

1 Муҳаммадким шаҳи дунёву диндур,
Сифоти «раҳматан лил оламин»дур.

2 Замину осмоннинг халқу хайли,
Яратилди ўшал эрнинг туфайли.

3 Ўқурда бир куни Тангри китобин,
Ўқуди анда дўзахнинг азобин.

4 Ул оят ваҳмидин кетди ўзидин,
Йиқилди ерга ул дамда юзидин.

5 Саҳоба ҳар қаю бир ҳола бўлди,
Замину осмон дар нола бўлди.

6 Замондин сўнг кўзини айлади боз,
Саҳоба айдилар: «Эй маҳрами роз,

7 Сани халқ афзали қилди Худойинг,
Муҳайё бўлди жаннат ичра жойинг.

8 Сифотинг «раҳматан лил оламин»дур,
Худодин мунча қўрқунчинг надиндур?»

9 Деди: «Гарчи расули жузву куллман,
Нечук хавф айламай, зероки қулман».

10 Агар юз минг башорат берса Борий,
Керак қулдин ўшанча хавфу зорий.

11 Кишининг исму зоти бўлса банда,
Бўлурму фориғиййат қул деганда?!

70
Худонинг раҳматидин умидвор бўлмоқ баёни

1 Кел э тан, бермагил вақтингни қўлдин,
Юри дарёйи раҳматга бу чўлдин.

2 Гуноҳим кўб эрур деб, бўлма маъюс,
Ажаб эрмас, агар афв этса Қуддус.

3 Дилу жон бирла тавба қилсанг, эй ёр,
Магар лутф айлагай, Донойи асрор.

4 Агар лутф айласа, Саттори олам,
Битар бир лаҳзада кори ду олам.

5 Абасдин эмди йиғ лаб, титра йиғлаб,
Тила жону дилингдин раҳмати Раб.

6 Ҳавони паст этар ашкинг нужуми,
Кавокибдур шаётиннинг ружуми.

7 Юрак ёғин кетар бўлсун десанг боз,
Қилур кўз ёғини ич ёғини оз.

8 На давлатдур, келиб айбингга шарминг,
Дили гарминг агар айрилса гар минг.

9 Худонинг хавфидин бир қатраи ашк,
Азозил олдида чандон бўлур рашк.

10 Саодатлик киши еб доимо ғам,
Кўзин Ҳақ хавфи бирла қилса шабнам.

11 Ғараз, узма умид, эй толиби роҳ,
Деди: «ла тақнату мин раҳматиллоҳ».

12 Ўтулмас чирки ширк, эй марди солик,
Ўтар лутф айласа, «мо дуна залик».

71
Ҳикоят

1 Эшитгил, фосиқе ёнди гунаҳдин,
Пушаймон бўлди аҳволи табаҳдин.

2 Қилур эрди ёмон нафсин маломат,
Гуноҳдин муддате эрди саломат.

3 Ёмон нафси тақозо этди ёна,
Ёмонлиқ орқасидин кетди ёна.

4 Саҳаргоҳе, уёнди ул гуноҳсоз,
Пушаймон бўлди қилғон феълидин боз.

5 Бўлуб эрди дилу жони била нарм,
Ва лекин қилди бузғон аҳдидин шарм.

6 Йўқ эрди заҳраси тавба қилурға,
Яқин етди юроки ёрилурға.

7 Нидое келди Ҳотифдин ўшал ҳол:
«Кейин боқма, ўзунгни илгари сол.

8 Ҳамиша мағфират дарёсидур жўш,
Даме обе ўшал дарёдин эт нўш.

9 Агар чандики, буздинг аҳди баста,
Неча тавба этиб, қилдинг шикаста.

10 Дилу жонинг била чун айладинг оҳ,
Эрур тавбанг санинг мақбули даргоҳ!»

11 Эшитди бул нидони марҳаматнок,
Уруб наъра, яқосин айлади чок.

12 Ўзидин ўтди ва ужбу риёдин,
Худойим қилди охир авлиёдин.

13 Тараҳҳум бандага кўбдур Худодин,
Умид узмак раво эрмас гадодин.

14 Йақин бил, гарчи ғофирдур Худованд,
Анго ҳам бўлма мағрур, эй хирадманд!

15 Ўтар деб ётмағил қонға бўёниб,
Уёниб лутфига ўлтур суёниб.

16 Агарчи лутфи кўбдур, қаҳри ҳам бор,
Бошинг гар кўкка етса, қулсан, эй ёр.

17 Сенинг олдингдадур чандон хатардин,
Нечук ғофил бўлурсан хавф этардин?!

18 Иноят қилса Ҳақ ўлган замонинг,
Узулса нури иймон бирла жонинг.

19 Жавоби қабрни берсанг чу беҳроқ,
Қиёмат куни қўбсанг, юзларинг оқ.

20 Тарозуға оғир келса савобинг,
Агар ўнг илгинга келса китобинг.

21 Жаҳаннам устидин ўтсанг саломат,
Беҳишти жовидон қилса каромат.

22 Булардин ўтмайин, эй одамизод,
Нечук фориғ юрурсан, хурраму шод?

23 Жаҳон кулгу ери эрмасдур, эй қул,
Магар бу кулл хатардин отласанг, кул!

72
Қазоға рози ва балоға сабр айламак баёни

1 Кел э банда, ўзунгни сол Худоға,
Қазоға рози бўл, сабр эт балоға.

2 Йақин бил, банда бўлса асли исминг,
Худонинг мулки бўлса жону жисминг.

3 Анингдур молу мулку, ҳар на бори,
Нечук қилса, Ўзининг ихтиёри.

4 Бўйунсунғил нечукким, қилса фармон,
Бўлурму бандада ҳужжату дармон?

5 Киши ким бўлмаса рози қазоға,
Агар сабр этмаса, келган балоға.

6 Агар шукр этмаса, Ҳақ неъматиға,
Қачон лойиқ бўлур банда отиға?

7 Худоға ҳар ишинг қилсанг ҳавола,
Бўлур жаннат бу ўлтурғон қавола.

8 Кўнгилда қолмағай дунё ғамидин,
Олурсан баҳра ҳар ўтган дамидин.

9 Қаю қулға муяссар бўлса бу ҳол,
Агар оғу ичар, билгай ани бол.

10 Худонинг ганжидин бул бўлса яхши,
Ризожў қул ани кўрмасму яхши?

73
Ҳикоят

1 Ғуломе олди Абдуллоҳи Ансор,
Деди,эй қул, отингни айла изҳор.

2 Деди,эй хожа, сен қўйсанг қаю от,
Манинг отим ўшалдур, эй неку зот.

3 Деди, эй қул, севарсан қайси хўрак?
Деди,сандин не тегса беҳдур, эй пок.

4 Деди,қайси кийим кўнглунгда марғуб?
Деди,сан қайсини берсанг ўшал хуб.

5 Деди, эй қул, надур касбингу коринг?
Деди, ҳар қайси бўлса ихтиёринг.

6 Деди, бори қилурсан қай ҳунардин?
Оқузди ашкин ул қул чашми тардин.

7 Деди, эй яхшиларнинг шаҳриёри,
Бўлурми қул деганнинг ихтиёри?!

8 Агар амр айласанг, ҳар қайси юзга,
Надур чорам, бўйунсунмоқдин ўзга.

9 Эшитди хожа ул қулнинг сўзини,
Йиқилди ерга, урди ўз-ўзини.

10 Яқосин чок этиб дер эрди анда:
«Эй Абдуллоҳки, кўрдунг феъли банда.

11 Ўзунгни сол Худоға жузу куллдин,
Тариқи бандалик ўрган бу қулдин».

74
Фақирларни ҳақир кўрмамак баёни

1 Кел э нозир, мусулмон бўлса ҳар ёр,
Назар қилма ҳақорат бирла зинҳор.

2 Фақирни билма кам дунё элидин,
Ҳадис келди Пайғамбарнинг тилидин.

3 Деди: «Алфақру фахрий» яъни ул шоҳ,
Нечук ортуқ билурсан ҳашмату жоҳ?!

4 Амалдур яхши қулларнинг камоли,
Вараъдур ҳашмату жоҳу жалоли.

5 Эмас дунёси бўлғон бирла маҳбуб,
Ҳисоби охират кам бўлғони хуб.

6 Агар беҳ бўлса бўлғон бирла моли,
Ки Қорун бўлғай эрди аҳли ҳоли.

7 Қувонди неча кун дунё уйиға,
Юборди моли бирла ер қуйиға.

8 Агар дунёси йўқдин бўлса эр хор,
Паямбарға Билол бўлмас эди ёр.

9 Муҳаммадким, набийларға эди тож,
Ато қилди Худо ул кеча меърож.

10 Мақоми Сидраға етди у банда,
Билол наълини савти келди анда.

11 Балойи фоқага сабр этган инсон,
Диёнат мулкидадур марди мардон.

12 Агар чандики, бўлсанг бебизоат,
Сулаймонсан агар қилсанг қаноат.

13 Қаноатдур кўнгилларнинг сафоси,
Қаноат барча иллатнинг давоси.

14 Қаноатким, табиби ҳар касалдур,
Қаноат аҳлиға оғу асалдур.

15 Бировнинг ҳукми етса шарқдин ғарб,
Бировнинг бошиға мўре қилур ҳарб.

16 Ажал жаллоди кўксин айлағач чок,
Қилур ҳар иккисин бирдек қаро ҳок.

17 Бировнинг нуқраву тиллоси мулмул,
Биров кўргани йўқ умрида бир пул.

18 Муни муфлис демас, тонгла ани бой,
Бўлур ҳар қайсиға зери лаҳад жой.

19 Биров ўткарди умрин айш ила фош,
Биров тотқони йўқ оғзи тўла ош.

20 Ажал жон аччиғин кўрсатгач андак,
Бўлур ҳар иккаласи кўрмагандак.

21 Бировда бўлса доим меҳнату дард,
Бировнинг кулфати бўлмаса бир гард.

22 Алар бўлса ўлумнинг мубталоси,
Бўлур ҳеч кўрмагандек ҳар иккалоси.

23 Ғараз, бу сўздин, эй фарзанди одам,
Ема ҳаргиз ўтар дунё учун ғам.

75
Хиёнатдин йироқ бўлмоқ баёни

1 Кел э комил, камол этсанг диёнат,
Кишига қилмағил ҳаргиз хиёнат.

2 Хиёнатким келур қўлдину кўздин,
Оёғдин, узви пинҳондину сўздин.

3 Муни билгай жамиъи одамизод,
Эмас ҳожатки бир-бир айласам ёд.

4 Хиёнатким, эрур пайдо кўнгилдин,
Муни англа, диёнат берма қўлдин.

5 Наким тушса кўнгулга ё кўзунга,
Раво кўрмасанг ул ишни ўзунга.

6 Раво кўрсанг мусулмонеға они,
Муни дерлар хиёнатнинг ёмони.

7 Қаю ишга ризо бўлсанг кўнгулда,
Агарчи қилмасанг, бўлдинг у йўлда.

8 Эрур исён ризоси чунки исён,
Ризойи куфрдур – куфр, эй мусулмон.

9 Мусулмон ўғлини кўрсанг кўзунгдек,
Зарарда, нафъда билсанг ўзунгдек.

10 Қаю қулни мунунгдек бўлса ҳоли,
Будур бешак мусулмонлиғ камоли.

11 Агар чандики, бўлса шубҳаи кам,
Раво кўрсанг ани ўз нафсинга ҳам.

12 Раво кўрма мусулмонеға зинҳор,
Агар кўрсанг баногоҳ, айла изҳор.

13 Хусусан, бермагил тақволик эрга,
Муғилон сепмагил, райҳонли ерга.

14 Тақийнинг кўнглидур доруссиёнат,
Сиёнатхонаға қилма хиёнат.

15 Агар топилса неъмат олдиға соч,
Вагар бўлмаса, оғзинг узр учун оч.

16 Агар минг халта берсанг, халта кўб зар,
Санго андин нечук суд, эй биродар.

17 Агар берсанг ариғдин қатраи об,
Эрур чандон савоб,эй гавҳари ноб.

18 Кишига берсаким, моли ҳароми,
Умид этса савоб, ул марди оми.

19 Бўлур кофир умид этган ул инсон,
Билиб, олиб, дуо қилғон ҳам ул он.

20 Хиёнатнинг бириким, бўлди мавсуф,
Билиб, қилмаса ҳар ким амри маъруф.

21 Вагар наҳй этмаса мункар ишини,
Хиёнатлик дегил, андоғ кишини.

22 Биров йўл билмайин юзланса чўлга,
Билиб сан солмасанг гар яхши йўлга.

23 Қаю инсоф эрур, қайси диёнат,
Эрур андоғ улуғ бухлу хиёнат.

24 Агар олдингда тифле бўлса ногоҳ,
Ёнар ўтға тушарин билсанг огоҳ.

25 Узатмас бўлсанг анга дасти алтоф,
Нечук бўлғай мусулмонлиғда инсоф?!

26 Жамиъи бандаи мўмин саросар,
Эрурмиз бир-биримизға биродар.

27 Биров чиқса тариқи охиратдин,
Ўгурса юз мақоми мағфиратдин.

28 Агар кўрсатмаса йўл кўрган инсон,
Бахиллик мундин ўтмас, эй мусулмон.

29 Сен айғон сўнгра туз бўлмаса ҳоли,
Ўзининг бўйниға бўлғай ваболи.

30 Очибдурсан биродарликни бобин,
Топибсан амри маъруфнинг савобин.

31 Агар келмаса қўлдин ё тилингдин,
Ёмон кўр ул ишин жону дилингдин.

76
Жувонмардлик нишони

1 Кел э инсон, агар бўлсанг чин эрдек,
Оғирлик пеша қил дунёда ердек.

2 Агар тепса сани ҳар қайси мавжуд,
Зиён қилма, тақи еткур анга суд.

3 Юракинг қилсалар оҳан ила чок,
Чиқар олдиға турлук неъмати пок.

4 Агарчи олама сандин тегар нафъ,
Ўзунгдин қилмағил туфроғ отин рафъ.

5 Отанг ердур, сан ҳам ердек қилиқ қил
Ёмонлиқ айлаганга яхшилиқ қил.

6 Киши тош урса боша, эй хужаста,
Кулуб боқғил юзиға, мисли писта.

7 Бу синдурмоқға дилтанг ўлма зинҳор,
Умид улдурки, хуш кўргай харидор.

8 Оёқ остида қолдим деб, дема вой,
Бўлур чин коса, кўб тепку еса лой.

9 Агар душманға дўстлуғ қилсанг изҳор,
Бошинг ёрғон кишиларни десанг ёр.

10 Ризо мулкида тамкин айлаган нос,
Жафо олмоси тегса, қаттиқ олмас.

11 Демас осиб ани, халқ урса осиб,
Ва ё меҳнат жиболи ётса босиб.

12 Жаҳолат аҳли қилмас кина таркин,
Қачон дар кин бўлур, гар бўлса дарк ин.

13 Агар рози, еса минг зарбаи йад,
Дуони ҳаргиз анго қилмағай бад.

14 Зарарга рози бўлмас ҳаргиз акмал,
Ҳидоят бирла тавфиқин тилар бал.

15 Сўлур кин гардидин ҳолат жамоли,
Кетур гардин, керак гар дин камоли.

77
Уҳуд тоғида бўлғон муҳораба

1 Уҳуд тоғида Пайғамбар тишини,
Шаҳид этди яна етмиш кишини.

2 Ажаб кун тушди мўминлар бошиға,
Умар келди Паямбарни қошиға.

3 Деди йиғлаб: «Аё султони аброр,
Дуо қилғил, қирилсун ушбу куффор!»

4 Ва лекин қилмади ул даъвати бад,
Ҳидоятга дуо қилди Муҳаммад.

5 Ўшал рўзеки, анбуҳ эрди куффор,
Абу Суфёну Холид эрди солор.

6 Ижобат бўлди Пайғамбар дуоси,
Мусулмон бўлдилар ҳар иккалоси.

7 Ул икки эр билан кўб аҳли туғён,
Уҳуд кофирлари бўлди мусулмон.

8 Чу Холид олди диннинг шаҳдидан баҳр,
Мусулмон бўлдилар илгинда минг шаҳр.

9 Ироқ ила Дамашқу, хиттайи Шом,
Абу Суфён қўлида топти Ислом.

10 Муҳаммад олди олам хулқи хушдин,
Муяссар қилмади олтун кумушдин.

11 Агар сан марди соҳиб ҳимматисан,
Расулуллоҳнинг хос умматисан.

12 Тутарсан жон ила феъли набийни,
Қилурсан ҳар маҳалда пайравини.

78
Ҳикоят

1 «Баҳоул ҳаққи вад дини тоба масвоҳ»
Овонеға йўлуқдилар баногоҳ.

2 Овон бир сўз деди, ул банда бир сўз,
Авон қўйди ёмонлиғ кўйига юз.

3 Юзиға солди қамчин марди ғолий
Қизил қон бўлди сунбулдек соқоли.

4 Ўшал қонлик соқолин олди қўлга,
Деди: «Ё Раб, муни сол яхши йўлга.

5 Ғазаб қилма анго, қилғил иноят,
Муҳимми ухравийсин қил кифоят».

6 Бу сўзни англади, ул марди бебок,
Ўзин ташлаб, яқосин айлади чок.

7 Юзини ерга суртиб, нола қилди,
Кўзининг ёшини чун жола қилди.

8 Олиб ҳиммат асосин, кирди йўлға,
Қўлин топшурди ул ҳимматли қулға.

9 Худо ул бандага қилди иноят,
Неча кун ўтмайин топти валоят.

10 Ана хулқу, ана ҳилму, ана ҳол,
Ана давлат, ана нусрату иқбол.

11 Ана ҳиммат, ана хуллат, ана кор,
Ана табъиййати султони аброр.

12 Ёмонларнинг ишидур кина тутмоқ,
Мусулмонлик – ёмонликни унутмоқ.

13 Ўзининг нафсини кам айлаган қул
Қилур қанча жафо келса таҳаммул.

14 Ҳамият бобиди ўткармагай мард,
Агар чандики, ул иш бўлса бир гард.

15 Ҳамият қайсидур билсанг батаъйин,
Назар айла китоби мужтаҳидин.

79
Эшон Сўфининг ёронларига видо қилганлари

1 Биродарларки, бизга қилдингиз аҳд.
Олурмиз деб муҳаббат жомидин шаҳд.

2 Топилмас бандада сиз истаган ҳол,
Очилмас осийдин сиз айғон ишкол.

3 Талаб қилманг, бу ноқисдин каромат,
Кушуфоту, мақомату, аломат.

4 Била олмам ниҳоний тарбиятдин,
Олиб эрдим илик нафсониятдин.

5 Пушаймонман паришон ўткан ишдин,
Баҳору тийрамоҳу ёзу қишдин.

6 Пушаймонман илик олғонларимға,
Тамаъ нониға қўл солғонларимға.

7 Боринг эмди, ёронлар, ҳар қаёна,
Юрунглар бир мукаммил эр таёна.

8 Қуруғ қўл олғонимдин дар изоман,
Азизе истангиз, сиздин ризоман.

9 Мани деб қолмангиз ўз корингиздин,
Уётлиғман сизинг рухсорингиздин.

10 Боҳалл айланг, келиб кетгонингизга,
Елиб-йугриб умид этгонингизга.

11 Кечурмас бўлсангиз ман қулдин, эй қавм,
Менинг ҳолимға мушкулдур, сабо йавм.

12 Тониб мандин, таниб авраъ кишини,
Тутунг маҳкам анинг қутлуғ ишини.

13 Керак муршид деган, монанди уммон,
Муборак ботини пур дурри маржон.

14 Жаҳолат даштидин ким келса сувсоб,
Анинг зоҳир сувидин бўлса сероб.

15 Агар бўлса киши ким толиби дур,
Чўмуб ботинға, жайбин айласа пур.

16 Деманг, топилмағай бу нашъалик кас,
Жаҳон айвони кенгдур, холи эрмас.

17 Топилғонда мунунгдек лужжаи хос,
Қани, ихлоси кўб ҳимматли ғаввос?!

18 Чўмуб олғой иликка дурри мақсуд,
Вагарна қўл солиб, қочмоқ нечук суд?

19 Агар сиз топсангиз бир яхши шаҳни,
Хабардор айлангиз ман рўсияҳни.

20 Қилай ман ҳам юзин кўнглум зиёси,
Қадам туфроғини кўз тўтиёси.

21 На бўлгай сиз биродарлар пайидин,
Манга ҳам берсалар ваҳдат майидин.

80
Эшон Сўфининг фарзандларига насиҳат қилғонлари

1 Таваллом улдур, эй фарзона фарзанд,
Нигоҳдоринг сани бўлсун Худованд.

2 Кўзумни равшани Сиддиқ Муҳаммад,
Йироқ бўлсун кўзингдин дийдаи бад.

3 Эшит, ман хастадин бир неча қавли,
Йигитликка сани еткурса Мавли.

4 Ёмон юрма, ёмон андиша қилма,
Отангдек рўсиёҳлик пеша қилма.

5 Яратғон Тангриға қилғил таваккул,
Тамаъ қилма кишидин биргина пул.

6 Тамаъ бир парча бўлса қилмағил рой,
Бўлур бир парда юздин парда бежой.

7 Юзунгдин парда кам-кам тушмасун паст,
Ҳаёдин орий юзнинг ори бўлмас.

8 Тамаъ бирла семургон нафси ғаммоз,
Агар оғзин тилар бўлсанг, тилар боз.

9 Ниқоби шарм очилмасдин бурунроғ,
Ани берк айла, ҳар ёқдин тақиб боғ.

10 Қаноат қил, маломат мулки бўлма,
Отангдек халқу элга кулки бўлма.

11 Паямбарлар фиъолидур қаноат,
Анга вобастадур мажмуи тоат.

12 Белингни боғла маҳкам бандаликка,
Отангдек қўйма юз шармандаликка.

13 Шарорат аҳлининг пайванди бўлма,
Ҳаво бирла ҳаваснинг банди бўлма.

14 Кичикликдин ибодатга бўйун қўй,
Қиёматнинг ўйун қилсанг, ўйун қўй.

15 Ажаб хушдур, кичикликдин бўлуб соғ,
Бу кулмоғни қўйуб, ғамдин букулмоғ.

16 Шабобе тўкса кўздин ҳар шаб оби
Ани айнин дегил, раҳмат саҳоби.

17 Риё гардини юқтурма этакка,
Отангдек бўлма тобеъ нафси сакка.

18 Тавозуъдин кўтарма юқори бош,
Такаббур қилмағил чун тухми хашхош.

19 Такаббур хотирингға келса филҳол,
Азозил қиссасини ёдинга ол.

20 Кўнгилнинг манзилин қил гўшаи фақр,
Қиёмат зоди қилғил тўшаи фақр.

21 Жаҳоннинг ҳирсидин қилғил ўзинг дур,
Отангдек бўлмағил дунёга мағрур.

22 Умид этгон кўзумнинг нури болам,
Отангдек бўлмағил расвои олам.

23 Агар чандики, бўлсанг қўл-қанотлиғ,
Худо даргоҳида бўл мискин отлиғ.

24 Уруғлиғман дема, тонгла ўруғ бор,
Ҳисобу, номаву, вазну, сўруғ бор.

25 Ўзингни айла кўб, бўлғон сари хуб,
Неча «ман кўб» деганлар, бўлди манкуб.

26 Бўлуб хешу таборинг бирла мағрур,
Дема «ман зўр» агар дин бўлса манзур.

27 Бу дунёдин агар ўтсанг қуруғ лаб,
Кўнгилга солма ҳаргиз ёди мансаб.

28 Ўтар дунёда ҳар ким бўлса динлик,
Бўлур мансабдин ортуқ хўшачинлик.

29 Ажаб офат эрур жоҳи зарофат,
Шар офатни била кўрма шарофат.

30 Билиб дунё мақомин ғайри маъмур,
Бўлур зийрак «вазирак» отидин дур.

31 Кўтарсанг бошға ар туғ, бўлма ортуғ,
Бўлур маълум сабо урса малак буғ.

32 Худодин ҳар не келса, айлағил сабр,
Отангдек қилмағил, ўз нафсинга жабр.

33 Худонинг амриға қилғил итоат,
Зиёд эт тоатинг соат-басоат.

34 Муҳаббат фўтасини боғла белга,
Отангдек умринги ўткарма елга.

35 Ҳавас дунёда қилма муҳтарамлик,
Вале бўл ҳолинга лойиқ карамлик.

36 Агар уч кунда топсанг парчаи нон,
Ема ёлғуз ани, ярмин қил эҳсон.

37 Агар бир йилда пайдо бўлса бир пул,
Емас ёлғуз Худони истаган қул.

38 Кетарни билса ҳар ким жойи танга,
Емас танга ғамин бу нафси ланга.

39 Жаҳон меҳрин кўнгилдин айла зойил,
Отангдек бўлмағил дунёға мойил.

40 Ишингни айлағил кун-кундин ақво,
Худони суйганидур аҳли тақво.

41 Агар тақво ишин қилсанг боихлос,
Дегай, шояд, сани Ҳақ «бандаи хос».

42 Агар бўлсун десанг, жону дилинг жамъ,
Вараъ ойин бўлуб, илм ойин эт шамъ.

43 Агар илму амал бир бўлса ранги,
Ҳар ойина кетар ойина занги.

44 Агар топсанг Худо даргоҳида қурб,
Муҳаббат косасидин берсалар шурб.

45 Саҳарлар қўб, кўтар дасти дуони,
Тила мунглуғ ато бирла анони.

81
Хотиматул китоб

1 Кел Оллоёр, сўз кўтоҳ қилғил,
Белингни боғла, азми роҳ қилғил.

2 Қаро сангдур санинг аслинг қарасанг,
Берибдурсан риё қони била ранг.

3 Ўлум тўфони бу сирни қилиб фош,
Агар ич бўлмаса, суд айламас тош.

4 Қариб жисминг қарийб бўлдинг ҳавасга,
Нечук шармандалик сан тусли касга?

5 Оқарди соч, надомат ашкини соч,
Яқонг ушла, даҳани маъзират оч!

6 Ёлинг оқи асар қилмади ҳоло,
Уёла юр, боқиб ҳар дам уёла.

7 Ҳаво бирлан тузук иш қилмадинг ҳеч,
Бўлубдур кеч, ҳавас бозоридин кеч.

8 Санго айди ўшал пири кўҳансол:
«Агар қол аҳлида топилмаса ҳол.

9 Амал кам айлағай ўз қоли бирлан,
Қолур иззату ҳурмат оли бирлан.

10 Бўлур ортуқ ҳавас бирлан ҳавоси,
Эрур ҳол ушбу иллатнинг давоси».

11 Қалам қилдинг, қаро кўнглунгни қил оқ,
Ўшал эрнинг сўзин ҳалқа қилиб тоқ.

12 Ўзунг қилмай кўнгил бозорини тай,
Кишига сўзламак, то чанду токай.

13Агар бўлса кўнгулнинг ихтиёри,
На бўлғай, қолса мандин ёдгоре.

14Битибсан форсий тилда китобе,
Тамом анда масойилнинг жавобе.

15 Ҳама фатвову тақвонинг баёни,
Ўн икки мингдан ортуқ байти они.

16 Дединг шайи қалили туркий тилдин,
Кеч эмди, албатта, бу қолу қилдин.

17 Агарчи яхши сўз қанду шакардур,
Хатосидин вале хавфу хатардур.

18 Хатоси бўлмағай айғон сўзунгни,
Тазарру ҳокиға сурғил юзунгни.

19 Худоға зори қилғил, эртаву шом,
Ишингни пухта қилғил, қолмағай хом.

20 Ҳижоби мағфират ёпгай хатоға,
Сазовор айлағай турлук атоға.

82
Муножот

1 Холиқо, қоилман ўз нуқсонима,
Кўб жафо қилдим ўзимнинг жонима.
Зоти покингдан иноят бўлмаса,
Ҳеч ишончим йўқ амал қилғонима.

2 Холиқо, қилдим фиоли гандани,
Қилмағил расво мане шармандани.
Сан агар раҳмат ниқобин ёпмасанг,
Айби кўб, нуқсони кўбтур бандани.

3 Холиқо, тўкдум ибодат тосини,
Сан тузарсан банданинг кам-косини.
Қулларинг булғанса исён лойиға,
Оқузарсан мағфират дарёсини.

4 Холиқо, қилдим гуноҳи беҳисоб,
Тонгла сан сўрсанг, не бергайман жавоб?
Ман очарман журму исён чеҳрасин,
Сан ёпарсан афву раҳматдин ҳижоб.

5 Холиқо, қилдим гуноҳи беадад,
Жон берур ҳолатда Сан бергил мадад.
Нафси шайтон илгидин қутқармасанг,
Бўлди мушкил ҳолимизға, ё Аҳад.

6 Холиқо, ё аввало, ё охиро,
Нафси шайтон жонима бўлди бало.
Гарчи Оллоёр ўтарчидур ёмон,
Қўймағил душман қўлунда мубтало.

7 Холиқо, по ишларим бош айлагил,
Хирмони раҳмат манга чош айлагил.
Мунда тавфиқим - чироғим қўлга бер,
Анда иймонимни йўлдош айлагил.

8 Холиқо, афв айла ўтган ёшима,
Яхши қулларни ато қил қошима.
Гўр ичинда келса ики сўрғучи,
Анда сан раҳм айла ёлғуз бошима.

9 Холиқо, ҳайф ўтди моҳу солимиз,
Бўлмади нофеъ ийолу молимиз.
Сан ҳисобимизни осон этмасанг,
Рўзи маҳшарда не кечгай ҳолимиз?!

10 Холиқо, кўнглумда дунёву дуни,
Ман эрурман бандаларнинг озғуни.
Гарчи банданг мунда бўлса рўсияҳ,
Юзларин оқ айлагил Маҳшар куни.

11 Холиқо, ёрлиқо халқи омани,
Ўртада мандек маосий хомани.
Ҳашрда ҳар кимга келса бир битик,
Анда бергил, ўнг қўлумға номани.

12 Холиқо, тутдум фароғат хобини,
Истадим доим жаҳон асбобини.
Гарчи Оллоёр эрур ғарқи гуноҳ,
Оч анга ўлганда раҳмат бобини.

13 Холиқо, кам айладим кўйи амал,
Яхшилардек юрмадим сўйи амал.

Сан карам бирла Қиёмат даштида,
Айлагил оғир тарозуйи амал.

14 Холиқо, дийдамга ашки зори бер,
Кўнглума доим муҳаббат ёри бер.
Оби Кавсардин мани сероб этиб,
Ҳам манга кўфрук ўтарда ёри бер.

15 Холиқо, лутф айла жаннатун наъим,
Қилмағил ҳаргиз гирифтори жаҳим.
Ман гуноҳлик қул эрурман, Сан ғофур,
Ман хатолик бандадурман, Сан карим.

16 Холиқо, туз айлагайсан роҳимиз,
Мустажоб этгил дуову оҳимиз.
Тонгла ҳайрон бўлса халқ ўз ҳолиға,
Мустафони қил шафоатхоҳимиз.

17 Холиқо, лутф эт гадойи зоринга,
Бандадурман розиман ҳар коринга.
Мағфират дарёсиға ғарқоб этиб,
Кўзларим шойиста қил дийдоринга.

18 Холиқо, умр айладим фоний билан,
Эмди банданг зор айлар жони билан.
Гарчи Оллоёр эрур зору забун,
Жонни ол нури иймони билан.

Иккинчи бўлим

ТАДҚИҚОТНИНГ ҚИЁСИЙ-ТАСНИФИЙ НАТИЖАЛАРИ

Илмий аппаратнинг иккинчи бўлими тадқиқот натижаларининг яхлит кўринишини акс эттириши жиҳатидан муҳимдир. Саккизта қиёсий-таснифий жадвал Сўфи Оллоёр ижодий мероси, хусусан, «Саботул ожизин»нинг илмий-адабий манба сифатидаги қийматини белгилашга асос бўлса, чизма ва диаграммалар илмий-танқидий матннинг юзага келиш жараёни билан боғлиқ ҳолатларни ифодалайди.

1-жадвалда А1057, С2, ҲТ – асос, А1074, ИО – фаол, С1 – ёрдамчи нусхалардаги фарқлар ўзаро қиёсланди, тафовутлар илмий-танқидий матн (ИТМ)га нисбатан акс эттирилди.

№	Бўлим ва байт рақами	A1057	C2	ҲТ
1	2	3	4	5
1	1-4	–	фасл	фаслда
2	1-5	–	ажаб	ажаб
3	1-16	–	ўгурди	эгурди
4	1-18	–	кўфрук	кўпрук
5	1-20	–	пўчоқина	пўчоғина
6	1-24	–	остида қолса	остиға тушса
7	2-3	–	келди	кийди
8	2-7	–	босғон	босғон
9	3-12	ёғмур	ёғмур	ёмғур
10	4-3	югурмоғ қил	югурмак қил	эгилмоқ қил
11	4-7	ўгранурдин	ўрганурдин	ўрганурдин
12	5-1	раво йўқдур	раво эрмас	раво эрмас
13	7-21	бу тундин	бу тундин	тутундин
14	8-3	тиши	–	нисо
15	10-4	босафоға	босахоға	босафоға
16	10-7	тегурса	кўрсатса	кўрсатса
17	12-1	имоме	имом	имомат
18	12-7	фожирга	фожирға	фожирга
19	13-13	қўйманг	қўйманг	берманг
20	13-16	–	изини	идини
21	14-5	сайлон эди	сайлон эди	сайлон этиб
22	14-13	ёруғдур	ёруғдур	ёруса
23	14-14	карамнинг	қадамнинг	қадамнинг
24	17-14	лутф айла	лутф қил	лутф қил
25	18-5	–	удур қодир	эрур қодир
26	20-9	–	баъзиси андин	баъзи мусулмон
27	21-4	ўткар у ердин	қил хатарлардин	қил хатарлардин
28	24-9	нури	шамъи	нури
29	25-14	енгилдим	йонгилдим	енгилдим

1-жадвал

нусхалардаги тавофутлар

№	**А1074**	**ИО**	**С1**	ИТМ
6	7	8	9	10
1	фасла	фасла	фасла	фасла
2	кўрунг	ажаб	ажаб	ажаб
3	эгурди	эгурди	эгурди	эгурди
4	кўпрук	кўпрук	кўфрук	кўпрук
5	пўчоғина	пўчоқина	пўчоғина	пўчоғина
6	остиға солса	остина тушса	остиға тушса	остиға тушса
7	–	кийди	кийди	кийди
8	босган	босқон	босқон	босқон
9	ёғмур	ёғмур	ёғмур	ёғмур
10	югурмак қил	эгилмак қил	югурмак қил	югурмоғ қил
11	ўгранурдин	ўгранурдин	ўрганурдин	ўгранурдин
12	раво йўқдур	раво йўқдур	раво йўқдур	раво йўқдур
13	–	дутундин	бу тундин	тутундин
14	тиши	тиши	тиши	тиши
15	босафоға	босахоға	босахоға	босафоға
16	кўрсатса	кўрсатса	кўрсатса	кўрсатса
17	имоме	имоме	имом	имоме
18	фожирға	фожирға	фожирға	фожирға
19	қўйманг	берманг	қўйманг	қўйманг
20	изини	изини	идини	идини
21	сайлон эди	сайлон эди	сайлон айлади	сайлон эди
22	ёруғдур	ёруса	ёруғдур	ёруғдур
23	қадамнинг	карамнинг	карамнинг	карамнинг
24	лутф айла	лутф қил	лутф қил	лутф қил
25	удур қодир	удур ҳоким	удур қодир	удур қодир
26	баъзиси андин	баъзиси андин	баъзиси андин	баъзиси андин
27	қил хатарлардин	қил хатарлардин	қил хатарлардин	қил хатарлардин
28	шамъи	шамъи	шамъи	нури
29	янгилдим	янгилдим	йонгилдим	йонгилдим

1	2	3	4	5
30	26-57	ёқони ол	ёқони тут	ёқони тут
31	26-59	тониб	ёниб	ёниб
32	27-25	қочқон	мискин	қочғон
33	28-25	керак бурно-ғидин	керак бурноғидин	бурунғидин зиёда
34	28-34	пинҳон	пинҳон	жуду
35	28-46	соғалтур	соғалтур	соғайтур
36	30-12	анинг	эгам	эгам
37	30-24	келса	тегса	келса
38	32-20	йиқилғил	эгилгил	эгилгил
39	34-4	мазийёт	мазийёт	базийёт
40	35-6	уфтунуб	уфтонур	ўп туруб
41	35-16	хосийятли	хисиййатлик	хислатлик
42	35-27	кўрдук	кўрдук	кўрдинг
43	37-11	олой	ола	ола
44	37-14	эгмагай... сарни	аймағай... сирни	аймагай... сирни
45	38-2	марди огоҳ	кўнгли огоҳ	кўнгли огоҳ
46	39-21	шаноъат	қабоҳат	шаноъат
47	41-24	тўнгуз	тўнгуз	тўнғуз
48	41-32	тақи	вале	тақи
49	41-34	тушубдур	тушубдур	қолибдур
50	41-43	қилур	қилур	эрур
51	42-9	жанг қилмоқ	жанги қалмоқ	қалъа олмоқ
52	42-18	тепса	тепса	тилса
53	42-21	қўпса хишти	бўлса зишти	бўлса хишти
54	42-22	илика	иликка	илинга
55	42-27	зиёндин	зиёндин	ёмондин
ларни, ҳижратдан сўнг муҳожирлар билан ансорларни қиёматлик дўст бўлишга чақирар экан, ҳар икки сафар ҳам Алийга: «Сен дунё ва охиратда менинг биродаримсан»-деганлар. Жаннатга башорат қилинган ўнта саҳобадан бири, Расулуллоҳдан кейинги тўртта халифа (чорёрлар) нинг тўртинчиси Алий розийаллоҳу анҳунинг илми ҳақида Масруқ айтади: «Саҳобаларнинг илми Алий ва Ибн Масъудга бориб тақалади». Алий ибн Абу Толибнинг дунёни дўст тутмагани ҳақида ҳам ривоятлар кўп. Ибн Аббосдан ривоят қилинади: «Оллоҳ таолонинг: «Мол-дунёларини кечаю кундуз, яширин ва ошкора эҳсон қиладиган зотлар учун Парвардигорларининг ҳузурида улуғ ажр бор» (Бақара сураси, 274) ояти Алий ибн Абу Толиб ҳақида нозил бўлди. Унда тўрт дирҳам бор эди. Бир дирҳамни кечаси, яна бирини кундузи, биттасини яширин, қолган биттасини ошкора инфоқ қилди». Мана бу дунёга нисбатан Алий розийаллоҳу анҳунинг сўзлари: «Дунё гўё бир ўлимтик. Кимки ундан бирор нарсани қўлга киритишни хоҳласа, итларга аралашиб юришга сабр қилаверсин». Алий ибн Абу Толиб 63 ёшида вафот этган (тўрт йилу тўққиз ой халифалик қилган). 1-36, 35-20

Аҳмад Ҳанбал – Аҳмад ибн Ҳанбал ибн Ҳилол ибн асад Зуҳалий. Кунияси – Абу Абдуллоҳ. Ҳижрий 164 \781 йил таваллуд топган. Аҳли сунна вал жамоа имомларидан бўлиб, ҳанбалия мазҳаби пешвосидир. Аҳмад ибн Ҳанбал Маъмун шунингдек, Маъмуннинг укаси Мўътасим халифалик қилган даврда мўътазила фирқаси тарафдорлари томонидан чиқарилган «Қуръон махлуқ» яъни, Оллоҳнинг каломи ҳам одамларнинг каломига ўхшаш» деган даъволарини инкор қилди. У бу йўлдаги оғир азоб ва қийноқларга охиригача мардонавор қарши туриб, мусулмонларнинг катта фитнадан қутулиб қолишларига сабабчи бўлган зотдир. 11-14, 53-1

Баҳоуддин – Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд. Ҳижрий 718 \1318 санада Бухородаги Ҳиндувон қишлоғи-

да туғилган. Сўнгра бу қишлоқ хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд шарафига «Қасри орифон» деб номланган. Ривоятларда зикр этилишича, ўша пайтдаги хожагон тариқати пешволаридан Муҳаммад Бобо Саммосий ўз халифаси Амир Кулолга ғўдак Баҳоуддининг тарбиясини топширган. Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд Амир Кулолга қўл берган бқлсалар ҳам манбаларда у кишининг ҳақиқий шайхлари илгари ўтиб кетган Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний раҳматуллоҳи алайҳ экани таъкидланган. Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд ҳижрий 791 \1389 санада 73 ёшларида дунёдан ўтган. 78-1

Бишр Хофий – Бишр ал-Ҳорис ал-Хофий. Кунияси – Абу Наср. Ҳижрий 152 \759 Марвда туғилган. Кейинроқ Боғдодда истиқомат қилган. Бишр Хофий тақвода тенгсиз, ҳаким зотлардан эди. У замонасининг кўзга кўринган шайхларидан Фузайл ибн Иёз билан дўст тутинган. Бишр ал-Ҳориснинг «Хофий»(ялангоёқ) деб лақаб олишининг сабаби шуки, у бир куни этикчининг олдига борди. Ундан ипи узилиб кетган наъли(ипли шиппаги) учун боғич сўради. Этикчи бироз оғриниб: «Намунча, одамларга ишларингни юкламасанглар!»- деб юборди. Шунда Бишр ал-Ҳорис қўлига ушлаб турган шиппагини ва унинг нариги пойини ҳам ечиб, улоқтирди. Шундан сўнг у қайта оёғига шиппак киймади, доимо оёқ яланг юрди. Бишр ал-Хофийнинг сўзларидан:«Кимки дунёда азиз, охиратда саломат бўлишни хоҳласа, гапирмасин, гувоҳликка ўтмасин, бирор қавмга имом бўлмасин, бировнинг таомини емасин». Бишр ал-Хофий 227 \842 йили, 75 ёшида дунёдан ўтган. 53-7, 53-8

Боязид Бастомий – Абу Йазид Тойфур ибн Ийсо ал-Бистомий. Хуросоннинг йирик муршиди комилларидан. 188 \804 йил таваллуд топган. Абу Туроб дейди: «Фақир кишини қандай сифатлаган бўлардингиз? - днб Абу Йазиддан сўрадим». «Фақир киши ҳеч нарсага эга эмас ва ҳеч нарса унга эгалик ҳам қилолмайди»-деб жавоб

берди Абу Йазид. Абу Йазид Бистомий ҳижрий 261 \875 йил, 73 ёшида дунёдан кўз юмган. 58-1

Бу Лаҳаб – Абу лаҳаб, асли исми – Абдулуззо. Гарчи ўзи Пайғамбар алайҳиссаломга амаки бўлса ҳам у зотга ҳаддан ортиқ азиятлар етказган. Шунинг учун «Абу Лаҳаб» яъни, «дўзах ўтининг отаси» деган лақабни олган. Бу ашаддий кофир ва унинг куфрда эридан қолишмайдиган хотини Умми Жамил ҳақида Қуръонда махсус сура нозил бўлган. Абу Лаҳабнинг хотини доимо кишиларни Пайғамбар алайҳиссаломга қарши гиж-гижлаб, уларнинг ўртасида адоват ўтини ёқиб юргани сабабли Қуръон уни «ўтин орқалаган» деб сифатлади ва дўзахга ҳам эри билан бирга худди ўша ҳолида кириши ҳақида хабар берди. 1-36

Бу Толиб – Абу Толиб. Пайғамбар алайҳиссаломнинг амакилари. Маълумки, Абу Толиб Муҳаммад алайҳиссаломни болалик чоғларидан бошлаб, ўз оталиғига олиб, то умрининг охиригача ҳам у зотга ҳомийлик қилган бўлсада, ўзи Исломга кирмаган эди. Абу Толиб Пайғамбаримизни ўз ўғлидек яхши кўрар ва у зотни мудом бошқа мушрикларнинг хуружларидан ҳимоя қиларди. Шунинг учун ҳам Абу Толибга ўлим соати яқинлашганида Пайғамбар алайҳиссалом унинг кофир ҳолда ўлиб кетишини истамай: »Эй амаки, «ла илаҳа иллаллоҳ» денг, мен Қиёмат кунида сизни мўмин ҳолда вафот қилган деб гувоҳлик берай» деганларида, у: «Мен сенинг йўлинг ҳақ эканини биламан, аммо одамлар: «Абу Толиб ўлимдан қўрқиб иймон келтирди» дейишларини хоҳламайман» - деб жавоб берган экан. Шунда ўзининг суюкли амакиси дунёдан беиймон кўз юмаётганидан беҳад ғам-ғуссага тўлган Пайғамбарига Ҳақ таоло Қасас сурасининг 56-оятини нозил қилган. 1-36, 35-20

Бу Убайда – Абу Убайда ибн Жарроҳ. «Ашараи мубашшара» яъни, жаннатга кириши Пайғамбар алайҳиссалом томонидан башорат берилган ўнта кишидан бири. Оллоҳнинг пайғамбари уни «аминул умма» – «умматнинг

энг ишончли кишиси» деб сифатлаган. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг яқин дўстларидан бири Ибн Масъуд шундай дейди: «Расулуллоҳ асҳобидан учтаси энг яқин дўстимдир: Абу Бакр, Умар ва Абу Убайда». Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қилади: «Умар розийаллоҳу анҳу Шомга борганида Абу Убайдага: «Бизни уйингга таклиф этмайсанми?»- деди. «Уйимда нима қиласиз, борсангиз мендан кўнглингиз қолади»-деди Абу Убайда. Халифа Умарул Форуқ уйга кирар экан, ҳайрон бўлди, уйда айтарлик ҳеч вақо йўқ эди: «Матоларинг қани, мана бу йиртиқ пўстак, сопол коса ва эски мешдан бошқа ҳеч нарсани кўрмаяпман? Сен ахир амирсан-ку, уйингда егулик йўқми?!» Абу Убайда ўрнидан туриб, тери қопланган саватга қўлини тиқиб, бир сиқим майда нон синиқларини олди. Умар бу ҳолатдан даҳшатга тушиб, ўзини тутиб туролмади, йиғлади… «Айтдим-ку Сизга мендан кўнглингиз қолади, деб. Энг гўзал истироҳатгоҳ – жаннатга етказадиган миқдордаги мол бизга кифоя»-деди Абу Убайда. Шунда Умар: «Сендан бошқа барчамизни бу дунё ўзгартириб бўлган экан-ку, эй Абу Убайда!»-деди. Абу Убайда ҳижрий 17 \638йил, 58 ёшида вафот этди. 11-5

Бу Ҳанифа – Абу Ҳанифа**,** асл исмлари **–** Нўъмон ибн Собит. «Абу Ҳанифа» у кишининг куниялари, «Имоми Аъзам» эса улуғликларининг эътирофи ўлароқ берилган унвондир. Абу Ҳанифа бутун ислом оламида кенг тарқалган, фиққий мазҳаблар ичида эргашувчилари энг кўп бўлган ҳанафий мазҳабининг асосчисидир. Абу Ҳанифа 80 \700 ҳижрий санада, Абдумалик ибн Марвон халифалиги даврида Куфа шаҳрида туғилган ва имом Шофеъий таваллуд топган санада ҳижрий 150 \767 йил вафот этган.9-7,54-16,57-7

Зубайр – Зубайр ибн Аввом, жаннат башоратини олган саҳобалардан. Расулуллоҳнинг аммаси – Сафиййа бинти Абдулмуттолибнинг ўғли. Умарул Форуқ тайин этган олтита «аҳли шўро»нинг бири. «Ҳар бир пайғамбарнинг ёрдамчилари бўлади. Менинг ёрдамчим Зубайрдир»- деганлар

Пайғамбар алайҳиссалом. Зубайр ибн Аввом ҳижрий 36 \657 йилда, 64 ёшида ўлдирилган. 11-5

Луқмон – Луқмон ибн Анқо ибн Марбид. Довуд алайҳиссалом замонларида Мадян ва Айла шаҳрида яшаган. Қуръони карим сураларидан бирида Луқмони ҳаким тўғрисидаги хабар ва унинг ўз фарзандига қилган ўгитлари зикр этилган ва бу сура «Луқмон» деб номланган. Нақл қилишларича, Луқмони ҳаким минг йил умр кўрган бўлиб, Оллоҳ таоло у зотга нарса ва воқеа-ҳодисанинг моҳиятига бехато етиш ва энг тўғри ҳукмни чиқара олиш неъматини – ҳикматини ато этган экан. Шу боисдан ҳам у кишидан инсон шуурининг қоронғу йўлакларини ёритиб юборадиган минглаб ибратли ҳикматлар мерос бўлиб қолган *(Луқмон сурасининг изоҳли таржимасига қаралсин. Изоҳлар муаллифи Шайх Алоуддин Мансур)* 55-0, 55-1

Марям – Марям бинти Имрон. Қуръони каримда бу аёл «бутун олам аёлларидан афзал»деб, ҳадисларда эса «олам аёлларининг саййиди», «жаннат аҳли аёлларининг яхшиси» деб сифатланган. Оли-Имрон сурасида келтирилган қиссага кўра, Имроннинг хотини Парвардигорига илтижо қилиб, қорнидаги ҳомилани назр этганини ва бу назрини Оллоҳ ўз даргоҳида қабул айлашини сўрайди. Дунёга келган чақалоққа «Марям» деб исм қўяди ва бу қизга, унинг зурриётига шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ беришини тилайди. Марямнинг онаси қизини ибодатхонага олиб бориб бергач, уни тарбиялаш иши ўша ибодатхона роҳибларидан бири бўлган Закариё пайғамбарнинг чекига тушади. У қачон Марямнинг хонасига кирса, у ерда қишда ёз мева-чевалари, ёзда қишда бўладиган ноз-неъматларни кўради. Закариё: «Эй Марям, бу нарсалар сенга қаёқдан келди?» – деб сўраганида Марям жавоб қилди: «Булар Оллоҳ ҳузуридандир. Албатта Оллоҳ Ўзи истаган кишиларга беҳисоб ризқ берур»(Оли Имрон сураси, 37-оят). 1-31

Нўъмон – Абу Ҳанифа (юқоридаги «Бу Ҳанифа» изоҳига қаралсин).

Оиша – Оиша бинти Абу Бакр Сиддиқ. Пайғамбар алайҳиссаломнинг завжалари. Ҳижратдан саккиз йил олдин Маккада таваллуд топганлар. Ҳижратнинг иккинчи йили Пайғамбар алайҳиссалом Оиша розийоллоҳу анҳони никоҳларига олганлар. Оиша онамиз Қуръон, ҳадис ва фиқҳ илмида етук олим бўлганлар. Урва ибн Зубайр Оиша розийаллоҳу анҳо ҳақида: «Қуръонни, фаройизни, ҳалол ва ҳаромни, шеъриятни, араб луғатини ва насаб шажараларини Оиша розийоллоҳу анҳодек биладиган бирорта кишини кўрмадим». 14-3

Оллоёр – XVII-XVIII аср туркий илмий-маърифий адабиётининг йирик вакили Сўфи Оллоёр 1663 йили Каттақўрғондаги Ўтарчи қишлоғида Оллоқули хонадонида туғилган. «Туҳфатул аҳбоб» муаллифи маълумотларига кўра, Сўфи Оллоёр 1696 йиллардан кейин Ҳожи Муҳаммад Ҳабибуллоҳ ва Халифа Наврўз Кеший хизматига келиб, мужаддидийа-нақшбандийа сулуки таълимотини ўрганишга киришган. У Халифа Наврўз кўрсатмасига биноан, Кеш мадрасаларидан бирида ҳам таълим олган. Илмий-адабий мероси «Маслакул муттақин» «Махзанул мутеъин», «Муродул орифин», «Саботул ожизин» каби асарларни ўз ичига олади. Умрининг охирги дамларини Вахшивор қишлоғида кечириб, 1724 йили шу қишлоқда оламдан ўтган. (Бу ҳақда қаранг: «Сўфи Оллоёр таржимаи ҳоли манбалари», 1-БОБ, 1-фасл) 25-18, 26-1, 81-1, 82-6, 82-12

Робиъа – Робиаътул Адавиййа. Исмоил Басрийнинг қизи. Уни «Уммул хайр» («яхшиликлар онаси») ҳам дейишади. Илм ва тақвода намуна бўладиган, ўз даврининг кўзга кўринган, фазли зиёда, солиҳа, мастура аёллардан. Ҳижрий 135 \753 йилда вафот этган. 33-1, 33-4

Савбон – Савбон ибн Баждад. Кунияси – Абу Абдуллоҳ. Пайғамбар алайҳиссалом Савбонни Саъд қабиласи билан кетаётган карвондагилардан сотиб олиб, озод қилганлар ва: «Хоҳласанг ўз аҳлингни топиб, уларга қўшил, хоҳласанг, биз билан қол, аҳлимиздан бўласан. Савбон Пайғамбар алайҳиссаломга дўстлигини исбот қилиб, қачон сафар бўлса, доио у зотга ҳамроҳлик қилди. Пайғамбар алайҳиссалом вафотларидан сўнг Савбон Шом, Миср, Химсда яшади. Савбон Пайғамбар алайҳиссаломдан қуйидаги ҳадисни ривоят қилади: «Албатта менинг ҳавзим Адандан Аммонгача чўзилган бўлиб, у сутдан оқ, асалдан ширин, мушкдан хушбўйдир. Ҳавзнинг қадаҳлари сони осмондаги юлдузлар ададича. Ундан бир қултум ичган одам мангу чанқамайди. Қиёмат кунида унинг ёнига келувчи кишиларнинг аксариси қашшоқ муҳожирлар бўлади...».Савбон Мисрда 54 ёшида дунёдан кўз юмган. 38-1, 38-4

Саъд – Саъд ибн Абу Ваққос, жаннат башоратини олган саҳобалардан. Умарул Форуқ тайин этган олтита «аҳли шўро»нинг бири. Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилинишича, бир куни Пайғамбар алайҳиссалом: «Мана шу эшикдан ҳозир кирган одам жаннат аҳлидандир»-деганида, Саъд ибн Абу Ваққос эшикдан кириб келган экан. Абу Исҳоқ дейди: «Саҳобалар ичида энг шиддатлилари тўртта: Умар, Алий, Зубайр ва Саъд». Омир ибн Саъднинг айтишича, Саъд ибн Абу Ваққос охирги вафот этган муҳожирлардандир. У 82 ёшида, ҳижратнинг 57 \677 йилида вафот этган. 11-5

Саъид – Саъид ибн Зайд, жаннатга кириши Пайғамбар алайҳиссалом томонидан башорат берилган ўнта кишидан бири. «Сияри аъломун нубало» китобида хабар берилишича, Саъид улуғлик ва пешқадамликда «аҳли шўро»дан кам эмас эди. Лекин Умар розийаллоҳу анҳу қариндоши (синглисининг эри) бўлгани учун Саъид Ибн Зайдни «аҳли шўро» таркибига киритмади.Чунки, Умар «қариндошига

ён босибди» деган гап-сўзлардан баланд эди. Саъид ибн Зайд 70 ёшлардан ошиб, ҳижрий 51 \671 йилда вафот этган, қабри Мадинада. 11-5

Сиддиқ Муҳаммад – Сўфи Оллоёрнинг ўғли. (Бу ҳақда қаранг: Ш. Сирожиддинов. «Сўфи Оллоёр илоҳиёти» Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, Т., 2001, 9-бет.) 80-2

Толҳа – Толҳа ибн Убайдуллоҳ, жаннатга башорат берилган саҳобалардан. Уҳуд жангида тенгсиз жасорат кўрсатган, Пайғамбар алайҳиссаломга ёғилаётган камон ўқларига гавдасини тутиб турган. «Кимки икки оёқда юрган шаҳидни кўришни хоҳласа, Толҳа ибн Убайдуллоҳга қарасин» – деганлар у киши ҳақида Пайғамбаримиз. Толҳа ибн Убайдуллоҳ ҳижрий 36 \657 йилда, 62 ёшларида оламдан ўтган. 11-4

Умар – Умар ибн Хаттоб ибн Нуфайл. Хулафои рошидинларнинг иккинчиси. «Амирул мўминин» деб сифатланганларнинг аввалгиси. Жаннатга башорат берилган саҳобалардан. Ислом тарихида адолати ва футухоти билан машҳур. Оллоҳнинг пайғамбари томонидан «Умарул Форуқ» (ҳақ билан ботилни ажратувчи Умар) деган номни олган бу зот ҳақида Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўзлари айтганлар: «Парвардигор ҳақ ва тўғри гапни Умарнинг тилига маҳкамлаб қўйган» ва яна у кишининг шижоати ва важоҳатига ишоратан деганлар: «Агар шайтон Умар юрган йўлга тўғри келиб қолса, йўналишини ўзгартириб, бошқа йўлдан юриб кетади». Умар розийоллоҳу анҳу ҳижрий 23/644 йилда шаҳид бўлган. 11-4, 11-9, 72-2

Усмон – Усмон ибн Аффон ибн Абу Ос ибн Умайя ибн Абдушамс ибн Абдуманоф ибн Қусай Қураший Умавий. Насаби Пайғамбар алайҳисалом билан Абдуманофда бирлашади. Кунияси – Абу Абдуллоҳ ва Абу Амр. Фил воқеасидан олти йил кейин туғилган. Умар ибн Хаттобдан кейин 12 йил халифалик қилган. Жаннатга башорат берилган

саҳобалардан. Саҳоватда ва ҳаёда ислом умматига намуна бўлган, шу сифатлари Пайғамбарнинг муҳаббатини қозонган бу зот Ҳудайбиядаги Ризвон байъатига сабабчи бўлган. Ўшанда мусулмонлар номидан Макка мушрикларига элчи қилиб юборилган Усмон ибн Аффоннинг ўлдирилгани ҳақида хабар келгач, Пайғамбар алайҳиссалом Ризвон байъатини чақирди ва бир қўллари билан ўзи учун, яна бир қўллари билан Усмон учун байъат қилдилар. Ибн Умардан ривоят қилинади: «Пайғамбар алайҳиссаломнинг Усмон ибн Аффон учун узатган қўли Усмоннинг ўзининг қўлидан яхшироқдир». Пайғамбар алайҳиссалом Усмон розийаллоҳу анҳуга аввал Руқия, у дунёдан ўтгач, Умми Кулсум исмли қизларини никоҳлаб берганлар. Шунга кўра, у «Усмони зиннурайн» (икки нур эгаси бўлган Усмон) деган номга сазовор бўлган. Умми Кулсум ҳам вафот этганларида Расули акрам: «Агар бошқа қизим бўлганида яна сенга никоҳлаб берардим»- деган эканлар. Воқидийнинг хабар беришича, Усмон розийаллоҳу анҳу ҳижратнинг 35 \656 йили, зулҳижжа ойида, жумъа куни, 82 ёшида, Мадинада шаҳид бўлган. 11-4

Фиръавн – Қадимда араблар подшоҳни «фиръавн» деб номлашган. Мусо алайҳиссалом даврида яшаган подшоҳ – Фиръавннинг асл исми Мусъаб ибн Муовия ибн Абу Нумайр ибн Абу Ҳалвас бўлиб, у Миср мамлакатининг туб аҳолиси бўлмиш қибтийлардан эди. Валид ибн Мусъаб Миср фиръавнларининг тўртинчи сулоласига мансуб. У 400 йилдан ортиқ умр кўрган. Ўзини «худо» деб эълон қилган бу золим подшоҳ Юсуф алайҳиссалом замонларида Мисрга келиб, шу ерда яшаб қолган бани Исроил қавмини қаттиқ азоблар билан қийнаган. 13-18

Фотима – Фотима бинти Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Ҳошим. Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарликларидан беш йил олдин дунёга келган кенжа қизлари. Расули акрам қизлари Фотимага амакилари Абу Толибнинг ўғли Алийни куёв қилганлар. Умму-л-мўминин Оиша розийол-

лоҳу анҳо дейди: «Оллоҳ яратган бандалар ичида Фотимадан кўра Расулуллоҳга ўхшашроғини кўрмадим». «Фотима» деган номнинг ўзи ҳам Оллоҳ тарафидан бир илҳом билан бўлганига ишоратан Дайламий Абу Ҳурайрадан ривоят қилади: «Оллоҳ Фотимани дўзах оловидан тўсгани учун ҳам унинг номи Фотимадир. «Фатм» сўзи луғатда «тўсиш» деган маънони беради». Қуйидаги манзара Фотиманинг Пайғамбар алайҳиссаломга нечоғли яқин бўлганининг тасдиғидир. «Вафоти арафасида Расулуллоҳ қизлари Фотимани ёнига чорлаб, унинг қулоғига ниманидир шивирладилар. Фотиманинг кўзларидан ёш томди, сўзлашга мажоли йўқ эди. Кейин Пайғамбар алайҳиссалом: «Бошингни яқинроқ тут»-дедилар. Фотима энгашди, Расулуллоҳ унинг қулоғига яна ниманидир пичирладилар. Фотима жилмайиб, бошини кўтарди, гапиришга сўз йўқ эди. Пайғамбар алайҳиссаломнинг завжалари кейинроқ бу ҳақда Фотимадан сўраганларида айтган экан: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «бугун мен ўламан» деб қулоғимга шивирладилар, йиғладим. «Аҳлимдан биринчи бўлиб ҳузуримга етиб келувчи ва мен билан бирга қолувчи сен бўлишингни Оллоҳдан сўрадим» деб пичирладилар, жилмайдим...» Пайғамбаримизнинг суюкли қизлари Фотима ҳижратнинг 11 \633йилида дунёдан кўз юмди. 11-7

Хожа Аҳмад – Хожа Аҳмад Яссавий. Туркий тасаввуф шеъриятининг атоқли вакили. «Девони ҳикмат» асари билан жаҳонга машҳур. Яссавийнинг туғилган йили аниқ маълум эмас. Лекин баъзи манбаларда вафоти 1166-1167 йиллар деб кўрсатилган. У Сайрамда тавалуд топган. Отаси Шайх Иброҳимдан етти ёшида етим қолган. Илк таҳсилни Яссида машҳур турк машойихи Арслонбобдан олган. Арслонбоб вафотидан сўнг у таҳсилни Бухорода Юсуф Ҳамадоний қўлида давом эттирган. 41-32, 41-38

Холид – Холид ибн Валид ибн Муғира. Кунияси – Абу Сулаймон, Абу Валид ҳам дейишган. Жоҳилият даврида

қурайшнинг улуғларидан бўлган. Исломни қабул қилгач, Холид ибн Валиднинг улуғлиги яна ошди. Бунинг исботи Пайғамбар алайҳиссаломнинг унинг шаънига айтган қуйидаги гапидир: «Холид Оллоҳнинг мушрикларга қарши сермалган қиличидир». Холид ибн Валид ҳижрий 21 \642 йилда Ҳимсда(баъзи ривоятларда Мадинада) вафот этган. Жасадини ювган одамнинг хабар беришича, унинг баданида қилич, найза, камон зарбидан соғ қолган жойнинг ўзи йўқ эди. 77-5, 77-8

Қорун – Мусо алайҳиссалом даврида яшаган, орттирган беҳисоб молу давлатига маст бўлиб, дину диёнатни унутган шахс. Оқибат, уни ер ютган. Оллоҳ таоло Қасас сурасида бу ҳақда шундай зикр қилади: «Албатта Қорун ўзи мусо қавмидан эди. Бас, у (қавмдошларига) кибру ҳаво қилди. Биз унга хазина-дафиналардан калитлари(ни кўтариб юриш) куч-қувватли жамоатга ҳам оғирлик қиладиган нарсаларни ато этган эдик. Ўшанда қавмдошлари унга: «Ҳовлиқмагин, Чунки Оллоҳ ҳовлиқма кимсаларни суймас. Ва Оллоҳ сенга ато этган мол-давлат билан (аввало) Охират диёрини (ободлигини) истагин ва дунёдан бўлган насибангни ҳам унутмагин. Оллоҳ сенга эҳсон қилгани каби сен ҳам (Оллоҳнинг бандаларига) инфоқ-эҳсон қил. Ерда (зулму зўравонлик билан) бузғунчилик қилишга уринма. Чунки Оллоҳ бузғунчи кимсаларни суймас» деганларида, у: «Менга (бор молу давлатим) фақат ўзимдаги билим сабаблигина ато этилгандир, (бас, ҳеч ким уни мендан тортиб ололмас) деди... Сўнг (Қорун) қавми олдига ясан-тусан қилиб чиққан эди, ҳаёти дунёни истайдиган кимсалар: «Эҳ, қани эди бизлар учун ҳам Қорунга ато этилган молу давлат бўлса эди?! Дарҳақиқат, у улуғ насиба эгасидир»-дедилар. Илм маърифатли кишилар эса: «Ўлим бўлсин сизларга! Иймон келтирган ва яхши амал қилган киши учун Оллоҳ берадиган ажру савоб яхшироққу! У (савобга) фақат сабр-қаноатли кишиларгина эришурлар»-дедилар. Бас, Биз (Қорунни) ҳам, унинг ҳовли-жойини ҳам ерга ютдирдик...» (76–81-оятлар). 74-6

Ҳажжож – Ҳажжож ибн Юсуф ибн Абу Уқайл Сақафий. Золимлиги билан ном чиқарган амир. Ироқда 20 йил амирлик қилган. Ҳижрий 95 \714 йилда, 54 ёшида ўлган. 36-1, 36-3, 36-4

Ҳасан – Ҳасан ибн Алий ибн Абу Толиб. Пайғамбар алайҳиссаломнинг суюкли набиралари, жаннатга башорат берилган саҳобалардан. Ҳижратнинг 3-йилида(мел.625) Рамазон ойида туғилган. Ҳасан розийоллоҳу анҳунинг юз тузилиши боболари Муҳаммад алайҳиссаломга жуда ўхшаб кетадиган, ҳалим, тақволи, салтанат ва дунёдан кўра охират неъматларига рағбатли инсон эди. »Албатта бу ўғлим(набиралари - Ҳасан) пешқадам, саййид, Оллоҳ у туфайли икки катта қўшин ўртасини ислоҳ қилади»-деган эдилар Расули акрам. Оталари шаҳид бўлгач, Алий ибн Абу Толибга байъат қилганлар Ҳасан ибн Алийга байъат қилдилар. Ҳасан етти ойдан кўпроқ Ироқда, шунингдек қўшни Хуросон, Ҳижоз, Яман ва бошқа ўлкаларда халифалик қилди. Кейин Муовия Шомдан Ироққа қарши, Ҳасан эса Шомга қарши юриш бошлади. Қўшинлар яқинлашиб қолганида Ҳасан розийоллоҳу анҳу шуни англадики, бу икки қўшиндан бири ҳеч қачон ғалаба қозонолмайди, токи униси бунисидан кўпроқ қон тўкиб, кўпроқ одамларни қирмагунча! Дарҳол у Муовияга элчи жўнатди ва баъзи шартлар билан таслим бўлганини билдирди. Бу Пайғамбар алайҳиссаломнинг набиралари Ҳасан гўдаклик пайтида айтган: »Албатта бу ўғлим(набиралари - Ҳасан) пешқадам, саййид, Оллоҳ у туфайли икки катта қўшин ўртасини ислоҳ қилади»-деган башоратларининг жонли исботи, набавий мўъжиза эди. Ҳасан ибн Алий розийоллоҳу анҳума ҳижрий 49 \669 йил Мадинада вафот этганлар. 11-7

Ҳасан – Шайх Абул Ҳасан Харақоний. Асл исми – Али ибн Жаъфар. «Насойимул муҳаббат»да айтилишича, Шайх Абулҳасаннинг таваллуди Шайх Боязид Бистомийнинг вафоти (261/875) дан сўнгги даврларга тўғри келади. Вафоти эса ҳижрий 425/1034 йилдадир. Навоий ўз тазкираси-

да Абуҳасанни сифатлаб : «Ўз рўзгорининг ягона ва ғавси, вақтнинг қибласики, замонида риҳлат анга эрди» – дейди.

Шайх Харақонийнинг муридлари билан кечган ушбу савол-жавоби ҳам Абулҳасаннинг юксак маънавий мақомни топган зотлардан эканига далилдир. Бир куни Абулҳасан Харақоний шогирдларидан:

– Ҳамма нарсадан яхши нарса нима?– сўради.

– Ўзингиз жавоб беришга ҳақлироқсиз,– дейишди.

– Энг яхши нарса шундай кўнгилки, унда Ҳақ ёдидан бошқаси бўлмайди!

– Сўфий ким? – сўрашди. Шайх деди:

– Инсон кийим ва жойнамоз билан сўфи бўлмайди, расм-русум ва одатлар билан сўфий бўлмайди. Сўфий улки, бўлмайди. Сўфий бир кундурки, қуёшга эҳтиёжи йўқ, бир кечадирки, ойга эҳтиёжи йўқ, бир йўқдирки, борликка ҳожати йўқ.

– Киши уйғоқ эканини қандай билади?

– Шундан биладики, Ҳақни ёд қилса, бошидан оёғигача барча аъзолар зикр билан машғул бўлади.

– Сидқ нима?– сўрашди.

– Кўнгилнинг кўнгилда борини дейиши сидқдир.

– Ихлос нима?

– Тангри учун қилинган ҳар бир нарса ихлосдир, фақат халқнинг розилиги учун қилинган иш риёдир.

– Фано ва бақо хусусида ким гапиришга ҳақли?– сўрашди.

– Бу ҳақда сўз айтишга шундай киши ҳақлики, уни осмондан қилдай бир ип билан осиб қўйишган, атрофда шундай довул кўтарилганки, биноларни остин-устин қилиб, дарахтларни издизи билан қўпориб учиряпти, дарёларнинг сувлари кўпириб-тошиб, қирғоқларни ўпиряпти, лекин бу довул осмондан қилдай ип билан осиб қўйилган зотни ўрнидин тебрата олмаяпти. Шайх сўзида давом этиб деди, сиз Ҳақни деганингизда ўзга нарсаларни дейдиган кишилар билан суҳбат қурманг, Қуръон ўқиб, Оллоҳдан ўзгасини тилагандан кўра қўшиқ айтиб, Ҳақни тилаган яхшироқдир. Машғулоти қоғоз юзини қоралаш бўлгани ин-

сон эмас, балки Расулулоҳ соллалоҳу алайҳи васалламнинг феълига эргашган инсон олимдир ва Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳақиқий ворисидир...41-30

Ҳусайн – Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб. Пайғамбар алайҳиссаломнинг суюкли набиралари, жаннатга башорат берилган саҳобалардан. Йаъло ибн Мурродан ривоят қилинади: Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: «Ҳусайн мендан, Мен Ҳусайнданман. Ким Ҳусайнни яхши кўрса, Оллоҳ уни яхши кўради». «Ҳасан ва Ҳусайн дунёнинг иккита райҳонидир»– деган эдилар Пайғамбар алайҳиссалом. Ҳусайн ибн Алий розийоллоҳу анҳу ҳижрий 61\681 йилда Ироқнинг Карбало даштида шаҳид бўлган. Абдураҳмон ибн Абу Нуаймдан ривоят қилинади: Ироқлик бир киши Абдуллоҳ ибн Умардан: «Чивиннинг қони тегса, нима бўлади?» – деб сўради. Шунда Ибн Умар: «Мана бу одамга қарамайсизми, Расулуллоҳнинг ўғли(Ҳусайн)нинг қонини тўкишгану, яна чивиннинг қони ҳақида сўраяпти?!»– деган экан. 11-7

VII. Баъзи диний атама ва тушунчалар изоҳи

Аимма – (Матнда келиши: «***Аимма*** *билди Қуръон маънисин туз, Кўнгилни қўймагил, сан ҳар қаю юз!*») Имомлар, яъни «имом» сўзининг кўплик шакли. «Имом» сўзининг луғавий маъноси – эргашиладиган, пешқадам киши. Қуръони каримда пайғамбарларга нисбатан ҳам «аимма» сўзи қўлланган: «*Яна уларни Бизнингамримиз билан* (кишиларни Ҳақ Йўлга) *ҳидоят этадиган пешволар қилдик*»(Анбиё сураси, 73). Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан сўнгги халифаларга ҳам «аимма» сўзи қўлланган. Чунки халифалар сўзлари ва ҳукмлари олиниб, одамлар уларга эргашадиган мақомда бўлганлар. Умуман, саҳоба, тобеин ва улардан кейинги уламоларнинг муайян йўналишда машҳур бўлганларига ҳам «аимма» атамаси қўлланган. Масалан, фиқҳда тўрт мазҳаб пешвоси: Имом Абу Ҳанифа, Имом Молик, Имом Шофеъий, Имом Аҳмадлар аксар манбаларда «аимма» (ёки: الائمة الاربعة – тўртта имомлар) дейи-

лади. Шунингдек, ҳадис илмида: Ал-Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Ат-Термизий, Нисоий, Ибн Можаларга ҳам «аимма» (ёки: **الائمة الستة** – олтита имомлар) сўзи ишлатилади. 6-20, 6-47, 7-31, 11-24, 45-5, 45-6, 57-37

Амри маъруф – (Матнда бир неча ўринда келган. Мисол: *«Киши ким бўлса мўминликда мавсуф, Эрур вожиб у қулға* ***амри маъруф****»*) Яхшиликка буюриш. Мусулмон одам қилиши вожиб бўлган қирқта фарз амалдан бири. Қуръони каримда *маъруф* сўзи ўттиз етти ўринда учрайди ва асосан «Оллоҳ ва Пайғамбари буюрган яхши амаллар маъносида тафсир қилинган. 56-14, 56-19, 75-20, 75-30

Арш – (Матнда бир неча ўринда келган. Мисол: *«Бошида соя бўлгай* ***Арш****и аъзам, Фаришталар кўнгил бергай дамо-дам»*)*Арш* сўзининг луғавий маъноси – тахт. Манбаларда келтирилишича, *Оллоҳнинг арши* дейилганда башар зоти учун фақат номигина маълум чексиз жой тушунилади. Баъзи олимлар: «Албатта Оллоҳ осмонлар ва Ерни қулаб тушишдан ушлаб – асраб турур» (Фотир сураси, 41) *оятида алфалакул аъло (*яъни, энг юқори фалак) зикр этилган. *Алкурсий* эса *фалакул кавокиб* (яъни, юлдузлар жойлашган фалак)дир – дейишади ва Пайғамбар алайҳиссаломдан ривоят қилинган ушбу ҳадисни далил қилишади, мазмуни: «Етти осмон ва етти ерни Курсийга қиёсланса, Курсий – поёнсиз саҳро, еру осмонлар эса ўша саҳрога улоқтирилган битта узук ҳалқасидир. Аршнинг улуғлиги олдида Курсий ҳам худди шу нисбатдадир». 2-6, 10-6, 24-16, 57-37

Ато – (Матнда бир неча ўринда келган. Мисол: *«Агар сонсиз* ***ато*** *қилса Худойинг, Биҳишти Адн эшигин сурса пойинг»*) Атосўзининг луғавий маъноси – бермоқ, ҳадя қилмоқ. Мазкур сўз ўзбек тилида, асосан, «қилмоқ, этмоқ» ёрдамчи феъллари билан биргаликда қўлланади**.** Хоҳ сўзлашувда, хоҳ адабиётда *ато қилмоқ* лафзи ишлатилар экан, бу феъл Яратувчи томонидан содир этилгани англашилади.«Сабо-

тул ожизин» матнида ҳам *ато қилди* бирикмаси саккиз ўринда келган ва деярли барчасида феъл фоили Оллоҳ таолодир. 7-17, 34-5, 54-9, 68-5, 74-9, 81-20, 82-8

Ахбор – (Матнда бир неча ўринда келган. Мисол: *«Ҳам Ақсодин самога борди ул нур, Бу сўзнинг сидқига* ***ахбор*** *машҳур»*) *Хабар* сўзининг кўплик шакли. Ҳадис истилоҳига кўра, *хабар* сўзи ҳадис маъносидадир. Ҳадис –Пайғамбар алайҳиссаломнинг айтган сўзлари, қилган ишлари, бирор сўз ёки амални сукут билан бўлса ҳам тасдиқлашлари, ахлоқий сифатларини билдирувчи хабарлар. 10-3, 11-5

Ақида – (Матнда бир неча ўринда келган. Мисол: *«**Ақида** сўзларини қилдим исбот, Анга қўйдим «Саботул ожизин» от»*) *Ақида* сўзининг луғавий маъноси – бир нарсани бошқасига маҳкам боғламоқ. Атама сифатида *ақида* деганда мусулмон инсонни Қуръон ва ҳадисда хабари келган воқеа-ҳодисалар, тушунчалар билан мустаҳкам боғлаб турадиган эътиқод мажмуи тушунилади. Бинобарин, *эътиқод* (иймон-ишонч) лафзи ҳам *ақида* сўзи билан ўзакдош. *Ақоид – ақида* сўзининг кўплик шаклидир. Ақоид илмининг мақсади – Яратувчининг борлиги ва бирлиги, пайғамбарлар ва уларга юборилган китобларнинг, тақдирнинг, жаннат, дўзах ва умуман, охиратга алоқадор барча нарсанинг ҳақлигига қатъий ва асосли далиллар билан ишонч уйғотиш, бу хусусдаги шубҳаларни рад қилишдир. Дастлаб исломий илмларнинг барчаси «Ислом» деган ном остида бўлиб, вақт ўтиши билан ҳар бир йўналиш ўзига хос ном билан ажраб чиқа бошлаган. Ақоид илми ҳам ўзининг охирги номида барқарор бўлгунча бир неча исмлар билан аталган: «Алфиққул акбар», «Илмул калом», «Илмул усулид дин», «Илмут тавҳид», «Илмул ақоид». 3-1, 3-10, 4-6, 7-11, 24-13

Бидъат – (Матнда келиши: *Бу умматлар ажаб зиишт этди ҳолин, Ёпар бидъат билан суннат жамолин).* Арабча *бидъат* сўзининг луғавий маъноси «янгилик»дир. Шариат

истилоҳида *бидъат* деганда шаръий далили йўқ, ҳеч бир асоссиз диннинг таркибига қўшиб қўйилган нарса тушунилади. Демак, кимки хоҳ ақидада, хоҳ сўзда, хоҳ амалда шаръий асосга эга эмас янги бир ишни динга боғласа, бу бидъат ҳисобланади. Ақида китобларида Пайғамбар алайҳиссаломнинг: «Менинг суннатимни ва мендан сўнгги «хулофои рошидинал маҳдиййин»ларнинг суннатини озиқ тишларингиз билан (яъни, шу даражада маҳкам ёпишиб) ушланглар. Бидъатлардан сақланинглар. Чунки ҳар қандай бидъат залолатдир» деган васиятларига амал қилиш «аҳли сунна вал жамоа» тоифасининг асосий сифатларидан бири деб эътироф этилган. Ҳадисда айтилган «хулофои рошидин» – Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алий розийоллоҳу анҳум. Ҳақни таниб, унга амал қилган кишига *рошид*, унинг зиддига эса «ғовий» дейилади. Ҳадисдаги *маҳдиййин* лафзи «Оллоҳ тўғри йўлга бошлаганлар « деган маънода.23-27; 41-33; 48-13

Биҳишти Адн (Матнда келиши: *«Агар сонсиз ато қилса Худойинг,* ***Биҳишти Адн*** *эшигин сурса пойинг»*). Биҳишт – жаннатнинг форсча номланиши. Адн Қуръони каримнинг «Баййина» сураси 8-оятида зикр қилинган бўлиб, «Тафсирул Қуртубий»да айтилишича, жаннат боғларининг ўртасидаги бир боғ. «Тафсирул Алусий»да адн сўзи *қарорлашиш, мустаҳкам ўрнашиш* дея изоҳланган. «Тафсирур Розий»да: «Жаннатдаги муаййан ўриннинг номи» деб тафсир этилган. «Аттаҳрир ва ват танвир» номли тафсир китобида: «Адн бу – мангулик ва доимий қароргоҳ» дейилган. 68-5

Вараъ (Матнда келиши: «*Уётлиғ пеша қил, хавф эт тамаъдин, Риёзат айла тақвову* ***вараъ****дин*»). Луғавий маъноси «Китобул айн» асарида *қўрқиш, қаттиқ тийилиш, тортиниш* деб изоҳланган. «Лисонул араб» луғатида эса вараъ сўзига шундай таъриф берилган: «Ибнул Асирнинг айтишича, сабр бу вараъдир. Чунки ибодат икки қисм: нусук ва вараъ. Нусук –шариат буюрган ишлар, вараъ – ша-

риат ундан қайтарган ишлар». Ибн Қутайбанинг «Ғарибул ҳадис» китобида : «Диндаги вараъ бу гуноҳлардан тийилишдир» дейилади ва Умар ибн Хаттобнинг қуйидаги сўзлари келтирилади: «Сизлардан бирортангиз бирортангизнинг тутган рўзасига, ўқиган намозига қарамасин, балки гапирганида ростгўйлигига, амонат берилганида адо этишига, яқин қолганида вараъ қилишига(яъни, бировнинг моли унинг яқинида, шундай қўли етадиган жойда турганида ёки гуноҳга рўпара келиб қолганида ундан тийилишига) эътибор беринг». «Тожул урус» луғатида вараъ сўзининг асл маъноси ҳаром(манъ қилинган ишлар)дан тийилиш, кейинчалик ҳатто баъзи ҳалол ва мубоҳ(қилиниш ё қилинмаслигида ихтиёрий амаллар)дан ҳам сақланиш, *парҳезкорлик* маъносида ишлатила бошлагани айтилади. 48-2

Вузуъ –(Матнда келиши: «*Кетар вақтида андоғ бўлди ҳоли,* ***Вузуъ*** *айларга йўқ эрди мажоли*»)таҳорат. «Таҳорат» сўзининг луғавий маъносида ҳам, шариат истилоҳидаги маъносида ҳам тозалик тушунилади Лекин инсоннинг ҳақиқий тозалиги таҳорат олиш билан, яъни шариатда белгиланганидек, юз, қўл, оёқларни ювиш билан ҳосил бўлади. 14-2

Жаброил–(Матнда келиши: «*Анингдек* ***Жаброил****е сидра парвоз, Муҳаммад енгида айтур эди роз*»). Ваҳий фариштаси. Қуръони каримда «Жибрил» номи, шунингдек, «Руҳул қудс», «Ар-Руҳул амин» сифатлари билан зикр этилган. Аҳли китоблар бу фариштани «Номус» деб ҳам номлашган. Саҳиҳ ҳадисда келади: «Аниқки, Оллоҳ таоло агар бир бандани суйса, шундай нидо қилади: «Эй Жибрил! Албатта Мен фалон бандамни яхши кўраман, сен ҳам уни яхши кўр!» Шунда Жибрил у бандага муҳаббатини зоҳир этиб, барча само аҳлига нидо этади: «Аниқки, Оллоҳ таоло фалон кишини яхши кўради, мен ҳам уни яхши кўраман!» Ўшанда бутун само аҳли унга муҳаббат қўяди. Кейин Ер юзида инсонлар қалбида у кишига муҳаббат уйғонади» 1-22

Жадал–(Матнда бир неча ўринда келган. Мисол:«***Жадал****дин қол, ки қил устиндадир қол, Йиқитсанг ё йиқилсангдур забун ҳол***». *Жадал* сўзининг ўзбек тилига *тез, шошилинч* деган маънолари ўзлашган. Аслида бу сўзнинг луғавий маъноси – баҳс, мунозара. Мумтоз матнларда *жадал* сўзи айни маънода қўлланган, янада аниқроғи, *керақсиз ва бефойда баҳсу мунозара* маъносини ифодалайди. Қуйидаги ҳадислар бунга далолатдир: «Қавмни ҳидоятдан сўнг адаштирган нарса фақатгина баҳсу жадалдир» (Термизий ривояти). «Ўзи ҳақ бўлатуриб, баҳсу мунозарадан кечоладиган бўлмагунча бандaнинг иймони комил бўлмайди» (Ибн Абу Дунё ривояти). Муслим ибн Ясор: «Баҳсу жадал - олимнинг жаҳл соати»- деган экан. Шунинг учун ҳам юқорида келтирилган байтда Сўфи Оллоёр: Баҳсу жадални тарк эт, айтилган ҳар бир сўз қил устида, ютсанг ҳам, ютқазсанг ҳам ҳолинг забун, дея эслатяпти. 7-4, 7-31, 46-11

Жамоат аҳли – (Матнда бир неча ўринда келган. Мисол: *«Бу мискинларга мўмин исм қилдинг,* ***Жамоат аҳли*** *суннат қисм қилдинг»*) Жамоат тушунчаси фирқаланиш – гуруҳларга ажралиш маъносининг зиддидир. Шунинг учун Оллоҳ ва унинг Пайғамбари кўрсатмаларини маҳкам ушлаган, ҳақ йўлда ўзаро иттифоқда бўлган кишиларни *аҳли жамоат* дейилган. Сўфи Оллоёр тилга олган *жамоат аҳли* бирикмаси илмий манбаларда «аҳли сунна вал жамоа» тарзида қўлланади. Матнда: *Жамоат аҳли суннат тузган эрлар* дейилар экан, бу билан тарихда ўтган айни сифатдаги кишилар назарда тутиляпти. 4-5, 6-54, 9-17, 11-23, 14-4, 25-4, 39-21

Жуббул ҳузн – (Матнда келиши: «*Ўшал водийни «Жуббул ҳузн» атоди,Риёлик қорилар жойи у водий*»)Арабча бу бирикманинг луғавий маъноси – ғам чоҳи. Шаръий маъноси эса қуйидаги ҳадисда баён қилинган. Пайғамбар алайҳиссаломдан ривоят қилинади: «Жуббул ҳузун»дан сақланиш учун Оллоҳдан паноҳ тиланглар»- деди Расули

акрам. Саҳобалар сўрашди: «Жуббул ҳузун» нима? Пайғамбар алайҳиссалом жавоб бердилар: «Жуббул ҳузун» жаҳаннамдаги шундай водийки, риёкор қорилар унга улоқтирилур. Қиёмат кунида одамларнинг энг қаттиқ азобланадиганлари яхшилиги бўлмаса ҳам, худди ўзида яхшилик бордек кўрсатадиганларидир» 47-7

Заққум – (Матнда бир неча ўринда келган. Мисол: *«Агар бўлса ҳаром ул луқмаи шум, Ани неъмат дема, де заҳри **заққум**»*) Луғат китобларида бу сўзга «жуда аччиқ ва сассиқ, меваси дўзахийларнинг таоми бўлган дарахт; ҳар бир ўлдирувчи таом» деб изоҳ берилган. Вас саффот сурасининг 63-67-оятларида ва уларнинг тафсирида Заққум дарахти ҳақида шундай дейилади: «Ҳақиқатан, Биз уни(яъни, Заққум дарахтини) золим кимсалар учун фитна-алдов қилиб қўйдик». Дўзахда Заққум дарахти бўлиши ҳақида сўзланганида кофирлар: «Дўзахда қандай қилиб дарахт ўссин, ахир дўзахнинг ўти уни куйдириб юбормайдими?» – деганлар. «Дарҳақиқат, у дўзах қаърида ўсадиган бир дарахтдир. Унинг бутоқлари(даги мевалари хунукликда) худди шайтонларнинг бошларига ўхшар. Бас, улар(яъни, дўзахилар) албатта ундан еб, қоринларини тўлдиргувчидирлар». Ибн Аббос Пайғамбар алайҳиссаломнинг шундай деганларини ривоят қилади: «Агар жаҳаннам заққумидан бир томчиси дунё денгизларига тушса, дунё аҳлининг бутун ҳаётини бузади» (Термизий ривояти). 37-22, 52-34, 52-3

Идбор – (Матнда келиши: «*Анинг ҳукмидадур **идбор**у иқбол, Тикондин гул чиқорди, заҳрдин бол*»). *Идбор* сўзи луғатда «орқа ўгириш», «тескари қараб кетиш» маъносини ифодалайди. Абу Али Қолийнинг «Амолий» китобида келтирилишича, донишмандлардан бири дейди: «Билгинки, дунёнинг қувончи – ғам, иқболи идбордир» (яъни, дунёнинг сенга юзланиши, аслида, сендан юз ўгиришидир). «Ал-азкиё» китобида келирилишича, бир аъробий(бадавий араб)дан: «Ҳолинг нечук?»- деб сўралди. Шунда у: «Яқи-

нимдаги барча нарсаларни идбор ҳолатида, яъни менга орқа ўгириб турганини, тескари ўгирилиши лозим бўлган нарсаларнинг менга иқбол қилиб, яъни юзланиб турганини кўряпман» - деган экан. Сийрат (хулқ-атвор, ахлоқ-одоб) китобларида, адабий манбаларда *идбор* сўзининг луғавий маъноси янада аниқлашиб, *ҳақдан юз ўгириш*; *ато этилган неъматга орқа ўгириб олиш* ҳолатини ифодалаб келади:

Эл қочса бировдан эл ёмони бил они,
Аҳволида *идбор* нишони бил они.
Феъл ичра улус балойи жони бил они,
Олам элининг ёмон ёмони бил они. (Алишер Навоий)

Сўфи Оллоёр ҳам *идбор* сўзини айни маънода қўллаган. 35-23

Ижтиҳод – (Матнда келиши: *«Савоб эрди ул эрларни муроди, Хато бўлди баногоҳ **ижтиҳод**и»*) Усул уламолари истилоҳида муфассал шаръий далиллардан шаръий ҳукм чиқариш учун бор илмини сарфлашга «ижтиҳод» дейилади. Ижтиҳодга ҳақли бўлишнинг тўртта шарти бор: ижтиҳод қиладиган инсон *Қуръон тилини мукаммал билмоғи шарт*, яъни араб тилидаги сўз ва жумлаларнинг маъносига далолат этиш йўлларини, жумлалар тузилишидаги услуб ва қоидаларни биладиган, назм ва насрдаги фасоҳат, балоғат таъсирини ҳис қиладиган, араб тилида ёзилган кўплаб адабиётдан хабардор ва улардан завқ ҳосил қиладиган бўлиши керак; *Қуръон илмини билмоғи шарт*, яъни барча ҳукм оятларини, уларнинг нозил бўлиш сабабларини, тафсирлари ва таъвилларини тўла англаб, сўралган пайтда тараддудсиз, аниқ изҳор қила олиши керак; *ҳадис илмини билмоғи шарт; қиёс илмини билмоғи шарт*. Матнда: *Савоб эрди ул эрларнинг муроди, Хато бўлди баногоҳ ижтиҳоди* дейиш билан Алий ибн Абу Толибга хилоф йўл тутган саҳобаларнинг ижтиҳодда адашганликлари тилга олиняпти. Зеро, мужтаҳидга ижтиҳодига қараб савоб берилади. Агар у ижтиҳод қилган масаласини тўғри ҳал қилган бўлса, ижтиҳоди ва ижтиҳодда адашмагани учун

икки баробар савоб олади. Ижтиҳодда масалани нотўғри ҳал қилган бўлса ҳам қилган ҳаракати – ижтиҳоди учун бир савоб олади. 4-5, 11-22

Инобат–(Матнда келиши: ***Инобат*** *қилди бориб, қайта бошдин, Муяссар қилди илм отлиғ қуёшдин*). *Инобат* сўзининг луғавий маъноси - вакил қилмоқ. Илмий-маърифий матнларда бу сўз қайтмоқ маъносида истифода этилади. Халил ибн Аҳмаднинг «Ал-айн» асарида: «*фалончи Оллоҳга тўла қайтди*» , яъни *тавба қилувчилардан бўлиб, тоат-ибодатга қайтди* маъноси инобат сўзи билан ифодаланган.(وأناب فلانٌ إلى الله إنابة، فهو مُنِيبٌ، إذا نابَ ورجع إلى الطّاعة)

Шунингдек, *инобат* сўзи тасаввуф истилоҳида *пирга қўл бериш* мазмунида ҳам ишлатилади.45-11

Исён – Бусўзнинг луғавий маъноси – бўйинсунмаслик, итоатсизлик, қаршилик қилиш. Исломий манбаларда Оллоҳ таоло ёки унинг Пайғамбари буюрган амрларга итоатсизлик қилиш **исён** лафзи орқали ифодаланади.Шунинг учун ҳам айни ўзакдан ясалган *маъсият* сўзининг олимларимиз томонидан *гуноҳ* деб таржима қилиниши том маънода мувофиқдир. «Усули Сарахсий» китобида: «Тоатнинг зидди – исён» дейилган. Демак,Оллоҳнинг буюрган амалини бажариб, қайтарганидан қайтиш тоат саналса, бунинг зидди исён экан. Мумтоз адабий матнларда, хусусан, «Саботул ожизин»да ҳам исён калимаси Оллоҳга итоатсизлик, яъни гуноҳ маъносида қўлланган: *Худо рози эмас* ***исёнимизга,*** *Ризосидур анинг эҳсонимизга.* Кишининг кишига ёки ундан содир бўлган феълларга нисбатан **исён** сўзининг луғавий маънода қўлланиши тарихий ва адабий манбаларда учрайди ва бу тўғри ҳолатдир. Шарти шуки, сўзнинг луғавий ва шаръий маъноси фарқланса, сўзловчи ёки тингловчи сўзнинг қайси мақсадда қўлланаётганини англаса, бас. 6-46, 6-47, 20-13, 21-6, 24-9, 27-18, 54-20, 75-8, 82-3, 82-4

Ихтиёри жузъ –Жузъий ихтиёр ақидавий масалага тегишли тушунчадир. Бу тушунчанинг марказида турувчи «инсон ўз ҳаракатида ихтиёрлими?» деган саволга ақида китобларида «Афъолул ибад»(бандаларнинг феъллари) мавзусида жавоб берилади. «Ақоидун Насафий»да айтилишича, бандаларда ихтиёрий феъл ва ҳаракатлар бор. Улар сабабли гуноҳ ёки савоб қилинади. Банданинг қилган амалларидан эзгулиси Оллоҳнинг ризоси билан, ёмони эса Унинг розилигидан ташқари ҳолда ижро этилади. Имом Аъзам Абу Ҳанифанинг ақида мавзусидаги машҳур«Алфиққул акбар» китобининг шарҳида (шориҳ - Алийул қори) бу масалани шундай изоҳланган: «Бандаларнинг(яъни, инсонларнинг) бирор ишни қилишдаги ихтиёрлари уларнинг истаклари, майлларининг хилма-хиллигига қараб бўлади. Ҳар кимнинг қилган яхши амали ўзи учун ва ёмон амали ҳам ўзининг бўйнигадир. Мўътазийларнинг «банда ихтиёрий феълларини ўзи яратади» деганлари ҳам, жабарийларнинг «инсонда умуман ихтиёр йўқ» дейишлари ҳам нотўғридир. *Қилиш* билан *яратиш* феъли ўртасидаги фарқ шуки, қ*илиш* сабабларга боғланади, *яратиш* учун эса сабабга ҳожат йўқ. Ривоят қилишларича, Пайғамбар алайҳиссалом Бадр жангида қўлларига бир сиқим тупроқ олиб: «Юзлари қаро бўлгай!» деб душман тарафига отганларида, кўзига ғубор кирмаган бирор мушрик қолмаган экан. Ушбу воқеа муносабати билан нозил бўлган: «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом, уларнинг юзига қўлингиздаги бир сиқим тупроқни) отган пайтингизда, Сиз отмадингиз, балки Оллоҳ отди» (Анфол сураси, 17) оятидаги «отган пайтингизда» деган сўзлардан «*касб этиш – қилиш* феъли тушунилади. «Сиз отмадингиз…» деган сўзлардан эса *халқ этиш – яратиш* феъли тушунилади. Бу масала матнда шундай ифодаланган:

Агар чандики қўймас эркимизга,
Беribдур ***ихтиёри жузъи*** *бизга.*
Муносиб иш эрур ё номуносиб,
Ани қилмоқға банда бўлди косиб. (6-41, 64-2)

Кабоир – (Матнда келиши: *«Агар чанди **кабоир** қилса беҳад Тамуғда қолмас иймонлиғ муаббад»*) Катта гуноҳлар. Гуноҳларни катта-кичикка бўлишда ҳар хилликлар мавжуд. Саҳоба ва тобеъинлар катта гуноҳларни тўртта, еттита, тўққизта, ўн битта ва ундан ортиқ деб, уларнинг сонида ихтилофга боришган. Ибн Масъуд катта гуноҳлар сонини тўртта, ибн Умар еттита, Абдуллоҳ ибн Амр тўққизта дейишган. Ибн Аббос Ибн Умарнинг: «Катта гуноҳлар сони еттита» деган сўзини эшитиб, шундай деган экан: «Гуноҳи кабиранинг еттитадан кўра етмишта экани ҳақиқатга яқинроқдир». «Оллоҳ таоло уни қилишдан қайтарган ҳар бир амал гуноҳи кабирадир»- дейди Мурра розийаллоҳу анҳу. Шунингдек, «Оллоҳ тарафидан эвазига жаҳаннам ваъда қилинган ҳар бир гуноҳ кабоир жумласидандир» ёки «Дунёда жазони вожиб қиладиган ҳар қандай иш гуноҳи кабирадир» деган таърифлар ҳам бор. Абу Ҳомид Ғаззолийнинг айтишича, Оллоҳ таолонинг маърифати эшигини ёпувчи ҳар қандай нарса гуноҳи кабиранинг энг каттасидир. Инсон ҳаёт эшигини ёпувчи нарсалар ундан кейинги ўринда, одамларнинг тирикчилиги эшигини ёпувчи нарсалар ундан кейинги ўринда туради. «Ал-ақидатут тоҳавий» матнида келишича, Муҳаммад алайҳиссаломнинг мўмин умматларидан катта гуноҳларни қилганлари тавбасиз ўтган бўлсалар ҳам дўзахда абадий қолмайдилар. Аммо иймонли вафот этган бўлишлари шарт. 7-18, 24-6

Лавҳ – (Матнда келиши: *«Фано бўлмас деди **Лавҳ**у Қалам ҳам, Ақида булдур, эй фарзанди Одам»*) Луғат китобларида ёғочдан, ҳайвонларнинг курак суягидан ясалиб, юзига хат битилган саҳифага *лавҳ* дейилиши айтилган. Кейин бу сўз *ёйиқ нарса, тахта; ёзув тахтаси* маъносида қўллана бошлаган. Диний атама сифатида бу сўздан жамъи мавжудотнинг қазою қадари битилган китоб – *Лавҳул маҳфуз* (*ҳар қандай бузилиш ва ўзгаришдан сақланган-ҳимояланган Лавҳ)* тушунилади. Шунингдек, бу тушунча Қуръони каримда «Уммул Китоб» (*Асл Китоб*, Раъд сураси, 39), «Китабун макнун» (*Яширин Китоб*, Воқеа сураси, 78) бирик-

малари билан ҳам ифодаланган. Анъом сурасининг 59-оятида: «Ғайб очқичлари Унинг ҳузуридадирким, уларни Ёлғиз Ўзигина билур. У қуруқлик ва денгиздаги бор нарсаларни билур. Бирор барг (шохидан узилиб) тушмас, магар У билур. Ер тубларидаги ҳар бир дон, бор ҳўлу қуруқ нарса, албатта Очиқ Китобда (яъни Лавҳул Маҳфузда) мавжуддир». Бу оятни Ибн Жарир Табарий шундай тафсир қилади: «Бор бўлиб, кейин йўқ бўлган ёки ҳали яратилиб, кейин йўқ қилинадиган барча нарсалар Лавҳул Маҳфузда битилган...» 24-17

Маърифат – (Матнда бир неча ўринда келган. Мисол: *«Уёлма* ***маърифат****ни ўрганурдин, Танур жойинг бўлур, қолсанг танурдин»*) Бу сўз луғатда *танимоқ, билмоқ* маъноларини англатади. Аммо *илм* сўзи англатган *билиш* билан *маърифат* сўзи англатган *билиш* ўртасида фарқ бор. *Маърифат* деганда – нарсанинг белгиларини (сифатларни) идрок қилиш тушунилса, илм орқали *билиш*да нарсанинг ўзини (зотни) идрок қилиш тушунилади. Бошқачароқ айтилса, илгари билмаган нарсасини билиш маърифатдир. Шунинг учун *ориф* сифатини Оллоҳга нисбатан қўллаб бўлмайди. Чунки олдин билмасдан кейин билим ҳосил бўлиши Яратувчига эмас, яратилганларга хос сифатдир. Қадим манбаларда, хусусан мумтоз адабиётимизда *маърифат* лафзи орқали *Яратувчини таниш* тушунчаси ифодаланган. «Саботул ожизин»да ҳам мазкур сўз саккиз ўринда келиб, барчасида айни маънода қўлланган: *Билур ҳар кимда бўлса маърифатдин,Бири қудрат эрур саккиз сифатдин.* Кейинчалик ўзбек тилида *маърифат* сўзининг маъно доираси янада кенгайди. Асл тақозо қиладиган сифатлар аслнинг ўрнида истеъмол қилина бошлади. Масалан, «маърифатли киши» деган сўздан энди бевосита *Оллоҳни онгли равишда англаш* сифати тушунилмайди. Балки, замонамиз кишисининг маърифати – кўп маълумотлардан хабардорлик, расмий одоб этикетларини ўзлаштирганлик, яъни билимли, маданиятли, зиёли бўлишдан иборат, деган қараш бугун

меъёрга айланган. 4-7, 6-12, 7-28, 11-14, 21-3, 29-5, 37-18, 59-11, 60-2

Мағфират – (Матнда бир неча ўринда келган. Мисол: *«Агар чандики, бандангдур бад афъол, Рахи исёна савби мағфират сол»*) «Мағфират» сўзининг луғавий маъноси – кечириш, ёпиш, бекитиш, яшириш. Журжонийнинг «Ат-таърифот» китобида бу сўзга шундай таъриф берилган: «Мағфират – Қодир зотнинг ўз қудрати остидаги банда тарафидан содир бўлган ёмонликни бекитмоғи, ёпмоғидир». «Ал-фуруқул луғавиййа» луғатида *кечирмоқ* сўзига маънодош бўлган *афв* лафзи билан *мағфират* лафзининг маънодаги нозик айирмаси шундай изоҳланади: «Афв – гуноҳ учун бериладиган жазодан кечиш, мағфират – савоб амални юзага чиқариш билан гуноҳни ёпиш. Шунинг учун ҳам мағфират қилиш бандanинг эмас, Оллоҳ таолонинг сифатидир». 18-24, 21-5, 27-9, 27-18, 32-17, 58-13, 62-20, 71-8, 76-27, 81-8, 81-9, 81-20

Нома – (Матнда бир неча ўринда келган. Мисол: *«Ўзингдин кетма ихлоси авома, Суюнма **нома** келмай яхши нома»*) *Нома* форсий сўз бўлиб, *хат, мактуб, рисола, битик* деган маъноларда ишлатилади. Матнда бу сўз инсоннинг бутун ҳаёти давомида қилган барча – яхшию ёмон амалларининг рўйхати, яъни *номаи аъмол*(амаллар ёзилган битик) деган маънони ифодалаб келган. Қуйидаги оятларда *номаи аъмол* ҳақида аниқ ва тафсилотли маълумотлар берилган: «Мана бу китобимиз(яъни, Бизнинг амримиз билан ёзилган номаи аъмолингиз) сизларга ҳақиқатни айтур. Дарҳақиқат, Биз сизлар қилгувчи бўлган барча амалларингизни (ушбу номаъи аъмолга) кўчириб қўйгандирмиз» (Жосия сураси, 29). «Бас, энди ўз китоби – номаи аъмоли ўнг қўлидан берилган киши: «Мана менинг китобимни ўқинглар. Дарҳақиқат, мен ҳисоб-китобимга(яъни, охиратдаги ажр-мукофотга) рўбарў бўлишимни билган эдим»-дер... Энди ўз китоби чап қўлидан берилган кимса эса дер: «Эҳ, қани энди менга китобим берилмаса эди! Ва

мен ҳисоб-китобим(яъни, оладиган жазойим) нима эканини билмасам эди!» (Ал-Ҳаққа сураси, 19-26). «(Сўнг ҳар бир кишининг) китоби – номаи аъмоли (ўртага) қўйилур. Бас, гуноҳкорларнинг ундаги (битилган) нарсалардан даҳшатга тушиб: «Бизларга ҳалокат бўлгай, бу қандоқ китобки, на кичик ва на катта (гуноҳни) қолдирмай, барчасини ҳисоблаб-битиб қўйибди» дейишларини кўрурсиз. Улар қилиб ўтган барча амалларини ҳозиру нозир ҳолда топурлар. Парвардигорингиз ҳеч кимга зулм қилмас»(Каҳф сураси 49). (У Кунда) Ер (қаттиқ) ларзага келди; тоғлар титилиб, чанг-тўзонга айланди ва сизлар уч синф-тоифа бўлиб қолдингизлар. Бас, (у уч тоифадан биринчиси) ўнг томон эгаларидир. Ўнг томон эгалари (бўлмоқ) не (саодат)дир! (Иккинчи тоифа) шум-чап томон эгаларидир. Шум-чап томон эгалари (бўлмоқ) не (бахтсизлик)дир! (Воқеа сураси, 4-9). Бу оятни Шайх Алоуддин Мансур шундай изоҳлайди: «Ўнг томон эгалари дунё ҳаётида иймон-эътиқод билан ўтганлари сабабли Қиёмат Кунида номаи аъмоллари ўнг томонларидан берилиб, жаннат неъматларига сазовор бўлган саодатманд кишилардир. Чап томон эгалари эса дунё ҳаётида куфру исён билан ўтганлари сабабли Қиёмат Кунида номаи аъмоллари чап томонларидан берилиб, дўзахга гирифтор бўлган бадбахт кимсалардир». 18-10, 18-11, 18-13, 18-15, 18-25, 18-27, 52-5, 80-25, 82-11

Раҳмат – (Ўзакдош вариантларини ҳисобламаганда айни шаклда 26 ўринда келган. Мисол: *«Етар **раҳмат** суви кўк кавкабина, Етушмас қатрае гумроҳ лабина»*) **Раҳмат** сўзининг луғатдаги маънолари: *меҳр-шафқат, меҳрибонлик, ҳамдардлик, қайғуриш, ичдан куйиниш, юмшоқлик, яқинлик.* «Раҳмат – муҳтож кишига берилган инъом, раҳмат – қалб юмшоқлигининг сабаби» – дейилган баъзи манбаларда. Яна айтиладики, юмшоқлик раҳматдан кучли, раҳмат юмшоқликдан кенгдир. Раҳматнинг ёмғирга ташбеҳ қилиниши, айрим ўринларда раҳматнинг ёмғир деб тафсир этилиши мана шу мўл-кўллик, кенглик сифати билан боғлиқ бўлса ажаб эмас. «Фиққул луғат» китобида

солавот сўзи изоҳланар экан, жумладан айтилади: «Оллоҳ таоло тарафидан бўладиган солат – раҳмат, фаришталар тарафидан бўладиган солат – истиғфор, мўмин бандалар тарафидан бўладиган солат – сано ва дуодир». 1-35, 2-1, 2-12, 7-25, 9-10, 18-11, 18-14, 18-24, 18-26, 26-49, 32-6, 32-16, 39-21, 39-22, 51-13, 51-14, 69-1, 69-8, 70-0, 70-1, 70-5, 80-17, 82-2, 82-4, 82-7, 82-12

Савоб–(Матнда бир неча ўринда келган. Мисол: «*Очиб-дурсан бирodарликни бобин, Топибсан амри маъруфнинг* ***савоб****ин*»). *Савоб* сўзининг луғавий маъноси - *мукофот*. Манбаларда бу сўз ажр лафзи билан маънодош сифатида ишлатилади. Аммо Абу Ҳилол Аскарийнинг «Ал-фуруқул луғавиййа» асарида изоҳланишича, мазкур сўзлар орасида нозик фарқ бор. *Ажр* лафзида мукофотни тақозо этадиган иш қилинишидан илгари мукофотнинг мавжудлиги тушунилса, *савоб* лафзида мукофотни тақозо этадиган амал бажарилганидан сўнг мукофотнинг пайдо бўлиши англашилади. Умуман, савоб деганда мўмин кишининг дунёда қилган яхши амалларига охиратда бериладиган мукофот тушунилади. 9-22, 11-22, 11-25, 12-8, 16-12, 71-20, 75-17, 75-18, 75-30

Сағира – Кичик гуноҳ. Қуръони каримда гуноҳнинг катта ва кичик бўлиши ҳақида зикр этилган: «Агар сизлар манъ этилган гуноҳларнинг катталаридан сақлансангизлар, қилган кичик гуноҳларингизни ўчирурмиз» (Нисо сураси, 31). Баъзи олимларнинг айтишича, кичик гуноҳнинг таърифи шуки, уни содир этган кишига бу дунёда жазо тайинланмаган, шунингдек, кичик гуноҳни қилган киши Оллоҳнинг лаънати, ғазаби ва дўзах азоби билан қўрқитилмаган. Абу Ҳомид Ғаззолий гуноҳнинг катта ва кичикка бўлиниши ҳақида шундай фикр билдиради: «Катта (ёки кичик) гуноҳ лафз жиҳатидан мубҳам. На луғатда, на шариатда унинг қатъий чегараси бор. Негаки, «катта» ва «кичик» тушунчаси нисбийдир. Гуноҳнинг катта деб ҳисобланиши ундан қуйироқда кичик гуноҳ тургани учун,

гуноҳнинг кичик деб ҳисобланиши ундан тепароқда катта гуноҳ борлиги учундир». «Саботул-ожизин»да гуноҳнинг катта ёки кичик бўлиши таъкидлангани ҳолда, бу масалада катта-кичик деган ўлчовлар эмас, балки ўша гуноҳларга Яратувчининг муносабати муҳимроқ экани уқтирилади. Оллоҳ билмасдан қилиб қўйилган битта катта гуноҳни афв этиши мумкин бўлган – Ғофир, айбларни бекитувчи – Сотир зот. Шунингдек, агар Оллоҳ хоҳласа, такрор қилинаётган кичик гуноҳ учун жазо бериш эрки ҳам ўзида:

Агар афв этса осоми кабоир,
Дегил жойиз, Удир Ғофиру Сотир.
***Сағира**дин агар тутса Худованд,*
Дегилким, эрк Анингдур, эй хирадманд. 24-7

Сидқ – (Матнда бир неча ўринда келган. Мисол: *«Худовандо, йироғ этгил риёдин, Айирма **сидқ**у ихлосу зиёдин»*)Қуръони каримда *сидқ* ўзагидан ясалган сўзлар 158 ўринда учрайди. Муфассирларнинг шарҳига кўра, мазкур сўзлар асосан, «ҳақни сўйлаш, ҳақдан чалғимаслик, тўғри бўлиш» маъноларига далолат қилади. «Албатта сидқ яхшиликка, яхшилик эса жаннатга йўллайди. Киши то рост гапирар экан, уни «сиддиқ» деб ёзиб қўйилади. Шубҳа йўққи, ёлғон ёмонлик сари, ёмонлик эса жаҳаннамга ҳайдайди. Киши ёлғон гапирар экан, уни «каззоб» деб ёзиб қўйилади»(Ҳадис, муттафақун алайҳ). Бишр ибн Ҳорис айтади: «Ким Оллоҳ таолога сидқ ила муомала қилса, одамлар кўзидан яширин бўлади». Бир киши Луқмони Ҳакимга: «Бирорта содиқ киши топмадим?»-дебди. Шунда Луқмон унга:«Агар ўзинг содиқ бўлганингда содиқларни таниган бўлардинг»- деган экан. Абу Ҳомид Ғаззолий дейди: «Ҳаромдан четлашиш – парҳез, шубҳали нарсалардан четлашиш – тақво, охират йўлида озиқ бўлмайдиган барча нарсадан четлашиш – сидқ, бу амалнинг соҳиби сиддиқдир». 6-52, 7-15, 11-3, 11-5, 19-1, 25-11, 47-8, 63-16, 64-1

Суннат – (Матнда бир неча ўринда келган. Мисол: *«Солибдур аҳли **суннат** роҳи омма, Бу йўлдин чиқмағил ўзга*

мақома» 44-5) «Суннат» лафзининг луғавий маъноси – *йўл*. Истилоҳий маъноси – Пайғамбар алайҳиссаломнинг айтган сўзлари(*ҳадис*), қилган ишлари(амалий суннат) ҳамда *тақрир*ларидир (Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларида биров бирор сўз айтса ё бирор иш қилса, у сўз ё ишга Расулуллоҳ эътироз билдирмаган бўлсалар, буни *тақрир* дейилади ва у ҳам суннат ҳисобланади). 2-9, 6-54, 7-4, 9-17, 11-24, 11-25, 23-27, 25-4, 41-36, 44-5, 45-1

Тавфиқ – (Матнда бир неча ўринда келган. Мисол: *«Зарарга рози бўлмас ҳаргиз акмал, Ҳидоят бирла **тавфиқ**ин тилар бал»*) *Тавфиқ* сўзига «Ат-таърифот» китобида: «Оллоҳ таоло бандасининг феълини Ўзи яхши кўрадиган ва рози бўладиган нарсага мувофиқ қилиб қўйишидир» деб таъриф берилган. 7-26, 34-6, 76-13, 77-4

Талаб – *Талаб* сўзининг луғавий маъноси – хоҳламоқ, *истамоқ*; *изламоқ*. Матнда *талаб амри*, *талаб дарди*, *талаб бозори* каби бирикма ҳосиласида ифодаланган. Бу бирикмаларни «Саботул ожизин»да қўлланган арабий жумла ва бирикмалар» бўлимида келтирилган «Бас, Мени изла, топасан»(«фатлубни тажидни») қудсий ҳадиси асосида талқин қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади. «Изласанг топасан» деган бу ҳикматда васл умиди бор. Шу мақсадда йўлга чиққанлар мумтоз матнларда «талаб аҳли» истилоҳи билан номланади. Матнда *талаб аҳли*нинг сифатлари байтма-байт зикр қилинган: улар доим илм талабида бўладилар, бу йўлда уятчанлик қилганлар, жаннатдан қуруқ қоладилар (4-8). Улар синмайдиган тавба ҳассасини қўлга олиб, Яратгандан *талаб дарди* билан ўзларини Ўзининг йўлига солишини илтижо этадилар (34-7). Қаттиқ тош ўзини оғир санаб, катта кетди ва бозорда арзимас, сонга илинмайдиган матоҳга айланди. Дур эса ўзини кичик санаб, харидор олдида баҳоси ошди. Демак, мутакаббирлик талаб аҳлига ёт, бегона табиат (48-32, 48-32). Уларнинг Ҳақ розилиги, васлига бўлган талаби соат сайин кўпайиб боради, дарёларни ҳўплаб ичганлари сайин ташнали-

клари зиёдалашади (60-4). Ахир Парвардигорининг Ўзи «Мени изла, топасан» деб буюриб турган бир пайтда ҳолини англаган банда қандай қилиб бу йўлдан қайтсин, талаб қилишдан тўхтасин?! (60-7) Алишер Навоийнинг «Лисонут тайр» достонида ҳам талаб аҳлининг, хусусан, талаб водийсининг сифатлари фасоҳат ва балоғат билан тавсиф этилган:

Чун талаб водийсиға қўйсанг қадам,
Оллингға ҳар дам келур юз минг алам.
Ҳар дам анда юз маломат юзланур,
Ҳар нафас минг саъб ҳолат юзланур.
Истамак ранжи кўнгулни зор этар,
Топмомоғлиғ руҳни афгор этар.
Жонни куйдурмак бўлуб маҳрумлуқ,
Васлининг миъоди номаълумлуқ...

Тасбиҳ – (Матнда бир неча ўринда келган. Мисол: *«Тилингда халқ аро **тасбиҳ**у таҳлил, Ва лекин ботининг тазвир ила ҳийл»*) «Субҳаноллоҳ» дейиш (яъни, «Оллоҳни ҳар қандай ширкдан поклайман»деган маънодаги зикр, яъни Оллоҳни эслаш калимаси) 26-43

Тақво – (Матнда бир неча ўринда келган. Мисол: *«Ишингни айлағил кун-кундин ақво, Худони суйганидур аҳли тақво»*) Қуръони каримда *мазкур* сўз кўп бора такрорланади. Қуръоннинг аввалги сураларидаёқ инсонлар мудом тақвога чақирилади. «Шак-шубҳасиз, мутлақ ҳақиқат бўлган Китоб – Қуръони карим тақволи – иймонли инсонлар учун ҳидоят – тўғри йўлдир. Аммо иймонсиз кимсалар – кофирлар ва мунофиқлар эса ушбу ҳақ Китобнинг ҳақлигига ишонмайдилар ёки доим шак-шубҳада адашиб-улоқиб умрларини зое қиладилар. Демак, Қуръондан фойдаланиш, яъни ҳидоятланиш – тўғри йўлни топиш учун кишида тақво бўлиши керак».[1] Журжонийнинг «Ат-таърифот» китобида *тақво* сўзи шундай изоҳланган: «Тақво луғатда

[1] Қаранг: Шайх Алоуддин Мансур. Қуръони Азим тафсири. 1-жилд. Кагаз ресурстары. Ош – 2011. Б.54-55.

الاتقاء яъни «сақланиш, ҳимояланиш, огоҳ бўлиш, қўрқиш» маъносини англатади. Истилоҳий маъноси – Оллоҳга итоат қилиш билан Унинг азобидан сақланиш». Яна айтиладики, тақво бу – Оллоҳдан узоқлаштирадиган ҳар қандай нарсадан чекинмоқ. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан тақво ҳақида сўралганида у зот жавобини «саволга савол» йўсини билан гўзал бир тарзда изоҳлаган эди. Бу ҳадис Шайх Алоуддин Мансур тафсирида шундай келтирилади: «Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан тақво ҳақида сўралганида: – Яланг оёқ ҳолда тиконли йўлда юрганмисан?– дедилар. – Ҳа, – деган жавоб бўлгач, – ўшанда қандай қилиб ўтиб олгансан?– яна сўрадилар. –Тиканни кўрганда ундан четлаб ўтдим, ўзимни ундан узоқ тутдим, ҳеч ҳам тиканга яқин йўламадим, – деди савол қилгувчи киши. Шунда Абу Ҳурайра айтди: – Ана ўша (яъни, Оллоҳ таоло буюрган йўлда юриш, У зот қайтарган нарсалардан узоқ бўлиш, уларга яқин келмасдан четлаб ўтиш) тақво бўлади». Тафсир давомида келган қуйидаги ҳадис ва унинг шарҳи ҳам тақво маъносини янада равшанроқ очади: «Жаноби Расулуллоҳдан тақво ҳақида сўралди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Тақво бу ерда бўлади» – деб жавоб бердилар ва қалбларига ишора қилдилар. Тақво Оллоҳдан қўрқишдир. Оллоҳдан қўрқиш эса тилда ёки кийимда бўлмайди, дилда бўлади. Дил Оллоҳдан қўрқса, Оллоҳ рози бўладиган ишларни қилади, Оллоҳ таоло қайтарган ишлардан қайтади. Тақволи инсон бу дунёда ҳар бир қадамини ўйлаб босади, фақат гуноҳ-маъсиятлардан эмас, ўша гуноҳларга олиб бориш хавфи бўлган ҳар қандай ишдан ҳам ўзини тияди. Масалан, хаста одам табибнинг кўрсатмаси билан ўзига зиён бўладиган ҳаром нарсалардангина эмас, балки баъзи ҳалол нарсалардан ҳам ўзини тияди, парҳез қилади. Чунки у шу ишни қилмаса, тузалмаслигини жуда яхши билади. Тақво ҳам, таъбир жоиз бўлса, маънавий парҳез демакдир.»[1] 22-9, 44-18, 48-2, 63-7, 75-13, 80-41, 80-42, 81-18

[1] Кўрсатилган манба: –Б57-58.

Таҳлил – (Матнда келиши: *«Тилингда халқ аро тасбиҳу **таҳлил**, Ва лекин ботининг тазвир ила ҳийл»*) «Ла илаҳа иллаллоҳ» (яъни,*Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, дейиш.* Бу иймон калимаси бўлиб, уни тилида айтиб, дилида тасдиқ этган киши мўмин саналади). 26-43

Улул азм - (Матнда келиши: «*Таҳоратдин сўнг ул шоҳи **улул азм**, Жамоатга борурга айлади жазм*»). Манбаларда хабар берилишича, элчи пайғамбарлар ичида улул азм, яъни сабру матонат эгалари бўлганлари бор. Улар ҳақида Қуръони каримнинг Аҳқоф сураси 35-оятида зикр қилинган. Улул азм пайғамбарларнинг сони ҳақида уч хил қавл(сўз, қараш) бор:

1) ҳар бир расул(элчи) пайғамбар улул азм сифатига эгадир;

2) Анъом сурасида номи зикр қилинган расуллардан ўн саккизтаси улул азм пайғамбарлардир;

3) Аҳзоб ва Шўро сураларида номлари зикр қилинган Нуҳ, Иброҳим, Мусо, Исо ва Муҳаммад алайҳиссаломлар улул азм пайғамбарлардир. (14-4)

Фарз – (Матнда келиши: *«Биродарлар, будур бу қулнинг арзи, Валий бўлғайму, қилғон тарки **фарз**и?!»* 44-27) Оллоҳ таоло бандасига буюрган ишлар. Бу буйруқлар Қуръони каримда ва ҳадиси шарифларда қатъий далил билан собит бўлган. Бунга шубҳа билан қараган одам, ақидага кўра, иймонсиз ҳисобланади. Фарз амалларнинг мажбурийлигини инкор қилувчи киши кофир бўлади, уларни беузр тарк қилган киши азобланади. 2-9, 44-27, 44-28

Фатво – «Мўъжамул васит» луғатида: «Шаръий ёки қонуний жиҳатдан мушкил саволларга жавоб бериш фатво дейилади» деб таъриф берилган. Шаръий истилоҳда эса фатво сўралган масалага далил асосида шаръий ҳукмни баён қилишдир. 81-15

Қалам – (Матнда келиши: *«Фано бўлмас деди Лавҳу **Қалам** ҳам, Ақида булдур, эй фарзанди Одам»* 24-17) Мўъ-

табар манбалардаги маълумотларга кўра, илк яратилган нарса қаламдир. «Қаламдан мурод Лавҳул Маҳфузни ёзган қаламдир. Оллоҳ таоло «Вал қалами...»(қаламга қасамки...) (Қалам сураси,2) деган сўзлари билан ўша қаламни улуғлаяпти»-дейишади кўпчилик муфассирлар. Алақ сураси тафсирида Қатодадан келтирилишича: «Қалам – Оллоҳнинг улуғ неъмати. Агар қалам бўлмаганида дин қойим бўлмас эди, ҳаёт яшашга салоҳиятли бўлмаган бўлур эди. Бу қаламнинг камоли ҳурматига далолат. Қалам туфайли банда билмаганини билади, жаҳолат зулматидан илм нурига чиқади. Қаламнинг манфаати шу даражада улуғки, агар у бўлмаганида китоблар қандай девон қилинарди, аввалгиларнинг ҳикмату донишлари бизгача қандай етиб келарди... агар қалам бўлмаганида на дунё, на дин иши изга тушарди. Қалам нима учун «қалам» деб номланди? Чунки бу сўзнинг луғавий маъноси – *кесмоқ*...»(бу ўринда *ростлик, тўғрилик, аниқлик* дейилмоқчи). Убода ибн Сомит ўлими арафасида ўғлига шундай деган экан: «Эй ўғлим! Токи сенга етган мусибат сени адаштириш учун ва сени адаштирган нарса сенга мусибат етказиш учун бўлмаганини билгунингча, иймон таъмини тотолмайсан. Расулуллоҳнинг шундай деганларини эшитганман: «Оллоҳнинг энг аввал яратган нарсаси қаламдир. Оллоҳ таоло қаламга: «Ёз!»-деди. Шунда қалам: «Эй Раббим, нимани ёзай?»-сўради. «То Қиёматгача бўладиган барча нарсанинг тақдирини ёз!»-буюрди Оллоҳ...» 24-17

Қурб, қурбат – (Матнда бир неча ўринда келган. Мисол:«*Киши бўлса Набининг суҳбатида, Гумон йўқтур аларнинг қурбатида*») Қурб сўзининг луғавий маъноси – яқинлик. Қурбат, қариб, тақарруб, қурбон лафзлари ҳам шу ўзакдан ясалган. Илмий-адабий манбаларда Яратувчига яқинлик ҳосил қилишга восита бўладиган яхши амал қурб ёки қурбат калималари билан ифода этилади. *Қурбат* сўзи *ибодат* маъносида ҳам келади.Аслида, Оллоҳга яқин бўлиш истагининг ўзи ва ўша ният тақозо қилган кичик ишорадан то улкан ҳаракатгача барча-барчаси тоат,

Яратганга қуллик ҳисобланади. 3-1, 11-19, 13-16, 13-29, 20-9, 26-8, 29-1, 59-1, 60-8, 80-45

Ҳидоят – (Матнда бир неча ўринда келган. Мисол: *«Ва лекин қилмади ул даъвати бад,* ***Ҳидоят****га дуо қилди Муҳаммад»* 77-4*)* Тўғри йўл кўрсатиш; тўғри йўл топиш. Фотиҳа сурасида: «Ўзинг бизни тўғри йўлга ҳидоят қилгин» ояти бор. Муфассирлар ушбу оятни «Фотиҳа сурасининг юраги» дейишган. Бу қиёс *ҳидоят* тушунчасининг нақадар кенг ва чуқур эканини англатади. Оллоҳ таоло оятда тўғри йўлга йўллашни Ўзидан сўрашни буюряпти. Демак, инсон ўз илмига, ақлига ёки бошқа нимагадир суяниб тўғри йўлни топиб оламан, деса, аниқ янглишади. Баъзи муфассирлар *ҳидоят* сўзини *тавфиқ* маъносида қўллайдилар. «Агар Оллоҳ таоло Ўз инъоми – марҳамати билан кимнинг онггига, вужудига, қалбига Тўғри Йўлга бўлган муҳаббатни сингдирар экан, мана шу Оллоҳнинг ҳидоятидир»- дейилади Шайх Алоуддин Мансур тафсирида. 7-26, 11-2, 21-2, 34-6, 76-13, 77-4

Тўртинчи бўлим

Луғат

Абас а. عبث Эрмак, ўйин; беҳуда 26-52, 53-10, 58-12, 70-5

Абйаз а. ابيض Оқ, оппоқ 2-7

Авбош ф. اوباش Дайди, безори 41-29

Авомир а. اوامر (бирл. амр) Буйруқлар 13-9

Аврат а. عورة Инсоннинг очилиши, номаҳрамларга кўрсатилиши мумкин бўлмаган аъзолари 57-21, 57-12

Авраъ а. اورع Оллоҳдан қўрқувчи 79-12

Авсоф а. اوصاف (бирл. васф)Сифатлар, таърифлар; мақтовлар 2-11, 24-13

Авқот а. اوقات (бирл.вақт) Вақтлар 26-3

Адад а. عدد Сон, саноқ 33-6

Адам а. عدم Йўқ, йўқлик 28-4

Адн а. عدن (“Баъзи диний атама ва тушунчалар изоҳи”даги адн луғат мақоласига қаралсин) 68-5

Адув а. عدو Душман 7-24, 7-25, 63-18

Аё ایا Эй (нидо) 25-13, 26-13, 77-3

Ажр а. اجر Мукофот 36-29

Ажуз а. عجوز Кекса, қари 27-22

Азал а. ازل Аввали, бошланиши йўқ замон; қадим 1-32, 61-36, 63-28, 63-29

Азалл а. اذل Хор, хароб 9-20

Азвож а. ازواج (бирл. завжа) Хотинлар, жуфти ҳалоллар 42-2, 42-6

Азвоқ а. اذواق (бирл. завқ)Завқлар, севинчлар 33-6

Айағ اياغ Коса, пиёла 30-6

Аймоғ ايماغ Айтмоқ 55-4

Акнун ф. اكنون Энди 63-1

Алтоф а. الطاف (бирл. лутф) Лутфлар, яхшиликлар, марҳаматлар 18-22, 56-22, 75-25

Амм а. عم Амаки 35-20

Амлок а. املاك (бирл. мулк) Мулклар 31-13

Аммора а. امارة Буюрувчи, ундовчи (ёмон йўлга) 63-10

Амн а. امن Омонлик, тинчлик, осойишталик 68-2

Анбуҳ ф.انبوه Тўпланган 77-5

Ар ф. ار Агарнинг қисқарган шакли 80-31

Арақ а. عرق Тер 14-5

Арз а. ارض Ер 2-9

Арз а. عرض Баён, маълумот; зорланиш, ёлвориш 35-19, 44-27

Арзан ф. ارزن Тариқ 26-4

Ариғ 1 اريغ. Покиза, соф; 2. Ариқ 26-36, 27-16, 45-13, 48-7, 52-17, 52-26; 37-12, 75-17

Ароиз а. عرائض (бирл. арз) Арз-шикоятлар 44-29

Асдақ а. اصدق Энг тўғри, ишончли, ростгўй 12-9

Асмар а. اثمر (бирл. самар, самара)Мевалар, ҳосиллар

Асрор а. اسرار (бирл. сир) Сирлар 16-10, 25-22, 26-49, 27-19, 28-29, 29-8, 34-9, 45-4, 50-30, 70-3

Ато а. عطاء (“Баъзи диний атама ва тушунчалар изоҳи”даги ато луғат мақоласига қаралсин) 7-17, 34-5, 54-9, 68-5, 74-9, 81-20, 82-8

Атқиё а. اتقياء (бирл. тақий)Тақво эгалари 9-19, 38-1, 51-10

Атқо а. اتقى Энг тақволи 28-42

Афруз ф. افروز Куйдирувчи; ёритувчи 54-13

Афъа а. افعى Катта илон (қофия талабига кўра матнда афъи) 66-8

Ахшом احشام Оқшом, кеча 28-23, 58-1, 63-1

Аъдал а. اعدل Адолатли, одил 9-16

Аъзам а. اعظم Улуғ 52-27, 57-37

Аъзор а. اعذاز (бирл. узр) Узрлар 65-10

Аъмо а. اعمى Кўзи ожиз, кўр 44-22

Аъмол а. اعمال (бирл. амал) Амаллар 44-18

Ашбоҳ а. اشباه Ўхшашликлар 13-5

Ақво а. اقوى Кучли, бақувват 80-41

Ақвол а. اقوال (бирл. қавл) Сўзлар 64-14

Ақсо а. اقصى Энг чека жой; ўлка ёки шаҳарнинг узоқ бурчаги; масжиди Ақсо – Қуддусдаги катта масжид 10-3

Ағёр а. اغيار (бирл. ғайр) Бегоналар, рақиблар, душманлар 29-8

Байзо а. بيضاء Оқ, оппоқ; порлоқ; офтоб 59-2

Байакбор ф. با يكبار Бир марта 62-7, 26-16, 26-49

Базл а. بذل Саховат, туҳфа 57-14

Бал а. بل Балки 9-20, 76-13

Бани а. بنى (бирл. ибн)Болалар, фарзандлар 1-3, 7-16, 32-13, 41-19

Барф.1 بر.Мева; **2**.Этак; **3.**Кўкрак, бағир; **4**....да (устида) 26-47, 46-6; 50-26; 39-24; 39-24

Барр а. بر Биёбон 51-7

Барас а. برص Оқлик, пес 39-24

Барқ а. برق Чақмоқ 1-37

Басар а. بصر Кўз; кўрмоқ 6-2, 6-21

Бастаа. بسته Қўшиш, улаш 71-9

Батаққиқ ф.а. با تحقيق Албатта 11-8

Батхо а. بطحاء Кенглик; макка атрофида, тоғ оралиғидаги бир дара

Баъид а. بعيد Узоқ, йироқ 52-31

Бағишламоқ بغيشلاماق Кечирмоқ 18-22

Баҳойим а. بهائم Тўрт оёқлик ҳайвонлар,чорпо 9-20, 23-28, 26-4, 26-33, 27-2, 39-22

Беком ф.1 بي كام. Оғизсиз; 2.Умидсиз; маҳрум6-30, 6-31

Берун ф. بيرون Ташқари 33-6

Бесомон ф. بي سامان Иложсиз, кучсиз; паришон 62-1

Бетўша ф. بي توشه Озиқсиз, таъминотсиз 26-19

Бех ф. بيخ Томир, илдиз 44-17

Беш ф. بيش Кўп, ортиқ, зиёда 63-29

Бешаф. بيشه Ўрмон, тўқай 28-10

Беҳ ф. به Яхши, хўб; маъқул 22-2, 23-19, 25-23, 37-14, 41-5, 41-6, 44-17, 50-12, 53-9, 54-25, 56-4, 57-5, 57-24, 63-18, 71-19, 73-3, 74-6

Бийно ф. بينا Кўрувчи, ўткир кўзли; зийрак 56-17

Бизоат а. بضاعت Мол, савдо матоҳи 62-21, 72-12

Било а. بلا (ب+ لا) ...сиз (матнда келиши: “било шаҳват”, яъни шаҳватсиз) 8-3

Бирён ф. بريان Куйган 39-11

Биҳишт ф. بهشت Жаннат 1-34, 7-8, 10-6, 11-3, 11-14, 18-14, 21-3, 24-10, 42-21, 68-5, 68-9, 71-21

Беқийл ф.а. بي قيل Сўзсиз 13-18

Бовар ф. باوار Ишониш; ишонч 44-4, 49-3

Бод ф. باد Шамол 20-8, 42-43, 45-7, 46-14, 50-25, 61-16, 63-6, 65-9

Боз ф.1 باز. Лочин (матнда бозий); 2. Яна, тағин 28-48, 59-4; 6-33, 6-43, 14-6, 14-7, 18-7, 26-42, 28-48, 39-18, 69-6, 70-7, 71-4, 80-8

Бозий ф. بازی Ўйин 28-48

Бозий ф. بازی Қарчиғай 28-48

Бозу ф. بازو Билак 35-7

Бол ф. بال Қанот; қўл (елкадан қўл учигача) 45-13

Бол بال Асал 35-23,45-13, 65-12, 72-9

Болин ф. بالين Болиш, ёстиқ 48-13

Болиғ а. بالغ Балоғатга етган, бўй етган 12-6, 26-5

Боло ф. بالا Баланд, юқори 2-10, 6-6, 6-44, 13-19, 46-2, 57-2, 60-8

Бор ф. بار Марта, карра, дафъа 58-4

Бори ф. باری Яна; ҳаргиз 62-39, 65-8

Борий а. بارئ Яратувчи; Парвардигор 69-10, 73-6

Босафо ф.а. باصفا Сафоли, хуш, пок, тоза

Босахоф.а. باسخا Саховатли

Бот ф. بات Тез, шитоб билан 52-7, 54-14

Ботил а. باطل Бекор қилинган; асоссиз; бузуқ 13-27, 13-31, 45-12, 57-12

Боҳалл ф.а. با حل Гуноҳни кечирмоқ 79-10

Буд ф. بود Борлиқ, мавжудлик 6-13

Бум ф. بوم Бойқуш, бойўғли 26-6

Бурноғи بورناغی Илгариги, аввалги 18-3

Бурундуқ بوروندوق Жилов, юган 63-6

Бурҳон а. برهان Далил, ҳужжат 72-4

Бухл а. بخل Бахиллик 75-23

Буғ ф. بوغ Сур 80-31

Бўрк بورك Бош кийим 39-10

Вабол а. ووبال Бузуқлик; гуноҳ; қийинчилик; зарар 42-13, 45-14, 48-13, 52-30, 75-29

Вагарна а.ф. و گرنه Гарчи (ва агар қанчалик нинг қисқартма шакли)

Вазирак а. وزیرك Вазир (-ак кичрайтиш қўшимчаси) 80-31

Валима а. ولیمة Базм, зифат, тўй 52-32

Валоят а. ولایة Валийлик 28-28, 78-9

Варам ф. ورم Шиш 53-13

Вараъ а. ورع Манъ қилинган ишлардан тийилиш; парҳезкорлик 48-2

Вар ф. ور Гарчи (ва агарнинг қисқартма шакли)9-20

Варо а. وری Махлуқ, яралмиш 51-20

Ваъид а. وعید Қўрқитиш, таҳдид; огоҳлантириш 52-31

Вақор а. وقار Виқор, салобат, улуғворлик 46-20

Ваҳдат а. وحدة Бирлик, ягоналик 79-21

Во 1 وا. “вой”нинг қисқарган шакли. 2. Очиқ (“Иршодул оъизин”да бу сўз هموا шаклида берилган) 30-8

Воли а. والى Ҳоким, ҳукмдор 35-11

Вофи а. وافي Етарли, тугар; сўзида турувчи, вафоли 53-7

Вузуъ а. وضوء Таҳорат (“Баъзи диний атама ва тушунчалар изоҳи”даги вузуъ луғат мақоласига қаралсин) 14-2

Ганда ф. گنده Ёмон, ярамас 82-2

Гардан ф. گردن Бўйин 18-17, 48-14, 53-12, 63-1

Гардун ф. گردون Фалак, осмон 30-11

Гарм ф. گرم Иссиқ, қизғин 70-8

Гаҳвора ф. گهواره Бешик 1-23

Гил ф. گيل Лой, балчиқ 46-7, 51-15

Гирибон ф. گريبان Кийим ёқаси 32-8

Гом ф. گام Қадам 28-24, 1-34

Гузида ф. گوزيده Танланган, сара 34-3

Гумм ф. گم Йўқ, йўқолган 23-18, 27-15, 48-29

Густох ф. گوستاخ Адабсиз; андишасиз 32-32

Гўрда ф. گرده Шижоат, жасурлик 66-10

Гўш ф. گوش Қулоқ 80-20, 26-58, 54-27

Гўша ф. گوشه Бурчак, хилват; чекка жой 26-58, 39-80, 50-7, 54-27

Далв а. دلو Чарм идиш; қовға; челак 51-2, 51-6

Далқ а. دلق Сувсар; сувсар мўйнаси 52-14

Дар ф. در...да (ўрин-пайт келишиги) 60-4, 76-12, 79-8

Даранда ф. درنده Йиртқич ҳайвон 17-18

Дарднок ф. دردناك Дардли; бемор 25-16

Дариғ ф. دريغ Ҳайф, афсус, аттанг; аяш 53-10, 62-29

Дарк а. درك Фаҳм-идрок билан етиш, сезиш; билиш 52-27, 76-12

Дархост ф. درخواست Илтимос 65-13

Даст ф. دست Қўл 18-15, 23-13, 35-3, 49-6, 52-4, 56-22, 61-32, 75-25, 80-45

Дастор ф. دستار Салла 25-17, 53-11, 64-5

Дигар ф. دگر Бошқа 17-20, 51-7, 58-4, 62-29
Дилкушо ф. دلکشا Кўнгил очувчи; ёқимли 45-9
Дови а. داوی Даволовчи 37-22
Додгирф. دادگیر Адолат курашчиси; қасоскор 57-17
Додук ф. دادوك Қари хизматкор 42-18, 64-5
Доман ф. دامان Этак 44-21
Донанда ф. داننده Билувчи, билимдон 26-39, 26-42
Дор ф. دار Эшик 42-1
Доранда ф. دارنده Эга; сақловчи 25-18
Доҳ ф. داه Разил, пасткаш 66-2
Дуф. دو Икки70-4
Дун а. دون Паст, разил 62-13
Дунбола دونباله Думба, қуйруқ 61-2, 63-10, 65-17
Дур ф. دور Узоқ 48-15, 48-33, 80-21
Дуруд а. درود Мақтов; дуо; салом 2-1
Ёзди یازدي Гуноҳ қилмоқ 11-23, 25-13
Ёлин یالین Ёлқин, аланга,чўғ, учқун
Ёнди یاندي Қайтди 71-1
Ёрлиқа یارلقه Кечир 82-11
Ёғин یاغن Ёмғир, ёғин-сочин 32-5, 70-7
Жазра جزره Жазира 50-4
Жайб а. جیب Чўнтак, кисса 18-26, 79-15
Жарима а. جریمه (кўп. жаройим)Гуноҳ 32-34, 58-13
Жадал а. جدل Баҳс-мунозара 7-4, 7-31, 46-11
Жаҳим а. جحیم Жаҳаннам, дўзах 52-35, 82-15
Жибол а. جبال (бирл. жабал)Тоғлар 76-11
Жид(д) а. جد Тиришиш, саъй-ҳаракат 48-6, 60-9
Жийфа а. جیفه Ўлик, мурда, жасад 62-9
Жобир а. جابر Жабр қилувчи, золим 35-30
Жовид ф. جاوید Абадий, мангу)жовидоншакли ҳам учрайди: 68-9, 71-21) 34-12
Жода جاده Жойда(вазн талаби билан жода деб қўлланган) 24-2, 9-5

Жодил а. جادل Баҳсга киришувчи (“Баъзи диний атама ва тушунчалар изоҳи”даги жадал луғат мақоласига қаралсин) 46-10

Жола ф. زاله Дўл; шудринг; маж. кўз ёши 78-7

Жонишин ф. جانشين Ўринбосар; ворис, меросхўр 11-10

Жониб а. جانب Томон, тараф 18-18

Жоҳ ф. جاه Мансаб, мартаба 1-24, 74-3, 74-4, 80-30

Жоҳид а. جاحد Қарши чиқувчи, тўсувчи 13-31

Жуд а. جود Сахийлик; саховат 17-13, 24-34, 44-37

Журм а. جرم Гуноҳ; жиноят 23-13, 82-4

Журмпеша а.ф. جرمپيشه Гуноҳни касб этувчи 25-5

Жўён ф. (جويا)جوين Истаб (истовчи) 39-2

Забона ф. زبانه Тарози тилчаси; аланга, ёлқин 54-15

Замир а. ضمير Ич; юрак; яширин; мазмун 28-49

Зам а. ضم Қўшиш, жамлаш 39-16

Зан ф. زن Хотин 42-14, 42-16, 42-21, 53-1, 53-6

Занги ф. زنکی Қора танли; занжи 41-9

Зард ф. زرد Сариқ; сарғиш 1-28, 27-19

Зарофат а. ظرافة Зийраклик, нозикфаҳмлик 80-30

Захм ф. زخم Яра, жароҳат 32-33, 56-9, 56-10

Заҳра ф. زهره Журъат; интилиш 20-5, 50-29, 71-6

Зи а. (ذو)ذی Эга, соҳиб; зи нафс-нафс эгаси 6-3, 6-51

Зилл а. ظل Соя 28-43

Зимом а. زمام Юган; тизгин; жилов 57-9

Зишт ф. زشت Хунук, ёмон 51-12, 18-31, 23-27

Зойил а. زائل Йўқ бўлувчи, йўқоладиган, ўчадиган 80-40

Зол(л) а. ضال Адашувчи 41-31

Зонн а. ظن Гумон, шубҳа 18-2

Зулл а. ذل Хорлик, ҳақирлик 63-24

Зуҳҳод а. زهاد (бирл. зоҳид) Зоҳидлар; дунёдан меҳрини узганлар 48-16

Игирмак ايكرماك Йигирмак

Идбор а. ادبار Орқа ўгириш (“Баъзи диний атама ва тушунчалар изоҳи”даги идбор луғат мақоласига қаралсин) 35-23

Иди ايدى Иси; ҳиди 13-16

Ижмол а. اجمال Қисқалик, мухтасар 3-5

Изо а. ايذاء Азият 46-13, 79-8

Ийд а. عيد Ҳайит йит байрам 52-31

Ийол а. عيال Хотин; бола-чақа, оила 82-9

Илик (или) ايلي (ايلك) Қўл 42-22, 44-21, 57-30, 79-4, 79-6

Илтизом а. التزام Зарур билмоқ 57-16

Имод а. عماد Таянч, устун 64-10

Имдод а. امداد Мадад, кўмак, ёрдам 1-15, 26-27

Имома а. عمامة Салла 58-10

Ин ф. ان Бу 76-12

Индаллоҳ а. عند الله Оллоҳ ҳузурида 28-46

Инобат а. انابة Вакил қилмоқ(“Баъзи диний атама ва тушунчалар изоҳи”даги инобат луғат мақоласига қаралсин) 45-11

Иноят а. عناية Эътибор, меҳрибонлик, илтифот 9-15,10-4, 11-2, 13-1, 16-10, 20-8, 21-2, 34-6, 42-23, 57-38, 71-18, 78-5, 78-9, 82-1

Инон а. عنان Жилов, тизгин 56-1

Инс а. انس Инсон 1-16, 52-19, 16-7

Инфоқ а. انفاق Сарфламоқ, хайр-садақа қилмоқ 62-21

Ирсол а. ارسال Юбориш, жўнатиш, етказиш 9-22

Ирҳос а. ارهاص Асос; аломат; хайр ишлардан олдинги нишона 13-4

Истикмол а. استكمال Тўлалик, мукаммаллик 13-22

Исна ошар а. اثنا عشر Ўн икки 26-52

Истидрож а. استدراج Даражама-даража Оллоҳнинг азобига яқинлашмоқ 13-7

Истибоъат а. استباعة Эргашмоқ 56-9

Истиғно а. استغنى Ўзгага муҳтож бўлмаслик 37-2

Истиҳлол а. استحلال Ҳалол ҳисобламоқ 24-9

Истиъдод а. استعداد Тайёргарлик, ҳозирлик 61-1

Иттико а. اتكى Суяниш 7-8, 44-2

Ихфо а. اخفاء Яшириш, махфий тутиш 28-29

Иълон а. اعلان Очиқ, ошкора 57-7

Иъода а. اعادة Қайтмоқ 55-3

Ишкам(шикам) а. اشكام Қорин 48-5

Ишкол а. اشكال Шубҳали; ишкал; чигал 79-2

Иқбол а. اقبال Бахт–саодат; ҳақиқатга юзланиш

Йавм а. يوم Кун 53-1, 79-11

Йад а. ياد Қўл 6-19, 76-13

Йак ф. يك Бир 20-9

Йамин а. يمين Қасам; ўнг томон 62-38

Йамм а. يم Денгиз 23-22

Йаъс а. ياس Умидсизлик 68-2

Йақин а. يقين Аниқ ишонч 6-14, 6-36, 7-3, 10-9, 13-26, 13-29, 22-3, 26-28, 41-13, 45-10, 50-16, 52-15, 52-33, 61-8, 62-1, 62-10, 63-2, 64-9, 68-2, 68-11, 71-14, 72-2

Йонгилдим يانكلديم Янглишдим 25-14

Кавдий ф. كودى Пул 37-4

Кавокиб а. كواكب (бирл. кавкаб) Юлдузлар 70-6

Кавнайн а. كونين Икки борлиқ: дунё ва охират 24-3, 1-14, 1-20, 2-8

Кади а. كدى Ҳадсиз атир (“Ал-мунжид” луғатида: المسك (كان لا ريح فيه - كَدِيٌّ 13-16

Кадхудо ф. كدخدا Эр; рўзғор бошлиғи 41-7

Каж ф. كج Эгри, қинғир 63-3, 65-17

Калим а. كليم Гапирувчи (матнда Мусо алайҳиссалом назарда тутилган) 1-18, 1-19

Калом а. كلام Гап; сўз (матнда кўпроқ Қуръони карим маъносида келган) 6-2, 6-19, 6-29, 6-30, 6-33, 8-6, 8-9, 8-10, 57-21

Калҳамаж а.ф. كالهمج Ҳамаж каби (ҳамаж – уясига нажосат тўплайдиган қора қўнғиз) 62-3

Кайд а. كيد Ҳийла-найранг, макр 25-8, 40-1, 45-10

Камина. كمين Пана, яширин жой, пистирма 25-12, 28-6

Канда ф. كنده Ўйилган 57-6

Карашма ф. كرشمه Нозик қараш; жилва, ноз 35-27

Кафтор ф. كفتار Сиртлон, ёлдор бўри 62-2

Каъб а. كعب Тўпиқ, ошиқ 26-6

Кашола ф. كشاله Юз тубан 18-8

Кийн ф. كين **(**كينه **–гина)** Кек, ўч, кўроламаслик, нафрат 35-11, 76-12, 76-15

Кирдор ф. كردار Қўшма сўз таркибида қилиқ, иш, равиш, тарз маъноларида келади 53-11, 13-11

Кирдигор ф. كردكار Яратувчи, Парвардигор 21-5, 27-9

Кишвар ф. كيشوار Мамлакат; вилоят 32-1

Ком ф. كام Тилак, истак; оғиз 30-7

Кулл а. كل Бутун, тўла, барча, ҳамма 61-5, 63-24, 69-9, 71-11

Кунж ф. كنج Бурч, бурчак 41-8

Кутуб а. كتب (бирл. китоб) Китоблар 8-7

Кушода ф. كشاده Очиқ; очилган 54-2

Кўбтурма كوبتورمه Шиширма (“катта кетма” маъносида) 46-4

Кўй ф. كوى Кўча; йўл; қишлоқ, маҳалла 48-31, 78-2, 82-13

Кўнглак كونكاك Кўйлак 30-2

Кўтоҳ ф. كوتاه Қисқа, калта 13-8, 26-17, 81-1

Кўҳ ф. كوه Тоғ 23-6

Кўҳкан ф. كوهكن Тоғ қазувчи

Кўҳансол ф. كهنسال Қари, кекса 81-8

Лабин а. لبين Хом ғишт 61-2

Лаъин а. لعين Лаънатий, лаънатланган 25-9, 57-18

Лағзиш ф. لغزش Тойиш; хато 9-8

Лачак لجك Хотинлар бошига ўрайдиган рўмол; дакана 53-11

Лима а.1 ليمه. Маломатлик(ҲТ) 2.Жамоат, кўпчилик 52-32

Лос ф. لاس Сиёҳдонга сиёҳни қуюқ сақлаш учун солинадиган хом ипак чиқиндиси) 39-15

Лужжа а. لجة Тубсиз сув; денгиз қаъри 52-33, 79-17

Лук ф. لوك Жуни калта,юк ортиладиган туя 63-9

Магар ф. مكر Аммо, лекин 13-24, 23-9, 26-27, 26-39, 26-42, 26-49, 30-14, 48-14, 55-2, 70-3, 71-23

Магас ф. مكس Чивин, пашша 62-6

Мадор а. مدار Ўқ; марказ, ўзак 1-3

Мадхул а. مدخول Кирган 57-18

Мазаллат а. مذلة Хорлик, тубанлик 27-4

Мазбут а. مضبوط Эгалланган; қўлга олинган; маҳкамланган 67-4

Мазийёт а. مزيات Имтиёзли, муносиб, ҳурмат қозонган 34-4

Макошиф а. مكاشف Кашфу карорматлар 28-20

Малбус а. ملبوس Кийим; уст-бош 26-46

Маллоҳ а. ملاح Қайиқчи, кемачи 67-3

Малоҳид а. ملاحدة (бирл. мулҳид) Худосиз, даҳрий 13-31

Манкуб а. منكوب Қийинчиликка йўлиққан; бахтсиз, ҳароб 80-25

Манозил а. منازل (бирл. манзил) Манзиллар 2-7

Маноҳи а. مناهى (бирл. манҳий) Манъ қилинган нарсалар 52-26

Маосий а. معاصى (бирл. маъсият) Гуноҳлар 82-12

Мардумф. مردوم Одамлар, кишилар 27-5, 48-29

Маръа а. مراة Аёл, хотин 33-4, 53-9

Масво(ҳ) а. مثوى Манзил, макон 78-1

Масойил а. مسائل (бирл. масала) Масала; муҳокама мавзуси 81-14

Масҳ а. مسح Масҳ тортиш, сув етказиш, намлаш 12-9

Матбуъ а. متبوع Эргашиладиган шахс 28-43

Мафлуж а. مفلوج Шол, фалаж 80-11, 26-10

Мафтуҳ а. مفتوح Очиқ, очилган 63-25

Махофат а. مخافة Қўрқинч 28-23

Маъдум а. معدوم Мавжуд эмас, йўқ, йўқ бўлган 29-3

Маъзират а. معذرة Узр, кечирим 81-5

Маъйуб а. معيوب Айбдор 26-1, 34-13, 57-3

Маъунат а. معونة Кўмак, ёрдам 13-6

Маъфу а. معفو Афв этилган, кечирилган 24-11

Мақосид а. مقاصد (бирл. мақсад) Мақсадлар 31-3

Мақт а. مقت Нафрат, кек, гина 58-12

Маҳосил а. محاصل (бирл. маҳсул) Ҳосиллар

Маҳв а. محو Йўқолиш 29-2

Маҳжуб а. محجوت Пардаланган, тўсилган 29-8, 3-12

Маҳмил а. محمل Улов устига ўрнатилган ёпиқ кажава; кажавадаги юк

Меҳтар а. مهتر Улуғ, катта; элчи 9-23

Миён а. ميان Ўрта, ўрталиқ 35-31

Мил а. ميل Учи ингичка, ўткир, ништарга ўхшаган асбоб 57-24, 57-25

Минана. منن (бирл. миннат) Миннатлар 37-13

Мор ф. مار Илон 66-8

Мосиво а. ما سوى **...**дан бошқа; ...дан ташқари 28-13, 28-31

Мочахар ф. ماجه خر Урғочи эшак 41-12

Муаббад а. مؤبد Абадий 7-18

Муаккил а. مؤكل Вакил қилинган (фаришталар) 20-4

Мужтаҳид а. مجتهد Тиришқоқ; мустақил фатво чиқариш ҳуқуқига эга олим (“Баъзи диний атама ва тушунчалар изоҳи” бўлимидаги ижтиҳод луғат мақоласига қаралсин) 11-24, 78-15

Музаррот а. مضرات Зарарлар

Музилл а. مضل Адаштирувчи, йўлдан оздирувчи 41-31

Музирр а. مضر Зарар берувчи 39-25

Мукаммил а. مكمل Мукаммал қилувчи, камолга етказувчи 28-43

Мукобир а. مكابر Мағрур; қайсар 35-30

Мулмул а. ململ Мўл-кўл 74-14

Муназзаҳ а. منزه Пок, соф; холи 5-6, 6-4, 6-18, 6-34

Мункар а. منكر Манъ қилинган иш 75-21

Мунқода а. منقادة Эргашувчи, итоаткор (аёл) 43-1

Мурғ ф. مرغ Қуш; парранда; товуқ 59-45

Мушк а. مسك Хушбўй суюқлик, атр 22-2, 37-27

Мусови а. مساوى Тенг, баробар 9-22

Мусоҳиб а. مصاحب Дўст, ҳамроҳ 26-12, 37-18

Муъаллам а. معلم Таълим олган 35-15

Мутмаинна а. مطمئن Хотиржам 63-10

Муханнас а. مخنث Хунаса 25-5

Мухталит مختلط Аралаш, қоришиқ 26-58

Муътақад а. معتقد Эътиқод 13-28, 45-15

Муқарраб а. مقرب Яқин, яқин қилинган 13-33, 8-5

Муғилон ф. مغيلان Чўлда ўсадиган тиканли ўсимлик 75-13

Муҳаққиқ а. محقق Ҳақни юзага чиқарувчи 46-10

Муҳимм а. مهم Муҳим, аҳамиятли 78-5

Муҳтараф а. محترف Касб-кор қилиш жойи 61-11

Мўза ф. موزه Этик, маҳси 12-9

Мўр а. مور Чумоли, қумурсқа 6-37, 35-8, 54-5, 62-6, 74-15,

Набот نبات Новвот 54-14

Надам а. ندم Надомат, пушаймонлик 21-1, 32-30, 32-34,57-4, 59-16

Намима а. نميمة Чақимчилик; иккиюзламачилик 65-22

Нанг ф. ننك Ор, уят, номус 26-46, 39-24

Нар ф. نر Эркак жинс 26-47

Нарм ф. نرم Мулойим 48-9, 71-5

Насойиҳ а. نصائح (бирл. насиҳат) Панд-насиҳатлар 3-11

Нахл а. نخل Хурмо 26-47

Наҳр а. نهر (кўп. анҳор)Дарё 39-17

Наша а. نشاة Ҳузур-ҳаловат 1-4, 51-13, 79-16

Нағу نغو Нечук, қандай 2-11, 26-8, 26-9, 26-34, 58-2

Нек ф. نيك Яхши; гўзал 9-12, 12-8, 26-50, 28-44, 33-7, 35-14, 36-2, 36-4, 39-14, 42-24, 43-1, 44-31, 45-4, 45-15, 49-4, 52-1, 52-20, 54-27, 58-7, 65-4, 65-21, 73-2

Нигин ф. نكين Узук 9-23, 11-10, 1-6

Нигор ф. نكار Расм, тасвир; гўзал 37-16, 61-17

Нигоҳдор ф. نكاه دار Асровчи, сақловчи 80-1

Низ (нез) ф. نيز Яна, тағин 13-10, 36-5

Ноб ф. ناب Тоза, тиниқ, соф 53-8, 58-2, 75-17

Нор а. نار Ўт, олов; дўзах 1-10, 40-2, 42-29

Нохон ф. ناخن Тирноқ 39-24

Нубувват а. نبوة Пайғамбарлик 9-22, 13-4

Нун а. نون Араб алифбосидага «н-ن» ҳарфининг номи 65-17

Нусрат а. نصرة Ёрдам; зафар 78-10

Нуқра ф. نقره Кумуш 39-16,74-17

Нуқуд а. نقود (бирл. нақд) Нақд пуллар 64-14

Нўш ф. نوش Тотли, чучук (сўз бирикмасида келиб, «ичувчи» маъносини ҳам билдиради) 23-21, 62-31, 71-8

Нўҳ ф. نوه Ўн 10-6

Овон а. عوان Миршаб 78-1, 78-2

Одий а. عادى Од қабиласига мансуб кишилар 1-11

Озғирмоқ ازغيرماق Адаштирмоқ

Озғишмоқ ازغيشماق Адашмоқ 51-1

Ол ال Ҳийла, фириб 61-24

Ол а. آل Ўз аҳли, оила42-13, 81-9

Олмос а. الماس Ойна кесадиган тош 76-9

Ойин ф. ايين Одат; тарз; тартиб 80-42, 80-43

Омил а. عامل Амал қилувчи 42-8, 44-15

Омир а. امر Буюрувчи 56-20

Орамида ф. ارامیده Тинч, ором олган 3-3

Орий ф. ارى Ҳа (таъкид жавоб) 1-26

Орий а. عار Яланғоч; маҳрум 62-25, 80-7

Осиб ф. اسیب Зиён, зарар, мусибат 76-11

Осиё ф. اسیا Тегирмон 30-5

Осий а. عاصي Гуноҳкор, итоатсиз 7-19, 17-4, 17-12, 23-24, 23-25, 33-3, 79-2

Осом а. اثام Гуноҳлар 24-6, 44-30

Осор а. اثار Излар, нишонлар, белгилар 46-16, 50-26

Отламоқ اتلاماق Сакрамоқ, ҳатламоқ 71-23

Оҳан ф. اهن Темир 76-3

Падид ф. پدید Пайдо бўлган, кўриниб турган 1-14

Пайк ф. پیك Хабарчи, элчи 1-26

Паймона ф. پیمانه Қадаҳ 32-9

Пайрав ф. پیرو Эргашувчи, изидан борувчи 77-12

Пашм ф. پشم Жун 23-6

Пестон ф. پستان Кўкрак 23-20

Пироҳан ф. پراهن Кўйлак 27-3

Поён ф. پاین Чегара; охир; қуйи 28-3, 32-29, 60-5

Пой ф. پاي Оёқ 17-6, 21-3, 23-13, 44-20, 68-5, 68-8

Пос ф. پاس Риоя; эътибор, сақлаш 13-21, 50-7

Пур ф. پور Тўла, кўп 2-7, 9-19, 34-4, 44-12, 48-30, 48-33, 59-15,61-10, 66-1,79-13,79-15

Пўшида ф. پوشیده Махфий, яширин 6-11

Раг ф. رك Томир, қон томири 40-3

Ражо а. رجاء Умид 68-1, 68-2

Раият а. رعیة Бир ҳукмдорнинг қўл остидаги халқ; тобелар 39-6, 59-7

Райб а. ریب Гумон, шубҳа 5-1, 6-23, 8-1, 13-25, 23-5, 41-39

Раз ф. رز Ток, узум 65-21

Расан ф. رسن Арқон, арғамчи 51-2, 51-6

Рафоқат а. رفاقة Ўзаро дўстлик; ҳамроҳлик 66-2

Рафъ а. رفع Кўтармоқ 76-4

Раъй а. راى Қараш; хос фикр 13-28

Раъс а. راس Бош 68-2

Рах ф. رخ 1. Юз;Ёриқ 27-20, 27-19

Рахт ф. رخت Сафар юки 26-14

Реша ф. ريشه Илдиз, томир 32-32

Ризожў а.ф. رضاجو Розиликни хоҳловчи 72-10

Рифъат а. رفعة Юксаклик 35-5

Риш ф. ريش Соқол 66-11

Ришта ф. رشته Ип, каноп 26-8, 27-17, 28-32, 53-5, 56-12, 62-5

Роз ф. راز Сир 1-2, 14-7, 25-19, 26-42, 27-1, 45-6, 51-18, 65-7, 69-6

Рожий а. راجي Умидвор 18-24

Росих ф. راسخ Мустаҳкам, қаттиқ 56-20

Роҳ ф. راه Йўл 11-18, 26-17, 26-19, 28-4, 30-24, 32-25, 39-12, 41-44, 44-5, 44-12, 48-27, 51-1, 56-15, 58-3, 59-6, 68-4, 70-11, 81-1, 82-16

Ружум а. رجوم Тошотар асбоб(матнда: шайтонларга отилган тошлар) 70-6

Руст ф. رست Маҳкам, қаттиқ, мустаҳкам 61-14, 63-15

Рутба а. رتبة Мартаба; даража 9-22, 35-4

Рўд(руд) ф. رود Дарё 52-6

Рўз ф. روز Кун 19-1, 20-12, 23-3, 50-3, 77-5, 82-9

Рўзи ф. روزي 1. Кундалик овқат; 2.Тақдир 1-29, 1-31, 6-39, 50-18, 50-30

Рўй(рў) ф. روي Юз 1-21, 32-14, 39-24, 52-6, 62-34

Рўсиёҳ ф. روسياه Юзи қора 26-38, 57-30, 80-4

Сабз ф. سبز Сариқ 26-29

Сабуксайр ф.а. سبك سير Тезюрар, чаққон 45-14

Сабқат а. سبقت Олдинги, илгариги 5-4

Савб а. ثوب Кийим, либос 27-20

Савганд ф. سوكند Қасам 65-14

Савиййат а. سوية Тенг, баробар 41-15

Савоб а. ثواب Мукофот, ато (“Баъзи диний атама ва тушунчалар изоҳи” бўлимидаги савоб луғат мақоласига қаралсин) 9-22, 11-22, 11-25, 12-8, 16-12, 71-20, 75-17, 75-18, 75-30

Савоб а. صواب Тўғри, тўғрилик 16-12

Савод а. سواد Қоралик; хат-савод, ёзув 3-9

Савт а. صوت Товуш, овоз 57-21, 74-10

Садр ф. صدر Кўкрак, юрак; марказий ўрин, ҳурматли жой 46-15

Сайд а. صيد Ов 25-8, 46-10, 59-4, 62-6, 62-7

Сайлон а. سيلان Оқим; қуйилиб оқиш 14-5

Сайф а. سيف Қилич 63-16

Сак ф. سك Ит 63-27, 80-18

Сакрон а. سكران Мастлик 61-6

Саммон а. سمان Бедана 52-13

Санг ф. سنك Тош 23-6, 30-5, 81-2

Сангин ф. سنكين Оғир, вазмин, юкли23-6

Саннос سناس Синносий номли кофир қавм (“Ҳидоятут толибин”) 13-19

Саноч سناج Чарм халта, тулум, меш(маж. ошқозон маъносида) 48-7

Сарафроз ф. سرافراز Юксак, улуғвор 10-10, 18-12, 28-48

Сард ф. سرد Совуқ 27-25, 42-11, 66-9

Сарнигун ф. سرنكون Боши қуйи, эгилган 3-7, 17-3, 57-26, 64-2

Саръ а. صرع Тутқаноқ дардига чалинган киши 28-39

Сахт ф. سخت Қаттиқ 3-12, 7-23, 23-24, 24-4, 35-2, 52-35

Сақар а. سقر Дўзах 28-35

Саҳл а. سهل Осон, енгил 62-12

Сер ф. سير Тўқ; тўйган 1-5, 51-13

Сиво а. سوى Бошқа, ўзга 52-7

Сиёнат а. صيانة Ҳимоя 75-14

Сидра а. سدرة Нилуфар (Ван-нажм сураси, 13-14 оятларда бу ҳақда айтилган) 1-22, 10-6, 74-10

Сидқ а. صدق Тўғрилик; ростгўйлик (“Баъзи диний атама ва тушунчалар изоҳи” бўлимидаги сидқ луғат мақоласига қаралсин) 6-52, 7-15, 10-3, 10-5, 19-1, 25-11, 47-8, 63-16, 64-1

Сижн а. سجن Зиндон, турма 48-12

Сийм ф. سيم Кумуш 37-17, 37-18

Сийом а. صيام (бирл. сойим) Рўзадорлар; рўза тутиш 52-24

Сили ф. سيلى Шапалоқ, тарсаки 61-26

Сийла а. صلة Сийлов; совға 37-15

Сипар ф. سبر Қалқон 66-7

Сиришта ф. سرشته Қорилган, аралаштирилган 8-5, 17-9, 26-26, 32-15

Сирот а. صراط Йўл 20-1, 21-1

Сойил а. سائل Сўровчи, тиланчи 37-31, 42-3

Сол سال Сув юзасида оқим бўйича сузадиган қурилма (юк ёки одам ташиш мақсадида ёғочларни бир-бирига жипс боғлаб ясалади) 50-22, 50-23

Сол ф. سال Йил 50-22, 61-33, 82-9

Солор ф. سالار Аскар бошлиғи, аскар 77-5

Солик а. سالك Бирор сўфийлик маслагига мансуб, сўфийлик йўлини тутувчи киши 41-1, 70-12

Сотир а. ساتر Ёпувчи, беркитувчи 24-6

Солма سالمه Сиртмоқ 42-10

Соқий а. ساقى Май қуювчи 29-1, 30-1

Соҳв а. صحو Тиниқ, мусаффо 29-2

Субул а. سبل Йўллар 34-9

Суд ф. سود Фойда 16-9, 17-13, 23-2, 32-3, 32-27, 35-22, 52-8, 53-13, 55-4, 61-30, 75-16, 76-2, 79-18, 81-3

Сужуд а. سجود (бирл. сажда) Саждалар 28-34, 44-36

Сунмоқ سونماق Эгилмоқ 43-3

Сунъ а. صنع Яратмоқ 1-5, 35-27

Сухан ф. سخن Сўз, нутқ, ифода 42-25, 65-22

Суханрас ф. سخنرس Фаҳмли, мулоҳазали 44-32

Суханчин ф. سخن جن Ғийбатчи; чақимчи 65-22

Сўруғ سوروغ Сўралиш 80-25

Табақ а. طبق Қават 68-10

Табаҳ ф. تبه Хароб, бузуқ, вайрон 50-22, 71-1

Табдил а. تبديل Алмаштириш, ўзгартириш 33-3

Табор ф. تبار Қариндош; авлод; насл 80-26

Табъиййат а. تبعية Эргашиш, тобеъ бўлиш 28-32

Тавалло а. تولى Тилак; умид 80-1

Таварруъ а. تورع Қўрқинч, тақво 28-30, 34-8, 46-20

Таваҳҳум а. توهم Ўй, фикр, мулоҳаза 14-16, 14-17

Тавозуъ а. تواضع Камтарлик 48-25, 56-2, 80-18

Тавоно ф. توانا Кучли, қувватли; соғлом 1-6, 5-2

Тавф а. طوف Айланиш 28-25, 68-6

Тажарруд а. تجرد Дунёдан меҳрни узиб, охиратга боғланиш 41-2

Тазвир а. تزوير Алдаш, ҳийла, фириб 26-44, 28-7, 56-24

Тай а. طى Юриш, кезиш 30-5, 60-3, 81-12

Такаллум а. تكلم Сўзлаш, гапириш 54-12

Таквин а. تكوين Яратиш 6-2, 6-39

Талаттуф а. تلطف Мулойим, нозик муомала 19-29, 56-6, 56-7, 59-12, 61-22

Талл а. تل Дўнглик, тепалик 46-12

Талъат а. طلعة Зоҳир; кўриниш; юз 26-6

Тамаллуқ а. تملق Ялиниш, ёлвориш 3-4

Тамкин а. تمكين Оғир, вазмин 51-14, 76-10

Тамуғ تموغ Дўзах 7-18

Танида ф. تنيده Тўқилган мато; бўз 62-24

Тар ф. تر Ҳўл 73-6

Тараб а. طرب Хурсандлик, шодлик 26-59

Тараҳҳум а. ترحم Раҳм қилиш, марҳамат 18-17, 27-17, 56-11, 71-13

Тариқ а. طريق Йўл 7-4, 11-15, 28-1, 28-10, 41-19, 44-1, 48-31, 50-1, 52-1, 60-2, 66-1, 75-27, 77-11

Тарс ф. ترس Хавф, ваҳима 26-44, 28-35, 48-19

Тарсанда ф. ترسنده Қўрқмоқ 57-1, 57-6

Тасбиҳ а. تسبيح “Субҳаноллоҳ” калимасини айтиш (“Баъзи диний атама ва тушунчалар изоҳи” бўлимидаги тасбиҳ луғат мақоласига қаралсин)26-44

Таъвил а. تاويل Изоҳлаш 9-7

Таъзиб а. تعذيب Азоблаш, қийнаш 52-35

Тахаллуф а. تخلف Хилоф қилмоқ 11-15, 11-21, 28-11, 28-51

Таш تاش Ташқари 41-29, 44-8, 48-9

Тақи تقى Тағин, яна 6-40, 7-29, 8-7, 12-2, 13-9, 13-11, 13-16, 18-17, 35-24, 41-27, 41-32, 47-4, 57-16, 76-2

Таҳаййур а. تحير Ҳайратланиш 17-9

Тағанни а. تغنى Куй 61-18

Тоҳ ф. ته Таг, ост 32-29, 51-4, 62-4

Таҳаммул а. تحمل Тоқат, сабр, чидам 78-13

Таҳлил а. تحليل “Ла илаҳа иллаллоҳ” калимасини айтиш (“Баъзи диний атама ва тушунчалар изоҳи” бўлимига қаралсин) 26-44

Таҳт а. تحت Ост,таг 63-22

Тева تيوه Туя 1-30, 14-15

Телим تيليم Кўп 25-19

Тир ф. تير Ўқ 28-45, 50-28, 66-7

Тийрамоҳ ф. تيره ماه Куз 79-5

Тила تيلى Қайсар, аҳмоқ 48-14

Тифл а. طفل Чақалоқ 56-21

Тиши تيشى Хотин, аёл 8-3

Тоиб а. تائب Тавба қилувчи 32-30

Тойиб а. طيب Яхши, ёқимли 50-12, 64-13

Тозиёна ф. تازيانه Қамчи 35-31

Тонгла تانكله Эртаги кун (Охират, Қиёмат) 7-2, 18-23, 52-11, 54-26, 57-13, 61-23, 74-18, 80-25, 82-4, 82-16

Туз توز Тўғри 6-20, 6-48, 6-49, 11-11, 25-21, 35-16, 39-13, 45-12, 56-12, 63-3, 64-8, 64-9, 64-10, 65-16, 75-29, 82-16

Туймоқ تويماق Сезмоқ, ҳис қилмоқ 17-18, 44-13, 57-38

Туғён а. طغيان Ҳаддан ошиш 77-7

Тўлай تولای Кўп, тўла, бутун 3-7, 17-3

Тўтиё ф. طوطيا، توتيا Мис зангидан пайдо бўлган кристалл(тиббиётда кўз оғрига қарши ва кўз нурини равшан қилиш учун ишлатилган) 37-25, 48-27, 79-20

Убудиййат а. عبودية Қуллик 34-8

Ужб а. عجب Кеккайиш, манманлик 13-33, 71-12

Ужра а. اجرة Тўлов, ҳақ 7-5, 7-17

Уйанмоқ اويانماق Уйғонмоқ 32-19

Уйағлиғ اوياغليغ Уйғоқлик 48-2

Улув а. علو Олий 28-45

Умм а. ام Она 24-18

Ухравий а. اخروی Охиратга дахлдор 78-5

Уштур ф. اشتر (شتر – шўтўр) Туя 63-5

Уқба а. عقبة Оқибат, натижа, хотима 26-20, 46-12

Уқда а. عقدة Тугун, чигил; қийинчилик 26-56

Уқуд а. عقود Шода марварид 64-14

Уҳуд а. عهود (бирл. аҳд) Ваъдалар 26-47

Фавосил а. فواصل (бирл. фасл) Фасллар 1-4

Фавқ а. فوق Баланд, тепа, юқори 35-14, 63-22

Фаж فج Забун, паст 62-33

Фам а. فم Оғиз 23-22

Фарбеҳ ф. فربه Семиз, тўла 63-18

Фариқ а. فارق Фирқа, гуруҳ 7-4, 41-19, 42-35

Фаройиз а. فرائض (бирл. фарз) Фарз амаллар 44-29, 52-14, 52-27

Фард а. فرد Якка, ёлғиз 30-2

Фарзона ф. فرزانه Оқил 80-1

Фаръ а. فرع Шох; тармоқ 44-19

Фарқ а. فرق Бош маъносида 1-13, 1-37, 9-16, 17-6, 53-14, 57-27

Фаръ а. فرع (кўп. фуруъ) Тармоқ, шох 44-19

Фаш ф. فش Салланинг учи (саллалик матонинг ўрамдан ортган, осилиб турадиган қисми) 25-17

Фиол а. فعال Феъллар 82-2

Фирақ а. فرق Фирқалар 41-44

Фожир а. فاجر Бузғунчи 12-7

Фўру ф. فرو (فروآمدن) Ботмоқ (ой ёки қуёш ботиши) 13-11, 53-3

Фўта فوته Ипак ўрама белбоғ 63-15, 80-35

Хаб خب Сукут қилмоқ (“Иршодул оизин” шарҳи ва “Саботул ожизин”нинг “Гунбади қобус-Ҳожи Тиллойи” Теҳрон нашрида шундай изоҳланган) 41-8

Хайл а. خيل 1. Ўй-хаёл; 2.Гуруҳ, тўда 32-31, 69-2

Халта а. خلطة Аралаш, аралашма 75-16

Хам ф. خم Эгилган, букилган 23-8, 48-14, 48-25

Хамр а. خمر Маст қилувчи ичимлик 1-34, 26-15, 55-2, 57-33

Хар ф. خر Эшак 41-12, 51-17, 62-15

Харвори ф. خرواري Бир эшак кўтарарлик юк (ўлчов бир.) 62-15

Хардал а. خردل Хантал (горчица) 29-8, 52-16

Харқ а. خرق Йиртиқ (матнда харқи одат, хориқи одат–“одатдан ташқари, фавқулодда” маъноларида келган) 13-22

Хасим а. خصيم Душман, рақиб37-18

Хатопўш а.ф. خطابوش Хатоларни ёпувчи 34-12

Хашм ф. خشم Аччиғланиш, ғазаб 23-6, 57-2

Хашхош а. خشخاش Кўкнори ўсимлиги, кўкнори уруғи 80-19

Хеш ф. خيش Қариндош, ошна 26-14, 80-27

Хижлат а. خجلة Хижолат 25-23

Хирадманд ф. خردمند Ақлли, доно 24-7, 28-28, 42-8, 54-5, 57-15, 65-14, 71-14

Хифа а. خيفة Қўрққан ҳолда 57-7

Хишт ф. خشت Ғишт 42-21

Хоб ф. خاب Уйқу 82-12

Хоиф а. خائف Хавфдаги киши 61-1

Хома ф. خامه Қалам 57-16, 82-11

Хон ф. خوان Дастурхон 25-21

Хора ф. خاره Қаттиқ тош(гранит) 26-23, 48-32

Хориқ а. خارق Одатдан ташқари, фавқулодда 13-2, 13-3

Хосийят а. خاصيت Ўзига хос хусусият 35-16

Хотам а. خاتم 1. Муҳр, имзо ўрнига мактуб охирига босиладиган ва мактуб эгасининг номи ўйилган тамға(бу тамға кўпинча узукнинг кўзига ўрнатилган); 2. Узукнинг кўзи; 3. Сўнгги, охирги 9-2

Худнамо ф. خودنما Шуҳратпараст, мақтанчоқ 13-13

Хужаста ф. خجسته Қутлуғ 76-6

Хуллат а. خلة Муҳаббат 60-3, 78-11

Хунбор ф. خونبار Қонли ёш, аччиқ йиғи 27-19

Хунса а. خنثي Хунаса 26-47, 51-13

Хурдон ф. خوردان Кичиклар, болалар 23-8

Хуруж а. خروج Чиқиш 2-9

Хитта а. خطة Жой, ер 77-9

Хушк ф. خشك Қуруқ, қуруқлик 1-36, 32-33, 60-4

Хўб ф. خوب Яхши, чиройли 7-17, 13-21, 14-16, 32-5, 35-14, 35-17, 35-32, 44-15, 47-4, 50-31, 51-2, 54-16, 57-3, 63-2

Хўй ф. خوی Қилиқ, феъл, табиат 42-24, 43-1, 62-34

Хўша ф. خوشه Бошоқ 37-7

